

«ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ  
«ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ» МУЗЕЙИ

---

**НАИМ КАРИМОВ**

# ЧЎЛПОН

*Маърифий роман*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2003

**Каримов Наим.**

Чўлпон: Маърифий роман. — Т.: «Шарқ», 2003. — 464 б.

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ўзбек халқининг XX асрда етишиб чиққан улуғ сиймоларидан биридир. У нафақат улкан шоир, носир, драматург ва таржимон, балки ўзбек халқини истиқлол манзиллари сари етаклашга интилган сиймо сифатида ҳам биз учун ғоят қадрлидир.

Қўлингиздаги китоб муаллифи узоқ йиллар мобайнида турли архивларда ишлаш, Чўлпоннинг қариндош-уруғлари ва замондошлари билан суҳбатлашиши асосида шоирнинг ҳанузга қадар қоронғи бўлиб келган ҳаёт ва ижод йўлини тиклашга эришган.

Нашриёт Чўлпон ҳақидаги янги факт ва маълумотлар билан тўла ушбу маърифий романнинг китобхонлар томонидан қизгин кутиб олинishiга умид билдиради.

**ББК. 84(5У)**

## ДЕБОЧА

*«Хаёл, хаёл... Ёлғиз хаёл гўзалдир...»*

Чўлпон бир шеърини шундай сўзлар билан бошлаган. Ва дарҳол дилини ўртаб турган фикрни қоғозга туширган: «Ҳақиқатнинг кўзларидан кўрқаман», деб.

Унинг Ҳақиқат Кўзларидан кўрқиши ажабланарли эмас. У яшаган даврнинг, уни ямлаб ютган даврнинг кўзлари — шу давр тизгинини ўз қўлига олган фирқанинг кўзлари қонга, ер-суви, мол-мулки тортиб олинган бойларнинг кўзлари алам ва ситамга, Беломорканалдан тортиб Колимага қадар чўзилган азобгоҳларга бадарға этилган ва ўнг келган ерда отиб ташланган бегуноҳ кишиларнинг кўзлари фарёд ва фиғонга, тонгдан то қора шомга қадар тер тўккан меҳнат аҳлининг кўзлари эса нола ва илтижога тўла эди. Ана шу кўзлар у кўрган, у кўрққан Ҳақиқатнинг Кўзларидир.

*«Хаёл, хаёл... Ёлғиз хаёл гўзалдир...»*

Мен бу сўзларни ўқир эканман, Чўлпоннинг мутаржимлик қаламидан тўкилган қуйидаги сатрлар хотирамга келади:

«Дунёда энг яхши нарса — куннинг туғилишини кўрмак!

Кўқда қуёшнинг биринчи шуъласи туташди; тун қоронғилиғи секин-секин тоғ жилғаларига ва тош ёриқларига, дарахтларнинг қуюқ барглари орасига, шабнам еган кўкатлар тўрига беркинмақда; тоғ тепалари эса меҳрибон бир табассум билан кулумсираб, кечанинг майин кўланкаларига демакчи бўлардики:

— Кўрқмангиз, бу — қуёш!»

Чўлпонларни яратган, бўғиб ўлдирган ва ботиши олдида улар хотирасини эъзозлаган XX аср ҳам яқунланди. Асрнинг ботиш олдида, гуруб оғишидаги қуёшдек, алвон нурлар билан порлаб юбориши эртанги куннинг — XXI асрнинг хайрли келишидан нишона

эди. Шунинг учун ҳам унинг XX аср бағрида туғилиб боришини кузатишнинг ўзиёқ завқли:

*«... Денгиз тўлқинлари оппоқ бошларини баландларга кўтариб, сарой гўзаллари ўз қиролларига салом бергандай, эгилиб борадилар-да:*

*— Эй гунё подшоҳи, сизни саломлаймиз, — дейдилар.*

*Яхши кўнглили қуёш кулади, бу тўлқинлар туни бўйи ўйинга тушиб, пир-пир айланиб чиқдилар, энди, мана — тоза уринганлар; яшил кийимлари ғижимланиб, барқут шокилалари ўралашиб кетган.*

*Қуёш денгиз устига кўтариларкан:*

*— Кун ойдин! — дейди».*

Абдулҳамид Сулаймон ўғли эндигина адабиёт оламига кириб келаётган бир даврда унинг келажакда қандай шоир бўлишини сезган донишманд замондошларидан бири унга «Чўлпон» тахаллусини бахшида этган эди. Чўлпон машаққатли ҳаёти ва ижоди билан унинг порлоқ умидини оқлаб, Тонг юлдузи ўлароқ қоронғи даврни ёритиш ва мудроқ халқни уйғотишга интилди. Ва унинг интилишлари зое кетмади.

Бугун Ўзбекистон осмонида Истиқдол қуёши порлаб, она юртимизда кечаётган улкан ўзгаришлардан XXI асрнинг, умид қиламизки, ўзбек халқи учун хайрли асрнинг нафаси эсмоқда.

Келинг, янги аср қуёшидан тушаётган дастлабки шуъалалар қаршисида «Кун ойдин!» деяйлик, илоҳим, XXI аср хайрли келсин, истиқдол йўлида мардона курашган Чўлпон сингари улуғ аждодларимизнинг орзу ва армонлари рўёбга чиқиб, осмонидан Истиқдол офтоби нур сочаётган ўзбек диёри гул-гул яшнасин, халқимиз дастурхонига қут-барака кирсин!

# Биринчи фасл

## УЙҒОНИШ

*Нечун очилди кўзим, қайга кетди уйқуларим?  
Бу уйғонишда тўлиб-тошди, ошди қайғуларим.*

Чўлпон.

## Зилзила

Андижон — Фарғона водийсининг Ҳизр қадами теккан масканларидан бири. Бу ерда кўплаб ажойиб қисмат ва истеъдод соҳиблари яшаб ўтганлар. Бобуршоҳ, Шоҳ Машраб, Нодирабегим сингари машҳур сиймолар шу заминда улғайиб, етти иқлимга донг таратганлар.

Шаҳарлар фақат улкан арбобларнинг бешикларигина эмас. Одамзодни лол қодирадиган қандай воқеа рўй берса, шу воқеа шаҳарлар тарихидан ҳам жой олади. Ва шу воқеа, бепоён дашт ичида ўсган ёлғиз чинордек, қандайдир белги ё марра вазифасини ҳам ўтайди. Шу маънода 1902 йил Андижон зилзиласи ўша йилнинг 3 декабрида содир бўлган фалокатнигинина эмас, балки, кимларнингдир туғилган, уйланган, фарзанд кўрган ё вафот этган санасини ҳам англатади.

Ўша қиш куни, эрталаб соат 10 да элик минг аҳолиси бўлган шаҳар бир неча дақиқа ичида вайронага айланди-қолди. Аҳоли яшайдиган уй-жойлар ҳукумат идоралари ва чор қўшини ўрнашган бинолар ҳамда темир йўл иншоотларига зилзила келтирган зарарлар, ўша давр чўтига солганда, салкам 12 миллион сўмни ташкил этди. 4 минг 652 киши вайроналар тагида қолди. Бундай даҳшатли кучга эга бўлган зилзила бундан 280 йил муқаддам юз берган экан.

Фарғона водийсида 280 йил аввал рўй берган зилзила ҳақида тарихий манбаларда бундай маълумот учрайди:

*«Намангандан 15 чақирим қуйроқда, Сирдарёнинг баланд бир қирғоғида жойлашган ҳозирги Аҳси қишлоғининг ёнида бир пайтлар кенг-мўл, гуллаб яшнаган Аҳси ёхуғ Аҳсикент деган шаҳар бор эди. У Фарғона водийсининг энг қадимий ва айни пайтда энг нуфузли шаҳри эди.*

*...Улкан дарахтлар илғиз-пилғизлари билан ерга ағдарилиб тушди. Кучли ва тез-тез бўлиб турган зилзиладан бинолар қулаб, кўлаб аҳоли вайроналар тағида қолиб кетди ва ҳалок бўлди; қанчадан-қанча кишиларнинг қўл-оёқлари синди. Молларнинг юраги ёрилиб, қирга қочиб кетди. Авом бу ҳодисани кўриб, қиёмат соати келди, деб ўйлаб, қилган гуноҳларидан пушаймон бўлиб, Оллоҳ таолодан афв этишни сўраб ёлборди.*

*Олти ой давомида зилзила шу таҳлитда такрорланиб турди...»*

3 декабрь куни рўй берган ва Андижонни тептекис қилиб ташлаган зилзила эса бор-йўғи бир неча дақиқа давом этди, холос.

*«Кучли тебранишлар, кейин эса тинимсиз силкинишлардан, — деб ёзди «Туркестанские ведомости» газетаси, — оёқда тик туришнинг иложи бўлмади; шипдан тўкилиб тушаётган ганч парчаларининг шовшуви, синган тоқиларнинг шовқини, қулаётган деворларнинг ваҳимаси худди ер тағида отилган тўп наъраларидек даҳшатли товуш аҳолига шундай таъсир этдики, унинг хаёлига келган бирдан-бир хоҳиш қочиш эди. Барча шаҳарликлар вокзал сари югурдилар...»*

*...Эски шаҳардаги вайронагарчилик янада ваҳимали эди. Рамазон ойи бўлганлиги учун аксар маҳаллий аҳоли тунги бедорликдан кейин донг қотиб ухлаб ётган эди. Улар вафлатда қолиб, вайроналар тағида тириклайин кўмилдилар...»*

Ана шу даҳшатли табиий фалокат юз берган вақтда ушбу китобимиз қаҳрамони, замондошларнинг сўзларига қараганда, тўрт ёшда эди. Агар ана шу оғзаки маълумотга суянсак, Чўлпон 1898 йилда туғилган бўлиб чиқади. Шоирнинг яқин-яқинда ҳам ҳаёт бўлган синглизиси Фойқа аянинг айтишига кўра, тўрт ёшли бола ўша вақтда подшолар ҳам пиёда борадидан жойда бўлган. Шу пайт шипдан ногоҳ отилиб тушган шох унинг бошини гурра қилган. 1902 йил Андижон зилзиласи Чўлпоннинг бошида шу тарзда бир умрлик муҳр

қолдирган. Яна Фоиқа аянинг айтишига кўра, Чўлпоннинг мучали сак бўлган, яъни у бу мучалга кўра ҳам 1898 йилда туғилган бўлиб чиқади. Ушбу маълумотни шоирнинг мучалдош ҳамшаҳари Улфат (Имодиддин Қосимов) ҳам ҳаёт пайтида тасдиқлаган. Лекин бу маълумотларнинг ҳаммаси оғзаки мақомга эга. Хужжатлар эса бошқа санани бизга тавсия қилади. Бу сана — 1897 йил — ҳозир илм томонидан қабул қилинган. Чўлпон ҳақидаги барча ёзма манбалар — қомусий адабиёт ва 1937—1938 йиллардаги тергов материалларида унинг таваллуд санаси 1897 йил, деб қайд этилган ва шоир шу фактнинг тўғрилигини ўз имзоси билан тасдиқлаган.

Лекин кекса авлод вакиллари яхши билишадикки, паспорт олиш расм бўлган 20-йиллар охири — 30-йилларнинг бошларида кишиларнинг нафақат туғилган санаси, ҳатто исм-шарифини ёзишда ҳам қўпол хатоликларга йўл қўйилган. Шунинг учун ҳам кексалар, паспортдаги маълумотдан кўра, мучалга кўпроқ ишонч билдиришган. Дарвоқе, Чўлпон билан «Садои Туркистон» газетаси ўртасида алоқа ўрнатилганда, чамаси, таҳририятнинг илтимоси билан ёш шоир ўз ёшини маълум қилган. Таҳририят газетанинг 1914 йил 18 апрель сонисида унинг «Туркистонли қардошларимизга» шеърини эълон қилар экан, бундай сўзларни муштарийлар эътиборига ҳавола қилган:

*«Дунёнинг қайси бир четига кўз солсак ва қайси миллатнинг саодати, ривожу ва тараққийси учун бошлаб шу миллатнинг ёшлари ва ёш фикрли қаҳрамонлари сабаб бўлмакдагидирлар. Оларнинг ёш кўнгиллари ҳар бир нарсадан ғолиб бўлуб, вафлат, жаҳолат қалъаларини зўр ила уриб йўқ қилмак орзусида бўлур... Бундай ёшлар ҳар бир мамлакатда, озми-кўп, ўзига яраша бордир. Алҳамдулиллоҳ, бизни Туркистон турклари орасида ҳам шундай ёш фикрли болаларимиз кўринмакка бошлади. Далил учун ўшли 12 яшар М. Санжарбек афанди ила андижонли 15 яшар Абдулҳамид афандини кўрсатув етса керак...»*

Бу сўзлардан аён бўлишича, Абдулҳамид илк шеърлари биланоқ Убайдулла Хўжаев ва Мунаввар қори Абдурашидов сингари машҳур маърифатпарвар алломалар эътиборига тушиб, уларда ўз келажагига нисбатан катта умид уйғотган. Ана шу умид туфайли улар Абдулҳамиднинг ёши билан қизиқишган.

Агар 1914 йили Абдулҳамид 15 ёшда бўлган бўлса, унинг туғилган санаси ё 1899 йил, ёхуд 1898 йилнинг 21 мартига қадар бўлиб чиқади. Орадан бир неча ой ўтгач, ўша газетанинг ўша йилги 24 сентябрь сонидан андижонлик «16 ёшлик талаба»нинг Исмоил Гаспринский вафоти муносабати билан ёзган шеъри босилган. Сўнгги байтдаги «Ҳамидий» тахаллуси шеърнинг Абдулҳамид Чўлпонга мансуб эканлигидан далолат беради. Ва бу факт унинг 1898 йилда туғилганлигини кўрсатади.

Кези келганда, яна бир хотирадан иқтибос келтирайлик.

Чўлпонни яхши билган замондошларидан бири Мўминжон Муҳаммадҷонов «Турмуш уринишлари» номли хотира-романида шоир билан 1916 йилнинг кунда бўлиб ўтган илк учрашувини тасвирлаб, «У ўн етти-ўн саккиз ёшлар чамасигаги... йигитча экан», деб ёзган. Бу маълумот ҳам «Чўлпон 1898 йили таваллуд топган», деган фикрни англатади.

Агар ота-боболардан қолган мучал ҳисоби билан бу фактларни бир қаторга қўйсақ, Чўлпоннинг шу вақтга қадар айтганимиз 1897 йили эмас, балки 1898 йилнинг 21 мартига қадар бўлган вақтда дунёга келгани маълум бўлади.

Шундай қилиб, Чўлпон 1898 йили Андижон шаҳрининг Қатортерак маҳалласида, ҳозирги Навоий кўчаси кесиб ўтган жойда туғилган ва Андижон зилзиласи рўй берган вақтда тўрт ёшда бўлган. Агар бундан 280 йил муқаддам Фарғона водийсини ларзага келтирган зилзила бошқа бир буюк андижонлик шоир Машраб номи билан уйқаш бўлса, 1902 йилги Андижон зилзиласи бахти қаро шоир Чўлпоннинг туғилгани ҳақида, кечикиб бўлса-да, дарак бергандек туюлади.

Чўлпон Сулаймонқул мулла Муҳаммад Юнуснинг тирик қолган тўрт фарзанди орасида тўнғичи эди. Ундан аввал туғилган бир ўғил билан бир қиз гўдаклик пайтидаёқ бу дунё билан хайр-хўш қилишган. Армонли ота-она учинчи фарзандларини не-не умид ва хавотирлик билан кутишган. Ниҳоят, у дунёга келган. Худди ўша дақиқада улар яшаган ҳовлига бир тиланчи лўли кириб келган. Сулаймонқул баззознинг онаси Тожи буви ирим-сирим қилиб, янги туғилган чақалоқнинг киндигини кесишни шу аёлдан сўраган. Аввалги икки невараси турмагани сабабли, жони қаттиқ бўлсин, деб лўлининг қўлига теша тутқазган. Хуллас,



лўли бечора чақалоқни остонага ётқизиб, киндигини теша билан чопган.

Бундай ирим «маросим»идан кейин ота чақалоқ қулоғига Абдулҳамид деб азон айтган бўлса ҳам хотин-халажлару қўни-қўшнилар алламаҳалгача гўдакни Тешавой деб аташган. «Тарихий воқеа»нинг иштирокчиси бўлган лўли хотин ҳам Абдулҳамид улғайгунга қадар «Тешавой омон-эсон юриптими?» деб хонадондаги туз-насибасини олиб-кетиб турган.

Абдулҳамиднинг отаси Сулаймонқул Андижоннинг кўзга кўринган обрўли ва бадавлат кишиларидан бўлиб, газлама савдоси билан шуғуллангани учун ҳамшаҳарлари ўртасида Сулаймон баззоз номи билан машҳур эди. Онаси Ойша ая эса Қипчоқбойнинг қизи бўлиб, хат-саводсиз бўлишига қарамай, тагли-тугли, оқ-қорани таниган, зеҳн-фаросатли, кўпгина халқ қўшиқлари-ю мақол ва маталларини билгувчи аёл эди.

*«Акамнинг, — деб ҳикоя қилган эди Фоиқа ая, — ота ва она томондан боболари Ўш вилоятига қарашли Ёрқишлоқдан бўлиб, улар узоқ даврлар мобайнида бобончилик билан шуғулланганлар. Акам нима учундир кўпинча Бедил номини тилга олиб:*

*Чўлпон чопони завроқ ўзбекнинг ўғлидир,  
Бедил сулоласидан — асли тўғридир,*

*деган байтни айтиб юрар эди. Мен алламаҳалгача бизнинг ота-боболаримиз улуғ форс шоири Бедил сулоласидан бўлса керак, деб ўйлаб юрар эдим. Аммо кейинроқ билсам, ота-боболаримизнинг еттинчи бўғинида Мирза Бедил деган бошқа бир киши ўтган экан. Акам ана шу ҳурматли кишининг сулоласига мансуб эканлигимизни ўзининг бир шеърда баён қилган ва бояги байт шу шеърдан олинган экан.*

*Биз болалик пайтимизда Ёрқишлоқда нимадир сабаб бўлиб жанжал-сурон кўтарилган. Бошқа қишлоқ аҳли қатори биз ҳам қувғинга учраб, қишлоқдан қочишга мажбур бўлганмиз. Адирга чиқиб, қапа тикиб, деҳқончилик билан шуғулланганмиз».*

Фоиқа ая Ёрқишлоқда кўтарилган сурон сабабини билмаса ҳам унинг мустамлакачилик сиёсати оқибатида рўй берганини сезиш қийин эмас. Агар «Кеча ва кундуз» романида тасвир этилган воқеаларни назардан ўтказсак, нойиб тўранинг Мирёқубга айтган қуйи-

даги сўзлари ёдимизга тушади: «Тоғ томонда оломон кўзғолон кўтариб, бир-иккита амалдорникига ўт қўйибди. Эртага тушдан кейин, ёнимга аскар олиб, чиқиб кетаётирман. Бугун ҳам ўн етти кишини ушлаб келтирдилар. Оломон кутурган, дейди».

Нойиб тўранинг «ёнига аскар олиб», кўзғолон кўтарган қишлоқларга чиқиши билан ўнлаб Ёрқишлоқлар култепаларга айлантирилган, ерли аҳоли эса сувсиз адирларга қувилиб, асрлар давомида яшаган жойларидан бадарға қилинган. Сулаймон баззознинг отаси Муҳаммад Юнуснинг ҳам ота-юртни тарк этиб, Андижонга омад излаб келганининг сабаби шунда бўлса ажаб эмас.

Сулаймон баззозга ота касби деҳқончилик билан шуғулланишдан кўра тиждорат ишларига ўтиш истиқболлироқ кўринди. Унинг ақл-идоки, фаҳм-фаросати шу йўналишда кўпроқ самара берди. Кўп ўтмай, бири икки бўлди. Бора-бора савдо-тиждорат доирасини шимолдан Оренбург, шарқдан эса Қашқарга қадар кенгайттирди. У ҳатто Масковдан ҳам мол олиб келтирадиган бўлди.

Фоика аянинг хотиралашига кўра, Сулаймон баззознинг мучали сак, Ойша аянинг йили эса гов бўлган. Демак, Сулаймон баззоз 1874 йили, онаси эса 1880 йили дунёга келганлар. Улар жами 14 фарзанд кўрган бўлиб, шулардан тўрттаси омон-эсон ўсган. Абдулхамиддан кейинги учала фарзанд ҳам «ҳолва»\*: Комила (1902), Фозила (1905) ва Фоика (1908). Шўролар даврида таланган ва жабрланган бу оиланинг фақат сўнгги икки аъзосигина акалари Чўлпоннинг қайта тирилганини кўриб, 90-йилларнинг бошларида ҳаётдан рози бўлиб ўтди.

Сулаймон баззознинг бир ота ва онадан Абдужабор ва Абдурахмон, ўғай онадан эса Муҳаммад Ориф, Муҳаммад Аюб ва Муҳаммад Усмон деган инилари бўлган. Уларнинг уйи ҳозир Навоий кўчасидаги «Ямбол» дўкони жойлашган ерда эди. Бу уйдан пастроқда — Қўтонариқда эса уларнинг боғ-ҳовлилари бўлган. Боғнинг ўртасида ҳовуз бўлиб, унинг зилол кўзгусида турли-туман мева дарахтлари акс этган; ўрик, олма ва шафтолилар сузиб юрган. Тор кўчадан кирганда, сўл томонда меҳмонхона бўлиб, ундан даҳлиз орқали дўкон-

---

\* «Ҳолва» — қиз деган маънода.

га ўтилган; дўконнинг ўнг деворидаги эшик турар жойга очилган; бу хонага ёнма-ён тушган уйни Сулаймон баззоз ўгли Абдулҳамидга хатлаб берган, унинг ёнидаги қатор уйларда эса Абдужаббор ака, Абдурахмон ака ва Муҳаммад Ориф акалар истиқомат қилишган. Замона зайли билан, дегандек, Чўлпон Андижонда кўп яшамади, кимдир барвақт омонатини тангрига топширди, баззоз эса куни кеча бой бўлгани учун исканжага олинди. Шу тарзда шукуҳли хонадон секин-аста тўкилиб, унда рус, татар ва немис миллатига мансуб кишилар яшай бошладилар.

Камина турли-туман ҳужжатгоҳларда изланар эканман, Сулаймон баззознинг мол-мулки билан боғлиқ бир маълумотни учратдим. Ўзбек театрининг илк намояндаларидан бири Лутфихоним Саримсоқованинг турмуш ўртоғи Муҳаммаджон Тожизода ўз ҳаёт йўлини эслаб, миллий санъатимиз тарихчиларидан бирига бундай деган:

*«Мардикорликка олиниб, Двинск (Петроград вилояти)га уч ойга юборилдим. Тўққиз ой геганга (мардикорлар) иш ташлаб, забастовка қилдилар. «Сизларни ватанингизга қайтарамиз», деб 300 кишидан иборат гуруҳни Витебск-Николаев-Одесса орқали Бессарабияга юборишди. 1917 йилнинг июлидагина Андижонга қайтиб келиб, рабочий комитетга котиб бўлиб ишга кирдим».*

Тожизоданинг бу сўзларидан маълум бўлишича, Двинскда инқилобий кайфиятдаги руслар ҳам бўлишган ва мардикорларнинг бир қисми, шу жумладан, унинг ўзи ҳам шулар таъсирига тушган. Шунинг учун Андижонга етиб келишлари билан улар большевиклар тегирмонига сув қуя бошлашган.

Тожизода давом этиб, деган:

*«Кўп ўтмай, Андижонга Тошкентдан большевиклар отряди етиб келган ва рабочий комитетдан совдеп (ишчи ва солдат депутатлари кенгаши — Н. К.) тузилган. Усмон Бабишев деган бир татар унга раис этиб тайинланган, мен эсам унинг ҳузурида котиб бўлиб қолганман. Бизнинг ишчи партиямиз халқ Таъсис мажлисидаги рўйхат асосида «тўртинчилар» деб юритилган.*

*Андижонга келган большевиклар отряди бойларни қамоққа олиб, совдеп тузилганидан кейин контрреволюция юз бошли босмачилар қиёфасида бош кўтарди. Бойлар, муллалар, эшонлардан мадаг, хориждан — инг-*

лизлардан эса қурол олган босмачилар асосий кураш тўғриси «тўртинчилар»га, яъни большевикларга қаратдилар. Курагу кўкраклари ва белларига патронтажларни, елкаларига қирқма милтиқни осган, белбоғларини бошларига ихчам салла қилиб боғлаган, ғазовот белгиси бўлмиш яшил шойи чопон кийган босмачилар қишлоқ чойхоналарида ястаниб олиб, дутор жўрлигида бундай лапарлар айтарди:

Бой акамлар отдими,  
«Тўртинчи»ни тутдими,  
Ҳаром қони тўқдими,  
Омон бўлайлик!

Шундай бир пайтда совдеплар ҳузурида мардикорликдан қайтган кишилардан иборат партизанлар отряди тузилди. Мен ҳам шундай отрядга кўнглили бўлиб ёзилдим. Биз уч ой мобайнида биринчи гильдия савдогари, бой Сулаймон баззоз (Чўлпоннинг отаси)га қарашли мусодара этганимиз катта саройда ҳарбий тайёргарлик ишларини олиб бордик».

Шундай қилиб, Февраль инқилоби билан Октябрь тўнтаришининг орасидаёқ, большевиклар Сулаймон баззознинг газлама ва бошқа мол-мулклари сақланадиган саройни тортиб олдилар ва секин-аста унинг оиласини ўз ватанидан сиқиб чиқардилар.

\* \* \*

Модомики, камина Чўлпоннинг илк қадамлари билан бирга у туғилган ва яшаган муҳитни ҳам тасвирлаш вазифасини ўз зиммамга олган эканман, шоир шажарасини четлаб ўтишим инсофдан бўлмас. Гарчанд бу масала андижонлик адабиётшунос олим Ҳамидулла Болтабоев ғайрати билан ўрганилган ва оммалаштирилган бўлса-да, унинг ушбу китобдан ҳам ўрин олиши табиий.

«Шоирнинг синглиси Фоика аянинг хотирлашича, — деб ёзган эди олим, — уларнинг шажараси қуйидаги силсиладан иборат бўлган. Чўлпоннинг отаси Мулла Сулаймонқул баззоз, унинг отаси Муҳаммад Юнус, унинг отаси Абдурасул бўзчи, унинг отаси Дўстмат сўфи, унинг отаси Ражаб сўфи, унинг отаси Эрка сўфи бўлган эканлар. Силсиладаги исмларнинг номланишидан сезиладики, Чўлпоннинг аждоғлари ҳам асосан зиёли ва

давлатманг кишилар бўлишган. Бу силсиланинг яшаш ўрни асли Андижонда бўлиб, сўнгра Абдурасул бўзчи Уш яқинидаги Ёрқишлоққа кўчиб борган».

Чўлпон аждодлари ҳақида сўз борганда, «зиёли ва давлатманг кишилар» деган таърифдан кўра, уларнинг руҳонийлар, аниқроғи, масжидда азон айтувчи кишилар бўлганини айтиш тўғрироқ бўлади. Бундай кишилар диний адабиёт ва халқ китобларидан озми-кўпми хабардор бўлганлари учун уларни маълум маънода зиёли, дейиш мумкин. Лекин улар, масалан, мадраса муаллимларидек, мукамал исломий билимга эга бўлишмаган. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида эшон этагини ушлаб, унга кўр-кўрона сажда қилган қаҳрамонни сўфилар қавмидан танлаши бежиз эмас. Агар бундай кишилар давлатманг бўлганларида, сулоланинг тўртинчи бўғинига мансуб Абдурасул бўзчи Ёрқишлоққа кўчиб кетмаган ва бўзчилик билан шуғулланмаган бўларди.

Шундай қилиб, Чўлпоннинг бизга маълум бўлган энг улуғ бобоси. Эрка сўфи, катта бобоси Ражаб сўфи, ўртанча бобоси Дўстмат сўфи асли андижонлик бўлиб, ота-боболаридан қолган уй-жойда яшашган. Кичик бобоси Абдурасул Дўстмат ўғли эса отамерос касбдан воз кечибгина қолмай, ота уйини ҳам тарк этиб, Ёрқишлоққа бош олиб кетган. Бунинг сабаби, чамаси, шу сулола вакилларига мансуб қайсарлигидир. Абдурасул бўзчи отаси Дўстмат сўфи билан мураса қила олмаганидан кейин ҳозирги Булоқбоши туманига кўчиб кетишга мажбур бўлган. Унинг ўғли, Чўлпоннинг Абдурасул бўзчидан кейинги бобоси Муҳаммад Юнус эса Ёрқишлоқда туғилган.

Абдурасул бўзчи Ёрқишлоққа кўчиб борганидан кейин бошқа оила қурган. Неваралар ўртасида Сарик эна деб ном олган бу аёлдан икки ўғил билан бир қиз туғилган. Агар Муҳаммад Сидик, Абдукаримбой, Муслима бону деган бу фарзандларнинг, шунингдек, бўзчининг биринчи хотини Қурбон бибидан туғилган Муҳаммад Юнус, Муҳаммад Солиҳ, Муҳаммад Розик ва Саодат бибининг номларига эътибор берсак, сўфилар сулоласида маърифат сари кескин бурилиш юз бергани ва улар дастурхонига қут-барака кира бошлагани равшанлашади. Дўстмат сўфига нисбатан тадбиркор, оқил ва ориф бўлган Абдурасул бўзчи сулолани ана шу тарзда янги изга солиб юборди.

Аммо Абдурасул бўзчининг биринчи хотини Қурбон биби бешинчи фарзанди — Ҳамробибини туғиш пайтида вафот этади. Бу мусибатли хабарни эшитган марҳуманинг акаси Мулла Холмат Охунд Ёрқишлоққа етиб келганида, янги туғилган гўдакнинг охурда ётганини кўради ва ўтай она ихтиёрида қолган жиянларининг аянчли тақдирга тушиши мумкинлигини сезиб, уларни олиб, Андижонга қайтади.

Мулла Холмат Охунд ҳали она кўкрагидан баҳра олмаган норасидани Андижонга эсон-омон олиб келиши лозим эди. Шунинг учун ҳам у Ёрқишлоқдан чиқиб, Шаҳрихонсой бўйига етиши биланоқ эмизикли аёлни ахтаришга тушган. Оч гўдакнинг чинқирган йивисини эшитган аёллардан бири эмизикли бўлгани учун норасидани иссиқ бағрига босиб, унга озуқа берган. Мулла Холмат ўша аёлнинг ўғли билан Ҳамро биби шу кундан бошлаб ака-сингил бўлди, деган хайрли ниятда улар эшигига белги қўйиб, йўлида равона бўлган.

Шу тарзда Муҳаммад Юнус тоғасининг Қатортерак маҳалласидаги ҳовлисида улғая бошлаган. Вояга етгач, Мулла Холмат Охунднинг акаси Исомидиннинг набираси Тожи биби Матқосим қизига уйланган. Тожи бибининг бефарзанд холаси эса Ҳамро бибини ўз тарбиясига олган.

Йиллар карвони ўтиб, Ҳамро биби ҳам вояга етганида, уни Аҳрор ҳожи Мавлонбой ўғлига узатадилар. Мавлонбой Тошкентнинг Чифатой даҳасида таваллуд топган бўлиб, Худоёрхонга қарши исёнда қатнашгани учун Андижонга бадарға қилинган. У дунёга келиб оққорани танигани, яхши билан ёмонни ажратгани учун, Аҳрор ҳожининг кутилмаган ўлиmidан кейин, оёққўлли, меҳридарё келинни Қипчоқбойга — ҳали оила кўрмаган фарзандига никоҳлаб беришади. Қипчоқбой билан Ҳамро биби никоҳидан уч қиз билан бир ўғил дунёга келади. Булар — Биби Собира, Биби Ойша, Биби Сожида ва Турдивойлардир.

Хуллас, чархи фалакнинг айланиши билан Муҳаммад Юнуснинг фарзанди Сулаймон баззо аммаси Ҳамро бибининг иккинчи қизи — Биби Ойша ила томида лолақизғалдоқлар билан бирга тиканлар ҳам ўсувчи турмуш биносини қуради.

Муҳаммад Юнус Мулла Холмат Охунд тарбиясида улғаяр экан, боғдорчилик билан шуғулланиб, Қаторте-

рак маҳалласида қулинг ўргилсин бир боғ бунёд этган. Дўкон очиб, ўзи етиштирган мевалардан дурустигина даромад ҳам топган. Айни пайтда ота касбини давом эттириб, базозлик билан шуғулланган. Шу тарзда меҳнати орқасида рўзгорини бутлаб, эл-юрт эътиборини қозонган.

Муҳаммад Юнус билан Тожи биби никоҳидан Солиҳа бону, Сулаймонқул, Абдурахмон, Абдужаббор туғилган. Бу фарзандлар оёққа турганларидан кейин Муҳаммад Юнус яна уйланиш ҳаракатига тушиб, кейинчалик неваралар томонидан Кичик буви деб номланган қиз билан турмуш қурган. Бу никоҳдан эса Муҳаммад Ориф, Муҳаммад Усмон, Муҳаммад Аюб, Омон биби ва Ойим бону исмли беш фарзанд туғилган.

Ҳ. Болтабоевнинг Фоиқа аядан олган маълумотига кўра, Муҳаммад Юнус зилзила рўй берган куни йиқилиб, оқсоқ бўлиб қолган, оиласи эса зилзила пайтида ҳалок бўлган. Унинг вафоти санаси — 1905 йил.

## Сабоқ

Фоиқа аянинг отаси ҳақидаги хотираларида бундай сўзлар бор:

*«Отамиз Мулла Сулаймонқул базоз Юнус отанинг тўнғич фарзанди бўлиб, асосан, Андижонда яшаганлар, маърифатпарвар ҳам давлатманд киши эдилар. Гарчи унинг давлати унчалик катта бўлмаса ҳам, нуфуз жиҳатидан Андижоннинг машҳур бойлари Миркомилбой, Аҳмадбек ҳожи, Қипчоқбойлар даражасида бўлган. Отамизнинг Қипчоқбой билан қуда тутиниб, унинг қизини Чўлпонга олиб бериши фақат бир тоифа одамлар ўртасидаги муносабатнинг белгисидир...»*

Фоиқа аянинг сўзлари тушунарли бўлиши учун хотира сатрларини шу ерда бўлиш лозим кўринади. Гарчанд Чўлпоннинг севиш ва уйланиш тарихи кейинги лавҳаларда баҳс мавзуи бўлса-да, бу ерда гап Солиҳа номли шоирнинг учинчи хотини тўғрисида бораётганини айтиш ўринли.

*«...Андижоннинг Қатортерак кўчасида жойлашган ҳовлимиз анча катта, орқаси боғ бўлган. Бобомиз Юнус ота Ёрқишлоқдан (Булоқбоши тумани) Андижонга келиб, шу жойларни боғ қилиб, атрофига ўғилларига жой солиб берган экан. Бизнинг уйимиз «Г» шаклида қурил-*

ган бўлиб, катта кўча бўйида (ҳозирги Навоий шоҳқўчасига) жойлашган. Ҳовлига кираверишдаги уйларда биз, онамиз ва болалар, турардик, муюлишда отамизнинг омбори бўлиб, унга кўча томондан ҳам эшик қурилганди. Кейинги уйларда амакиларимиз ўз оилалари билан яшашган. Катта айвон уйларнинг олд қисмини туташтирган бўлиб, пешайвонга отамиз форсча байт ёздирган:

Он Сулаймони салим ул-қалб ходим ва кибор,  
Соҳт меҳмонхонаи зебочи қафи шаҳриёр».

Ушбу хотирани Фоиқа ая оғзидан ёзиб олган Ҳ. Болтабоев бу сўзларга қўшимча тарзида Юнус ота ҳақида бундай мароқли маълумотни беради:

«Баззоликдан ташқари, илм ва маърифат, шеъроят билан ҳам шуғулланган. Фарзандлари ва замондошларининг хотирлашича, кенг гавдали, басавлат, кўзлари қисик, қовоқлари босиб тушган. (Шунинг учун бўлса керак, тенгдошлари даврасига унинг лақаби «Кўр» бўлган). Отасининг раҳнамолиги билан Бўтақорадаги машҳур муршид Миён ҳазратни ўзига пир тутган. Миён ҳазрат фарғоналик машҳур мутасаввуфлардан бўлиб, ҳатто мингтепалик халифа Маъдали эшон билан баробар нақшбандия сулукида бўлгани қатор эътирофномаларда бор. Миён ҳазрат Муҳаййир тахаллуси билан шеърлар битгани Андижон адабий муҳитига маълум. Мулла Сулаймон баззоз номигаги «қул» унвони унинг сўфийлик белгиларидан экани шунда англашилади».

Ҳ. Болтабоевнинг «Сулаймонқул» исмининг шарҳига оид мулоҳазалари, шубҳасиз, диққат-эътиборга сазовор. Аммо шу билан биргаликда Сулаймон баззознинг нақшбандия сулукига мансуб бўлганлиги учун унга «қул» «унвони»нинг берилгани ишонарли эмас. Тахминимизга кўра, у отаси томонидан Миён ҳазратга инъом этилган ва шу туфайли Сулаймонқул номини олган.

Сулаймон баззоз устози Муҳаййир таъсирида бирмунча вақт ғазал ва муҳаммаслар машқ қилиб, уларни кичик бир девон ҳолига келтирган. Бу қўлёзма девон баззознинг неваралари қўлида ҳозир ҳам сақланиб келади. «Волаи Расво», «Расво Вола» тахаллуслари билан битилган бу ғазалларнинг аксари ҳажвий йўна-



лишда бўлиб, улар ҳам, лирик туйғу ва фалсафий фикр билан тўйинганлари ҳам Сулаймон баззознинг чиндан-да шоиртаъб, сўфиёна қарашларга мойил киши бўлганидан далолат беради. Чўлпон отадаги шеърий истеъдоднинг ана шу учқунларидан пайдо бўлган ва бошқа манбалар туфайли янада порлаб юборган бўлса ажаб эмас.

Хурматли китобхон Волаи Расво ҳақида муайян тасаввурга эга бўлсин учун қуйида унинг «девони»дан бир ғазал келтирамиз:

Адойи ёр ўлиб умрим ўтиб охир адо бўлдим,  
Қади зебо санам, рухсорингга зору гадо бўлдим.

Ютарман захру ҳажринг бода ўрнига кеча-кундуз,  
Ҳалокат ичра қолдим, «ол, қулим», деб бенидо бўлдим.

Шаҳодат шарбатин ичмоққа нозинг навбати етди,  
Бўлиб беҳуд бу истиғно сабаб ўздин жудо бўлдим.

Аввадда сен ишонтирдинг вафо қилмоққа, эй жоним,  
Сени бу ваъдаи бофингга мен жони фидо бўлдим.

Надур айёрлик, маккорлик алдаб мени мундоқ,  
Хароб этдинг вафо қилмай, ҳама ҳасрат садо бўлдим.

Хумор ўлдим висолинг бир кўриб бори дигар кўрмай,  
Илиндим риштаи меҳрингга тақдири худо бўлдим.

Ўзингга ошнолик кўчаси шому саҳар истаб,  
Кийиб эгнимга жанда ҳам қаландар бонидо бўлдим.

На айларман сенинг ишқингда бўлдим Волаи Расво,  
Бўлиб ҳар қилмишимдан манфаил маҳва видо бўлдим.

Волаи Расвонинг бошқа шеърлари сингари, бу ғазални ҳам аруз гулшанининг хушбўй гулларидан, деб бўлмайди. Аммо шу билан бирга унда мумтоз шеъриятнинг мавзу йўналиши, образлар олами ва техникасидан хабардор кишининг муҳри ҳам йўқ эмас. Чўлпон ота қаламидан чиққан бундай ғазалларни ўқимай, улар билан мурғак шуурини нурлантирмай қолмаган, албатта. Ҳатто унинг 1914 йилга оид жаҳидона шеърларидан аввал шу ғазалларга тақлидан шеърлар ёзган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Чўлпоннинг қариндошларидан бўлмиш Валижон Дадажонов Сулаймон баззознинг хартумлик замондоши Темурбой ҳожи отадан эшитганларини бундай ҳикоя қилади:

*«Сулаймон баззоз Андижоннинг энг катта бойи (тўғрироғи, бойларидан бири — Н. К.) бўлибгина қолмасдан, энг саховатли кишиси (тўғрироғи, саховатли кишиларидан бири — Н.К.) ҳам эди. У муқаддас рамазон ойининг биринчи кунидан то ҳайит тонгига қадар камбағал ва бева-бечораларга закот берар эди. Бу билан ҳам қаноатланиб қолмасдан, маҳалла-кўйларга одамларини жўнатиб, турли касаллик, мажруҳлик ва ёки андиша каби сабаблар билан закот олмаган кишиларни топдириб, ажратилган закотдан уларни баҳраманд этарди, айрим нозикроқ жойларга эса закотни ўз қўли билан олиб бориб топширар эди. Бу закотлардан аёллар ҳам бебаҳра қолмас эдиларки, аёлларга тааллуқли ишларга у кишининг волидаи мухтарамалари Тожи биби ая бош-қош бўлиб турар эдилар. Дарвоқе, Сулаймон баззоз хонадонининг тотув ва мустаҳкамлиги таянчи бўлган бу аёлнинг салоҳияти катта бўлган».*

Сулаймон баззоз тўғрисидаги хотираларда таъриф ва тавсиф йиллар ўтган сайин баланглашиб борган. У ҳаётда қандай фазилатли киши бўлган бўлмасин, биринчи навбатда ўзини мусулмон фарзанди, деб ҳис қилган ҳамда дин ва шарият қонунлари доирасида яхшилиқ қилишга уринган. Эзгуликнинг бу қонунлар билан уйғунлигини кўрмаган ҳолларда эса акс ҳаракатлар ҳам қилганки, бу ҳақда ўрни билан ҳикоя қиламиз.

*«Сулаймон баззознинг яна бир хусусияти, — деб давом этади В. Дадажонов, — у ғоят камбағалпарвар киши бўлиб, маҳалла-кўйдами ва ё узоқ-яқиндами, бирон мискин камбағал киши вафот этса, қўлтиғига кафанликни қистириб, ўша ерга борар, жамийки мотам маросими хоҳ маблағ билан битсин ва хоҳ иштироқи билан, бари бир бажарган ва ҳатто қайсидир бир мурдага мурдашўй топилмаганда, ўз қўллари билан ювганларини эшитган эдик».*

Чамаси, Темурбой ҳожи ота мункайиб қолганлиги боис Сулаймон баззозни бошқа бир одам билан адаштириб, унга мансуб бўлмаган хислатларни ҳам ҳурмат қилган кимсага ёпиштирган кўринади.

Унинг баззоз ҳақидаги қуйидаги эсдалиги эса ҳақиқатга анча яқин ва ажойибдир:

*«Гувоҳларнинг айтишларича, кунларнинг бирида Сулаймон баззоз эл-юртни тўйга чақириб, қизларининг никоҳ тўйларини эълон қилади...»*

Шу ерда яна хотирани бўлиб, Сулаймон баззознинг Чўлпондан кейин туғилган фарзандлари билан танишиш лозимга ўхшайди. Аввало айтиш жоизки, Сулаймон баззоз билан Биби Ойша никоҳидан, айтиб ўтганимиздек, Чўлпонга қадар бир ўғил билан бир қиз туғилган ва улар гўдаклик пайтидаёқ нобуд бўлишган. Сўнг кетма-кет уч қиз — Комила (1902 йилда туғилган), Фозила (1905 йили туғилиб, 1994 йили вафот этган) ва Фоика (1908 йили туғилиб, 1995 йили вафот этган) дунёга келган.

Энди ҳикоянинг давомини эшитинг:

*«...Албатта, қиз болага тўй бериш ва ҳатто икки қизни бирганига чиқаришнинг ҳам ҳайрон қоларли жойи йўқ. Аммо бу тўйнинг яна шундай томони бор эдики, бу ҳам бўлса, куёв томоннинг ҳам ва куёв бўлгувчиларнинг ҳам то никоҳ вақтигача Сулаймон баззоздан бошқа ҳеч кимнинг билмаслигида эди. Аммо Сулаймон баззознинг жуфти ҳалол ва турмушга чиқаётган қизлари Комила ва Фозила отинларнинг волидаи муҳтарамалари Биби Ойша ҳам билмаганлар...»*

Ёдингизда сақлаб туринг, фазилатли Сулаймон баззоз, бир томондан, бир кунда икки қизини чиқармоқчи (келажақда Чўлпон билан Фоика аянинг тўйини ҳам деярлик бир кунга тўғрилайди), иккинчи томондан, тараддуд кўраётгани тўй ҳақида на хотинини, на да турмушга чиқажак қизларини хабардор қилган, ҳатто куёвлар ва уларнинг ота-оналари учун ҳам сирлигича қолган.

*«...Ва, ниҳоят, тўй тугаб, эл-юрт тарқалиб, никоҳ маросими пайти яқинлашиб қолгач, тўйда ҳеч нарсадан хабарсиз хизмат қилиб юрган икки мақбул ходим йиғитни чақириб, ҳаммомга тушишларини буюрган, сўнг улар ҳаммомдан чиқишгач, олдиларига куёв сарполарини келтириб:*

*— Ўғилларим, сизлар менинг қўлимда фалон вақтдан буён ишляпсизлар. Бу вақт ичига сизлар мени ва мен сизларни яхшилаб ўргандик, танидик ва билдик. Эндиликда мен сизларни ўзимнинг қизларим Комила ва Фозила отинларга куёв бўлишларингизни лойиқ кўрдим. Агар рози бўлсаларинг, сизлар учун ажратилган уй-жойлар тайёр. Никоҳдан сўнг шу уйларда яшаб, бирга-*

*ликда ишлайверамиз ва агар розиликларингиз бўлмаса, ихтиёрингиз ўзларингизда, илгаригудек ота-ўғил каби ишлайверамиз, — дея розилик сўрайди ва ўз қизлари билан ҳам тахминан шу тарзда суҳбат ўтказилгач, томонларнинг розиликлари олиниб, никоҳ ўқитилиб, кенг-кўлам ҳовлининг бир чеккасида яширинча безатилган хоналарга киритадилар».*

Ушбу хотирани келтиришдан мурод гарчанд китобхонни Чўлпоннинг отаси билан таништириш бўлса-да, ҳар қалай, модомики, баҳс Комила ва Фозиланинг тўйига бориб тақалган экан, бу қизлар ва уларнинг кейинги тақдирларига ҳам озми-кўпми назар ташлаб ўтиш жоиз. Сирасини айтсам, камина Комила ая ҳақида бирорта маълумотга эга эмасман. Афсуски, Фоиқа ая ҳаёт пайтида на Комила ва на Фозила опалари тўғрисида бир оғиз сўз айтмаган. Ҳ. Болтабоев томонидан эълон қилинган Фоиқа ая хотирасида ҳам, Чўлпон шажарасига оид жадвалу мақолада ҳам Комила аянинг номи ҳатто тилга-да олинмаган. Бу, бир жиҳатдан, опа-сингиллар ва ҳатто уларнинг фарзандлари ўрғасида аҳиллик деган илоҳий неъматнинг оз бўлгани билан изоҳланади.

Фоиқа аянинг тўнғич фарзанди Марғубиддин аканинг айтишича, бобоси Сулаймон баззоз Фозила аяни Шарафиддин махсум номли йигитга турмушга узатган. Шарафиддин махсумнинг отаси эса баззознинг яқин ҳешларидан бўлган.

Шундай қилиб, Сулаймон баззоз Шарафиддин махсумнигина эмас, ҳатто унинг отасини ҳам яхши билгани ва иззат қилгани учун уни ўз оиласига куёв сифатида қабул қилган. Комила ая учун ота томонидан танланган куёвнинг ҳам махсумдек синашта бўлгани шубҳасиз.

\* \* \*

Ота оила ҳаётида нечоғлик катта аҳамиятга молик бўлмасин, фарзанд тарбияси билан аввало она шуғулланади. Бувилар ҳам бу масалада четда турмайдилар. Чўлпон улғайган хонадонда, онаси Биби Ойшадан ташқари, Тожи биби ҳам яшаган. Кейинчалик Заҳириддин Аъламнинг хотини Биби Узро ҳам Чўлпонга сезиларли таъсир ўтказган.

Фоиқа аянинг кенжа қизи Шарифахон «Халқ сўзи» газетаси мухбирининг «Чўлпон ижодида, камолида

оиланинг таъсири қай даражада бўлган? Бу борада бирон нарса биласизларми?» деган саволига жавобан шоир таваллудининг 100 йиллиги нишонланаётган кунларда бундай деган:

*«Қўлимда сақланаётган битиклар, осори-атиқаларнинг шаҳодат беришича, Чўлпоннинг Чўлпон бўлиб камолга етишида аввало катта бувимнинг хизмати беқиёсдир. Унинг мароқли, ҳаяжонли ҳикоя ва эртаклари, ривоятларини эшитиб катта бўлган тоғам, кейинчалик ўзининг «Ёрқиной» асари сўзбошисига «Тотли ва бой тили билан эртак айтиб бериб, шу асарнинг ёзилишига сабабчи бўлган кампир онага ҳурмат билан бағишлайман», деб бежиз айтмаган».*

Шарифахон Чўлпоннинг Чўлпон бўлиб камолга етишига ҳисса қўшган кимсалар ҳақида «Ёрқиной» пьесасининг китоб нашридан бошқа яна қандай битик ва осори-атиқалар маълумот беришини, афсуски, айтмаган. Бундай битик ва осори-атиқаларнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. У катта бувим деб атаган кампирнинг ҳам кимлиги, афсуски, қоронғи бўлиб қолган. Тўғри, Андижонда онани буви дейилади. Шундай экан, катта буви, шак-шубҳасиз, Чўлпоннинг онаси Биби Ойша бўлиб чиқади. Унинг Чўлпон тарбиясида катта роль ўйнаганлиги ҳам ҳар қандай гумондан ҳолидир. Аммо Чўлпон, наҳотки, «Ёрқиной»га ёзган бағишлов сўзларида ўз онасини «Кампир она», деб атаган бўлса?!

В. Дадажоновнинг «Андижоннома» газетасининг Чўлпон юбилейига аталган саҳифасида ёзишича, *«Абдулхамид асосий тарбияни ўз хонадони вакиллари — катта онаси Тожи биби, онаси Ойша отин, амакиси Абдураҳмон ҳожилардан олган».*

Аммо В. Дадажонов Чўлпоннинг эстетик тарбиясига таъсир ўтказган аёлларга тўхталиб, кутилмаганда, Фоиқа аянинг татар отинчаси Асҳоба номини тилга олади-да, уни «Ёрқиной»нинг ёзилишига сабабчи бўлган кампир она, деб эълон қилади. Шу билан бирга у Чўлпоннинг маънавий устозларини излашда давом этиб, баъзи бир янги маълумотларни ҳам ўртага ташлайди. Унинг шаҳодат беришича, Чўлпоннинг болалигидан то умрининг охиригача маънавий устози ва маслақдоши, кези келганда, ота ўрнини босган киши Абдураҳмон ҳожидир.

*«...Халқ орасида Ҳожи Мулла ака номи билан танилган Абдураҳмон ҳожи, — деб ёзган у, — Сулаймон*

базознинг учинчи укаси бўлиб, тахминан 1880 йилларда туғилган. Бу жаҳонгашта одам 1895—1896 йилларда Андижондаги жоме мадрасасини хатм қилиб, ўша даврнинг машҳур кишилари Аҳмадбек ҳожи, Сиддиқ ҳожи, Юнус Охунд ҳожилар билан ҳаж сафарини адо этган. Шу туфайли Сулаймон баззоз бошчилигидаги ака-укалар у кишига ҳурмат юзасидан умумий гаромаддан улушини сақлашгани ҳолда барча дунёвий ишлардан озод қилганлар ва ака-укаларнинг бу мурувватларига нисбатан имон ва инсофи бут Ҳожи Мулла ака ўзининг бутун умрини билимини ошириш, айни вақтда бу билимлардан ака ва укаларнинг фарзандларини баҳраманд этишга сарф қилиб, жиянлари Сулаймон баззознинг фарзандлари Абдулҳамид, Комила, Фоиқа, Фазила отинлар, амакиси Маъсоли баззознинг фарзандлари Меҳмонбону, Дўстмуҳаммад (Дўстмат — Н. К.) ва бошқаларнинг тарбиясига бағишлаган. Айниқса унинг асосий эътибори зеҳн ва синчковликда уларнинг барчасидан ажралиб турувчи иқтидорли Абдулҳамидга қаратилган эди...»

Шу ерда кўчирмани бўлиб, яна кичик бир изоҳ бериш керак. Абдурахмон ҳожи «бутун умрини билим ошириш»га эмас, бошқа нарсага бағишлаган. У узоқ йиллар давомида Саудия Арабистонида яшаганида, олтиндан ҳам қимматли вақтини ҳар ҳолда дунёвий фанларни эгаллашга сарфлаган бўлмаса керак. Одатда, Саудия Арабистонида бир қанча йил мобайнида туриб қолган ўзбек мусулмонлари ё ўша ерда уйланиб, савдо ишлари билан шуғулланишган, ёхуд бирор мадраса ва чилахона тупроғини «ялашган». Шунинг учун ҳам Абдурахмон ҳожининг Чўлпон тақдиридаги ролини ошириб-тошириш ҳақиқатнинг покиза юзига оёқ қўйиш бўлади.

Камина сиз, ҳурматли китобхонни танқидий мезонлар асосида ҳожи ҳақидаги хотиранинг давомини ўқишга таклиф қиламан:

«...Ҳожи Мулла ака ўз даврига нисбатан кенг кўламли билимга эга бўлибгина қолмасдан, бир неча бор ҳаж сафарларида бўлиб, йўл устидаги турли бекат-шаҳарлар — Қримдаги Ўракапа (Одесса), Ихтиёр (Симферополь), Қорасув (Феодосия), Боқчасарой каби қадимий турк шаҳарлари ва улардаги ноёб обидалар, Туркиянинг Измир, Истанбул шаҳарларидаги Аё София, Галатасарой, Мисрнинг Коҳира шаҳридаги маълум ва маш-

*хур Ал-Аҳсар мағрасаси ва, ниҳоят, қадимги маданият дурдоналари бўлган Миср эҳромларини зиёрат этиш замирида ўзи ҳосил қилган хотираларни Абдулҳамид билан ўртоқлашганки, кейинчалик шоир Клеопатра ҳақидаги насрий ва назмий асарларини ана шу хотиралар таъсирида ижод қилган».*

Бошқа хотиранавислар қатори, В. Дадажонов ҳам хийла ишонарли воқеани тасвирлаб туриб, бадий тўқима денгизига ҳаддан зиёд шўнғиб юборади, натижада бу хотираларнинг чин бўлиб туюлган қисмига ҳам ишонгинг келмайди, киши! Ҳаж сафарига борган одамнинг мақсади ҳам, таассурот доираси ҳам, шубҳасиз, бошқача бўлади. Унинг Аё Софияни зиёрат қилиши ё Клеопатра тўғрисидаги Абдулҳамидни ларзага келтирган ҳикояни эшитиб қайтиши ва Чўлпоннинг орадан қанча йиллар ўтгач, шу ҳикоя таъсирида машҳур сочмасини ёзиши ҳақидаги сўзлари сархуш кишининг чўпчакларига ўхшаб кетади.

Бундай уйдирма гаплар чангини пуркаб ташлаганда, Абдурахмон ҳожининг ёш Чўлпонга кўрсатган таъсири тўғрисидаги хотиранавис сўзларида озми-кўпми ҳақиқат борлиги англашилади.

\* \* \*

Убайдулла Сулаймонхўжаев Чўлпоннинг отаси Сулаймонқул Юнусов билан бирга Андижондаги жоме масжиди қошидаги мадраса тупроғини ялаган ва у билан қарийб қирқ йил мобайнида ҳамнафас бўлган. 30-йилларда авж олган қатағон пайтида у ҳам ҳибсга олинган ва Андижон шаҳрида бўлиб ўтган тергов жараёнида (1937 йил 7 октябрь) бундай маълумотни берган:

*«Унинг (Чўлпоннинг — Н. К.) отаси Сулаймон Юнусов газлама савдоси билан шуғулланувчи йирик савдогар бўлиб, Андижоннинг Эски шаҳрида дўкони бўлган. Русиядаги йирик савдогарлар билан алоқада бўлган бу зот улардан вагонлаб мол олиб келган. Унинг бир неча гумашта ва ишчилари, бундан ташқари, ўнлаб таноб ер-суви бўлган, бу жойларда бир қанча чорикорларни ишлатган. Чўлпоннинг отаси Сулаймон Юнусов 1930 йили вафот этган.*

*Чўлпоннинг ўзи ҳам шу мағрасада таҳсил кўрди. Айни пайтда у кўпроқ ўз уйида мутолаа билан шуғулланди. Шахсан мен ҳам унинг муаллими эдим. Мен*

унга ўз уйимда гарс берганман. Чўлпон инқилобга қадар Туркия ҳамда Татаристон билан алоқада бўлган. У инқилобга қадар Туркиядан турли-туман журналларни, китобларни олиб турган ва бу журналларнинг фаол ўқувчиси бўлган. Мен унинг уйида кўп маротаба бўлганман ва у билан турли мавзуларга гурунг қурганман. Чўлпон Боку, Қозон, Оренбург, Уфа, Қримда мусулмон тилида чоп қилинган китобларни олиб турган».

\* \* \*

Сулаймон баззоз ва унинг инилари Қўтонариқдаги масжидга қатнардилар. Ўз навбатида бу масжиднинг домла-имомлари ҳам тез-тез баззознинг меҳмонлари бўлиб, соҳиби хонадоннинг меҳмоннавозлиги ва саҳоватидан баҳраманд бўлардилар. Ўқтин-ўқтин ёзилиб турадиган дастурхон атрофида нафосат аҳли ҳам ҳозир бўлар ва Сулаймон баззоз бу ўлтиришларда маърифатпарвар савдогар сифатидаги фазилатларини намойиш этарди. «*Дадамиз савдогар бўлгани учун, — деган эди Фоиқа ая, — унинг дўкони санъат шайдолари, казалнавислар ва бастакору ҳофизлар билан гавжум бўларди. Бу онамга, акамга ва менга ҳам таъсир этмай қолмаган*».

Фоиқа аянинг хотирасида қолган шундай гурунгларда Сулаймон баззознинг ўзи ҳам ишқий ва ҳажвий казалларини ўқир, Бимий, Маҳжурий, Зокирий сингари андижонлик қалам аҳли билан яқин эканлигидан гурур ҳиссини туяр ва улар билан «бир пиёла кўк чой» атрофида бўлиб ўтган суҳбатларда ўзбек ва форс адабиётининг шеърий эпкинларидан кўкрак тўлдириб нафас олар эди. У гарчанд казал машқ қилиб, ҳатто уларни қўлёзма девон ҳолига келтирган бўлса-да, ўзига ортиқ баҳо бермас, ўзининг гўзал Шарқ шеърияти чаманзорига муносиб булбул эмаслигини билар ва, эҳтимол, шунинг учун ўзига Расво деган тахалулни танлаган эди.

Фоиқа аянинг Ўктам Мирзахўжаев исм-шарифли иқтисодчи олим бўлиб етишган фарзанди бўлган. У ҳаётининг сўнгги йилларини Чўлпон номини тиклашга бағишлади. Раҳматли Ўктамжон онаси билан тоғаси ҳақида кўп суҳбатлар қилиб, бундай ёзган: «*Онамнинг акаси Чўлпон тўғрисидаги ҳикояларини эшитиб, ўйга толаман, у кишининг чин инсон бўлиб камол топиши-*



га туғилиб ўсган оилавий муҳитнинг, қолаверса, отаси Сулаймон-Расвонинг хизматлари катта бўлган бўлса керак, деб сўрайман. Бунга жавобан онам: «Ҳа, албатта. Чунки, менинг билишимча, отам ўз гаврининг ўқимишли, билимдон одами ҳисобланган...»

Хуллас, Абдулҳамид ана шу оилада туғилиб, ана шу отанинг, шунингдек, бошқа яқин қариндошларининг тарбиясини кўриб ўсди.

\* \* \*

Эҳтимол, шу ерда нуқта қўйиш зарурдир. Аммо баъзан бирор масаланинг ич-ичига кирганинда, ундан чиқиб олишинг қийин кечади киши. Камина ҳали Чўлпон тўғрисида ёзишда давом этар эканман, унинг ажойиб инсон бўлганлигини, албатта, мисоллар билан айтаман. Айтибгина қолмай, ундаги хокисорлик, камтарлик, халқ бошига тушган ташвиш ва азоблардан изтироб чекиш, қўлидан келган пайтларда кимларгадир меҳр-оқибат кўрсатиш сингари фазилатларини аниқ-тайин далиллар билан кўрсатишга уринаман. Аммо ҳозир баён қилмоқчи бўлганим воқеа Чўлпон ҳақида эмас.

Нақл қилишларича, Володя Ульяновнинг саккиз яшар укаси Дима нозик ва таъсирчан бола бўлган экан. У «Бўлган экан кампирда кулранг бир эчки...» сатрлари билан бошланувчи кўшиқни эшитганида, бутун вужуди қалтираб кетар, кўшиқнинг «Ундан қолибди кўш шох ва тўртта туюқ» деган сатрларини куйлашганда эса додлаб юборар экан. Гимназиянинг 1-синфида ўқиган Володя укасига сабоқ бермоқчи бўлибди-да, ёлғиз қолган пайтларида ўзи бўри қиёфасига кириб, бояги кўшиқни укаси дод-фарёд қилганига қарамай, такрор ва такрор айтаверибди. Дима диван тагига кириб кетиб, икки қулоғини беркитиб олса ҳам, уни судраб чиқариб, яна ўша даҳшатли қиёфада, даҳшатли товуш билан даҳшатли кўшиқни айтишда давом этибди.

Ҳўш, охири нима бўлибди, денг? Дима бу кўшиқни ҳеч бир ҳаяжонсиз бемалол эшитадиган ва ўзи ҳам жўр бўлиб айтадиган бўлибди.

Мен бу воқеани бежиз эсламадим. Кунларнинг бирида Фоиқа ая менга Чўлпон ҳаётидан узук-юлуқ воқеаларни эслаб, айтиб берар экан, ёз пайти эмасми, атрофда моллару бошқа жониворлар бўлгани учун хира

пашшалар дастурхон устидаги меваларга келиб қўна-верди. Мен уларни қўлим билан ҳайдар эканман, ая бир замонлар болалик пайтида шундай хира пашшаларни тутиб ўдирганини айтди. Ўша воқеанинг гувоҳи бўлган Чўлпон синглизига танбеҳ бериб, майин овози билан: «Синглим, шу пашшанинг ҳам ота-онаси бор», деган экан.

Чўлпон болалик кезларида, Дмитрий Ульяновдан фарқли ўлароқ, эзгу ниятли кишилар-у маърифат булоқларидан сув ичиб юрган, Худони, оқибатни ўйлаб иш қиладиган кишилардан ҳаёт сабоғини олди. Ва унинг юрагида тоза қон зарралари чарх ура бошлади.

### **Илм устаб...**

Агар инсоннинг руҳий олами ва инсоний қиёфаси аввало оила муҳотида куртак чиқариб, секин-аста яшил барглар билан ўралса ва гулга кирса, унинг билим доираси мактабда кенгаяди, хусусий мутолаа эса мактабда терилган гулларнинг кўркам гулдастага айланишига имкон туғдиради.

Чўлпон қаерда ва қачон таълим олди? Кимларнинг қўлида сабоқ олди? Унинг биринчи муаллими ким?.. Афсуски, бундай саволларга жавоб топиш бугунги кунда осон юмуш эмас.

Олимхон ака деган табаррук бир зот Тошкентнинг Парчабоб деган маҳалласида яшаб, дўппифурушлик орқасидан турмуш тебратган. У Чўлпон билан шу қадар яқин муносабатда бўлганки, ҳатто Чўлпон уни «почча» деб чақирган. Олимхон ака Ҳазрати имом мадрасасининг этагида, нима учундир Олча деб аталган тор кўчада истиқомат қилган Юнус ҳожи Мақсудийнинг шу хусусдаги саволига жавоб бериб, бундай деган:

*«Мен 1914 йилда маҳалланггаги Абдуқодир бойнинг Андижондаги чиннифурушлик дўконига приказчик бўлиб ишлардим. Ўша ерлик Сулаймон баззоз деган киши билан танишдим. У киши шоирнамо, ўқимишли одам эди. У менга жуда ҳам яқин бўлиб қолди, сал ўтиб, ўзининг яқин қариндошларидан бирининг қизига, яъни Ширмойхон аянгга уйлантириб қўйди. Чўлпон Сулаймон баззознинг ўғли бўлади, шу сабабли мени почча деб чақиради».*

Модомики, Чўлпоннинг тошкентлик биродарларидан бири — Олимхон аканинг номи тилга олинган

экан, бу фазилатли зот билан яқиндан танишиш муддаомизга зид бўлмас. Ул зотни кейинчалик Чўлпон билан яқинлаштирган нарса фоний қариндошлик ришталари эмас, балки унинг бой руҳий ва маънавий оламидир. Олимхон ака Бароқхон мадрасаси тупроғини йигирма тўрт йил давомида «ялаган»идан кейин, замона зайли билан Маккага бориб, Олий тузем тижорат мактабини тугатган, сўнг инқилобга қадар йигирма йилдан зиёдроқ вақт давомида Москва ва Варшава шаҳарларига бориб, савдо ишлари билан машғул бўлган. У оз эмас-кўп эмас, ўн олтита Шарқ ва Ғарб тилларини билган.

Энди муддаога кўчайлик. Олимхон аканинг айтишича, Абдулҳамид болалик кезлариданоқ зийраклиги, ўткир зеҳни билан эътиборни қозонган. *«Сулаймон баззознинг айтишига қараганда, — деган у ҳамсуҳбати Юнус ҳожи Мақсудийга, — Абдулҳамид олтиетти ёшидаёқ савод чиқариб, саккиз-тўққиз ёшида андижонлик Миркомилбойнинг зиқналигини танқид қилиб, газетага мақола ёзган, мақола газетада босилгач, кимдир Миркомил бойга мақолани Сулаймон баззознинг ўғли Абдулҳамид ёзган, деган. Бой гарғазаб бўлиб, Сулаймон баззозни чақирган, баззоз ёлғиз ўғлим бор, тўққиз ёшда, аммо ҳануз мактаб кўрмаган. Ишонмасангиз, эртага дўкондан қайтишингизда ўғлимни сизга кўрсатаман, деб аранг бойнинг олдиган қутулиб чиққан. Эртаси бу воқеани Абдулҳамидга тушунтирган ва «Сен Миркомилбой маҳалламиздан ўтаётганда, бош-яланг, оёқяланг бўлиб, кўчада варрак учуриб юр, бўлмаса, бой бизни хонавайрон қилади», деб тайинлаган. Сулаймон баззоз ана шундай йўл тутиб, бойнинг қазабидан қутулиб қолган экан».*

Айтиб ўтилганидек, Чўлпоннинг бизга кўпроқ қимматли маълумотларни берган синглиси Фоиқа ая 1908 йилда таваллуд топган. Демак, у акасидан роппа-роса ўн ёш кичик. Бироқ 1918 йилга қадар кечган воқеаларни у яхши билади, дейиш қийин. Унинг ўзи акасини 15—16 ёшлик пайтларидан бошлаб билишини айтган. Яъни, унинг Чўлпон ҳақидаги билим доираси 1923—1924 йилдан кейинги воқеаларнигина ўз қамровига олган бўлиши мумкин. Лекин Чўлпондек сиймонинг синглиси бўлиш бахти ва фожиасини ўз елкасига олган ҳар қандай кишининг акаси ҳақидаги маълумот ва хотираларини юрагига зарралаб йиғиши табиий.

Шунинг учун унинг бу борадаги хотиралари ҳам маълум маънода тарих ҳужжатларидир.

Мана, Фоика ая бизни қизиқтирган саволга қандай жавоб беради:

«Акамнинг жуда эрта хат-саводли бўлганини айтишади. Мактаб, мадраса таълими билан бирга нўғой ва турк домлаларидан ҳам алоҳида сабоқ олган. Қатортерак кўчасининг пастроғида икки қаватли бола-хонадор бинолар бўлиб, ўшалардан бирида русча мактаб очилган, акамиз унда бир нўғой муаллимдан ўрси-чани пухта ўрганган. Бир турк домласидан эса Қуръони карим таҳсилини олган. Акамиз кўпинча уйда сура-ларни ўқиб ўтирар, яхши тиловат қилар, қироати аниқ, овози ширали эди. Бирон эҳсон ё маъракага йиғилган-ларига акамни ҳам ҳурматлаб, ҳам эркалаб «Тешавой қори қироат қилсин», деган гаплар бўлар экан. Акам усмонли қироат билан Қуръон оятларини ўқирди...

Акамизни 11—12 ёшларида Қуръони карим таҳсилга беришади. Отамиз бунини шахримиздаги турк афандиларга айтган, Андижонга келган Мақсуд афанди ва Муниф афанди деган турк уламолари билан яқин алоқада бўлган, ҳатто улар билан бирга суратга тушган экан. (Бу сурат 5—10 йил бурун ҳам бўлгучи эди, бироқ ҳозир тополмаяпмиз.) Улардан бири — Муниф афанди акамга саккиз ой давомида Қуръони карим мутолаасини (қироатни) ўргатган, мана шу қисқа давр ичига акамиз Қуръони қаримни хатм қилиб чиққан. Шундан кейин отамиз акамни имтиҳон қилиб кўрган, унинг илмидан, қироатидан қаноат ҳосил қилгач, зеҳнини ўстириб, эътибор билан тарбиялай бошлаган. Амакимиз Абдурахмон ҳожи Маккатиллодан Чўлпон акамга безакдор Қуръон карим бериб юборган экан. (У киши узоқ вақт Саудия Арабистонида, кейин 7—8 йил Истанбулда яшаган.) Акам уни севиб мутолаа қиларди. Ўша Қуръони карим ҳали ҳам бор. Бу Қуръони каримни акамиз ҳамойилга (осма халтага) солиб, уйнинг тўрига илдириб қўйган. Уйга қайтганларида ўшани ўқир эдилар».

Ўзбек юртида истиқлол шабадаси эсиб, диний қадриятлар тўғрисида бемалол сўзлаш имкони туғилган пайтда Ҳ. Болтабоев томонидан ёзиб олинган бу хотирада Чўлпоннинг мактаб ва мадрасада таҳсил олганлиги тўғрисида йўл-йўлакай айтилган, холос. Унинг жаҳид мактабида ўқиганлиги тўғрисида эса бирор хо-

тирада бир оғиз ҳам сўз учратмайсиз. Демак, Чўлпон эски мактаб ва мадрасада таҳсил кўрган. Сулаймон баззоз ўзбек диёрига, янги даврнинг шиддатли қадамлар билан кириб келаётганини кўриб, унинг билим доирасини кенгайтириш чораларини излаган. Бу ҳол таниқли журналист ва олим Сирожиддин Аҳмедовнинг қуйидаги сўзларини тўла тасдиқлайди. У Сулаймон баззоз тўғрисида сўзлаб, бир мақоласида бундай деган:

*«Ўзига тўқ киши бўлгани учун фарзанди аржумандига замонасининг энг илғор таълим-тарбиясини беришга интилди. Махсус ўқитувчи ёллаб, турк, рус, форс, араб тилларини, мусиқа илмини ўргатди. Шаръий билимларни унинг қалбига жойлади...»*

Юқорида келтирилган иқтибослар Сулаймон баззознинг ёлғиз ўғлининг ҳар томонлама билимли киши бўлиб ўсиши учун махсус ўқитувчилар ёллаганини, Чўлпоннинг хат-саводи жуда эрта чиққанини, нўғай домладан рус тилини, Мақсуд ва Муниф афандилардан Қуръони карим бўйича таҳсил олганини тасдиқлайди.

Ушбу лавҳага жалб этилган иқтибослардаги хато фикрлар ҳурматли китобхонларни чалкаштирмаслиги учун айтай: Чўлпоннинг андижонлик машҳур бой Миркомил тўғрисидаги мақоласи саккиз-тўққиз ёшда эканлигида эмас, балки 1914 йилда ёзилган. Шоир бу пайтда 16 ёшда бўлган. Мақолада Миркомилбойнинг зикналиги эмас, балки маориф ва маданият ишларига қайишмаганлиги танқид қилинган. Қолаверса, бу мақола деб Чўлпон билан отаси ўртасида паст-баланд гаплар қочган.

Фоиқа ая хотирлаган «икки қаватли болаҳонадор бинолар»нинг бирида рус-тузем мактаби жойлашган, маҳаллий ёшларнинг рус тилини эгаллашлари осон кўчсин учун уларга татар муаллимлари жалб этилган эди. Тарихий шароит рус тилини билишни тақозо қилаётганини сезган Сулаймон баззоз Абдулҳамидни шу мактабга берган.

Андижонлик шоир Восит Саъдулла архивида Чўлпоннинг бир қанча шеърлари сақланган. Бу шеърлар орасида Чўлпон ҳаётига доир айрим қайдлар ҳам мавжуд. Шундай қайдларнинг бирида Восит Саъдулла қўли билан бундай сўзлар ёзилган: *«Ҳофиз афанди номли турк Андижонда Чўлпонни ўқитган (1910—1912*

йилларга). *Русско-туземная школада Андижон ва Ўш шаҳарларида ўқиган (1912—1915 йилларда)*».

Бу сўзлар Фоика ая берган маълумотдан хийла фарқ қилса ҳам, уларни ҳақиқатдан узоқ, дейишга асосимиз йўқ. Чўлпон, чиндан ҳам, 1910—1912 йилларда Ҳофиз афанди деган турк қўлида ўқиган бўлиши эҳтимол. В. Ян кундаликларида тилга олинган турк, эҳтимол, Ҳофиз афандидир. Шоирнинг рус-тузем мактабидаги таҳсили эса 1915 йилга қадар давом этмаган бўлса ҳам, ҳар қалай, у 1912—1914 йилларни ўз қамровига олган кўринади.

Туркистонга 1884 йили генерал-губернатор этиб таъинланган Розенбах вилоят ҳарбий губернаторларига йўллаган хатида рус-тузем мактабларидаги ўқув дастурини қисқартиб, маҳаллий ёшларнинг жонли рус тилида муомала қилиш малакасинигина эгаллашларига имконият туғдиришни буюрган. Шунинг натижаси бўлса керак, рус-тузем мактабларидаги кўрсаткичлар ғоят пасайиб кетган. Ильминскийнинг И. А. Бобровников деган шогирди Андижонда ҳам бўлиб, 20 та ўқувчидан 14 таси русча оддий сўзларни ҳам таниб бўлмас даражада бузиб ёзганларини кўрган. Бобровников чўнтагидан дастурмолини олиб, улардан шу ҳаракатини рус тилида ифодалаб беришни сўраганида, катта гуруҳдаги 4 та аълочи ўқувчининг бири бундай ёзган: «Один человек взял свой карман один бела («платок» демоқчи).

Чўлпоннинг ана шундай мактабда рус тилини яхши ўзлаштириши маҳол эди. Шунинг учун Сулаймон базознинг Чўлпонга рус тили бўйича ҳам ўқитувчи ёллаганлиги тўғрисида С. Аҳмедов айтган сўзлар асоссиз эмас. Бу сўзларнинг одиллигини В. Дадажонов ҳам ўз хотираларида тўла тасдиқлайди:

*«1910—1912 йиллар давомига бошланғич маълумотни тугатган Абдулҳамид Андижон маграсасига, айни вақтда рус-тузем мактабида ўқий бошлаган ва бу дарсларни ўзлаштиришда унга қайсидир банкнинг хусусий маслаҳатчиси (Поляковский ёки Поляновский) рус тили, адабиёти ва ҳуқуқидан хусусий тарзда дарс берганки, биз унинг таъсирини «Кеча ва кундуз» романидаги ҳуқуқий можароларнинг хийла аниқлик билан ифодаланшидиган кўрсак бўлади. Чўлпон хонадонига ўша вақтларда истиқомат қилган, ҳозирда Андижон шаҳрида яшовчи 94 ёшли Нофила отинчанинг айтишича, бу ўрис домла ғоят баодоб, илмли киши бўлиб, мусулмончилик анъаналарига катта ҳурмат билан қараган».*

Бу хотирадан фақат шундай хулоса чиқариш мумкин: Чўлпон болалик кезларида рус-тузем мактабида нўғой домла қўлида ўқишдан ташқари, «мусулмончилик анъаналари»ни ҳурмат қилувчи, озми-кўпми ўзбек тилини билувчи банк ходими Поляновский ёхуд Полковский деган кишидан ҳам рус тили бўйича хусусий сабоқ олган.

Кези келганда айтиш ўринлики, Андижондаги рус-тузем мактабларидаги 19 нафар ўқитувчидан 8 таси татарлар бўлган. Бу факт Фоиқа аянинг «икки қаватли болахонадор бино»да нўғой домланинг Чўлпонга рус тилини ўргатганлиги тўғрисидаги хотирасини тўла тасдиқлайди. Қолаверса, Чўлпоннинг Андижон ва Ўшдаги рус-тузем мактабларида таҳсил кўрганлигига оид В. Саъдулла архивидаги қайд ҳам ҳақиқатга яқин.

Чўлпон 1914 йили «Оина» журналида чоп этилган «Ўш» очеркида бундай манзарани чизган:

*«Ўш Туркистоннинг бошқа шаҳарларина қарағонда ҳар тарафдан сўнгга қолғон. Мунда янги усулда икки мактаб бор. Иккисинда-га 20 агад бола ўқуб ётарлар. Бир «русский-туземний ушкул (школа — Н. К.)» бор. Мунда-га кунгуз 40 қагар, кечга (вечерний курсга) 30 қагар мусулмон болалари ўқийлар. Мунда частний ўқуб юривчилар-га 5—6 агад бор».*

Бундай маълумотни шу мактаблардан яхши хабардор кишигина билиши мумкин.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки Чўлпон дастлаб эски мактабда хат-савод чиқариб, сўнг мадрасада ўқиди: Кейин Сулаймон баззоз томонидан ёлланган ўқитувчилар кўмагида турк, форс, араб ва рус тилларини ўрганди. Ота-бобоси сўфи ўтган баззоз ўғлининг Куръони каримни яхши хатм қилиши учун барча шарт-шароитларни яратди. Бундан ташқари, у Чўлпоннинг Андижон ва Ўшдаги рус-тузем мактабларида ўқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Шу тарзда бўлажак шоирдаги илмга бўлган ташналик секин-аста қондирила бошлади. Илм олиш йўлидаги бу уринишлар Чўлпон Тошкентга кўчиб кетган 1914—1915 йилларга қадар изчил суръатда давом этди.

\* \* \*

Камина 1987 йилнинг ёзида Фоиқа ая билан қилган суҳбатимда у киши: *«Бувим илмли бўлган бўлсалар ҳам онам хат-саводдан узоқ эди. Шунинг учун ҳам, эҳти-*

мол, акамнинг адабиётга қизиқиши улар томонидан етарли даражада рағбатлантирилмаган», деган. Аянинг вафотидан бироз олдин, 1995 йил ёзида бўлиб ўтган суҳбатда эса, у ilk бор Биби Узро номини тилга олган.

Биби Узро Чўлпон ҳаётида муҳим ўрин тутган бошқа бир сиймо — Заҳириддин Аъламнинг заифаси бўлиб, кўпгина тарихий воқеалардан хабардор, ўзбек халқ оғзаки ижодини билгувчилардан экан.

Заҳириддин Аълам Андижоннинг Такавой деган маҳалласидан. Ҳозир у яшаган манзил ўрнида Чўлпон номидаги Андижон Тиллар педагогика институтининг шифогоҳи қад кўтариб турибди. Аъламнинг отаси Мирза Қосим Андижоннинг обрўли қозиларидан, унинг отаси Миржавҳар эса амин бўлган. Ўтган асрнинг 60-йилларида руслар бу тупроққа лак-лак лашкар тортиб келганларида, у ўз навқарлари билан музокара олиб бориш учун рус генералининг қошига борган. Шу пайт аввалроқ Андижонга юборилиб, қайси амалдорнинг қандай кайфиятда эканлигини яхши ўрганган жосус генералга аминнинг хатти-ҳаракатидан огоҳ бўлиб туришни сўраган. Бу сўзни эшитган адъютант шартта қилич чиқариб, аминнинг бошини сапчадек узиб ташлаган. Эҳтимолки, бу рус генералининг шаҳар раҳбарларига руҳий таъсир ўтказишга қаратилган ва олдиндан режалаштирилган ишидир.

Хуллас, Заҳириддин Аълам қандай тагли-тугли, тоза насабли киши бўлган бўлса, Биби Узро ҳам шундай мўътабар сулолага мансуб аёл.

Абдулҳамид болалик кезларида Биби Узронинг ажойиб эртак ва ривоятларини тинглаб, ўзбек халқ ижоди хазинасидан баҳраманд бўлиб ўсди. У улғая борган сари Олимхон ака сингари билимдон, айниқса диний адабиётни, пайғамбарлар тарихини сув қилиб ичган, донишманд арбоб Заҳириддин Аъламнинг ҳам оҳанрабо доирасига секин-аста тушиб борди.

Фоиқа ая мен билан суҳбатда «Ёрқиной»нинг бағишловида тилга олинган «кампир она» Биби Узро эканлигини айтган эди. Худди шундай фикрни у Ҳ. Болтабоев эълон қилган хотирада ҳам олға суриб, деган:

*«Тошкентга акам кўпроқ Заҳириддин Аъламнинг уйларида бўлар, отамиз вафотидан кейин у киши билан жуда яқинлашиб қолганди. Заҳириддин Аълам ўзи асли*



Анджондан бўлиб, 20-йилларга Тошкентга бориб қолган. Бизга узоқроқ қариндош, аниқроғи, амакимиз Абдурахмон ҳожи аёлининг тоғаси бўлган. У кишининг оилалари Рисолат ая (баъзилар уни Биби Узро ая ҳам дейишарди) болалигимизда бизга кўп тарбия берган, эртақ-қўшиқларга жуда уста эди. Акамнинг «Ёрқиной» пьесасини ҳам шу аяга бағишлаши, эҳтимол, ундаги айрим воқеаларни Рисолат ая чўпчак қилиб айтиб берганидадир».

Фоика аянинг бу тахмини ишонарли эмас. «Ёрқиной» айрим воқеа ва чўпчаклар асосида майдонга келган асар бўлмай, бизга етиб келмаган, аммо Чўлпон томонидан мутлақо қайта ишланган эртақдир. Агар Биби Узро бу эртақни билган ва айтган тақдирда, уни Фоика ая ҳам, эҳтимол, эшитган бўларди.

Шундай қилиб, «Ёрқиной» пьесаси бағишланган «кампир она»нинг ҳақиқатда кимлиги борасида уч хил фикр мавжуд. Агар Фоика ая (бизнинг энг ишончли ва мўътабар манбаимиз) Узро бибини ўша кампир деса, В. Дадажонов Фозила ва Фоика аяларни ўқитган Асҳоба отинчани, Шарифахон эса шоирнинг онаси Ойша бибини Чўлпонга «тотли тили билан» эртақ ва ривоятлар айтган кимса сифатида тилга оладилар. Ҳолбуки, бу кампир Сулаймон баззознинг онаси Тожи бибидир. Унинг «бой ва тотли тили» билан айтган эртақ ва ривоятлари Чўлпон хаёлот оламининг кенгайиши, бадий сўз ва ажабтовур халқ асарларига бўлган ҳавасининг ортишига сабабчи бўлган. Фоика ая бу катта бувисини илми бўлган, деса-да, ёш бўлгани учун унинг ажойиб ва ғаройиб чўпчакларини мурфак хотирасида сақлаб қололмаган чоғи.

\* \* \*

Чўлпонни 1912 йилдан бошлаб таниган, 1918 йилнинг ёзидан эътиборан эса яқиндан билган Лазиз Азиззода ҳам унинг рус-тузем мактабини тутатганлиги, отаси ёрдамида рус ва ўзбек муаллим ҳамда мударрислари қўлида хусусий йўл билан таҳсил кўрганини айтган. Номи юқорида зикр этилган Улфат эса унинг рус-тузем мактабида жуда яхши ўқигани, ҳатто ўн бир ёшида немис, ўн тўрт ёшида француз тилларини бинойидек ўрганганлиги ҳақида маълумот берган. Чўлпоннинг немис тилидан озми-кўпми хабардор бўлганлиги бошқа манбалар орқали ҳам маълум.

1926—1927 йилларда Чўлпон билан Москвада тез-тез кўришиб турган Лазиз Азиззоданинг хотираларида бу ҳақда қуйидаги сўзларни ўқиймиз.

*«1927 йили, февраль ойининг бошлари эди, Чўлпон менинг бўлимимга кириб келди. Ўзи билан бир немис ити ҳам бор эди. Биз суҳбатлашганимиздан кейин Москванинг қорига бағишланган қуйидаги шеърини ўқиб берди:*

*Кеча-кундуз қор...*

*Бу ерда фалак:*

*Эрка малак*

*Пар сочиб ўйнар!*

*Бу ерда қуёш*

*Жуда эринчак,*

*Нозли келинчак.*

*Билгани ўйнаш!*

*Шундай кўриниб,*

*Жилмайиб, кулиб,*

*Бир ўпич бермай,*

*Қучоққа кирмай,*

*Яна кетади,*

*Ситам этади...*

*Шу пайтларга Чўлпон немис тилини жигдий ўқир ва уни ўзлаштириб олишга қаттиқ киришганди. Кичкинагина бир бўлмасига ҳалиги немис итини сақлаб, унинг билан немисча гаплашарди. Ити Чўлпоннинг гапини тушунар эдими, йўқми, буни аниқ айтиш қийин, бироқ Чўлпон сўзлаганда, ити унинг юзига тикилиб, гўё тушунгандек бир вазият олиб турарди. Мен Чўлпондан немис тилини ўрганишга бундай қаттиқ берилишининг сабабини сўраганимда, у бундай деб жавоб берган эди:*

*«Бизнинг Туркистон ва Бухородан Берлинга ўқишга юборилган талабаларимиз мана шу йилларга ўқишларини битириб, Ўзбекистонга келадилар. Биз, шўро мамлакатига тарбия олаётганлар, Берлинга ўқиб келаётганлардан ҳеч бир ёқдан кам эмасмиз... Аммо улар келгунча бизлар немис тилини яхши билиб олишимиз зарур».*

Лазиз Азиззоданинг бу тош босувчи сўзлари Улфатнинг бояги фикрига танқидий муносабатда бўлишимизни тақозо этади. Чўлпон гарчанд рус-тузем мактабида таҳсил кўрган кезларида ҳам ўз олдига даврнинг энг илғор кишиларидан бўлиш вазифасини қўйган эса-да, ҳали немис ва француз тилларида бемалол ўқиш ва ёзиш малакасига эга бўлмаган.

Хорижий нашрларнинг бирида чоп этилган Чўлпон ҳақидаги мақолада қизиқ бир маълумотга дуч келамиз: «Чўлпон (ўзининг асли исми Абдулҳамид Сулаймон) Андижонда бир кибор оилага туғилиб, бошланғич

тахсилени шул шаҳарга олган. Ўрта таҳсилени эса Оренбургда олиб, уни битиргач, ўшал ернинг ўзига чиқатурган «Вақт» газетасига ишга кирган. Чўлпон узун бўйли, оқ юзли, келишган, ёқимли, очиқ кўнгилли ва ниҳоят суҳбатдош эди».

А. Завқий ва И. Тўлқин қаламига мансуб бу мақолада яна бундай сўзлар ҳам бор: «Чўлпон 1919 йилда Оренбургдан Туркистонга қайтиб, «Чифатой гурунги» номли жамиятга ўз маслакдошларини топиб, улар билан бирга ишлайдир».

«Шоир Чўлпон» деб номланган мақоладаги бу фактни тасдиқловчи бирор ҳужжат бизга учрамади. Тўғри, хорижий чўлпоншуносларнинг бу маълумоти «Кеча ва кундуз» романида адиб томонидан, бир қарашда, қувватлангандек бўлади. Чўлпон агар Мирёкуб (Мариянинг таъбирича, Жакоб) борди-ю кундалик дафтарча тутгудек бўлса, унга поездда жаҳид Шарафиддин Хўжаевдан эшитган сўзларини бундай қайд этган бўларди, деб ёзади:

*«Ж а к о б.*

*Оренбургдан жўнаб эдик, ширин сўзлик «жаҳид» шаҳарни кўрсатди. Қарадим. Шаҳар орқада қолган эди...*

*— Бу ерда бир мадраса бор. Номини Хусайния дейдилар. Уч қават овропача иморат. Унда жаҳид илмлари ўқилади. Биласизми, уни ким солдирган? Жаҳидларнинг энг катта отахонларидан Аҳмадбой Хусаинов...*»

Бу сўзларни ўқиган китобхоннинг Чўлпонни чиндан ҳам Оренбургдаги «Хусайния» мадрасасида таҳсил кўрган, деб ўйлаши ҳеч гап эмас. Аммо, афсуски, бу маълумот ҳақиқат муҳри билан тасдиқланмайди. Шунга қарамай, катта ишонч билан айтиш лозимки, Чўлпон Андижондаги ҳам диний, ҳам дунёвий таҳсили йилларида кейинги ижодий ва ижтимоий фаолияти учун зарур пойдеворни яратиб олди.

## **Илк қадамлар**

Чўлпон сингари ХХ асрнинг бошларида басират кўзлари очилган ёшларда ғаройиб бир ташналик кўринган. Улар қаерда ва қандай газета нашр этилиб, турли йўллар билан ўзбек тупроғига етиб келаётганини эшитган бўлсалар, шу заҳоти ўша газетани топиб ўқишга шай бўлиб турдилар. Агар мадраса Чўлпон сингари ёшларга форс ва араб тилларини ўрганиш имконини

берган бўлса, рус-тузем мактабларида Пушкин ва Толстой тили билан ошно бўлиш иложи туғилди, замона зайли билан Волга бўйларида кўчиб келган татар зиёллари, шунингдек, Туркияда таҳсил кўриб қайтган ўзбек маърифатпарварларининг саъй-ҳаракатлари туфайли қардош туркий халқларнинг тилларига эътибор кучайди.

Янги тарихий давр талаби билан ёшлар, айниқса, турк, татар, озарбайжон тилларини ўзлаштириш ва бу тилларда чоп этилган газета ва журналларни, китобларни титкилаб ўқишга ёшлик фаслининг барча куч ва ғайрати билан киришдилар.

Агар ёдингизда бўлса, Ҳамза 1909 йили Наманганда бўлганида, Боғчасарой, Қозон ва Оренбургда нашр этилган газеталарни яшириб ўқигани, бу газеталарда босилган мақолалар унинг дунёқарашини ағдар-тўнтар қилиб юборганини айтган. Бундай ҳол Чўлпон ҳаётида ҳам юз берди. Унинг бахтига, бу вақтда Андижонда янгича фикрловчи, мавжуд тарихий воқелик билан ортиқ муросада яшашни жиноят деб билувчи кишилар йўқ эмас эди. Шунинг учун ҳам улар ёшларни дунёвий илмлар ва замонавий ғоялардан баҳраманда этишга астойдил киришдилар.

Сулаймон баззознинг хонадонига яқин ерда бир татар аёли яшаган. Асҳоба Жамол исм-шарифи билан танилган бу аёл 50—60-йилларда машҳур бўлган раққоса Флора Кайданининг онаси эди. Маҳалла аҳли уни нима учундир Надя деб атаган. Шу аёл маҳалладаги ўзбек қизларига отинлик қилган. Унинг қўлида, шубҳасиз, замонавий илмнинг қадрига етадиган, келажак жамиятга қандай ёшлар зарурлигини ҳис этган кишиларнинг фарзандлари ўқиган. Шулар орасида Фозила ва Фоиқа аялар ҳам бўлишган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Сулаймон баззоз Абдулхамиднинг мадраса таълими билангина чекланиб қолмаслиги учун уни рус-тузем мактабига ўқишга берган. Тахминан шу даврда кўҳна дунёнинг турли шаҳарларида ўзбек, турк, татар ва форс тилларида чоп этилган газеталарга обуна бўлиб, ёлғиз ўғлининг дунё воқеаларидан хабардор бўлиши, демак, басират кўзларининг очилишига шароит яратган. Ва Чўлпон худди шу йилларда жадидчилик ғоялари билан таниша бошлаган.

Лазиз Азиззоданинг уқтиришича, 1912 йилдан бошлаб Чўлпоннинг ғоявий-маърифий оламида кўтарилиш

рўй берди, у тил, адабиёт, тарих, фалсафа, илми бадеъ каби фанларни ўзининг ижтиҳоди ва отасининг жиддий тарбияси натижасида яхши ўзлаштириб олди. «Чўлпоннинг фикрий тараққиётида ва дунёқарашининг шаклланишида, — деб ёзади Л. Азиззода, — чоризмнинг мустамлака сиёсати, маҳаллий савдо капиталининг вужудга чиқиши ҳам муҳим омиллардан бири бўлган».

Хуллас, шу даврда араб, форс, турк, татар, озарбайжон ва рус тилларини билган Абдулҳамид бу тиллардаги газета ва журналларни мунтазам равишда муталаа қилибгина қолмай, балки уларга турли-туман хабар, мақола, фельетонлар ҳам юбора бошлади.

Проф. А. Саъдийнинг «Ўзбек буржуа адабиёти» деган 6-синф учун чиқарилган дарслигида (1934) айтилишича, Чўлпон 1913—1914 йиллари адабиёт оламига кириб келади. Лазиз Азиззода ҳам Чўлпоннинг адабий фаолияти 1913 йилдан бошланганини айтган. Афсуски, биз уларнинг бу маълумотларини тасдиқловчи асосга ҳозирча эга эмасмиз...

Камина бу сўзларни ёзганимда Чўлпоннинг бирор-та дастлабки хат-хабари қўлимизда бўлмаган. Аммо зукко адабиётшунос олим Баҳодир Карим Хумбольт университети қошидаги Марказий Осиёни ўрганиш институти ва шахсан проф. Ингеборг Балдауф таклифи билан Германияга борганида мазкур институт хазинасидаги «Таржумон» газетасининг микрофильми билан танишган. Олим «Даҳа гўзал битиклар» («Гулистон» журналы, 2000 йил, 3-сон) деган мақоласида бундай янги маълумотни берган:

*«Гарчи газета чиқишининг (сўз «Таржумон» газетаси устида бормоқда — Н. К.) аввалги йилларида унга Туркистондан иштирок этувчилар жуда кам, йўқ даражада бўлса ҳам, ўнинчи йиллардан эътиборан Маҳмудхўжа Беҳбудий (Самарқанд), Охунд мулла Мавдуд Оҳимов (Тошқанд), Мирҳусайн Мирраҳимов (Самарқанд), Ҳожи Муъин (Самарқанд), қози Зиёуддин Маҳдум ибн домла ва мударрис Файзраҳмат (Бухоро) каби имзолар учрайди. Муаллифлар баъзан мақола-хабар ёзишса, айрим ҳолларда «Таржумон»дан ўзларининг энг муҳим саволарига жавоб олиш ниятида мактублар йўлаганлар.*

Газетанинг 1913 йил 27 ноябрда чиққан 261-сонигаги «Андижондан ўлан савола жавоб» сарлавҳаси эътиборни тортади. Шошиб мактуб охирига қарайман, «Су-

лаймонзода Абдулхамид Юнусов» имзоси турибди. Табиийки, бу ўзини қийнаган саволлар билан газетага мурожаат этувчи шоиримиз Чўлпондир. Изоҳ ва жавоб ёзувчи эса, шубҳасиз, Исмоилбек Гаспринский жаноблари эди. Изоҳда шундай сатрлар бор:

«Андижон собиқ Хўқанд хонлигининг муҳим шаҳарларидан биридир. Ҳинд-мўғул давлати олиясининг боиси, қаҳрамон ва адиб Султон Бобурнинг ватани ва ҳозирда Фарғона областининг уезд марказидир. Усонлича қоиммақомлик мақомидир.

Ушбу шаҳардан олдиғимиз ажойиб бир мактуб дарж ва диққата лойиқдир. Соҳиби мактуб биздан даҳа гўзал сўйлагидиндан ёздиқларини айнан нақл эдийўрим.

Шубҳасиз, мусулмон оламининг «Таржумон» газетаси етиб борган шаҳарларидан газета идорасига ўша йилларда кўплаб мактублар борган. Бу мактубларнинг барчасига И. Гаспралини жавоб ёзган, деб айтишимиз қийин. Аммо у Чўлпон мактубини эътиборсиз қолдирмаган. Бунинг сабаби мактубнинг ўзида бўлгани учун қуйидаги ундан бир лавҳани Баҳодир Карим мақола-сидан олиб келтирамиз:

«Муҳтарам устозимиз Исмоилбек жаноблари! Андижоннинг баъзи буюклари банго деюрлар: «Сен «Шалла», «Турк юрди», «Шаҳбал», «Таржумон», «Вақт» ва «Иқбол» ўқиюрсен, на учун «Мирзо Бегил» ва «Хўжа Ҳофиз»лари ўқимаюрсен? Бу суала жавоб ўлмоқ узра сўйламая бир шай бўламадим. Агар жавоб вори эса «Таржумон»да дарж этилмасини қат-қат рижо эдийўрим. Агар жавоб йўқ эса «бу янги адабиёти» сува, оташа отуб, вақтим ўлдуркча «Мирзо Бегил» ила «Хўжа Ҳофизи» мутолаадан айрилмажағим.

Сулаймонзода Абдулхамид Юнусов».

И. Гаспрали Чўлпоннинг бу мактубини мароқли ҳисоблаб, унга қуйидаги жавобни газетада эълон қилган:

«Ай баним қаро ёзили шогирдим, санго ва сизлара ажилан жавоб веражағис... Рижо эдийўрим ҳамон адабиёти оташа ёндирмангиз, сува ботирмангиз! Сақин, сақин бир даҳа банго «муҳтарам устоз» демангиз! Ўтиз сана дарс варарак «адабиётинг» оташа ёндирилмоқ эҳти-молини эшидан бир «устоз» муҳтарам ўлмаз; ҳам устоз игдао эдиламаз; ул иса бир бағбахт муаллимдир!

«Мирзо Бегил» Ҳиндистоннинг Шайх Саъдийсидир. Ёздиғи тамсиллара вердиғи насиҳатлар ҳақи-

қатан гўзал ва нофеъ шайлардир. Хўжа Ҳофиз иса маълум...

*Бунлари бир, икки, беш гафъа ўқингиз!..»*

И. Гаспралининг жавоб мактуби анчагина катта бўлиб, уни тўла келтириш шарт эмас. Аммо айтиш зарурки, И. Гаспрали Чўлпонга устоз сифатида қимматли маслаҳатлар берган ва Чўлпон, айниқса, ижодининг шаклланиш даврида фақат «Таржумон» сингари тараққийпарвар газеталарни ўқиш билангина кифояланмай, мумтоз адабиёт намуналаридан ҳам баҳраманда бўлиш билан унинг бу маслаҳатларига тўла амал қилган.

Энди яна Чўлпон ижодининг 1914 йил билан боғлиқ саҳифаларига назар ташлайлик.

Бизга Чўлпоннинг бугунги кунда маълум бўлган дастлабки «асар»и Беҳбудий томонидан нашр этилган «Ойина» журналининг 1914 йил 18 январь сонидан эълон қилинган. «Андижонда янги банк» деб номланган бу хабар бизни бугунги иқтисодий ислоҳотлар жараёнига ҳамоҳанг бўлган янгилик билан таништиради. Хабарда муштарийлар эътиборига ҳавола қилинган янгилик ҳам, унда номи тилга олинган айрим шахслар ҳам муайян аҳамиятта молик бўлгани учун уни қуйида тўла келтираемиз:

*«Андижонда, мусулмон қитъасинда «Дуйин мутақобила ширкат банки», яъни «Вриминний кридит» очмоққа қарор берилди. Ҳозирги аъзоси 180 нафар бўлуб, 130 дан зиёдаси мусулмонлардур. Сармояси 24 минг сўмдур. Машварат аъзолари олти нафар бўлуб, ерли мусулмонлардан: Эшонхон мазхум, Одилахўжа ўғли, Зуннунбой Қуплуғбой ўғли, Мирҳайдарбой Миржамол ўғлиларидур. Игора аъзолари уч нафар русдур. Азбаски, бизга замонага тааллуқдор илмдан хабардор киши йўқдур. Тафтишчи аъзолари уч нафар бўлуб, бири Саъдуллохўжа Турсунхўжа ўғли жанобларидур. Бонка келар хут очилса керак. Ушбуну вужудга келишина мазкур мухтарам мусулмонлар ва аларни ёрдамчилари сабаб бўлдилар. Бонка бўлмасун, деганлар-да бор эдики, аларни «Ойина» игорасиндаги «Мўш»га ҳавола қилдук».*

Чўлпон ҳозирча бизга маълум бўлган бу илк «асари»га «Абдулҳамид Сулаймоний» деб имзо қўйган.

Андижоннинг маҳаллий аҳоли яшовчи қисмида 24 минг сўмга эга бўлган муваққат кредит банкининг очи-

лиши, шубҳасиз, катта воқеа эди. Хабар муаллифининг олти нафар машварат аъзосидан фақат учтасининг исмини тилга олиши бежиз эмас. Тахмин қилиш мумкинки, қолган уч машварат аъзоси орасида унинг отаси ҳам бўлган. Чўлпон «келар хут ойи»да очилиши мўлжалланган банк ҳақидаги маълумотни ҳам отасидан олган. Хабарда номи зикр этилган Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев эса асли тошкентлик бўлиб, 1891 йили Мерганча маҳалласида туғилган. У Оренбургдаги савдогар тоғасининг гумаштаси сифатида иш бошлаган ва шу вазифани ўташ жараёнида Андижонга ҳам келиб, бирмунча вақт турган. Саъдуллаҳўжа Абдулҳамиддан олти ёш катта бўлишига қарамай, улар ўртасида яхши биродарлик ришталари ўрнатилди ва Чўлпон ҳатто Тошкентдалиқ даврида маълум вақт Мерганчада у билан ҳамсоя бўлиб яшади.

XX асрнинг 10-йилларида Андижонда яшаган бойларнинг энг машҳури Миркомилбойдир. Лекин 1914 йилда Фарғона водийсининг иқтисодий ҳаётида муҳим воқеа бўлган бу тадбирда унинг иштирок этгани ушбу хабардан сезилмайди. Гап шундаки, гарчанд кейинги йилларда Миркомил Мирмўминбой ўғли тўғрисида кўпгина илиқ сўзлар айтилаётган ва ҳатто йирик насрий асарлар ёзилаётган бўлса-да, юқорида айтиб ўтилганидек, Абдулҳамиднинг — бўлғуси Чўлпоннинг дастлабки мақолаларидан бирида унга таъна тошлари отилган эди. Абдулҳамид бу танқидий мақоласини Самарқандда чоп этилган «Ойина»га эмас, балки Уфага, «Вақт» журнаliga юборган. «Вақт»да эълон қилинган бу мақола Исмоил Гаспиралининг назарига тушиб, у ушбунини бутун мусулмон оламига ибратли бўлиши учун «Таржумон»да қайта чоп этди. Бундан дарак топган Маҳмудхўжа Беҳбудий «Абдулҳамид Сулаймоний» имзоси билан Андижондан Уфага йўллаган мақоланинг Туркистон матбуоти орқали ҳам тарқалишини истаб, «Ойина»нинг 14-сонида кўчириб босди. Уфадан Богчасаройга қадар чўзилган туркий заминда Чўлпон қаламига мансуб мақоланинг катта акс-садога эга бўлишини ҳеч ким, шу жумладан, муаллифнинг ўзи ҳам кутмаган эди. Матбуотга ҳуши бўлмаган Миркомилбой андижонлик «ўт ёқарлар» туфайли ундан хабар топиб, Сулаймон баззозга, аввалги лавҳада айтилганидек, дағдаға қилади. Бусиз ҳам оралари яхши бўлмаган Сулаймон баззоз саросимага тушади, қаламқаш ўғлини



койийди, эҳтиёткор бўлишга ундайди. Аммо орадан кўп ўтмай, «Ойина»нинг 17-сонида «Андижондан мактуб» деб номланган янги хабар босилади.

Бой савдогар оиласида дунёга келган Миркомилбойнинг аср бошларидаги нақд сармоясининг 13—15 миллион сўмни ташкил этган. 2-гильдия савдогари унвонига эришган бу зот Андижоннинг энг бадавлат кишиси бўлганлиги учун ҳамманинг кўзи унга қадалган, ҳатто чор ҳукуматининг кўзлари ҳам унинг киссасига тикилган эди. Буни сезган ва бойлигининг кичик бир қисмини ободонлаштириш ишларига бағишлаш орқали «ёмон кўзлар»дан сақланмоқчи, шу жумладан, Чўлпон сингари мухбирлардан ўзини муҳофаза этмоқчи бўлган Миркомилбой 1913 йилнинг бошларида Андижоннинг Култепа майдонида қирқ ўринли намунали хастахона, 30 нафар ўқувчига мўлжалланган мактаб, 100 нафар ўқувчига мўлжалланган мадраса, ҳаммом ва бошқа иншоотларни қуриб беришга ваъда беради. Абдулҳамид, чамаси, ҳозирча бизнинг назаримизга тушмаган мақоласида бойнинг ана шу ваъдаси ваъдалигича қолиб келаётганини айтган.

«Андижондан мактуб»да ҳам тахминан шу руҳда сўз боради. Мактуб муаллифи Миркомилбойнинг 1913 йил ёзида Вена, Берлин, Париж сингари Оврупо давлатлари пойтахтларига бориб, у ердан автомобиль олиб келганлигини айтади-да, Фарбдан олган ибрати фақат шудир, деган маънода бой ваъда қилган хастахона, жоме ва мадрасадан дарак йўқлигига эътиборни қаратади. *«Ёшрулуб қолмасунки, — деб ёзади муаллиф, — Андижонда бир мактаб бино этдурдилар. Муаллимликга катта мадраса мутаваллисининг муовини таъйин этилди. Ул муаллим афанди ҳар вақт Андижонни тараққийпарвар ёшларини сўқуб юратурган бир кишидурлар. Ўқутатургонлари эски усулдур. «Вақт»да «Таржумон» ва ондин «Ойина»да ёзилган жомеъ, хастахона ва мактабдан алҳол асар йўқдур».*

Бу мактуб тагида: «Андижон», «Қуён», деган сўзлар ёзилган. Шу кезлар матбуотида «Қуён», «Қуёний» имзолари билан ёзилган шеърлар ҳам учрагани ва Андижонда бошқа ёш қаламкашнинг бўлмаганини эътиборга олиб, «мактуб»нинг ёш Чўлпон қаламига мансуб эканлигига шубҳа қилмасак ҳам бўлади. Ўйлашимизча, Чўлпон Миркомилбойнинг дўқ-пўписасидан гўё қўрққан киши сифатида «мактуб»га «Қуён» деб имзо

чеккан ва бу имзога ўз дилида тўпланган кинояларни ҳовучлаб тўккан.

Зикр этилганидек, 90-йилларнинг бошларида мустабид тузум қурбонлари ҳаётини қайта ўрганиш жараёнида Миркомилбойнинг сиймоси яна қалқиб чиқди. Унинг анча-мунча хайрли ишлар қилгани маълум бўлди; чор амалдорлари Биринчи жаҳон уруши арафасида бойнинг 500 минг сўмлик маблағи ҳисобига армияни қуроллантирганлари ва мунтазам равишда унинг киссасини кавлаб, тозалаб турганлари ошкор бўлди. Аммо бу ҳам ҳолва экан. Чор амалдорлари ўрнига келган большевиклар унинг бутун бойлигини тортиб олибгина қолмай, инқилобнинг дастлабки кезларида уни отиб ҳам ташладилар.

Чўлпон Миркомилбойнинг фожиали тақдиридан хабардор эди. Лекин шунга қарамай, «Кеча ва кундуз» романида унга нисбатан йигирма йил аввал билдирган фикрига ҳамоҳанг қуйидаги сўзларни ёзди: (Шарофиддин Хўжаев поездда кета туриб, «Хўсайния» мадрасаси ва уни бино этган Аҳмадбой Хусаинов тўғрисида сўзлаб, Мирёқубга дейди:) «...Миллатга қилган хизмати саноқсиз... Бизда ҳам шундай бойлар бўлса? Андижонда Миркомилбой бор. Эшитгандирсиз? Миллат йўлига бир чақа бермайди. Жоҳил!..»

Инқилобий ҳарбий кенгашнинг Миркомилни отиш ҳақида чиқарган қароридан кўра Чўлпоннинг бу ҳукми даҳшатлироқдир!

Ўйлаймизки, Чўлпон бу сўзларни Миркомилбойнинг ким ва қандай эканлигини билмай туриб айтмаган. Унинг назарида, миллионлари миллатнинг равнақи йўлида хизмат қилмаган инсон инсон эмас эди.

Яна Фоика ая хотирасидан бир шингилини эшитинг:

*«Чўлпон акам ёлғиз бўлгани учун гадамиз унинг ўз ёнида бўлишини устасан. Андижонда, Қўқонқишлоқда акамга дўкон очиб бергандилар, лекин акамиз тижоратга рағбат кўрсатмагани учун ўша дўконларнинг ишларини ҳам отамиз бошқаришига тўғри келди».*

Чиндан ҳам, Сулаймон баззоз Қўқонқишлоқда ўғли учун дўкон очиб берган. Уни рус-тузем мактабига ўқишга бериши, банк ходимини ўқитувчи сифатида ёллаши, турли-туман газеталарга обуна бўлишидан мақсади ҳам Миркомилбойга ўхшаш чор амалдорлари билан ҳам, маҳаллий бойлар билан ҳам баравар гаплаша

оладиган савдогарни, бўлажак ўзбек капиталистини тарбиялаш эди. Аммо «Пашшанинг ҳам ота-онаси бўлади» деган ўғилда савдо ва тижорат ишларига мутлақо ўқув бўлмади.

Кунларнинг бирида Сулаймон баззоз Қўқонқишлоқдаги дўкондан хабар олса, камбағалпарвар ўғил анчагина молларни бева-бечораларга текинга ё насиёга улашиб, дўконни шип-шийдам қилиб юборган экан. Буни кўрган Сулаймон баззоз: «Сендан бой ҳам, дўкондор ҳам чиқмас экан», деб ўксинган-да, қўлини ювиб, қўлтиққа урган.

\* \* \*

Ўзбек жадидларининг яқин дўсти бошқирд Заки Валидий 1914 йилнинг март ойида Тошкентга келган. Валидий Туркистонга қилган бу илмий саёҳати давомида кўплаб ёш дўстлар орттирди. У орттирган шундай кишилар орасида «ўзбеклардан — кейинроқ шоир бўлган Абдулҳамид Сулаймон», «қозоқлардан — ўша вақтда гимназия талабаси» Назир Тўрақулов ҳам бўлган.

«Туркистонда танишган шахслар орасида Назир Тўрақулов билан Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) менга алоҳида яқин дўстлар бўлдилар, — деб ёзади Валидий «Хотиралар» китобида. — Назирнинг отаси Тўрақул Фарғона губернаторининг таржимони эди. У баъзи қимматли қўлёзма асарлар тўплаган. Қўлига тушган китобни ўқир, ҳар ўқигани муаллифнинг таъсирига берилар эди. Мен эса унга инсон ўзининг қисқа бир умрида китобларни муайян бир мақсадда ўқиши кераклигини, одам шу вақтдагина ютуққа эришажагини айтдим. Менинг бу фикримни у 15 ёшлик ўсмир бўлган шоир Чўлпон онгига сингдиришга ҳаракат қилган, ўзи эса катта мансабдор ва кайфи ўзгариб турадиган одам бўлганлигидан, бу одатга ўрганомаслигини, тартибга кўникиши қийинлигини айтди. Назир ўша вақтда ватанпарвар туркчи эди. Истамбулда чиқадиган «Турк юрти»ни ўқирди. Кейинроқ коммунист бўлди. Жигдада рус элчихонасида ишлади. Турк тили масалалари тўғрисида мақолалар бостирди, миллий маданиятга содиқ қолди, шунинг учун ҳам советлар тарафидан ҳукм этилган кишилар қатори йўқ қилинди».

(Назир Тўрақулов тўғрисида З. Валидий баён қилган бу фикрлар билан китобхонни муфассал таништираётганимизнинг боиси шундаки, у, биринчидан,

дастлаб Чўлпоннинг яқин ҳеш-ақробаларидан бири бўлган бўлса, иккинчидан, коммунистлик даврида, Совет давлати арбобларининг бири сифатида, мутлақо ўзгариб, ҳатто ёшлиқдаги дўсти Чўлпонга ҳам маломат тошларини отди.)

3. Валидий давом этиб, бундай ёзади:

*«Кейинроқ ўзбекларнинг энг буюк шоирларидан бирига айланган Чўлпон ўша вақтда 15 ёшларда бўлган бўлса керак. Менга тарих китобимни (сўз муаллифининг «Турк ва татар тарихи» номли 1912 йили Қозонда нашр этилган китоби устида бормоқда — Н.К.) ўқиб илҳомланганлиги ва фикрдошлик қилишимни айтиб, хат ёзди. Андижонга, уйларига меҳмонга таклиф қилди. Мен Назир Тўрақул билан уйларига келгач, бойбадавлат бўлган унинг отаси Сулаймон баззоз маслаҳат қилмай уйига меҳмонга чақирган ўғлидан норозигай бизни бир оз совуқ қаршилади. Абдулҳамиднинг уйида йўқлиги ҳам хунукроқ бўлди. Абдулҳамид отасига бизни таклиф қилганини айтмаган экан. Шунда мен отага куйидаги маънодаги бир форсча шеър айтдим: «Булбулигўё деган бир қуш бўлар экан, у сайраганда бошқа қушлар ҳам эриб кетар экан». Зеҳдли Сулаймон акага таъсир қилди шекилли, бизни аввал анча совуқ қаршилаганига қарамай, кайфиятини гарров ўзгартириб: «Сизлар энди ўғлимнинг меҳмони эмас, менинг меҳмонимсизлар,» деб меҳмонхонага қайтиб кетишимизга йўл бермади. Буюк турк шоири Чўлпоннинг отаси форсий адабиётни ниҳоятда ҳурмат қиларкан. Ўзимни таништирдим, йўланма қоғозимни кўрсатдим... Буюк ўзбек шоирининг ўзи билан ҳам, унинг меҳмондўст отаси билан ҳам танишиб олдик. Назир Тўрақул туркчани билишдан ташқари, форсий адабиётни ҳам тушунар ва ҳурмат қилар эди. Сулаймон ака билан хайрлашдик, у кишининг менга қилган совғаларини онамга олиб бордим...»*

Аҳмад Заки Валидийнинг биз учун катта қимматга молик бу хотираси кўпроқ шоирнинг отаси ҳақида бўлса-да, ундан Абдулҳамиднинг нафақат татар вақтли матбуоти, балки туркий оламда чоп этилиб турган китоб ва рисоаларни ҳам мунтазам кузатиб боргани ва 1914 йилга келиб, ҳар томонлама улғайгани ҳақида ҳаққоний маълумотни оламиз. Қолаверса, Сулаймон баззознинг Валидий эътиборини қозонган инсоний фазилатлари ҳам ота мерос сифатида Чўлпонга ўтган.

Шу билан бирга бу хотира Абдулҳамиднинг ўша йиллариёқ мустақил ҳаёт тарзига ўтаётгани ва Сулаймон баззоз табиатидаги ўзига ишонч, бошқалар раъйига бўйсунмаслик, танлаган йўлига собит қолиш туйғуси унинг ҳам вужудида куртак ёзаётганини намойиш этади.

\* \* \*

Чўлпон адабиёт оламида ўзининг дастлабки қадамларини ташлар экан, Андижон тупроғида, ҳатто атроф шаҳар ва қишлоқларда рўй бераётган воқеаларга муносабат билдиришга, жамият ҳаётида кўринган янги тамойилларни тарғиб қилиш, нуқсон ва иллатларни эса Беҳбудий кўзгуси орқали эл-юртга намойиш этишга уринди.

1914 йил апрелидан бошлаб Тошкентда «Садои Туркистон» номида янги газета чиқа бошлади. Ҳафтада икки мартаба чиқадиган бу «адабий, иқтисодий, фанний ва маиший» газетанинг муҳаррири Русияда таҳсил кўриб қайтган машҳур адвокат Убайдулла Хўжаев (Асадуллахўжаев) эди. У Татаристонда чоп этилаётган «Вақт» газетаси ва «Шўро» журнали йўлидан боришга интилиб, хорижий Шарқ мамлакатлари ҳаётини ёритувчи мақола ва хабарлар беришга катта аҳамият берди, ўз атрофига маҳаллий ижодий кучларни йиғиш ва улар кўмағида ғафлат оғушида ётган ватандошларини уйғотиш вазифасини бажаришга киришди. Газетанинг 18 апрель сонидаяқ Абдулҳамиднинг «Туркистонли қардошларимизга» деган шеъри босилди.

*Илм-маърифат ҳам хунардин қолди маҳрум бизни халқ,  
Маърифатсизлик балосига йўлиқғон бизни халқ,  
Бир киши миллатпараст ўлса, деюрлар «дахрий» деб,  
Бир киши миллатни сўкса, иззат айлар бизни халқ,  
Мактаба йўқ бир тийин, тўйга минг сўмлаб берур,  
Чорасиз мушкул касалга мубталогир бизни халқ...*

Ёш шоир қалбидаги тутанмас дард ва ҳасрат билан суворилган бу шеър 10-йиллар ўзбек шеъриятининг бош ғоявий ўзанига мансуб. Абдулҳамид ҳам навқирон ижодкор бўлишига қарамай, янги ўзбек адабиётининг ижтимоий-ғоявий йўналишини И. Гаспрали, М. Беҳбудий, Фитрат, А. Авлоний сингари жадидчилик ҳаракатининг пешқадам арбоблари таъсирида тез ил-

габ олди ҳамда шу йўналишда шеърӣй ва насрий асарлар яратишга киришди.

Орадан 11 кун ўтгач, шу газетанинг 29 апрель сонида унинг «Қурбони жаҳолат» деган ва муаллиф номини бир зумда машҳур этиб юборган илк ҳикояси эълон қилинди.

«Қурбони жаҳолат», адабиётимизнинг бугунги савияси нуқтаи назаридан қаралса, анчагина бўш асар. Аммо уни 10-йиллар ўзбек насри намуналари билан қиёсласак, ёш Чўлпоннинг ўша вақтдаёқ аксар қаламкаш замондошларидан хийла илгарилаб кетгани аниқ сезилади. Ҳикоянинг бош қаҳрамони Эшмурод номли йигит бўлиб, у тахминан муаллиф билан тенгдош. Унинг теварак-атрофини қуршаган барча кишилар — отаси ҳам, отасининг дўсти Назир сўфи ҳам, мингбоши ҳам, ҳатто тенгқурлари Мўминжон билан бесоқол бола ҳам — ҳаммалари Эшмуродга руҳан ёт бўлиб, ўз қиёфаларида «Туркистонли қардошларимизга» шеърӣда таъриф ва тавсиф қилинган халқ образини гавдалантириб туради. Эшмурод улар орасида ёлғизланиб, охир-оқибатда ўзини отишга мажбур бўлади.

Чўлпон «Қурбони жаҳолат»да соат тафсилдан чиройли фойдаланган.

Эшмуроднинг уйида янги девор соати пайдо бўлади, янгиликка ўта ишқибоз йигит отасидан бу соатни сўраб олиб, уни меҳмонхона деворига осиб қўяди. Шу пайт эшон домланинг қўли эгри ўғли кириб қолиб, девордаги осма соатга назари тушади. Эшмурод Мўминжоннинг соатга ёмон ният билан тикилганини сезиб, уни сандиққа яширмақчи бўлади. Аммо шу пайт Мўминжон Эшмуродни чалғитиб, соатни қўйнига яширишга улгуради. Орадан бироз вақт ўтгач, меҳмонхонага кириб келган отаси соатни Эшмурод яширган жойдан тополмай, ўғлини аччиқ устида калтаклайди. Умида биринчи марта ноҳақ калтак еган йигит қаттиқ оғриб қолади.

Бу — ҳикоянинг биринчи қисми. Ҳали ижодий тажрибага эга бўлмаган муаллиф ҳикоянинг бу қисмида ўз ғоясини ифодалай билмагач, уни давом эттирмақчи бўлган. Бир ойдан кейин сиҳат-саломатлиги анча яхшиланган Эшмурод қўшни мингбошининг боғчасидаги скамейкада газета ўқиб ўтираркан, ватандошларининг илмсизлиги ва ҳунарсизлиги оқибатида юз бераётган катта-кичик фожиалардан хабардор бўлади.

Эшмурод: «Бу бизнинг Туркистонимиз гафлатдан уй-гонурми, йўқми?» деб маъюсланиб турганида, мингбоши келиб қолади. Йигитнинг ўлкада юз бераётган воқеалар тўғрисидаги мақола ва хабарларни ўқиётганини кўриб, сайлов масаласи билан қизиқсинади. Газета бу масалани ҳам четлаб ўтмаган экан. Хуллас, мингбоши газетхон йигитни ўз меҳмонхонасига таклиф этиб, сайлов хабарлари билан яқиндан танишмоқчи бўлади. Шу пайт кўшни бесоқол бола меҳмонхонада осиглиқ турган соатни ўмариб кетади, газетхонлик билан банд бўлган Эшмурод эса буни ҳам пайқамайди. Шундай қилиб, Эшмуродни иккинчи марта ўғрига чиқарадилар.

*«Бир-икки ойдан кейин соат ўғирлаган бесоқол боланинг уйига ўғрилар кириб, ушландилар. Ўғирланган моллар ичига бесоқолнинг мингбошидан ўғирлаган соати ҳам бордур. Энди ҳақиқат билиндики, мингбошининг соатини ўғирлаган Эшмурод бўлмай, Эшмуроднинг қўшнисининг бесоқол боласи экан. Бечора Эшмурод эса жаҳолат қурбони бўлган экан».*

Ҳикоя шу сўзлар билан тугайди. Унинг ҳар икки қисмида соат Эшмуродга кулфат олиб келади. Модомики, соат эндигина йўрғакдан чиқа бошлаган янги даврнинг — техник тараққиёт даврининг тимсоли экан, ёзувчи Эшмуроднинг бу даврга жаҳолат ботқоғига ботган юртдошларисиз бир ўзи кира олмаслигини айтмоқчи бўлади; шунинг учун ҳам, аввало, халқни жаҳолатдан халос этиш лозим, деган ғояни илгари суради.

Биз бу ҳикояни ўқир эканмиз, «Туркистонли қардошларимизга» шеъридаги сатрлар ўқтин-ўқтин хотирамизга келади:

Ибрат олмайдир бошига шунча кулфат келса ҳам,  
Мисли бир калтак йўқотган кўрга ўхшар бизни халқ.  
Кўр-да фарқ айлар йўли тўғри ила нотўғрини,  
Тўғри йўлга бошласанг-да, эгри хоҳлар бизни халқ...

Бундай сатрларни халқининг нодонлигидан астойдил куйинган кишигина ёзиши мумкин. Чўлпон эса, ушбу шеър ва ҳикоядан кўринганидек, халқининг таърихий тақдири ҳақида жон куйдириб, унинг янги давр билан ҳамқадам бўлишини жуда-жуда истар эди.

А. Саъдий зикр этилган китобида ушбу ҳикоянинг бевосита «Падаркуш» таъсирида ёзилганини айтади.

Дарвоқе, «Ойина»нинг 21-сонида (10 март) Чўлпоннинг «Қуёний» таҳаллуси билан босилган хабаридан маълум бўлишича, у «Падаркуш» фожиасини кўрмоқ учун Андижондан Қўқонга борган. У спектаклда иштирок этган қатор артистларнинг ижодий ишларига «таҳсин ва ташаккурлар арз қилиш» билан бирга бойнинг ўлдирилиши саҳнаси таъсирлик чиқмагани ва бойвачча образи яхши талқин этилмаганини ҳам айтган. Чўлпон «Падаркуш» таъсирида ёзилган бу асарида, Беҳбудийдан фарқли ўлароқ, ўқиган боланинг ҳоли ва фожиасини кенгроқ миқёсда кўрсатишга интилангани, шу нарсанинг ўзиёқ ёш ёзувчида ижодий изланиш туйғуси кучли бўлганидан шаҳодат беради.

\* \* \*

«Садои Туркистон»нинг 1914 йил сонларини ва рақлар экансиз, ёш мухбир ва ёш ижодкор сифатида кўринган Чўлпоннинг йил сайин ҳам, ой сайин ҳам эмас, балки кун сайин фаоллашгани ва ижодий ўсиш йўлидан шиддат билан борганини кўрасиз. Газетага Убайдулла Хўжаевдек тараққийпарвар киши муҳаррир бўлгани, унинг атрофида Мунаввар қори Абдурашидов сингари халқпарвар ва ватанпарвар сиймолар тургани учун ёш Чўлпоннинг «Садои Туркистон» билан алоқаси кундан-кунга мустаҳкамланиб борди. Лекин халқнинг худди шу фидойи фарзандлари газетанинг сиёсий-ижтимоий йўналишини белгилаб тургани учун ҳам у чор цензурасининг қаттиқ назоратида эди. Шунинг учун ҳам унинг айрим шеър, хабар ва мақолалари газетада босилмай қолган ва йўқолган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Газетанинг 1914 йил сонларида идора номидан берилган қуйидаги жавоблар шундан далолат беради:

*«Чўлпон афандия: «Нима бор» унвонли мақолангиз «Ялт-юлт» журнаliga муносиб» (33-сон).*

*«А. Сулаймоний афандия: Йўғ шариф муносабати ила ёзилгон мақолангиз кечикиб қолди» (5 ноябрь)...*

Шу нарса ғаройибки, «Садои Туркистон» эндигина чоп этила бошлаган кезларда унга Тошкентдаги «Туркистон» кутубхонаси ва Каримбек Норбеков мағазинида, шунингдек, Хўсайнхўжа Дадахўжаев, Мулла Нўъмон Акрамхонов, Абулқосим Тошмухамедовлар ёрдамида обуна бўлиш мумкин эди. Андижонда эса бу масала билан фақатгина бир киши — «Абдулҳамид



Сулаймоний» шуғулланган. Худди шу йили Қўқонда нашр қилинган «Садои Фарғона»нинг Андижондаги обуна ва эълон қабул қиладиган вакили «Сулаймонқул Юнус ўғли» бўлиб, газетанинг 6-сонидан бошлаб эса «Абдулҳамид Сулаймонқул ўғли» ҳам вакиллар қаторидан муносиб ўрин олган.

Она шаҳридаги янгиликлардан қувониб, нохуш манзараларни кўриб, изтироб чекувчи Чўлпон, кўп ўтмай, «Садои Фарғона»нинг ҳам хос мухбирига айланди. Газетанинг 1915 йил 25 февраль сонидан эса унинг «Мад-расаларимиз аҳволи» деган хабари эълон қилинди.

*«Андижонда Маҳмуғ дастурхончи маграсасида турғувчи бир неча нафар ахлоқи бузуқ, ёмон муллалар бир яхши, пок муллани маграсадан зўрлик қилиб чиқариб-дурлар. Бечорани гуноҳи бачабозликни ман қилиши экан. Сўнгра бечора тўғри муллаға (жаноб инспектур тўраға) арз қилибдур. Инспектур тўра мазкур ишни ҳақиқат қилмоққа маграсага бориб, полисия билан ҳужрага кируб, китобларни кўриб турулгон ҳолда бир тунука яшиқда бачаларга солиб ўйналадурғон кокил топибдурлар. Бул ишдан кўп норизо бўлиб, жаноб домлани инспектурға юборибдурлар.*

*Ана, муллаларнинг аҳволи!»*

А. С. имзоси билан ёзилган бу хабар туфайли Чўлпоннинг бошига не-не бало тошлари ёғилмади. Газета идораси ёш мухбирни жоҳил кишилар нафрати ва қасосидан асраб қолиш мақсадида «Садои Фарғона»нинг 14-сонидан андижонлик муштарийларга ҳатто бундай сўзлар билан мурожаат этишга мажбур бўлди:

*«113-газетамизда «Андижон хабарлари. Маграсаларимизнинг аҳволи» сарлавҳали А. С. имзоси билан ёзилгон хабарни Андижон маграсасинда турадурғон муллалар ўқиб кўриб, андижонлик Абдулҳамид Сулаймон афандига учрашиб, «бу хабарни сиз ёзибсиз», деб баъзи нолойиқ сўзларни айтибдурлар. Агар Андижон маграсасинда шундай воқеалар бўлмагон бўлса, махсус ёлғонлиғи учун бу хабар ёлғон, бундай воқеа бўлган йўқ, деб жаноб муллалар идорамизга ёзиб юборсалар керак эди. Ваҳоланки, бу хабарни идорамизга ёзғувчи Абдулҳамид Сулаймон бўлмай, бошқа бир ўзимизга маълум киши ёзган эдилар».*

Чўлпон хабар ва мақолаларининг салбий «қаҳрамонлар»и томонидан бундай тазйиқ ва таҳдидлар кўрсатилганига қарамай, ўзбек воқелигидан зарарли

иллатларни сиқиб чиқариш, маориф ва маданиятнинг халқ ҳаётига чуқур кириб бориши учун мухбирлик ва шоирлик қалами билан мардона курашди. «Қаловини топса, қор ҳам эрийди», деганларидек, ҳажв тифини юмшоқ пахта билан ўраб, янгилик душманларининг кўкрагига санчди.

«Садои Туркистон» газетасининг 1915 йил 21 январь сонидида босилган «Майда-чуйда» сарлавҳали куйидаги ҳажвия мутаассиблар билан курашда Чўлпон маҳоратининг ошиб борганидан дарак беради.

*«Қайси жинни?»*

*Анджон ила Ўш шаҳарлари орасида Хўжаобогда бир одам жинни бўлуб, бозорларга халққа баланд овоз ила қичқириб юрубдирки: «Эй биродарлар! Кимки ўғлини ё қизини ўқитмаса, ул одам худои таоллонинг катта бир неъматидан маҳрумдир».*

*Аммо кўп ерларга катта-катта маҳалла оқсоқоллари халққа: «Биродарлар! Кимки ўғлини ё қизини усули жадида мактабига ўқутса тўйига ҳам, жанозасига ҳам бормасмиз», дегилар.*

*Ўқувчилар, ўйлаб кўрингиз! Булардан қайси жинни?»*

XX асрнинг 10-йилларида, ҳали халқимиз онгидан жаҳолат булути кўтарилмаган, ҳатто маҳалла оқсоқолларига мадраса мударрислари жаҳид мактабларида ўқиётган болаларнинг оталарини кофир, деб эълон қилган ва улар юрагига фулгула солиб турган бир пайтда ўн олти-ўн етти ёшлик Чўлпон шу тарзда миллий тараққиёт учун диний фанатизм ва нодонликка қарши дадил кураш бошлади.

\* \* \*

«Садои Туркистон» дунёга келиши билан Убайдулла Хўжаев тошкентлик ёш ижодкор Мўминжон Муҳаммаджоновни таҳририятга ишга таклиф этади. Газетанинг оддий халқни уйғотишга қаратилган йўналиши, жумладан, ёш Чўлпоннинг чиқишлари чор амалдорларига, хусусан Остроумовга ёқмайди. Охири у «черков»ни ўзбек тилига «бутхона» деб таржима қилгани учун, бу сўзни рус ибодатхонасига нисбатан ҳақорат билиб, газета нашрини 1915 йили тўхтатиб қўяди.

Шу ўринда ушбу нашрнинг пайдо бўлиш тарихи билан танишишни зарарсиз, деб ўйлаймиз. Заки Вали-

дий хотираларида мужассам топган бу тарих қуйдагичадир:

3. Валидий 1913 йили Фарғона водийсига борганида, у ердаги эсерлар фирқасининг аъзоси, социал инкилобчи Вадим Чайкин билан кўп маротаба кўришади. Шундай суҳбатларнинг бирида мусулмонларни уюштириш ҳақида сўз боради ва улар «Садои Туркистон» ҳамда «Туркестанский голос» деган номларда ўзбекча ва русча газеталарни чиқариш масаласини келишиб оладилар. Газетанинг ўзбекча нусхаси Тошкентда Убайдулла Хўжаев муҳаррирлигида, русчаси эса Андижонда В. Чайкин томонидан нашр этилишини тўғри деб топадилар. 3. Валидий айни пайтда В. Чайкинни У. Хўжаев, М. Абдурашидов ва А. Зоҳирий билан таништириб, газетанинг мақсад ва вазифасини бундай белгилайди:

1. Сибирь темир йўлидан то Афғонистон ва Эронга қадар чўзилган кенглиқда яшаётган туркий халқлар билан руслар орасида ҳуқуқ ва аҳвол соҳасида тенгликни вужудга келтириш.

2. Кўчманчи мусулмон халқларнинг ўтроқлашуви ва уларга қишлоқ-шаҳарлардан жойлар бўлиб берилгунга қадар кўчиб келаётган русларга ер бермаслик.

3. Замонавий маърифатни тарқатиш.

«Садои Туркистон», шу жумладан, унинг фаол муаллифларидан бири Чўлпон ана шу вазифани бажаришга бел боғлаган, шу туфайли газета фаолияти юқорида қайд этилган баҳона билан тўхтатиб қўйилган эди.

Мўминжон Муҳаммаджонов «Садои Туркистон» ёпилиб, яшаш манбаи ҳам тугагани орқасида гоҳ оч, гоҳ тўқ умр кечириб юрганида, Убайдулла Хўжаев андижонлик дўсти В. Чайкин ёрдами билан «Садои Туркистон»ни оёққа турғизмоқчи бўлади. Газетага ихлос билан хизмат қилган кишини топиб, Андижонга юбориш ниятида яшар экан, унинг назари яна Мўминжон Муҳаммаджон ўғлига тушади.

Тошқин тахаллуси билан ҳам ижод қилган бу зот «Турмуш уринишлари» деган дастлабки ўзбек роман-хроникасида бу воқеани қуйдагича тасвирлаган:

*«Андижонга бориб, Қатортерак деган маҳалладаги Абдулҳамиднинг ҳовлисига тушдим. (Ёзувчининг бу сўзларидан Абдулҳамид — Қуён — Қуёнийнинг «Садои Туркистон» газетасининг Андижондаги энг фаол ва таҳририят аъзоларига яқин муаллифи бўлганлигини англашилиб турибди — Н.К.). Кенг бир ташқарига*

ўрта ёшли, йўғон гавдали киши билан кўришдим. Бу одам Абдулхамиднинг дадаси экан. У киши «Бир оз сабр қилиб, меҳмонхонада ўтира туринг. Абдулхамид ҳозир келиб қоладилар», деди.

Меҳмонхонада гулхан олдида икки-уч киши суҳбатлашиб ўтиришган экан, мени кўришлари билан дарров ўринларидан туриб кўришдилар. Гулханда вақиллаб қайнаб турган кумфондан чой дамлаб, олдимга қанд-қурслик дастурхон ёздилар. Улар билан ҳол-аҳвол сўрашиб, чой ичиб ўтирган эдим, орадан ўн беш дақиқа ўтмасдан, Абдулхамид кириб келди.

У ўн етти-ўн саккиз ёшлар чамасидаги, оқ чўтир, барвастадан келган бир йигитча экан. Мен билан қўл бериб кўришгач, ўзимнинг ким эканлигимни танитдим.

— Хуш келибсиз, яхши келибсиз! — деб хурсандчилик изҳор қилди у. Ҳаракатларидан камтарин бир йигитча эканлиги кўриниб турар эди.

Унинг дадаси эски мадрасани битирган, ҳар кунги газета ўқиб, дунё воқеаларидан хабардор бўлиб турадиган бир киши экан. «Вақт» ва «Таржумон» газеталарини кўп мутолаа қилар экан.

Абдулхамид ҳар кун хусусий равишда русча ўқир эди. Татаристон, Озарбайжон, Ҳиндистонда чиқадиган ҳамма газета ва журналларга муштаний бўлиб олиб турар, русча газеталарни ҳам кўймасдан мутолаа қилар эди. Қариндош-уруғларининг болалари ва маҳалла болалари унинг тарғиботи орқасида Андижонда очилган янги усул мактабларга кириб ўқий бошлаган эди. Отасининг бу яккаю ягона ўғли, гарчи имконияти бўлса-да, ўша вақтдаги кўп аҳмоқ бойваччалар сингари кайф-сафоларга берилмасдан, кўп вақтини маърифат ишлари билан ўтказар эди. Ўша вақтдаги тўсқинликларга қарамасдан, ҳатто етти яшар синглисини (сўз Фоика ая ҳақида бормоқда — Н.К.) ўз маҳалласининг бир четига очилган янги усул татар қизлар мактабига ўқишга берган эди...».

Баҳс «Садои Туркистон»нинг тақдири тўғрисида борар экан, яна бир тафсилотни айтиб ўтмасликнинг иложи йўқ. «Бугхона»да ёнғин сарлавҳали мақола муносабати билан газета уч-тўрт ойга тўхтатиб қўйилган бўлса-да, Убайдулла Хўжаев адлия ишларининг пири бўлганлиги учун энг яхши адвокатлар ёрдамида Остроумовнинг ҳукмини бекор қилишга эришди. Ётиб қолган ва муайян чиқимлар туфайли тикланган газета моддий ёрдамга муҳтож эди. Тошкентлик жадидлар вазиятдан

чиқиш учун Абдулла Авлоний раҳбарлигида театр труппасини тузиб, уни Фарғона водийсига юбордилар. Қўқонда Абдулҳамид томоша қилган «Падаркуш» спектакли труппанинг ана шу «хайрия сафари» чоғида намоиш этилган. Труппа Фарғона водийсига қилган ижодий сафари билан «Садои Туркистон»нинг қайта оёққа туришига ёрдам берди. Лекин чор амалдорларига газетани ёпиш учун баҳона қаҳат эмас эди.

Мўминжон Муҳаммаджонов газета чиқаришга ижозатни Андижонда икки ой кутди. Фарғона уездининг генерал-губернатори Иванов эса «Садои Туркистон»нинг қайта тикланишига рухсат бермади.

*«Ноилож, — деб давом эттиради «Турмуш уринишлари» роман-хроникасининг муаллифи, — «Интибохи Туркистон» («Туркистоннинг уйғониши») номли газетани чиқаришга ижозат сўраб, губернаторга ариза бердик. Бу газетага муҳаррир мен бўладиган бўлдим. Губернатор Андижон мингбошисини чақиртириб, менинг чор ҳукуматига содиқ ва содиқ эмаслигимни мени таниган ва танимаган одамлардан хўб текширтирибди. Бу ҳам газетага ижозат бермасликка бир баҳона бўлса керак, губернатор талабимизни охири рағ қилди.*

*Губернаторга ёзилган аризани ўзбек тилида мен ёзган эдим, Абдулҳамид русчага таржима қилди...»*

Абдулҳамид андижонлик дўст-ёрларининг ваъдаларига ишониб, газетани тез кунда чиқиб қолади, деб ўйлади. У газета сифатини яхшилаш ва энг яхши кучларни таҳририят атрофига жамлаш истагида кўплаб таниқли журналист ва ёзувчиларга хат орқали мурожаат этди. Мана, ўша хат:

*«Муҳтарам Ҳамза афанди!*

*Илтимос қиламан: ушбу хатни олув билан тезлик ила «Садои Туркистон»нинг биринчи агадиға бир яхши шеър, газета хусусинда, ёзиб юборинг.*

*Адрес бу: Андижон, редакция газеты «Туркестанский голос», «Садои Туркистон» учун.*

*Эҳтиром билан игора номина*

*Абдулҳамид.*

*6 декабрь 1916.*

*Жавоб 15 декабрларғача келмоқ лозим. Иложи бўлса, 10-сига ёки 12-сига мунда бўлсун».*

6 декабрь куни почта қутисига ташланган бу хат 8 декабрда Андижондан жўнатилиб, 9-куни Қўқонга етиб борган. Ҳамза «Ғайрат» китобхонаси манзилига юборилган бу очма хатни шу куниёқ олиб, андижонлик биродарининг илтимосини бажаришга киришади. Абдулҳамид шу йил 12 декабрь санаси билан йўллаган иккинчи очма хатида Ҳамзага: *«Шеърингиз олинди. Дарж этилур»*, деб хабар беради ва яна хатта: *«Шеър яхши. Газета саҳифасин зийнатлар, яна ёзингиз»*, деб илова қилади.

Лекин Абдулҳамид ҳам, тошкентлик зиёлилар ҳам кутган газетанинг чиқишига рухсат берилмайди.

М. Муҳаммадҷонов ҳикоясини давом эттириб, ёзади:

*«Газета чиқмайдиган бўлгач, маош ҳам тўхтади. Абдулҳамид гадаси билан маслаҳатлашиб, менга кичик бир мактаб очиб берадиган бўлди. Амакисининг бекор ётган кенг бир болаҳонасини мактаб учун жиҳозлаб, тўғрилаб берди. Қўни-қўшнилари ва қариндош-уруғларидан йиғилган ўнча болани деворга яримта тахта тунука осиб, алифбедан ёздириб, ўқита бошладим».*

Шундай қилиб, «Садои Туркистон» билан ижодий ҳамкорлик Абдулҳамидга қимматга тушди: газетани Андижонда, эсер Чайкин муҳаррирлик қилган «Туркестанский голос» қошида чиқариш мақсади билан келган жаҳонгашта жаҳид Абдулҳамид устига, агар ўзбекона айтсак, «ўлигини ташлаб олди».

Абдулҳамид Сулаймоннинг шоир, ёзувчи ва журналист сифатидаги мураккаб ижодий йўли шундай бошланди.

## **Тонг юлдузи**

Жаҳидчилик ҳаракати ва адабиётининг отаси Исмоилбек Гаспрали Чўлпон ижодий фаолиятининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатди. Боғчасаройда у нашр этган «Таржумон» газетаси неча-неча тоғлар ва дарёлардан ошиб, Туркистон ўлкасига ҳам етиб келди ва шу тарзда Исмоилбек Гаспралининг маърифатпарварлик гоялари ўзбек жаҳидлари, шу жумладан, Чўлпонни ҳам жунбушга келтириб, унинг бутун вужудига, онгига, асарларига кириб олди.

Гаспралининг 1887 йилдаёқ «Таржумон»да эълон қилина бошлаган, 1906 йилда эса Қримда алоҳида китоб тарзида нашр этилган «Дор ул-роҳат мусулмон-

лари» деган бир романи бор. Бу биринчи туркий романнинг муҳим бир қисмини тошкентлик Мулла Аббоснинг гўё Францияга қилган саёҳати асосида ёзган «Фарангистон мактублари» ташкил этади. Романда тасвирланишича, Мулла Аббос йигирма етти ёшида Францияга бориб, ундан Пиринейга ўтган, Гранада шаҳрининг муҳташам саройларидан бўлмиш кўҳна Эл-Ҳамроҳда бир ой давомида истироҳатда бўлган. У саройда роҳат ва фароғатли кунларни кечириб, сайр қилар экан, «Дор ул-роҳат» деган афсонавий ўлкага дуч келиб қолади. Мулла Аббоснинг айтишича, бу масканда дастлаб атиги 185 киши яшаган. Улар ақл-идроклари ва меҳнатлари билан бу ерда гўзал ҳаётни барпо этиб, мўъжизалар силсиласидан иборат ўлкага пойдевор қурадilar. Бу мўъжаз бир юртда тартиб ва интизом, гўзаллик ва эзгулик, юксак маданият тантана қилади. Мулла Аббос бу юртнинг қайси бир гўшасига назар ташламасин, инсониятнинг порлоқ келажагини кўради. Бундай камолатга мусулмон дини ва шариат қонунлари ардоқланаётган заминда эришилгани уни, айниқса, ҳайратга солади.

И. Гаспирли Кампанелланинг «Қуёш шаҳри»га эш бўлган шундай хаёлий гўзал бир оламни тасвир этган. Русия мусулмонлари яшаётган юртлар, шу жумладан, Туркистон ҳам бу олам қаршисида ҳеч нарса эмас. Шунинг учун ҳам тошкентлик мулла Дор ул-роҳатда ўзини жаннатда яшагандек ҳис этади. Аммо дорулроҳатликлар уни турли йўллар билан олиб қолмоқчи бўлганларида, у ўз ватанини бу гуллаб-яшнаган диёрга алмаштиришни истамайди.

И. Гаспирлининг бу романида яна бир қатлам бор. Ижтимоий фикр билан суғорилган бу қатламда Испания қироли Фердинанднинг Андалузия мусулмонлари истиқомат қилган ерларни босиб олишда уларга берган ваъдалари совун кўпикларидек юзиб туради. Фердинанд мусулмонларнинг жони ва моли, дини ва масжиди, урф-одатлари ва турмуш тарзи дахлсиз қолишига ваъда берган эди. Аммо испан солдатлари оёғи Андалузия тупроғига тегиши биланоқ мусулмонларнинг уйига ўт кетади. Муаллиф, шубҳасиз, Испания деганда Русияни, Андалузия деганда Русия тасарруфидаги туркий халқлар заминини кўзда тутган.

Мулла Аббос Андалузияни сайр этар экан, бир маҳкамага кириб хизмат қилаётган қози билан тани-

шади. Қози эса олис юртдан келган муллани саволларга кўмиб ташлайди. У мулланинг арабий, форсий, сарф, наҳв каби фанлардан бошқасини ўқимаганлигидан ҳайратта тушади.

« — Вожаб! Ўн икки йил таҳсилда бўлиб, ҳисоб, ҳангаса, ҳукумоти таъбия, тарих каби фанлар кўрмагингизми?

— Шундай, афандим, кўрмадим.

— Балки илми санойидан, тиббиёт, муҳандислик, кимё ва меъморлик таҳсилида бўлгандирсиз?

— Бўлмадим. Лекин Франса ўлкасида, аксинча, бир неча фандан сабоқ олдим.

— Франклардан қандай сабоқ олдингиз?

— Мухтасар тарихи умумий, фанни жаҳоннома, илми ҳайвонот, ҳукумот ва бироз ҳисоб ва илми сиҳрат сабоқлари олдим.

— Сизни ким тарбиялади?

— Ўн ёшимгача марҳума онам қўлида эдим, сўнгра мадрасага бердилар. Тарбиям ва билганим шу қадардир, афандим.

— Хўш, тарбиянгиз недан иборатдир?

— Ҳазратлари, бизнинг юртимизда болага емак берарлар, кийим кийдирарлар, баъзида сўкарлар, урарлар, насихат қиларлар, баъзида бошини силаб, кўнглини кўтарарлар, эркалатарлар... Тарбиямиз шундайдир».

Чўлпон бу асарни завқ билан ўқиб, ундан ўз ижоди учун катта туртки олди. Агар «Садои Туркистон»нинг 1914 йилдаги 24, 30, 34, 45—47-сонларида нашр этилган «Дўхтур Муҳаммадёр» ҳикоясига диққат-эътибор қилсак, унинг бевосита И. Гаспдали таъсирида ёзилганлиги ойдинлашади. Ёзувчининг ҳикоя қаҳрамони учун докторлик касбини танлагани тасодифий эмас. Унинг назарида, Туркистон ва унинг аҳолиси офир хасталикка чалинган. Шунинг учун ҳам Муҳаммадёрлар, Чўлпон назарида, Мулла Аббос сингари тараққий этган мамлакатларда таҳсил кўриб ва малакали шифокор бўлиб келиб, ватандошларининг шу хасталиқдан халос бўлишларига ёрдам беришлари зарур эди.

Чўлпон ҳикояга, шўро мафкурасининг маддоҳлари айтиб келганларидек, ўзбек буржуазиясининг манфаатларини ҳимоя қилувчи кишини қаҳрамон қилиб олмаган. Муҳаммадёр — оддий бир сартарошнинг ўғли.



Отаси қиморбозлик орқасида бир-бирига қўл кўтарган безорилар қўлида ўлганида, у қотилларнинг бир-иккисини таниб, қандай қилиб бўлса-да, ўч олишни ният қилиб кўяди.

*«Лекин отасини ўлдирувчилар булар бўлмай, балки жаҳолат эканлигини ўйлаб, тинчгина отасини кўмди ва ўзи жаҳолат билан чиндан олишмоққа қарор қилди».*

Жаҳолат билан олишмоқнинг қуролини эса отаси айтиб кетган эди: ўқиш.

«Қурбони жаҳолат» ва «Дўхтур Муҳаммадёр» ҳикоялари босилган газета муҳаррири Убайдулла Хўжаев 1909 йилда Л. Н. Толстойга хат ёзган, унинг зулмга қарши зулм билан курашмаслик ҳақидаги қарашларига қўшилмаслигини айтиб, у билан кескин баҳсга киришган эди. Орадан саккиз йил ўтгач, у юзаки қараганда, ўз газетаси саҳифаларида «толстойча» фикр ўтказилган ҳикояга ўрин берди. Лекин теранроқ қаралса, ҳикоя замирида рус адабининг қарашлари эмас, балки миллий қусурларга — илмсизликка, нодонликка, жаҳолатга қарши кураш ғояси ётади.

Кимсасиз қолган Муҳаммадёр ана шу «миллий» иллатлар билан тўла ҳаётни кузатар экан, бундай нохуш манзараларнинг гувоҳи бўлади:

— Шаҳарда катта ўт чиқиб, олти-етти мусулмон маҳалласи ёниб, кул бўлади, «култепа соҳиблари» шипшийдан бўлиб қоладилар; шу маҳалладаги арман дўкони ҳам куйганига қарамай, суғурта қилгани учун унинг эгаси сариқ чақалик зарар кўрмайди;

— Мусулмон бойларидан иккитаси маст ҳолда карта ўйнаб ўтириб, озгина пул устида чиққан можародан кейин бири иккинчисини отиб кўяди;

— Вокзалдаги бир мусулмон хуржунини йўқотиб қўйган, иккинчиси эса бошқа поездга билет олиб қўйганидан сарсон бўлиб юрибди.

Мулла Аббос айтганидек, *«бизнинг юртимизда болага емак берарлар, кийим кийдирарлар, баъзида сўкарлар, урарлар, насиҳат қиларлар... Тарбиямиз шундай-дир».*

Чўлпон ана шу фалсафага қарши ўлароқ тарбия тизимини давр талаби даражасига олиб чиқиш масаласини кўтарди. Гарчаңд асар воқеалари мелодрама тусини олиб, муҳим ижтимоий муаммолар осон-гаров ҳал этилган бўлса-да, ёзувчи Туркистон аҳолисига Дор

ул-роҳат мамлакатини қандай барпо этиш йўлини кўрсатишга уринди.

Муҳаммадёр ватандошларидан ёрдам ололмасликка кўзи етгач, уй-жойини олти ойга ижарага топшириб, ижара ҳақи ҳисобидан Бокуга йўл олади. Дастлаб Бокуга, сўнг Петербургга, ундан кейин эса Швейцарияга бориб, докторлик касбини аъло даражада эгаллаб қайтади.

*«Халқ ўз фойдасини англаса, миллий мактаб ва маграсалар очса, Оврупо дорилфунунларига болаларини юборса, дўхтур, адвокат, муҳаррир ва ҳунарманг, савдогар ва муҳандислар чиқса. Буларнинг ҳар бири ўз вазифаларида туриб, ишларини тартиб билан юргизсалар, халқимизнинг фойдасини кўрсатсалар, нақадар олий ва нақадар гўзал бўлар эди, деган хаёллар кўнглига келар эди. Фақат буларнинг бўлишига кўзи етмас эди. Чунки борган сари орқага қараб кетмоқдамиз; тараққий асари ҳеч кўрилмасган, бир тараққиётга минг таданний тайёр туради».*

Муҳаммадёр ўз юртига қайтар экан, шу фикрлар унинг бошида чарх уради. Лекин ватанига келиб, катта ғайрат билан ўз халқини янги маданият асрига олиб чиқиш учун қамишдан бел боғлаб, ишга киришади.

Ёзувчи Муҳаммадёрнинг шу борада эришган ютуқларини кузатар экан, агар унинг сафи йилдан-йилга ортиб борса, Туркистон кўп ўтмай, обод ва фаровон мамлакатга айланиши мумкин, деган хулосага келгандек бўлади.

1914 йилнинг 3 апрелида Чўлпон Қўқонда «Садои Фарғона» номи билан ўзбек тилида янги газетанинг чиққанини эшитди. «Тош каби қотиб ухлаган Туркистон»нинг икки шахрида икки «жарида»нинг чиққани ва иккисининг ҳам «Садо...» деб номлангани халқнинг кўзини очишни истаган ёш шоирни беҳад қувонтирди. У ҳар иккала газетада қатнашиб, ўзбек халқи ҳаётининг муҳим масалаларини кўтаришга қатъий аҳд қилди.

Аммо Тошкент ё Андижонда туриб, кишанланган халқнинг қандай нафас олаётгани, унинг қандай дарду ҳасратлари, армонлари, қолаверса, қусурлари борлигини билиш маҳол эди. Шунинг учун ҳам у кўп сафар қилди ва сафар хотираларини эълон қилди. Бу хотираларни ўқиган киши Чўлпоннинг ўша йиллари «гадой ҳам тополмайдиган» қишлоқларга қадар борганидан воқиф бўлади. У шу сафарлари чоғида кўпгина кишилар билан танишди, халқнинг турли қатлами вакилла-

ри билан учрашди, XIX асрда уйқуга кирганича ҳали уйғонмаган авомни кўрди. Ва шу авомнинг кўзини очиб, унга маърифат томчиларини қуйди, ўзи ва ўзгалар атрофидаги ҳаётни кўришга, ўрнидан туриб, тоза ҳаводан нафас олишга уринди, чинакам ҳаётнинг, ҳурриятнинг, миллий тараққиётнинг олисдаги нурлари сари талпинди.

Чўлпон 1914—1915 йилларда ёзган шундай асарлари билан ўзбек адабиётига ёниб, порлаб кирди. У икки-уч йил ичида оддий хабар муаллифидан ўткир мундарижали, даврнинг, Туркистон оламининг муҳим ижтимоий, иқтисодий ва маданий масалаларини кўтарган шеър, ҳикоя ва саҳна асарларини яратиш даражасига эришди. Афсуски, унинг шу кезларда ёзган «Бой» номи илк пьесаси босилмай қолган. Ўқтам исми мунаққиднинг орадан ўн йил ўтгандан сўнг «Туркистон» газетасида чоп этилган «Саҳна адабиёти» мақоласида бу асарнинг тилга олиниши унинг ўткинчи ҳодиса бўлмаганига далилдир.

\* \* \*

XX аср бошларида туркий оламда яна бир сиймо машҳур бўлган. Бу Ризоуддин ибн Фахруддин бўлиб, у 1908—1917 йилларда Оренбург шаҳрида «Шўро» журналинини нашр этган ва бу журнал ҳам Туркистон жадидаларининг жунбушга келишида муайян роль ўйнаган. Ижоди 1913—1914 йилларда бошланган Чўлпоннинг бу газетанинг мунтазам ўқувчиси бўлибгина қолмай, аynи пайтда унда қатнашмаслиги мумкин эмас эди.

Бизга етиб келган Чўлпон қаламига мансуб шеърлар орасида «Умид» деган шеър ҳам бор. Биз бу санасиз шеърнинг:

Кезар эдим Туркистоннинг тоғларини,  
Турли мева билан тўлган боғларини.  
Кенг саҳросин, чўлистонин сайр эдуб,  
Тинглар эдим турк халқининг оҳларини,

деган сатрларини ўқиганимизда унинг Чўлпон ижодининг тонгига мансуб эканлигини хаёлимизга ҳам келтирмаган эдик. Баҳодир Каримнинг юқорида тилга олинган мақоласидан маълум бўлишича, «Умид» шеъри ойда икки топқир чоп этилган «Шўро» журналининг 1914 йил 10-сонида босилган экан.

Бу шеърнинг биз учун аҳамиятли томонларидан бири шундаки, биринчидан, у Чўлпоннинг матбуот юзини кўрган илк шеърларидандир. Иккинчидан, бу шеър шоирнинг ватанида эмас, балки Оренбургда чоп этилган нашрда, бунинг устига, «Қаландар» имзоси билан босилган. Учинчидан, шеър тагидаги «Тошқанд» деган манзил шоирнинг шу йили Ўзбекистоннинг ҳозирги пойтахтига кўчиб келгани ва шу ерда истиқомат қилаётганидан далолат беради.

Агар шеърни диққат билан ўқисак, у табиат манзаралари тасвирланган сатрларидан кейин бундай ёниқ, оташланган хотима билан тугайди:

Айт-чи менга, қайда сенинг ўтганларинг,  
Шарқдан Фарбга шовлаб оққан улуф шаънинг?  
Куни туни илм учун жонин берган  
Қайда кетди, қайга учди эранларинг?

Бу шеърнинг маърифатпарварлик, ватанпарварлик ғоялари билан суғорилганлиги тўғрисида жўшиб-тошиб сўзлаш мумкин. Лекин ҳозир муддао бу шеърнинг ғоявий мундарижасида эмас, балки, биринчидан, 1914 йилнинг май ойида «Шўро»да босилган шеърнинг «Қаландар», шу журналнинг 1915 йил 9-сонида эълон қилинган «Ўш» очеркининг эса «Чўлпон» имзоси остида чоп этилганига, иккинчидан, бу ҳар иккала асарнинг Оренбургда босилиб чиққанига эътиборни қаратишдир. Демак, айтиш мумкинки, Чўлпон Тошкентга вақтинча кўчиб келгунига қадар турли мустаор имзолар, шу жумладан, «Қаландар» имзоси билан ижод қилган; Тошкентга кўчиб келгани ва тошкентлик жадидлар билан танишганидан сўнг, улар андижонлик истеъдодли шоирга «Чўлпон» деб тахаллус берганлар.

Чўлпонни Оренбург билан боғловчи сирли ришталар бўлган. Шунинг учун ҳам Чўлпон, бизнингча, 1914 йили Оренбургда нашр этилган журналда ўз шеърлари билан иштирок этишни ўзининг интим мақсадига эришиш воситаси, деб ўйлаган. Унинг «Ўш» деб номланган очеркининг яратилиш тарихи эса ўзгачадир. Негаки...

\* \* \*

Сулаймон баззознинг Ўшда ҳам ер-суви, ёр-дўстлари бор эди. У иккинчи қизи Фозилани ана шу ёр-

дўстларидан бирининг фарзанди Шарафиддин маҳсумга берган. Бу ҳодиса икки дўст ўртасидаги инсоний ришталарнинг яна ҳам мустаҳкамланиши, азбаройи самимий дўстлик ҳурмати учун қилинган. Лекин Маҳзумга турмушга чиққач, Фозила аяда руҳий хасталик аломатлари пайдо бўлиб, бу аломатлар ёш оиланинг мустаҳкам бўлишига монелик қила бошлайди. Шундан кейин улар ўртасидаги никоҳ бузилиб, Шарафиддин маҳзум бошқа оила қуради.

Никоҳ бузилиши унча-мунча дўстликнинг эмас, ҳатто яқин қариндошлар ўртасидаги алоқанинг ҳам барбод бўлишига сабабдир. Аммо бу ўринда худбин туйғуларнинг аланга олишига ҳар иккала томон ҳам йўл қўймади. Дўстлик давом этди. Шарафиддин маҳзум Чўлпон учун ҳам, сингиллари учун ҳам бир умрга почча бўлиб қолди. Улар ўшлик фоний куёвни почча дейишда, аниқроғи, Маҳзум почча дейишда давом этавердилар.

Маҳзум поччанинг отаси, Сулаймон баззоз сингари, бадавлатгина эмас, балки адабиётга, нафосатга, ғазалиётга ўта берилган кимса ҳам эди. Унинг ана шу фазилатлари ўғлида ҳам давом этган. Маҳзум почча шоиртаъб киши бўлиб, жиндак ғазаллар ҳам битган.

Яна бир ғаройиб томони шундаки, Маҳзум почча иккинчи хотинидан ҳам фарзанд кўрмаган ва асраб олганлари Ҳотамжон — Фоиқа аянинг учинчи ўғли — унинг қўлида катта бўлган.

Чўлпон билан Маҳзум почча ўртасидан эса қил ҳам ўтмаган. Бир-бирларини самимий ҳурмат қилган бу икки йигит шароит имкон бериши биланоқ дийдорлашиб, бир-бирларининг асарларини ўқишиб, баҳслашиб, завқланиб ва шавқланиб яшаганлар. Маҳзум поччага ўзидан ҳам кўра кўпроқ ишонган Чўлпон аксар қўлёзмаларини ўшда, унинг уйида қолдирган. Бу қўлёзмалар орасида эса эълон қилинмаганлари сонсиз-саноксиз бўлган.

Чўлпоннинг ўшга қилган саёҳатларининг сабабчиси Маҳзум почча бўлганидек, ўшга бағишланган ё ўша ерда туғилган шеърларининг «доя»си ҳам шу муҳтарам зотдир.

1915 йили Чўлпоннинг Маҳзум почча ҳузурига буюрган ташрифи ва Бобур изи тушган муқаддас масканнинг зиёрати билан боғлиқ таассуротлар унинг юқорида тилга олинган «Ўш» очеркида ўз тасвирини

топди. Ёш ёзувчи шу заминда кўрган воқеаларга таттар матбуоти орқали кенг мусулмонлар жамоасининг диққат-эътиборини қаратишни мақбул, деб билди. У очерқда Ўш шахрининг тарихий ва жуғрофий тавсифномасини бериш билангина қаноатланиб қолмай, ўша вақтда Тахти Сулаймон этақларига ин қурган хурофотга қарши ўт очди; халқнинг бидъат ва хурофот пардаси ортидан маърифат нурини, ҳақиқатнинг шакл-шамойилини, тараққиёт манзилларини кўрмай, келажак сари талпинмай, ўрта аср муҳитида қолганидан ўлкаланди. Унинг юрагида гуруллаб ёна бошлаган кураш ўти шу тарзда очерқлари, шеърлари, ҳикояларига кўчди.

1914 йилда Чўлпон ўн етти яшар йигит эди. Ҳар қандай шоир одатда бу ёшда муҳаббатни куйлайди, носир ёшлик нашидаси билан йўғрилган ҳикоялар ёзади, мақоланавис эса ёш қалбнинг таманнолари билан тўла хатлар битади. Чўлпон шу борада истисно эди. Умуман, жадидлар шу масалада жаҳон адабиётининг истисно вакиллари бўдилар.

Шу йили чор ҳукумати Петербургни Марказий Осиё шаҳар ва қишлоқлари билан боғловчи янги темир йўллари қуришга киришди. Наманган — Андижон темир йўли Ҳазрат Айюб орқали Олма-отага ўтадиган, яна бир темир йўл шохобчаси Андижондан Қўқонқишлоқ, Моси, Бозорқўрғон тарафларга давом этадиган, Ўш—Жалолобод—Ўзган йўналишида ҳам ишлар авж оладиган бўлди. Темир йўлнинг ўтиши билан таноби юз сўмлик ерлар 1000 сўмга чиқиши тайин эди. Ана шундай пайтда содда ўзбекнинг кўзига ортиқча кўринган ерини сотиб юбориши ҳеч гап эмас. Шу муносабат билан «Садои Фарғона» газетасининг 18-сонида (1914 йил) Абдуллахўжа Сулаймонийнинг «Туркистондаги ва билхосса Фарғонадаги мусулмон қардошларимизга хитоб»и эълон қилинди. Ушбу «Хитоб» муаллифи «Садои Туркистон» газетасининг муҳаррири Убайдулла Хўжаевдир. У Андижон—Наманган темир йўли қурилиши муносабати билан ёзган мақоласида маҳаллий халқнинг темир йўлга яқин ерларни арзон-гаровга сотаётганидан афсусланиб, ер сотган кишиларнинг пули тез орада қадрсизланиб, сотилган ернинг қиймати эса кундан-кунга ошишини тушунтирмоқчи бўлган. Чўлпон шу газетанинг 25-сонидак Убайдулла Хўжаев олға сурган фикрларни ўз таҳ-

лил ва далиллари билан асослаб, ер ва халқ, ер ва авлод, ер ва фаровон турмуш муаммоларини кўтариб чиқди. «Ватанимиз Туркистонда темир йўллар» деб номланган бу мақолада у ватандошларини ҳушёрликка, пулга учмасликка даъват этиб, ёзди:

*«Замонамиз шундоғ замондурки, тирикчилик билан рақобат қилмоқға, маишат зулмидан қутулмоқға қўлда ер бўлмоқ керакдур. Ер сотган, пулга қизиқсонларни маишат, тирикчилик тошқини ва тўлқини келиб уруб, парча-парча қилмоғида шубҳа йўқдур... Ер ва тупроқ сотган бола-чақа ва наслини сотган билан баробардур. Бир ота ерини сотди, демак бола-чақа ва наслини то қиёмат оч ва яланғоч қолдирди, димоқдур».*

17 ёшлик йигитнинг бу сўзларини орадан чорак аср ўтгандан кейин Ойбек қалами туфайли машҳур бўлган Мирзакаримбой ҳам такрорлайди: *«Ер сотган эр бўлмайди, эр ер сотмайди. Мана бу гапнинг маъзини чақ, жиян».*

Чўлпон ўзи айтган гапнинг маъзини чақиб, дейди:

*«Ватан тупроғи шундоқ онадурки, буни хўр қилдуқ, ўзимизнинг ҳам хўр бўлмоғимиз кўз олдидадур... Сўнгги пушаймон бўлмоқдан фойда йўқлиғи ҳаммамизга маълумдир. Ҳеч бўлмаса, Абдулла афандигдек намуна кўрсатгучи фидокор савдогарларимиздан ибрат олуб, ватанимизнинг бойлигини, тижоратимизнинг фойдаларини четлар чўнтағига солмасдан ва бермасдан, ўз чўнтагимизда олуб юрмоғимиз керакдур...»*

Бу, 17 ёшлик Чўлпоннинг ўз халқига, ватанига бўлган муҳаббат қўшиғидир.

Бу муҳаббат қўшиғидаги ҳар бир сўз бугун ҳам ўз қимматини йўқотмай, аксинча, янада долзарб аҳамият касб этиб турибди.

Абдулҳамид шундай ёниқ хабар, мақола ва шеърлар билан «Садои Туркистон» саҳифаларида миллий уйғониш ғояларини тараннум этар экан, газета идорасининг раҳбарларидан бири (Мунаввар қори бўлса керак) унга «Чўлпон» деган порлоқ тахаллусни беради. Бу тахаллус ёш ижодкорга ҳам манзур тушади. Шу кундан бошлаб ўзбек адабиёти осмонидан Абдулҳамид Тонг юдузи ўлароқ нур соча бошлайди.

Одатда бу тахаллуснинг пайдо бўлиш тарихини Фитрат исми билан боғлайдилар. Аммо кўпгина қаламкаш биродарларига бир-биридан ўктам тахаллусларни ҳадя этган Фитрат бу пайтда Чўлпон билан ҳали учрашма-

ган эди. Улар 1917 йилга келибгина бир-бирлари билан танишиш имконига эга бўлганлар.

\* \* \*

Ҳар бир шоир ва ёзувчи ижод майдонига кирар экан, «Адабиёт нима?» деган мангу саволга онгли ё онгсиз равишда ўз асарлари билан жавоб беради. Бу ҳол Чўлпондан аввал ҳам, кейин ҳам рўй берган. Бундан кейин ҳам ҳар бир ижодкор олдида шу савол кўндаланг туради.

Чўлпон 1914 йилда чоп этган мақола, ҳикоя ва шеърлари биланоқ адабиёт унинг ўзи учун ҳам, китобхонлари учун ҳам нима эканлигига жавоб берди. У «Садои Туркистон»нинг шу йилги 4 июнь сонидида бу саволга мақола билан жавоб беришга, адабий-эстетик қарашлари билан ўртоқлашишга ўзида катта эҳтиёж сезди. Айтиш керакки, гарчанд бу савол ҳар бир ижод аҳлининг қаршисида кўндаланг турган бўлса-да, ўзбек адабиётида Чўлпонга қадар ҳали ҳеч ким мазкур саволга жавоб беришга журъат этмаган эди.

Чўлпон шу йилларда ёзган энг муҳим асарларида халқ ва Ватан тақдири билан боғлиқ ғояни кўтарди. Лекин шунга қарамай, у адабиётнинг энг аввало эстетик ҳодиса эканини тан олди. Унинг айтишича, инсон баъзи вақтда бахт ва шодликдан кулиб, баъзи вақтда кўз ёшини тўқади, кишининг ҳар хил кайфиятда бўлиши унинг инон-ихтиёри билан эмас, балки «маишати йўлида ҳар вақт учраб турадурғон фалокатнинг анга баъзи вақтда зулм кўрсатмоғи ва баъзи вақтда яхшилик кўрсатуб, суюндирмоғидан» рўй беради. У ана шу ҳолатини тўппа-тўғри баён этса, таъсир қилмайди, аммо «адабиёт ила айтганда», албатта, таъсир кўрсатади. Демак, адабиёт аввало кишида эмоционал туйғу уйғотиши, асарда олға сурилган фикр, тасвир этилган воқеа китобхон қалбида акс-садо бериши, унинг ҳис ва туйғуларини жунбушга келтириши лозим. Демак, унинг назарида, ижодкор табиат манзараларини тасвирлайдими, кишиларнинг руҳий ҳолатларини акс эттирадими ё муҳим ҳаётий масалаларни олға сурадими, у аввало тасвир этилаётган ҳодисанинг китобхон қалбини тўлқинлантиришига эришиши лозим. Шундагина адабиёт асари китобхон қалбига йўл топади.

Чўлпон эстетик қарашларининг мақолада мужассамланган иккинчи муҳим томони адабиётнинг жами-



ятдаги ўрни билан, тўғрироғи, жамиятнинг, халқнинг адабиётга бўлган муносабати билан боғлиқ:

*«Ҳеч тўхталмасдан ҳаракат қилуб турғон вужудимизга, танимизга сув-ҳаво на қадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора кирлар ила кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса — миллат яшар. Адабиёти ўлмағон ва адабиётининг тараққийсига чалишмаган ва адиблар етиштирмағон миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолуб, секин-секин инқироз бўлур. Муни инкор қилиб бўлмас. Инкор қилғон миллат ўзини инқирозда эканун билдиурр».*

Навқирон ижодкорнинг бундан 85 йил илгари айтган бу сўзлари ҳозир ҳам ўз оҳорини йўқотмай, аксинча, бутунги воқеликка ҳамоҳанг жарангламоқда.

Чўлпон, ниҳоят, бу икки фикрни ўртага ташлагач, ўз олдига қўйган саволга жавоб беради: *«Адабиёт, — дейди у, — чин маъноси ила ўлган, сўнган, қоралган, ўчган, ярадор кўнгулга руҳ бермак учун фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни тозалайдурғон, ўткур юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладурғон чанг ва тупроғлар тўлган кўзларимизни артуб тозалайдурғон булоқ суви бўлгонликдан бизга ғоят керакдир».*

1914 йилнинг 11 сентябрида туркий оламнинг буюк муаллимларидан бири Исмоилбек Гаспрали вафот этганида, Чўлпон «миллатнинг порлоқ чироғи ўчти, оҳ, биз жужуқларни бобоси кўчти, оҳ», деб таъзиянома ёзган ва унинг тагига «16 ёшлик талаба», деб имзо чеккан эди. Ана шу «жужуқ», ана шу «16 ёшлик талаба» адабиётнинг ғоявий-бадий ва тарбиявий вазифасини тўғри тушуниб, унинг фақат вужудимизга эмас, қонларимизга ҳам синган қора балчиқларни тозалайдиган, юрак кирларини ювадиган маърифат суви эканини зукколик билан ҳис этиб, булоқ суви янглиғ асарлари билан халқнинг чанг ва тупроқ билан тўлган кўзларини ювишга, жамият биносининг хиралашган ойналарини ёруғ ва равшан қилишга киришди.

## Февраль инқилоби

Сулаймон баззоз якка-ю ёлғиз ўғлидан савдогар чиқмаслигига кўзи етгач, унинг кейинги тақдири исломнинг қудратли биноси остида кечишини истади. Ёш қалам соҳибининг нафақат Тошкент ва Фарғона, балки Уфа ва Боғчасарой каби шаҳарларда чоп этилган жаридаларга қалтис хабар ва мақолалар юбориб, ўзига душман орттираётгани, отасининг эса мисқоллаб йиққан обрўсига «доғ» тушираётгани уни ҳаддан зиёд ташвишлантирди. Абдулхамиддек одобли, катта-ю кичикни ҳурмат қиладиган, Қуръон карим сураларини усмонли талаффуз билан ўқиганида, етмиш яшар чолнинг ҳам юрак торларини тўлқинлантириб юборадиган йигитнинг масжид ё мадраса ходими бўлиб халққа хизмат қилиши яхши эмасми, деган фикр унинг миясига ўрнашиб қолди. Қаламкашлик иши билан Чорнинг ғашига тегиш ҳам яхши оқибатларга олиб бормайди. Шунинг учун уни ўз вақтида хатарли йўлдан қайтариш лозим.

Сулаймон баззоз ўғлининг Миркомилбой ва мадрасалар аҳволи ҳақидаги хабар ва мақолаларидан кейин шундай қарорга келди.

Чингизхон ва Боту ҳақидаги романлар муаллифи В. Ян билан қилган суҳбатида Чўлпон отам менинг мударрис бўлишимни хоҳлади, деган. Бундай нозик масалаларни ўзига хос назокат билан талқин қилувчи театршунос олим Сирожиддин Аҳмад эса Сулаймон баззозни назарда тутиб, «У ёлғиз ўғлини имом-хатиф сифатида кўришни орзу қилди», деб ёзган.

Ҳар қалай, ана шу заминда ота билан фарзанд ўртасига совуқчилик тушди. Даврнинг илғор ғоялари дарёсида сузаётган йигитнинг ўз виждони ва танлаган йўлига қарши чиқиши мушкул эди. Ота ҳам, ўғил ҳам ўз аҳдида қатъий туриб олдилар.

Одатда ҳислар ва қарашлар кураши бошланганда кимдир майдонни тарк этади. Ота билан фарзанд ўртасидаги оловланиб бораётган майдондан Чўлпон биринчи бўлиб отилиб чиқди-да, тўғри Тошкентга, уни ғойибона танийдиган бирдан-бир манзил — «Садои Туркистон» газетасининг идорасига борди. Мунаввар қори Абдурашидов, Убайдулла Хўжаев, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Тавалло, Абдулла Авлоний, Музаффарзода сингари оташқалб тошкентлик жадиждар билан

танишди. Улар билан суҳбат чоғларида унинг фикр ва қарашлари тагин ҳам тиниклашиб, ўзининг дастур ул-амал аҳамиятига молик шеър, ҳикоя ва мақолаларини ёзди.

Чўлпон «Садои Туркистон» газетасида бир неча ой ишлаб, тажриба орттиргач, Андижонга қайтиб, ҳар ик-кала «Садо»нинг мухбири сифатида ишга киришди.

(Айрим хотираларга қараганда, Чўлпон Андижонга қайтиб борганида, ота ҳовлисида эмас, унинг адабий истеъдодини қадрлаган ва танлаган йўлини ҳурмат қил-ган бошқа кишиларнинг уйида яшади.)

\* \* \*

Биринчи жаҳон уруши жабҳалари Туркистондан қанчалик олисда бўлмасин, унинг ўтли нафаси ўзбек тупроғига қадар етиб келди. Аслида, Русиянинг бошқа минтақаларида учқунланиб бораётган жараёнлар Туркистон учун ҳам бегона эмас, буни урушдан бир неча йил аввалоқ Чор ҳукуматининг махсус хизмати сезиб-кузатиб бораётган эди.

Ислом маданияти тарқалган, миллий анъаналари ва ҳаёт тарзи муштарак бўлган мамлакатларнинг ўзаро яқинлашиши табиий ва қонуний ҳодиса. Лекин бу ҳол-нинг мустамлакачи давлат манфаатларига мос келмас-лиги ҳам аниқ. Зеро, масалан, Русия тасарруфидаги туркий давлатлар «исломпарастлик» ё «туркпарастлик» байроғи остида бирлашса, «оқ» салтанат чок-чокидан кетади. Чор ҳукуматининг бутун кучи эса мустамлака ўлкаларнинг ер ости ва ер усти бойликларида. Шунинг учун ҳам махфий полиция Чўлпон сингари кўзи очиқ ёшлар, Миркомил сингари қудратли бойларнинг ҳар бир қадамини назорат этиб борди; бу билангина кифояланиб қолмай, улар ўртасига низо уруғини таш-лаб, уларнинг бирини иккинчисига муттасил равишда қайраб турди.

Чор охранкасининг темир сандиғидан чиққан хуфя-номаларнинг бирида 1914 йил октябрь ойига қадар Туркистон мусулмонларининг кайфияти ҳақида маълумот берилган. Номаълум хуфя томонидан марказга йўлланган бу ҳужжатда Чор ҳокимиятининг, хуфя ифодаси билан айтганда, империянинг мусулмон аҳолиси орасида сўнгги уч-тўрт йил ичида исломпарастлик фоялари жонланиб, шу асосда халқ галаёнларининг яқинлашаётгани айтилади. Исломпарастлик ҳаракати-

нинг мақсад ва моҳияти, унинг айтишича, бутун му- сулмон дунёсини Туркия байроғи остида ҳам иқтисо- дий, ҳам сиёсий-ижтимоий жиҳатдан бирлаштириш- дир.

*«Шунинг учун ҳам Туркия ва Русиядаги мусулмон- лар миллатига мансуб публицист, — деб ёзади у, — ўз ирқдошлари орасида (эътибор беринг: миллатдошлари эмас, ирқдошлари орасида! — Н.К.) русларга нисбатан нафрат уйғотиш ва истиқболдаги умуммусулмон фе- дерациясига қўшилиш туйғусини пайдо қилиш учун ке- йинги пайтларда ғалаён алангасини ёқишга зўр бериб уринмоқда.*

*Мусулмонларнинг биқик ҳаётида исломпарастлар- нинг оғзаки тарғиботи алоҳида кучга эга, шу сабабли ҳам улар исломпарастлик ғоясининг чуқурроқ илғиз оти- ши учун бутун диққат-эътиборларини бошланғич мак- таб ва мадрасага қаратдилар. Бу ўқув даргоҳлари, ис- ломпарастлик ғоясининг бўлғуси тарғиботчиларини тайёрлаб беради, шу йўл билан барча талабаларни русларга қарши нафрат руҳига тарбиялайди...»*

Исми номаълум хуфя шу тарзда Туркистондаги ма- ҳаллий халқ ҳаётида рўй бераётган янгиликлар — хай- рия жамиятлари, янги усул мактаблари, газеталар, ҳатто Шарқда қабул қилинган «гап»ларнинг охир-оқибатда рус империясининг бутунлиги ва қудратига шикаст келтиражагини башорат қилади. Шубҳасиз, Чор ҳуку- матининг Туркистондаги ишончли вакиллари бундай хуфяномалар орқали маҳаллий халқ ўртасидаги кай- фиётдан яхши хабардор эдилар. Шунинг учун ҳам улар янги очилган мактабларни ёпишга, мадрасадаги ўқув тизимига рус тилини (демак, рус ўқитувчиси қиёфа- сидаги хуфяни) киритишга, тараққийпарвар газета- ларни тақиқлашга, театр санъатининг маданий ҳаёт- дан мустаҳкам ўрин олишига монелик қилишга ки- ришдилар. Жумладан, «Садои Туркистон» ва унинг ўнлаб издошлари турли баҳонаи сабаблар билан ёпилди.

Хуфя Туркистондаги ижтимоий, маданий ва маъ- рифий ҳаёт манзараларини тасвирлаб бўлгач, бундай хулосага келган:

*«Агар ҳиндлар ва мусулмонларнинг умумий душман — инглизларга қарши бирлашганидан сўнггина босқинчи- лар Ҳиндистонни ташлаб чиқишга мажбур бўлганли- гини ҳисобга олсак, шундай ҳолнинг Туркистонда ҳам юзага келаётганлиги ниҳоятда хатарлидир».*

Бу хуфяномани ўқиган чор амалдори, «Кеча ва кундуз» романидаги нойиб тўрадек, «бу улуғ кема... бу буюк империя гаҳшати тўлқинлар ичига... йўқликка қараб кетаётир. Уни... қутқариб қоладиган ҳеч бир куч кўринмайди», деган бўлиши ҳам ёхуд «буюк империя»ни парчаланиб кетишдан тўхтатиш учун зулмни, тараққийпарвар кучларни таъқиб этишни кучайтирган бўлиши ҳам мумкин.

Шубҳасиз, Чўлпон ҳам, унинг устозлари ҳам бу даврда ҳуррият учун кураш шиорини ўртага ташламаганлар. Жамият ҳали бундай улуғ ҳаракатга тайёр эмас эди. Лекин улар туркий халқларни ўзаро яқинлаштириш, Туркистон аҳолисининг сиёсий-ижтимоий онгини ошириш, унинг кўзларини маърифат суви билан ювишга астойдил киришган эдилар. Шунинг учун бояги хуфяномада айтилган гаплар ёш Чўлпоннинг фаолиятига ҳам бевосита алоқадор эди.

Афсуски, биз Чўлпоннинг Биринчи жаҳон уруши йилларидаги ижодий ва ижтимоий фаолияти ҳақида, унинг инқилоб арафасидаги воқеликка муносабати ҳақида мукамал тасаввурга эга эмасмиз. Лекин у орадан йигирма йил ўтгач, биз излаган саволга «Кеча ва кундуз» романида муфассал жавоб берган.

Ёдингиздами, Мирёқуб нойиб тўрага ноёб бир қўлёзма келтириб, унинг кўнглини бир оз овлагач, улар ўртасида бундай суҳбат бўлиб ўтади:

«...Иккови ҳам жим бўлишди. Бир оздан сўнг Мирёқуб гап очди:

— Газет хабарларидан гапириб беринг, тўра.

Тўранинг бу чоққача кулиб турган башарасига бирданига ғам чўкди. Қовоқлари солинди, лаблари безгаздай енгилгина қалтираб учдилар...

— Шунақа, дўстим, ишлар ёмон. Бизнинг агади ҳамманикидан кўп бўлган мудҳиш ўрдимиз бир-бир устун енгилаётир. Энг уста ва эслик қўмондонларимизнинг бутун тадбирлари натижасиз қолаётир.

— Оқ подшо қаердалар? Бир чора кўрмайдиларми?

— Бу саволни, Мирёқуб, биз ҳаммамиз бир-биримиздан сўраймиз. Ҳеч қайсимиз жавоб тополмаймиз... На ўзимиздан жавоб бор, на бошқадан! Бу — малъун савол, Мирёқуб!

— Унақа деманг, тўра... Биз, сартия халқи, худодан кейин оқ подшога ишонамиз.

— Ишонганларинг яхши. Биз ҳам ҳаммамиз сизлар сингари ишонамиз, фақат оғзингга эҳтиёт бўл... фақат... ишониш бошқа, иш, амал, воқеа — яна бошқа. Бир-бирига зиг! Биласанми, Мирёкуб, рус халқининг ўқиганлари орасида маъюслик бор, оғир бир маъюслик бор. Улар бутун бу бахтсизликларни оқ подшонинг ўзидан кўрадилар.

— Оқ подшодан? Ҳеч бир подшо ўз юртини ёвга бергиси келадими?

— Сенларнинг хонларинг билан бизларнинг подшоҳимиз юртларига кўп ҳам ачинмайдилар. Сенларнинг Худоёрхонингга: «Ўруслар Оқмачитни олиб кўйдиган», деганлар. Худоёрхон: «У юртим неча кунлик йўлда?» деб сўраган, «Бир ойлик йўлда», деганлар. «Ундай бўлса, менга унақа олис жойдаги юртнинг кераги йўқ, Олса, ола берсин!» деган... Бизники ҳам, валлоҳи аълам, ундан қолишмас».

Нойиб тўра бир оз сукут қилар экан, Мирёкуб гапга аралашади:

«— Илгари бир ойлик йўл бўлса, энди поезд билан уч кунлик йўл бўлиб қолди.

— Ҳаво кемаси билан эртага уч соатлик йўл бўлади. Умунан, эртага масофанинг аҳамияти қолмайди, Мирёкуб. Бизнинг катталаримиз асрнинг журъатини англамоқ устамайдилар...»

Гарчанд бу сўзлар нойиб тўра тили билан айтилаётган эса-да, улар ортидан Чўлпоннинг нидоси, қалб ҳайқириғи олисдаги момагулдирақдек эшитилиб турибди. Эли-юрти деб куйинган Чўлпон замондошларига масофанинг аҳамияти йўқлигини, юртимизнинг олисдаги бир қарич тупроғи ҳам миллий бойлигимиз, фарзандларимиз ва насл-насабимизнинг насибаси эканлигини яна бир бор уқтирмакда. Афсуски, шу оддий ҳақиқатни катталаримиз тушунмаяпти, аср суръатини англашни истамаяпти, деб фиғон қилмоқда у!

«— Кел, ичайлик, Мирёкуб. Биз, руслар, ароқ ичишни ҳаммадан яхши биламиз... Сенлар ҳам истеъдогли халқ экансан, биздан ўткази бошлагинг...

Чўқиштирдилар. Тўра алланарсаннинг соғлиғига кўтарди...

— Сен чора нима, деб сўрайсан, — дея бояги сўзини давом эттирди тўра. — Чорасини топишдан биз, амалдорлар, ожизмиз. Дуруст, ичимиздаги душманга, қора халққа қарши бўлса, тадбир осон. Қозоқ ўриси-

*миз, миршабимиз, жандармамиз, аскаримиз бор... фю-ишт!.. Хориждан келаётган ёвга биз ожизмиз, нима қилишимизни билмаймиз...»*

Чўлпон нойиб тўранинг, барча чор амалдорларининг дилидаги гапни, фақат мастликда айтиши мумкин бўлган ҳақиқатни ошкор қиялпти. Русия тасарруфидаги мусулмон халқлар улар учун чор даврида ҳам, шўро даврида ҳам потенциал ички душман бўлиб кўринган. Шунинг учун ҳам рус казаклари, дашноқлар, миршаблар ва солдатлар қиличларини яланғочлаб шай бўлиб туришган.

Мирёқуб Русияда пайдо бўлган инқилобчилар ва уларнинг оқ подшони ағдариш, бойлардан ер-сувни, фабрикачилардан фабрикаларни... тортиб олиш ҳақидаги ақидаларини эшитгач, хахолаб кулади:

*«— Номатқул отнинг тезагини епти, ўшалар! Саводи йўқ, оми бир ялангоёқ келсин-у сўрасин эмиш... Камбағал шунча сўқиб уришсангиз ҳам ерингизга бундай бир ҳафсала қилиб ишламайди-ю... хўжайин бўлмаса, ишлар эмишми? Ўша урушни тўхтатсин, дегани дуруст. Уруш чиққандан бери юртда қимматчилик бўлиб кетди... Аммо шу қимматчилик бўлгандан бери одамларнинг кўзига қарасангиз, кўрқиб кетасиз, тўра.*

*— Хаббаракалла! Бизнинг ҳамма хавфимиз ўша «кўзлар»дан... У кўзлар кўп хунук қарайлар. У кўзларнинг сон-санови йўқ, Германни енгсак, кўзлар ювошланади. Худо сақласин, агар шу хилда кета берсак — у кўзлар бизни еб ташлаши мумкин.*

*Тўра жим бўлди. Мирёқуб ҳам жим қолиб, унга тикилган эди. Тўра олис хаёлларга кетиб туриб, бошини чайқади. Сўнгра бошини оғир-оғир тебратиб туриб, деди:*

*— Хулосайи калом, бу улуғ кема... бу улуғ кема... бу буюк империя даҳшатли тўлқинлар ичига зулматга, белгисизликка, йўқликка қараб кетаётир. Уни тўхта-та оладиган ва кутқариб қоладиган ҳеч бир куч кўринмайди. Балки ундай куч аслида йўқдир ўзи...»*

Бутун биз ҳамма гап у «кўзлар»да эмас, балки чириган, адолатсизликка, ўзга мамлакатларни талон-тарож қилишга, уларнинг мустақил яшашга бўлган ҳуқуқларини топташга асосланган тузумнинг чиригида эканлигини яхши биламиз. Яна шуни тарихнинг аччиқ тажрибасидан биламизки, чириган тузум муқаррар ҳалокатдан сақланиб қолиш учун «ички душ-

ман»га қарши курашиб, уни қора қонга ботирадими ё бошқа мамлакатлардаги «демократик кучлар»нинг таклифи билан шу мамлакатга бостириб кириб, миллион-миллион кишиларнинг ёстуғини қуритадими, бу билан ўзининг сўнги, қўланса нафасини асло чўза олмайди.

\* \* \*

1915 йил 25 июнда оқ подшонинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармони Андижон аҳолисини ҳам оёққа турғизди. Бояги «кўзлар»да ғалаён истаги оловланди. Туркистоннинг бошқа шаҳарлари сингари Андижон ҳам ўт ичида қолди. Аммо Чор ҳукуматининг рус казаклари, миршаблари, жандармалари, солдатлари борлигини назардан соқит қилмаган жадиждар вазиятни тинч музокара йўли билан ҳал этмоқчи бўлдилар.

1915 йилда «Садои Туркистон»нинг 66-сони чиқиши билан генерал-губернаторлик, унинг фаолиятини, юқорида зикр қилинганидек, тўхтатган эди. 1916 йил қўзғолони Туркистонни ўз гирдобига тортиши билан «Садои Туркистон»ни қайта тиклаш сув ва ҳаводек зарур бўлиб қолди. Мунаввар қори Абдурашидов ва Убайдулла Хўжаев халқ озодлик ҳаракатининг авж олиши муносабати билан газетани, айтиб ўтганимиздек, «Интибохи Туркистон» номи остида тиклашга қарор қилдилар. Генерал губернаторликнинг на Мунаввар қори, на Убайдулла Хўжаев муҳаррири бўлган газетанинг чиқишига рухсат бермаслиги кундек равшан бўлгани учун янги чиқажак газетага Мўминжон Муҳаммаджон ўғли (Тошқин) муҳаррир этиб тайинланди. Ҳозирча фақат режа ва орзулардагина яшаётган газета муҳаррири номидан қуйидаги ариза тайёрланди:

*«Ул баланг даражалик Фарғона вилоятининг  
военный губернаторига  
Мўминжон Муҳаммаджон ўғлидан*

### А р и з а

Сензур ҳам матбуот тўғрисидаги 114-уставга қўшимча қилинган 15-модда бўйича Сиз, юқори даражаликка билдираманки, мен Андижон шаҳрида сарт тилида «Интибохи Туркистон» номинда бир газета чиқармоқчи бўлдим. Бу газетанинг програми ушбу тартибда бўлур:



- 1 — бош мақола;
- 2 — рус ҳам мусулмон матбуоти (газета, журналлари)дан мулоҳаза ва фикрлар;
- 3 — уруш хабарлари;
- 4 — агентство ҳам ўз мухбирларимизнинг телеграмлари;
- 5 — фельетон;
- 6 — илмий фельетон;
- 7 — Андижон ҳам теварак хабарлари;
- 8 — вилоятнинг ҳар томонидан мактублар;
- 9 — ерли халқ тирикчилигидан;
- 10 — уруш майдони ҳам уруш тўғрисида;
- 11 — ҳар турли тилдан таржималар;
- 12 — усули таълим, тарбия тўғрисида;
- 13 — пахта ҳам бошқа экин аҳволлари;
- 14 — билдиришлар қисми.

Газетанинг баҳоси: бир йиллик — 7 сўм, ярим йиллик — 4 сўм, уч ойга — 2 сўм 50 тийин бўлиб, босадурган ери: Андижон, Николаевский кўчада, И. Я. Иванов босмаҳонасида.

Мазкур газетанинг муҳаррирлигини мен ўз бўйнимга олиб билдираманки, юқорида кўрсатилган закон моддалари бўйинча бўладурган ҳар турли масъулиятларга ўзим жавобгарман. Ўзим Русия таъбаси, ёшим 25 дан ошган бўлиб, ҳеч бир тўғрида ҳукуматга айблик бўлган эмасман. Шу ҳолни эътиборга олиб, Сиз жаноб ҳурматлидан ўтинаманки, юқорида кўрсатилган моддалар бўйинча юқорида баён қилинган газетага рухсат берсангиз эди, деб

*Мўминжон Муҳаммаджон ўғли.*

Бу ариза Убайдулла Хўжаев томонидан рус тилида ёзилган ва Чўлпон томонидан ўзбек тилига ўтирилган пайтда «Садои Туркистон» газетасининг асосий ижодий кучи Андижонга кўчиб борган ва Чўлпон бу тажрибали, кўпни кўрган сиёсатчи журналистлар даврасидан муносиб ўрнини топган эди. У. Хўжаев В. Чайкин сингари дўстлари ёрдамида ҳам «Интибохи Туркистон» газетасининг чиқишига рухсат ололмай, барча ҳаракатлари изсиз-самарасиз кетди. Аммо билимдон сиёсатчи Убайдулла Хўжаевнинг «Туркестанский голос» газетаси таҳририяти биносида ноширлик фаолиятини давом эттираётгани мураккаб вазиятнинг аланга олмаслигига имкон берди. У рус биродари, тилга олинган газета муҳаррири эсер Вадим Чайкин ва Андижон

бойларининг вакили Миркомил Мирмўминбоев билан биргаликда Петербургга йўл олди. Улар Туркистонда рўй бераётган воқеалар ҳақида Давлат думасига ахборот бермоқчи ва дума аъзоларининг Андижонга келиб, мавжуд исёнолди вазият билан танишишини илтимос қилмоқчи бўлдилар. Улар ахбороти асосида думанинг бир неча нуфузли аъзоси Николай II қароргоҳига бориб, шунингдек, ҳарбий вазирга телеграмма йўллаб, Туркистон ўлкасидаги рус аҳолиси мардикорликка жалб этилмагани ҳолда маҳаллий халқнинг ҳарбий хизматга мажбурий равишда олиниши сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мушкул бир ҳолатни келтириб чиқариши мумкинлигини асослаб бердилар. Николай II дума аъзоларининг маърузаларини тинглаб, улар хавотири асоссиз эмаслигига ишонч ҳосил қилди, аммо Туркистонда мардикорликка олиш муддатини 15 сентябргача кечиктириш билан кифояланди. Шу билан бирга у Фарбий фронт қўмондони А. Н. Куропаткинни халқ қўзғолонлари авж олган Туркистонга генерал-губернатор қилиб юборди.

24 август куни янги генерал-губернатор дума аъзолари А. Ф. Керенский ва К. Б. Тевкелеев билан бирга Андижонга етиб келиб, вазият билан танишдилар. Маълум бўлишича, Андижон тумани бошлиғи полковник Ю. А. Бржезицкий 8 июль куни жоме масжидига 10 мингта яқин кишини тўплаган. Рўза куни бўлгани учун силласи қуриган, асабланган кишилар узоқ вақт тик туриб қолганлар. Кимдир мардикорликдан озод қилишни, кимдир якка-ю ёлғиз фарзандини олиб қолиб, раҳм-шафқат кўрсатишларини сўраб, йиғлаб-сиқтаган. Бундай асабий вазиятни кўрган полковник масжиддан бир оғиз ҳам сўз айтмай чиқиб кетиб, икки взвод солдатни бошлаб келган. Натижада тинч музокара отишма билан тутаган.

Убайдулла Хўжаев шу долзарб кунларда генерал-губернаторга ўнлаб аризаларни таржима қилиб берди. Айни пайтда ўзи ҳам Андижон тумани бошлиғи Бржезицкий даврида порахўрлик, товламачилик, зўравонлик ишлари авж олгани ҳақида ариза топшириб, кескин чора кўришларини сўради.

Минг афсуслар бўлсинким, Андижон ҳаётининг шундай долғали кунлари Чўлпоннинг бизга маълум бўлган меросида акс этган эмас. Ҳолбуки, нафақат Андижон, балки атроф шаҳар ва қишлоқларда рўй

берган воқеаларга Чўлпон зудлик билан муносабат билдирувчи ижодкор эди. Тахмин қилиш мумкинки, «Садои Туркистон»нинг ёпилиши, бошқа миллий нашрларнинг генерал-губернаторлик назорати остида бўлиши Чўлпонга 1916 йил Андижон воқеалари ҳақидаги шеър ва мақолаларини эълон қилиш имконини бермаган. Ва улар, Чўлпоннинг бошқа қўлёзма асарлари сингари, бизгача етиб келмаган. Аммо шу нарса аниқки, Чўлпон шу вақтда Андижонда яқин кишилари У. Хўжаев ва В. Чайкин билан бирга бўлган. Чўлпон Куропаткинни шаҳар вокзалида кутиб олган, у тушган «Слава России» («Русияга шон-шарафлар») деб номланган меҳмонхона атрофида тўпланган, жоме масжидига ҳайдаб келинган оломон ўртасида ҳам бўлган ва рўй берган барча воқеаларни хотира «тасма»сига кўчириб олган. 1916 йил воқеалари унинг дунёқарашида юз берган, уни рус мустамлакачилигига қарши муросасиз курашга шайлаган омиллардан бўлди.

Андижоннинг қаҳри қаттиқ Мочалови бўлмиш Бржезицкийнинг 1916 йил воқеалари тўғрисида Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори номига 13 сентябрда йўллаган махфий хатида, жумладан, бундай сўзлар бор:

*«...Ҳозирги вақтда аҳоли маъмурият товушига эмас, балки жаноб Чайкин, Убайдулла Асадулла Хўжаев, Аҳмадбек Темурбеков, Пошшахўжа Умархўжаев ва улар тўғрасининг товушига қулоқ солмоқда. Одамлар шикоят-аризалари билан маъмуриятга эмас, балки улар қошига адолат устаб бормоқдалар».*

Ўйлаймизки, адолатталаб кишилар нафақат туман бошлиғи тилга олган шахслар, балки Чўлпон сингари улар билан фикрдош, маслақдош ва курашдош кишилар ҳузурига ҳам борган бўлишлари эҳтимолдан узоқ эмас.

\* \* \*

1917 йилнинг февраль ойи... Сулаймон баззоз оиласи истиқомат қилган уйнинг болахонасида тошкентлик меҳмон Мўминжон Муҳаммадзонов болаларга ўқиш-ёзишни ўргатиш билан банд... Кутилмаганда кўча томондан кимнингдир тапир-тупур қилиб юрган овози эшитилди. Ёш домла машғулотдан бир нафасга тўхтаб, эшик олдида борди-да, очиб қаради, Абдулҳамид ҳаллослаганича югуриб келмоқда эди. Унинг қўли-

да қандайдир қоғоз бўлиб, шу қоғозни байроқ қилиб кўтарганича:

— Суюнчи! Суюнчи беринг! — деди суюниб. — Падар лаънат Николай подшо ағдарилпти. Золим ас-фала софилинга кетибди.

Хаёли бутунлай бошқа нарсада бўлган Мўминжон ака ҳеч нарсани англамади. Абдулҳамид эса ўша тантанавор овоз билан сўзлашда давом этди:

— Энди эзилган ҳамма халқлар озод бўлади! Туркистон озод бўлади! Ишонмасангиз, мана, телеграмма!.. — У қўлидаги байроқ-қоғозни ғурур ва сурур билан кўрсатди.

Оға-инидек бўлиб қолган ёшлар бир-бирларини кучиб, ўз суюнчларини ифода этдилар. Мўминжон домла бу қувончдан баҳраманда бўлишсин, деб болаларга ҳам озодлик берди.

Оқ подшонинг тахтан ағдарилгани хабари бир зумда бутун Андижонга тарқалди. Янги шаҳардаги кенг бир майдонда катта митинг бўлиб ўтди. Митингда дастлаб бир Бухоро яҳудийси, кейин Абдулҳамид ва яна кимлардир сўзга чиқдилар. Митинг тутагач, пахта заводи ишчилари инқилобий қўшиқлар куйладилар, янги усул мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчилари эса шарқийлар айтиб, шаҳар кўчалари бўйлаб тантанали юриш килдилар.

Орадан бир неча кун ўтгач, Муваққат ҳукуматнинг мурожаатномаси эълон қилинди. Унда Туркистон аҳолисида катта умидлар уйғотган бундай гўзал ва тансиқ сўзлар ёзилган эди:

*«Русия давлати фуқаролари. Буюк воқеа рўй берди... Янги ва ҳур Русия майдонга келди. Улуғ тўнтариш узоқ давом этган курашга якун ясади. 1905 йил 17 октябрь фармони билан, Русиянинг уйғонган кучлари тазйиқида, конституцион озодлик ваъда қилинган эди. Аммо ваъдалар бажарилмади. Халқ орзу-умидларининг тажассуми биринчи Давлат гумаси тарқатиб юборилди. Иккинчи гуманинг қисмати ҳам шундай бўлди ва халқлар иродасини енгишга қодир бўлмаган ҳукумат 1907 йил 3 июнь фармони билан қонунчилик фаолиятида иштирок учун халққа берган ҳуқуқларнинг бир қисмини тортиб олишга журъат этди.*

*Узоқ 10 йиллик вақт давомига халқ эришган барча ҳуқуқлар бирма-бир тортиб олинди; мамлакат яна ўзбошимчалик ва якка ҳокимлик ботқоғига ботди. Ҳокими-*

ятнинг оқил бўлишига қаратилган барча уринишлар зое кетди ва ватанимиз душман қўли билан жалб этилган буюк жаҳон уруши даврида халқ билан бирлашмаган, ватан тақдирига лоқайд қараган ва гуноҳга ботган ҳокимият маънавий инқироз ҳолатида эди.

Мушуқул халқ тўфонлари йилида эркин ижодий интилишни бўғувчи мамлакат бошига тушган савдоларнинг барча оғирлигини ҳис этган ҳолда Муваққат ҳукумат Таъсис мажлисини чақиргунга қадар ҳамма фуқароларнинг ватан манфаати йўлидаги бунёдкорлик ишида ўз руҳий кучларини эркин намоёиш этишлари учун мамлакатни уларнинг фуқаролик эрки ва фуқаролик тенглигини ҳимоя этувчи қатъий мезонлар асосида зуглик билан таъминлашни зарур, деб ҳисоблайди...»

Муваққат ҳукуматнинг бу ҳаётбахш ваъдасидан қувонган Чўлпон Февраль тўнтаришини француз инқилобига эш воқеа, деб баҳолади ва янги куч билан Февраль самараларини мустаҳкамлашга бел боғлади.

\* \* \*

Февраль инқилобидан кейинги манзаралар турфа рангга эга. Туркистон аҳолисининг ўз тақдирини ўзи белгилаши мумкинлиги масаласи, кўп йиллик шароб каби, унга яқинлашган кишини сархуш қилмай қолмасди. Тараққийпарвар зиёлилар Муваққат ҳукумат ҳукм сурган даврнинг бу ҳаёт-мамот масаласини ҳал қилиши мумкинлигини сезиб, март ойининг ўрталарида ўз кучларини бирлаштириб олдилар. «Шўрои ислом» жамияти дунёга келди. Ўз навбатида, Туркистоннинг келажагини «шўрои исломчи»лар қўлига топшириб қўйишни истамаган «қадимги»лар «Шўрои уламо» жамиятининг байроғи остида паноҳ топдилар. Ва улар ўртасида ит-мушук жанжали бошланди. Боши ҳатто Ҳурриятдек улуғ неъмат олдида ҳам қовушмай-диган халқ парчаланиб, кураш майдонини, тарих сахнасини Ишчи ва солдат депутатлари шўросига ўз қўли билан топширди. Бир томондан, уламолар, иккинчи томондан, «тўртинчилар»нинг зарбалари остида қолган Чўлпонлар мушуқул бир аҳволга тушдилар.

Февраль инқилобидан кейин иқтисодий вазият ҳам беҳад даражада оғирлашди. Собиқ Русия салтанатини ғалла билан таъминловчи ўлкаларда ҳосил бўлмади. Аҳолининг нафақат камбағал, ҳатто тўқ қисми учун ҳам овқат масаласи муаммо бўлиб қолди. Қанча-қанча

одамлар очликдан ўлдилар. Мол-мулки ошиб тошган бойларнинг рўзғоридан ҳам путур кетди. «Олтин-кумуш тош экан, Арпа-буғдой ош экан», деган мақол худди шу вақтда туғилди.

Андижон уезд-шаҳар инқилобий-ҳарбий қўмитаси раиси лавозимида хизмат қилган Исҳоқ Ғозиев ўша унутилмас кунларни эслаб, ношир ва таржимон Ваҳоб Рўзиматов билан суҳбатида бундай сўзларни айтган:

«1917 йил Февраль инқилоби кунлари Андижонда тўртта фирқа — уламолар, бойлар, зиёлилар, ишчилар фирқалари юзага келди. Уламолар билан бойлар фирқаларининг аъзолари бир кун катта бир бинода мажлис ўтказишди. Биз, айвон ва ҳовлиларда томоша қилиб турган зиёлилар, деразадан ва ланг очик эшикдан кўриб турибмиз: мажлисдагиларнинг ўртасида банорас тўн кийган, бошига қозондек салла қўнгурилган, муғомбирона кўм-кўк кўзлари бежо жовдирётган бир бақалоқ ўтирибди. Мажлис раиси ҳовлиққанича гап бошлади:

— Азиз биродарлар! Бу муҳтарам зот тушларида Каъбатуллони кўрибдилар. У киши калимаи таййива келтириб, мусулмон бўлдилар. Энди ҳар бир мусулмон учун фарз бўлган Маккаи мукаррамага ҳаж қилишни ихтиёр этдилар. Биз мардумдан бу зотнинг йўл харжи учун тезда иона тўплаб берайлик! Бу, савоби беназирдир...

Унинг гапи тугар-туғамас, ташқарида турган кўзойнакли, қирра бурунли, бўйчан йигит ичкарига отилиб кирди. Мен ёнимдагилардан: «Бу ким?» деб сўрадим. Кимдир: «Сулаймонқул баззознинг ўғли Абдулҳамид», деди. Бу орада йигит гоҳ куюниб, гоҳ истеҳзо билан гапира бошлади:

— Уламо ҳазратлар, боён жаноблар! Бир янги мусулмонга қанчадан-қанча маблағ сарф қилиб, уни ҳажга юборганларинг билан сафларинг кенгаймайди. Ундан кўра, ўша йиғиладиган маблағни оч-юпун халққа сарф этсаларинг-чи! Улашилаётган аталага бирларининг оғзи тегиб, бирларига у ҳам насиб бўлмай, халқ қирилиб кетаётибди-ку. Халқни ўйланглар, ахир!

Аввал ҳанг-манг бўлиб турган Сулаймон баззоз Абдулҳамиднинг сўзини бўлди:

— Муҳтарам аҳли мажлис! Ўғлим ёшлик қилди, аҳмоқлик қилди. Сизлардан узр сўрайман. Унга берадиган жазони менга беринглар.

*Шу билан мажлис тарқалиб кетди. Абдулхамид, ўз таъбири билан айтсак, «Чўлпон отлиғ бенамоз» туйфайли собиқ чор амалдорига ҳаж қилиш насиб қилмади.*

*Абдулхамид билан танишлигимиз ўша кездан бошланди».*

Исҳоқ Ғозиевнинг бу хотираси биз, чўлпоншунос олимларнинг ҳам, оддий газетхонларнинг ҳам янги ва мароқли факлари билан ўз вақтида эътиборимизни қозонди. Камина ўзимнинг бир неча рисола ва мақолаларимда бу хотирадан Исҳоқ Ғозиевга нисбатан ҳам, Ваҳоб Рўзиматовга нисбатан ҳам миннатдорлик туйғуси билан истифода этдим. Очигини айтсам, бу хотира матбуотда эълон қилиниши билан атоқли таржимон ва журналистдан хотиранависнинг яшаш манзилени сўраб, у билан учрашдим. Исҳоқ ака шу учрашув пайтида менга юқоридаги сўзларнигина такрорлади, холос.

Лекин орадан бир неча йиллар ўтгач, давлат архивларининг бирида ўнлаб «дело»ларни назардан ўтказар эканман, Исҳоқ Ғозиевнинг 1956 йил 27 октябрь куни Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг собиқ раиси Абдулла Каримовнинг иши юзасидан гувоҳ сифатида берган кўргазмасига дуч келдим. 1917 йил Февраль воқеаларидан кейинги манзара ушбу гувоҳнома натижасида ҳаққоний ранглар касб этди. Шунинг учун ҳам рус тилидаги мазкур гувоҳномани ҳурматли китобхонларнинг эътиборига ўз таржимамда ҳавола этишни лозим, деб топдим:

*«Сулаймонов Абдулхамид Андижон шаҳридан бўлиб, йирик савдогар оиласига дунёга келган. Сулаймонов Абдулхамиднинг отаси ўша вақтда Андижон савдогарлари ўртасида кўзга кўринган шахс бўлиб, унинг газлама сотадиган дўкони бўлган.*

*Ёдимда, 1917 йил Февраль инқилобидан кейин Сулаймонов Андижондаги қандайдир ёшлар ташкилотига аъзо бўлиб кирган. Бу, менимча, илғор ташкилотлардан эди. Бундай дейишимнинг сабаби шундаки, мен уни қўлига қизил боғич боғлаган бошқа ёшлар қаторига кўрганман.*

*Бундан ташқари, яна бир воқеа ёдимда қолган. 1917 йили Андижон шаҳрида бир рус мужиги мусулмон динини қабул қилган. Андижонлик мусулмон руҳонийлари ва савдогарлар бу воқеани ошкор этиш ва бу янги «мусулмон»ни шариат қонун-қоидаларига кўра уйлан-*

тириш учун пул тўплаш мақсадига миллионер савдогар Мўминбоев Миркомилнинг савдо уйига йиғилганлар. Бу воқеа катта шов-шувни келтириб чиқаргани учун Мўминбоев Миркомилнинг савдо уйига таклиф этилган шахслардан ташқари, тараққийпарвар ёшлар ҳам шу ерга келганлар. Улар қаторида Сулаймонов ҳам бўлган ва у савдогарлар ҳамда руҳонийларга қарши нутқ сўзлаган. У ўз нутқида ҳозир шаҳарда очлик авж олиб турибди, одамлар очлик ва муҳтожликдан қирилиб кетмоқдалар, шунинг учун ҳам бу «мусулмон»ни дабдалабали тўй қилиб уйлантириб қўйгандан кўра тўпланган маблағдан оч аҳолига ёрдам бериш учун фойдаланилса, савоб бўлган бўлур эди, деди. Шундан кейин Сулаймонов мактаб ва касалхоналарни қуриш лозимлиги тўғрисида гапирга бошлади. Аммо унга бошқа сўзлаш имкони берилмади. Унинг савдогарлар орасида ўтирган отаси гарҳол ўрнидан туриб, йиғилганларга мурожаат этган ҳолда ўғлининг ҳали ёш ва аҳмоқ эканлигини айтди, унинг сўзларига эътибор бермасликни илтимос қилди».

Исҳоқ Ҳозиевнинг бу хотираси шу пайтгача илмий муомалада бўлган тарихий воқеа тасвирига аниқлик киритибгина қолмай, Чўлпоннинг қандай машаққатли тарихий давр ва муҳитда, ҳатто тараққийпарвар отасининг ҳам қаршилигини енгиб, фаолият олиб боришга мажбур бўлганини кўрсатадики, бу, айниқса, муҳимдир.

## Мухторият

Муваққат ҳукумат ўз номи билан муваққат эди. Тарих Туркистон аҳолисига ўз тақдирини ўзи ҳал этиши учун қарийб саккиз ойлик имконият берди. Жаҳидлар ана шу даврда турли гуруҳлар ўртасидаги низога барҳам бериш ва бирлашиш учун курашдилар. Улар ҳатто бой ва камбағал деган сўзларни ҳозирча унутайлик, биз ягона халқмиз, деган ғоя билан чиқдилар.

1 июндан Қўқонда «Юрт» номи билан «сиёсий, ижтимоий, тарихий ва адабий ҳафталик мажмуа» чиқа бошлади. Бу мажмуанинг асосий шиори «Яшасин мухториятли халқ жумҳурияти!» деган сўзлар бўлди. Биз бу шиорга эътиборни жалб этар эканмиз, ўша вақтнинг ўзидаёқ Қўқонда Туркистон Мухторият ҳукума-



тини барпо этиш нияти туғилган, деб ўйлаймиз. Чиндан ҳам, «Шўрои ислом» жамияти тарих саҳнасида чиқиши билан ўз олдига Русия федерацияси таркибидан мухторият давлатини тузиш вазифасини қўйди. Мустамакачилар Ишчи ва солдат шўроларига кириб олиб, Тошкентда қудратли қалъани вужудга келтирганлари учун бу жамиятнинг Мунаввар қори сингари доно раҳбарлари ва тадбиркор аъзолари наздида мухторият ғоясини ҳаётга тадбиқ қилишнинг бирдан-бир майдони большевиклар ҳали тўла эгаллаб улгурмаган Қўқон эди.

Ҳаёт турли ижтимоий гуруҳларнинг бирлашишини тақозо этди. Марказий мусулмон шўроси тузилиб, у Ишчи ва солдат шўролари билан беллашиш вазифасини ўз гарданига олди. Ҳар иккала шўро вакиллари шаҳар муниципалитетидан кўпроқ ўрин олиш учун кураш бошлаб юбордилар.

*«Русиядаги биринчи инқилобнинг дастлабки ойлари жуда яхши бир замон бўлди. Бир-биримизга чин кўнгилдан ишониб, самимий ва жонажон дўстлар орттирдик, — деб ёзади З. Валидий ўз хотираларида. Сўнг давом этиб, дейди: — Кўп вақтларда сўзлаган фикрларим ўртоқларим томонидан мақола ва шеър бўлиб майдонга чиқа бошлагу. Шоир Чўлпон сайлов қонуни масалалари бўйича курашимизни жуда чиройли дoston қилиб ёзди... Қўқонда дўстим Ашурали Зоҳирий билан бирга «Юрт» номли бир журнал чиқара бошладик. Унда турк миллатининг руҳий (ички) маданияти мавзуларига бағишланган мақолалар эълон қилдим. Унинг таъсири қандай бўлганлигини 1920 йилда билдим. Бухоро жумҳурияти раиси бўлган Мирзо Абдулқодир Муҳиддинов бу мақолани дўстлари олдида ёддан айтиб берган».*

З. Валидий шу даврга оид эсдаликларини давом эттириб, «сайлов қонуни масала»ларига тааллуқли мароқли бир маълумотни берган: «Дўстим Убайдулла Хўжа, — деб ёзган у, — бир ҳуқуқшунос сифатида менга: «Балки сайлов тартибидан сайланувчининг кўчмас мулки бўлиши шарт қилиб қўйилар, бир мулк олгин», деб маслаҳат берди. Тошкентнинг Оҳангарон дарёси бўйидаги Овлақ деган жойнинг юқори томонидан Чотқол тоғларига қараб турган бир еридан боғли ҳовли сотиб олдим. 1917 йилда уни бориб кўришга фурсатим бўлмади, аммо 1922 йилда босмачилик ҳаракатига

қўшилгач, Бошқиргистондан келган йигитлар шу ерда яшаганлар, атрофи жуда гўзал, мевали ва хушхаво бўлган бу боққа мен ҳам бир неча бор келиб кетдим. Муниципалитет сайловларига номзодлар кўрсатилди, мен Тошкент шаҳар идораси аъзолигига номзод қилиб кўрсатилдим».

Заки Валидийнинг бу сўзларидан маълум бўлишича, шаҳар идораларига бўлажак сайловларни ўтказиш тартиби ишлаб чиқилган бўлибгина қолмай, тараққийпарвар кучларнинг бу сайловлар пайтидаги ҳокимият учун кураши Чўлпоннинг «жуда чиройли бир дostonи»да тасвир ҳам қилинган. Хотирадаги эътиборга молик нуқталарнинг яна бири шундаки, ҳуқуқшунос Убайдулла Хўжаевнинг таклифи билан сайлов пайтида ўз номзодларини қўйган кишиларнинг Туркистон тасарруфида уй-жойи, ер-суви бўлишлиги шарт қилиб қўйилган. Тараққийпарвар кучлар ана шундай йўллар билан мустамлакачи унсурларнинг яна маҳаллий ҳокимиятни эгаллаб олишларига қарши турли чора ва тадбирларни ишлаб чиққанлар.

Шу ўринда бир савол туғилади: нега Валидий Тошкент шаҳридан эмас, балки овлоқ бир ердан кўчмас мулкни сотиб олган? Шубҳасиз, у Эски шаҳар ё Бешқайрағоч каби шаҳарга яқин ерлардан уй-жой сотиб олиши мумкин эди. Лекин, назаримизда, у Убайдулла Хўжаев сингари дўстларининг маслаҳати билан айғоқчилар ва хуфяларнинг қадами етиши маҳол бўлган жойни танлаган. Бошқача айтганда, Овлоқдаги боғ Тошкентда Туркистон мухторият давлатини барпо этиш учун кураш олиб борган ё келажакда қувғинга учраши мумкин бўлган кучларнинг шаҳар чеккасидаги маҳфий қароргоҳи бўлган.

Яна муддаомиз «Юрт» журнаliga қайтсак. Унда эълон қилинган адабий-танқидий, публицистик ва бадий асарлар икки қисмдан иборат бўлган. Агар журналнинг биринчи қисми ижтимоий-сиёсий, тарихий, ҳуқуқий, адабий, маърифий ва маиший мавзуларга бағишланган бўлса, қишлоқ ҳаёти, кооперация, кредит сингари мавзулар иккинчи қисмни ташкил этган. Зиё Саиднинг «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар» номли китобида айтилишича, журнал саҳифаларида А. Зоҳирийдан ташқари, Заки Валидий, Аҳмад Сардор, Шокир Мухторий, Мустафо Субҳий, А. Бек, Ҳис, Қаландар ва бошқа қаламкашларнинг асарлари

босилган. Агар сўнгги икки тахаллус Чўлпонга мансуб эканлигини назарда тутсак, демак, у 1917 йилда кўпроқ шу журнал орқали «Яшасин мухториятли халқ жумҳурияти!» деган шиорга ҳамоҳанг асарларини эълон қилган чиқади.

Шу журналнинг 1917 йил 3-(август) сонда (бизга етиб келган ягона мажмуасида) Чўлпоннинг «Ўзбеклар ҳам Туркистон» деган каттагина шеъри чоп этилган. Диалог шаклида қурилган ушбу шеърда Ўзбеклар Туркистонда кечаётган шармандали жараёнлардан ларзага тушиб, ундан ўзларини қийнаган саволларга жавоб беришни сўрайдилар:

— Улуғ Туркистон! Сенга не бўлди?  
Сабабу вақтсиз гулларинг сўлди.  
Ажал келмасдан нега сен ўлдинг?  
Салқун қабрга нечун кўмилдинг?..  
...Буюк товларинг қорлари битди,  
Кўллар, дарёлар бари-да кетди.  
Зўр, зўр саҳролар ишдан чиқдилар,  
Чаманзорларинг чўллик бўлдилар.  
Гулистонингда булбул сайрамий,  
Бошқа қушлар ҳам бурлиб қарамий..  
...Оллоҳ! Инқироз бизга келами?  
Ўзбек элининг ўти сўнами?

Туркистон фарзандларининг бу саволига бундай жавоб беради:

— Азиз болалар, сўзни тинглангиз,  
Меним айтгани яхши англангиз..  
...Йўққа бурчламанг, ҳеч бир ўлмадим,  
Вақтлиғина мунда йўқладим.  
Яхши эшитам сизнинг товушни,  
Ичимда сезам улуғ бир ишни.  
Сиздан сўрайман баъзи бир сўзни,  
Сизлар берингиз бунга жавобни..  
...Мадрасаларда мударрис борми?  
Адолат бирлан дарс айталарми?..  
...Ўзбекнинг эли иттифоқдами?  
Йўқса ўзаро нақ нифоқдами?..

Бобо Туркистоннинг бу сўнгги сўзларидан Ўзбеклар изза бўлиб, у яратган ҳамма нарсани вайрон эт-

ганларини очиқ эътироф этадилар; иттифоқсизлик ай-ниқса кучайиб, ҳар бир гуруҳда даъво тоғи кўпайганини ҳам яширмайдилар. Бундай фош этувчи сўзлардан кейин Ўзбеклар ўз дилларидаги истак ва армонни изҳор этиб, дейдилар:

...Улуғ Туркистон, сизга жавоб шул,  
Энди бизларга ёрдамчимиз бўл...  
Бу инқироздан бизни қутқор-чи,  
Бўл-чи бизларга ўзунг йўлбошчи.

Туркистон бобо бу сўзларга чидамай, ўрнидан туриб кетади, учли бўркини бошига кийиб, уларга яқин келади-да:

Деди: — Турингиз, бирга бўлунгиз,  
Ғарб сафарина бирга юрунгиз.

Бободан бундай фармонни олиб, Ўзбеклар йўлга отланадилар. Унинг — бобо Туркистоннинг ўзи оқ отини миниб, улар олдидан йўлбошчи сифатида жой олади.

Шеър бундай хотима билан тугайди:

Кетдилар бирга йироқ сафарга,  
Худо йўл берсун туркистонийларга.  
Оқ бўз отини минди Туркистон,  
Сувсиз саҳролар бўлди гулистон.  
Белинда камар, қўлида байроқ,  
Улуғ Туркистон, йўлинг бўлсун оқ!

Чўлпон учун янги ва дадил ғоя билан суғорилган бу шеърнинг сиз, мухтарам китобхонларда турли-туман фикрлар уйғотиши аниқ. Мен уни ўқир эканман, Заки Валидийнинг «*Кўп вақтларга сўзлаган фикрларим ўртоқларим томонидан мақола ва шеър бўлиб майдонга чиқа бошлади*», деган сўзлари қулоғим остида жаранглаб юборади. Назаримда, кимдир бу шеърда меҳвар бўлиб ўтган фикрни Чўлпонга айтиб, унга шу мазмундаги асарни ёзиб беришни сўрагандек таассурот қолади.

Бу шеърдаги бизни ҳайратга солган нарса Туркистон бобонинг Ўзбекларни Ғарб сафарига чорлашидир. Чамаси, Чўлпоннинг бу шеърга қадар ва ундан ке-

йинги ижодида халқни, ватандошларини курашга чорловчи бундай ошкора сатрлар оз. Худди шу нарса шеърнинг муайян бир «буюртма» асосида майдонга келганини тасдиқлайди.

Чўлпон Фарб сафарига отланган Туркистон образини яратар экан, шу даврда — 1917 йил августида тараққийпарвар кучларнинг фикр ва хаёлларида тутилган мухторият учун, ғарблик мустамлакачиларга қарши кураш ғоясини барала куйлади. Бу — Чўлпоннинг истиқлол учун ошкора кураш майдонига кирганини англатади.

\* \* \*

Заки Валидий Февраль инқилобидан кейин Туркистондаги истиқлол учун кураш ҳаракатларида ўзининг катта роль ўйнаганини алоҳида таъкидлагани ҳолда Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидов, Убайдулла Хўжаев сингари маҳаллий халқ ҳаракати раҳбарларининг фаолиятини кўпинча четлаб ўтади. Бизнинг ихтиёримизда бошқа тарихий-мемуар адабиёт бўлмагани учун, Валидийнинг бу манманлик «касал»-ни билганимизга қарамай, яна унга мурожаат этишга мажбурмиз.

3. Валидий 16 апрелда иш бошлаган Туркистон муслмонлари умумий қурултойи тўғрисида маълумот бериб, қуйидагиларни ёзади:

*«...Давлат идораси ва идорани ташкил қилиш масалари бўйича маърузачи мен бўлдим, федерация ғоясини ҳар томонлама ёқлаб, тарихий далиллар билан исбот этдим. Маҳмудхўжа Бехбудий ва қозоқ муҳандис Муҳаммаджон Тинишбоев ҳам бу ғояни ёқладди... Сағри Мақсудий, ўзбек ва татарлар номидан гапирган Кабир Бакир, қарқарали бир мишар савдогари ва қандайдир бошқа бир киши федерацияга қарши чиқиб, «фақат демократик Русия жумҳурияти» фикрини қатъий олға сурдилар. Бу орада Мунаввар қори, Убайдулла Хўжаев каби зиёлилар аввал федерация фикрига қўшилмадилар, буни хаёл бўлса керак, деб ўйладилар. Бу масала ўша дамда Маҳмудхўжа Бехбудий ва қўқонлик Обиджон Маҳмудовнинг иккиланмасдан мен томонда бўлишлари тўфайли ҳал этилди».*

Агар 3. Валидийнинг бу сўзлари ҳақиқат бўлса, мухторият ҳукуматини тузиш ғояси 1917 йил апрелида ана шу тарзда шаклланди. Қурултой май ойида Моск-

вада очиладиган Бутун Русия мусулмонлари конгрессда қатнашиш учун 12 кишилик комитет ва Туркистон мусулмонларининг талабларини ҳимоя қилиш, сайловларга тайёргарлик кўриш учун Туркистон Мусулмонлари марказий шўросини сайлади. Беҳбудий, Мунаввар қори, Убайдулла Хўжаев, Обиджон Маҳмудов ва бошқалар ушбу шўрога аъзо бўлиб кирдилар.

3. Валидийнинг тушунишича, Туркистонда мухторият ҳаракати кенг қулоч ёймасдан, унинг на Бошқирдистон ва на Қозоғистонга тарқалиши маҳол эди. *«Ўзбеклардан самарқандлик муҳаррир Маҳмудхўжа Беҳбудий, қўқонлик Ашурали билан Обид Маҳмуд бу ғояларни ҳаётда амалга оширишга умидвор бўлган кишилар эди. Мен ва Беҳбудий, ёш ўзбек шоири Чўлпон, нўғойқўрғонлик татарлардан Тоҳир, Самарқанддан Ҳакимзода билан бир қанча шаҳарларга бориб, йиғилишлар ўтказдик, турли-туман жойларга бўлиб, Туркистон Марказий шўросига одамлар жалб қилдик. Натижада, мухторият фикрининг асл душмани саналган кадет партиясининг Тошкентдаги бошқармаси ўз таъсирини йўқота бошлагу. Июнь ойи бошидан бошланган кураш натижасида мухторият ғояси ҳамма ерда кучая борди».*

Шундай қилиб, Чўлпон мухторият ғоясининг янги қўшиқ пардаларидек авж олиши ва халқ оммаси ўртасида кенг ёйилиши учун З. Валидий ва бошқа курашдош дўстлари билан бир сафда туриб хизмат қилди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий, Заки Валидий, Чўлпон, Ашурали Зоҳирий, Обиджон Маҳмудов (Обид Чатоқ) сингари фидойиларнинг ташвиқотчилик фаолияти туфайли 1917 йил ёзида бўлиб ўтган сайловлар умидбахш натижалар билан яқунланди. Тошкент шаҳар думасига сайланган 112 аъзодан 76 нафари маҳаллий халқнинг вакиллари эди. Андижон думасига ҳам аксарият мусулмонлар сайланиб, кучлар нисбати қуйидагича бўлди: «Шўрои ислом» — 77, социалистлар — 71, «Иттифоқ» — 4, «Хуррият ва маърифат» — 3, яҳудийлар эса 2 ўринга эга бўлдилар. Ерли аҳолининг бу ғалабаси натижасида сентябрь ойига келиб, уч сиёсий куч ҳукмронликка даъво эта бошлади. Булар — Муваққат ҳукуматнинг ўлкадаги маъмурияти, қуроли кучга эга бўлган Ишчи ва солдатлар шўроси ҳамда маҳаллий идораларда кўпчилик ўринга эга бўлган умуммусулмон халқ ҳаракатидир.

Афсуски, маҳаллий халқнинг бирлаша бошлаган кучлари ўз қуроли кучларини яратиб улгурган большевиклар олдида ожизлик қилди. Натижада 1917 йил ноябрь ойининг бошларида Тошкент шахрида ҳокимият улар қўлига ўтди. 22 ноябрда ўз ишини тугатган Ишчи, солдат ва деҳқонлар шўросининг III қурултойи Туркистонни идора қилувчи ягона ҳокимият — Халқ Комиссарлари Кенгашини таъсис этди. Бу ҳодисага жавобан мухторият ғоясининг тарафдорлари 26 ноябрь куни Қўқонда Ўлка мусулмонларининг фавқулодда III қурултойини чақирдилар. Қурултой ўз ишининг иккинчи куни, кеч соат 6 да «Туркистон ўлкасида бўлгон халқларнинг хоҳишлари бўйича, Буюк Русия инқилоби тарафидан берилан асосларга биноан, Федерация асосига бино қилингон Русия жумҳурияти ила бирликда қолгон ҳолда Туркистонни ерлик мухториятли (яъни территориалний автономиялик) эълон қилдур» сўзлари ёзилган тарихий декларацияни қабул қилди. Бу декларацияга кўра, Туркистон ўлкасида яшовчи барча эл ва элатларнинг ҳуқуқлари ҳар жиҳатдан сақланажаги кафолатланган эди. 28 ноябрда Муҳаммадjon Тинишбой ўғли раислигида Туркистон мухторияти ҳукумати аъзолари тасдиқландилар.

30 ноябрь куни кундуз соат 3 да эса Қўқонда мусулмонларнинг улуғ намоиши ўтказилиб, инқилоб самараларини сақлаш ҳақида қасамёд қилинди. Кўп минг кишилик бу намоиш Туркистон аҳолисининг пешонасига нури ислом ёғилгани учун бир неча вақт мобайнида тик турган ҳолда «Оллоҳу акбар» сўзларини яқдиллик билан такрорлади. Нотиклар ҳаяжон ва кўзларидан дув-дув оққан ёш билан манфур ҳаёт битиб, ҳурриятга тўла янги ҳаёт бошланажаги ҳақида жўшиб сўзладилар. Бу шундай таъсирли ва маҳаллий халқнинг куч-қудратини кўз-кўз қилувчи улуғ намоиш эдики, Чўлпон шу куниёқ «Оллоҳу акбар» деган шеърини ёзиб, Туркистон мухториятининг вужудга келганини ўзининг гўзал шоирлик қалами билан шарафлади.

Шу тарзда ўзбек халқининг барча қатламларини жунбушга келтирган буюк тарихий воқеа рўй берди. Шоирлар мухториятта бағишлаб шеърый гулдасталарини яратдилар. Туркистон мухториятининг, демак, мустақил ўзбек давлатининг биринчи расмий мадҳия-

сини яратиш бахти Чўлпонга насиб этади. Унинг «Озод турк байрами» деб номланган мадҳияси бундай тантанавор сатрлар билан бошланади:

Кўз очинг, боқинг ҳар ён!  
Қардошлар, қандай замон!  
Шодликка тўлди жаҳон!  
Фидо бу кунларга жон!

Туркистонли — шонимиз, туронли — унвонимиз,  
Ватан — бизим жонимиз, фидо ўлсун қонимиз.

Бизлар темир жонлимиз!  
Шавкатлимиз, шонлимиз!  
Номусли, виждонлимиз!  
Қайнаган турк қонлимиз!..

Бу мадҳия мухториятнинг «Эл байроғи» деб номланган газетасининг 1917 йил 13-сонида илк маротаба эълон қилинди. Мухторият ташкилотчилари айна пайтда мадҳияни юзлаб нусхада, варақалар тарзида бутун Қўқон бўйлаб тарқатдилар. 10-йилларда машҳур бўлган «Ўрду марши» оҳангида ёзилган мадҳия ёшлар ва катталар томонидан севиб куйланди; Қўқон кўчалари қўшиқнинг янгроқ ва некбин садоларига фарқ бўлди:

...Шодлик, хурсандлик чоғлар,  
Кетсун юракдан доғлар!  
Ватан боғиндан зоғлар!  
Селкиласун байроғлар!

Туркистонли — шонимиз, туронли — унвонимиз,  
Ватан — бизим жонимиз, фидо ўлсун қонимиз.

Ҳуррият — байроғимиз,  
Адолат — ўртоғимиз,  
Хурсанд бўлган чоғимиз,  
Мевалансун боғимиз!..

Туркистон мухториятининг раҳбарларидан бири ўз китобида бундай ёзган эди:

*«Биз у замонда мухториятни бундай тушунар-  
дик: Туркистоннинг ўзига махсус идора ва ижроия  
муассасалари, яъни қонун ишлаб чиқарадиган парла-*



менти ва ишни юритадиган ҳукумати бўлиши (керак) эди. Ташқи сиёсат, молия, йўллар, ҳарбий ишлар Умумрусия федерацияси ҳукуматининг иши, деб таниларди. Маориф ишлари, маҳаллий йўллар масаласи, маҳаллий идоралар, ағлия ҳамда ер масалаларининг ҳаммаси маҳаллий мухторият ишлари, деб қараларди... Умумрусия учун қурилган қўмондонлик назоратида бўлиш билан туркистонликларнинг аскарӣ хизматларини Туркистонда кўриб, Туркистонда қолмоқлари биз учун муҳим бир масала эди...»

Бу сўзлардан аён бўлишича, мухториятчилар Русия таркибидан мутлақо ажралиб чиқиш ва Туркистонда фақат ерли халқнинг манфаатини кўзлайдиган давлатни барпо этиш вазифасини ўз олдларига қўймаган эдилар. Қолаверса, «Русия ва Шарқнинг барча меҳнаткаш мусулмонларига йўлланган мурожаатномаси»-да Октябрь инқилобининг доҳийлари бундай деб ёзган эдилар:

«...Бундан буён сизларнинг урф-одатларингиз, сизларнинг миллий ва маданий муассасаларингиз озод ва дахлсиз, деб эълон қилинади. Ўз миллий ҳаётларингизни эркин ва бемалол уюштираверингиз. Сизларнинг бунга ҳақингиз бор.

...Сизлар ўзларингиз ўз ватанингизнинг ҳокимлари бўлишингиз лозим. Ўз расм-русмингизга биноан ҳаётингизни уюштиришингиз лозим. Сизнинг бунга ҳақингиз бор, чунки сизларнинг тақдирингиз ўзингизнинг қўлингиздадир».

Лекин большевиклар бошқа тоифа кишиларидан шу нарса билан фарқланадиларки, уларда лафз, субут деган нарса бўлмайди, уларнинг сўзлари билан ишлари ўртасида ер билан осмондек узоқ масофа бор ва улар ўзларининг ваҳший қиёфаларини яшириш учун кўзичоқ ниқобини кийиб юрадилар. Буни большевиклар Шўро давлати тепасига келган илк кунларидан то сўнгги кунларига қадар ер куррасининг барча минтақаларида намоиш этганлар.

1918 йилнинг 18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси Тошкентдан ўлка ҳарбий комиссари Е. Л. Перфильев бошчилигида артиллерия билан қуроолланган қўшин етиб келди. Улар Қўқон шўросига Фарғонадан ёрдамга келган кучлар билан бирга мухториятчиларга қарши қақшатқич жангга киришдилар. Оз сонли мухторият лашкарлари қаҳрамонларча жанг қилдилар.

...Турк бешиги — Туркистон!  
Ери олгун, тоғлари кон!  
Болалари қаҳрамон!  
Ватан учун берур жон!

Туркистонли — шонимиз, туронли — унвонимиз,  
Ватан — бизим жонимиз, фидо ўлсун қонимиз!

Лекин куч душман томонида эди...

\* \* \*

«Қирғизистон ва Ўрта Осиёда инқилоб ҳамда гражданданлар уруши тарихи очерклари» китобида Азиз Нилло (Г. Станишевский) бундай деб ёзган:

*«Қўқон мухторияти»ни тугатишга қўшинларга қўмондонлик қилган «сўл» эсер Перфильев мухториятчиларга қарши курашга дашноқ дружиналарини жалб этди, улар эса Эски шаҳарга бостириб кириб, ўғирлик ва мусулмон аҳлига нисбатан зўравонлик билан шуғулланди. ...Эски шаҳардан қишлоқлар сари таллинган қочоқлар оломони Фарғона вилоятининг қўшни уездаридаги ғулғулани кучайтириб юборди».*

Қўқон уч кун машғала бўлиб ёнди. Мухторият тормор этилганидан кейин дашноқлар шўро дружинаси байроғи остида 10 минг қўқонликнинг ёстуғини қуритди; улар қилган ваҳшийликлар сонсиз-саноқсиздир.

Бундай мислсиз хунрезликлардан хабар топган Чўлпоннинг қон йиғлаган бўлиши аниқ. Балки у руҳий изтироб ва аламлар тўфонини енгиб, некбин ғоялар нурини туйганида, «Бизлар темир жонлимиз», деб келажакка умид кўзи билан қараган бўлса ҳам ажаб эмас.

## **Ишқий изтироблар**

Оренбургда нашр этилган «Шўро» журналининг 1917 йил 31-сонида Чўлпоннинг миллий-ижтимоий муаммолардан узоқ, 1917 йилнинг долғали-тўфонли руҳига мутлақо ҳамоҳанг бўлмаган насрий шеъри босилган. Бу лирик кайфият билан йўғрилган асарда лирик қаҳрамоннинг эрта тонг пайтидаги нозик ҳис-туйғулари қаламга олинган. Севимли ёридан олисда яшаётган қаҳрамон ширин хаёлларга берилиб, унга кўнгли ҳисларини хат орқали йўллашга тутинган:

«Севиклим.

Акрин-акрин тонг отадир; қичқиралар тинмайча ҳар тарафда кўп отаглар<sup>1</sup> «Ётма, тур, уйғон! — деб кимдир айта қулоғима, ё билиб, ё билмийча.

— Суюкли жонинг сенинг ёлғиз нечук қолғон, — геюб.

Эй, шулай акрингина тонг ота, кўк юзиндаги у оқ юлдузлар бирин-бирин йўғолалар. Отаглар, худойнинг сўфи махлуқлари, аллақаерлардан қичқиралар: «Эй бандгалар, туриб, худойингизга ибодат қилингиз, шундай бир вақтда, яқтилиқ<sup>2</sup> қоронғуликқа қолиб қилган вақтда сиз нича ўйналмийча юқлайсиз? Бу тонг сизга тилаган нарсангизни бера, шоирга — шеър, ошиққа — ишқ ва унинг суйганини, музикантга мунгли куйлар илҳом ита...

Айтингиз, биродар! Тилаганингизни тобарсиз. Мана шу вақтда менга жинми, парими, ниндайдир бир нарса, мени танибми, танимийчами сўйлий:

«Тур сен ўрнингдан! Суюклигинга хат ёзарға тилайдир эдинг. Ёз, мана, ёзарға вақит. Сенинг ул суюклигинг аллақаерларда сенинг учун аламлар, дардлар билан маъюс бўлиб, ўзи ёлғиз ўлтира...»

Бошдан-оёқ хат шаклида ёзилган бу насрий шеърда, кутилмаганда, севги ва муҳаббат чечаклари гунчалаб кетгандек бўлади. Лирик қахрамон теварак-атрофда рўй бераётган миллий-озодлик ҳаракатини ҳам нутиб, ўз қалбининг мумтози билан сирлашади.

Чўлпон инқилобий 1917 йилда нима учун ва нима сабабдан ўз ижоди учун анъанавий бўлиб туюлган ижтимоий мавзудан чекиниб, ишқий пардаларда рубоб черта бошлади? Нима учун бу асар «Шўро» журналида босилди? Унинг «қип-қизил» татарча тили ва услубини қандай тушуниш мумкин?.. Бу насрий шеърни ўқир эканмиз, шундай саволлар бошимиз узра чарх ура бошлайди.

Аммо бундай саволларга жавоб беришдан олдин Андижонга, Чўлпон яшаган маҳаллага, ёшлик нашидаси билан тўла даврга назар ташлайлик.

Фоиқа аянинг хотирлашича, Флора Кайданининг онаси — отин ойи билан бир хонада Обида исмли қиз яшаган. У асли чоржўйлик бўлиб, унинг Андижонга

<sup>1</sup> Хўрозлар.

<sup>2</sup> Ёруғлик.

қачон, қандай келиб қолгани қоронғу. Обида кўркам қиз бўлгани учун Абдулҳамид уни яхши кўриб қолган. Боз устига, у 10-йиллардаги ўзбек қизларидан фарқли ҳолда ўзига, юриш-туришига эътиборли бўлган. Унинг нафис овоз билан татар тилида сўйлаши ҳам ёш шоирнинг дилини овлаган. Хуллас, севги ва муҳаббат фаслидаги Абдулҳамид кўнгил розини юз андиша билан унга айтишга журъат этган. Аммо Обида унинг муҳаббат кўшиғига парво ҳам қилмаган. Биринчи муҳаббати рад этилган ёш шоир дилининг қонли яралари босилгач, бундай сатрларни ёзган:

Кўнгил, тинмас кўнгил, энди етар, кўз тикма гулларга,  
Гўзалдир, ёшдир у гуллар, фақат алданма унларга —  
Ки қизанмас, кўнгил қўймас сенингдек оқ кўнгилларга.

«Қизларнинг дафтарига» деб номланган бу уч сатрли шеърда Абдулҳамид гарчанд гулларга ортиқ кўз тикмасликка ва бу гўзал, ёш гулларга махлиё бўлиб алданмасликка ваъда бергандек туюлса-да, ордан кўп ўтмай, муҳаббат шабадаси яна унинг сочларини силайди, навқирон қалбидан яна севги кўшиғи капалак янглиғ отилиб чиқади. Энди унинг кўнглига қип-қизил чўғни ташлаган қиз Обиданинг бошқа бир миллатдоши, исми жисмига монанд Моҳирўя эди.

*«Моҳирўя ўқитувчи эди. У чиройли, хушбичим, ширин муомалали қиз эди»,* — дейди у ҳақда Фоиқа ая.

Моҳирўя Абдулҳамиднинг қадрига етувчи, унинг ноёб табиатли ёшлардан эканини бутун қалби билан ҳис этувчи қиз бўлган. У Абдулҳамидга нисбатан ўзида илиқ туйғунинг мавжудлигини сезиб, унинг севгисига севги билан жавоб беради. Абдулҳамид-Чўлпон у билан учрашган висол онларида ёд билгани татар шоирларининг шеърларини ўқийди, унга бисотидаги энг латиф сўзларни ҳаёда этади.

Юқорида кичик бир лавҳаси келтирилган асар ҳам Моҳирўяга бағишланган, десак, хато бўлмайди. Зеро, миллий уйғониш даврининг юмушлари билан турли жойларга борган ва севимли қиздан айри яшаган шоирнинг уни кўмсаши ва хаёлан унга талпиниши табиийдир. Боз устига, у ҳам Чўлпонни севган ва ундан ишқий мактубларнинг келишини орзиқиб кутган.

*«Суюклим!*

*Унутмаган бўлсанг — билурсан, менга қачондур айтган эдинг: «Сен мени унутарсан», — деб. Ул сўзларингни ҳали мен ҳеч бир ҳарфини-да унутмадим ҳам унутмаяжакман. Нега олой бўлғач, мен сени, ўзингни нечук унута оларман, сени унутув мени битувим эмасми?»*

Чўлпоннинг шу кезларда Андижондан узоқ муддатга бошқа шаҳар ва қишлоқларга бормаслигининг сабабчиси ҳам Моҳирўянинг соғинчи эди.

Лекин мухторият ҳукуматининг тор-мор этилиши билан унинг куйчиси Чўлпон ҳаёти ҳам хавф остида қолди. Бир томондан, қамалиш хавфи, иккинчи томондан курашни давом эттириш истаги уни олис ва қалтис йўллар сари етаклади.

...Чўлпон Андижонга қайтганида, ҳали 1918 йилнинг совуқ қиши юмшамаган эди. Шоир маълум вақтгача кураш сарҳадларини тарк этиб, тинч маиший ҳаёт бешигини тебрата бошлади.

Фоика аянинг айтишича, «чиройли, хушбичим, хуш муомалали» келинга Чўлпоннинг ота-онаси ҳам яхши қараган. Ҳаёт бир маромда, тинчлик ва осойишталик билан ўтган.

Чўлпоннинг сирли сафардан қайтганини эшитган дўстлари уни зиёрат этиш, сафар таассуротларини эшитиш учун Қатортеракка қаторлашиб кела бошлаганлар. Дўст-ёрларнинг бундай ўрин-ноўрин қадамранжида қилишларига унча-мунча ўзбек аёллари ҳам чидаш бермаслиги мумкин. Бошқа муҳитда тарбия кўрган, фақат ўзининг тинчи ва ҳаловатини кўриқлашга кўниккан Моҳирўяга меҳмон кутиш энг азобли машғулотлардан бирига айланиб борди. Ахийри, у эрини йўқлаб келган кишиларга кўрслик қиладиган ва бундай хулқатвори билан Чўлпонни шарманда этадиган бўлди. Чўлпон бу ишнинг хунуклигини тушунтиришга қанчалик уринмасин, саъй-ҳаракатлари беҳуда кетди. Моҳирўя ўз ҳаёт ақидалари олдида ҳатто севимли эрини деб бир қадам ҳам чекинмади.

Уларнинг бир ёстиққа катта умид ва ниятлар билан бош қўйганига эса бир йилдан ошган, аммо оила қувончи ва суянчи бўлган фарзанддан дарак йўқ эди. Моҳирўя олдида ўзларини ҳақоратлаган деб ҳис қилган ёр-дўстлар шу нарсани пеш қиладиган, Чўлпонни қизартирадиган, «Бошқа дурустроқ хотин қуриб қоп-

timi? Хотин зотига қирон келгани йўқ-ку!» дейдиган бўлишди.

(Чўлпоннинг отаси тўғрисида замондошларнинг хотираларига таяниб айтган баъзи бир сўзларим унинг жигарларига анча оғир ботди. Улар Сулаймон баззоз билан Чўлпон ўртасидаги муносабатларнинг баъзан тараф тортилганини билмаганлари учун боболарини ўта оқил ва Чўлпонга нисбатан ҳамиша меҳрибон бўлган, деб ўйлайдилар. Шунинг учун ҳам Фоика аянинг иккинчи фарзанди, менинг тенгдошим Ўктам Мирзахўжаев онаси номидан ёзган бир мақоласида «Чўлпон» сарлавҳали рисоламда (1991) баён қилинган баъзи бир гапларни рад қилишга уринган. Ҳозир айтмоқчи бўлган сўзим ҳам уларга қанчалик малол келишини билсамда, уни айтмасликка ҳаққим йўқ. Ҳа, Чўлпоннинг Моҳирўя билан ажралишида Сулаймон баззоз ҳам четда турмаган. Чўлпон узоқ-яқин биродарларининг сўзларига кириб, хотинидан ажрашадиган йигитлардан эмас эди. Чўлпоннинг ўз оиласида ҳам Моҳирўяга қарши кайфият пайдо бўлганидан у биринчи рўзгорини бузишга журъат этди.)

Шундай қилиб, Чўлпон сафардан қайтганидан кейин, кўп ўтмай, «Моҳирўя» деган достонига нуқта қўйишга мажбур бўлди.

# Иккинчи фасл

## Булоқлар

Эй кўнглимда шон аралаш уят бир из қолдирган  
Булоқларнинг кучоғи!  
Кимлар, кимлар кўкрагингга довул каби солдирган,  
Эй тузалиш ўчоғи!  
Мен бағрингга шифо устаб келган оғриқ бўлсам-да,  
Бошқа нарса излайман.  
У нарсани топмагунча чарчасам-да, толсам-да,  
Кўкрагингга кезарман.

Чўлпон.

## Ишқий изтироблар

(Давоми)

«Гўзал Клеопатра!

Отанг фиръавннинг заҳарлари қадар аччиқ заҳарларни унинг кўк япроқларидан истаганинг қадар ола биласан. Ўзингнинг юзларингдек юмшоқлик ва малоҳатни яна унинг қизил япроқларидан эма биласан.

Балки эсингга йўқдир.

Бир кун отинг билан чиққан овдан чарчаб, ўзинг ёлғиз қайтиб келдинг. Чарчаган бўлсанг-да, қарамасдан югуриб, Нил бўйига тушдинг.

Ўтган тонгга бир ҳиндистонли ошиқни тимсоҳнинг оғзига ташлаб берган жойингдан бир тўплам нилуфар чечаги йиғдинг.

Ҳарам уйингнинг айвонигаги супачага жой солдириб ётдинг-да, ҳалиги гул тўпламини қизил ипак билан бошингга осдириб қўйдинг.

Ўйчан, қайғули кўзларингни Нилнинг устида каби кўринган ойга тикиб олиб, тўймаслик билан гулни ҳиглаб-ҳиглаб ва шунга алданиб уйкуга кетдинг.

Тонгга ҳали йироқ эди...»

Ҳа, тонгга ҳали йироқ эди. Сирлар ва яширинликлар уяси бўлмиш Миср фаллоҳ қишлоқлари, эҳром-

лари, ярим қуш, ярим одамсимон абулҳавлари бани Исроилга махсус ибодатхоналари билан бирга ухламоқда эди. Ҳатто илондек буралиб ётган Нил ҳам шу кечанинг шарпасиз қучоғида ором оларди.

Шу пайт фиръавннинг қизи уйғонди. Аммо уни эркалаб ухлатган нилуфар гули сўлган эди. Клеопатра нозик қўли билан сўлган гулни бир ғижимлади-да, ирғитиб юборди.

Клеопатра гулни ғижимлай бошлаган пайтда боғчада «оҳ» деган товуш эшитилди. Бу — эртага Нилнинг тимсоҳларнинг тўлиқ қучоғига киражак шаҳзоданинг оҳи эди. Гулнинг барвақт сўлганидан ранжиган Нил маликаси мунгли товушни эшитмади. Унинг хаёли яна бир боғлам гулни узиб келишда эди. У даст туриб, хизматчиларидан бирини уйғотмоқчи бўлди, у ёқ-бу ёққа қарагач, яна ётди. Шу пайт Чўлпон насрий шеърининг қаҳрамони секингина унинг қошига бориб, бағридаги гулни қизнинг бошига ташлади. Малика буни сезмади. Гулнинг хушбўй ҳиди Клеопатрани бўшаштириб, уйқу яна уни ўз қучоғига тортди. Кун оташ тилларини унинг майин юзларига санчганида ҳам у уйғонмади.

*«Бош томонингда эндигина бош кўтариб келаётган ёппа-ёлғиз хурмо оғочига суянганим ҳолда мен сени кузатар эдим. Мен сени-да, ён-берингдагиларни-да эркин-эркин кўрганим ҳолда, билмадим, нима учундир сенинг қулларинг, жорияларинг, оқсоч ва чўриларинг мени кўрмадилар ёки кўрсалар-да: «Бу-да бир бечора ошиқдир, бу-да эрта-индин Нилнинг қурбони бўлур», деб ўйлайлар эди...*

*...Ниҳоят, кўзингни очдинг. Бошингни галдиратиб туриб, эснаш-ҳидлаш, сезгингнинг бутун кучи билан гул исини устадинг. Сенинг севгисиз бағрингга юмшоқлик сепаб турган гулим шул тинларда бутун борлиғи билан сенинг теграингга севги ҳиди сочиб турур эди...»*

Клеопатра бу гулнинг иси қаёқдан келаётганини қанчалик сўрамасин, жориялар тайинли жавоб беролмадилар. Клеопатра бошидаги бир болишни олиб ташлаши билан орадан гул чиқди. Аммо бу гул Миср гули эмас эди:

— О-о-о... Бу гул ёт гулдир. Миср гули эмас! — деб ғазабланди малика.

Клеопатранинг ён-веридагилар унинг «Қайдан келди бу? Ким келтирди?» деган саволларига жавоб берол-



май, таҳликага тушдилар. Нил маликасининг жаҳди кўзгалса, жорияларнинг боши балога қолишни сезган қаҳрамон кўп такаллуф қилмай, кўп тавозе этмай, бош ирғаб салом бериб, «Гулни мен келтирдим, у — менинг гулимдир», деди. Клеопатра дарҳол: «Сен кимсан?» деб сўради. Қаҳрамон бамайлихотир жавоб берди: «Мен — бир адашиб келган кишиман»

Клеопатра манзил тутган гўшага бегона кишининг кириши мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам у жорияларга йўл кўрсатиб беришни, бизнинг қаҳрамонга эса кетишни буюрди.

*«— Гулимни олайин-да, кетайин, хўп! — деб гулга кўл узатдим.*

*Амрлар товуши билан бақирдинг:*

*— Тегма, у гул менга қолади.*

*Тўхтадим.*

*Узинг кўзингни узмасдан менга қарар эдинг.*

*— Йигит, сен ёмон ният билан келмадингми?*

*— Йўқ, тескарисидир, энг яхши ва тўғри тилаклар билан келдим.*

*— Айт, нима учун келдинг?*

*— Севганимга Миср нулуфаридан бир тўплам олиб кетмак учун келдим.*

*Бирдан уйғондинг.*

*— Севганингми бор?*

*— Бордир.*

*Шошиб-пишиб сўрадинг.*

*— Фиръавннинг қизи эмасми?*

*— Эмас.*

*— Қайдадир?*

*— Аму наҳри бўйида.*

*— Аму. Гул кимники?*

*— Боя ҳам айтдим: меники.*

*— Ким учундир?*

*— У учун.*

*— У кимдир?*

*— У... менинг Клеопатрамдир.*

*— Жим! Мендан бошқа Клеопатра йўқдир.*

*— Сен Миср. Нил бўйи Клеопатрасисан, у эса Ҳазар бўйи, Аму бўйи Клеопатрасидир...»*

Клеопатра йигитнинг кўз ёшларида ўсгани учун гулнинг ўзгача тароватта эга эканини билгач, уни хосхо-

насига бошлаб борди ва олтин оёқчали юмшоқ супа-чада ўтириб, суҳбатни давом эттирди.

— Мен гулсиз қола билмайман, — деди у.

— Сенинг учун мундоғ гуллар йўқ эмас, бор... Истасанг — Нилнинг бўйларида, истасанг — шаҳар кўчаларида... — жавоб берди йигит.

— Мен шундай гулни қандай қилиб топаман? — сўради яна у.

— Нилга ташланган, тимсоҳларга ем бўлган ошиқларингда бундай гуллар бор эди, — яна жавоб берди йигит.

— Йўқ — деди Клеопатра. — Яхши ишонгилким, улар менга гўзал бўлганим учун эмас, фиръавн қизи Клеопатра бўлганим учун ошиқ эдилар. Биргина киши бўлсун чин севиш билан севгани йўқдир. Агар сенга ўхшаган бўлсалар... мен уларни Нилда эмас, кўзимнинг қаролари орасида сақлар эдим... Мен уларни биламан: улар бир қўрқув олдида мени унутарлар. Шунинг учун мен уларни қўрқинч тимсоҳларга ем қилдим.

Шу чоғ Клеопатранинг кўзларида эҳтирос алангаси пайдо бўлди. Унинг ишорати билан хона кимсасиз қолиб, пардалар тушди; қўшни хонадан эса ингичка чолғу товуши аралаш қизлар қўшиғи учиб кела бошлади.

Чолғу бир даражага етганда йигит бўшашиб, секингина Клеопатра қошида ёнбошлади. Клеопатра ҳам ўт-олов бўлиб йигит сари яқинлашди. Йигит ўз Клеопатрасини хаёлан кўз олдига келтиришга қанчалик уринмасин, хиёнат дамлари яқинлашаверди. Аммо шу лаҳзада яна ўша гул йигитга кўмакка келди.

*«Сен мени ўзингнинг эҳтирос кучинг билан маст қилиб, гулимни ва... йигитлигимни тортиб олмоқ истаган эдинг. Ишни шул даражага етказган эдингким, менга қаршилик қилмоқ учун куч қолмаган; мен бутун эҳтиросим билан хоин танларингга илондек ўралиб кетган эдим.*

*Бирдан гул ўлимлик ҳидини сочди. Мен уйғондим, эҳтирос ўз-ўзидан эриб, йўқ бўлди.*

*Сен юзларинг сўла бошлаб, бўшашиб йиқилдинг.*

*Мен гулимни қўлга олдим-га, тўғри Нил бўйига чиқдим. Ўзимнинг гулимни Нилнинг сувларига, кўкат, майсаларига кўст-кўстлаб юруб, ўз Клеопатрам учун бир тўплам нулуфар йиғдим-га, йўлимга кетдим.*

Мен Аму бўйига етганимда орқамдан бир каптар учиб келди ва сенинг шу хатингни топширди».

Хатда бундай сўзлар битилган эди:

«Йигит!

Мен бутун дунёга машҳур фиръавннинг қизи гўзал Клеопатра бўлганим ҳолдан чин ва соф бир севги учратмадим. Чин муҳаббат эгаларининг кўз ёшларида етиша турган узоқ умрли вафо ҳидли нилуфарни сенинг кўлингга кўрганимдан бери кўрмадим.

Оҳ, унинг мен ухлай олмай ётган чоғимда сочган ҳидлари қандай эди! Сира англай олмайман. Сен «севги ҳиди», дединг, шекиллик.

Оҳ, агар севгининг бир чечагидан чиққан ҳиди шундай бўлса, унинг ўзи қандай нарсадир?

Кошки сева билсам, ўзимнинг энг ҳақир қулимни бўлса-да, сева билсам!

Сени севдим, деб ўйлаган эдим, ўзинг кетгач, билдимки, у сенга, сенинг йигитлигинга бўлган шоҳона бир муҳаббатгина, бир ҳавасгина экан... Кел, менга соф муҳаббатдан бир оз сўзлаб бер!

Энди эҳтиросга берилмайман, кел.

Мен-да соф севиб, соф севилмак истайман...

Миср, Нил бўйи:

Клеопатра».

Клеопатра Мисрда ҳукмронлик қилган Птолемейлар сулоласининг сўнгги вакиласи бўлиб, эрамизга қадар бўлган I асрда яшаган афсонавий маликадир. Ундан зиёд тилни билган, нафақат муҳаббат, балки сиёсат бобида ҳам оламшумул ғалабаларни қўлга киритган бу аёл ўз макри билан Юлий Цезарь, Марк Антоний сингари машҳур саркардаларни ўзига ром этган. Юнон тарихчиси Плутарх унинг ташқи қиёфасини чизиб, бундай ёзади:

«Бу аёлнинг гўзаллиги биринчи боқишдаёқ кишига титроқ соладиган даражада мислсиз бўлмаган; аммо унинг муомаласини кўрган кишининг эс-ҳушидан айрилиши ҳеч гап эмас эди, зеро, унинг сўзини тинглаган, ҳар бир сўзи ва ҳар бир ҳаракатида мужассамлашган латофатни кўрган кишининг унинг қиёфасидан ҳам ҳайратга тушиши табиийдир. Унинг овозидан учиб чиққан товушларнинг ўзиёқ сизни аллалар ва сизга бир олам қувонч бағишлар эди».

Чўлпон тасвиридаги Нил маликаси ана шу Аёлдир.

Аммо бу Аёл — Нил маликаси билан бирга ушбу насрий кўшиқда яна бир аёл — Аму маликаси ҳам ўз тасвирини топган. Йигит Нил бўйларидаги гулни ана шу аёл учун узган. У шу маликага бўлган севгиси туфайли Клеопатранинг «шоҳона муҳаббат»ини, у йўллаган эҳтирос алангасини рад этган.

Севги ва муҳаббатнинг тирик маъбудаси ўлароқ машҳур бўлган Клеопатра Чўлпон бадеасидан чин муҳаббат майини тотиб кўрмаган гўзал бир аёл сифатида тасвир этилган. Бу ўзига хос адабий бир услуб бўлиб, шоир шу усул воситасида йигитнинг Аму маликасига бўлган севгиси олдида Цезару Антоний сингари саркардаларнинг Клеопетрага бўлган муҳаббати ҳеч вақо эмас, деган фикрни олға сурмоқчи бўлган.

\* \* \*

Чўлпон Моҳирўядан ажрашган изтиробли кунларнинг бирида унинг кўзи таниш бир нурга тушди. Бу нур уни чақиргандек, «Кел, кел!» дегандек, «Менинг бағрим очиқ!» дегандек, «Сенинг қайғу ва аламларингнинг бирдан-бир давоси фақат менман!» дегандек бўлди. У шу нур сари югурди. Бу, Обида, унинг илк муҳаббати чечакларини топтаб ўтган Обида эди.

Обида гарчанд муҳаббат фаслидаги Чўлпонга қиё боқмаган бўлса-да, ажиб бир ўзбек йигитининг Моҳирўяга уйланишига лоқайд қаролмади. Унинг вужудини рашк алангаси қоплади. Ёш келин-куёвнинг бахтли чехраларини кўриши, шодон овозларини эшитиши билан бу олов яна гурулаб ёнадиган бўлди. У ўзини қийнаган ҳолатдан халос бўлиш учун Чоржўйга, Аму бўйларидаги она шаҳрига кетди. Ўртадаги узоқ масофа, келин билан куёвни тез-тез кўриш азобининг йўқлиги, қариндош-уруғлари, болалиқдаги дугоналари бағрида кечган кунлар унинг ярасига малҳам бўлди. Шундан кейин, у яна Андижонга қайтди. Қайтди-ю, Чўлпон билан Моҳирўяни бирлаштирган томирларнинг узилаётганидан воқиф бўлиб, илк хатони тузатиш истиги билан ёнди.

Хуллас, Чўлпон ҳам, Обида ҳам — гўё ўртада ҳеч нарса бўлмагандек — ҳамма нарсани унутиб, бир-бирларига бағрларини очдилар.

Аммо Обида вазиятнинг ўз фойдасига ҳал бўлаётганини кўрса-да, қизлик гурурини баланд тутишга ури-

ниб, ёш шоирга эрк-ихтиёрини топширишга шошил-  
мади. У, Чўлпон айтганидек, нафақат «гўзаллар мали-  
каси», балки Клеопатра сингари тадбиркор, ақлли, маф-  
тункор ҳам эди.

Йўлларингда шеър айтса сўлган барг  
Қулоғимга мусиқалар келтирур,  
Қачон сенинг мусиқали овозинг  
Сенинг мени суйганингни билдирур?

Хуллас, секин-аста бўлса-да, Аму маликаси Чўлпон  
ёстиғига келиб бош қўйди.

Чўлпоннинг руҳий ва оилавий ҳаёти изга тушган-  
дек бўлди. У оппоққинадан келган, ойдек гўзал қиз  
билан бир неча йил давомида бахтли кунларни ке-  
чирди. Аммо Чўлпонга Обида туфайли ҳам ота бўлиш  
бахти насиб этмади.

\* \* \*

Ёдингизда бўлса, йигит Аму бўйларига етиб олга-  
нида орқасидан бир каптар учиб келган ва унинг  
қанотларида Нил маликасининг йигитга йўлаган хати  
бор эди. Йигит хатни ўқиши билан Клеопатрага қуйи-  
даги мактубни ёзган:

*«Гўзал Клеопатра!!*

*Хатингни олдим.*

*Аму кўпирмишдир, тошмишдир. Амунинг тошқини  
ўзимнинг Клеопатрамга-га, сенга-га, йўлни тўсди. Гу-  
лим ҳам ҳозир етим қолди...»*

\* \* \*

Одатда дарё баҳор ойларида тошади. Аммо ким  
билсин, эҳтимол, Обида Чўлпонга турмушга чиққани-  
дан кейин Чоржўйга кетган ва шу пайтда Аму тошиб,  
у ваъда қилган кунлари етиб келолмаган, Чўлпон ҳам  
ўз Клеопатраси қошига муҳаббати гулини олиб борол-  
магандир.

Чўлпон 1922 йилнинг январь-февраль ойларида Бу-  
хородалик пайтида офир хасталикка чалиниб, баланд  
ҳарорат остида ўлим билан курашган. Ёш жумҳуриятда-  
ги масъул лавозимлардан бирини адо этгани учун уни  
дарҳол ҳарбий хастахонага ётқизганлар. Чўлпон касал-  
хонада ўлим билан мардона курашган пайтларда Обида  
уни зиёрат этиб турган. Шоир ҳатто хаста ҳолатида ҳам

рафикаси чехрасида рўй берган ўзгаришларни кузатиб,  
ўзининг эмас, унинг дардларига даво излаган:

... Нечун қизарди юзинг қип-қизил анор янглиғ!  
Дилингда ўйноқи бир шарпа ўтдими шошилиш?  
Кўзингда кучли ҳавасларнинг излари қолмиш...  
Қизармоғинг, йўқ эса, сирли эсгами боғлиқ?.

Лабингда биргина сўз бор, фақат дея олмайсан,  
Нечун уни демакка кечмишингми қўймайдир?  
Нечун мени кўрганда энди сўзлай олмайсан?  
Нечун сенинг қарашинг ўйга ҳеч тўёлмайдир?

Бир оз... бир оз сўзла. Англадиб бер сен,  
Лабингда мангу ёпиқ қолмасун у биргина сўз.  
Гўзал чечакдек очилсун сўнук ва сўлгин юз  
Ва мен дардинга бир чора, бир шифо топайин...

Обида нимадан қизарган? У қандай сирли хотиралар туфайли хаёлот денгизига чўмишни севган? Чўлпон унинг чехрасидаги қандай ўзгаришлар туфайли изтироб чекмоқда?.. Булар бизга номаълум. Ҳар ҳолда шу нарса аниқки, Аму маликаси билан, вужудида Клеопатранинг ақли ва макри яширинган аёл билан яшаш Чўлпон учун осон кечмаган.

Орадан бир мунча вақт ўтиб, Чўлпон ҳарбий хастахонани тарк этгач, 1922 йил февралининг сўнгги кунларида нима учундир Чоржўйга борган. Унинг 29 февраль куни Чоржўйда таржима қилган «Қиш кечалари»дан бошқа бирор шеъри йўқки, биз Чоржўй сафари сирлари билан ошно бўлсак. Лекин орадан икки кун ўтгач, у Тошкентга қайтган ва «Шу кунда» деб номланган шеърини ёзган. Бу шеърнинг қуйидаги сатрлари Чўлпоннинг Обидага бўлган муҳаббат кемаси ҳам денгиз қояларига бориб уриланидан дарак беради:

Истагинга етар экан қанотларинг синдим,  
Эй кўнглимнинг булбули?  
Сенга қарши кулиб турган гўзал чечак тиндим,  
Ташладими бир йўли?  
Ҳаво ёрган кўкрагинги севги ели тилдим,  
Қон тўлами ҳар томон?  
Кўзларингга айрилиқнинг ипларини илдим?..  
Шу қилиғи кўп ёмон.

Ё эркинлаб ҳидлагали бермайларми гулингни,  
Тўсаларми йўлингни?  
Гул ўзими кўзларингдан кўзларингни қочирди,  
Йўқликларга ёширди?..

Демак, Обиданинг ҳарбий хастахонадаги қизариши билан Чўлпоннинг Чоржўйга бориши ўртасида қандайдир алоқа бор. Ўзини Клеопатра ҳис этган Обида Чўлпон сиймосида на Юлий Цезарни, на Марк Антонийни кўрди. «Бухоро ахбори» газетасининг муҳаррири яшаган ижара уй ҳам Обида орзу қилган сарой эмас эди. Шунинг учун унинг хаёли, эҳтимол, бошқа булбуллар сари талпингандир.

Орадан қарийб қирқ кун ўтгач, Обидани Чоржўйда қолдириб, Тошкентга кетган Чўлпон ён дафтарига қуйидаги сатрларни битган.

Йироқлашдим, узоқлашдим бир неча кун сендан,  
Ҳол сўраб кўр мендан,  
Нега мунча оғир келди бу йироқлик менга,  
Англатайин сенга!  
Чунки сенинг қаршингда мен айрилиқни ўйламай,  
Кўзларингга тикилдим,  
Ўзлигимга, борлигимга баҳо қўймай, санламай,  
Ерга қадар эгилдим.  
У кўзларинг тошқинида балиқ каби сузган мен,  
Сенга қараб тўйайми?..

Ҳаёт Обида билан Чўлпонга ўз муҳаббатлари тақдирини ўйлаш ва оқилона ҳукмга келиш имконини берган эди. Лекин Обида бу имкониятдан фойдаланишни истамасди. Обида-Клеопатра учун севги баҳор булутидек ўткинчи эди.

У Чўлпон билан алоқани ўз ихтиёри билан узди.

Чўлпон ўша йилнинг 26 апрелида Тошкентда битган шеърида бу ҳақда бундай ёзди:

... Ортиқ сен мендан узоқда  
Кўзларни ўйнатасанми?  
Ортиқ сен бошқа булоқда  
Дилларни қайнатасанми?  
Ортиқ сен ундаги боғда,  
Ортиқ мен якками қолдим?

Фарёд йўқ... Барча жаҳон жим,  
Ер ютса яхши шу чоқда!..  
Кетдингми сен мени ташлаб?  
Қолдимми қайғумни бошлаб?

«Кетганинга» деб номланган бу шеърда бағишлов сўзи ҳам бор. Шоир салавҳадан кейин «Клеопатрага» деб ёзган ва шеърнинг кимга бағишланганини очиқ-ойдин айтган.

Чўлпоннинг Обида-Клеопатрага бўлган муҳаббати тарихи 1922 йили шу тариқа шоир қалбининг садпора бўлиши билан тугади. Аммо бевафо ёр қолдирган жароҳат кўп вақт мобайнида битмай, шоир қалбидан аламли нолалар билан қон сачратиб турди:

Беш йиллик ёнишим бир йил учунми?  
Эркалаб ўтқувчи бир ел учунми?  
Кўзимга кўринган саробми эди? —  
Мен шунга алданиб, тоғларми ошдим?

Севгимнинг боқчаси харобми эди?  
Шул боқча ичида йўлми адашдим?  
Кўзимни ўраган кирпикми эди  
Ёки кўк тусида пардами эди?

Сезгим-да соғ, тетик, бардам эди-ку!  
Бўйнимга қўл солғон бир хур эди-ку!  
Нега мен сезмадим? Ўт эмасмиди?  
Шу ўт ичидаги мен эмасмидим?

Каъбамга осилғон бут эмасмиди?  
Бутни «тангри» деган мен эмасмидим?  
Мен уни хаёлий, тотли бир севиш,  
Илоҳий муҳаббат, ишқ билан севдим...

Чўлпон хатоларидан изтироб чека-чека дўзахга дуч келади. Бутни тангри ўрнида кўрганидан ўзини кечирмайди. Усмонли турк тилида ёзган «Ишқ» шеърда эса ўша фожиали йилдаги ҳолатини тасвирлаб, «Ишқ дея айрилдим диндан, иймондан», дейди.

Чўлпоннинг Обидадан ажралган кунлари ёзилган шу шеър шундай ички фарёд, умид тоғларининг гурс-гурс қулаб тушганидан ўкинч, руҳий зилзиладан кейинги қалб вайроналари билан тўла. Шоир билан Оби-



дани боғлаган беш йилнинг шундай мунгли, йўқ-йўқ,  
бадтар натижа билан тутагани шеърга алоҳида фожиавий  
оҳанг бағишлаган:

Беш йил!.. Шунинг учун беш йил англайиш,  
Ёниш, куйишларим... Оҳ, энди билдим.  
Оҳ, энди билдимким, барчаси хаёл,  
Барчаси бир тотли, роҳат туш экан!

Кет, йўқол кўзимдан, ҳақиқат, йўқол,  
Бағримга ботмоқда оғули тикан!  
Чиндан-да мен букун ёлғизми қолдим?  
Чиндан-да у ўтли севги битдимиз?

Чиндан-да турмушдан оғизми олдим?  
Чиндан-да умидим буткул кетдимиз?  
Чиндан-да кўнглимда севги ўтлари  
Чоғсиз ўчиб қолган шамдек ўчдимиз?..

Чиндан-да мен бу кун тиканми юлдим?  
Кўнглим алданишга, оҳ, қандай кўнди?  
Севгимнинг яшаши бир йилми эди?  
«Гув» этиб ўткучи бир елми эди?

Чўлпоннинг шу кеча ва кундуздаги руҳий ҳолати,  
ички азоблари, бутун вужудини қоплаб олган аччиқ  
дудди алангани тасвирлаш маҳол.

## **Давр манзаралари**

Чўлпон тўғрисида илмий адабиётда берилган биринчи маълумот рус адиби В. Ян (Янчевецкий) қаламига мансуб. У «Катта шўро қомуси»нинг 61-жилдида (Москва, 1934) эълон қилинган. В.Ян таҳририят томонидан берилган буюртмани бажариш учун 1933 йил 7 октябрда Москвада яшаётган Чўлпон ҳузурига бориб, ундан ҳаёти ва ижодига тегишли маълумотни олган. У 30-йилларга оид кундаликларида бу ҳақда шундай деб ёзган:

*«Шўро қомуси» менга янги вазифани — ўзбек шоири ва драматурги, маҳаллий ҳасадчи «Авербахлар» томонидан топталган Чўлпоннинг таржимаи ҳолини ёзишни топширди.*

*Оқшом пайти уни қидириб кетдим. У Мешчанлар*

кўчасининг охиридаги икки қаватли ёмон ва эски бир уйда яшаркан, ҳовлида синиқ аравалар уюлиб ётибди, хонадонда эса на сув қувири, на бошқа қулайликлар бор. Аммо кичик бир хонаси таъмирланган, стол устида Будагов тузган турк тиллари луғати турибди, полга каттагина палос тўшалган, унинг устига хонтахта қўйилган бўлиб, уй соҳиблари полда ўтирган ҳолда овқатланишар экан.

У менга таржимаи ҳолини сўзлаб берди, мен уни дарҳол ёзиб олдим; дарвоқе, у бундай ҳодисани ҳам тасвирлаб берди:

— Фарғонада газмол билан савдо қилувчи отам муслмончиликка ҳаддан зиёд берилган бўлиб, муллалар билан оғиз-бурун ўпишган эди. У мени ҳам муллавачча қилиб ўстириш ниятида, мадрасага берган. Мен у ерда бир киши билан танишдим ва бу киши менга катта таъсир кўрсатди. Бу, Қуръонни бошдан-оёқ ёд олган мулла бўлгани учун «мударрис» деган нуфузли унвонга сазовор бўлган экан. У Истамбулдаги пантуркистлар марказидан пантуркизм ва панисломизм таълимотини тарқатиш учун Хитой Туркистонига юборилган бўлиб, ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадида Фарғонада тўхтаган бир турк экан. У мени турли-туман муаммолар билан биринчи марта таништириб, менда сиёсий ва адабий ишга қизғин ҳавас уйғотди.

Мен Қуръонни ёдлашдан иборат бўлган сабоқдан сўнг ҳамма нарсани унутиб, кўчага югурар ва янги газеталарни сотиб олар эдим. Аммо мударрислик қилиш ўрнига мен миллий ўзбек ёзувчиси бўлишга аҳд қилдим, отамдан ҳам, муллалардан ҳам қочиб, Тошкентга бордим, у ерда шеър ва ҳикоялар ёзиб, журналларга юбордим».

В. Ян Чўлпоннинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақидаги ҳикоясини ўша заҳоти ёзиб олган бўлса-да, уни кейинчалик, ўзбек шоири «халқ душмани» сифатида айбланганидан сўнг куйдириб ташлаган. Ушбу кундалик саҳифаларини тўлдираётган ва қомус учун Чўлпон ҳақидаги маълумотномасини ёзаётган пайтда эса шордан эшитганларини чалкаштириб юборган.

Мана, ўша ҳужжат:

«ЧЎЛПОН Сулаймонов Абдулҳамид Сулаймонович (1897 йилда туғ.) — ҳозирги ўзбек ёзувчиси. Савдогар оиласидан. Отасининг қистови билан мадрасага жойлашиб, диний унвон олишга тайёрланган. Ўша даврда

инқилобий бўлган жадидлар ҳаракати таъсирида Тошкентга қочиб бориб, мутолаа билан шуғулланган...»

Энди Чўлпоннинг отаси ва муллалардан қочиб, Тошкентга боргани масаласига келсак, В. Ян берган маълумотга кўра, бу ҳодиса шоирнинг мадрасадаги таҳсил йилларида содир бўлган бўлиб чиқади.

Чўлпон Тошкентга қочиб кетиши сабабларини В. Янга яна бундай тушунтирган:

*«Ўша пайтга биз, ёш ўзбек ёзувчилари, ўзбек шеър тузилишини ислоҳ этган Фитрат таъсирида эдик, у эскирган араб-форс шакллари ва қолипларидан воз кечиб, жонли, асл халқ тилида ёза бошлаган эди».*

Шубҳасиз, Фитратнинг шеър ислоҳотчиси сифатидаги таъсири Чўлпоннинг Тошкентга қочиши учун асос бўла олмайди. 1913—1914 йилларда вақтли матбуот ёрдамида онги ва дунёқаршида кескин ўзгаришлар пайдо бўлган Чўлпон энди муллабаччалар орасида ҳам, отасининг сиёсий-ижтимоий ҳаётдан узоқ дўст-ёрлари даврасида ҳам яшай олмас эди. Ҳолбуки, у қобил фарзанд сифатида нафақат отаси чизган чизиқдан чиқмаслиги, балки унинг меҳмонлари билан ҳам шарқона мулозиматда бўлиши, ҳатто жадидларни кўришга кўзи йўқ мутаассиб кишилар қўлига сув қуйиб, кавушини ечдириб-кийдириб қўйиши лозим эди.

*«Ғира-шира эсимда бор, — деб ҳикоя қилган эди Фоиқа ая. — Уйимизга отамнинг меҳмонлари — домла-эшонлар келиб, масала талашар эди. Афтидан, отамнинг хоҳишига қарамай, акам уларнинг олдига бориб, чой-пойдан хабар олиб турмаган. Шунинг учун отам ундан ранжиб, «Чой-пойдан ҳам хабар олишни билмайди», дер эди. Энди билсам, шу кезларда акамнинг дунёқаршида катта ўзгаришлар пайдо бўла бошлаган, шу туфайли у домла-эшонларнинг суҳбатларини хуш кўрмаган ва ўзини улардан йироқ олган экан».*

Ўктам Мирзахўжаевнинг «Онамнинг ҳикояси» деган мақоласида бундай сўзларни ўқиймиз:

*«Энди сен бу ёғини эшит, — дейди онам. — Рост, отам ўзининг ягона ўғлини эркалатиб қўймади. Уни ўқимишли, балки мударрис қилиш мақсадига бир турк домласига беради. Биз у кишини (айтишларича, жуда ҳам талабчан бўлган) «Турк афанди», деб билар эдик. Алоҳида ажратилган ҳужрада яшарди...». Фоиқа аянинг бу сўзларида тилга олинган турк афанди В. Ян кундаликларида пантуркист сифатида тавсифланган ва*

Чўлпоннинг дунёқарашида бурилиш ясаган кишидир. В. Саъдулла қайдларида номи Ҳофиз афанди деб тилга олинган турк билан В. Ян кундаликларидаги «пантуркист»нинг бир киши бўлиб чиқиши ҳеч гап эмас.

Таниқли тилшунос Ҳози Олим Юнусов 1938 йил 1 октябрда бўлиб ўтган юзлаштириш чоғида Чўлпонни «Турон» жамияти орқали 1915 йилдан бошлаб яқиндан билишини айтган. Ана шу ва бошқа фактлардан келиб чиққан ҳолда Чўлпоннинг Тошкентга келиш санасини 1914 йил, деб белгилаш мумкин. Чўлпон шу вақтда нафақат «Садои Туркистон»нинг ходимлари, балки Андижонда танишгани Саъдулла Турсунхўжаевни ҳам қора қилиб келган ва улар орқали «Турон» жамияти билан алоқа ўрнатган. Тошкент жадидаларининг бу марказида у Абдулла Авлоний, Низомиддин Хўжаев, Мухаммад Афандизода ва бошқалар билан танишиб, «Турон» театр труппасининг томошаларини кўрган ҳамда улар таъсирида ўша йилиёқ «Бой» деган дастлабки сахна асарини ёзган. У «Садои Туркистон» ёпилмасидан илгарийёқ ҳар икки «Садо»нинг муҳбири сифатида Андижонга кетган: тошкентлик жадидалар унинг вилоятда туриб фаолият кўрсатишини фойдали, деб билганлар.

\* \* \*

Чўлпон асарларида миллий жаҳолатга қарши маърифат ва ижтимоий тараққиёт учун кураш мавзуи балқиб кўринган бир пайтда унинг ижодига, 1917 йил Февраль инқилобидан сўнг, кутилмаганда қизил байроқ образи кириб келади. Бу шеърнинг:

Қизил байроқ!

Ана, қандай селкилайди, шамолда,

Гўё уни саломлайди қибла ёқнинг шамоли,

Камбағалга на саодат уни кўрмак бу ҳолда,

Ҳам ҳаққи бор камбағалнинг, чунки ўзининг моли...

сингари илк сатрларни ўқигандаёқ большевикларнинг севимли иборалари билан айтганда, «Улуғ Октябрни жони-дили билан кутиб олган» ўзбек халқининг қўлидаги қизил байроқ ҳилпираб тургандек бўлади. «Наҳотки, Чўлпон ҳам, Ҳамза сингари, Октябрни бутун қалби билан кутиб олган?» деган фикр туғилади сизда.

Чўлпоннинг «Қизил байроқ» шеъри 1917 йил 18 апрелда Самарқанд жадидлари томонидан чиқарилган «Хуррият» газетасининг биринчи сонидан чоп этилган. Бу пайтда Октябрь инқилоби ҳали рўй бермаган эди. Шунинг учун ҳам бу шеърда шоирнинг шўроларга нисбатан «самимий муносабати» тасвирланган бўлиши асло мумкин эмас. Аксинча, унда Октябрь воқеаларидан ўн икки йил аввал рўй берган бир ҳаётий воқеа тасвирланган.

Юқорида тилга олганимиз Низомиддин Хўжаев тошкентлик аравакаш Асомиддин аканинг фарзанди бўлган. Шунинг учун ҳам унинг «Турон» труппасидаги Абдулла Авлоний, Фарид Тоҳирий, Мусахон Миразимов каби дўстлари уни Асомий деб аташган.

Низомиддин мустақил ҳаёт йўлини барвақт бошлаб, ўн беш ёшида Ильин матбаасида ҳарф терувчи вазифасида хизмат қила бошлаган. Бу матбаадаги аксар хизматчилар руслар бўлгани учун Низомиддин улар таъсирида инқилобий ҳаракатга келиб қўшилган 1905 йилнинг ёзида Тошкентда Чор ҳукуматига қарши бўлиб ўтган намойишда эса у ўзбеклардан биринчи бўлиб қизил байроқни кўтариб чиққан.

1914—1915 йилларда Тошкентга қилган биринчи сафари пайтида Низомиддин Хўжаев (1868—1942) билан танишган Чўлпон у билан бир умрга дўст бўлиб қолган. Н. Хўжаев гарчанд инқилобий кайфиятдаги рус ишчилари билан яқин алоқада бўлса-да, мурод-мақсади ўз юртини, ватандошларини Чор ҳукумати зулмидан озод этишга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам Туркистон мухторият ҳукумати эълон қилиниши муносабати билан 1917 йил 13 декабрда Тошкентнинг Эски шаҳарида бўлиб ўтган намойишдан кейин у Ишчи ва солдатлар шўроси ихтиёридаги қамоқхонага хужум қилиб, Шўро ҳукуматининг душмани оқ гвардиячи Г.И. Доррерни озод қилишда фаол иштирок этди. Бу воқеа бир зумда тарқалиб, эл оғзида дoston бўлди. 1905 йил воқеаларида қизил байроқ кўтариб майдонга отилган дўстининг 1917 йил февраль воқеаларидан кейин жадидлар сафида большевикларга қарши чиқиши Чўлпонга илҳомбахш бир ҳодиса бўлиб туюлди. Унинг наздида, Низомиддин Хўжаев 1905 йилда ҳам, 1917 йили ҳам зулм ва адолатсизликка қарши кураш байроғини кўтариб чиққандек эди.

Шоир ана шу байроқ орқасида қанчадан-қанча исёнлар, Сибирь музликларида қолган қанчадан-қанча

жонлар ва дарёдай оққан қонларни тасаввур этиб,  
ёзди:

... Уни олиб чиқмоқ учун қоронғудан ёруққа,  
Дарёларда оқмадими камбағалнинг қонлари?  
Уни олиб бормоқ учун мазлум, ожиз халққа  
Қолмадими Сибирларда ишчиларнинг жонлари?..

Афсуски, биз ушбу шеърнинг «Хуррият» газета-  
сида босилган нусхасига эга эмасмиз. Ишончимиз ко-  
милки, бу шеър «Хуррият»дан «Иштирокиюн» газе-  
таси саҳифаларига кўчганида, муайян ўзгаришларга  
учраган. Сўнгги сатрдаги «ишчилар» сўзи у ерда «йи-  
гитлар» бўлган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо  
шеърнинг асли қандай бўлган бўлмасин, биз бутун  
унинг томирида бошқа маъно ётганини унутмасли-  
гимиз лозим.

Кези келганда яна шуни айтиш зарурки, Низомид-  
дин Хўжаев кейинчалик Шўро ҳукуматига қанчалик  
сидқидилдан хизмат қилмасин, узоқ йилларгача унинг  
юрагида мустақил Туркистон вилояти ва мустақил Тур-  
кистон большевиклар фирқасини тузиш ғояси яшаган.

20-йилларда кечган ғоявий курашнинг бевосита иш-  
тирокчиси Лазиз Азиззода «Янги ҳаёт курашчилари»  
деган китобида (Тошкент, 1977) бу ҳақда қуйидагилар-  
ни ёзган: «1919 йил сентябрь ойида бўлган V Туркист-  
тон партия қурултойи, хусусан, ўша йилларнинг ноя-  
брида Москвада Туркистон комиссияси келганидан ке-  
йин Совет Туркистонининг сиёсий, иқтисодий ва хўжа-  
лик ҳаётида бир қанча ўзгаришлар вужудга келади.  
Олдинда бўлган хатолар тузатила бошланди. Мана  
шу вақтда маҳаллий меҳнаткашлар ва совет кадрлари  
кўплаб етишиб, шакллана бошлаган эди. Буларнинг бири  
Турор Рисқулов бўлди. Мана шу кадрлардан ўлка кўла-  
мида ишлаб турган маҳаллий миллат коммунистлари-  
нинг бир қисми миллий оғмачиликка берилди. Улар Тур-  
кистон Автоном Совет Социалистик Республикасини  
«Турк республикаси»га айлантириш, ўлкада махсус му-  
сулмон армияси тузиш, баъзи комиссарликларнинг мар-  
каздан мустақил бўлиши каби зарарли таклифлар  
билан чиқдилар. Низомиддин Хўжаев ҳам шундай ха-  
толикларга йўл қўяди».

Агар ушбу сатрлар муаллифи мустақиллик даврига  
қадар етиб келганида, Н. Хўжаев ва Т. Рисқулов фао-

лиятидаги бу нуқталарни, аксинча, буюк жасорат намунаси сифатида баҳолаган бўларди.

Айтмоқчимизки, Низомиддин Хўжаев билан Чўлпонни яқинлаштирган ва бир умрлик дўстга айлантирган нарса фақат санъат ва адабиётга меҳр эмас, балки энг аввало ана шу улуғ ғоядир.

«Осиё — осиеликлар учун!» деган шиор илк мартаба японлар томонидан айтилган, дейишади. Агар шу фикр ҳақиқат зарраларидан ҳоли бўлмаса, Чўлпонлар японлар билан мутлақо маслақдош бўлиб чиқадилар. Чўлпон, дўсти Н. Хўжаев каби, Осиёда фақат осиеликлар ҳоким халқ бўлишларини истабгина қолмай, Фарбдаги айрим ақидаларнинг Осиёга келишига қарши ҳам бўлган. Унинг 1918 йилда татар халқининг йўлбошчиси Мулланур Воҳидовга бағишланган шеърида бундай ажойиб фикр бор:

Инсонликка саодатнинг бирдан-бир  
Тўғри йўли кўрсаткучи Марксди;  
Бироқ Шарққа қутулишнинг йўлини  
Кўрсаткучи улуғ дохий сен эдинг,  
Сендек киши Шарқ элига тансиқди.

Бу сатрлар тагида нафақат марксизм, балки ленинизм ҳам Шарққа, Туркистонга ҳуррият ва саодат келтирувчи таълимот эмас, деган фикр ётади.

Агар шеърнинг сўнгги қисмига назар ташласангиз, унда Миср Нил ва фаллоҳлар, Суриянинг Шом шаҳри кўчалари ва Ҳимолой тоғлари этагидаги Ҳиндистон, Эрону Чин-мочин манзаралари тасвирга тортилади ва Мулланур Воҳидов руҳининг бу ерларда Бедил ва Хайём, Ницца ва Конфуций руҳлари билан мулоқотда бўлгани айтилади. Чўлпоннинг бу саноғидаги буюк инсонларнинг аксари Шарқ фарзандлари эканлиги бежиз эмас. У ана шундай оддий санок билан ҳам жаҳон фани ва маданияти тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқнинг Фарбдан, Москвадан, руслардан мустақил яшашга ҳаққи борлигини ва у зулм кишанларидан халос бўлса, ўз ҳаётини кўнгилдагидек қура олиши мумкинлигини айтмоқчи бўлади.

\* \* \*

Тарих фактлари шундан далолат берадики, Туркистон мухториятини барпо этиш билан бир вақтда Бош-

қирдистон ва Қозоғистонда ҳам мухторият ҳукумати-ни тузиш учун жиддий ҳаракат бўлган. Келажақда бу уч мухторият ҳукумати негизда Волга бўйларидан Русиянинг жанубий чегараларига қадар чўзилган кенгликда туркий давлатлар федерацияси ташкил этилиши назарда тутилган. Ташаббускор гуруҳнинг фикрига кўра, бу уч мухторият бир-бирини қўллаб-қувватлабгина қолмай, большевиклар томонидан келиши мумкин бўлган балоларни ҳам бирлашган ҳолда даф этиши мумкин эди.

Заки Валидий ана шу ниятда 1917 йил декабрининг ўрталарида Туркистон мухториятининг барпо этилгани ва бу ёш давлатнинг нузли келажагига қатъий ишонч билан Оренбургга жўнайди. Аммо орадан кўп вақт ўтмай, мухторият ҳукумати тутатилиб, унинг ташкилотчилари изидан ўлим сояси кезади. Минглаб кишилар дашноқлар томонидан ўлдирилади, қанчадан-қанча кишилар тан жароҳатларини оладилар. Касалхоналар ярадорлар билан тўлиб-тошади. Ўша кунларнинг тирик гувоҳи Иброҳим Ёрқиннинг ёзишича, Чўлпон «қизил хоч ва қизил ярим ой» касалхонасида кўнгилли равишда ярадорларга ёрдам беради. Кейинчалик большевиклар тазйиқи ва таҳдиддан чўчиган, лекин ҳуррият йўлида курашга талпинган мухториятчиларнинг бир қисми Бошқирдистон сари йўл олади. Улар орасида Чўлпон ҳам бор эди.

*«Оренбургга етиб келмасданок, — деб ёзади З. Валидий, «Хотиралар» китобида, — давлат тузилиши билан шуғулландик. Бу иш билан ҳукумат раиси адвокат Юнус Бикбоев ва профессор Кулаев машғул бўлди. 1917 йилнинг декабрида III Умумбошқирдистон қурултойи йиғирма икки кишилик кичик шўро (прегпарламент) сайлаганди. Уларни Оренбургга йиғиб олдик. Улар юридик ишлар билан шуғулланиб, қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик идоралари масалаларига оид қонунлар қабул қилди. Мен ички ва ҳарбий ишлар билан шуғулландим...*

*Қўқонда тузилиб, февраль ойида (1918 йилда) советлар томонидан тарқатиб юборилган Туркистон миллий ҳукумати аъзоларидан Убайдулла Хўжаев, шоир Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон), кейинроқ Бухоронинг ҳарбий нозири бўлган Абдулҳамид Орипов, Тошкент зиёлиларидан Мирмуҳсин, Хива ва Бухородан келган айрим кишилар биз тарафда эди. Абдул-*



ҳамид Орипов чет эл ишлари билан шуғулланди. Шоир Абдулҳамид Сулаймон менинг саркотибим бўлиб ишлагу...

Миллий шоирларимиз Сайитғарай Мағоз, Шайхзода, Бабиш, ўзбек шоири Абдулҳамид Сулаймон, қозоқларнинг ёш муҳаррири Беримжон ва бир зиёли қозоқ қизи бу ерларда яширин бўлимлар тузиб, Оренбургдаги марказ учун жуда қимматли маълумотлар тўплаб бериб турдилар. Бўкай Ўрда билан Уральск ва Гурьев орасида алоқа ўрнатган зиёли қозоқ қизининг ёрдамида Бухоро ва Хивадаги аҳволдан ҳам хабар топдик... Туркиянинг асир тушган офицери Умарбек билан бухоролик Абдулҳамид Орипов ва тағин бир кишини уч томонга — Тошкентга ва Фарғона босмачиларига, Алаш ўрдага, Бухорога юбориб, алоқани таъминладик».

3. Валидийнинг бу қимматли хотирасидан маълум бўладики, Бошқирдистон миллий ҳукуматининг бўлажак раҳбарлари Туркистон мухториятини барпо этиш жараёнида эътибордан четда қолган масалаларни ҳам унутмаганлар. Улар, айниқса, Бошқирдистонни қуршаб турган ўлкалардаги вазиятни билишга, зарур ҳолда улар кўрсатиши мумкин бўлган маънавий, моддий ва ҳарбий ёрдамнинг қанчалик реал эканлигини аниқлашга, умуман теварак-атрофдаги вазиятнинг ўтказиши мумкин бўлган ҳам ижобий, ҳам салбий таъсирини ўрганишга катта эътибор берганлар. Чўлпон зиммасига юкланган вазифа ана шу жараёнда иштирок этиш ва З. Валидийга саркотиб сифатида яқиндан ёрдам бериш эди.

Ҳайратланарли томони шундаки, Туркистон мухториятини ўрнатиш ишлари Қўқонда олиб борилганидек, «Алаш» фирқаси ҳам қарийб бир вақтда, 1917 йилнинг 5—13 декабрь кунларида, Оренбургда ўз қурултойини чақириб, «Қозоқ-қирғиз вилоятлари мухторияти» деган миллий ҳукуматни ташкил этди ва унинг Алихон Букайхонов бошчилигидаги Алаш-Ўрда Муваққат халқ кенгашини сайлади. Октябрь инқилоби «ғоялари»га қарши ўлароқ тузилган бу ҳукумат ҳам ўз олдига келажақда миллий демократик республикани барпо этиш вазифасини қўйган эди.

Оренбургда барпо этилган ҳар икки миллий ҳукуматнинг ишонган кучи чор генерали Дутовнинг қўшинлари эди. Шўро ҳукумати Оренбург яқинидаги Бузулук шаҳрига фавқулодда комиссар П. Я. Кобозев раҳбарлигида катта қўшин юбориб, 1918 йилнинг 18

январида Дутов армиясини тор-мор келтирди. Шундай қилиб, 1917 йил декабрида Оренбургда вужудга келган икки миллий ҳукумат ҳам Туркистон мухториятидан бир ой олдин тарқатиб юборилди.

Барпо бўлишида катта умидлар билан иштирок этгани Бошқирдистон миллий ҳукуматининг большевиклар томонидан ағдариб ташланиши Чўлпонни — юксак ниятлар оғушида парвоз қилаётган шоирни тубсиз жарга улоқтириб юборгандек бўлди. Унинг бу кайфияти 1918 йил январида Оренбургда ёзилган «Қайғу вақтинда...» шеърисида ҳам ўз ифодасини топган. Мана, ўша Чўлпон изтиробларини ўзига симирган шеър:

Келди қарға, очди оғзин, қичқириб ғофиллади,  
Кўзларини ўйнатиб, кимлар бировни излади.  
Мен яқин бордим, дедим: «Йўқму суйикликдан хабар?»,  
«Мен, — деди, — ўйнаб келардим, бир хабар бўлса агар».

Ерга эгдим бошларимни, сўлди тўлган кўзларим,  
Қарғанинг учганлигин кўрди бу бахтсиз кўзларим.  
Ўйна, ўйна, ўйна, денгиз, ўйнама шов-шув қилиб,  
Қайғу вақтинда азоб берма юракларни тилиб!

Бошқирдистонда рўй берган фожиадан кейин Чўлпон умид кўзларини яна Туркистонга тикди ва у ердан бирор хабар топиш илинжида ҳар бир «қарға»нинг «ғофиллаган» товушига қулоқ осди.

\* \* \*

Йўқсил француз шоири Эжен Потъенинг «Байналмилал»и 1871 йилнинг июнида, Париж коммунаси мағлубиятга учраган куннинг эртасига ёзилган. Фалакнинг гардиши билан у 1917 йилнинг ноябрида, яъни большевикларнинг қонли инқилоблари юз бериши биланок улар қурган давлатнинг расмий мадҳиясига айланган. «Правда» газетаси 1917 йили ўзининг 1-сонида йўқсиллар қўшиғининг тўла матнини эълон қилди ва шу йили газета шўро мамлакатигаги барча халқлар ва элатларнинг шоирларига мурожаат этиб, уни миллий тилларга таржима этишни илтимос қилди. Шундай қилиб, «Байналмилал» тез орада украин, латиш, эстон, арман каби қатор тилларга ўтирилди.

Чўлпон гарчанд Шўро давлатининг ишончини қозонган шоир бўлмаса-да, «Байналмилал»ни ўзбек

тилига ўгириш унинг зиммасига тушди. Зеро, у шу даврдаёқ ўзбекнинг энг машхур шоири эди. Шунинг учун ҳам, Ориф Клеблеев сингари Шўро ҳукуматига яқин кишилар шу сиёсий аҳамиятга молик масалани ҳал этиш фақат унинг қўлидан келишини тегишли идораларга маълум қилдилар. Чўлпон олдига, энг аввало, матннинг сиёсий руҳи ва ҳарфини бузмаслик вазифаси қўйилди ва Чўлпон бу вазифани бажарди. Чўлпон бу билан миллий озодлик ҳаракатига асло хиёнат қилмади. Аксинча, у «Тур эй, лаънат остида қолгон Қашшоқ, йўқсуллар очуни» деган сатрлари билан янги тарихий шароитда мазлум Туркистонни уйғотишда давом этди.

Жадидлар қанчалик жонларини жабборга бермасинлар, Октябрь воқеаларига қадар бўлган даврда ўзбек халқи ҳали уйғониб улгурмаган эди. Уни уйғотишда давом этиш ва шу мақсадда энди шўролар матбуотидан фойдаланиш зарур бўлди. Зеро, уйғоқ халқигина воқеликка, ҳаётий жараёнга таъсир ўтказиши мумкин. Шунинг учун ҳам Чўлпон Оренбургдан қайтганидан кейин кўп ўтмай, Фарғонага борди. У 1919—1920 йилларда дастлаб «Янги Шарқ» газетасида адабий ходим, сўнг «Иштирокиюн» газетасида таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида хизмат қилди. Русия телеграф агентлигининг Туркистон бўлими томонидан 1919—1921 йилларда ўзбек тилида чоп этилган деворий газеталар фаолиятини йўлга қўйишда ғайрат кўрсатди.

«Иштирокиюн» 1918 йил 20 июндан бошлаб «Москвадан кенг ҳуқуқлар билан келган» Ориф Клеблеев муҳаррирлигида нашр этилган. Унинг вафотидан кейин, 1919 йил ноябридан бошлаб мазкур газетга Назир Тўрақулов муҳаррирлик қилган. Чўлпоннинг Туркистон Миллий ишлар комиссарлигининг нашри афкори сифатида тарқалган бу газетадаги фаолияти ҳақида Лазиз Азиззоданинг қуйидаги сўзлари муайян тасаввур беради:

*«Чўлпон мамлакатдаги ҳар бир ҳаракатни ва мафкуравий кураш жараёнини кузатиб борди ва уларга нисбатан ўз муносабатини ошкора айтди. У 1919 йилнинг сентябрида Тошкентда бўлган IV Туркистон ўлка съездида қатнашди. Шу съезгда Бутунрусия федерацияси Марказқўмининг маҳаллий халққа берган имтиёзига ва унинг Шарқ сиёсатига бир гуруҳ партия ва совет ходимлари қарши чиққан эди. У Совет ҳукума-*

тини гастак қилиб, шовинизм фикрини тарқатишга уринган оғмачилар тўдасига зарба берди. Мазкур съезда баён этилган гуруҳбозларнинг қарашларини ёқлаб, Туркистон Марказий Ижроқўмининг нашри афкори «Туркестанские известия» газетасида бир мақола ёзилган эди. Матбуот ходимларидан Афанасий Никитин «Кўпроқ савдогар керак» сарлавҳали, пичинг билан ёзилган мақоласида маҳаллий халқни савдогар, булар Туркистонда 95 фойизни ташкил этади, лекин ҳеч бир ишнинг уддасидан чиқмайди; ўзбеклар туркларга тақлид қилиб яшай бошладилар, деб маҳаллий партия ва совет ходимларини айблаган эди.

Бу мақолага қарши Чўлпон IV съезднинг қатнашчиси сифатида «Ниқоб остида» сарлавҳали мақоласида мана бундай деган эди:

«Жаҳонгирлар ва бойлар дунёси ўзининг «маданийт» номидан қилган зулм ва ёввойиликларига инсоният дунёси олдида ҳисоб берадиган бир замонга келди. Ўз қўл остидаги миллионларча одам болаларини қул қилиб, умрбод зиндонларга чиритиб ишлатгани етмасдан, чет элларда тинчгина ўз кунларини ўзлари кўриб ётган бечораларни ҳам қул қилиш учун Биринчи жаҳон урушини бошладилар».

Чиндан ҳам, Чўлпон бу мақоласида ғарблик фотиҳлар ва зolimларнинг инсоният бошига келтирган кулфатларини қайғ эта туриб, Никитин сингари Туркистон халқларига калондимоғлик билан қаровчи кишиларга қарата: «1917 йилда мамлакатимизда ҳисобсиз қозоқ-қирғизлар қирилиб кетди, ўша вақтда ҳукумат (тепаси)да сиз эдингиз, биз, «савдогарлар», эмас эдик-ку», деди».

Чўлпоннинг шўро матбуотидаги аксар чиқишлари ана шундай ғоявий мазмун, фош этувчи руҳ, халқни уйғотиш истаги билан суғорилган эди.

\* \* \*

«Ватан» газетасининг 1994 йил 4-сонида эълон қилинган мақоласида Сирожиддин Аҳмад Чўлпоннинг «Янги Шарқ» газетасида чоп этилган шеър ва мақоаларига жамоатчилик эътиборини жалб этиб, бундай хулосага келган: «Мумтоз шоиримиз Абдулҳамид Сулаймон Оренбургдан қайтгандан сўнг Тошкентда чиқадиган «Турк РОСТА» газетасида иш бошлагунча Фарғонада яшайди».

Зиё Саид тилга олинган китобида бу газета ҳақида куйидаги маълумотни берган: «Янги Шарқ» 1919 йил 8 июлдан бошлаб чиқди. Шиори «Бирлашингиз, бутун дунё меҳнаткашлари» ва «Яшасин Шарқ озодлиги!» эди. Фарғона вилоят миллий ишлар мудириятининг нашр афкори бўлиб давом этди. Бошданоқ ношири: музофот коммунистлар бюроси; масъул муҳаррири Ҳоди Файзиев бўлиб, ҳафтада икки топқир чиқиб турди. 9-сонигача Бўлат Солиев, Ашурали Зоҳирий, Чўлпон, Абдулла Бегий ҳам Назир Тўрақуловлар яқиндан қатнашиб турдилар. Миллий ишлар мудирияти битирилгандан сўнгра газета Русия коммунистлар фирқаси ва Фарғона вилоят мусулмонлар бюросининг нашр афкори бўлиб давом этди. Муҳаррири Тўрақулов...»

Чўлпоннинг «жиной иши» бўйича тузилган сўроқ қайдномаларидан маълум бўлишича, у «Янги Шарқ» газетаси таҳририятига Назир Тўрақуловнинг таклифи билан ишга борган. Бу вақтда Назир Тўрақулов, унинг айтишича, вилоят халқ маориф бўлимининг мудирини бўлган ва айти пайтда газетга муҳаррирлик ҳам қилган; Ҳоди Файзий билан Абдулла Бегий эса, унинг энг яқин ходимлари бўлишган. Чўлпоннинг тергов пайтида айтган бу сўзлари Зиё Саид томонидан берилган маълумотларга нисбатан тўғрироқ кўринади. Зеро, орадан кўп ўтмай, Назир Тўрақулов Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасига раис, айти пайтда «Иштирокиюн» газетасига муҳаррир бўлиб ишга ўтади ва Тошкентга ўзи билан бирга Чўлпонни ҳам олиб кетади. Шунинг учун ҳам «Янги Шарқ» газетасида «Шарқ боласи» тахаллуси остида дастлаб Чўлпоннинг, сўнгра Ҳоди Файзийнинг мақолалари босилган.

Демак, Чўлпон 1919 йилнинг ноябрь ойларида Тошкентга кўчиб келиб, журналист ва шоир сифатидаги фаолиятини давом эттиради. Айти пайтда Русия ахборот агентлигининг Туркистон бўлими томонидан 1919—1921 йилларда миллий тилларда чоп этилган варақалари — босма деворий газеталарни таъсирчан ва оммабоп матбуот турига айлантиришга катта ҳисса қўшади. Ўзбек матбуотининг тадқиқотчиларидан бири Тоҳир Фидойи берган маълумотга кўра, унинг жонкуярлиги туфайли 1919 йилнинг 16 декабрь куни Тошкентнинг Эски шаҳарида ўзбек тилида «РўсТО» номли босма деворий газетанинг биринчи сони чиққан. «Иштирокиюн» газетаси 1920 йил 4 январь куни бу ҳақда муш-

тариёларни хабардор қилган. Ушбу хабардан маълум бўлишича, «РўсТО» Абдулҳамид Сулаймонов муҳаррирлигида нашр этилган.

Зиё Саид ўз китобида Октябрь инқилобидан олдин ва кейин чиққан варақалар тўғрисида маълумот бериб, «РўсТО» ҳақида бундай сўзларни айтган:

*«...Бу газета 1919 йилда Тошкентга чиқа бошлади. Ҳар вақт бир бет бўлиб, деворларга ёпиштирилар эди. Ўзи телеграммага махсус бўлса ҳам (унда), Тошкент ва ўлканинг баъзи хабар, ҳодисалари босилиб турди, пулсиз, ҳар кун чиқар эди.*

*Мақсади тўғрисида биринчи сонига мана шу сўзлар бор:*

*«РўсТО» газетаси ўзбек меҳнаткашларига яқинлашув учун кўпроқ вилоятдаги меҳнаткашларнинг ҳолидан, гала деҳқон ва чорвачилари ҳаётидан, Эски шаҳар меҳнаткашлари ва уларнинг олий маҳкамалари бўлган фирқа қўмитаси билан ижроком ва бошқа маҳкамаларнинг ишларидан кенг маълумот берув устига вилоят, уезд ва шаҳарларда бўлган хиёнат, бузғунликларга қарши бизнинг газета шу кундан бошлаб жиҳод акбар қилади.*

*Бизнинг «РўсТО» бир-икки кишининг моли эмас, бутун меҳнаткашларники».*

Миллий матбуотимиз тарихчиларидан бири Тоҳир Фидоий Чўлпоннинг журналистик фаолиятига бағишланган мақоласида «РўсТО»нинг биринчи сони Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида 1919 йилнинг 16 декабрида чиққани ҳақида маълумот беради. Яна бир муаллиф — Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг ўқитувчиси Саида Йўлдошбекова мазкур деворий газетанинг турли кутубхона ва захиралардаги мавжуд нусхаларини ўрганиб, «РўсТО»нинг А-2 бичимидаги газеталарнинг бир саҳифаси ҳажмида бўлганини айтади. Яна шу муаллифнинг шаҳодат беришича, газетанинг мақсад ва вазифалари унинг 1919 йил 16 декабрда ёруғлик юзини кўрган биринчи сонига қуйидагича ифодаланган:

*«РўсТО» газетаси ўзбек меҳнаткашларига яқинлашув учун кўпроқ вилоятлардаги меҳнаткашларнинг ҳолидан, гала деҳқон ва чорвачилари ҳаётидан, Эски шаҳар меҳнаткашлари ва уларнинг олий маҳкамалари бўлган фирқа қўмитаси билан ижроқўм ва бошқа маҳкамаларнинг ишларидан кенг маълумот берув устига, вилоят, уезд ва шаҳарларда бўлган хиёнат, бузғунлик-*

ларга қарши бизнинг газета шу кундан бошлаб жиҳоди акбар қиладир. Бизнинг «РўсТО» бир-икки кишининг моли эмас, бутун меҳнаткашларники...»

Саида Йўлдошбекова ушбу сўзлардан келиб чиқиб ва газетанинг мавжуд 38 нусхасини ўрганиш асосида қуйидаги хулосавий фикрга келади:

«Кўринадики, вазифаси асосан Москвадан — Россия телеграф агентлигидан келган телеграммаларнинг хулосасини ўзбек тилида бериш бўлса ҳам, муҳаррир Чўлпон деворий газетада маҳаллий халқнинг, хусусан, меҳнаткашларнинг манфаатини ҳимоя қилишга мўлжалланган материалларни ҳам кўплаб ёритишни режалаштирган... Ана шу фактнинг ўзиёқ Чўлпоннинг оғдий халқ манфаатини ўйлайдиган, шу йўлда жон куйдирадиган муҳаррир бўлганлигини англашиб турибди».

Зиё Саид «РўсТО»да берилган маълумотлардан намуна тарзида қуйидаги хабарни келтирган:

«Асаканинг жануби-ғарбий томонидан Ниёзботир қишлоғи бизнинг аскарларимиз томонидан икки соатлик урушдан сўнг қўлга туширилди.

Беш юз кишилиқ босмачи тўдаси қишлоқнинг кунчиқиш томонига ўтиб кетди...»

Бу хабардан маълум бўлишича, муаллифлар, хусусан, Чўлпон «бошқа маҳкамаларнинг ишларидан кенг маълумот берув устига, вилоят, уезд ва шаҳарларда бўлган хиёнат, бузғунликларга қарши» улуғ жанг эълон қилган бўлсалар-да, ҳазил-мутойиба ва кулгини ўзларининг асосий қуроллари, деб билганлар, ҳатто «босмачилиқ ҳаракати»га оид хабарларида ҳам «босмачилар»ни ҳақорат қилиш, халқда уларга нисбатан ғазаб ва нафрат кайфиятини уйғотишдан ўзларини тийганлар.

«РўсТО» тўғрисидаги тасаввуримиз равшанроқ бўлиши учун ундан баъзи бир мисолларни келтирсак.

Маълум бўлишича, 20-йилларнинг бошларида Марказий халқ хўжалиги шўроси аҳолига трамвай вагонларида кўмир етказиб берган. Лекин юқорида номи зикр этилган ташкилот Янги шаҳар аҳолисини йирик-йирик кўмир билан таъминлагани ҳолда мусулмонлар яшовчи Эски шаҳарга майда кўмирни олиб келиб туширган. Газета 1920 йил 29 сентябрь сонисидаги «Мусовотда ҳақсизлик» деган хабарида ана шу тенгсизликни, русча атама билан айтганимизда, маҳаллий аҳолини дискриминация қилишнинг бу оддий бир кўринишини кулги ёрдами билан фош этган. Умуман, Чўлпон мустамлакачиликнинг

катта ёхуд кичик кўринишларини фош этишда «РўсТО»-дан усталлик билан фойдаланган.

«РўсТО»нинг ўша йилдаги 26 октябрь сонида Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида Меҳнат саройининг қурилиши муносабати билан қуйидаги уч савол берилган:

1. Нима учун у Эски шаҳарда қурилмайди?
2. Ўрданинг у ёки бу ёғида қурилса, бўлмасмиди?

3. Эски шаҳар меҳнаткашлари учун ҳаво ва сувдек зарур бўлган қишлоқ театр қуришга материал йўқ, дейилгани ҳолда бу материал Меҳнат саройига қаердан топилди?

Чўлпон ана шундай савол ва бошқа йўллар билан ерли халқ манфаатларини Шўро давлати раҳбарлари олдида ҳимоя қилишга ҳаракат қилдики, бу унинг ўз эътиқодидан бир қарич ҳам чекинмаганидан далолат беради.

«РўсТО» варақаларини чиқаришда, Чўлпондан ташқари, Ғози Юнус, Мирмулла Шермухамедов, Санжар Сиддиқ, Эркатоӣ Ҳасанов (таржимон), Элбек, Шокиржон Раҳимий, Аъзам Аюб ва бошқалар қатнашганлар; баъзи ҳолларда «Боғбон» (Ғози Юнус), «Мих» (Мўминжон Муҳаммаджонов) ҳамда «Найзадор» (Ғулломназир Ғафуров) қаламига мансуб ҳажвиялар ҳам бериб борилган.

«РўсТО» (РўсТА) қисқартмаси «Русия телеграф агентлиги» сўзларидан олинган бўлиб, шу агентлик томонидан дастлаб Петроградда чиқарилган варақалар инқилобий ташвиқот кучига эга бўлган. Шунинг учун ҳам большевиклар мусулмонларни ўз таъсир доираларига тезроқ тортиш мақсадида Ўзбекистонда ҳам маҳаллий тилларда шундай варақаларни нашр этишга катта аҳамият берганлар. Шунинг учун ҳам улар инқилоб доҳийсига «РўсТО» («РўсТА») нинг 1-сони билан бирга қуйидаги хатни ҳам юборганлар:

### **РўсТАнинг Туркистон бўлими мудиридан хат**

1919 йил 16 декабрь. Тошкент.

Ҳурматли ўртоқ Владимир Ильич!

Русия Телеграф Агентлигининг Туркистон бўлими Туркистон ўлкасида ва унга чегарадош мамлакатларда яшовчи кўп сонли халқларга кенг ахборот беришни ўзига вазифа қилиб қўйди.



Биз шу мақсадда турк, форс, туркман, арман тилларида сўзловчи маҳаллий аҳолининг тилларида РўСТА деворий газетасини ташкил этдик.

РўСТА деворий газетасининг турк тилидаги биринчи сони Тошкентнинг Эски шаҳарида ёпиштириб қўйилди.

Қадрли ўртоқ, ишимизнинг дастлабки меваси — мусулмон деворий газетасининг биринчи сонини Сизга юбормоқдаман.

Коммунистик салом билан

Г. М. Цвилинг,  
РосТА Туркистон бўлимнинг мудури.

Газета билан ушбу хат ўша кунларидаёқ Лениннинг қўлига бориб теккан. Ҳозир ана шу ноёб нусха Москвадаги Марксизм-ленинизм институти архивида сақланади.

«Иштирокиюн» газетасининг 1920 йил майида берилган хабарга кўра, Чўлпон босма деворий газета чиқариш учун ўша йилнинг 26 майида Андижонга кетган. Афсуски, шоирнинг Андижон «РўСТО»сини чиқариш билан боғлиқ фаолияти биз учун қоронғидир.

Биз юқорида Чўлпоннинг «Иштирокиюн» газета-сидаги фаолияти ҳақида фикр юритганимизда, истиқлол куйчисининг секин-аста шўролашиб бораётганини сезмасликка уриндик. Шундай туйғу «РўСТО» ҳақидаги мушоҳадаларимизда ҳам ниш урган бўлса ажаб эмас. Аммо ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, Чўлпоннинг 1919 йилдан эътиборан *ички курашлар эвазига бўлса-га*, шўролашиб борганини сир тутиб бўлмайди. Агар Чўлпон муҳаррирлигида чиққан босма деворий газетанинг 1919 йил 28 декабрь сонига назар ташласак, унинг дунёқарашида шўролар фойдасига ўзгариш бўлаётгани равшанлашади. Зеро, шу куни варақа «Эй эзилган Шарқ, сенинг озодлигинг Шўролар ҳокимияти қўлиндадир!» деган шиор билан чоп этилган. Чўлпон бу сўзларнинг ҳали шўролар тузини тотмаган, ҳали рус казанининг ифлос этиклари пайҳон қилмаган, ҳали фарзандлари рус қиличидан ўтмаган Шарққа ҳам қаратилганини биларди. Наҳотки, у бу сўзлар мустамлакачи Русиянинг шиори эканини сезмаган, унинг нафис ифодаси орқасида қашқирларга хос қиёфаси даҳшат сочиб турганини кўрмаган бўлса?!

## Замзама

Чўлпон Тошкентга кўчиб келганида унинг доимий ва содиқ ҳамроҳи бўлган хасталик ҳам у билан бирга поездга мингашган эди. Ноябрь ойининг ўрталарига бориб, у Чўлпонни ўз оғушига олди. Туркистон ва Бошқирдистон мухториятининг куч билан бостирилиб, уларга хайрихоҳ кишиларнинг таъқиб этилиши, боз устига, Обида билан боғлиқ изтироблар... — булар ҳаммаси бир бўлиб, Чўлпоннинг асаб тизимини вайрон қилди, унинг қон томирларидаги қанд зарраларининг таркиби ошиб, арзимаган баҳонаи сабаб билан бу зарралар фаввора бўлиб отиладиган бўлди. Ноябрь кўеши ботиши олдида Чўлпоннинг сихати анча мушкуллашди.

Олайтирма кўзларингни, дажжол,  
Зўр оғзиндан оташ сочма, аждар.  
Малъун душман, сен-да қилма жанжал;  
Кучлик ўчим қўймас сизни, ҳайдар...  
Таним заиф... Қоним йўқ... Мен хаста,  
Шунинг учун қутурарсиз эркин...  
Қувватланур... қонга тўлар... хаста,  
Эзар сизни, янчар... келар бир кун!

Чўлпон шу даражада оғир хасталикка гирифтор бўлган эди. Унинг нозиктаъб ва кўнгилчан инсон бўлгани ҳолда кураш жабҳасидан четда турмаслиги шу хасталикнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлди. Қўқон ва Оренбург воқеаларидан кейин унинг ортидан мунтазам равишда сояларнинг эргашиши, қўлёмаларнинг дафъатан ғойиб бўлиб қолиши, жиддий публицистик чиқишларидан кейин унга нисбатан юқори доиралардаги муносабатнинг ўзгариши, у билан расмий, яккама-якка, писандали суҳбатларнинг тез-тез бўлиб туриши оқибатида бояги дажжол унга кўз олайтирадиган, «зўр оғзи»дан оташ сочадиган бўлди. Яхшиямки, Чўлпоннинг Тошкентда танишгани Муҳаммад Саид шундай пайтларда унинг дардига малҳам бўлди. Юқорида икки банди келтирилган шеър ҳам, аслида, шу зотга бағишланган.

Чўлпон шеърнинг сўнгги сатрларида бевосита унга мурожаат этиб, ёзган:

Юракдаги амалинг юлдузи  
Сенинг эзги қўлларингда нур сочди;  
Хаёлингнинг қора кийган ҳур қизи  
Парда тўсган юзини сенга очди.

Бу сатрлардан маълум бўлишича, шеър ёзилган 25 ноябрь кунига келиб, хасталик Муҳаммад Саиднинг шифобахш қўли туфайли чекина бошлаган.

Чўлпон хасталиқдан азоб чекиб юрган кезларда унинг «Турон» жамияти орқали биродарлашгани Фулом Зафарий ёш дўстининг оғир аҳволини кўриб, дастлаб ўзи, билганича, тиббий маслаҳатлар берган, сўнг ўша кезларда Тошкентда яшаётган ҳинд табиби билан таништирган. Муҳаммад Саид ҳиндистонлик мусулмонлардан бўлиб, қандайдир баҳонаи сабаб билан Туркистонга келиб қолган ва, чамаси, шу ерда оила қурган. Тошкентлик дўстлар унинг нафақат қўли гул, балки ёши улуғ киши бўлганлиги учун ҳам унга «Саид афанди» деган сўзлар билан мурожаат қилиб, ҳурмат ва иззат кўрсатишган. Шундай қилиб, Саид афанди бисотидаги шифобахш гиёҳлар билан 1919 йил ноябрь ойининг сўнгги кунларида Чўлпонни оёққа турғизган.

\* \* \*

1919 йил воқеалари хусусида сўз борганда, Чўлпон шеърини ижодининг чўққиларидан бири — «Гўзал» шеърини четлаб ўтиб бўлмайди. Кейинги йилларда айрим чўлпоншунослар шоирнинг истиқлол учун курашчи сифатидаги сиймосини кўтариш мақсадида ҳатто бу шеърдан ҳам ижтимоий-сиёсий рангларни ахтаришмоқда. Улар наздидаги гўзал шунчаки соҳибжамол аёл эмас, балки Ҳурриятдир.

«Иштирокиюн» газетасининг 21 февраль сонисида босилган бу шеър қуйидаги тунги манзара тасвири билан бошланади:

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,  
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.  
Ул юлдуз уялиб, бошини букуб,  
Айтадир: мен уни тушда кўрамен.  
Тушумда кўрамен — шунчалар гўзал,  
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!

Шеърнинг лирик қаҳрамони, яъни шоир энди гўзал-

нинг қаерда эканлигини билишни истаб, ойга муру-  
жаат этади:

Кўзимни оламен ой чиққан ёққа,  
Бошлаймен ойдан-да сени сўрмоққа.  
Ул-да айтадир: бир қизил яноққа  
Учрадим тушимда, кўмилган оққа.  
Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,  
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!..

Хўш, шоирнинг бутун борлигини ўзига банд этган,  
тунда ҳам унинг оромини ўғирлаган бу гўзал ким?  
Наҳотки, истиқлол ё Хуррият бўлса?! Наҳотки, Чўлпон  
большевикларнинг матбуотга қадалган кўзлари ҳали  
хушёр тортмаган 1919 йилда миллий истиқлол ҳақидаги  
орзуларини шундай пардаларга ўрашга мажбур бўлган  
бўлса?!

Эрта тонг шамоли сочларин ёйиб,  
Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.  
Айтадир бир кўриб, йўлимдан озиб,  
Тоғ ва тошлар ичра истаб юрамен!  
Бир кўрдим мен уни — шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

Бундай лирик ҳарорат ва жозиба билан тўлиқ  
сатрларда шарафланган гўзал қизил рўмолли Хуррият  
эмас, балки жамики гўзаллик тимсоли — Соҳибжа-  
молдир. Чўлпон, улуғ рус шоири Александр Блок  
сингари, ҳусну жамолда беназир бўлган номаълум  
хонимнинг образини чизган. Бизнинг устозларимиз  
ҳам бу шеърни ишқий лириканинг гултожи сифати-  
да севиб ўқиганлар.

Журналист Темур Убайдулло ана шундай устоз-  
лардан бири Ғайратий домла билан бир замонлари  
бўлиб ўтган суҳбатни эслаб, нақл қилган эди:

*«Ғайратий домланинг уйларида бўлганимда, менга  
бир китоб кўрсатдилар.*

*— Бунга кўзингизга суртинг, болам, Чўлпоннинг шеър-  
лар китоби.*

*Кейин қироат билан ўқидилар:*

*Ойдан-га гўзалдир, кундан-га гўзал,  
Сендан-га гўзалдир, мендан-га гўзал.*

— Ёзиб олай, домла, — ялингим мен.

Домла рози бўлдилар-у бир шарт кўйдилар:

— Ҳеч кимга кўрсатмайсиз, ўғлим.

Шу-шу бу шеър менинг ҳамишалик ҳамроҳимга айланди. Ҳар сафар домлани кўрганымда, у киши менга тайинлардилар:

— Биров билмасин-а?!

Ҳатто «Гўзал» шеърининг қандай ёзилганини ҳам айтиб бердилар.

— Чўлпон дам олишда эди. Мен уни кўргани бордим. Ниҳоятда бағри кенг инсон эди, Абдулҳамид ака.

— Келдингми, Файратий? — деди шоир, негадир у беҳаловат, кўзи чақноқ эди. — Йўлда кимни кўрддинг?

— Бир қизни, — дедим. Ростини ҳам бир офатижон рўпара келиб эди.

— Қани, таърифла-чи?

Мен жуда илҳом билан таърифладим.

— Ой, — деди Чўлпон, — бўлди, Файрат, бўлди!

Кейин ўтириб, шу шеърни ёзди. Ёпирай, нақ гўзални мен эмас, у кўргандек таърифлаганки! Ўзи шеър пишиб турган экан-у менинг гапим туртки бўлибди».

Темур Убайдулло «Гўзал» шеъри ҳақидаги лавҳасини нима учундир адабиётшуносларга хос фалсафий хулоса билан тугатган:

«...Энди билсам, Чўлпон ёниб куйлаган гўзал — Ҳаёт экан! Чўлпон Гўзал Ҳаёт ошиғи экан!»

Ушбу лавҳа муаллифи «Гўзал» шеърининг яратилиш тарихини ёшлик йилларида эшитгани ва бу хотира йиллар ўтиши билан сарғайгани сабабли шеърга туртки берган ҳаётини воқеани унутган кўринади. Ҳолбуки, шеър шоирнинг Фарғонада, «Янги Шарқ» газетасида ишлаб юрган кезлари рўй берган фоний бир учрашув таъсирида туғилган.

Файратийнинг иниси Анвар Абдулла акасининг 90 йиллиги эсланган кунларда матбуотда бир шингил хотира билан чиқиб, бундай ёзган эди:

«Мени кўлимга қалам олишга мажбур қилган бошқа бир гап ҳам борки, у ҳақда эндиги кунларда бир-икки оғиз сўз дегим келди.

Бу ҳам бўлса, домла Файратийнинг Чўлпон билан бўлган адабий-ижодий мулоқотлари ҳақидаги сўз. Акамнинг айтишларига қараганда (буни ўз оғизларидан бир неча бор эшитганман), Чўлпон билан бир неча марта иждоий сафарларга боришган. Акамнинг шундай са-

фарлар тўғрисидаги айрим ҳикоялари қулоғимда қолган. Бир кун Чўлпон ва акам Фарғонадан Шоҳимардонга бричка аравада (похол хашақлар устида) ёнбошлашиб, суҳбатлашиб кетишаётган экан.

— Тепамизга бир ҳовуч ивирсиқ булут келиб, бирикки илиқ томчи ташлаб ўтди, — деб ҳикоя қилган эди акам, — шунда Чўлпон булутга қараб бир шеър тўқиди. Шеърнинг мазмуни шундай:

*Яна нега мени қитиқлайсан!*

*Ҳа, ўша сен ахтарган баҳор — ўша менман!*

Домла бу шеърни ёддан билар эдилар. Бу шеър қоғозга туширилмаган бўлса керак...»

Шу ўринда Абдулла аканинг ҳикоясини бўлиб, яна «минг афсус!» дегинг келади, киши. Чўлпон билан Ғайратийдек сафардеш ва суҳбатдеш бўлган кишилар унинг ёмғир томчилаши сингари турли-туман ҳодисалар таъсирида бадоҳатан айтиб юборган шеърларини узоқ вақтларгача ўз муҳофазаларида омон сақлаб келганлар. Лекин на улар, на биз бу шеърлар ва уларнинг яратилиш тарихи ҳақидаги хотираларни ёзиб олишга журъат этмаганмиз! Қанчадан-қанча дурдона сатрлар нафақат Чўлпон, балки унинг офизларига кишан солинган дўст ва шогирдлари билан бирга кетган!

«Домланинг яна бир хотираси, — деб давом этади Анвар Абдулла, — ҳамон хотирамда:

— Фарғона кўчаларидан кетаётган эдик, — деган эди акам, — тўсатдан Чўлпон мени имлаб, ёнимиздан ўтаётган бир гўзал қизни кўрсатди.

Биз меҳмонхонага келгач, Чўлпон хаёл суриб ўлтирар, нимадангир маҳзун кўринар эди. Мен: «Нега хафасиз?» деб сўрадим.

Чўлпон:

— Бояги қизга! — деди.

Мен:

— Сизга бир нарса дедими?

Чўлпон:

— Бир нарса деса, йиғлармидим!

— Нега бўлмаса хафасиз?

Чўлпон:

— Унинг гўзалигини тасаввуримга сиғдирилмай ҳайронман! — деди.

— Чўлпон ана шундай кўнгли бўш, беғубор шоир эди, — деб қўшимча қилди домла...»

Чўлпон лирикасининг бебаҳо гавҳари бўлмиш «Гўзал» шеъри шу тарзда, номаълум соҳибжамол аёлни тасаввур оламига сифмайдиган гўзаллиги билан учрашув натижасида туғилган.

Яна шуниси ҳам борки, шу гўзалликни Чўлпондан бошқа кишилар, шу жумладан, Ғайратий ҳам кўрган. Аммо ана шу оний учрашувдан шу қадар кучли ҳаяжонга тушиш ва боқий бир шеър ёзиш учун Чўлпон бўлиб туғилиш лозимдир.

...Ул кетгач, кун чиқар ёруғлик сочиб,  
Ундан-да сўраймен сенинг тўғрингда.  
Ул-да ўз ўтидан бекиниб, қочиб  
Айтадир: бир кўрдим, тушдамас, ўнгда.  
Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

Ниҳоят, шеърнинг лирик қаҳрамони — ойдан-да, кундан-да гўзал қизга ошиқу беқарор бўлиб қолган йигит ўзига ҳам бир лаҳза бўлса-да, назар ташлаб қолади:

Мен йўқсил на бўлиб уни суйибмен,  
Унинг-чун ёнибмен, ёниб-қуйибмен,  
Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен,  
Мен суйиб... мен суйиб кимни суйибмен!..

Аммо шу пайт унинг қалбида ифтихор туйғуси уйғониб, зангори осмонга ранго-ранг мушакларини сочиб юборади:

...Мен суйган суюкли шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

Ана шундай порлоқ туйғуларга эга бўлиш учун ҳам бу дунёга келса арзийди, киши!

\* \* \*

Айтишларича, Чўлпон «РўСТО» деворий газетасида ишлаётган кезлари қаламкаш биродарлари билан кўнгил ёзгани шаҳар чеккасига — Чирчиқ станциясининг Пушкин номи бекатидаги бир уйга чиққан. Бу ер ҳозир шаҳарнинг қоқ марказларидан бири — метронинг «Пушкин» бекати жойлашган жой — 20-йиллари дала-ҳовлилардан иборат бўлган.

Ушбу сайр пайтида унга ўзбек ва татар зиёлилари ҳамроҳ бўлишган. Улар орасида Россия Телеграф Агентлигининг Эски Тошкент бўлимига қарашли газета таржимони Муҳаммад Ҳасанов, Абдулла Қодирий, Ғози Юнус ва бошқалар бўлишган. Уй соҳиби ҳам татар зиёлаларидан эди. Шунинг учун ҳам Чўлпон суҳбат пайтида Абдулла Тўқай, Фотиҳ Амирхон, Ғалиасқар Камол, Аёз Исҳоқий, Мажид Ғафурий каби татар адабиётининг шонли намояндалари ҳақида жўшиб сўзлаб, улар ижодининг гўзал намуналаридан ўқиб берган. Меҳмондорчилик пайтида суҳбатта Абдулла Қодирий ҳам аралашиб, Абдулла Тўқайнинг «Она тили» шеърини татар тилида айтиб берган, Фотиҳ Амирхоннинг «Фатҳули ҳазрат» деган ҳажвиясини қойилмақом ижро қилиб, ҳаммани қулдирган. Аммо бу оқшом Чўлпондек татар зиёлалари қалбини ларзага солган бошқа одам бўлмади. У татарларнинг «Зулайлик» деган халқ қўшиғини шундай гўзал ва мунгли бир оҳангда куйлаб бердики, тингловчилар кўз ёшларига фарқ бўлдилар. Ўзбек шоирининг бу қўшиқни зўр маҳорат билан ижро этганидан ажабланган мезбонлар ҳатто уни Уфадаги Мадрасаи Олияда ўқиган бўлса керак, деган ҳукмга бордилар.

Чўлпон шундай маънавияти бой ва руҳан гўзал инсон эди.

\* \* \*

Чўлпон номи ҳурмат билан тилга олинган манбаларнинг бирида бундай сўзлар бор: *«Чўлпоннинг кўп шеърларини халқимиз қўшиқ қилиб айтар эди. Ҳар доим: «Бул қўшиқни қаердан олдингиз?» деб сўралса, «Чўлпоннинг олтин дафтаридан», деган жавоб эшитилар эди. Ҳақиқатда эса Чўлпоннинг бундай дафтари йўқ эди. Бироқ унинг ёзган шеърлари ҳали бирон ерда эълон этилмасдан туриб, халқ орасида тарқалар эди. Шунинг учун ҳам халқимиз унинг шеърларига «олтин дафтар» деб ном берган эди».*

Чиндан ҳам, Чўлпоннинг ҳали навқирон пайтидаёқ эл-юрт меҳрини қозонган шеърлари «олтин дафтар»нинг олтин варақлари эди. Буни шоирнинг ўзи ҳам сезганми ё йўқми, ҳар қалай, унинг лирик лавҳаларидан бирида шу «олтин дафтар»нинг тилга олинганини кўрамиз:



«— Мен йироқ йўлдан келдим, сизнинг учун келдим.

— Кўп яхши, нима истайсиз?

— Айта олмайман!

— Нима учун?

— Менинг тилим айтишдан ожиздур, менинг қаламим айтгандир.

— Англамадим.

— Эзасиз.

— Ҳеч...

— Қийнайсиз!

— Асло!

— Шафқат!

— Нима демакчисиз?

— Ўқинг!

— Нимани?

— Менинг дostonларимни, «олтин гафтар»ни.

— Берингиз!

Ўйноқи кўзлар ортиқ бир нарсани куталар эди.

Қалтираган бармоқлар, кўллар «олтин гафтар»ни топширди.

— Бутун тилагим, устагим шунда ёзилмишдир.

— .....

Ўткур, олмос кўзлар йўллар устида эди:

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,  
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен;  
Ул юлдуз уялиб, бошини букуб,  
Айтади: «Мен уни тушда кўрамен:  
Тушимда кўрамен: шунчалар гўзал,  
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!

— Шеърлар кучсиздирлар, тилакни англата олмайлар.

— Англагадирлар.

— Англаганингизни кўрмаймен!

Ул ҳамма ҳолни англаганини кўрсатмак учун кучоғимга отилган эди. Эринларим иссиғ ва тотли эринларига тегиб, бир-биримизнинг севгимиз ичига кўмилган, ботқон чоғимизда «чин бирлик» шудир, деб ўйлагим...»

## «Чигатой гурунги»

Чўлпон 1933 йил 7 октябрда Москвада В. Ян билан бўлган суҳбатида турк афанди билан қарийб йигирма йил муқаддам бўлиб ўтган учрашуви ва адабиёт оламидаги тетапоя кезларини эслаб: «*Ушанда биз, ёш ўзбек ёзувчилари, ўзбек шеър тузилишини ислоҳ этган Фитратнинг таъсирида эдик*», деган эди. Чўлпон 1937 йили берган кўрсатмаларида бу фикрига аниқлик киритиб, Фитратни Беҳбудий томонидан 1913—1914 йиллари «Ойина» журналида қатнашган пайтдан бошлаб билишини айтган. Чўлпоннинг эътироф этишича, Фитрат 1917 йили Самарқандда чоп этилган журналлардан бирига муҳаррирлик қилган пайтда унинг шеърларини ҳам шу нашрда эълон қилган. Чўлпон тилга олган журналнинг номи «Тонг» бўлиб, у 1920 йилнинг 9 апрелидан эътиборан чиқа бошлаган.

Чўлпоннинг устози Фитрат билан илк учрашуви 1919 йилнинг бошларида рўй берган. Фитрат ана шу вақтдан кўп ўтмай, «Чигатой гурунги» ташкилотига раҳбар этиб тайинланган. Ушбу ташкилотнинг майдонга келиш тарихи эса, аслида, қуйидагичадир:

Туркистон Шўро ҳукумати қошида Халқ Маориф Комиссарлиги ташкил қилинган, 1918 йилнинг сентябрига қадар комиссарликка бирорта ҳам маҳаллий аҳоли вакили онгли равишда жалб этилмаган. 1918 йил августида бўлиб ўтган мусулмон ўқитувчилар ва маориф ходимларининг I қурултойи қарорида шу масала алоҳида қайд этилиб, комиссарликда ерли миллатлардан ўн нафари бўлиши лозимлиги қатъий талаб этилган. Шу даврда тошкентлик зиёлилар семинартўгаракка ўхшаш машғулоти ташкил қилганлар ва унда Бухородан келган Фитрат ҳам иштирок этган. Бу машғулотнинг Элбек, Мўминжон Муҳаммаджонов, Маннон Мажидов (Уйғур), Фулом Зафарий, Мирмулла Шермухамедов, Маннон Рамз, Боту сингари қатнашчилари Фитрат билан Қаюм Рамазонни ўзларига раҳбар қилиб тайинлаганлар. Эски шаҳардаги мактабларнинг бирида ҳар ҳафтада бир марта йиғилиб турган тўгарак 1919 йилда ўз йиғинларини «гурунг», деб атаб, сўнг унга «чигатой» номини берган.

Моварауннаҳрга туташ ўлкаларда яшаган халқлар XIV—XV асрларда эронийлар томонидан «чигатой улуси», деб аталган. Ана шу истилоҳ заминидан кейинча-

лик «чиғатой тили» ва «чиғатой адабиёти» тушунчалари пайдо бўлди ва бу тушунчалар остида мўғуллар истилосидан кейин уларга қарашли ерларда яшаган халқларнинг тили ва адабиёти назарда тутилди. «Тўғарак»нинг ўз номини «Чиғатой гурунги» деб аташдан мақсади ўзбек тили ва адабиётининг энг гуллаган даври — XV асрдаги лисоний софлиги ва бадиий ўзига хослигини сақлаб қолиш эди. Агар Фитратнинг шу йилларда ўзбек тилида ёзган ва Чўлпоннинг шакланишига таъсир кўрсатган шеърларига эътибор берсак, улардаги тилнинг софлиги, арабча ва форсча сўзлардан мумкин қадар тозаланганлиги, айниқса, равшан кўринади. Чўлпон «Чиғатой гурунги»нинг мажлисларида Фитратнинг адабий-эстетик қарашлари билан яқиндан танишди. Унинг замонавий ўзбек тилидан *адабий* эмас, *арабий* сўзларни чиқариб ташлаш ва кўҳна, гўзал, ширали туркий тил бойликлари асосида ўзбек тилининг луғат таркибини қайта кўришга қаратилган саъй-ҳаракатлари Чўлпоннинг ҳам бадиий дид ва интилишлари билан уйғун эди. Шунинг учун ҳам «Чиғатой гурунги» қисқа муддат яшаганига қарамай, Чўлпон учун беиз кетмади.

«Гурунг» қатнашчилари Тошкентнинг Хадра майдони яқинида умумтурк тили ва адабиётини ўрганиш бўйича пулсиз курслар ташкил этиб, шаҳар мактабларидаги кўплаб муаллимларни ўз ғоялари билан «чанглаб бордилар».

*«Бир кеча, — деб ёзади Фитрат, — «Чиғатой гурунги»нинг мажлиси бўлгон эди. Гурунг аъзолари томонидан ёзилгон асарларни ўқиб, муҳокама қилмоқда эдик. Тошкентнинг энг катта ташкилотининг биринда тургон бир ўртоқ винтовка кўтариб келиб, мажлисимизга бирдан кирди. «Муҳаммад пайғамбарнинг меърожини инкор қилар экансиз», деб тафтишга киришди ва бизни мундақа йўлсиз ҳаракатлардан ман қилиб кетди...»*

«Чиғатой гурунги» ўзини сиёсатдан ҳоли ташкилот, деб эълон қилгани ва адабий ҳаёт муаммолари билан қизиққанига қарамай, доимий таъқиб остида яшади. Унинг имло масаласида олға сурган ғоялари эски имло тарафдорларининг қаршилигига учраб, улар «гурунг» атрофида «сув булғатиб» юрдилар.

*«Чиғатой гурунги», — деб ёзган эди Чўлпон, — асосини маҳкам қурғонлиги ва чизиқни тўғри чизғон-*

лиғи учун — ўзи кетса ҳам ўзбекнинг янги адабиётига янги, порлоқ, шарафлик саҳифалар очди ва очмоқда гавам этадир».

Чўлпон «Чигатой гурунги»нинг қатнашчиси сифатида шу йиллардаги адабий ҳаётта фаол муносабатда бўлди, ундаги салбий тамойилларнинг авж олмаслиги учун жонбозлик кўрсатди. Унинг шу давр адабиётидаги ёзувчи сифатида газабини келтирган ҳодисалардан бири Ҳамзанинг «Фарғона фожиалари» бўлди.

Маълумки, Ҳамза 1919—1920 йилларда тўрт «сериялик» «Фарғона фожиаси» деган саҳна асарини яратиб, уни Фарғона ва Тошкент саҳналарида, Закаспий ва Фарғона фронтларида Қизил Армия қисмлари ва аҳоли ўртасида намойиш этган. Асар ўз вақтида нашр этилмаган ва бизга қадар тўлиқ етиб келмаган. Шунга қарамай, асар мазмунини ўз вақтида чиқарилган афиша ва тақризлар орқали билиш мумкин.

Асарнинг биринчи қисми — «Мазлум қурбонлар»нинг 1919 йил 14 август куни Фарғонадаги «Советское собрание» биносида намойиш этилиши муносабати билан чиқарилган афишада бундай сўзларни ўқиймиз: *«Бу асар... Фарғонадаги мусулмон биродарларингизни қандай қон ичига кечириб турган аҳволларини ҳамда ўз ичингиздан чиққан ваҳший, йиртқич, қонхўр золимларнинг (таъкид бизники — Н.К.) ўз мўмин-биродарларингизга бераҳимона қилиб турган муомалаларини тасвир қилинмиш уч пардали бир асар бўлиб, ёзувчиси Ҳамза Ҳакимзога Ниёзий».*

Ўша йилнинг 4 июлида «Карл Маркс» уюшмаси томонидан Тошкентда намойиш этилган «Фарғона фожиаси»нинг «Маъсум қурбонлар» деб номланган учинчи бўлимнинг афишасига кўра, асарда *«Фарғонадаги мусулмон ўғрилларнинг ўз мўмин биродарларига, алоҳусус, шу асримиздаги ҳар бир миллатнинг ҳаёти учун сув, ҳаво даражасида энг зарур бўлган илм ва маърифатга берган зарба, муаллим ва шогирдларга берган ваҳшат ва қонли фожиалар»* (таъкид бизники — Н.К.) тасвирлангани айтилган.

Ниҳоят, 26 сентябрь куни Ўлка мусулмон Сиёсий труппаси томонидан «Колизей»да кўрсатилган «Мақоми шуҳадо» номли 4-бўлимнинг афишасида баён қилинишича, унда *«инглизларга сотилиб, Туркистоннинг мағлуби, тархиботга киришган миссионер ва жосусларнинг иблисона ҳаракат ва асрор-*

*лари...»* (таъкид бизники — Н.К.) тасвирлангани маълум бўлади.

«Гурунг» қатнашчилари бу асарнинг Тошкентда намойиш этилган қарийб барча бўлимларини томоша қилиб, ўз йиғинларида қизгин муҳокама қилганлар. Ана шу муҳокамаларда асар шаънига жиддий танқидий муносабат билдирган Чўлпон «Адабиёт қули» имзоси остида матбуотда тақриз билан ҳам чиқди. Чўлпон «Туркистон» газетасида эълон қилинган бу мақоласида адабий жамоатчилик эътиборини қуйидагиларга қаратди:

*«Фарғонанинг 1919 ва 20-йиллари эсингизда бордир. Фарғонада оққан ҳақли ва ҳақсиз қонларнинг ҳиди Тошкент, Самарқандларни(гина) эмас, Москва, Ленинградни ҳам тутиб кетди. Шундай қон тўкилган жойда, албатта, воқеа эмас, ҳодисалар бўлуб турадир.*

*Ҳодиса ва воқеалар шу қағар тез ва шошилишлиқ билан юз кўрсатадирларким, уларни тарих бетларига жойлаб қолмоқ ҳам жуда қийин бўладир.*

*Фарғонада ҳам шундай бўлди. Кечаги воқеалар бугун эсдан чиқди. Эртанги воқеа олдида илгари кунгиси ҳеч нарса бўлмай қолди. Ақллар, ҳатто, шу воқеаларга гувоҳ бўлаётгон бир тарих борлигини ўз доираларига сиғдиролмай қолдилар.*

*Шундай вақтда бизнинг буюк бир ҳиссиётли адиб ва шоиримиз чиқиб, ўшал воқеаларнинг ҳаммасини адабий томоша, нафис пьеса ҳолида тарих бетларига нақш қилиб қолмоқчи бўладир. Журъатни, жасоратни қаранг!*

*Ҳамза Ҳакимзоданинг 6—7 бўлақдан иборат валуолалик (сенсационный) «Фарғона фожеалари» ана ўшал ҳовлиқишнинг мевалари эди. Томошачи муаррихимиз ўз асарларини ўшал вақтда «тарих учун оддий бир материёл» деб ўйлағон эмас. Ҳатто, муни даъво қилиб чиққанлардан жуда қаттиқ хафа бўлғон...*

*Ўшал вақтнинг оммаси ҳам қизиқ. «Фарғона фожеалари» дегими, 5000 киши сиғатурғон кенг саҳналарга ҳам одам лиқ тўла берган. Муни кўрган муаллим «қимматлик», «нафис» асарларини кенг Туркистоннинг у бошидан-бу бошигача кўтариб бориб, ўйнатиб юрган...»*

Чўлпон бу мақолани ёзган вақтда Фарғона воқеалари учун ҳамма айб босмачилар устига қўйилган, улар «вахший, йиртқич, қонхўр золимлар», «мусулмон ўғрилар», «инглизларга сотилган» кимсалар си-

фатида баҳоланган эди. Шунинг учун ҳам у Ҳамза асарида тарих ҳақиқатининг поймол этилганини очиқ айта олмаган.

«Босмачилик ҳаракати»ни таг-тути билан йўқотишга киришган М. В. Фрунзе 1920 йил 23 май санали буй-руғида бундай ёзган:

*«Қийинчилик душманни ҳарбий жиҳатдан енгишда эмас, бу биз учун у қадар қийин эмас; қийинчилик кўп миллионли тинч меҳнаткаш мусулмонларнинг барчаси ўз душмани ҳудди шу босмачи эканини, у билан курашув муқаддас вазифа... эканини тушунувларидир».*

Ҳамза ҳали бу сўзлар Фрунзенинг оғзидан чиқиб улгурмаёқ тўрт «серияли» пьесасида «кўп миллионли тинч меҳнаткаш мусулмонлар»нинг душмани Қўқон аҳлини жодудан ўтказган дашноқлар, ўзбекларни энг унумли ерлардан сиқиб чиқарган мустамлакачилар, шўро идораларига яқинлаштирмаган большевиклар эмас, балки миллий мустақиллик учун курашган босмачилар эканини ўз асари билан «исботлаб берди». Чўлпон ва «Чигатой гурунги» тарихни ана шундай сохталаштиришга лоқайд қарай олмади.

Чўлпон, агар 1937 йил талаби билан қўлланган айрим баҳоларни эътибордан соқит қилсақ, тергов пайтида Фитрат раҳбарлигидаги бу ташкилот «чигатой адабиёти»нинг олтин даврини кенг тарғиб қилганини айтган. У берган маълумотга кўра, «гурунги» ўзбек тилининг содда ва халқ оммасига тушунарли бўлиши учун дарслик ҳамда қўлланмалар яратган, матбуотда мунтазам суратда чиқишлар қилган, унинг ўзи эса шакл ва мазмунига кўра энг оммабоп шеърлар, очеркларнинг ёрқин намуналарини яратган. «Чигатой гурунги», Чўлпоннинг эътироф этишича, дастлабки куниданоқ саҳна санъатига катта аҳамият берган ва Фитрат шу мақсадда Бухородан «Мажид оқсоқолнинг ўғли» Уйғурни чақиртириб олган.

1918 йилнинг сентябрь ойида Маориф комиссарлигида Содиқ Абдусатторов (татар) бошчилигида Турк шўъбаси ташкил қилиниб, унда Мунаввар қори, Оқберган ва қисқа вақт Шокиржон Раҳимий ишлаган. 1920 йилнинг бошларида бу шўъба ходимлари 15 нафарга етгач, шўъба, ўз навбатида, ўзбек, татар ва туркман шохобчаларига бўлинган. (Қозоқ шўъбаси эса мустақил равишда иш олиб борган.) Ўша йилнинг охирида Турк шўъбаси тутатилиб, Илмий ҳайъат ташкил

этилган ва унинг таркибида бир неча ҳайъатлар, шу жумладан, Ўзбек миллий ҳайъати ҳам бўлиб, унда Чўлпон, Вадуд Маҳмуд ва Элбек хизмат қилганлар.

Педагогика тарихининг билимдонларидан бири «Абдулҳамид-маорифчи» деган мақоласида бу фактни тасдиқлаб, бундай ёзган: «*Шу даврда* (яъни 1920 йилнинг май ойида —Н.К.), РўсТАда (Русия телеграф агентлигида) ишлаб турган (аниқроғи; шу вақтда бўшаган — Н.К.) Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов комиссарликка ишга қабул қилинади. (Журналист Ғози Юнусов, Тошкент Эски шаҳар «МусРўста»да репортёр ва масъул муҳаррир эди.)

...Маориф Комиссарлигидаги Илмий бўлим ўрнига 1920 йил июль ойида Илмий кенгаш ташкил қилинади. Кенгашнинг бир неча ҳайъати бор эди, чунончи, илмий педагогика, театр-музыка, миллий-илмий ҳайъатлар (ўзбек, қozoқ, қирғиз, туркман...). Абдулҳамид Сулаймон Ўзбек илмий ҳайъатнинг раиси этиб тайинланди. Чўлпон Туркистон Маориф халқ комиссарлигида ишлаганлиги ҳақида 1927 йилда Самарқанд шаҳрида ўтган ўзбек маданият ходимларининг 2-қурултойи ҳайъатига 5 октябрда йўлаган Арзномасида бундай кўрсатган эди: «...Маориф ва маданият соҳаларида қўлимдан келган қадар самимият билан ишлаб келганим маълумдир.

1921 йил январида Туркистон Маориф Комиссарлигининг ўзбек тилида «Болалар дунёси» журнали чиқа бошлаган (муҳаррири Санжар Сиддиқов). Чўлпоннинг таклифи билан журналнинг кейинги сонлари «Шарқ чечаги» номи билан чиққан...»

Номи қарийб кун сайин ўзгариб турган бу илмий муассаса 1921 йил январининг сўнгги кунларида Ўлка ўзбек билим ҳайъати деган номни олди ва Чўлпон унга раис этиб белгиланди.

Ўша даврнинг вақтли матбуоти бу илмий муассасанинг биринчи мажлиси тўғрисида қуйидаги хабарни берган:

## Билдириш

1921 йил 27 январда Ўлка ўзбек билим ҳайъатининг биринчи ўлтириши бўлиб, ҳайъатчи чоғли раисликка Абдулҳамид Юнусов, бош ёзувчиликка Абдулазиз Муносибуп ўртоқлар сайландилар. Ҳайъат тездан бола-

лар журнали чиқара бошловни керак топиб, масъул мударликка Абдулхамид Юнусовни, масъул бош ёзувчиликқа Санжар Сиддиқуб ўртоқларни белгилади. Журналнинг техника ёғини бошқарув Ғози Юнус ўртоққа топширилиб, эгаллик (хўжалик) ва ҳисоб ишларини Илмий ҳайъатнинг ўз қўлида қолдируға қарор берилди. Журналда ёршу учун қаламлари билан танилгон Питрат, Элбек, Боту, Шорасул, Абдулла Қодирий ўртоқларни ҳам ўзбек билим юртлири ва ўрта мактаб ўқувчиларини чақируға қарор берилди. Ўзларининг асосий хизматларида қолмоқ билан баробар сайлангон ва белгиланган ўртоқларға ўзларининг вазипаларини ўтовға киришув билан таклиф қилинадир. Ҳайъатнинг бошқармаси бурунғи князь уйида, Маориф Кўмиссарлиги истатистика бўлими турғон жойдагир.

Ҳайъат раиси: ЮНУСОВ Абдулхамид  
Саркотиб: Абдулазиз МУНОСИБ.

Таниқли тилшунос олим Эргаш Умаров лутфан тақдим этган бу «Билдириш»дан маълум бўлишича, болалар журнаliga муҳаррир этиб дастлаб Чўлпон, масъул котиб этиб эса Санжар Сиддиқ белгиланганлар. Болалар журнаlines ташкил этиш ғояси Чўлпонга мансуб бўлган ва у билим ҳайъатнинг мазкур йиғилишида бу масала юзасидан жиддий фикрларни билдирган бўлса керакки, унинг ўзи журнал муҳаррирлигига тавсия этилган. Аммо Чўлпон камтарлиги туфайли бу вазифадан воз кечган ва ўз ўрнига Санжар Сиддиқни таклиф қилган.

Чўлпоннинг шу йилларда болалар руҳиятига мос шеърлар ёзганининг сабаби ҳам «Болалар дунёси» («Шарқ чечаги») журнаlinesнинг чиқа бошлаши ва ҳанузгача болалар адабиётининг равнақ топмаганлигидир.

Мазкур «Билдириш»даги яна бир маълумот эътиборга лойиқ. Маълум бўлишича, Ўлка ўзбек билим ҳайъати узоқ йиллар мобайнида Пионерлар саройи бўлиб хизмат қилган, ҳозирда Шароф Рашидов майдонига қараган бинода жойлашган ва Чўлпон, қисқа вақт бўлса-да, шу бинода хизмат қилган экан.

«Чиватой гурунги» Турк шўъбаси билан биргалликда 1919 йил 19 декабрда Тил ва имло қурултойини ўтказди. Аммо қурултой муҳокамасига қўйилган маса-



лаларнинг ҳаммаси ҳам «Чигатой гурунги» қатнашчилари ўйлагандек натижа билан тугамади. Чунончи, алифбо ва имло масаласида Мунаввар қори ва Салимхон Тиллахонов (комиссарлик ходимлари) ҳаракатдаги алифбо ва имлони ислоҳ қилишга қатъий равишда қаршилиқ кўрсатдилар. Натижада Кенгаш қатнашчилари «янги имлочилар» ва «эски имлочилар» деган икки гуруҳга ажралиб кетди.

Кенгашда қабул қилинган қарор моҳияти қуйдагича бўлган: сўзнинг қаерида келишидан қатъий назар, арабча сўзлар икки хил шаклда ёзилади; ҳарфнинг алоҳида кўриниши ва сўз бошидаги шакли 106 хилдан 50 хилга келтирилади.

«Чигатой гурунги» қатнашчилари феодал давридаги ўзбек тилининг жонли халқ нутқидан узоқ бўлганлигини, 1905—1917 йилларда миллий матбуотнинг пайдо бўлиши билан эса сунъий адабий тилнинг майдонга келганлигини, унда арабий, форсий ва татарча сўзларнинг қоришма ҳолда қўлланганлигини эътиборга олиб, ўзбек адабий тилини тараққий эттиришнинг янги тамойилларини изладилар ва унинг лугат бойлигини оширишга ҳаракат қилдилар. Замондошларнинг маълумот беришларига кўра, «гурунг»нинг ҳар бир йигилишига қатнашчиларнинг икки-учтадан янги сўзни топиб келишлари талаб этилди.

Агар ана шу маълумотлар нуқтаи назаридан Чўлпоннинг адабий ва таржимонлик фаолиятига назар ташласак, унинг «Чигатой гурунги» томонидан белгиланган вазифаларни узоқ йиллар давомида ҳалоллик билан адо этгани ва янги ўзбек адабий тилининг тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшганини кўраимиз.

Муסיқашунос Илёс Акбаров Чўлпон ҳақидаги хотираларида унинг бошланғич музика назариясига оид бир дарсликни ўзбек тилига таржима этганлиги тўғрисида сўзлаб, бундай ёзган:

*«Чўлпон билан суҳбатимиз ана шу дарсликнинг таржимаси хусусида бўлган эди. Шоир дарсликнинг таржимони ҳақида менинг фикримни эшитиб туриб:*

*— «Звукоряд» терминини қандай таржима қиласизлар?» — деб сўради.*

*— «Товуш қатор» деб, — жавоб бердим.*

*— Нега икки сўз билан таржима қилиш керак? Ахир «унқатор» деб таржима қилинса, бир сўз бўлади ва ишлатилмай юрган «ун» сўзи яна қўлланила бошланар*

эди. Шу яхши эмасми? Ахир, оналар болалари тўполон қилса, «Унингни ўчир» дегувчи эдилар. Бу сўз ишла-тилмай, йўқолиб кетяпти-ку!».

Чўлпон ана шу тарзда, ҳатто «Чифатой гурунги» тугатилиб кетгандан кейин ҳам, унинг яхши ғояларига содиқ қолиб, ўзбек тилининг услубий товланишлари ва луғат таркибини бойитиш устида тинимсиз изланди.

Чўлпоннинг «гурунг» йўриқларига кўра, саҳна санъ-атини ривожлантиришга қаратилган хизматлари, шак-шубҳасиз, алоҳида суҳбат мавзусидир.

«Чифатой гурунги» илмий ҳайъат тузилиб, Тил ва имло қурултойи қарорларини бажаришга киришгач, ўз-ўзидан тарқалиб кетди. Илмий ҳайъат эса 1922 йилда Давлат Илмий Кенгаши ихтиёрига ўтказилди.

### **«Қизил Шарқ» поезди**

Октябрь инқилобини амалга оширган большевик-лар ўз ғояларининг Туркистонда тарқалиши ва тантан-на қилиши осон эмаслигини жуда яхши тушунганлар. «Босмачилик ҳаракати»нинг майдонга келиши эса боль-шевиклар барпо этмоқчи бўлган тузумнинг Ўрта Осиё ўлкаларида илдириши йўлида жиддий хавф туғдир-ган эди. Шунинг учун ҳам Ленин ва у тузган фирқа Туркистонга ташвиқот ва тарғибот поездини юбориб, содда ва кўнгилчан халқда янги ҳукуматнинг халқпар-вар, камбағалпарвар ва адолатпарвар эканига ишонч, шундай олижаноб ҳукуматга қарши қурол кўтарган босмачиларга эса нафрат туйғуларини уйғотишга аҳд қилди. 1919 йил ноябрида Москвада бўлиб ўтган Шарқ коммунистларининг II қурултойи бундай тадбирнинг амалга оширилишини ҳатто талаб ҳам қилди. Орадан кўп ўтмай, 1920 йил январида «Қизил Шарқ» деб ном-ланган поезд Туркистон сафарига чиқишга шай бўлиб турди.

Поездга жалб этилган 160 дан зиёд кишининг 20 таси пулемётлар билан қуролланган аскарлар, қол-ганлари эса сиёсий, бадий, хотин-қизлар, қишлоқ хўжалиги сингари бўлимлар, «Янги Шарқ» газетаси-нинг таҳририяти ва босмаҳонаси ва ҳ.к. ходимлари-дан иборат эди. Поезд олдига 1920 йил январидан июлига қадар бўлган даврда Тошкент, Жиззах, Са-

марқанд, Каттақўрғон, Сирдарё, Хўжанд, Қўқон, Фарғона, Наманган, Андижон, Жалолобод, сўнгра Чимкент орқали Арис, Туркистон, Авлиёота, Пишкек ва Еттисувга бориб, «ўрта асрчилик қолдиқларига қарши курашиш» ва оддий кишилар руҳиятига таъсир ўтказиб, уларда янги тузумга хайрихоҳлик уйғотиш, шу вақтга қадар кечирганлари «эски ҳаёт тарзи»дан воз кечишга ундаш эди.

Аммо ўша машаққатли давр шароитида бу мақсадни рўйбга чиқаришнинг ўзи бўлмади. Поезд Москвадан чиқиши билан бўрон туриб, бир ҳафта деганда амал-тақал қилиб Самарага етиб келди. Қор бўрони остида қолган темир йўлни тозалаш, ўтиш кесиш ишлари йўловчиларнинг ўзларига қолди. Рус тупроғи узра сочилган бекатларнинг деярлик барчаси ёпиқ, ўтин-кўмир йўқ, саксовул ёндириб юборилган эди. Бу орада озиқ-овқат ҳам, сув ҳам тутади. Йўловчилар бир неча кун сувсиз қолишди. «Қизил Шарқ» поезди ана шу тарзда «гўр азоби» билан 13 март куни кеч соат 5ларда «Тошкентнинг улуғ темир йўл остонаси»га келиб тўхтади.

Поезднинг Тошкентга қачон, қай пайтда келишини ҳеч ким билмасди. Шунинг учун ҳам шу дақиқада тасодифан шаҳар сардарвозасида бўлган кишиларгина уни кутиб олдилар. Улар орасида «Иштирокиюн» газетасининг махсус муҳбири Чўлпон ҳам бор эди.

У газетанинг 17 март сонида эълон қилинган мақоласида «муаззаматлик дилбар ва қизиқ кўриниш»ли поезднинг келишини тошкентликлар кўпдан бери кутганлари, у ҳақда кўп нарсани эшитганлари ҳақида ёзиб, бундай фикр «пилиг»ини ёқиб юборган:

*«Эски дунёнинг гаҳшати поездлари Шарққа, Шарқнинг ижтимоий, инқилобий дарвозаси бўлган Туркистонга илгари арақлар, фоҳишалар, қарта қоғозлари ва бошқа шунинг каби исрат нарсалар ташир эдилар; у нарсаларга айрибош қилиб Туркистон деҳқонининг пешона терлари билан толган бор-йўғини, толган-тутганини олиб кетар эдилар (таъкид бизники — Н.К.)*

Янги замоннинг гўзал совғаларидан бири бўлгон бу поезд Туркистонга ва шунинг ила баробар бутун Шарққа илм-маърифат, ёруғлик, ойдинлик, соғлом фикр, яхши тилаклар, иссиқ саломлар олиб келар, уларга айрибош қилиб Туркистон ҳам ўзининг чин

*тилаклари, орзу ва хоҳишларини, биродарона саломларини юборажакдир».*

Ҳали шўро инқилоби самараларини кўрмаган, Фарона ва Оренбург фожиаларидан ўзига келмаган шоир дунёқарашининг бу қадар тез ўзгараётгани бежиз эмас. Маҳаллий большевиклар ва уларнинг раҳбарлари Чўлпон сингари эл-юрт ўртасида танилиб бораётган ёшларни ўз тарафларига ағдариш учун ўлканинг «большевик кўклами»ни рангин бўёқлар билан тасвирлаб, унинг қўйинини пуч ёнғоқлар билан тўлдирмоқда эдилар. Чўлпон бу ваъдаларнинг элик фойизи бажарилган тақдирда ҳам пахтакор ўлканинг шўро даврида фаровонлашиб боришига ишонди. Қолаверса, у халқнинг эскирган урф-одатлардан, чала мулла уламоларнинг зарарли таъсиридан қутулиб, маърифат ва маданият булоқларидан баҳраманда бўлишида эртанги нурли ҳаётнинг белгиларини кўрди. Шунинг учун ҳам у «РўСТО» газетасини ташкил этган раҳбарлардан бошқа суянч тоғини топмай, улар билан муросаи мадора қилиш йўлини танлади.

Чўлпон назарида, «Қизил Шарқ»ни кутиб олувчилар сафи зич бўлмаган, ҳатто ҳукумат вакиллари ҳам бу воқеадан беҳабар қолганлар. Лекин узоқ ва азобуқубатли йўлни босиб келган тарғиботчилар учун уларни кутиб олиш маросими аъло даражада бўлган. Ушбу сафарда қатнашган татар зиёлиларидан бири Маҳмуд Будаёли орадан 55 йил ўтгандан сўнг ўша кунни эслаб, бундай хотирлаган:

*«Тошкент меҳнаткашлари «Қизил Шарқ» поездининг доҳий йўланмаси билан келганини биларди. Шунинг учун халойиқ бошлиқларимизнинг ҳар бир сўзини гулдурас олқишлар билан кутиб олди.*

*Митинг пайтида Лайло Каримова четроқда бир тўп хотин-халаж билан суҳбатлаша туриб, паранжичачвонга қарши кескинроқ гапириб қўйган экан шекилли, тажрибасизлиги туфайли панд ебди. Уқувсизлиги учун ўзини койиб, йиғлаганича вагонга кириб кетди...»*

Аммо шу йилларда Москвадан муайян ваколат билан келган ҳар бир амалдор ўзини хоҳлаган ишни қилишга ҳақли, деб билган. Туркистонга Совет давлатининг махсус топшириғи билан келган Георгий Сафаров (асл исм-шарифи Георгий Володин) бу ерда муайян хайрли маданий ишларни амалга ошириш билан

бирга қанчадан-қанча кишиларнинг ёстуғини қуру-тиб, хунрезлик билан ҳам шуғулланган.

Махфий архивларнинг бирида сақланган ҳужжатга кўра, қизил аскарлар Илья ва Иван Бакулин деган кишиларга қарашли нонвойхонани тортиб олмоқчи бўлганларида нонвойхона эгалари бундай адолатсизликка қарши норозилик билдиришган. Уларнинг бу ҳаракати «Қизил Шарқ» поезди қошидаги шикоят ва аризалар бюроси томонидан қулоқларга хос жиноят сифатида баҳоланиб, ака-ука Бакулинлар иши Инқилобий ҳарбий трибунал ихтиёрига оширилган ва улар ўша куниёқ отиб ташланган.

«Қизил Шарқ» поезди ўтган йўлларда Г. Сафаров, айниқса, маҳаллий аҳолига мансуб қанчадан-қанча кишиларни Инқилобий ҳарбий трибунал номидан бекордан-бекорга йўқ қилиб юборган.

Аммо бундай хунрезликлар ленинча инқилобий шафқатсизлик сифатида баҳоланиб, нафақат Г. Сафаров ва унинг қонхўр маслақдошлари ўзларининг қора қилмишларига яраша жазоланганлар, балки улар тўккан қонлар ҳақида бирор маҳаллий нашрда ёзилган.

«Қизил Шарқ» Самара вокзалига келиб тўхтаганида, Тошкентдан «Қайдасан, Москва?» деб кетаётган Ш. З. Элиава Туркистонга махсус вазифа билан келаётган кишиларни учратиб, уларга ўз сафарларида қайси масалаларга эътибор бериш, ўзбек халқининг қандай миллий нуқсонлардан ҳоли бўлишини исташи ҳақида йўл-йўриқлар берган, ана шу маслаҳат асосида дабдурустдан иш кўрган татар аёли эса панд еб қолган эди.

Шубҳасиз, Чўлпон «қизил шарқчи»ларнинг барча тадбирларида иштирок этмаган. Лекин у поезднинг тузилиши, раҳбарлари, тарғиботчиларининг ўзак қисмини ташкил этган татар зиёлилари билан, айниқса, босмахона ва газета ходимлари билан яқиндан танишиб, ўзида қаноат ҳиссини ҳосил қилган.

*«Бу поезднинг ўзининг улуғ бир босмахонаси, исмсиз телеграм станцияси, касалхона, ишхона, қироаткутубхоналари бордир. Босмахонасида поезддаги «РўсТО» шўъбаси томонидан ўзбек, татар, қирғиз, туркман, форс ва рус тилларида кун аралаш газеталар чиқиб турадилар. Туркистон халқининг шиква ва шикоятларини эшитмоқ учун махсус бюроси бордир. Поезд бошида ўртоқ Сафаров турадир. Бу поезднинг*

бизга келтирган қимматлик ҳаद्याлари бизнинг муҳтож бўлганимиз шу кишилардирки, булар Русия меҳнаткаш газеталарининг бошида турган ўтқир қаламли муҳаррирлардан Шоҳид ўртоқ Аҳмадиев, ишлик кишилардан Маҳмуд Будаيلي, Ф. Султонбек, Чанишев ва Бурнашев ўртоқлардир...

...Туркистондаги асира сингил-опалар ичига ишламоқ учун бир неча ишлик хотин-қизлар ҳам келганларки, бу — ҳаद्याларнинг энг баҳоли ва қадрлисидир. Фарб, Фарбнинг озоғ қитъаси ўзининг ҳақиқий юзини, чин ва соз қалбини очадир».

20-йиллардаги қоғоқ, ўксик, таланган, тилинган Ўзбекистон ва унинг аҳолиси ҳаётида жиддий ўзгаришларни содир этиш учун бундай тадбирларни ўтказиб туришнинг фойдали томони ҳам йўқ эмас эди. Буни тўғри тушунган Чўлпон «Қизил Шарқ»нинг Тошкентга келишига катта умидлар боғлади.

«Қизил Шарқ» июль ойининг ўрталарида Қозоғистон чўлларида ўтиб, Москва сари йўл олди.

Маҳмуд Будаилининг хотираларида Чўлпон ҳақида бирор сўз учрамайди. Бунинг сабаби кундек равшан. Бу хотиралар эълон қилинган 1974 йилда ўзбек шоирининг номини тилга олиш хатарли эди. Лекин у Ҳамза билан учрашувлари ҳақида шундай яйраб ёзганки, уни Тошкент вокзалида самимий қарши олиб, кейин ҳам унутмаган Чўлпонни яхши билганига шубҳа қилмайсан, киши.

«Бу сафар вақтида, — деб ёзган у, — биз кўп нарсаларни ўргандик, халқнинг... яхши урф-одат, меҳмондўстлик каби ажойиб фазилатларини кўрдик, кўлаб дўстлар орттирдик. Қўқонда ёшликдаги дўстим Ҳамза Ҳакимзода билан яна учрашдим. У ўз атрофидаги фаоллар билан бирга поездимиз ишига астойдил ёрдамлашди. Фарғонадаги аҳвол билан бизни баътафсил таништирди, халқнинг босмачилар талонидан безор бўлганини гапирди. Бу ажойиб инсон коллективимизга жуда ёқиб қолди. У концертларимизда қатнашар, кечалари вагонларимизда биз билан узоқ суҳбатлашиб ўтирар эди. У татар ва озарбайжон тилларини мукамал биларди».

Большевиклар чўпчагига ишона бошлаган Чўлпон «Қизил Шарқ»нинг келишига ҳаддан зиёд катта баҳо берган. «Шарққа Фарбдан ҳақиқий ёрдам келди. Ҳақиқий фикр билдирилди. Энди биз уларнинг ёнига

кириб, бутун дунё мазлумларининг саогати учун олишсак бўлади», — деб ёзди у шўро тарғиботи тузоғига илиниб.

Орадан бир ойдан мўлроқ вақт ўтгач, у Лайло Каримова олиб борган ишлардан илҳомланди шекилли, «Шарқ қизи» деган шеър ёзиб, ўзбек қизларининг аянчли қисматларини нақл этди. «Синглимга» деган бағишловли бу шеър Шарқ қизи тилидан ёзилган:

...Фақат мен бир ўзим, Шарқнинг бир қизи  
Баҳор келганини кўрмай қоламан.  
Узун, қора қишнинг кетмасдан изи  
Унинг дўсти — кузни кутиб оламан.  
Менинг учун ёруғ дунё роҳати —  
Тўрт девор ичида кўзлар ўйнатмоқ.  
Менинг учун улуғ шодлик соати —  
Телба кўрагимда ўйлар уйғотмоқ...

Чўлпон зийрак инсон сифатида ўзбек хотин-қизлари феодал даврларнинг бўғувчи муҳитида яшаб келаётганлигини кўриб, қаттиқ изтироб чеккан. Унда Шўро ҳокимиятига нисбатан агар заррадек майл пайдо бўлган бўлса, бу майл аввало шу ҳукуматнинг аёлларга нисбатан бир оз эътиборли муносабатда бўлгани туфайлидир.

\* \* \*

Шўро ҳокимияти Шарқ халқлари билан яқинлашиш, уларнинг таниқди вакиллари билан алоқа ўрнатиш, тили, тарихи ва маданияти муаммолари билан ошно бўлишга маълум даражада эътибор берди. 1920 йил сентябрида ўтказилган Шарқ халқларининг 1-қурултойи ҳам худди шу мақсадга қаратилган эди.

Боқуда ўтажак қурултойдан бир мунча вақт илгари Москва тайёргарлик ишларини бошлаб, Волга бўйи, Ўрта Осиё, Қрим ва Кавказда яшовчи Шарқ халқларининг кейинги ижтимоий ва маданий тараққиёти ҳақида жон куйдиргандек бўлди. Шу сабабдан ҳам бу халқлар Боқу қурултойига катта қизиқиш билан қарадилар.

Чўлпон на Чор ҳокимияти даврида, на унга қадар бундай улкан қурултойнинг ўтказилмаганлиги сабабли Шўро ҳукуматининг бу тадбирини олқишлаб, Шарқ халқлари учун янги ҳаётнинг бошланаётганига ишон-

ди. У 1920 йил 4 августда, ҳали Тошкентдалик пайти-  
даёқ «Бокуга Шарқ қурултойига кетганда» деган шеър  
ёзиб, бутун борлигини тўлдириб турган туйғуларни  
бундай ифодалади:

Йўлимизда чўллар, сувлар, денгизлар,  
Бош-учини таниб бўлмаслик излар.  
Шу изларни босиб, денгизлар кечиб,  
Буюк амал билан борамиз бизлар.  
Юракдаги саклаб борган амаллар,  
Йўлардаги денгизлардан улуғроқ.  
Эзилганлар тилак тилар бу йўли  
Бурунгидан тўлуқроқ.

Маҳкам қилиб борланилган камарлар,  
— Тезроқ!

— Қанот!

Қушлар янглиф учайлик.

Кенг чўллардан, денгизлардан кечайлик,  
Шарқнинг эски чигалини ечайлик!

Бу шеър 1920 йили «Адабиёт парчалари» тўплами-  
да қайта эълон қилинганда, «Улуғ йўлда» деган янги  
ном олди. Бу ном шоирнинг Бокуга қутлуғ ният ва  
мақсад билан борганини англатиб туради.

*«...Бокуга ўтажак Шарқ халқлари конгрессини таш-  
кил қилиш фикрини Москвада, Бошқирдистон вакило-  
тида Жамол ва Ҳалил пошоларга биринчи марта мен  
айтган эдим, — деб хотирлайди Заки Валидий, — ле-  
кин бу ишни уюштириш вазифаси Сталиннинг Мил-  
лий ишлар комиссарлиги билан мусулмон коммунист-  
лар марказига тушди. Ишбоши ва конгресс раҳбарли-  
гига Зиновьев билан К. Радек тайинланди. Бу вақтда  
мен қочқин эдим. Шундай бўлса-да, Советлар бу кон-  
грессга менинг махфий келишимни билиб, қўлга туши-  
риш чораларини кўрди. 300 га яқин чекистга мени Боку,  
Астрахан, Дарбанд, Красноводск ва бошқа ерлардан  
тутиш вазифа қилиб қўйилгани ҳақида маълумот ол-  
дик. Уларнинг аксарияти мени кўрган, танийдиган ки-  
шилар экан».*

3. Валидийнинг шундай хавфли бир ҳолат вужудга  
келганига қарамай, Боку қурултойига бориши тарихи  
билан танишар эканмиз, унинг бошидан кечган бошқа  
бир воқеа хотирага келади. Боку қурултойидан кейин



бўлса керак, Валидий Хивадан Бухорога бориш учун сохта ҳужжат билан йўлга чиққан. У Чоржўйга етиб келганида, бундай ғаройиб ва кулгили ҳодиса содир бўлганки, уни ўзининг оғзидан эшитиш мароқдироқ бўлиши мумкин:

*«Хива Ҳарбий назорати берган ҳужжатга яхшилаб эътибор қилмаган эдим, — деб бошлайди у ҳикоясини. — Бунгача унинг кераги ҳам бўлмаган эди. Исми Абдулҳамид, фамилиям Сулаймонов деб ёзилгани эсимда қолган. ФКга (Фавқулодда комиссияга — Н.К.) бу қоғозни кўрсатдим, комиссар русчалаб: «Исминг нима?» деб сўради. Жавоб бердим. Отангнинг исми нима, деган саволига «Сулаймонов», дедим. Йўқ, Сулаймонов фамилиянг, отангнинг исмини айт, деди. Яна «Сулаймонов», деб жавоб бердим. ФК комиссарлигида менга шубҳа туғилди. Бу ҳужжат сеники эмас, дедилар. Комиссар шу ерда турган бир одамга таржимон олиб келишни айтди. Таржимон олиб келдилар. Аҳволим жуда оғир бўлса-да, сиримни очмадим. Бир оздан кейин узун бўйли бир озарбайжонни хонага таржимон сифатида чақирдилар. У кириб келганда, стол устида турган қоғозга кўз солиб, «отам»нинг исми Холмурод эканини зўрға билиб олдим. Таржимон сўрай бошлади:*

*— Исминг нима?*

*— Абдулҳамид.*

*— Отангнинг исми нима?*

*— Холмурод.*

*— Фамилиянг?*

*— Сулаймонов.*

*— Ҳозир бундай жавоб қиляпсан, аввал нега отангнинг исмини айтмадинг? — деб сўрадилар.*

*— Тушунмадим, фамилиямни сўрадингиз, деб ўйладим, — дедим...».*

Бу ҳангомадан маълум бўлишича, Валидий ўзининг махфий сафарларида сохта ҳужжатлардан фойдаланган, сохта ҳужжатларни олишда эса Чўлпон сингари ёр-дўстлари ва таниш-билишларининг исм-шарифлари унга асқотган.

Хуллас, Валидий шундай сохта ҳужжатларни пеш қилиб ўзбекистонлик ҳамда қозоғистонлик делегатлар билан бир поездда Бокуга келади.

*«Мен бу поездни, — деб давом эттиради у ҳикоясини, — 29 августда Ашхабоднинг ғарбидаги Бами деган кичкина станцияда кутиб олдим. Юк поездидан*

тушиб, уларнинг поездига илашдим. Биринчи кирган вагонимнинг ўзигаёқ Турор Рисқулов билан Иброҳим Жонзоқовни топдим. Боқуда қандай кўришажагимиз ва қандай ҳамкорлик қилишимиз ҳақида Красноводскдан кейинги Жебел станциясигача гаплашиб бордик. Шунда Турор жуда қизиқ бир хатни кўрсатди. Мен Москвадан кетганимдан кейин тўпланган Коминтерн конгрессига, рус хорижий ишлар комиссарлиги ва Коминтернда Яқин Шарқ бўйича билимдон деб танилган Павлович Яқин Шарқ ва Ўрта Осиёда ишлайдиган ўртоқлар учун бир номани кўпайтириб тарқатибди, лекин уни мусулмон коммунистларига бермаган экан. Таниш поляк коммунисти ундан бир нусхани бекитиб, Турорга узатган...»

Муҳтарам китобхон! Бу лавҳанинг на Чўлпонга, на Боку қурултойига бевосита алоқаси бўлмаганлиги учун каминадан ўпкаланманг. Ушбу китобдан ўрин олган ҳар бир факт ва ҳар бир хотира Чўлпон нафас олган, Чўлпонга завқ-шавқ берган, Чўлпонни заҳарлаган муҳитнинг манзараларини яратишга хизмат қилади. Қолаверса, улар Чўлпонларда ўзига нисбатан, адолатли эканлигига, инсонпарвар эканлигига, шарқпарвар эканлигига ишонч уйғотмоқчи бўлган тузумнинг ҳақиқий башарасини кўриш, демак, Чўлпонлар фожиасини бутун даҳшати билан ҳис этиш имконини беради.

«Унда қуйидаги фикрлар бор эди, — давом этади Валидий. — Яқин Шарқда, араб, турк, эрон, афғон миллатларида капитализм ва синфий қарама-қаршилик ривожланиб етмаганлиги сабабли бошқа қарама-қаршиликларни — диний ва тариқат жанжалларини кучайтиришга (эътибор беринг: диний ва тариқат жанжалларини кучайтиришга — Н.К.), бу қарама-қаршиликлар Советлар Русиясига яшовчи мусулмонлар орасига йўқолган тақдирда ҳам, кўшни мусулмон ўлкаларида уларнинг давом эттирилиши ва келажақда кучайтирилиши (ўзини дунёдаги энг адолатли деб атаган тузумнинг сиёсий ақидасига қаранг: уларнинг давом эттирилиши ва келажақда кучайтирилиши — Н.К.) кераклиги айтилган, шахсий ифво, савдогарлар ва шайхлар орасига баҳс ва келишмовчилик туйғуларини туқдириш (буни қаранг: қандай маккорлик-а!...)» — Н.К.) тавсия қилинган. Шарқ халқларининг тили, ёзуви тамом шакланмаганлигидан фойдаланиб, улар орасига қудратли адабий тиллар вужудга кели-

шига халақит бериб, агабий тилнинг халқ тилига яқинлашувидан фойдаланиб, бу халқларнинг тилини парчалаб юбориш (эвоҳ, қандай даҳшатли гаплар-а бу! — Н.К.) имконияти ва бунинг аҳамияти ҳақида айтилади. Бу миллатларнинг маданий ходимлари ҳамда ақл эгалари саноқли бўлганликларидан уларни бузиш ва йўқотиш ҳам унча қийин эмаслиги тушунтирилади...»

Афсуски, бизга маълум бўлган хотираларда, шу жумладан, З. Валидийнинг «Хотиралар» китобида ҳам Шарқ халқлари қурултойи ҳақида бошқа бирор калима сўз йўқ. Аммо қурултой материалларининг стенографик ҳисоботида қайд этилишича, 1—8 сентябрь кунлари бўлиб ўтган анжуманда 37 миллатдан 1275 делегат (жумладан, 61 нафар тожик, 47 нафар қирғиз, 35 нафар туркман, 15 нафар ўзбек ва 10 нафар қозоқ-иштирок этган. 15 нафар ўзбекистонлик делегатлар орасида — коммунистлар фракциясидан Рисқулов, Абдурашидов (Фарғонадан), Қориев, партиясизлар фракциясидан эса Норбўтабеков, Маҳмудов (Фарғонадан) бўлиб, улар қурултой ҳайъатига аъзо қилиб сайланган. Партиясизлар фракциясининг бошқа бир вакили — Абдулҳамид Юнусов (Чўлпон) эса котибият аъзоси бўлиб, туркийда сўзланган нутқларни рус тилига таржима қилиб турган.

Бугун, орадан 80 йилдан зиёд вақт ўтгандан кейин, қурултой материалларини варақлар экансиз, Шарқ халқлари қурултойининг Зиновьев билан Радеклар тазйиқи остида, Шарққа намойишкорона ҳурматсизлик билан ўтгани, унда большевикларнинг қуруқ сафсаталаридан бошқа тайинли бир гапни айтишга имкон берилмаганини кўриб, ҳайратга тушасиз. Миллий тилларда сўзланган нутқларнинг таржималари ҳам, аслиятлари ҳам ушбу тўпламдан, умуман, ўрин олмаган. Қандайдир йўл билан Турор Рисқуловнинг қўлига тушиб қолган ушбу хатдаги фикрлар қурултой ишига ўз захрини сочиб турган.

Бокуга катта умидлар билан борган Чўлпон Шўро ҳукуматининг Шарқ халқларига нисбатан ошкора тазйиқини кўриб, бадбин кайфиятга тушган бўлса ажаб эмас. Қурултойдан қайтгач, шоир у ҳақда бирор мақола, бирор сатр ёзмади. Аммо 19 август куни, Бокуда, ҳали қурултой бошланмасдан икки ҳафта илгари Ҳазор денгизи бўйларида сайр этар экан, ложувард

осмон чодирини секин-аста тешиб чиққан юлдузларга қараб, деган:

Гўзал юлдуз, нурли юлдуз, тез сўзла,  
Оталарнинг тарихдаги хатосин;  
Шул хатодан осуфланиб, ёвларнинг  
Эл кўксида сурган ишрат, сафосин...

Шоир гўзал юлдузга қанчалар ёлборган бўлмасин, ундан садо ҳам чиқмайди. Шундан кейин унинг ўзи сўзлашга, ўзи қўйган саволга жавоб беришга тутинади:

...Фалокатлар кўрган ота-боболар  
Истиқболнинг қимматини билмаган.  
Эл ва юртни сақлар учун сўнг хонлар  
Тузуқкина чора, тадбир қилмаган.

Шоир Бокута келиш олдида некбин кайфиятлар оғушида эди. Энди эса... Демак, у ҳам Турор Рисқулов кашф этган улуғ сирдан хабардор...

Биз, йўқсиллар, бошқаларга қул бўлиб,  
Чет оёқлар томонидан эзилдик.  
Ҳар ярамас, ҳар бузуқнинг тагида  
Алам ортган, жабр кўрган биз эдик.

Етар, бўлди. Мени гапга солдинг-да,  
Ўзинг унда тинглабгина турасан.  
Яна, тагин таъсирланиб сўзимдан,  
Оҳ-воҳ қилиб ўзни ҳар ён урасан...

Шарқ халқлари қурултойига бориб, умидлари чилчил синган Чўлпон яна аро йўлнинг ўртасида қолди.

«Қизил Шарқ» поездини ўзбек гупрофига юборишдан, ўнлаб газеталар, юзлаб варақалар, минглаб йиғилишларни ўтказишдан мақсад ҳам нафақат ҳали кўзи очилмаган халқни, балки Чўлпонларни ҳам шўролар тарафига ағдариш эди.

«Қизил Шарқ» поездлари эса, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, Москва билан жанубий республикалар ўртасида ҳамон қатнамоқда эди.

## «Бухоро ахбори»

1920 йил 2 сентябрда Бухорода шўро инқилоби ғалаба қозониб, Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти ташкил топди. 24 ёшлик Файзулла Хўжаев Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти Нозирлар кенгашининг раиси этиб тасдиқланди.

Бухорода амирлик тузумининг ағдарилишини сабрсизлик билан кутган кучлар бу тарихий воқеани қувонч билан қарши олдилар. Файзулла Хўжаев амир даврида, айниқса, эзилган, ҳақоратланган халқнинг умидорзусини оқлашга шиддат билан киришди. 1921 йил майида у «Бухоро ахбори» газетасининг фаолиятини жонлантириш, унинг Бухоро аҳолисига кўрсатажак таъсир кучини ошириш мақсадида Чўлпонни устози Фитратнинг маслаҳати билан Бухорога таклиф этди. Чўлпон ўша йилнинг май ойидан бошлаб «Бухоро ахбори» газетасида шоир ва журналист сифатидаги имкониятларини ишга солди.

«Бухоро ахбори» 1920 йил сентябридан бошлаб Бухоро Марказий инқилоб қўмитаси ва Марказий Иштирокиюн фирқасининг фикр тарқатувчиси сифатида чиқа бошлаган. Бу пайтда газета таҳрир ҳайъатининг масъулияти остида нашр этилган. Кейинчалик Саид Ахрорий, 1921 йилнинг 30 июнидан 1922 йилнинг 15 январигача Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) газетага муҳаррир сифатида имзо чеқдилар.

Шу кезларда қизгин илмий фаолият билан шуғулланган Чўлпоннинг, гарчанд муҳаррир сифатида бўлсада, Бухорога ишга бориши сабаблари у қадар ойдин эмас. Эҳтимол, у устози Фитрат билан ёнма-ён туриб ишлашни ўзига шараф деб билгани учун унинг таклифига розилик бергандир. Лекин агар у Тошкентдаги илмий ва ижодий ҳаётдан мамнун бўлганида, айниқса, оилавий ҳаёти равон кечганида, бизнингча, «Бухоро ахбори» газетасига ишга бормаган, эҳтимолки, Фитрат ҳам уни чорламаган бўларди. Аммо гап шундаки, Чўлпон сингари бўш-баёв, аммо ақлий ва ижодий салоҳияти ўткир кишилар кимларнингдир қудратли елкасига суяниб яшамаса, уларнинг 20-йиллар тегирмонида янчилиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Буни яхши билган Фитрат, эҳтимолки, Чўлпоннинг Файзулла Хўжаев паноҳида яшашини истагандир, Чўлпоннинг жила-қурса уйли-боғли бўлиши ва нисбатан тўқ тур-

муш кечириси мумкинлигига ишонгандир. Тошкентда, ижарада, гоҳ оч, гоҳ тўқ яшаётган Чўлпон оиласи учун Бухоро Халқ Жумҳуриятининг раиси яратажак имтиёзлар айти мудао эди.

Шубҳасиз, бу моддий имтиёзлардан муҳимроқ масала ҳам бўлган. Туркистон ва Оренбург воқеаларининг иштирокчиси Чўлпон қаерда ишламасин, у шўро назарида, шубҳали киши эди. Шунинг учун ҳам у ўзи тушган вазиятнинг кўпроқ шу томонини ўйлаб, яшаш ва иш манзилини Бухорога кўчирган бўлиши ҳам мумкин.

Бухоролик муаллифлардан бири — Абу Бозоров Чўлпоннинг «Бухоро ахбори» газетасидаги хизмат даврини 1921 йил 30 июндан 1922 йил 15 январгача, деб белгиланган. Чўлпон, шу даврда газетага муҳаррир сифатида имзо чеккани учун ҳам у шундай хулосага келган. Лекин «Клеубатра уйқуси» шеърининг Бухорода 1921 йил 17 май куни ёзилганини, «Барг» (1922 йил 3 май), «Юрт йўли» (1922 йил 13 декабрь), «Учтўртта юлдуз», «Баландликда», «Ўликларга» (ҳаммаси — 1923 йил 1—7 май) шеърларининг туғилиш манзили ҳам Бухоро эканлигини эътиборга олсак, Чўлпоннинг, гарчанд муҳаррир ўлароқ имзо чекмаган бўлса-да, шу вақт мобайнида Бухорода яшаганлиги маълум бўлади.

Чўлпоннинг «Бухоро ахбори»да эълон қилинган дастлабки мақолаларидан бири «Матбуот — кичик бир давлатдир» деб аталган. Газетанинг 30 июнь сонидан ўрин олган бу бош мақолада Чўлпон газета олдига қўйилган муҳим вазифаларни баён этиб, матбуотнинг 20-йиллар шароитидаги улкан тарғиботчилик ва ташкилотчилик ролига кенг тўхталган. Шу мақолада баён қилинган вазифаларни бажариш асносида Чўлпон газетага Файзулла Хўжаев сингари давлат арбобларини, Исмоил Сабоҳий, Абдулрасулхон, Юренев сингари хорижий дипломатлар, таниқли ва ёш ёзувчиларни муаллиф сифатида жалб этади; газетанинг мунтазам суратда чиқиб туриши, Бухоро халқ жумҳурияти ҳаётидаги муҳим масалаларни ёритиши, адабий публицистик жанрларнинг ранг-баранг бўлиши, тилининг ўзбек тили заминида адабийлашиши учун астойдил ишлайди. Шубҳасиз, ўзи ҳам шеър ва мақолалари билан газетанинг бош фоявий йўналишини белгилаб беришга интилади.

Чўлпоннинг муҳаррир сифатида ўз олдига қўйган вазифаларни қандай бажаришга киришганлиги унинг «Хукумат қурултойи» деган мақоласидан равшан кўри-ниб туради. Газетанинг 1921 йил 10 июль сонида бо-силган бу бош мақолада у Бухоро жумҳуриятининг бўлажак қурултойи олдидан муштарийларга «қурул-той» сўзининг маъно ва моҳиятини тушунтириб, бун-дай ёзган:

*«Қурултой» деган сўз бу кунги бухороликлар учун ёт сўздур, таниш эмасдур. Бунинг сабабини, йўлини, фойдасини Бухоро улуси бирдан тушуна олмайдур. Биз, Бухоро, умуман, Туркистон халқи, ўзимизнинг билмас-лигимиз, онгсиз, эпсизлигимиз сабабли «қурултой» сўзи-ни англамоқ ҳам бу сўз тарихимизнинг энг эски бир ўртоғи, қалин бир дўстидур. Бурунги турк ҳукуматла-ридан ҳар бири иш бошига ўтканда, ҳаммадан бурун умумий бир мажлис чақирар эди. Бу мажлиска мамла-катнинг буюклари, халқ тарафидан сайлангон оқсо-қоллар тўпланар эдилар. Янги ҳукуматнинг сиёсати, идораси, салоҳияти тўғрисида гапурур эдилар. Кенга-шиб, машварат қилиш, қонунлар ясар эдилар. Бу қонун-ларнинг ижросини ҳукумат кишиларига топшуруб, ўз йўлларига қайтар эдилар. Мана шул умумий мажлис-нинг оти «қурултой» эди. Эски турк ҳукуматлари бош-ларига улуғ бир иш тушганда ҳам қурултой чақириб, мушуқларини халқнинг кенгаши билан ҳал қилур эди-лар. Тугунларни элнинг тирноғи билан ечар эдилар. Мамлакат идораси учун энг тўғри, энг фойдали йўл шул эди. Лекин замон бизни бу тўғри йўлдан чиқариб, узоқроқ отди...»*

Чўлпон «қурултой» сўзининг маъзини чақиб берар экан, бир томондан, халқнинг кўзини очмоқчи, унинг тарих мурвати эмас, ижодкори бўлиши учун уни иж-тимой масалалар ечимига жалб этмоқчи бўлган бўлса, иккинчи томондан, Файзулла Хўжаев раҳбар бўлган янги жумҳуриятнинг халқ билан бамаслаҳат ишлаши лозим, деган залворли фикрни ҳам олға сурган.

Чўлпон ана шундай чиқишлари билан газета айни пайтда раҳбар идорага ҳам сабоқ бериши мумкинлиги ва зарурлигини кўрсатди. У мазкур мақоласида оддий муҳаррирдан донишманд жамоат арбоби даражасига кўтарилди ва нафақат ўз даври, балки эртанги кун учун ҳам аҳамиятли фикрларни ўртага ташлади.

У Бухоро Халқ Жумҳуриятининг бўлажак қурул-

тойи олдидан халққа дастлабки тушунтирмаларни бер-  
гач, ёзади:

*«Шул муқаддима билан олдимиздаги ҳукумат қурул-  
тойининг қандай муҳим ва улуғ бўлғонини кўрсатмоқ  
истадиқ. Эҳтимол, халқнинг тинчлиги билан тинчсиз-  
лиги, ватаннинг саодати билан фалокати, ҳукумат-  
нинг интизоми билан бузуқлиги шул қурултой нати-  
жасига муқаррар бўлур.*

*Юборилғон вакиллар, сайланғон кишилар тўғри, ин-  
софли, виждонли ва халқ фойдасини тушунганлар бўлса,  
бу қурултойдан кейин халқ тинч, ватан маъсуда, ҳуку-  
мат мунтазамли бўлур...»*

Кўрамизки, Чўлпон-муҳаррир, Чўлпон-журналист  
масалага аввалам бор халқ манфаати нуқтаи назари-  
дан ёндашиб, «Қизим, сенга айтаман. Келиним, сен  
эшит!» деган ақида асосида янги ҳукуматга, уни Бухоро  
таклиф этган Файзулла Хўжаевга ўғит бермоқда.

Газетанинг шу сонидан Чўлпоннинг «Афдарилиш»  
деган шеъри ҳам ўрин олган. Муаллиф бу шеърда зул-  
ми, шафқатсизлиги билан машҳур бўлган Бухоро ами-  
рини кўқларга кўтарган сарой шоирларига мурожаат  
этиб, уларни риёда айблайди; биргина амирнинг роҳат  
ва фароғати учун бунёд этилган саройларда энди халқ  
салтанати вужудга келаётганини айтиб, унинг — ёлғон-  
чи шоирнинг рубоби шундай пайтда сукутга толганидан  
ўпкаланеди:

...Алданган шоир!

Сен зулмининг эгри таёғини олтидан бўлгани учун  
мақтадинг.

Ёлғончи шоир!

Зулм таёғи эгри эди, сен уни жаннатнинг буралиб-буралиб  
оқатурғон кавсар сувларига ўхшатдинг.

Энди ул саройлар, ул жойларда улуғ бир абадиёт билан  
халқ салтанати қуриладур.

Дехқон эски чоригини судраб кириб келаду.

Асноф-асбобини белига қистириб югуриб юраду.

Нега индамайсан, нега тиндинг?

Ёлғончи шоир!

Бу сочма шеърдан аён бўлганидек, Чўлпон собиқ  
Бухоро амирлигида ҳақиқий халқ давлати барпо эти-  
лаётганига астойдил ишонди. У бу мамлакатни Фрун-  
зе қўшинлари эмас, балки Файзулла Хўжаев раҳбар-  
лиги остида Бухоро аҳолиси бунёд этмоқда, деб ўйла-



ди. Ана шу ишонч унинг, айниқса, «Халқ» шеърида балқиб кўринди. Газетанинг 20 июль сонисида босилган бу шеърда Чўлпон халқнинг нафақат бунёдкорлик кучига, балки тарих ҳаракатига таъсир кўрсатувчи беадад қувватига ишонган, шу масалада романтик хаёллар гирдобидида қолган шоир сифатида гавдаланди. Гарчанд, Чўлпоннинг «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир» ёхуд «Бутун кучни халқ ичидан олайлик» сингари сатрлари ҳақиқат нуридан ҳоли бўлмасида, унинг шимолдан, Москвадан келаётган хавфни ҳис этмагани большевикларнинг тажовузкор ниятлари ва ишларидан огоҳ эмаслиги маълум бўлди. Эҳтимол, ундаги ана шу ишонч Файзулла Хўжаевга ортиқ даражада ишонган Фитрат орқали ўтгандир. Эҳтимол, у ўзидаги ана шу ишончни халққа юқтирмоқчи, унинг онгига қўймоқчи ва унинг кучини ўзи кўзлаган мўлжалга сафарбар қилмоқчи бўлгандир.

\* \* \*

Чўлпоннинг Бухорога кўчиб бориши тошкентлик биродарлари учун кутилмаган ҳодиса бўлди. Улар Чўлпонни қайноқ ҳаётдан, курашдан қочди, деб гап тарқатдилар. Чиндан ҳам, Андижондан ўз ижодининг ўсиши учун Тошкентга майдон ва имкон излаб келган шоирнинг Бухорога бош олиб кетишида қандайдир сир бор эди. Унинг тошкентлик ёр-биродарлари ана шу сирни билмай, роса гаранг бўлдилар. Улар ўртасида тарқалган «миш-миш» Бухорога ҳам етиб борди. Шоир биродарларининг гинахонлигига жавобан «Мен қочмадим» деган шеърини ёзди.

Мен қочмадим! Нега мени «қочди» деб,  
Йўқга мунча шовқин-сурон қилдингиз?  
Қучоғини «ўзлиги»га очди, деб  
Оқ исмимга қора занжир илдингиз?

Мен «ўзлик»дан кўпдан бери узилиб,  
«Кўплик» ичра ботиб кетган танамен.  
У «кўплик»нинг қайғусида чўзилиб,  
Қулоч отиб, сузиб юрган — яна мен.

Мен янгилар ўлкасидан синмаган  
Бир қанотни тақиб олиб қўзғолдим.  
Шу йўлимда япроқлари сўлмаган  
«Ёш оғоч»нинг соясида тўхтадим.

Чўлпон айтган «ёш оғоч», шубҳасиз, Файзулла Хўжаевдир. Демак, у Файзулла Хўжаев билан ҳамкорликда ишлаш жамиятга кўпроқ фойда келтириши мумкин, деган ўй билан Бухорога борган.

Чўлпон «Бухоро ахбори»га муҳаррирлик қилар экан, ижодий фаолияти билан «халқ салтанати»нинг оёққа туришига холиқулудда ёрдам кўрсатишга уринди: аҳолининг маданий савиясини ошириш мақсадида санъат ва адабиётга доир мақолалар ёзди, Бухоронинг ижтимоий ҳаётида рўй бераётган янгиликларни тарғиб қилди, янгилик ниқоби остида қилинаётган куфр ишларга қарши астойдил курашди. Чунончи, у газетанинг 1923 йил 7 май сонида, Бухородан кетганидан кейин, «инқилобий ҳукумат» томонидан шаҳар ичидagi қабрларнинг йўқотила бошлашига қарши ҳароратли мақола билан чиқди. «Ўликларга қарши» деб номланган бу мақолада марҳумларнинг руҳини ҳурмат қилиш тирикларнинг бирламчи вазифаси эканлигини у киноявий оҳангда, акс фикрларни айтиш орқали тунгунтирмоқчи бўлди.

Мана бу заҳарли сўзларга эътибор беринг-а!

*«Рухларини бошқаларга топшириб, ер остига яширинган кишилар учун етар ортиқ бу ҳурмат!*

*Тириклик қайнаган, турмуш вулқонланган, иш тўлиб тошган, кураш қутурган жойларда энг қиммат тупроқларни ўликлар эгаллаб ётмасинлар.*

*Ўликларнинг қони, ёт ислари тор, ҳавосиз кўчаларимизда буғланиб юриб, гайди шамолларнинг кучлари билан қанотланмасунлар!*

*Қанотланмасунлар-да, ҳаётдан қатралар эмган тоза димоғларимизга кириб қолмасунлар!..»*

Бундай аччиқ сўзлар билан тўлиб-тошган бу мақола Чўлпоннинг «Бухоро ахбори» саҳифаларидаги сўнгги чиқишидир.

1921 йилнинг эрта ёз ойларида Бухорога борган Чўлпоннинг орадан бир-икки йил ўтар-ўтмас, Тошкентга қайтиб келишининг сабабларидан бири Файзулла Хўжаевнинг секин-аста ўйинчоқ раисга айланиб келаётгани, жумҳурият жилови «инқилобий ҳукумат» кўлига — фрунзечилар ихтиёрига ўтиб бораётгани, улар эса ҳатто ўликларнинг ҳам тинчини буза бошлаганларида эди. Қолаверса, Обиданинг Бухорода кўрсат-

ган нағмалари-ю хижолатли ишлари ҳам уни Тошкентга қайтишга мажбур этган.

1921 йилнинг январь-февраль ойларида Чўлпон хасталикка йўлиқиб, ҳарбий хастахонага тушган. Чўлпоннинг шу даврда ёзган шеърлари асосида айтиш мумкинки, у 4 январдан 5 февралга қадар, яъни бир ойдан зиёдроқ ҳарбий хастахонада ётган. Агар шоирнинг дастлабки «хаста» шеъри ёзилган 4 январга қадар ва сўнги «хаста» шеъри ёзилган 5 февралдан кейин ҳам хастахонада даволанган бўлиши мумкин, деб ҳисобласак, унинг узоқ вақт тўшақда ётгани маълум бўлади. Бундан ташқари, «Оғриганда» шеърдан аён бўлганидек, Чўлпон 16 февраль, яъни шу шеър ёзилган куни ҳам хаста бўлган. Демак, у камида бир ярим ой мобайнида тўшақбанд ётган.

60-йиллармикан, Чўлпонни оқлаш ҳаракати эндигина бошланган кезларда тегишли идора ходимлари шоирнинг 1921 йил январидида ҳарбий хастахонага тушиши сабаблари билан қизиққан эдилар. Шунда на биз, ёшлар, на катта олимлар уларнинг саволларига эпақалик жавоб бера олмаганмиз. Лекин, орадан шунча йиллар ўтса ҳамки, ўшанда Чўлпоннинг бошига қандай савдо тушгани номаълум бўлиб келмоқда.

Шоир 21 январь куни ёзган шеърда бундай дейди:

Оғриқ қолди, қайғи қолди, зор қолди,  
Сўнук кўзли, бағри эзик ёр қолди...

16 февраль санали шеърда эса бундай сатрлар бор:

Бўғиқ, қисик, асабий бир кўнгил билан тун-кун  
Тўшақда, ўйлар орасинда инграниб ётмак  
Оғир... қийин...

Шоирнинг хасталик ҳолатини тасвирловчи сўзлар фақат шулардан иборат. Шунинг учун ҳам улар асосида бирор хулосага келиш осон эмас. Ҳар ҳолда айтиш мумкинки, Чўлпон шу кезларда, айрим кишилар тахмин қилганларидек, ўзини отмоқчи ҳам ёхуд кимнингдир ўқидан ярадор ҳам бўлган эмас. Акс ҳолда бундай воқеа замондошларнинг хотиралари орқали бизга, албатта, етиб келган бўлар эди.

Энди раҳматлик Абул Бозоров тўплаган бир шингил хотирага ҳам ўрин берсак.

Бухоролик маориф ва меҳнат фахрийси Ҳасан Бобоевнинг ҳикояси:

— Шоир Чўлпон Лабиҳовузнинг шимолидаги, бир замонлар обод бўлган Бозоригул гузарига, Муҳаммадқул деган кишининг ҳовлисида турган. Бурунги замонда бу жой худди чаманзорни эслатарди. Ранг-баранг гуллар қўйилган растада доим гул шайдолари-ю ошиқлар, маъракачиларни кўрардингиз. Гузарнинг ёнгинасида такхона усулида ер остига қурилган қадимий Мавлонаи Шариф маграсаси, хусусий карвонсарой ва шикастбандларнинг хонадонлари бўлган. Гузар хушхаво, нафис манзарали бўлган. Хуллас, шоир ўз таъбига мос, илҳомбахш манзилни топган. Бу ҳовли Абдулазизхон маграсаси билан Абдуллахоннинг тими ўртасидаги доирада эди. Аксар вақтлар Чўлпоннинг гузардан чиқиб, ишга кетаётганини, кечкурунлари эса бир-икки биродари билан келаётганини кўрардим. Ёш бола бўлганим, шоирга ҳеч қандай ишим тушмагани учун одоб сақлаб, мулоқотда бўлишдан ўзимни тийганман. Гузардаги баъзи бинолар, жумладан, Чўлпон истиқомат қилган кулба ҳамда маграсанинг бир қисми сақланиб қолган.

Чўлпоннинг 1921—1922 йилларда Бухорода бўлишига оид яна бир хотира бор. Гарчанд бу хотира Чўлпоннинг «Бухоро ахбори» газетасидаги фаолиятига мутлақо алоқасиз бўлса ҳам унинг шу даврдаги ҳаётига кичик бир чизги бўлиб қўшилиши мумкин.

Заки Валидийнинг ёзишича, Харгушдаги Миллий марказда хизмат қилаётган кезлари унинг ихтиёрига Бухородан бир ҳовли ажратилган ва у бу ҳовлига ҳар икки кунда бориб-ётиб турган. Бундан хабар топган Чўлпон ўқтин-ўқтин шу ҳовлига бориб, Валидий билан учрашиб, суҳбатлашмоқчи бўлган. Лекин Валидий шу кезларда Шўро ҳукуматини афдариш мақсадида тузилган яширин ташкилотга алоқадор бўлганлиги учун Чўлпон билан учрашишдан ўзини тийиб, «Шоир зотининг оғзига гап турмайди», деб уни қабул қилмаган, уйдагилар эса унинг йўқлигини айтиб, жўнатиб туришган. Ўзига нисбатан бундай ишончсизлик кўрсатилаётганини сезган Чўлпон,

албатта, хафа бўлган ва бир куни: «Эвоҳ, шу шоир-лигим туфайли оғзим бўш бўлмаганида, сиз билан кўришган бўлардим», деган мазмунда шеър ёзиб кетган.

Шу воқеадан кейингина Валидий Чўлпонни қабул қилиб, у билан суҳбат қурган.

Кейинчалик маълум бўлишича, Чўлпоннинг Валидийни ахтаришлари сабабсиз эмас экан. Ўша кунлари Валидий билан учрашиш ниятида Бухорога келган профессор А. Н. Самойлович ўз ниятининг рўёбга чиқиши учун Чўлпоннинг хизматидан фойдаланмоқчи бўлган. Аммо Валидий ўша йиллардаёқ яширин сиёсий фаолият қонун-қоидаларини яхши билганлиги сабабли, ҳатто эски дўстига ҳам ишонч билдирмаган.

\* \* \*

Шундай қилиб, Чўлпон 1921 йилнинг ўрталаридан 1922 йилнинг 15 январига қадар «Бухоро ахбори» газетасига муҳаррирлик қилди, сўнгра БХШЖ Маориф нозирлигида фаолият олиб борди. Январ ойида оғир хасталикка чалиниши ва узоқ вақт давомида газетага қарай олмаслиги сабабли муҳаррирликдан бўшатишларини сўраб, ариза ёзди. Ёш жумҳурият раиси Чўлпоннинг газетадан озод бўлишига розилик берган бўлса-да, унинг Бухородан кетишини истамай, тахминан ўша кунлардан бошлаб Маориф нозирлигига ишга ўтказди. Чўлпон 1922 йил 20—21 март кунлари Туркистон маориф ходимларининг Тошкентда ўтган қуролтойига Бухоро Халқ Шўро Жумҳурияти Маориф нозирлигидан меҳмон сифатида иштирок этди. Кекса педагог Йўлдош Абдуллаев ихтиёридаги ҳужжатларга кўра, уни Туркистон маориф халқ комиссарининг ўринбосари Фёдор Оликов шахсан таклиф этган эди.

Чўлпон юксак маданият ва ички интизом соҳиби сифатида, айниқса, сафар чоғларида хотира дафтари тутган. Унинг Бухорода тутган дафтари Чўлпон ҳаётининг шу даврига оид турли-туман тафсилотлар билан тўла бўлган. Афсуски, бу дафтар қатли ом йилларида унга қарши хизмат қилиши мумкинлиги сабабли шоир томонидан куйдириб юборилган.

Чўлпон 1923 йил 4 май куни Бухорода бундай тўртлиқни ёзган эди:

Оқшом чоғи муңда кел-да, сайр эт  
Қобуси адам билан фанони.  
Интилма самога, тўхта, сабр эт,  
Бу ерда таниб ол оқу қарони!..

Бу тўртликдаги «қобуси адам» сўзлари йўқлик ма-софаси, деган маънони англатади.

Шоир бу шеърга «Баландликда» деб сарлавҳа қўйган. Бу баландлик қаер — Аркми ёхуд Бухоронинг бошқа бир жойими — бу бизга номаълум. Чўлпон бизга бугун-ги воқелиқдан бир оз баландликка кўтарилиб, бу ўткин-чи оламни сайр этишга маслаҳат беради, лекин самога — раҳбарларга интилмаслик лозимлигини писанда қилиб, бизни оқ-қорани ажратиб олишга чақиради.

Бу шеърда, назаримда, бошқа маъно ҳам йўқ эмас. Чамаси, у самога интилиб, дакки еган-у аммо, шу жа-раёнда оқ-қорани таниб, ажратиб олган. Агар бу шеър-ни шундай ўқиш тўғри бўлса, у ҳолда «само»нинг ўзи ким бўлди экан?...

## **Балжувон**

Чўлпон шу кезларда, бир томондан, ёш Шўро дав-лати билан ҳамкорлик қилган (гоҳ Тошкентда «РўсТО» босма деворий газетасини чиқарган, гоҳ Бухорога бо-риб, шўролашиб бораётган халқ жумҳуриятининг қад тиклашига кўмаклашган) бўлса, иккинчи томондан, шўролар туфайли рўй бераётган хунрезлик ва адолат-сизликларни кўриб, жигархун ҳам бўлди.

1921 йили, ҳали Бухоро сафарини ихтиёр қилма-сидан аввал, Чўлпон ота юртига борди. Андижон ав-валги сокин шаҳар эмас, балки бузилган арининг уяси эди. Шоир ўз кўзи билан кўрган мунгли манзаралар-нинг икки-уч йил ичида, шўролар даврида рўй берга-нини туйди. Азамат ўлканинг бошига йиғилган қуюқ кўланкалар эртанги куннинг ҳам нотинч бўлишидан дарак берарди. Шоирни чирмаб олган изтиробли хаёллар тўлқин уриб, қоғозга тўкилди:

Эй тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,  
Нима учун бошингда қуюқ булут-кўланка?..

Чўлпон куни кеча кўргани ватандошларининг — гўзал қизлар, ёш келинларнинг йўқлигини, кўмкўк,

гўзал ўтлоқлар устида на подани, на йилқини, на по-  
дачини кўриб, от кишнаши, қўй маъраши ўрнига йиғи  
овозини эшитиб, азобга тушди. Унинг туйғулари бир  
мушт ўлароқ йиғилиб, бу разил воқеликни яратган  
кучга қаратилди:

Сенинг қаттиқ сир-бағрингни кўп йиллардир эзганлар,  
Сен безсанг-да, қарғасанг-да, кўкрагингда кезганлар.  
Сенинг эркин тупрофингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар,  
Нега сени бир қул каби қизганмасдан янчалар!  
Нега сенинг қалин товшинг «кет» демайди уларга!  
Нега сенинг эрки кўнглинг эрк бермайди қўлларга?  
Нега сенинг танларингда қамчиларнинг кулиши?  
Нега сенинг турмушингда умидларнинг сўлиши?..

Чўлпон «Бузилган ўлкага» шеърини дoston деб ата-  
ган.

Менимча, у Бухорога бориб, газета юмушлари би-  
лан банд бўлганида ҳам Андижондаги унинг қалби ва  
вужудини ўртаган бу манзаралар ва бу сатрлар унут  
бўлмагандир. Борди-ю Чўлпон уларни унутганида ҳам,  
1921 йил кузида, Бухорода Анвар пошо билан учраш-  
ганида, у тасвир этган воқеалар ўша мудҳиш манза-  
раларни қайта тирилтирган бўлиши шубҳасиз.

Анвар пошо турк султонининг куёви ва Туркия-  
нинг ҳарбий нозири бўлган. У 1920 йили дастлаб Мос-  
квага, сўнг Боку қурултойига бориб, ҳароратли нутқ  
сўзлаган. Шундан кейин у Туркистонга ўтиб, агар шўро  
махфий хизмати ходимлари тўғри маълумот берган  
бўлсалар, Иброҳим Жонзоқов, Мунаввар қори синга-  
ри миллий озодлик ҳаракатининг раҳбарлари билан  
учрашган ва «Миллий иттиҳод» ташкилотининг тузи-  
лишида яқиндан иштирок этган. Аммо бу ташкилот  
айфоқчи аъзолардан бирининг хоинлиги орқасида 1921  
йил кўкламида фош этилиб, ўз фаолиятини асосан  
тўхтатган. Шундан кейин Анвар пошо Москвага бо-  
риб, бир томондан, ислом дунёсини бирдамликка, ик-  
кинчи томондан, туркистонлик маслақдошларини шўро-  
лар билан келишишга чақирди.

Шу ўринда Заки Валидийнинг қуйидаги сўзлари  
1921—1922 йилларда Туркистонда вужудга келган ва-  
зиятни тўғри тушунишимизга ёрдам беради:

*«Туркларнинг иттифоқчиларга (яъни Антантага —  
Н. К.) қарши олиб борган қонуний кураши билан Тур-*

кистоннинг советларга қарши миллий мустақиллик учун йўналтирилган курашини бирлаштириб бўлмаслигини тушуниб, Анвар пошонинг бу насиҳатларидан жонимиз азобда эди. Унинг Туркистондаги курашга қўшилиши тўғрисида ҳам хабар келди. Биз яширин иш олиб бораётган бўлсак-да, бу курашни совет муассасаларида ва коммунистлар партиясида расмий вазифаларда ишлаётган дўстларимиз билан муфассал маслаҳатлашиб, бир йўналишда олиб борардик. Туркистондаги бизнинг курашимиз Русиянинг эски масаласи бўлиб қолиши, расмий вазифаларда ишловчи ўртоқларимиз Туркистон мусулмонларидан тузилган расмий қизил миллий аскарний бўлимларни кучайтириши, совет муассасаларида ва партия сафида мусулмон зиёлиларнинг сонини кўпайтириш ҳақида чет эллар билан алоқа ўрнатилгандан кейин ҳам очиқ гапирмай юриш керак эди. Шунинг учун Бошқирдистондан келган бошқирг батальонини шундайгина босмачилар томонига ўтказса олсам ҳам, Турор Рисқулов сингари раҳбарлар (расмий равишда ҳукумат вазифасини бажарувчилар) бу батальонни босмачиларга қўшмасдан туриб, советларнинг расмий армияси сафида миллий қисм сифатида қолишларини сўрашди. Улар, шунингдек, бошқа миллий қисмларнинг ҳам кўпайишини, босмачиларнинг бир қисмини миллий армия бўлимларига қўшиб расмийлаштиришни, агар бу иш яхши юришиб кетса, яширин иш олиб бориш билан шуғулланувчиларни ҳам Бухорода ёки Шимолий Бухорода расмий хизматга жалб этмоқчи эканликларини айтдилар».

Шундай қилиб, Туркистондаги миллий кучлар большевиклар билан муросаи-мадора йўлига ҳали кирмаган эди. Аксинча, улар, бир томондан, шўро идораларидаги миллий истиқлол учун курашчилар сафини кенгайтирмоқда, иккинчи томондан, «босмачилик ҳаракати»нинг янада ўт олиши учун барча чора ва тадбирларни кўрмоқда эди. Ана шундай шароитда Анвар пошонинг Туркистонга келиши ва бу ердаги курашга қўшилиши манфий натижаларни келтириб чиқариши мумкин эди. 3. Валидий бу янги тарихий вазиятни таҳлил қилиб шундай ёзган:

«Агар Анвар пошо ҳам бизга қўшилиб, советларга қарши очиқ курашга ўтса, советлар ҳам иттифоқдош давлатлардан ёрдам олиб, босмачиларга қарши курашни кучайтиражак. Биз, яъни Туркистондаги босмачи-



лар эса, ҳукумат доираларидаги ўртоқларимиздан ажралишга мажбур бўламиз, шунингдек, чет эллар билан алоқаларимизни ҳам йўқотажакмиз. Бизнинг халқимиз тўғрисида дунё миқёсида сўз кўпаяди».

Заки Валидийнинг Чўлпондан сир тутмоқчи бўлган нарсаси — шўроларга қарши ана шу кураш режалари эди.

3. Валидий ва унинг маслақдошлари Анвар пошонинг Туркистонга келиши миллий ҳаракат учун кони зарар эканлигини қанчалик гапирмасинлар, у 1921 йилнинг сентябрида Бухорога келади.

«СССРдаги аксилшўровий яширин ҳаракатнинг тугатилиши» деган китоб (Москва, 1986) муаллифи Д. Л. Голиков берган маълумотга кўра, Анвар пошо Бухородаги Шўро ҳукумати раҳбарлари билан учрашиб, уларга Қизил Армиянинг миллий қисмларини шакллантиришда ёрдам бериш истагида эканлигини айтган. Лекин шароитни яхши ўрганганидан кейин Анвар пошо Эски Бухородан Шарқий Бухорога, Бухоро Шўро ҳукуматининг армиясига қарашли миллий қисмнинг собиқ кўмондони Дониёрбекнинг ихтиёрига ўтган. 1921 йилнинг сўнгида эса у ислом қуроли кучлари бош кўмондони ва Бухоро амирининг ноиби деган лавозимда Шўро ҳукуматига қарши ҳаёт-мамот курашини бошлаган.

Анвар пошо Бухорога аниқ ҳаракат режаси билан келмаган эди. Шунинг учун ҳам у Бухорода турли тоифаларга мансуб кишилар билан учрашди. Валидий унга босмачилар сафида туриб жанг қилишни маслаҳат бермади. Аммо бошқа эътиборли кишилар «Туркистон буюк бир одам томонидан озод этилажак», деб унга оқ фотиҳа бердилар.

Боку қурултойида Анвар пошо билан учрашган ва унинг оташин нутқидан таъсирланган Чўлпон ҳам шу кезларда у билан бир неча бор кўришган ва унинг «босмачилик ҳаракати»га қўшилиб, Туркистонни озод қилиш режасини катта умид ва қувонч ила қарши олган кўринади.

Пошо Шарқий Бухорога ўтиши арафасида хос навқари Муҳиддинбекни Туркияга қайтариб юборган ва унга бундай сўзларни айтган: «Туркистон учун курашмоқ керак. Агар ҳақ иш йўлидаги ўлимдан кўрқсанг, ўзингни итларча яшашга маҳжум этган бўласан. Агар биз бу ишга киришмасак, келажак авлодларнинг лаънатига қоламиз. Қутулиш йўлини излаб ўласан-да, ўзи-

*миздан кейин келажак авлодларга озодлик ва бахт йўлини кўрсатган бўламиз».*

Чамаси, Чўлпон ҳам пошонинг шундай таъсирли сўзларини эшитиб, унинг Туркистонга нажот олиб келиш учун босмачилар сафига қўшилганидан миннатдор бўлган ва «шарқий фронт»дан хуш хабарлар келишини кутган.

Анвар пошо «Миллий иттиҳод» ташкилоти ёрдамида Шермуҳаммад ва Жунаидхон бошчилигидаги босмачилар билан шартнома тузиб, уларнинг Қизил Армияга қарши қаратилган ҳаракатларини идора этиб турди; қарийб бутун Шарқий Бухорога қарашли ерларни эгаллади ва икки ойлик қамалдан кейин Душанбени ҳам ишғол этди. Аммо 1922 йил 4 август куни афғон чегарасига яқин жойда, Балжувондан етти-саккиз чақирим узоқликдаги Чекен қишлоғида 8-отлик рус аскарлари бригадаси билан бўлиб ўтган тўқнашувда Анвар пошо ҳалок бўлди.

Пошонинг ўлими тўғрисидаги хабар биринчи бўлиб рус газетасида босилди. Туркистонликлар эса унинг ўлиши мумкинлигига узоқ вақтгача ишонмай юрдилар. Зеро, Анвар пошо улар назарида Туркистонни рус босқинидан озод қилиш учун Оллоҳ таоло томонидан юборилгандек эди.

Анвар пошо ҳалок бўлган кун ҳам жумъага, ҳам Қурбон ҳайитига тўғри келди. Эртаси, ҳайитнинг иккинчи куни 12—20 минг нафар киши иштирокида у ўша ерда дафн этилди. Дафн маросимида қатнашган баъзи бир кишилар, «мўйи муборак», деб пошонинг соқолидан мўй олдилар. Унинг қўл ва оёқларини ўпувчиларнинг эса ҳад-ҳисоби бўлмади.

*«Анвар пошо менга, — деб ёзган эди З. Валидий, — «Марҳум Талъат пошо сингари Берлин кўчаларида бир армани ўқидан ўлишни истамайман, жонимни турк мамлакати озодлиги учун фидо қилишни хоҳлайман. Фозий бўлмасак, шаҳид бўлармиз», деган эди. У, шак-шубҳасиз, бир идеалист ва ундаги Туркистон озодлиги учун жонини беришга тайёрлик туйғуси, албатта, самимий эди. Орзусига эришди ва номи Туркистон тарихида абадий қолди».*

Анвар пошонинг истилочилар билан жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлганини эшитган шоирлар ва шoirтаъб кишилар кўплаб марсиялар ёздилар. Чўлпон ҳам пошонинг вафотидан қаттиқ ларзага тушди. У ёзган

«Балжувон» марсияси бирор жойда эълон қилинмай туриб, оғиздан-оғизга, шаҳардан-шаҳарга, юртдан-юртга тарқалиб кетди.

Мана, ўша марсия:

Фарёдим дунёнинг борлигин бўлсин!  
Умиднинг энг сўнгги ипларин узсин!

Фазабдан титраган ёш бир йигитнинг  
Тоғдек сийнасига ўқлар ўрнашмиш.  
Тоғларда эрк учун юрган кийикнинг  
Қора кўзларига мотамлар кирмиш.  
Дарёлар, тўлқинлар титратган бир эр  
Зарбалар қаҳридан йиқилмиш-қолмиш.  
Қутқариш юдузи йўқликка кирмиш,  
Сенинг сўнг жонингни ёвларинг олмиш.  
Мармара бўйлари, Эдирна йўли,  
Чаталжа кенглиги, Бўғоз торлиги,  
Карпат баландлиги, Тараблус чўли,  
Гўзал Селаникнинг ширин боғлари.  
Шаҳидлар юзига томгучи нурлар,  
Қонлар йиғлатди-ку бизни бу хабар.  
Берлин кўчалари йигитнинг бирин  
Тўп-тўлуғ гулбелер қўйнига олди.  
Тифлис ҳаволари бир нажот эрин  
Қора қонга бўяб, ерларга солди.  
Тарихнинг рангини кўп қонлар билан  
Қорайтган, толдирган бироқ Балжувон.  
Энг сўнгги умидни қонга бўяган,  
Оҳ, қандай угурсиз замонлар келган.

Фарёдим дунёни бўйиб ўлдирсин!  
Қоп-қора бахтимга шайтонлар кулсин!

Бу марсиядан аён бўлганидек, Чўлпоннинг ўз юрти-ни озод кўрмоқ умиди Анвар пошо билан боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам у пошонинг ўлими билан Қутқариш юдузининг йўқликка кирганини айтиб, фарёд кўтарди.

Ўзбек мусиқасининг 20-йиллардаги тарихига даҳлдор олимлар «Балжувон» деган марш оҳангидаги мусиқий асарнинг бўлганидан хабар берадилар. Бу мотам кўшиғи, Анвар пошонинг ўлимига бағишланган марсия бўлиб, унинг ларзакор сўзлари Чўлпон юрагидан отилиб чиққан эди.

## «Нашри маориф»

Дунёқараши 1917 йилга қадар шаклланган ва шу даврда маърифатпарварлик фаолияти билан шуғулланган ўзбек зиёлилари Октябрь инқилобидан кейин ҳам халқни маориф ва маданиятнинг тансиқ мева-ларидан баҳраманд этиб боришни ўзларининг виждоний бурчлари, деб билдилар. 1922 йилнинг сўнги кунларида навбатдаги норасмий йиғинларига тўпланган тошкентлик зиёлилар «Нашри маориф» номли янги жамиятни ташкил этишга қарор қилдилар. Мунаввар қори Абдурашидов ташаббуси билан тузилган бу жамиятнинг таъсисчилари эса яна ушбулар эди: Умархон Акрамхонов, Маннон Рамзий, Саидносир Миржалилов, Толибжон Мусабоев, Шокиржон Раҳимий, Муҳаммад Усмонов, Ҳолмуҳаммад Охунов, Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон) ва Ҳамидулла Орифхонов. 1923 йил 1 январда «Туркистон» газетасида ана шу таъсисчилардан таркиб топган ижроия гуруҳининг Туркистон республикасидаги маориф ходимларига мурожаати эълон қилинади. Бу мурожаатда таъсисчилар жамиятнинг мақсад ва вазифаларини тушунтирибгина қолмай, унга аъзо бўлиб киришни ҳам маориф ва маданият ходимларидан илтимос қилган эдилар.

Агар ана шу мурожаатни «Нашри маориф» жамиятининг илк қадами сифатида қабул қилсак, демак, унинг вужудга келиш санаси 1922 йил декабрининг сўнги кунларидир.

Тошкентдаги Эски шаҳар халқ маориф шўъбаси қошида қад кўтарган жамият тез орада қанот ёзиб, республикамизнинг бошқа қатор вилоятларида ҳам ўз бўлимларини ташкил этди. Жамиятнинг Тошкент шаҳридаги бўлими ҳайъати эса қуйидаги маориф ва маданият фидойиларидан таркиб топди: Шокиржон Раҳимий (раис), Мунаввар қори Абдурашидов (раис ўринбосари), Миркомил Алиев (котиб), Саидносир Миржалилов (хазиначи), Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон), Ҳолмуҳаммад Охунов, Толибжон Мусабоев, Зуфар Носирий, Абдулла Авлоний, Салимхон Тиллахонов ва бошқалар. Бу тилга олинган зиёлилардан ташқари, жамиятнинг Тошкент бўлими фаолиятида Маннон Рамзий, Элбек, Шоҳид Эсон каби сиймолар ҳам яқиндан иштирок этдилар.

XX асрнинг биринчи чорагида Тошкентдаги маърифатпарварлик ҳаракатининг бошида халқимизнинг улуғ фарзандларидан бири, пойтахтдаги биринчи до-рилфунуннинг асосчиси Мунаввар қори исми билан шуҳрат қозонган зот турган. 1878 йида туғилган Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли 1917 йилга қадар эски мактаб ва мадрасаларда ўқитувчи бўлган. Билим доираси кенг, сиёсий ва ижтимоий қарашлари ўткир бўлган Мунаввар қори маърифат соҳасига кирган кўплаб ёшларга, шу жумладан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга устозлик қилган. У Муваққат ҳукуматнинг нашри афкори «Нажот» газетасининг муҳаррири, «Шўрои ислом» жамияти раисининг ўринбосари ва бошқа лавозимларда ўзбек халқининг миллий уйғониши ва истиқлол учун курашига улкан ҳисса қўшган. «Нашри маориф» жамияти ҳам даставвал унинг хаёлида туғилган. Аммо Туркистон аҳолиси ўртасида М. Беҳбудийдан кейин катта обрў-эътиборга эга бўлган бу сиймо дастлаб «оқ», кейин «қизил» мустамлакачилар таъқиб-би остида яшаганлиги учун, жамият манфаатидан келиб чиқиб, расмий раислик лавозимини бошқаларга муносиб кўрган. Шунга қарамай, у «Нашри маориф» фаолиятида асосий ролни ўйнаган.

Афсуслар бўлсинки, Чўлпон ҳаёти ва ижтимоий фаолиятининг энг муҳим воқеа ва саналари бизга маълум бўлгани ҳолда бу воқеа ва саналар билан боғлиқ тафсилотларга аксар ҳолларда эга эмасмиз. Чунончи, унинг «Нашри маориф» жамиятидаги фаолияти ҳам бизга етарли даражада маълум эмас. Аммо ўйлаймизки, жамиятнинг мақсад ва вазифалари билан танишиш бу масалага озми-кўпми ойдинлик киритади.

Жамиятнинг таъсисчилар томонидан имзоланган ҳамда раис Ш. Раҳимий ва котиб М. Алиев имзолари билан, шунингдек, жамият муҳри билан тасдиқланган низомига кўра, унинг асосий мақсади қуйидагилар бўлган;

а) ўзбек адабий тили, атамашунослиги ва имлоси масалаларини ишлаш;

б) миллий санъат тўғрисидаги билимни ўрганиш ва тарқатиш;

в) ўзбек халқининг тарихи ва маиший ҳаётини ўрганиш;

г) ўзбек мактабларидаги таълим ва тарбия масалаларини йўлга қўйиш;

д) ўзбек халқ таълими ходимлари ва санъат арбобларига ёрдам кўрсатиш;

е) Туркистон, Русия ва хориждаги олий ҳамда қуйи мактаблардаги ўзбек ўқувчилари сонини оширишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш;

ж) аҳоли ўртасида мавжуд бўлган ўтмиш сарқитлари ва фанатизмга қарши кураш йўли билан ўзбек халқини маданий жиҳатдан ўстириш.

Жамият ана шу вазифаларни ҳал қилиш учун тубандаги тадбирларни амалга оширган:

а) мунозаралар, суҳбатлар ва маърузаларни ташкил этиш;

б) экспедиция ва экскурсияларни уюштириш;

в) кўرғазмалар очиш;

г) муваққат ва номуваққат нашрларни босмадан чиқариш;

д) китоблар, қўлёзмалар, осори атиқа ва санъат асарларини тўплаш ҳамда тарқатиш;

е) танловлар ўтказиш ҳамда илмий ишлар ва санъат асарлари учун мукофотлар белгилаш;

ж) ўзбек мактаблари учун зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш бўйича курслар очиш;

з) муваққат ва номуваққат нашрлар учун ўзбек таржимонлари, мусахҳихлари ва ходимларидан иборат бюрони (шўъбани) ташкил этиш;

и) ўзбек стенографиясини яратиш.

Жамият ана шундай катта кўламдаги вазифаларни бажаришда асосан аъзолик бадали ва ҳомийларнинг мурувватига таянган. Айни пайтда, зарур ҳолларда ҳукумат идоралари ва жамоат ташкилотларидан ёрдам сўраш ҳуқуқини ҳам сақлаб қолган.

Туркистон мухторияти тугатилгандан сўнг ўлкада авж олган сиёсий таъқиб бу даврда бир оз юмшаган, марказда, Москвада эса Лениннинг хасталиги туфайли пролетариат инқилобининг кемаси хийла қалқиб-қалқиб кетаётган эди. Буни сезган зиёлилар яқин орада мамлакатнинг сиёсий ҳаётида жиддий ўзгариш рўй бериши мумкинлигини ва ҳозирги номуътадил вазиятдан фойдаланиш лозимлигини тушундилар. Шу маънода «Нашри маориф» «Чиғатой гурунги»да йўл қўйилган нуқсонлардан сабоқ олган ва ўз олдига катта ижтимоий-сиёсий ва маданий вазифани қўйган истиқлолчилар жамиятидир. Улар халқ қалбига истиқлол ғояларини сингдириш учун аввало уни маданий жиҳатдан юксал-

тиришга бел боғладилар. Уларнинг яна бир мақсади халқ ўртасидаги бошбошдоқликка, ноаҳилликка, даст-аввал зиёлилар ўртасидаги гуруҳбозликка чек қўйиш, у ёки бу гуруҳга ёпиштирилган «қадим», ё «жадид», ё «уламо» ёрлиқларини олиб ташлаш эди. Улар Февраль инқилобидан кейин бой берилган имкониятларни чама-лаб кўриб, асосий хато зиёлилар ва умуман халқнинг иттифоқсизлигида эканлигини тушуниб етдилар. Шунинг учун ҳам улар, модомики, халқимиз, ислом динининг кучли таъсирида экан, демак, биз Маҳкамаи шаръия билан ҳамкорликда иш олиб боришимиз, халқимиз эса мусулмон халқи эканлигини доимо ёдда тутиши лозим, деган хулосага келдилар.

Жадидлар маълум даражада халқдан узилган эдилар. Таъсисчилар жадидчилик ҳаракатининг ана шу нуқсонини инобатта олиб, «Нашри маориф»ни тобора халқ ичига яқинлаштириш чораларини ахтардилар. Шу мақсадда улар Эски шаҳардаги мусулмонлар ўртасида маърифий-маданий ишларни олиб борар эканлар, қарийб барча маҳаллаларда «гап»лар ташкил этдилар ва бу «гап»ларда маърифий тарғибот билангина чекланиб қолмай, кишиларнинг сиёсий онги ва миллий ғурурини оширувчи янгиликлар билан ўртоқлашдилар. Шундай «гап»ларда Чўлпоннинг матбуот юзини кўрмаган «Гўзал Туркистон» сингари шеърлари ўқилди. 20-йилларнинг охирида қатли ом қиличи ўлка бўйлаб кезганида, ўз юртларини тарк этишга ва Туркия, Афғонистон, Арабистон сингари мамлакатларга қочиб кетишга мажбур бўлган кишилар Чўлпоннинг бу фифонли шеърини ўзларининг сеvimли кўшиқлари ўлароқ айтиб келдилар.

Гўзал Туркистон, сенга не бўлди?  
Саҳар вақтида гулларинг сўлди.  
Чаманлар барбод, қушлар ҳам фарёд,  
Ҳаммаси маҳзун, ўлмазми дилшод.

Билмам, не учун қушлар учмас боғчаларингда...

Ол байроғингни, қалбинг ўйнасин,  
Қулик, асорат — барчаси ёнсин,  
Қур янги давлат, ёвлар ўртансин,  
Ўзиб Туркистон қаддин кўтарсин.

Яйраб-яшнаб ўз ватанинг гулбоғларинда...

Чўлпоннинг бундай миллий уйғонишга чорловчи шеърлари «Нашри маориф»нинг Эски шаҳардаги «гап»-ларида илк бор янграган.

Янги иқтисодий сиёсат эълон қилинган, Тошкентда 1-Туркистон ширкати тузилди. Таниқли маърифатпарвар Саидносир Миржалилов ташаббуси билан майдонга келган бу ширкат гарчанд савдо-саноат корхонаси, деб ҳисобланган бўлса-да, у амалда «Нашри маориф»нинг маркази эди. Ширкат ва унга қарашли дўкондан тушган даромаднинг маълум бир қисми жамият фойдасига, шу жумладан, хорижга ўқишга юборилган ва юборилаётган ёшларга кўмак учун ажратилган. Ширкатнинг ер ости хонасида эса илғор ёшлар тўпланиб, Мунаввар қори, Чўлпон, Ш. Раҳимий сингари ажойиб сиймоларнинг нафис суҳбатларидан баҳраманда бўлишган. Жамият раҳбарлари, ўз гою ва маслакларини ана шу ёшлар орқали тарқатиш, уларни хорижга ўқишга юбориш йўли билан янги, маърифатли авлодни тарбиялаш вазифасини ўз олдларига қўйдилар.

Чўлпон Андижонни тарк этган кунидан бошлаб фақат ижодий ва ижтимоий меҳнати орқасида рўзғор тебратган. У замона зайли билан турли шаҳарлар ва бу шаҳарлардаги турли-туман идораларда хизмат қилган. Шундай ҳам бўлганки, у ишсиз қолиб, аҳён-аҳён-дагина висол кўрсатувчи қалам ҳақи эвазига яшаган. Аммо бундай меёрлашган ҳаётига қарамай, у имкон топган пайтларида ватандошларидан сўнгги пулини ҳам аямаган.

1917 йилнинг 15—18 февраль кунлари Тошкентда очилажак биринчи дорилфунун учун иона тўплаш пайтида тошкентлик аксар бойлар кўзларини ерга қадаган пайтларида, Чўлпон нақд ўн беш сўмни кассасидан чиқариб берган. Шу вақтда бир соат мобайнида извошдан фойдаланиш ҳақи — кундуз 80 тийин, кечаси эса 1 сўм бўлган. Уфадаги Мадрасаи Олияда таҳсил кўраётган Мирмуҳсин Шермухамедовга ҳам ўша йилнинг бошларида қанчадир пул йўллаб, унинг шу кезлардаги моддий аҳволини тузатишда кўмак берган.

Чўлпоннинг 1914 йили «Ойна» журналидаги дастлабки чиқишларидан бири «Асари ҳамият» деб номланган бўлиб, унда шу кезлари Петербург дорилфунунда имтиҳон бераётган Собир Тожиевга 21 сўм иона тўплаб юборган андижонлик ҳамиятпарварларнинг



номи ҳурмат билан тилга олинган. Ионачи ҳамиятпарварларни астойдил ҳурмат қилган Чўлпоннинг ўзи ҳам шундай саҳоватпеша кишилардан эди.

1922—1923 йилларда ўзбек ёшларининг дастлабки вакиллари Германияга таҳсил кўриш учун юборилган. Ана шундай ёшларга «Нашри маориф» қошидаги «Кўмак» уюшмаси ҳам моддий мадад бериб турган.

1922 йил «Қизил байроқ» газетасида босилган «Германиядан хат»да Берлиндаги зироат академиясининг талабаси Абдуваҳоб Муродий ҳақида маълумот берилган. Хатда бир йилдан бери зикр этилган академияда Туркистондан фақат А. Муродийнинг бир ўзигина ўқиётганлиги, Германия эса ўша даврда жаҳон мамлакатлари ўртасида илм-фан маркази сифатида, айниқса, машҳур эканлиги айтилган. Шунинг учун ҳам келгусида Туркистондан бу ерга кўплаб талабалар юбориш зарурлиги уқтирилган.

Орадан кўп ўтмай, «Кўмак» уюшмасига Берлиндан, Абдуваҳоб Муродий номидан бир мактуб келди. Бу мактубда Абдуваҳобнинг Олий зироат мактабини тугатганига қадар уни таъминлаб туришни ўз зиммасига олган хусусий бир шахснинг вафот этганлиги ва шу туфайли берлинли талабанинг таъминотсиз қолганлиги баён қилинган эди.

23 ноябрь куни Тошкент ёшларининг «гап» мажлисларида шул тўғрида сўз очилиб, Абдуваҳобнинг «Кўмак»ка йўллаган хати ўқилди ва ёшлар дарҳол хориждаги талабага ёрдам кўрсатиш учун ташаббус бошладилар. Шу ерда йиғилган ўртоқларнинг барчаси ойликларининг йигирма беш фоизини Берлинга юбориш ҳақида бир оғиздан қарор қилиб, яна бир-икки кишининг ҳамияти билан бир миллиардга яқин ақча тўпладилар.

Айни пайтда «гап» иштирокчилари ҳозир бўлмаган ўртоқларини ҳам бу ташаббусдан огоҳ қилиш ва Абдуваҳоб Муродийнинг бир йиллик таъминотини ўз елкаларига олишга аҳд қилдилар. Шу мақсадда Эски шаҳарда бир адабиёт-томоша кечасини ўтказиш иши режалаштирилди.

Бу хайрли ишларнинг ташаббускори Чўлпон эди. У «Четдаги талабамизга ёрдам» деган мақоласида бундай сўзларни ёзган:

*«Бундан бошқа яна четга (Германияга) кетган талабаларимиз фақат бир йилгагина таъмин этилиб кет-*

ганликлари эса олиниб, уларни ўқишлари битгунча таъмин қилмоқ учун жиддий чораларга киришмак лозим топилиб, бу ҳақда келгуси «гап» мажлисига пухта йўллар ва чоралар топиб келмак учун икки ўртоқ вакил қилинди.

Эски оғатларимиздан бўлгон «гап» мажлисларида бундай хайрлик ташаббуслар, амалий ҳаракатлар кўрилиши кўп яхши ва ўрناق бўлғулик бир ишдир».

Чўлпоннинг шу хабар-мақоласидан кейин «Туркистон» рўзномасининг 1922 йил 18 декабрь сонидан М. Усмонийнинг «Берлиндаги талабамизга кўмак» номли мақоласи босилди. Унда айтилишича, Тошкентдаги маориф ва маданият муассасаларида хизмат қилувчи бир гуруҳ ёшларнинг ташаббуси билан Берлиндаги Олий зироат академиясининг талабаси Абдуваҳоб Муродийга кўмак уюштирилган. Ана шу хайрли ишга Саидносир Миржалилов 20 минг сўм, Толибжон Мусабоев 10 минг сўм, Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) эса «Уйғониш» шеърлар тўплами учун олган 75 минг сўм пули билан катта улуш қўшганлар.

Чўлпоннинг «Нашри маориф» жамиятидаги фаолиятини фақат ҳамиятпарварлик доираси билангина чекланган, деб бўлмайди. У санъат оламига бевосита алоқадор сиймо бўлганлиги сабабли миллий театр санъатини тараққий эттириш масалалари билан яқиндан шуғулланган. Жамият йиғишларида эса халқ маорифи ва маданияти тақдири учун муҳим муаммоларни кўтарган. Чунончи, Фулом Акрамхоновнинг уйида бўлиб ўтган йиғинда Орск шаҳрида яшовчи татар зиёлиси Аҳмад Исҳоқовнинг бой кутубхонасини сотиб олишни таклиф қилган ва унинг бу таклифи амалга ошган.

Шу тарзда жамият, биринчидан, «Нашри маориф» номида Тошкент, Бухоро ва бошқа шаҳарларда чоп этилган муваққат нашрлари, иккинчидан, «гап»лари орқасида, айниқса, мусулмон ўқитувчилари ва ўқувчи ёшлари ўртасида катта тарбиявий-маърифий ишларни олиб борди; учинчидан, «Кўмак» уюшмасини ўз ихтиёрига жалб этиб, Русия, Туркия, Германия ва бошқа мамлакатларга ўқишга юборилган ёшларга мунтазам равишда ёрдам кўрсатди.

Жамият аъзолари уч гуруҳга ажралган бўлиб, улар фахрий, ҳақиқий ва ходим-аъзолар деб аталган. Ҳақиқий аъзолар жамиятнинг таъсисчиларидан таркиб топган. Жамият олдида турган вазифаларга қизиқ-

қан шахслар, ходим-аъзолар сифатида қабул қилинган. Ўзбек маданияти олдида алоҳида хизмати бўлган шахсларни эса жамиятнинг умумий мажлиси фахрий аъзо сифатида қабул этган. Қизиғи шундаки, жамиятнинг барча аъзолари учун (фахрий аъзоларидан ташқари) кириш бадали ярим пуд буғдой бўлган. Жамият маблағи аъзолик бадаллари, ионалар, давлат ва жамият муассасаларидан олинган ёрдам, нашрлар, пулли маърузалар, спектакллар, сайиллар ва бошқа тадбирлардан тушган даромад асосида тўпланган. Бу маблағ, ўз навбатида, муваққат нашрлар, мактабларнинг ўқув-методик эҳтиёжлари, хорижга ўқишга юборилаётган ва юборилган талабалар ўртасида тақсимланган.

Жамиятнинг 1923 йилдаги фаолияти, айниқса, самарали бўлди. Бундан илҳомланган жамият аъзолари 1924 йил январида «Нашри маориф» фаолиятини янада жонлантириш истаги билан ҳайъат таркибини қайта сайладилар. Мунаввар қори жамиятга раис, Ғози Олим Юнусов эса котиб этиб сайланди. 30 январь куни «Нашри маориф» жамияти ва «Кўмак» уюшмаси раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди ва унда ҳар иккала ташкилотни бирлаштириш масаласи ўртага ташланди. Аммо шу пайт, қутилмаганда, Шокиржон Раҳимий «Нашри маориф» жамиятини тарқатиб юбориш ҳақидаги таклиф билан ўртага чиқди. Ва унинг таклифи кўпчилик овоз билан қабул қилинди.

Шўро мамлакати Ленин вафотидан кейин, ўз ҳаётининг энг оғир даврига қадам қўйган эди. Ленинизм «тутаб», сталинизмнинг қонли шабадаси эса бошлаганини сезган маорифчилар бу даврнинг хосиятсиз бўлишини «халқлар дохийси»нинг ёғоч мақбара олдидаги қасамёдидан аниқ сезган эдилар.

## **Тулак йўлига**

Ўзбек мумтоз адабиётида девон тартиб этмаган қаламкаш шоир ҳисобланмаганидек, шўролар даврида шоирлик рутбасини даъво этган кишиларнинг, жилла қурмаса, бир-икки тўпламни чоп этиши лозимлиги қоида тусига кирди. Шаклланиб келаётган бу таомил Чўлпонга тааллуқсиздек эди. Халқ уни тўпламларисиз ҳам яхши билан ва севар унинг шеърлари ҳатто эълон қилинмай туриб ҳам кишилар қалбидан жой олар эди.

1922 йили Туркистон Жумҳуриятининг Давлат нашриёти Чўлпоннинг «Уйғониш» деб аталган дастлабки шеърлар тўпламини, орадан бир йил ўтгач эса, «Булоқлар»ни нашр этиши билан шоир ижоди мухлисларининг куни туғди. Ҳанузга қадар бирор шоирнинг китоби бу тўпламлардек қувонч билан қарши олинмаган ва севиб ўқилмаган, десак, муболаға бўлмас. Чўлпон ижодига нисбатан бундай айрича эътиборнинг сабаби унинг шеърларидаги самимийлик, туйғунинг чақмоқсимон ҳаракати, тасвирнинг соддалиги, шаклнинг янгилиги эди. Ўзбек шеър тузилишининг Фитрат томонидан амалга оширила бошланган ислоҳотини Чўлпон давом эттирган ва яқунлаган эди.

«Уйғониш» ҳам, «Булоқлар» ҳам турли фасллардан таркиб топган бўлиб, Чўлпон биринчи тўпламда уларни «Юрт қайғуси», «Умид ва имон», «Чўрилар учун», «Сезгилар» деб номлаган, иккинчи тўплам ҳам шу йўналишдаги «Шарқ учун», «Сезгилар», «Севги», «Қора йўллар», «Қор қўйнида» деган фасллардан таркиб топган эди. Бу фаслларга жамланган шеърлар у ё бу мавзудаги ўзига хос лирик туркумларни ташкил этган бўлиб, улар Чўлпон қалбининг турли ҳолатдаги манзараларини ифодалаганига қолмай, китобхонни секин-аста шоирни ҳаяжонлантирган, унинг руҳий ва ғоявий оламини ташкил этган масалалар қамровига олиб кирувчи пиллапоярлар ҳам эди.

Чўлпон гарчанд 1925 йилга келибгина шу пайтга қадар ижод ва илм аҳлини даҳшатга солган «*Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимийларни ўқиймен — бир хил, бир хил, бир хил!*» деб ёзган бўлса-да, янгилик туйғуси илк «адабий» қадамлариданоқ унга ҳамроҳ бўлган ва у шу ҳамроҳ ортидан бориб, шеърининг ҳали из тушмаган сўқмоқларини ўзига ватан айлаган эди.

«Уйғониш» тўплами «Юрт қайғуси» деган фасл билан очилади. Бу фаслдаги биринчи шеър эса 1922 йил 16 февралда Бухорода ёзилган «Оғриганда» деган ҳасби ҳолдир. Биз юқорида бу шеър шоирнинг хасталик кезларида битилганини айтиб ўтган эдик. Чўлпон ана шу шикаста ҳоли тасвирида юрт қайғуси кўпроқ ва ёрқинроқ акс этган, деб топди. Чиндан ҳам, шеърни ўқишда давом этсак, унинг фикри-зикри ўз танининг сиҳат-саломатлигида эмас, балки юртининг ташвишида экани аён бўлиб боради.

Мана, эшитинг:

...Кўзимда эрта ва кеч бир йиғин хаёл очилар,  
Хаёл билан кўраман, кўк юзи булутли каби,  
Бутун кўнгил ва юраклар оловли-ўтли каби,  
Булут кўзидан эса ерга оғу-ёш сочилар.

Менинг ўйимми қора? Ёки юрт кўкида булут,  
Қуюқ булут тўдаси қонли ёш тўкибми йиғлар?  
Меним-да бу хаста дилимни яна нечун тиглар?  
Меним-да кўксима ботмоқни истарми ул бир ўт?

Бўғиқ, қисик бу кўнгил кучли ўт билан ёнадир,  
У ўт орасида юртнинг хаёли жонланадир...

Бу шеър оша хаёлимда шундай манзара равшанлашади:

Шоир ҳарбий хастахонада, катта ҳарорат остида ётибди. Чор атрофда Фрунзе қўшинига қарашли ярадорлар, ҳамширалар, докторлар. Улар, айниқса, ҳарбий кийимдагилари Чўлпонга ҳам, бошқа битта-яримта мусулмон кимсага ҳам нописандлик билан муносабатда бўлиб, худди ўз уйларида юргандек, ҳамма нарсага эгалик кўзи билан қарашмоқда. Шоир иситма аралаш ўйлаб қолади: «Қаердаман, кимларнинг орасидаман?..» У ўз юртида эканлигини англагач, яна ҳайрон бўлади: «У ҳолда бу малларанг хўжалар ким? Нега улар чумолидек кўпайиб кетган?..»

Менинг ўйимми қора? Ёки юрт кўкида булут?..

Шоир ҳайрон.

Булут кўзидан эса ерга оғу-ёш сочилар...

Шоир шу дамда ўзини қуршаган туйғуларни бундан бир йил муқаддам Андижонда ёзгани «Бузилган ўлкага» шеърига тўкиб солган эди. Шунинг учун ҳам у «Оғриганда» шеърини ёзаётганда шу бўғиқ туйғулар тасвири билангина кифояланган...

Келинг, ҳурматли дўст, «Юрт қайғуси» фаслидан ўрин олган бошқа икки шеърга ҳам кўз қиримизни ташлаб ўтайлик.

Мана, «Куз» шеъридан бир лавҳа:

Кўм-кўк экан, сарғайдилар япроқлар —  
Оғриқ, мағлуб, тутқун Шарқнинг юзидек.  
Бўронларнинг кўзлариким, ўйноқлар,  
Голиб Фарбнинг қонга тўлган кўзидек...

Куз манзараси бундай хотима билан тугайди:

Бутун борлиқ-чоғлик ўчиш олдида,  
Совуқ... қора қишга кўчиш олдида...

«Юпанмоқ истаги» шеърида эса шоир ҳар бир нарсанинг юпанчи борлигини айтиб, шеърни қуйидаги сермаъно сатрлар билан тугатган:

Ўйланган ўйларга кўнгил юпанмас,  
Кўнгилнинг истаги ўй билан қонмас,  
Айтарлар: бу тунда ёруғ шам ёнмас,  
Чақмаса гугуртни асл ўғиллар...

Ана шу асл ўғилларга аталган сатрлар ҳар иккала тўпламнинг бошқа фаслларида ҳам талайгина топилади.

Чўлпоннинг юрт қайғуси билан суғорилган, асл ўғилларни туннинг ёришуви учун гугурт чақишга ундаган шеърлари беиз кетмади. 20-йилларда истиқлол учун курашган фидойи кишилар авлоди ана шу шеърлар асосида тарбия топиб етишди.

1929 йили Мунаввар қори бошчилигидаги бир гуруҳ ўзбек зиёлилари аксилшўровий ва миллатчилик руҳидаги фаолиятлари учун қамоққа олиниб, Москвага олиб кетилди. Бутирка ҳибсхонасининг 30-камерасида ётган бир неча киши ўз қисматларидан нолиб, бир-бирларига арзи ҳол қилар эканлар, улардан бири — Муталлиб Қаҳрамонов бундай деган:

*«Мен Чўлпон билан бир маҳаллада яшардим. Уни яхши биламан. У билан тепишиб катта бўлганмиз. Отаси жуда яхши, ўзбек халқи учун фойдали киши эди. Чўлпон билан менинг ўртамда ҳеч қандай гап-сўз бўлмаган... Аммо ҳозир мен уни деб азоб-уқубат чекиб ўтирибман. Агар Чўлпон бўлмаганида, мен ҳали ҳам Андижонда айшимни суриб юрган бўлардим... Чўлпон, мана, бизни ертўлага ташлаб, ўзи ўйнаб-кулиб юрипти... Мен бўлсам, бу ерда чирийдиганга ўхшаб турибман».*

Муталлиб Қаҳрамонов дудуқ бўлгани учунми, ўз

фикрини очиқ-ойдин ифодаламаган. У Чўлпон, деб эмас, балки унинг асарларини ўқиб, дардларига чалингани, миллат руҳи билан тўйингани учун қамалган.

Эски танишимиз Убайдулла Сулаймонов, дудуқ ҳамшаҳридан фарқли ўлароқ, гапга чечан, ёши ҳам Чўлпондан 13—14 ёш катта, аммо шунга қарамай, ўйламай-нетмай сўзловчи бир кимса эди. У Чўлпонни отасининг ифлос аравакаши бўлмиш бир татардан туғилган ҳароми, деб атаб, унинг ўзбек халқи бошига битган бир бало эканини айтишдан тоймас, ҳатто андижонлик ўзбек зиёллари даврасида унга тупургани билан мақтанар эди.

Мен Убайдулла аканинг қамоқда ўтириб, аламдан айтган бу хунук сўзларини ёзар эканман, бошқа бир андижонлик кишининг қуйидаги сўзлари хотирамга келади. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг ходими Маҳмуд Саъдийнинг «Чўлпонга андижонлик коммунистлар қандай муносабатда бўлганлар?» деган саволига жавобан Комил Яшин бундай деган эди:

*«Андижонлик кўзга кўринган коммунистлар — Асқар Акбаров, Жумабой ҳожи Парпибоев, Қурбон Жалилов, Иброҳим Эшонхўжаев, Ортиқ мингбоши сингарилар Чўлпон ака билан гаплашмасдилар.*

*— Устозингга қара, ҳолидан хабар олиб тур, — деб пичинг қилишардилар улар мени кўрганларига.*

*Эй гўзал Фарғона, қонли кўйлагингдан ўргулай,  
Тарқалиб кетган қаро ваҳший сочингга боғланай.*

*«Бу нима?! — дегди Жумабой ҳожи Парпибоев. — «Қонли кўйлагингдан ўргулай», дебди устозинг, бу — босмачиларни кўзда тутаетир, шекилли? Биласанми, шуни? — деди яна ўсмоқчилаб, Андижондаги большевикларнинг идеологи эди у. Гапга чечан, нуктадон, маълумотли, араб, форс, турк тилларини яхши биларди, рус тилини ҳам пухта эгаллаганди. Большевикларга жуда берилган одам эди Жумабой ҳожи...»*

Убайдуллахўжа ҳам кўпгина Шарқ тилларининг билгичи, маълумотли, нуктадон кимса бўлган. Лекин у ҳам андижонлик большевиклар тоифасидан бўлса керак, Чўлпонга нафрати беадад эди.

30-камерадаги бошқа маҳбуслар Чўлпон шаънига қанчалик маломат тошларини отмасинлар, яна бир зумда, ўз-ўзидан уни мақташга киришиб, дилларига ҳарорат бериб турган шеърларидан ўқишар, унинг ажойиб

шоир, беназир драматург эканлигидан ифтихор ҳисига тўлар эдилар. Шу камералик Мирҳалил Каримов эса Чўлпонни Пушкин ва Байронга муқояса қилиб, унинг халқ шоири унвонига бир эмас, ҳатто икки бора муносиб эканлигини шавқ-завқ билан айтарди:

Чамаси, бу маҳбусларнинг дилларида жўш урган энг адолатли фикрни ўша йили тергов пайтида Салимхон Тиллахонов айтган:

*«Чўлпон — фарғоналик таниқли пахтачи бойнинг фарзанди; у ёшлик чоғларидан илғор майлар соҳиби бўлиб, жадидлар билан муомалага киришган. Бу, унинг отасига маъқул бўлмаган. У адабий фаолиятини жуда эрта бошлаб, «Садои Туркистон» ва «Садои Фарғона» газеталарида мақолалар эълон қилган ва шу нарса туфайли жадидлар ўртасида шухрат топди. Кейинчалик у шеър ёза бошлади. Унинг шеърлари миллатчилик руҳи билан суғорилган эди. (Шу ўринда қайд этиш лозимки, Чўлпон ва унинг қаламкаш дўстлари ҳеч қачон миллатчи бўлмаганлар, шунинг учун ҳам тергов материаллари ва 20—30-йиллар матбуотидаги уларга нисбатан қўлланган «миллатчилик» сўзини «миллийлик» ёхуд «миллатпарастлик» маъносида қабул қилиш тўғридир — Н. К.) Улар газета ва журналларда эълон қилинган.*

Унинг қачон ташкилотга (сўз «Миллий иттиҳод» ташкилоти устида бормоқда — Н. К.) қабул қилингани менга маълум эмас. Лекин у ҳамisha миллат учун ишлади, унинг адабиёти учун кўп иш қилди, шу сабабдан у ташкилотимизнинг энг яқин кишиларидан бири ҳисобланди. Бирорта ёзувчи ташкилотимиз манфаатларини матбуотда Чўлпончалик реал тарғиб қилган эмас, шунинг учун ҳам у ўз миллатининг биринчи кўзга кўринган шоири унвонини қозонди. У фақат миллатчилар орасида эмас, балки коммунистлар ўртасида ҳам шу даражада ҳурмат қозонган. Зеро, маҳаллий халқ орасидан чиққан коммунистларнинг аксар қисми шу вақтга қадар ўзларининг миллатчилик эътиқодларидан қайтган эмас. Улар Чўлпонни миллатчи шоир бўлганлиги учун ҳам ҳурмат қилишади.

Чўлпон 1920 йилда «Чиватой гурунги» тўғрисида Ғози Юнус, Санжар, Элбек ва бошқалар билан бирлашиб, эски зиёлиларга қарши курашди, аммо орадан бир оз вақт ўтгандан кейин миллатчилар томонига ўтиб, яна миллатчилик руҳидаги шеърларини ёза бошлади.



...Чўлпон ва Элбекнинг бисотида матбуот юзини кўрмаган қалтис шеърлар талайгина. Элбек, табиатида кўра, унчалик соғда эмас, вазминроқ, шунинг учун у кўпинча маврудга қараб ёзади, яъни унинг шеърларини коммунистлар ҳам, миллатчилар ҳам бирдек ўқий берадилар. Чўлпонда бундай хусусият йўқ, у гоҳ соф миллатчилик руҳида, кўпинча эса йўқсиллар руҳида ёзади.

Бир замонлар, 1920 йили бўлса керак, Чўлпон, Элбек ва Санжар миллатчилик чизиғидан оғиб, кейин яна ўша изга тушиб олдилар. Чўлпон миллатчилар лагеридан кетганидан кейин «Булоқлар» деган шеър ёзиб (тўғрироғи, тўпламни эълон қилиб — Н. К.), ҳаммани ҳайратга солди, зеро, бу шеър (тўғрироғи, тўплам — Н.К.) кучли миллатчилик руҳи билан суғорилган эди. Унда хатто таниқли турк шоири Муҳаммад Аминнинг китобидан олинган «Турон дуғри, Кавказ дуғри ва Туркистон дуғри» сатрларини келтирган. Чўлпон бу шеърда Муҳаммад Аминга эргашган. Ёшлар Чўлпоннинг бу шеърни ёзганига эмас, балки коммунист Сайдаҳмад Назиров бошчилигидаги Давлат нашриётининг бу шеърни ўтказиб юборганига кўпроқ ажабландилар. Улар Саудаҳмад Назиров билан Чўлпон масъулиятга тортилмаганларидан кейин Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари ўртасида уларнинг яқин кишилари бўлса керак, деб тахмин қилишди. Аммо кейинчалик шу нарса аён бўлдики, Чўлпон, Элбек, Саудаҳмад Назиров ва бошқалар эски жадидларга қараганда кўпроқ вайрат ва шижоат билан миллатчилик руҳида чиқа бошлаган эканлар...»

Салимхон Тиллахоновнинг Чўлпонга берган бу тафсифномаси, ундаги айрим ифодаларнинг нотўғри қўлланиганини эътибордан соқит қилсак, мутлақо холисона ва адолатлидир.

Чиндан ҳам, Чўлпон, айрим тебранишларни эътиборга олмаганда, 20-йилларнинг ўрталарига, ўзига қарши тўфон кўтарилгунга қадар эл-юрт манфаат йўлида қатъий туриб ижод қилди.

У 1921 йил 21 март куни ёзган бир шеърини «Тилак йўлида» деб номлаган. Шоир бу шеърини «чарчаганларга» бағишлаган, яъни бу шеър Чўлпоннинг ўз орзу-умидларидан, эътиқодидан қайтиб мустамлакачилар билан курашда ҳорган-толган дўстларига бағишланган. Унда бундай гўзал сатрлар бор:

Кетган йўлим тўғри йўлдир, кетаман,  
Қандай тўсиқ-моне бўлса, ўтаман,  
Мен кетаман, тилак дея кетаман,  
Ҳеч тилаксиз қуруқ жонни нетаман?

Тилак йироқ, ёғдуси-да кўраман,  
Ой кетарман, йил кетарман — етаман;  
Туйғум унинг изларига урулмас,  
Бу йўлларда балки шафқат этаман.

Яна: «тилак-тилак», дея кетурман,  
Бир жон экан, майли қурбон этурман.

1923 йили мазкур нашриётда Фитрат, Чўлпон ва Ботунинг туркум шеърларини ўз ичига олган «Ўзбек ёш шоирлари» тўплами нашр этилди. Юқорида келтирилган сатрларда мужассамланган ғоя Чўлпоннинг бу тўпламдан ўрин олган шеърларини ҳам ўз ёғдуси билан ёритиб туради.

# Ҳини фасл

## Тонг сирлари

Бир эсиб ўтдилар «Уйғониш» еллари,  
Бир қайнаб тошдилар кўз ёши —  
«Булоқлар».  
Ай, тонгда қалтираб ўйнашган япроқлар,  
Тек туринг, ёйилсин энди...  
«Тонг сирлари».

Чўлпон.

## Тулак ўўлига

(гавому)

Кишилар, ўз сажияларига кўра, икки тоифага бўлинади. Парвардигор агар бир гуруҳ кишиларга сардорлик истеъдодини берган бўлса, бошқа тоифадаги кишиларни улар ортидан эргашувчи қилиб яратган.

Чўлпон сардор бўлиб туғилмаган. У, зуваласига кўра, зиёли. Аниқроғи, зиёлиларнинг зиёлиси. Бундай зотлар одатда ўз руҳларига яқин кишилар билан бир сафда, бир-бирига суюниб, бир-бирини қўлтиқлаб юришади. Уларнинг бир гуруҳи руҳий, иккинчиси эса жисмоний қийноқ олдда жон таслим қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам улар кўпинча теварак-атрофга қараб, эҳтиёткорлик билан юксалиб борадилар.

Чўлпон ва унинг дўстлари 20-йилларда тушган вазият улардан эҳтиёткорликни, большевикларнинг бебошликлари авж олган давр билан ҳисоблашишни тақозо этди. Акс ҳолда, ўзбек диёрининг мустақил бўлишини орзу қилган, дилида большевикларга ишонч туйғуси бўлмаган, уларнинг мустамлакачиликка асосланган сиёсати «мева»ларини кўрган юзлаб Чўлпонларнинг ё Шўро ҳокимиятига қарши курашиши, ё бу ҳокимиятнинг қўшини тортиши лозим эди. Чўлпонлар

Шўро ҳокимиятига қарши курашаётган босмачиларнинг парокандалашиб, сийраклашиб, заифлашиб қолганини кўрдилар. Айти пайтда бошқа жанговар кучнинг пайдо бўлиши мумкин эмаслигидан умидсизланиб, шўролар билан муросада ишлашга мажбур бўлдилар. Аммо уларнинг бир қисми эгаллаб турган лавозимидан халқ манфаати йўлида фойдаланди ва улар дилдаги ҳуррият чечаклари сўлиш нималигини асло билмади. Ўз навбатида шўролар ҳам буни сезиб турди ва улар билан шу сезгидан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлди.

«Улар» билардики, Чўлпонлар ўз ғоялари йўлида бирлашиши ва катта кучга айланиши мумкин. Шунинг учун ҳам шўролар навбати билан «булар»дан учтўрттасини қамар ва шундай тақдирнинг бошқалар бошида ҳам борлиги тўғрисидаги фикрни «улар»нинг миясига пармалаб киргизар эди. «Булар» эса шўро билан муносабатда масаланинг шу тарафини эътиборга олган ҳолда кураш тактикасини ўқтин-ўқтин ўзгартириб турардилар. Аввалги фаслда кўрганимиз Чўлпоннинг гоҳ у, гоҳ бу қиёфада гаудаланиши ҳам шундан. Ушбу фаслдаги Чўлпон фаолиятида кўзга ташланувчи оғиш ва тебранишларнинг сабаби ҳам шундадир.

1921 йили Шўро ҳокимияти Қўқон (Туркистон) мухториятини барпо этишда иштирок этган, 1918 йилдан кейин ҳам ўз фаолиятида аниқ бир йўлни танлаб олмаган — шўролар йўлига ўтмаган бир қанча кишиларни қамади. Шулар орасида Саъдулла Турсунхўжаев ҳам бор эди.

Саъдулла Турсунхўжаев, ёдингизда бўлса, савдогар тоғаси Юнусхон Сиддиқхўжаевнинг этагини ушлагани учун савдо ишлари билан Андижонга ҳам борган ва у ерда яшаганида Чўлпон билан танишган. Чўлпон Тошкентга келганида эса бир мунча вақт у билан бирга Мерганча маҳалласида истиқомат қилган ва унинг бу манзилни танлаши ҳам Саъдулла Турсунхўжаевнинг иштирокисиз бўлмаган. Ҳатто аниқ айтиш мумкинки, Чўлпон илк бор Тошкентга шу кимсани қора қилиб келган ва унинг уйда яшаган.

Саъдуллахўжа Оренбургдаги тоғасига гумашта бўлишдан аввал бир-икки йил рус мактабида ўқиди. Етти ёшидаёқ бу мактабни ташлаб, мустақил ҳаёт йўлига қадам қўйди, рус, татар, озарбайжон тилларини эгаллаш билан бирга бу тиллардаги адабиёт билан ҳам

танишди. Тижорат ишлари орқасида, Андижондан ташқари, Оренбургу Финляндияда бўлди.

1891 йили туғилган С. Турсунхўжаев Тошкент жадидаларининг янги усулдаги мактаблар очиш, театр тўдаларини тузиш, газеталар нашр этиш, истеъмол жамиятлари ва ширкатларни ташкил қилиш каби ҳаракатларида фаол қатнашди. У 1917 йили Туркистон Озиқ-овқат комиссарлигининг вакили сифатида Москвага юборилди. 1918 йил мартада Тошкентга қайтиб, Эски шаҳар ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимида ишлади, сўнгра Туркистон республикаси соғлиқни сақлаш комиссари этиб тайинланди. Ана шу тарзда у хилма-хил ва бир-биридан узоқ соҳаларда энг масъулиятли ва энг юқори лавозимларни адо этади. Лекин унинг 1918 йил сўл эсерлар партиясига киргани, 1920 йили эса Туркистон республикаси ва мусулмон армиясини тузиш ғояси билан чиққани ва бошқа «коммунистларга хос бўлмаган» ҳаракатлари «очилгач», у қамоққа олинди. Ўз фаолиятининг бошларида Адлия комиссарлиги коллегиясининг аъзоси, Олий трибуналнинг жамоатчи қораловчиси, энг муҳими, оқил инсон, ажойиб нотик, билимдон сиёсатчи бўлган С. Турсунхўжаев Москвада Олий инқилобий трибунал мажлисида ўз ҳақ-ҳуқуқларини қаттиқ туриб ҳимоя қилди ва шўро турмасидан муддатидан илгари қутулиб келди.

Чўлпон ва унинг маслақдош дўстлари учун мислсиз қувонч бағишлаган бу воқеа Тошкентда миллий ҳақиқат ва адолат тантанаси сифатида нишонланиб, Саъдулла Турсунхўжаев шарафига катта зиёфат берилди.

«Туркистон» газетаси 1923 йил 11 февраль сонидан бу ҳақда бундай ахборотни берди:

### **«Хайрли ўлтириш**

*Масъул ишчиларимиздан ўртоқ Саъдуллахўжанинг Москва Олий ўзгариш трибуналадан оқланиб келиши муносабати билан 2 февралда Эски шаҳар ижроқўми томонидан банкет берилди. Зиёфат мажлисини ўртоқ Миржалилов<sup>1</sup> очқондан кейин ўз томонидан ўртоқ Саъ-*

---

<sup>1</sup> Саидносир Миржалилов — Туркистон Мухторият ҳукуматининг хазиначиси, шу вақтда «Туркистон» ширкатининг раҳбари, таниқли маърифатпарвар. Ойбекнинг қайнотаси.

гуллахўжанинг йўқ бир туҳмат билан шунча кулфат портқонини охирида ҳақли ва тозалиқ устка чиқиб, кулфат роҳатга айланганини сўзлаб, ўртоқ Турсунхўжаевнинг қайтадан йўқсул халқ учун хизмат қилишига ишонч билдирди. Ундан кейин ўртоқ Алиев<sup>1</sup> атрофимизни ўраб олғон маккор мутахассисларнинг туҳматидан Саъдуллахўжа каби ўртоқларимизнинг бошига шундай кулфатларнинг тушмаги мумкин эканлиги, шундай вақтларда бошқаларнинг томошачи бўлуб қолмасдан, уларни қутқариш чораларига киришлари лозим эканлиги тўғрисида сўзлагандан кейин энг кейинги сўз ўртоқ Абдулҳамид Сулаймоновга бериладир.

Ўртоқ Сулаймоний шунча қийинчиликлар кечириб турғонимизнинг бош сабаби бизда ишбилармон кишиларнинг йўқлиги, ҳар қандай қийинликларга қаҳрамонлик кўрсатиб бўлса-да, мутахассис кишилар ҳозирламоқ лозимлиги тўғрисида қизғин бир суратда нутқ сўзлагандан кейин четга ўқучи талабаларимизнинг муҳтожлиги тўғрисида гапириб, шундай шарафлик мажлисда ҳозир бўлғон кишиларнинг ўқучиларимиз учун амалий суратда озми-кўпми кўмак беришларини тавсия этди. Ўртоқ Сулаймонийнинг нутқидан кейин мажлис аҳли ҳеч бир қатордан қолмасдан қўйидағи йўналиш бердилар:

Усмонхон Эшонхўжаев, Миробид Мириноятов, Миржалолов, Ғози Юнус, Юсуф Алиев — 100 сўмдан, Саъдулла Турсунхўжаев — 500, Маъруфжон — 200, Баладия шўъбаси — 500, Алихўжаев — 150, Орифхон — 100, вақф томонидан — 1000 сўм, ёш коммунистларнинг Эски шаҳар районидан — 100, Сигдиқ Йўлдош ўғли — 250, Бесиров — 100 сўм, Охунбобоев — 100, Мирсоат Маллабоев — 200, Ҳомидхонов — 150, Ишчи-деҳқон назорат комиссариатидан — 500, Эски шаҳар союзларидан — ўртоқ Маллабоев орқали — 500, ёшларнинг музофот кўмитасидан — 500, Абдулҳамид Сулаймонийдан — 100, Қўчқор Расулий — 100, Мусажон — 100, Маннон Рамз, Шоабдулкарим Шоабдурасул ўғли, Муҳиддин Турсунхўжа ўғли, Уликов, Султонхўжа Қосимхўжа ўғли, Мусажон Миразимов, Шокиржон Раҳимий, Обид маҳзум, Абдулҳай Тожи, Одил Исломов,

---

<sup>1</sup> Юсуф Алиев — таниқли давлат арбоби, ўша вақтда Туркистон ички ишлар комиссарининг ўринбосари, жадид театрининг намояндаси, С. Турсунхўжаевнинг дўсти ва тенгдоши.

Охундий, Орифжон Олимжон ўғли, Ҳамид Аъламов, Нурмуҳаммад ака — 50 сўмдан, Умаржон Абдулкарим ўғли — 30 сўм, Рамзиддин Муҳаммаджон ўғли Эшонхўжа, Сиддиқ Соат ўғли, Қудратулла Маҳзумов, Муҳиддин Усманий, Шариф Азимов, Маҳмуд Яъқуб ўғлилари — 25 сўмдан, Ҳожи Юнус — 15 сўм, Абдушукур Абдулрашид ўғли, Қосимхўжа Абдулкаримхўжа ўғли — 10 сўмдан, бундан бошқа ўртоқ Усмонхон Фарғонадан энг kami — 2000 сўм йиғиб келиб бермакка, Абдулҳамид Сулаймоний бир неча ойлаб ундан тушган фойдани беришга ваъда қилдилар».

Саъдулла Турсунхўжаевнинг тухмат балосидан омон қолиб, Москвадан оқланиб келиши шарафига берилган зиёфат гарчанд Саидносир Миржалилов томонидан уюштирилган бўлса ҳам, унинг ғоявий раҳбари Чўлпон бўлган. У эллиқдан зиёд меҳмонлар таклиф этилган зиёфатни шунчалик хурсандчилик эмас, балки миллат ва унинг келажаги йўлидаги муҳим тадбирга айлантириб юборди. Бу бизнинг кунларимиз учун ғайритабиий тадбирнинг ибратли томони шундаки, Чўлпон хорижий мамлакатларда ўқувчи ёшлар фойдасига иона тўплаш ҳақида аксар меҳмонларни олдиндан хабардор қилган. Шунинг учун ҳам зиёфатдан кеч хабар топган меҳмонлар 10—15 сўмдан берганлари ҳолда аксарият ўша давр учун катта қийматни ташкил этган 7655 сўмдан иборат маблағни йиғиб берган.

Чўлпон куйиниб айтганидек, 20-йиллар аввалида борди-ю Туркистонга мустақиллик берилган тақдирда ҳам ўлкани идора эта, хўжалиқдан тортиб маорифга қадар бўлган соҳаларни тараққий эттира биладиган мутахассислар йўқ ҳисоби эди. Шунинг учун ҳам у, бошқа маслақдошлари сингари, мактаб ва маорифни қайта қуриш, халқни маърифатлаштириш ва ёшларни илғор Фарб мамлакатларига ўқишга юбориш орқали юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ишини кун тартибига қўйишга уринди.

Саъдулла Турсунхўжаевни оқлашнинг ўзигина кифоя этмас эди. Зеро, унинг оқланиши ҳали ижтимоий фаол ҳаётга қайтишни мутлақо англамайди. Душманлар ҳали унинг олдига янги-янги тўсиқларни қўйишлари мумкин. Шунинг учун ҳам дўстлар орадан икки-уч кун ўтгач, ишчи союзларининг умумий мажлисини чақириб, «Ўртоқ Саъдулла Турсунхўжаевнинг қайта-

дан меҳнаткашлар ўртасида ишлашини сўраб» қарор чиқардилар.

1923 йил февралнинг бошларида, ўзбек диёри оппоқ қор қўйнида мудраб ётган бир пайтда берилган зиёфат Чўлпон қалбидаги кўклам чечакларини уйғотиб юборди. У хаёлан қаршисида қатор довонларни-ю қорли тоғларни кўрди. Ва агар шу ионачи дўстлари омон бўлса, бу довонлар ва тоғларни босиб ўтишига ишонди. Ва ёзди:

Қорга қўйин очган қатор довонлар,  
Сизга қараб туриб, кучни чоғладим.  
Кўнглимда йўл юриш истаги қайнар,  
«Юриб ўтаман!» деб белни боғладим.

Сизга қараб туриб, кучни чоғладим,  
Мени йўлларимда чўзилган тоғлар!  
«Юриб ўтаман!» деб белни боғладим,  
Кўзларим йўлларга тикилган чоғлар...

### Чўлпоннинг «Фарёғ»и

Одатда жадидларнинг 1917 йилга қадар фаолиятида мактаб ва маориф ишлари бирламчи аҳамиятга молик бўлган, кейин эса жадидлар ўз олдларига кўпроқ сиёсий ва ижтимоий вазифаларни қўйдилар, деган гап юради. Агар шу нуқтаи назардан Чўлпон фаолиятига назар ташласак, кўз олдимизда фаройиб бир манзара қад кўтаради.

Қўқондаги «усули жадида» ҳаракатига фаол аראлашган зотлардан бири «хур фикрли ва ринд қаландар» Йўлдош Мавлавийдир. 1920 йили унинг вафот этиши муносабати билан ёзилган мақоласида Чўлпон афсус ва надомат чекиб, бундай деган:

*«Юртимизнинг илмсизлик орқасида кетиб боргон йўлининг охири қангоғ кўрқинч эканини ортиқ тушунар эди. 13—14-йилларда зиёратига кирганимда, шу масаладан кўплаб гаплашиб ўлтириб, «Мен бу кетишимиздан кўрқаман», деган эди. Ўшал вақтдаги аҳвол ва шароитни яхшилаб билган кишилар бул сўзнинг даҳшатини кўб чуқур тушунар эдилар».*

Бу сўзлардан равшан бўлишича, Чўлпон 1913—1914 йиллардаёқ Туркистоннинг илмсизлик жари сари шид-



дат билан тушиб бораётганини сезган, бундан ташвишланган ва бунинг олдини олиш учун бошқа жадидлар билан бирга чора излай бошлаган эди.

Чўлпон 1917 йил 22 апрель куни «Турон» газетаси орқали озарбайжон театрининг таниқли арбоби Аҳмад Хонтолишскийга йўллаган очиқ хатига ўз кўнглида тўпланиб қолган дарду ҳасратларни бундай тўкиб солган:

*«Биз мактаб очдик — бекитгилар. Маграсаларимизни ислоҳ қилишга йўл бермагилар. Тилимизга «бало» аралашдирмакчи бўлгилар. Музикамизни тараққий қилдиришга йўл бермагилар. «Пагаркуш» деган театр ўйнаганларни «охран»ларга<sup>1</sup> суградигилар, ҳосили миллий ва маданий ўсишимизга оғир зарбалар тушурдигилар».*

Бу дардчил сўзлар куни кеча Чор ҳокимияти даврида рўй берган ғайримиллий ва ғайримаданий воқеалар тўғрисида айтилган. Чиндан ҳам, Чор ҳукумати жадидларнинг халқни маърифатлаштиришга қаратилган барча интилишларини ифлос қўли билан бўғиб келган эди.

Чўлпон «Истикбол учун кураш» деган мақоласида Ильминскийнинг «чўқинтириш сиёсатининг пири» Победоносцевга ёзган хатидан қуйидаги парчани келтирган: «Ерли халқ орасидан бизнинг учун фойдали ва, ҳеч бўлмаганда, зарарсиз кишилар, — деган экан у, — русча тилини тутулиб, уялиб гапиратурғон, ўрусча ёзғонда бир мунча хато билан ёзатурғон, бизнинг губернаторимиздан эмас, ҳатто устал бошлиғи (мирзо)миздан ҳам кўрқатурғон кишилардир».

Бу сўзларни милтиқ ё қамчиндан бошқа «тарбия» куролини билмаган Тошкент шахрининг сармиршаби Мочалов эмас, балки маданиятли ва маърифатли Русиянинг аср бошларидаги арбобларидан бири айтган. Чор ҳукуматининг Туркистондаги маданий сиёсати ана шундай кишиларнинг «доно» кўрсатмалари асосида ишлаб чиқилган. Масаланинг фожиали томони шундаки, 1917 йилдан кейин ҳам аҳвол ўзгармади. Аммо корчалонлар «Улуғ Октябрнинг ўзбек халқи тарихида «янги саҳифа очганлиги» ҳақида ўша кезларданоқ бонг ура бошладилар. Чўлпон шундай даъво билан чиққан большевикларга «Иштирокиюн»

<sup>1</sup> «Охранка»ларда, демоқчи.

газатасининг 1920 йил ёзида эълон қилинган мақо-  
ласида бундай жавоб берди:

*«Халқ болалари руҳсиз, халқ болалари ўликдай яшар-  
лар. Сизнинг сиёсатингизда бир ўзгариш йўқ. Энди  
меним бу фарёдим бир фарёд каби бўлиб қолса, бир оз  
натижаси кўрилмаса, тонгла халқ олдида буюк масъу-  
ليات сизнинг ва сизнинг устингиздагур.*

*Фарё, фарёд халқ ила ўйнашганлардан!..»*

Фитратнинг 1921 йили «Тонг» журналида чоп этил-  
ган мақоласидан маълум бўлишича, Шўро ҳокимияти-  
нинг Туркистондаги раҳбарларига Чўлпоннинг бу сўзла-  
ри ёқмаган. «*Ҳамиднинг «Фарёд»и билан «Афандистон»и,  
Элбекнинг бир-икки мақоласи муносабати билан билим  
дўконлари бекитилди. Тошкент ёшлари йиғинлар, ми-  
тинглар қилдилар, Элбекка «нафрат» отдилар, Ҳамид-  
ни иш бошидан, Муҳсинни эса Туркистондан сурмакка  
қарор чиқардилар»...*», — деб ёзди Фитрат.

Кўрамизки, 1937 йил воқеаларидан кейин «халқ  
душманлари»га нафрат тошларини ёғдирган намоёиш-  
лар қарийб Шўро давлати билан бир вақтда туғилган  
экан.

Чўлпонни Бухорога кўчиб кетишга мажбур қилган  
нарса ҳам эҳтимол хунвейбинчи ёшларнинг чиқишла-  
ри-ю уларни «гижгизлаган», сўнг тегишли чораларни  
кўрган большевик раҳбарлардир.

Чўлпон «Иштирокиюн» газетаси ва унинг қошида-  
ги «РўСТО» варақасидан бўшагандан кейин, аввалги  
фаслда қайд этилганидек, Туркистон Мухтор Жумҳу-  
риятининг Маориф халқ комиссарлигида ишлаб, 1921  
йил январь ойининг бошларида Тошкентда бўлиб ўтган  
2-Ўзбек тил ва имло масалаларига бағишланган кон-  
ференция ишида қатнашди. Конференциянинг тил ва  
имло қоидалари, шунингдек, араб ҳарфларини қисман  
ислоҳ қилиш тўғрисидаги қарорининг тайёрланиши ва  
1922 йилдан бошлаб ҳаётга жорий қилинишига ўз ҳис-  
сасини қўшди. Комиссарлик ўша йилнинг 17 январида  
Илмий кенгашнинг Чўлпон раислигида Ўзбек илмий  
ҳайъатини тасдиқлади. Унинг тавсияси билан Элбек  
ва Вауд Маҳмуд ҳам ҳайъатга ишга қабул қилинди.  
Шу вақтдан эътиборан ўзбек тили таълимига эътибор  
берила бошланди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Чўлпон 1922 йилнинг  
20—21 мартада Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган маориф  
ходимлари қурултойига Бухоро Халқ Жумҳурияти Мао-

риф нозирлигининг вакили сифатида иштирок этди. Ваҳоланки, у шу вақтда Тошкентга келиб, Маориф халқ комиссарлиги қошидаги Илмий кенгаш раиси ва-зифасини адо этаётган эди. Аммо қурултой ишида қатнашувчи меҳмонлар рўйхати тузилган пайтда Чўлпон БХЖ Маориф нозирлигида хизмат бурчини ўтагани учун у шу ташкилотнинг вакили сифатида қурултойда қатнашган.

Комиссарлик 21 март куни бўлиб ўтган коллегиясида барча мактаб ва билим юртларида маҳаллий тилларни ўргатиш масаласи бўйича жиддий тадбирлар ишлаб чиқилди. 29 мартда ўтказилган коллегияда эса мактаб таълимининг дастлабки уч синфи учун ўзбек тилида дарсликлар тайёрлаш лозимлиги ҳақида қарор қабул қилинди. Шу қарор асосида Элбекнинг 1—3-синфлар учун «Ўзбекча ўқиш» китоби яратилди.

Чўлпон Ўзбек илмий ҳайъатининг раиси сифатида миллий мактаблар учун тайёрланган ана шундай дарслик ва ўқув қўлланмаларининг яратилишига раҳбарлик қилди ҳамда миллий ҳайъатлар ишини яхшилашга доир қимматли фикрларни ўртага ташлади.

Маориф халқ комиссарлигининг таклифига кўра, Ҳамид Сулаймон (Чўлпон), Машриқ Юнусов (Элбек), ва Вадуд Маҳмуддан иборат уч кишилик комиссия сайланиб, бу комиссияга қурултойда тил ва имло бўйича билдирилган фикрларни ўрганиш ва қурултойнинг шу масала бўйича қабул қилган қарорини амалга ошириш иши юклатилди. Шу тарзда Чўлпон қаламкаш биродарлари билан бирга ўзбек тилининг долзарб муаммоларини ечишга ўз ҳиссасини қўшди.

Хуллас, Чўлпон Бухородан қайтганидан кейин, ҳатто «Туркистон» газетасининг таҳрир ҳайъати аъзолигига қарамай, маориф ишларига бел боғлаб киришди.

Хўжанд ўша йиллари Туркистон жумҳурияти таркибида бўлгани учун бу шаҳардаги маориф ишлари ҳам Туркистон Маориф халқ комиссарлигининг назоратида бўлган. Маълум бўлишича, Хўжанд маориф шўъбаси ҳукумат ҳисобига очиши лозим бўлган 8 та мактаб ўрнига ички имкониятлардан келиб чиқиб, 14 та мактаб очган ҳамда турли йўллар билан пул топиб, ўқитувчиларни муоҳада (шартнома) асосида қўшимча маблағ билан ҳам таъминлаб турган. Бундан хабар топган комиссарлик Хўжанд маориф шўъбасига «ко-

йиш» (ҳайфсан) эълон қилган. Чўлпон Хўжада маориф шўъбасининг бу тажрибасини маориф ишлари ўлиб бораётган бошқа шаҳарларда ҳам жорий қилиш ўрнига жазолагани учун ўз ҳажвияси билан Маориф комиссарлигининг шармандасини чиқарган.

Чўлпоннинг шундай жасоратли чиқишларидан кейин 1923 йил декабрида у яна маориф жабҳасига таклиф этилди. Тошкентдаги барча маърифатпарвар ёшлар ва масъул маориф-маданият ходимларининг декабрь ойининг сўнгги кунларида бўлиб ўтган умумий йиғилишида Туркистонда маориф ишлари сусайишининг, маориф ходимлари ўртасидаги низо ва келишмовчиликларнинг сабаблари очиб ташланди. Йиғилишда Мунаввар қори Абдурашидов, Маннон Рамз, Шокиржон Раҳимий, Заҳириддин Аълам, Шоҳид Эсон, Салимхон Тилахонов, Ҳамид Сулаймон, Холмуҳаммад Охундий ва Мажид Қодирдан иборат ҳайъат сайланди. Ҳайъатнинг бир неча кунлик фаолияти натижасида маориф ходимлари ўртасидаги англашилмовчиликлар бартараф этилди ва бу ҳақда аҳдномалар тузилди. Маориф ишларининг энг оғир ва бухронлик пайтида уни йўқолишдан қутқариб қолиш мақсадида, йиғилиш бутун ўлкадаги маорифпарвар ўзбек шоввозларига шу бирлашишни самимий бир тантана билан эълон қилиб, қуйидаги таклифлар билан уларга мурожаат этди:

*«1) Бутун ўлкадаги ўзбек маориф-маданият ходимлари ўз ораларидаги жанжал ва битишмасликларни ташлаб, қўл-қўлга беришиб, маорифнинг юксалиши учун ортиқ даражада зўр ғайрат билан ишласинлар;*

*2) Халқни маорифга ва маорифни халқга яқинлашдирмак учун қўлларидан келган ҳар бир чорага киришсинлар;*

*3) Самарқанд ва Фарғонада халқнинг бутун хўжалиқ ишларини барбоғ бўлишига сабаб бўлгон босмачилиқ билан курашиш ишига бор кучлари билан ҳукуматга ёрдам берсинлар;*

*4) Туркистон ўзбекларининг маориф ва маданият ишларини тўғри бир йўлга қўймоқ учун Тошкентда «Нашри маориф» номинда бир жамият очиш ҳаракатига киришилди. Шул жамият расмийлашгандан сўнг матбуотда эълон қилиниши билан дарҳол шул жамиятнинг ҳар ерида шўъбаларини очишқа киришсинлар. Ерли халқнинг маориф ишларига бизда муттаҳид*

фрунт ташкил этилмакдадир; шунга яқиндан аралашмоқ ва умумий душманмиз бўлгон жаҳолат билан курашмакка барча ўзбек маориф-маданият ходимларини даъват қиламиз».

Биз «Нашри маориф» ҳақида юқорида сўзлаб ўтдик. Аммо дилимиздаги гаплар ҳали тугамаган.

«Туркистон» газетасининг 1923 йил 1 январь сонидан эълон қилинган «хитоб»дан маълум бўлишича, «Нашри маориф» жамияти жумҳуриятдаги маориф ва маданият ишларини тубдан яхшилаш мақсадида тузилган. Жамият шу йилнинг ўзидаёқ Наливкин томонидан тузилган луватни, Мунаввар қори Абдурашидовнинг «Жуғрофия»си ва Шокиржон Раҳимийнинг «Нахв»ини нашрга тайёрлаган; Фитрат «Қутадғу билиг»нинг ноёб нусхасини топиб, нашр этиш мақсадида уни ўргана бошлаган.

«Хитоб»нинг учинчи бандига келганда, айтиш лозимки, у раҳбар идоралар томонидан киритилган бўлиб, унинг руҳи билан мутлақо уйғун эмаслиги кундек равшан бўлиб турибди.

1923 йил январининг бошларида таниқли маърифатпарвар Шокиржон Раҳимий Эски шаҳар халқ маориф бўлимига мудир этиб тайинланади. Шокиржон Раҳимий ва унинг устози Мунаввар қори Абдурашидов бу бўлимни Эски шаҳарда маориф ишларини ривожлантиришга қаратилган бояги қарор асосида қайта тузишга киришадилар. «Нашри маориф» жамиятига жамоатчилик асосида ишлаш учун Чўлпон ҳам таклиф қилинади. Ва у шу вақтда «Турон» театрининг директори лавозимини адо этаётганига қарамай, маърифий адабиётни нашр этиш ишларига ёрдам беришни ўзининг виждоний бурчи сифатида қабул қилади.

1923 йил 7 январь куни «Туркистон» газетасида куйидаги эълон босилиб чиқади:

### **«Барча маориф севгучиларга**

*8 январда (якшанба куни) кунгуз соат 3 да қишлиқ «Турон» биносида «Нашри маориф» уюшмасининг биринчи қатла ялли ўлтуриши бўладир.*

*Кўрулатурғон масалалар:*

- 1) муассасаларнинг доклади ва бошқарма сайлаш;*
- 2) ўзбеклар орасида илмий текширишлар тўғрисида маъруза (маърузачи Ғози Олим);*

3) навбатдаги ишлар.

Бул ўлтиришга барча маориф севгучилар, айниқса, маориф ва маданият уюшмаси аъзолари, билим юрталари, таълим-тарбия техникумларининг талабалари ва турли факульталарда ўқиғучи талабаларнинг арашишлари сўралур.

Муассасалар отидан: Ш. Раҳим, Ҳамид Сулаймон».

Шубҳасиз, Чор оҳранкаси ҳам, Октябрь тўнтаришидан кейин большевикларнинг махфий хизмати ҳам Чўлпоннинг ҳар бир ҳаракатини назорат этиб турган. Аммо, чамаси, шу эълодан кейин унинг ҳар бир қадамини кузатиш, ҳар бир сўзини териб-йиғиб юриш мунтазам тус олди. Бир жиҳати, шу хуфяномалар орқали Чўлпоннинг ўша йиллардаги ҳаёти ва фаолияти тўғрисида аниқ маълумот олишимиз мумкин.

Куйида шундай хуфяномаларнинг айримларини сиз, ҳурматли китобхонлар эътиборига ҳавола этамиз:

1923 йил 3 март санали хуфянома<sup>1</sup>:

«Абдурашидов ташкил қилган «гап» ташкилотининг бошлиқларидан бири ва «Нашри маориф»нинг илмий котиби Абдулҳамид Сулаймоний яқин кунларда М. Абдурашидов томонидан Бухорога командировка қилинади. Командировкадан мақсади ҳозирча аниқланмаган. А. Сулаймоний андижонлик бўлиб, Туркистон матбуоти олдида катта хизматлари бор, «Туркистон» газетасининг муҳаррири бўлиб ҳам ишлаган. Ҳозирги вақтда «Турон» театрининг директори, М. Абдурашидов ва Ш. Раҳимийнинг яқин дўстидир. Эшитишимча, у бухоролик ўзбекларнинг таниқли ёзувчиси Фитратнинг олдида бормоқда. Ўзбек труппасининг режиссёри Маннон Уйғурнинг касал бўлганлиги муносабати билан мен бу труппага бориб, А. Сулаймонийнинг касалиги ва ўз муддатига бора олмаслиги тўғрисида Бухорога телеграмма бермоқчи бўлганини билиб олдим. Контора ёпиқ бўлгани учун телеграммани юбора олмаган. Ҳар қалай, у яқин кунларда келиб қолади».

(Чўлпон Бухорога иккинчи марта 1923 йил апрелининг сўнгги кунларида борган. Ана шу сафар чоғида ёзилган «Ўликларга қарши» ҳажвияси «Бухоро ахбо-

<sup>1</sup> Хуфяномаларнинг асл матнлари рус тилида ёзилган.

ри» газетасининг 7 май сонида босилган. Чўлпоннинг Бухорога боришдан мақсади эса «Нашри маориф» жамиятининг Бухоро бўлимини тузиш ва у билан алоқа ўрнатиш эди.)

1923 йил 29 декабрга қадар бўлган вақтда ёзилган хуфянома:

*«Яқин ўтмишда мусулмонлар газетаси «Туркистон»нинг муҳаррири бўлган Абдулҳамид Сулаймоний ва Мунаввар қори Абдурашидовнинг иккинчи акаси Ҳасанхон Абдурашидов «Нашри маориф» ишлари билан Самарқанд ва Бухорога бўлиши».*

(Хуфя, чамаси, Чўлпоннинг апрель ойидаги сафари тўғрисида маълумот бермоқда.)

Бухородан Туркистон ГПУсига юборилган санаси номаълум махфий хат:

*«Шуни маълум қиламанки, сизнинг 1923 йил 2 апрелда юборган 3,978 рақамли маълумотингиздан аён бўлишича, «Нашри маориф» жамиятининг котиби Абдулҳамид Сулаймоний яқин кунларда Бухоро шаҳрига командировкага келади, шу сабабдан ГПУ ПП КРС<sup>1</sup> тегишли чораларни кўриш учун сиздан унинг жўнаш кунини шошилиш чораларида хабар қилишингизни сўрайди».*

Бухорога юборилган санаси номаълум махфий хат:

*«СОО ГПУТ<sup>2</sup> шуни маълум қиладики, ... хуфянинг 25/IV. 23 да юборган рапортига қараганда, Абдулҳамид Сулаймонийнинг Бухорога жўнаши 28/IV 23 га мўлжалланган».*

Бундай махфий хатлар Чўлпоннинг бор-йўғи «Нашри маориф» ишлари юзасидан уч-тўрт кунга Бухорога бориши муносабати билан ёзилган. Тошкент ва Бухородаги неча-неча кишиларнинг овора бўлгани-ю Чўлпоннинг сафарга бормоқчи бўлганини эшитиб, сергаklangанини қаранг!

Кўрамизки, ўзбек халқининг саводли ва маърифатли бўлишидан нафақат Чор, балки Шўро ҳокимияти ҳам ўлгудек кўрққан!

1923 йил 24 майда таниқли ўзбек маърифатпарварлари ҳақида тайёрланган махфий маълумотда Чўлпон ҳақида бундай сўзлар бор:

*«...2. Абдулҳамид Сулаймон. Ёши 31 га. Маълумоти*

<sup>1</sup> Давлат Сиёсий Бошқармаси Доимий ваколатхонасининг Аксилнқилобий хизмати.

<sup>2</sup> Туркистон Давлат Сиёсий Бошқармаси махсус бўлими.

ўрта (ўқитувчи). «Турон» театри директори. Мусулмон аҳолиси ўртасида катта обрў-эътибор эга. КНО<sup>1</sup> қатнашчиси. КПТ<sup>2</sup> аъзолигидан чиқарилган, собиқ шўроисломчи, миллатчи, Себзорда, Маҳсидўзлик (кўчаси)да яшайди».

Чўлпоннинг ёши, партия аъзоси бўлганлиги ва ундан чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар 1937 йилдаги чекистларга хос уйдирмадан бошқа нарса эмас.

Бундай ваҳимали ва хом-хатала гаплар билан бирга ГПУ хуфяномаларида баъзи бир қизиқарли маълумотлар ҳам учрайди.

1923 йил 15 мартдан кейин ёзилган хуфяномадан парча:

«15/III (1923)да мен Убайдулла Эрғозиевнинг уйига (Шайхантахур, Бодоқ маҳалла) чойга (кечкурун) таклиф этилган эдим. Уша ерга Абдулхамид Сулаймоний билан бирга бордим. Чой пайтида илова этилган рўйхатда қайд қилинган кишилар ҳозир бўлишди. Зиёфат соат 8 да тугагандан кейин Шокиржон Раҳимий раислигида мажлис бошланди... Фарғона вилоятидаги маорифнинг аҳволи ва вилоят «Нашри маориф» бўлимининг фаолияти тўғрисида НКП<sup>3</sup> ўринбосари бўлган, ҳозирда эса КПТ вилоят қўмитаси ижтимоий (масалалар бўйича) котиби бўлиб ишлаётган Усмонхон Эшонхўжаевга маъруза учун сўз берилди. Эшонхўжаев маориф ҳақидаги маърузасида қуйидагиларни айтди: Андижон вилоятида маҳаллий омманинг маориф ишига муносабати яхши, аммо ўқитувчилар ва ўқув қўлланмаларининг етишмаслиги сезилиб туради. Биз келгунга қадар у ердаги ОНО<sup>4</sup> мудири рус бўлиб, мусулмонларни қаттиқ сиққан, маҳаллий (халқ) болаларининг мактабга қабул қилинишига тўсқинлик қилиб, бу масалада рус болаларига кўпроқ ён босган. Баъзи бир мусулмон ходимлар унга қарши жанжал кўтаришгандан сўнг бу ҳол бир оз қисқарди, шунга қарамай, мактаблардаги мусулмон болалар сони рус болаларига қараганда анча-мунча кам. Биз боришимиз билан уни қамоққа олмоқчи бўлдик, лекин ундан бошқа бундай қилмаслиги ҳақида тилхат олиб, ҳозирча қолдирдик...»

<sup>1</sup> Аксилдинкилобий миллатчилик ташкилоти.

<sup>2</sup> Туркистон Коммунистлар партияси.

<sup>3</sup> Маориф халқ комиссари.

<sup>4</sup> Халқ таълими бўлими.



Хуфяномада қайд этилган бундай шармандали ҳоллар шўро даврида ўзларини большевиклар деб атаб, кўкракларига мушт урган рус маърифатчилари туфайли юз бермоқда эди. Ўзбек халқининг энг яхши фарзандларини миллатчиликда айблаб, уларни муттасил равишда сиқиб-туртиб келган бу кимсаларнинг ўзлари ашаддий шовинистлар эди. Улар туфайли 20-йилларда маориф ва маданият ишларини замонавий изга тушириш, ўзбек болаларининг илм-фандан баҳраманд бўлишларига эришиш ғоят қийин кечди.

Чақувномага илова қилинган рўйхатда 20 нафар таниқли маърифатпарварларнинг исм-шарифлари ю турар жойлари эринмай қайд этилган. Улар орасида Ш. Раҳимий, Чўлпон ва У. Эшонхўжаевдан ташқари, Абдулҳай Тожиев, Салимхон Тиллахонов, Саидносир Миржалилов, Маннон Рамз сингари фидойи кишиларнинг ҳам номлари борки, ўзбек фани, маорифи ва маданиятининг бутунги тараққиёт даражасига эришувида уларнинг муборак ҳиссалари оз эмас.

Хуфя маълумот берган йиғилишда Тошкент жадидлари ва маърифатпарварларининг сардори Мунаввар қори Абдурашидов бетоблиги туфайли иштирок этолмаган. Аммо у шунга ўхшаш бошқа йиғилишларда дилида маърифатга меҳр олови порлаб турган кишилар бошини бир жойга қовуштириб, бутунги ифода билан айтганда, халқни маърифатли қилиш, маърифат аҳли ўртасидаги низо ва ноаҳилликларга барҳам беришга қаратилган дастурнинг ишлаб чиқилишига доноларча раҳбарлик қилди.

Шундай қилиб, Чўлпон «халқ ила ўйнашганлар»дан фарёд қилибгина қолмай, халқ маорифининг изга тушиши йўлида бошқа маърифатпарвар дўстлари билан бир сафда туриб, фидойиларча хизмат қилди.

## «Дархон»

20-йилларнинг биринчи ярми Чўлпон учун, айниқса, қайноқ шароитда кечди. У замона зайли билан гоҳ Тошкент, гоҳ Бухоро, гоҳ Фарғона, гоҳ Андижон каби шаҳарларда хизмат ва яшаш манзилларини тинимсиз равишда ўзгартириб яшади. Бу даврга оид ҳужжатларнинг аксари куйдирилиб ташлангани, қолгани эса қайсидир сақловхоналардаги қоғозлар орасида, инсон

зотининг нигоҳидан четда қолиб келаётгани учун Чўлпон ҳаёти ва фаолияти саналарини аниқлаш осон юмушлардан эмас. Шунинг учун ҳам мавжуд тарихий адабиётдаги айрим фактларга бажонидил суянгинг келади, киши.

Анджонлик таниқли тарихчи олим проф. Рустам Шамсутдинов берган маълумотга кўра, «Қизил байроқ» ва «Туркистон» газеталарига Усмонхон Эшонхўжаев муҳаррирлик қилган пайтда Чўлпон унинг ўринбосари бўлган. Олим ушбу фактни Туркистон Компартияси Марказий Қўмитасининг 1922 йил 15 май ва 31 июль қарорларига таяниб айтган. Миллий матбуот тарихидан шу нарса яхши маълумки, Усмонхон Эшонхўжаев «Қизил байроқ» газетасига 1922 йилнинг 8 март сонидан то охиригача сони чиққунича муҳаррирлик қилган уч кишидан бири эди. «Туркистон» газетаси эса 1922 йил 13 сентябрда Усмонхон муҳаррирлигида чоп этилган. Чўлпон тахминан шу вақтда газетада Қосим Сорокин, Муҳаммад Ҳасан билан бирга ишга олинган ва у, ГПУ ҳуфяси айтганидек, муҳаррир эмас, балки муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаган. 1923 йил февралдан бошлаб «Туркистон» газетасига илова сифатида нашр этилган «Муштум» журнаliga газета муҳаррири Абдулҳай Тожиев, Ғози Юнус ва Жулқунбой билан бирга Чўлпонни ҳам ишга таклиф этган.

Шундай қилиб, Бухородан қайтгач, Чўлпон 1922 йил 1 августдан бошлаб «Қизил байроқ» — «Туркистон» газеталари, 1923 йил февралдан эътиборан эса «Муштум» журнали таҳририятида хизмат қилди. Шубҳасиз, у айна пайтда «Инқилоб», «Ҳақиқат» сингари нашрларда ҳам муаллиф сифатида фаол иштирок этди.

\* \* \*

Қўқон полициясининг бошлиғи Эргаш қўрбоши шаҳарни тарк этиб, теварак-атрофдаги қишлоқларда большевикларга қарши ҳаракат этар экан, Марғилон полициясининг раҳбари Мадаминбек ҳам 1918 йилнинг 20 февралда шўроларга қарши курашни бошлаб юборади. Шу тарзда «босмачилик ҳаракати» атамаси остида тарихга кирган ўзбек халқининг миллий озодлик ҳаракати бошланади.

Туркистондаги Октябрь инқилобидан кейинги вазиятни яхши билган Г. Сафаров «Шарқ муаммолари» китобида (Петроград, 1922) ёзганидек, «Босмачилик

ҳаракати, бир томондан, Қўқон мухториятининг тугатилиши ва туркистонликларнинг ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилишлари учун олиб борган курашлари натижасида вужудга келди, иккинчи томондан, у Фарғонадаги пахтачилик саноатини вайрон қилган иқтисодий танқислик ва очарчилик шароитида авж олди». Эргаш ва Мадаминбек қўрбошилардан кейин ўшлик Холхўжа, андижонлик Парпи, навкентлик Муҳиддинбек каби ўнлаб қўрбошилар ўз қишлоқ ва шаҳарларини большевизмдан озод қилиш учун кураш бошладилар. 1918 йилнинг ўрталарига келиб, Фарғона водийсидаги барча қишлоқлар «босмачилар» томонидан қўриқланади.

Хорижий мутахассислар «босмачилик ҳаракати»ни олти босқичга бўлиб ўрганадилар. Бизни қизиқтирган давр, улар таснифига кўра, бешинчи ва олтинчи босқичларни ташкил этади. Агар 1922 йил сентябрь — 1923 йил июнини ўз ичига олган бешинчи босқич «босмачи» қўшинлар ўртасидаги низоларнинг кучайиши билан ажралган бўлса, олтинчи босқич (1923 йил июни — 1923 йил декабри)да Қизил Армия «босмачилар» устидан ҳал қилувчи ғалабага эришади. 1923 йилнинг 17 августида, 67 кунлик қамалдан сўнг «босмачилик ҳаракати»нинг уч асосий маркази — Андижон, Наманган ва Марғилон «қизиллар» томонидан «ишғол этилади».

1923 йилнинг баҳор ва ёз ойларида «босмачи» гуруҳлар ўртасидаги зиддият ва ички курашларнинг аланга олганини кўрган Шўро ҳукумати мавжуд қулай шароитдан тўла фойдаланишга қарор қилди. Уша йилнинг май ойида СССР Қуроли кучлари Бош қўмондони, Инқилобий ҳарбий кенгаш раиси С. С. Каменев, Фарғона фронтининг штаб бошлиғи В. Д. Соколовский, қўмондон А. И. Тодорский, Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитасининг раиси И. Хидиралиев ва бошқалар бронепоезда Андижонга етиб келадилар. Айна пайтда, «Туркистон» газетасининг муҳаррири Абдулхай Тожиев, Чўлпон ва Олтойдан иборат кичик матбуот гуруҳи ҳам «босмачилик ҳаракати»га қарши қаратилган «Дархон» газетасини чиқариш учун улар билан тахминан бир вақтда йўлга чиқади.

«Дархон» қадимги турк сўзи бўлиб, «авф», «озод» деган маънони англатади. Бу номдаги бепул газетани чиқаришдан мақсад «босмачилар»га хайрихоҳ бўлган

ёхуд улар сафига адашиб кирган кишилар Шўро ҳукумати томонидан авф этилади, деган фикрни тарқатиш, халқнинг уларга қўшилиши ва мадад бериши ёхуд уларни яширишига имкон бермаслик эди.

«Босмачилар ҳаракати» йилларида халқнинг силаси қуриб, очлик ва яланғочликка гирифтор бўлганини ва бу ҳаракатнинг истиқболсиз эканини кўрган аксар зиёлилар эл ва юрт манфаатини кўзлаб, «босмачилик»ка чек қўйиш лозим, деган фикрга келдилар. Уларнинг бир қисми шу мақсадда Шўро ҳукуматининг таклифини қабул қилиб, Андижонга «Дархон» газетасини чиқаргани борди.

«Дархон»нинг расмий муҳаррири Абдулҳай Тожиев Чўлпондан икки ёш кичик бўлишига қарамай, тажрибали давлат арбоби, моҳир ташкилотчи, ўзбек матбуотининг шаклланишига катта ҳисса қўшган журналист ҳам эди. «Дархон» газетасига озми-кўпми алоқадор кишилардан бири Исҳоқ Ғозиев 1923 йил бошларигача ВЧК-ОГПУ<sup>1</sup>нинг Фарғона водийси шаҳарларидаги раҳбари, 1923 йили эса Андижон Инқилобий ҳарбий кенгашининг раиси лавозимида хизмат қилган. У ёзувчи ва журналист Ваҳоб Рўзиматовнинг «Дархон» қандай газета эди?» деган саволига жавобан бундай сўзларни айтган:

*«Дархон» босмачиликка қарши ғоявий кураш, бу борада халқ орасида кенг миқёсда ташвиқот-тарғибот олиб бориш юкланган оммавий газета эди. Унинг масъул муҳаррири мен, муҳаррир ўринбосари Абдулҳамид Сулаймон — шоир Чўлпон эди. Техник редакторимиз Боис Қориев эди».*

И. Ғозиев, бир томондан, кексалиги, иккинчи томондан, узоқ ва машаққатли йилларнинг ўтиши орқасида айрим масалаларни чалкаштириб юборган. У Инқилобий Ҳарбий Кенгашнинг раиси сифатидагина газетани назорат остига олган, аммо унинг муҳаррири А. Тожиев бўлган. Кўп ўтмай, А. Тожиев Тошкентга чақириб олинган ва газетанинг барча нашр ишлари Чўлпон билан Олтойнинг зиммасига тушган.

Олтой (Боис Қориев) 1958 йил 24 январь куни Давлат Хавфсизлик Қўмитаси ходимларига берган кўргазмасида бундай деган:

*«3-курсни битирганимдан сўнг (сўз ишчилар факультети устида бормоқда — Н. К.) мен ёзги таътил*

<sup>1</sup> Бутун Россия Фавқулодда Комиссияси — Бирлашган Давлат Сийёсий Бошқармаси.

кунларида Тожиев Абдулхай ва Юнусов Абдулхамид Сулаймонович (Чўлпон) билан бирга Туркфронт томонидан «Дархон» жанговар муваққат газетасини ташкил этиш учун Андижондаги сиёсий котибият ихтиёрига юборилдим. Биз ушбу газетани Андижон шаҳрида ташкил этдик. Мен 1923 йил июнидан августнинг охирига қадар тахририятнинг масъул котиби, Тожиев масъул муҳаррири ва Чўлпон адабий ҳамда техник бўлимларнинг муҳаррири бўлиб ишладик. «Дархон» газетасида қайд этилган вазифаларни бажариш билан бирга мен шахсан қишлоқларга ҳам чиқиб, газета учун материал тўпладим».

Яна шу гувоҳнинг ўзи 1930 йил 30 октябрда берган кўргазмасида қуйидагиларни айтган:

«Мен 1923 йили Абдулхай Тожиев билан биргаликда босмачиларга қарши махсус газетани ташкил этиш учун Туркфронт Сиёсий бошқармаси томонидан Андижонга юборилган эдим. Абдулхай Тожиев ўзи билан бирга Чўлпонни ҳам тақлиф этди ва Андижонга боришимиз биланоқ «Дархон» газетасининг деярлик барча раҳбарлик ишларини унга бериб қўйди. Чўлпон Андижонда босмачиларнинг таниқли малайлари Қоризода Насриддин, Мўминов (ўқитувчи), Абдулхай (фамилиясини билмайман), Ҳозиев, Убайдулла махсум ва бошқалар билан алоқа ўрнатди. Биз нашр этган газетага Чўлпон ошкора миллатчилик руҳини бериб, шунга мос мақолаларни танлади ва газетага хизмат қилган ходимлар ўртасида шу йўналишдаги тарғиботни ўтказди. Хусусан, у шахсан менга миллатчилик руҳида ёзиш лозимлигини айтди. Чўлпон биз ўтказган мажлислар («гап»лар)да миллий зиёлилар босмачиларни ғоявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари керак, деб чиқди. Буларнинг ҳаммаси Абдулхайга маълум эди. Босмачиларни ғоявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳақида гап борган баъзи бир мажлисларда у иштирок этган. Бундай йиғилишларда баъзан Чанишев, Алихўжаев ва Ҳозиевлар ҳам иштирок этишган».

Шоир Олтойнинг «Дархон» газетасини ташкил этиш ва тарқатишда Чўлпоннинг етакчи роль ўйнаганлиги тўғрисидаги фикрлари ҳақиқатдан узоқ эмас. У ўзининг дунёқараши, билими ва қалами билан нафақат Олтой, балки Абдулхай Тожиевдан ҳам устун бўлганлиги учун шундай ҳуқуққа эга эди. Абдулхай Тожиевнинг Чўлпонни мазкур сиёсий аҳамиятга молик ишга

жалб этгани ва газетани чиқариш масъулиятини унинг зиммасига юклагани тасодифий эмас. Аммо ҳалокат олдида турган босмачиларнинг Чўлпон томонидан қўллаб-қувватланиши ҳақидаги Олтойнинг сўзларида ёвуз ният борлиги сезилиб турибди. Ўз табиатига кўра, ўта инсонпарвар, кишиларга озор беришларидан изтиробга тушувчи Чўлпон «босмачилик ҳаракати»нинг инсонпарварлик қонун-қоидалари асосида тугатилишини истаган, холос. Зеро, у «босмачилар»ни мустақиллик учун курашган миллий қаҳрамонлар, деб билган.

Орадан қирқ кун ўтгач, 10 ноябрда Олтой яна бундай кўргазма берган:

*«30/Х 30 йилдаги сўроқда айтган гапларимга қўшимча тарзда шуларни маълум қиламан:*

1) Андижондаги вақф бошқармасининг 1923 йилдаги мудури, зиёли Қоризоганинг уйида бўлган «гап»да, Андижон шаҳар кутубхонасининг мудури (1923), ўқитувчи Мўмин, Абдулҳай ва яна бир неча зиёлиларнинг иштирокида (ҳозир уларнинг исм-шарифларини билмайман) Чўлпон бундай деди: «Шўро ҳокимияти яқинда тугайди; Шўро ҳокимиятига қараганда босмачиликнинг яшаш имкониятлари кўпроқ. Шунинг учун ҳам бизнинг вазифамиз, гарчанд руҳан бўлса-да, босмачиларни қўллаб-қувватлаш ва ёшларни шу йўналишда тарбиялашдир. Ҳозиронлар Чўлпоннинг бу сўзларини хайрихоҳлик билан қарши олишди. «Гап»да бўлиб ўтган суҳбат мазмунини ҳозир барча тафсилотлари билан эслай олмайман, аммо унинг моҳияти худди юқорида айтиб ўтганимдек эди.

2) Мен яна Чўлпоннинг Қўқон мухторият ҳукуматининг собиқ нозири, адвокат Убайдулла Хўжаев билан суҳбатида ҳам ҳозир бўлганман. Убайдулла Хўжаев бир рус кишиси билан, билишимча, у ҳам Қўқон мухторият ҳукуматида қирган, фамилиясини эслай олмайман, Чайкинмиди, ўзбек мумтоз шоирларининг асарларини нашр этиш мақсадида 1923 йилда Андижонга келган.

Убайдулла Хўжаев билан Чўлпон суҳбат пайтида зиёлилар ёшларни миллатга муҳаббат руҳида тарбиялашлари учун улар сафига шундай руҳни мустаҳкамлаш лозимлиги ҳақида келишиб олдилар; «Шўро ҳокимияти — муваққат ҳодиса. Ундан кейин мустақил Туркистон республикаси бўлади. Аммо бунинг учун ку-

рашиш лозим», — дегилар. Суҳбат Чўлпоннинг хонадонига, унинг отасига қарашли уйда бўлиб ўтди. Чўлпоннинг гапига қараганда, бу суҳбатдан ташқари, Хўжаев билан яна шундай мазмундаги суҳбати бўлган ва бу суҳбат чоғида, Хўжаевдан ташқари, Хўжаев билан бирга келган бир рус (сўз «Туркестанский голос» газетасининг муҳаррири Вадим Чайкин ҳақида бормоқда — Н. К.) иштирок этган. Бу суҳбат ҳам ўша ерда ўтган.

Мен буларнинг ҳаммасидан Хўжаев билан рус килиши келишининг тарихий моҳиятини тушундим — ўзбек мумтоз шоирларининг асарларини нашр этиш улар учун бир ниқоб бўлган. Мен Чўлпондан «Нега мухториятчилар билан олди-берди қилиб юрибсиз?» — деб сўрадим. У менга: «Сизлар, она сути оғзидан кетмаган гўдакларсиз, ҳеч нарсани тушунмайсиз, сизлар ватанни русларга сотгансиз», — деди».

Олтойнинг бу сўзларида айрим бўёқларнинг кимнингдир ташаббуси билан қуюқлашганини эътиборга олмасак, ҳақиқат зиёси йўқ эмас ва бу зиё Чўлпоннинг улуғ инсон ва шоир сифатидаги қиёфасини яна ҳам нурлантириб туради.

Олтой давом этиб, яна қуйидаги маълумотни берган:

«Биз, Абдулҳай Тожиев, Чўлпон, мен, Сегизбоев, Алихўжаев (яна 2—3 киши бўлган, исм-шарифларини эслай олмаيمان), Андижонга кета туриб, Қўқон мухторият ҳукуматининг собиқ озиқ-овқат нозири Обид Чатоқ (Обиджон Маҳмудов — Н. К.)нинг уйига қўндик. У ерда бизни Чўлпон бошлаб борди. Чатоқнинг уйида икки кечаю икки кундуз бўлдик. Чатоқ биз билан суҳбатда: «Ҳозир Туркистондаги шароит шундайки, миллат манфаати учун ишлашни хоҳлаган барча кишиларнинг коммунистлар фирқасига кириши лозим. Фирқа чиптаси бўлган кишиларнинг миллатга фойда келтиришлари осон», — деди. Чатоқ ҳозиронларга имо-ишора қилиб, шу ерда ўтирган коммунистларнинг асида миллатчилар эканини айтди. Ҳозиронлар Чатоқнинг бу сўзларини маъқуллагандек кулиб қўйдилар.

Мен адабий иш билан 1923 йилдан шуғуллана бошлаганман. Мафкуравий жиҳатдан ҳам, техник жиҳатдан ҳам мен шу пайтда мутлақо Чўлпоннинг таъсири остида эдим. «Дархон» газетасида босилган барча мақола, очерк ва шеърларимни — улар 10 га яқин —

Чўлпон тузатиб берган. 1924 йили «Фарғона» газетасига юборганим 2—3 та шеър ва мақолам ҳам Чўлпон таҳриридан чиққан...»

Олтой 1941 йили иккинчи маротаба қамоққа олингач, терговчининг Чўлпон тўғрисидаги навбатдаги саволларига жавоб бериб, ўша йилнинг 19 февралда бўлиб ўтган сўроқ пайтида ҳақиқатга яқин бундай сўзларни айтган:

«1929 йилга қадар бирор миллатчилик гуруҳи ёки ташкилотига алоқам бўлмаган. Бироқ мен Чўлпон билан яқин алоқада бўлганман. У 1923 йилдан бошлаб менинг шеърларимни аксилинқилобчилик ва миллатчилик руҳида қайта ишлаб берган, айни пайтда бу шеърларни газетада менинг тахаллусим билан босиб чиқарган. Масалан, «Ёш Шарқ» газетасида босилган «Қалдирғоч» деган шеъримни мисол сифатида келтиришим мумкин. Чўлпон шеърларимни миллатчилик руҳида қайта ишлаб, «Қоратоғ этакларида» деган сарлавҳа билан 1924 йилнинг бошларида Фарғона газетасида ҳам эълон қилган.

1923 йили, таътил кезларида, мен қизиққанам адабий иш билан шуғуланмоқчи бўлдим. Аммо Абдулҳай Тожиев билан Чўлпоннинг босмачиларга қарши газета чиқариш учун Андижонга бормоқчи бўлганларини эшитиб, мен ҳам улар билан бирга боришни хоҳладим. Шу мақсадда газета муҳаррири Абдулҳай Тожиевнинг олдида бордим. Тожиев Абдулҳай Туркфронт штабига мурожаат этишимни маслаҳат берди. Мен Туркфронт штабидан ижозатнома олиб, улар билан бирга Андижонга бордим. Биз Андижонда «Дархон» номида Андижон жанговар тумани штабининг газетасини чиқара бошладик...

Газетани нашр этишда Абдулҳай Тожиев муҳаррир сифатида, Чўлпон техник муҳаррир ва котиб сифатида, мен муҳбир сифатида иштирок этдик. Кўп ўтмай, мен таҳририят котиби бўлдим. Чўлпон менинг материалларимни миллатчилик руҳида қайта ишлаб, газетада чоп этиб турди. Ўша вақтда бундай «қайта ишлаш»нинг моҳиятига ақлим етмагани учун мен бунга қаршилик кўрсатмадим. Шу нарса қизиқки, босмачилар устидан бўлган суд жараёнларида Чўлпон билан Абдулҳай Тожиевнинг ўзлари бормай, бу жараённи ёритиш учун мени юборишар эди. Шу муносабат билан Чўлпон бир кун менга ҳатто



бундай деган: «Мен ёш ўзбек йигитларининг қандай ўлиб кетаётганларига қараб туролмайман, шунинг учун ҳам сен бор...»

Мен Чўлпонни миллатчи сифатида 1923 йилдан бери биламан. Унинг «Гўзал Фарғона», «Бузилган ўлкага» шеърларининг мазмуни шундан дарак беради. Тожиёв Абдулхайнинг миллатчилигини эса 1923 йили Андижонга боришдан илгари Қўқонда, мухториятчи-миллатчи Обиджон Чатоқнинг уйида берилган зиёфат пайтида билдим. Зиёфатда, мендан ташқари, Абдулхай Тожиёв, Чўлпон, Фарғона обкоми<sup>1</sup> котиби Сегизбоев Султон, Фарғона облисполкоми<sup>2</sup> раиси Алихўжаев ва, агар янглишмасам, Қўқон Эски шаҳар советининг раиси Раҳимбоев ҳозир бўлганлар...

Чатоқ зиёфат пайтида: «Сиз коммунистлар эмас, миллатчисизлар!» — деди. Бу сўз ҳозир бўлган ҳаммага қаратилган эди. Бироқ ҳозир бўлган кишиларнинг бирортаси ҳам бу ифодага қарши сўз айтмади, аксинча, ҳамма маъқуллагандек хахолаб кулди...

1923 йилнинг охирларида мен ўқишни давом эттириш учун Андижондан Тошкент шаҳрига, Инпросга<sup>3</sup> қайтдим, Чўлпон эса Андижонда қолди. Инпросга ўқиб юрган чоғимда Чўлпондан, масалан, «Шоирманми мен...» деган сатрли аксилнқилобий шеърларини олдим. У бундай шеърларни Инпросга адабиёт дарсларида талабалар билан ўқиб, таҳлил этишимизни сўрар эди... Мен Чўлпондан олган аксилнқилобий ва миллатчилик руҳидаги шеърларни Инпросдаги адабиёт ўқитувчиси Абдурахмон Саъдийга берар ва у, Чўлпоннинг илтимосига кўра, дарс пайтларида ўқувчилар ўртасида Чўлпонни мақтаб, бу шеърларнинг бадиий жиҳатдан юқори савияда ёзилганини айтар эди...

1924 йил охирларидан бошлаб мен матбуот саҳифаларида ... Чўлпонга қарши чиқа бошладим. Мен шунга иқрор бўлдимки, у ўз шеърларида янги, барпо этилаётган тузум билан келиша олмайдиган эски тузумни кўкларга кўтарди. Шунинг учун ҳам мен Чўлпонга қарши чиқдим. Чўлпонга қарши газетада чиқишдан аввал менда икки хил туйғу пайдо бўлди. Бу туйғунинг биринчиси — Чўлпонга нисбатан ҳурмат, ахир мен у билан бирга ишлашдим ва ундан ўргандим. Иккинчи-

<sup>1</sup> Вилоят партия комитети.

<sup>2</sup> Вилоят ижроия комитети.

<sup>3</sup> Маориф институти.

си — коммунистик адабиётнинг пайдо бўлиши билан менда коммунистик дунёқараш уйғона бошлади. Иккинчи туйғу ғалаба қилиб, мен коммунистик заминга ўтдим ва шу муносабат билан мени комсомолдан партия сафига ўтказишди».

Шундай қилиб, Чўлпон «Дархон» газетасини чиқариш мақсадида 1923 йил майнинг сўнги кунларида Андижонга борганида, Абдулхай Тожиев, Султон Сегизбоев, Олтой (Боис Қориев), Алихўжаев ва яна икки-уч киши у билан бирга бўлган. Улар дастлаб Қўқонда, Обиджон Маҳмудовнинг уйида тўхтаб, Фарғона водийсидаги тарихий вазият, «босмачилик ҳаракати»нинг ўша кезлардаги ҳолати билан яқиндан танишганлар ва ана шу танишув асосида «Дархон» газетасидаги тактикаларини белгилаб олганлар. Шубҳасиз, бундан на Олтой, на бошқа бир кимса хабардор бўлмаган.

Чўлпон 1937 йил 10 августда бўлиб ўтган сўроқ пайтида мароқли бир маълумотни берган.

*«1922—23 йилларда туркийпарастлар ташкилоти қуроли босмачи-исёнчи кадрларни сақлаб қолиш мақсадида босмачилик ҳаракатини секин-аста тўхтатиш йўлидан борганларида, кунларнинг бирида Рисқулов мени хизмат хонасига чақириб, Мунаввар қори ва Заҳрирддин Аъламнинг ҳузурига боришим ва улардан Фарғона водийсидаги босмачиларга мурожаатнома ёзиб беришни унинг номидан сўрашимни ўтинди. Мен Мунаввар қори билан Заҳрирддин Аъламнинг уйларида бир неча маротаба бордим, зеро, мурожаатнома тайёр эмас эди. Ниҳоят, уч-тўрт кун ўтгандан кейин Рисқуловнинг кўрсатмаси бўйича тузилган мурожаатномани Заҳрирддин Аъламнинг қўлидан олиб, уни Рисқуловга etkazдим. Бу мурожаатноманинг мазмуну босмачиликни тинч йўл билан тугатиш ва босмачи-исёнчиларнинг кучларини келажак учун сақлаб қолишга қаратилган эди (таъкид бизники — Н. К.).*

1923 йилда босмачиликни тугатиш учун Фарғона водийсига юборилган Абдулхай Тожиев ҳам шундай йўлни тутди».

Бу сўзлар гарчанд қийноқ остида зўрлаб олинган ва терговчи талқинида берилган бўлса-да, қуйидаги хулосага келишимиз учун озми-кўпми асос беради: «Дархон» газетасининг ташкил этилиши ва унинг «босмачилик ҳаракати»ни тугатишдаги хизматлари давлат-

га ҳам, миллатга ҳам фойдали бўлиши учун Турор Рисқулов ёхуд Абдулхай Тожиев ўзбек халқининг таниқли ва ҳурматли сиймолари Мунаввар қори билан Заҳириддин Аъламдан мурожаатнома ёздириб олганлар ва бу мурожаатнома «Дархон»нинг 1-сонида эълон қилинган.

Шундай қилиб, 1923 йил май ойининг охирларида Андижонда, Абдулхай Тожиев муҳаррирлигида «Дархон» газетаси чиқа бошлади. Газетанинг бир-икки сони чиққач, А. Тожиев Тошкентга қайтади ва муҳаррирлик масъулиятини Чўлпон ўз гарданига олади.

Чўлпоннинг ватандоши Комил Яшин «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг муҳбири билан қилган суҳбатида «Дархон» газетасига оид қуйидаги сўзларни айтган:

*«Чўлпоннинг, баъзан, истиқлолчиларга, миллий-озодлик ҳаракати курашчиларига бағишланган шеърлари бор, деймиз. Тўғри, шундай шеърлари бор. Бироқ истиқлолчиларга қарши курашган большевиклар Андижонда «Дархон» деган газета чиқаришган. Унга Иванов, Акмал Икромовларнинг яқин дўсти Абдулхай Тожиев муҳаррирлик қилган. Чўлпон ака эса унга ёрдамчи бўлган...»*

К. Яшиннинг бу сўзларида Чўлпонни «истиқлолчилар»га қарама-қарши қўйиш, «Дархон»ни эса уларга қарши курашган большевикларнинг газетаси сифатида баҳолаш тамойили бор. Аммо биз юқорида, Чўлпоннинг ҳам, бошқа миллатпарвар зиёлиларнинг ҳам «босмачилик ҳаракати»ни шу даврда тинч йўл билан тугатиш лозимлиги ҳақидаги асосли мулоҳазалари билан танишдик. Шунинг учун ҳам К. Яшиннинг бу сўзларини холисона фикр сифатида қабул қилмаслик мумкин.

*«Ўша газетада, — деб давом этган у, — Чўлпоннинг деҳқонларнинг тинч турмуш кечириш тўғрисидаги орзулари ифодаланган зўр мақолалари босилиб турган. «Дархон» газетаси архивларда, кутубхоналарда сақланган бўлиши керак. Кўриш керак. Ўша газетада чиққан материалларнинг мазмуни қандай бўлган, мен айтолмайман. Ўша йиллари Ленинградда эдим».*

К. Яшин гарчанд ҳафталик муҳбири билан суҳбатида ўзини «Дархон» газетасининг ғоявий йўналишидан беҳабар киши сифатида кўрсатган бўлса ҳам, «Ёдном» деган китобида (Тошкент, 1989), бу ҳақда қуйидаги қимматли маълумотни берган:

«1923 йилда Андижонда «Дархон» номида газета чиқарди. Бисотимда унинг бир неча сони бўлиб, авайлаб-асраб келаман. Бу газета «Фарғона музофотининг Инқилобий ҳарбий шўроси ва Андижон шаҳар ва уезд Инқилобий ҳарбий қўмитасининг фикр тарқатувчиси» эди. Бу газетанинг 1923 йил 1 август сонига «Халқ биз билан» сарлавҳали бош мақола босилган бўлиб, унда босмачилар устидан қозонилган ғалабанинг сабаблари ҳақида сўз борганди.

«Бунинг сабаби, — дейиладиган мақолада, — халқнинг кўнглида бўлган кучли ўзгариш, ағдарилишдир. Шу ағдарилиш натижасида бугун босмачиларнинг халқ орасида сира суюнатурғон асослари йўқ. Босмачилар халқ томонидан буткул мардуг бўлган, қувалонган.

Бу руҳ, ўзгариш нимадан келди?

Бу ўзгариш — ҳукуматимизнинг тутқон тўғри сиёсатидан ва қизил қўшуннинг халқ билан яхши, оғобли муомила қилишидан келди. Халқ кўзи билан кўриб, ўз қулоғи билан эшитиб, ўз мияси билан сездиким, Шўролар ҳукуматининг бу сафарги нияти қатъий, узилкесил ва бир тарафликдир. Шунинг учун ўзи ҳам шу йўлда қўлидан келган қадар ишламоқдадир.

Босмачиларнинг таянғучи асослари йўқ!

Бизнинг таянғувчи асосларимиз Фарғонанинг эзилган халқи!

Эзилган халқ, аламзада деҳқон биз билан!

Шунинг учун ғалаба, енгил пири ҳам бизнинг жиловимизга!»

Шубҳасиз, «Дархон» Инқилобий ҳарбий қўмитанинг фикр тарқатувчиси бўлгани учун унда шундай мазмундаги ва шундай тил билан ёзилган мақола ва хабарларнинг берилиши талаб этилган. Чўлпон бундай мақола ва хабарлари билан халқнинг «босмачилар» сафига қўшилиши ё уларга ёрдам бериши бу ҳаракатнинг ҳалокатли бир шаклда давом этишига ва ўлканинг янада вайрон бўлишига олиб келади, деган фикрни илгари сурган.

Газетада Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлар Кенгашининг 130-сонли қарори ҳам эълон қилинган. Бу қарорда шўро муассасаларида иш юритув ва ёзишмаларнинг тезроқ маҳаллий тилга ўтиши билан боғлиқ тадбирлар белгиланган эди. Шунингдек, газетада кўплаб қизиқарли мақола ва хабарлар ҳам босилган.

Замондошларнинг нақл қилишларича, «Дархон» чойхоналар, карвонсаройлар, бозорлар, масжиду маҳалла-қўйларда қўлма-қўл ўтиб ўқилган.

Агар Ўзбекистон Республикаси билан Русия Федерацияси ўртасидаги илмий алоқалар қайта изга тушса, келажак тадқиқотчилар Чўлпоннинг «Дархон» газетасидаги фаолиятига оид ҳужжатлар, шунингдек, газета сонларини Ленинград вилояти Октябрь инқилоби ва социалистик қурилиш давлат архивидаги 3-жамғарма, 2-тавсиф, 1482-рақамли «иш»дан топишлари мумкин.

\* \* \*

Гарчанд жиддий ва эътиборли воқеа бўлмаса-да, «Дархон» газетаси нашр этилган кезларда таҳририят ходимлари билан боғлиқ кулгили бир ҳодиса кечган. Чўлпон «Андоғ урдиларки...» деб номланган ҳажвиясида 1923 йил ёзида Андижонда рўй берган ичақузди воқеалар қаторида бу можаро ҳақида ҳам сўз юритиб, ёзган:

*«Энди ўз гардимиздан ҳам жиндак айтайлик:*

*«Дархон» газетасининг ёзғувчиларидан бири шошинч иш вақтида бепарволик қилиб, игора (шўъба) кучерининг қаҳрига йўлуққон. Кучер «кибиғлик», «кожурлик» қамчиларини ростлаб туруб андоғ урғонким, ёзғувчимизнинг мияси икки бўлак бўлди.*

*Миядан ажралғон ёзғувчимиз билан қолғон бечораларнинг кўнглини кўтармак учун Хлопком бир фазтон бермакка ваъда қилғон экан. Ваъда шамоли чопқиллаб келиб, игорамизга ўзини андоғ урдиқим, устол-курсиларимиз пора-пора бўлди... Фазтондан гарак йўқ!..*

*Мана шунча нарсаларни кўрганган кейин яна жангномаларга ишонмағон, Қамашшам азизларга шак келтирган кишига афсус, минг афсус, биродарлар!»*

*Ушбу ҳодиса тасвиридан аввал Чўлпон, эҳтимол, «Дархон» орқали ҳам дoston қилинган бир қарор тақдирини ҳикоя қилган:*

*«... Жангномаларга ишонмағон, суст эътиқод кишилар чиққан! Замонамизда Аҳмад замчининг полвонлигини, Қамашшам бобойнинг ботирлигини, Сайид Баттол Ҳозийнинг шижоатларини инкор қилғон, тонғон ёшлар бор! Астағфуруллоҳ!*

*Ҳолбуки, илгариги, бурунғи яхши, «мусулмонобод» замонларда эмас, мана охирғи замонамизда ҳам мен*

мундай баҳодирлар, мундай паҳлавонларни кўрдим. Бўлмасам, мен бир мирилик чақани белингизга тугуб бергандек қилиб, битта-битта тушунтириб берай:

Андижон Инқилоб-ҳарб қўмитасининг «Шаҳарни, хона жойларни, хар хил дўконларни ва кўча-кўйни озода тутиш» тўғрисида бир мажбурий қарори чиқди. Албатта, бу қарорнинг амалга қўйилишидан мелиса билан назофат комиссияси жуда яхши хабардор бўлса керакким, шаҳаримиз Эрам боғидан ҳам озода бўлуб кетди...

Кўчаларда ўлуб қолуб кунларча ётқон итлар, сочоғи бўлмагон чибиннинг уяси бўлгон ошхоналар, бузулгон, кўнгил айни тар морожналар, тупроғига одам эмас, от ботиб кетатурғон кўчалар... Айниқса, анави катта кўчани айтинг... олачипор илондек ярим-ёрти сув сепилиб, яна Ўшнинг йўлидак бўлуб қолди...»

Чўлпон «Дархон» учун фақат жиддий мавзуларда мақолалар ёзибгина қолмасдан, газетхонни сеҳрлаб олувчи, унинг кулгич мушакларини шарақлатиб ўйнатиб юборувчи енгил ҳажвиялар ҳам ёзганки, газета шундай кулгилик хабарлари туфайли аҳоли томонидан севиб ўқилган.

### «Сомон парча»

Чўлпоннинг В. Ян билан 1933 йил октябрида бўлиб ўтган суҳбатида «отамдан ва муллалардан қочиб Тошкентга кетдим», деган сўзлари бежиз айтилмаган.

Шоирнинг «Бузилган ўлкага» шеърининг тагида «Андижон, 1921» сўзлари қайд этилган бўлса ҳам, у бир неча йилдан бери ота уйига қадам босмаган эди.

«1923 йили акам Андижонга келди, — деб эслаган эди Фоиқа ая. — Бундан бир қанча фурсат илгари бувим оламдан ўтган эди. Акамнинг ўша мусибатли кунларда етиб келмагани учун онам кўзига ёш олиб, гина қила кетди. «Бизни ташлаб, унутиб юбординг. Бувинг вафот этганда келмасанг, қачон келасан? Ахир сени кўтариб катта қилган, йиқилсанг-йиғлаб, кулсанг-кулиб, тиригимда суянчигим бўлади, ўлсам тобутимни кўтаради, деб юрарди. Катта бўлганинг сари меҳрсиз бўлиб кетаялсан. Шундай ўта берсанг, мени ҳам, отангни ҳам, сингилларингни ҳам унутиб юборасан. Ҳар бир

*фарзанд ота-онасининг бағрида, ука-сингилларига ака, ака-опаларига ука бўлиб яшаши керак...»*

*Онам шундай гина-кудурат қилиб, акамнинг Андижонда, ота-она бағрида яшашини, шу ерда уйланиб, ували-жували бўлишини сўради. Онамнинг маслаҳати билан акам 1923 йилнинг октябрида Солиҳа деган оқила бир қизга уйланди. Бизнинг тўйимиз кетма-кет бўлди. Бугун Солиҳа бизнинг уйга келин бўлиб тушган бўлса, эртаси мен келин бўлиб чиқиб кетдим».*

Солиҳа Чўлпонга ҳар жиҳатдан муносиб хотин эди. Ҳусн-жамоли ҳам, ақл-ҳуши ҳам, уй тутишию, юриш-туриши ҳам — ҳаммаси жойида бўлган. У 50-йилларда Андижоннинг кўзга кўринган ёзувчиларидан Карим Аҳмадийнинг қариндоши бўлиб, Сулаймон баззоз яшаган кўчанинг нариги бетида, ҳозирги ун заводи яқинида яшаган. Фоиқа аянинг бўлажак эри Муҳаммадназар Мирзақожи ўғли ҳам Солиҳа билан бир жойда, қарийб девор-дармиён қўшни бўлиб турмуш кечирган.

Хуллас, 1923 йилнинг кузида бир-бирига яқин уч хонадонда никоҳ тўйи ўтиб, қиз чиқарган маҳалла, ўз навбатида, янги келинни ҳам шод-хуррамлик билан қарши олган.

«Дархон» Фарғона водийсида «босмачилик ҳаракати»нинг сўниши билан август ойининг сўнги — сентябрнинг бошларида ўз вазифасини бажариб, таққа тўхтади. Чўлпон ота-онасининг, сингилларининг истак-хоҳиши билан улар бағрида яшаб, ўша йилнинг куз ойларида, айтиб ўтилганидек, Солиҳа билан турмуш қурди. Тахминан шу даврда қўқонлик дўст-ёрларнинг таклифи билан «Фарғона» газетасига адабий ходим бўлиб ишга кирди.

1930 йили Москвадаги Бутирка қамоқхонасида бўлган Лутфулла Олимий терговчининг Чўлпон ҳақидаги саволига бундай жавоб берган: «Менинг Чўлпонга муносабатим... Чўлпонни узоқ вақтдан бери биламан. У 1926 йилгача бизнинг таҳририятимизда таржимон бўлиб ишлагани, уни биламан... У менинг хонадонимга сўнги марта ўтган йилнинг ёзига келган эди».

«Фарғона» газетаси Фарғона вилоят фирқа қўмитаси ва вилоят ижроия қўмиталарининг фикр тарқатувчиси бўлиб, 1921 йил 25 майга қадар «Меҳнат байроғи» номи остида чиққан, 1927 йилдан бошлаб

эса «Янги Фарғона» деган ном билан нашр этилган. Чўлпон 1923 йилнинг куз ойларида газетанинг таҳрир хайъати аъзоси ва техник муҳаррири Ашурали Зоҳирийнинг таклифи билан ишлай бошлаган. Аммо у Лутфулла Олимий, айтганидек, 1926 йилга қадар эмас, балки бир йилга етар-етмас шу газетада хизмат қилди.

Комил Яшин «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси мухбирининг «Устод сизнинг дастлабки шеърларингизни таҳрир қилганми?» деган саволига жавоб бериб, қуйидагиларни айтган:

*«Тахминан 1923 йил бўлса керак, Чўлпон Қўқонда чиқадиган «Янги Фарғона» (тўғрироғи, «Фарғона» — Н. К.) газетасига бир неча ой ишлаган. «Янги Фарғона»да («Фарғона»да — Н. К.) ўша пайтда кучли адиблар тўпланган эдилар. Ҳаммаси жадиғлар, маърифатпарварлар. Лутфулла Олимий — газетанинг бошлиғи, асли наманганлик, Ҳамза, Абдулла Раҳмат, бу одам кўп нарсани бошидан кечирган, Холмуҳаммад Охундий, бу — коммунист, Ашурали Зоҳирий... Ашурали Зоҳирий буларнинг ҳаммасига раҳбарлик қилган. Жуда билимли, маърифатли одам бўлган. Чўлпон ака менинг газетага жўнатган шеър ва фельетонларимни кўриб берган. Ҳамзанинг шеърлари билан баравар чиқиб турган, асарларим.*

*Майсалар шох ташлаб, қалтираб ўйнар,  
Эркин, шўх қизларнинг қилиқларидек...*

*Шу сатрларим бор шеъримни Чўлпон ака таҳрир қилиб берган».*

Афсуски, ушбу сатрлар муаллифи Чўлпонни яхши билганига қарамай, узоқ йиллар мобайнида унинг оқла нишига қаршилик кўрсатган кучларга раҳнамолик қилди. Агар унинг ғоявий ақидалари Чўлпоннинг дунёқарашига зид бўлмаганида, улуғ шоирнинг кўпгина асарлари ва у ҳақдаги қимматбаҳо ҳужжатлар омон қолган, демак, унинг ҳаёт ва ижод йўлини тиклаш анчагина осон ва самарали кечган бўлар эди. К. Яшиннинг Чўлпонга нисбатан носамимий муносабати мазкур суҳбатдан ҳам сезилиб туради.

*«Мен, — дейди у ўз ижодига назар ташлаб, — ҳақиқий коммунистларни ҳам, сохта коммунистларни ҳам ҳаётда кузатиб, «Икки коммунист»ни ёзганман.*



*Пьеса инқилобий мавзуда, большевистик тузумни улуғлаган. Бу Чўлпонларга ёқмаган. Лекин айтишмаган. Асар Акмал Икромовнинг буйруғи билан аввал Андижонда, кейин Самарқандда қўйилган. Икромов жуда кўтарган асарни. Ҳозир айтганимдек, пьеса Чўлпонларга ёқмаган-у, буни очиқ айтишмаган. Лекин биттаси — Қажум Рамазон чудаб туролмасдан, Самарқандда, театрда, танаффус пайтида мени ёнига чақириб олди-га:*

*— Ука Яшин, бу асарингда катта гапни кўтарибсан. Ишқилиб, ўзингга эҳтиёт бўл-га. Ҳали сен ёшсан, етилган драматург эмассан, ўзингга эҳтиёт бўл ишқилиб. Ўзингни ўтга-чўққа ураверма, — деб насиҳат қилган бўлди. Фақат шу одам шундай деди. Бу нарса ҳеч ёдимдан чиқмайди».*

Атоқли драматургнинг бу сўзларини ўқир эканман, Чўлпоннинг нақадар камтар, камсуқум, хоксор инсон, ўз фикри ва эътиқодини бошқаларга зўрлаб ўтказишни хаёлига ҳам келтирмаган ижодкор бўлгани мени ҳайратга солади. У ҳам: «Ука Яшин, сен бу асарингда большевикларни, Шўро ҳукуматини улуғлабсан. Бир кун келиб, Туркистон халқлари мустақилликка эришади. Большевикларнинг ҳам, Шўро ҳукуматининг ҳам миси чиқади. Шунда уларни мақташ билан ўтган ижодинг бир пул бўлиб қолади», — дейиши мумкин эди. Аммо у Яшинларнинг ўзидек қувғинда бўлишини, «халқ душмани» деб аталишини, итдек отилиб кетишини, ўлгандан кейин ҳам маломат тошлари остида яшашини асло истамасди. Аксинча, ўз шеърига қарама-қарши ўлароқ «Тузалган ўлкага» шеърини таҳрир қилиб, Файритийларнинг шоири даврон бўлиб юришларига имкон туғдирди.

Чўлпоннинг ҳаёт ва ижод йўлидан изма-из борар экансиз, бундай лирик чекинишларни четлаб ўтолмасиз.

Чўлпон «Фарғона» газетасида хизмат қилар экан, Яшин сингари ёш, Ҳамза сингари машҳур шоир ва ёзувчиларнинг асарлари сайқалланган ҳолда халққа етиб бориши учун жон куйдирди. Айни пайтда ўзининг янги шеър, очерк, адабий-танқидий ва публицистик мақолаларини ҳам эълон қилиб турди.

Чўлпон Қўқонда хотини Солиҳа билан бирга яшасди. Қўқонликларнинг айтишларича, улар Ашурали Зоҳирийнинг уйдан ўзларига кичик бир масканни топишди. Лекин шоирнинг «Ваҳм» шеърида тасвирлани-

шича, унинг айвони олдида бир туп арча дарахти бўлган. Ўзбеклар яшаган нафақат хонадон, балки кўчада ҳам арча дарахти ўсмаганлиги учун уни ўша кезлари газета таҳририяти яқинидаги, бир пайтлари чор амалдорига тегишли бўлган ҳовлида яшаган, деб тахмин ҳам қилиш мумкин.

Ўша йилнинг 3 декабри ёғинсиз, баҳаво, илҳомбахш кун бўлди. У шу куни «Сезги» деган гўзал бир шеър ёзиб, ўзининг севги нашидаси билан тўла борлиғини шу шеърга жо қилди:

Боғларда сўлди гуллар, сўлди гуллар, сезмадим,  
Қизориб ботди кунлар, ботди кунлар, сезмадим,  
Қайда қолди қонли кинлар, қонли кинлар, сезмадим,  
Сочларинг боғлаб олиб, боғлаб олибдир сезгини!..

Солиҳага туйган меҳр-муҳаббати билан бахтиёр бўлган шоирнинг кўзига на фаслларнинг оқиши, на куннинг ботиши, на асабини эговланган кинлар, ғийбатларнинг навбатдаги товланишлари — ҳеч нарса кўринмайди. Унинг азобларга тўла ҳаётидаги ана шу нодир ва ноёб бахт куни шу шеър сатрларига ўз муҳрини босди.

Орадан икки-уч ҳафта ўтгач, ҳануз бахт оғушида яшаётган Чўлпон яна Солиҳага бўлган туйғуларига кўклам ҳавосини пуркаб, шеър ёзишга тутинади:

Бир ва икки, уч ва тўрт, беш, олти, етти, саккиз, ўн —  
Саналарни йўлларингда ёстаб ўтсанг сен бутун,  
Янги-янги саналар турса қатор эзмак учун;  
Шунда ҳам бўлмасми бир шафқат, тараҳқум, қизғониш?

Холи боғда, кучли бода, хуш сабода бир кеча...  
Тўлғон ойнинг нурлари ўпса сочингдан тонггача,  
Сўнгра оппоқ бир булут бошингда юрса шомгача,  
Шунда ҳам кўнглингда сезмайсанми озроқ уйғониш?

Борлигинг бир, кўзларинг ўн, сўзларинг минг алдади,  
Борлигингга алдамоқдан бошқа нарса қолмади,  
Кўкрагингга қизғонишнинг еллари кўзғолмади,  
Шул сабабдандурки, кўнглумда умрлик ўртаниш...

Бу шеърни ўқир эканман, Яшиннинг Чўлпонни йўқлаб уйига борганида, унинг ҳовлида Солиҳанинг

орқасидан «ўргилиб кетай» деб, елиб-юргани ва Солиҳанинг эрига этагини ушлаб қочгани кўз ўнгимда гавдаланади.

Чўлпон нима учундир шу кезлари фасларни алмаштириб юборади. Ҳозиргина парчалари келтирилган ҳар икки шеърнинг декабрь ойида ёзилганига ишонгинг келмайди, киши, уларда замон ва макон тушунчаси ғоят нисбий бир тус олган. 1924 йилнинг 3 апрелида ёзилган мана бу шеърдан эса саратон ҳарорати анқиб, саратон ранглари тарам-тарам оқади:

Ўн саккизга кирган қишлоқ қизларининг юзидек,  
Қип-қизарган юзларингдан бир ўпич бер, шафтоли!..

Чўлпоннинг шу кезлари Андижон ва Қўқонда ёзган аксар шеърларида унинг — Солиҳага уйланган ва у билан бахтиёр кунларни кечирган шоирнинг мажнунона кайфияти барқ уриб туради.

Шоир, чиндан ҳам, бахтли эди.

\* \* \*

Сўз, модомики, Чўлпоннинг 1923—1924 йилларда Андижон ва Қўқонда кечган ҳаёти тўғрисида бораётган экан, бир номаълум фикрни ҳам сиз, муҳтарам дўстлар эътиборига ҳавола этгим келади.

Гап шундаки, Чўлпон ўзини қанчалик хушнуд ва хушбахт сезмасин, ҳеч қачон тўкин ҳаёт кечирган эмас. У ҳамиша муҳтожликнинг мудҳиш шарпасини кўриб-сезиб яшаган. Шунинг учун ҳам дўст-ёрлар имкон топганларида, унинг қаршисида қандайдир имтиёзлар «дарча»сини очишга ҳаракат қилганлар.

Мана, шундай илтифот намуналаридан бири:

*«Фарғона вилояти 13-чақириқ Ижроия қўмитаси  
биринчи пленуми мажлисининг 2-сонли қайғномасидан*  
КЎЧИРМА

*1923 йил 6 декабрь*

*Раис — ўр. Алихўжаев*

*Котиб — ўр. Никифоров.*

... 6) ЭШИТИЛДИ: Фарғона вилоятида яшовчи маҳаллий туб аҳолидан чиққан шоирларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида.

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:** Шоирлар — Абдувоҳид Сулаймонов (Чўлпон), Рафиқов ва Сўфизодани Андижон уезг-шаҳар ижроия қўмитаси, кейинги иккитасини эса Наманган уезг-шаҳар ижроия қўмитаси ҳисобидан масъул ходимларнинг 14-разряди бўйича ойлик маош тўлаш шарти билан стипендия соҳиблари рўйхатиغا кириштиш Туркреспублика Халқ Комиссарлари Кенгашидан сўралсин.

Раис (Алихўжаев)  
Котиб (Никифоров)».

Бу ҳужжат Фарғона вилоятининг давлат архивидан топилган. Унда кўтарилган масаланинг қандай ҳал бўлгани бизга қоронғи. Чўлпоннинг «Фарғона» газетасида узоқ ишламай, Тошкентга кетишидан иш пишмаган кўринади. Билишимизча, масалага нафақат марказда, балки Фарғонанинг ўзида ҳам енгил-елпи қараб, Абдулҳамид исмини Абдувоҳид, Рафиқ Мўмин тахаллусини эса Рафиқов деб ёзганларким, ана шу кичик тафсилнинг ўзидаёқ Шўро ҳукумати вакиллари атоқли ўзбек адибларига бўлган совуқ муносабати яққол кўриниб туради.

\* \* \*

Шоир зоти борки, нозиклик унинг зуваласида бўлади. Айниқса, Чўлпондек ноизктаъб, ўткинчи шамол туфайли ҳам кўнгил торларида шубҳа ва гумон куйи янграб юборадиган шоирлар оний кайфият, оний руҳий ўзгаришнинг бандаси бўладилар.

Эл-юртининг озод бўлиши умиди билан яшаган ва ана шу умид булоғидан сув ичиб келган Чўлпон замоннинг оқишида ўзи ва юрти учун нохуш манзараларни кўрди. Бу манзаралар уни, гирдоб сингари, ўз қаърига тортди. Чор атрофдаги ҳоким кучлар: «Ё биз билан кетасан, ё ғарқ бўласан», деяётгандек бўлди.

Ана шундай мураккаб вазият ва руҳий ҳолатда қолган Чўлпон 1923 йилнинг куз ойларида кундалик дафтарига «Топширдим ўзимни муҳитнинг қўйнига...» деган сатрларни ёзиб қўйди. Орадан бир мунча вақт ўтгандан кейин бу шеърга «Сомон парча» номини бериб, «Фарғона» газетасининг 29 октябрь сонисида эълон қилди. Шеърда кўз ёшлари билан ёзилган бундай аламли сатрлар бор:

Муҳит гирдобида бир сомон парча,  
Бир похол чўпидек оқиб бораман.  
Ҳар амал, ҳар ишни «ҳақ» деб биламан,  
Вазминим қолмади бир узук қилча...

Муҳит кучлик экан, эгдим бўйнимни,  
Чақмоқдек ялтираб учиш йўқ энди.  
Ёлгон хаёлларга кўчиш йўқ энди,  
Оқишнинг йўлига солдим куйимни.

Бу сатрларни ўқиб, Чўлпонни ўша лаҳзада банд этган хаёлларни кўз олдимга келтирмоқчи бўламан. Ҳали 1917 йил инқилоблари рўй бермасидан илгариёқ Абдулҳамидда мустамлакачиликка қарши кураш туйғуси пайдо бўлган. Ҳатто у, ҳали аслида мурфак бир бола, Андижонда Чор ҳокимиятини афдаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган яширин ташкилотга аъзо бўлиб кирган.

«*Чор ҳукумати даврида*, — деган эди К. Яшин ўша суҳбатида, — ўзбек зиёлиларининг чоризмга қарши курашувчи яширин ташкилотлари бўлган. Маркази Тошкентда (бошлиғи Мунаввар қори) бўлган. Бу ташкилот аъзоларининг Самарқанддаги Маҳмудхўжа Беҳбудийлар билан алоқаси яхши бўлган. Қадимгилар эса жадигларнинг бундай ишларига қарши чиққанлар. Эсимда: поччам Абдуҳаким Саркоров 2—3 кун сандалнинг ичига кириб, қадимгилардан яшириниб ётган. Кауфманлар ўзбек зиёлиларининг келгинди босқинчиларга, улар амалдорларининг сиёсатига қарши хатти-ҳаракатларини сезиб қолган. Мен топган ҳужжатда Чўлпон ака, Абдуҳаким поччам ва яна бир қанча одамларнинг рўйхати бор...»

Ўша кезлардан бошлаб мустамлакачиликка қарши курашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Чўлпон шўро даврида ҳам истиқлол орзуси билан яшади. Қўлидан келганича ватандошларида кураш туйғусини уйғотди. Қўлидан келганича курашди. Аммо дастлаб Беҳбудий қатл этилди. Мухторият ҳукумати аъзолари қувфинга учради. Мунаввар қори ва Убайдулла Хўжаевлар шўро қамоқхоналарининг тузини тотдилар. Анвар пошо қочаётган рус аскарининг ўқидан ўлди. Босмачилик ҳаракати, мана, ниҳоят, натижасиз ниҳояланди. Шўро ҳокимияти турмушнинг барча жабҳаларида ғалабага эришди.

Хўш, энди нима қилиш мумкин?

На исён, на тўлқин, на тўфон, на ўт!  
Кўзимда оғир бир таслим нури бор.  
Ай, ўтли кечмишим, юзингни беркит,  
Сенда шайтонларнинг ҳақсиз зўри бор.  
Мен энди ҳудди бир сомон парчаси...

Умидсизлик саҳросида ёлғиз қолган Чўлпон муҳит  
олдида таслим бўлган эди.

Кирмайман кўчанинг боши беркига,  
Чунки таслим бўлдим муҳит эркига...

Бу шеър чоп этилиши билан большевикларнинг бир қисми тантана ҳиссини туйди. Иккинчи қисми буни ашаддий миллатчи ва аксилинқилобчи шоирнинг тактик ўйини, деб эълон қилди. Шоир ижодининг муҳлислари мудҳиш бир ҳолатга тушдилар: улар кўзини қувонтирган юксак чўққидаги байроқ ер бўйи эгилгандек эди. Кулгиталаб дўстлардан бири эса аза очган шоирни мазах қилишдан ўзини тиймади. «Муштум» журналининг 1923 йил 7 ноябрь сонидан унинг «Чин дўст» имзоси билан қуйидаги ҳажвияси босилди:

*«Машҳур шоирларимиздан ўртоқ Ч. Тошкандан Фарғона боришда худонинг қудрати билан сомон парчаси бўлуб қолғон.*

*Ул бу ишдан жуда кўб фойдалар кўрган; чунончи, Тошкан — Фарғона темир йўли учун тутулатурғон чиқим ҳам ёнига қолғон. Ул Тошкандан чиқишданоқ шамолга кўтарилган. Шамол уни учирганча учуриб, тўғри Андижон шаҳарига элтган ҳам бу киши шунда бир ...нинг қошига миниб қолғон.*

*Ч. ўртоқнинг ўз гаъвосича, энди ул муҳит ...нинг эркига ўткан эмиш, ўз қўлига эрк қолмағон эмиш. Бали, бали, шоир афанди!*

*Энди ҳақиқатни топибсиз, Шул гаъвоингиздан қолманг. Эрк ҳам шул, ҳақиқат ҳам шул!*

*Бироқ, энди ширач каби қаттиқ ёпишингким, то шамол сизни иккинчи учура олмасун ва гарёга отмасун».*

«Чин дўст» — Абдулла Қодирийнинг тахаллусларидан бири. У, назаримда, шоир тушган руҳий иқлим ва изтиробли ҳолатдан узоқ бўлгани, бу шеърнинг ҳар

бир сатри ортида қандай кўнгилсиз ва алам-ангиз воқеалар ётганидан беҳабар бўлгани учун қаламкаш дўстини ноўрин мазах қилган.

Абдулла Қодирий кейинчалик ҳам Чўлпонга нисбатан бир неча бор ноўрин ҳазил-мутойибаларга эрк берди. Аммо ўзини муҳитнинг эркига топширган Сомон парча уларга жавоб бериб, китобхонлар олдида ўз қадрини тиклаб олиш лозимлигини хаёлига ҳам келтирмади.

У ҳамма нарсадан баланд эди.

## ***Вайроналар орасига***

1924 йил февралнинг аввали. Чўлпон барвақт уйғониш нияти билан ётган бўлса-да, ухлаб қолдими, ҳар ҳолда эрталаб онаси эшикни чертиб, «Тур, аравакашлар келиб қараб туришипти», деди. Чўлпон ирғиб ўрнидан турди, наридан-бери ювиниб, кийинди-да, ташқарига чиқди. Қоронғи кўчада тўртта девсифат арава турарди. Шу лавашоқ аравалар билан 48 чақирим йўлни босиш лозим эди.

Арава кўзфолиб, доираси уч қулоч келадиган ҳайбатли гилдираклар беш-ўн марта айлангунича она бечоранинг хира чироғи уни узатиб турди. Бундай қоронғи кечада, танимаган кишилар билан вайрон йўлга чиққан Чўлпон кўрқув туйғусидан маҳрум эмас эди. Лекин хира чироғнинг заиф нури билан ёлғиз ўғлини кузатган она қандай безовта хаёлларга бордийкин?.. Чўлпон узоқ вақт ана шу ҳақда ўйлади.

Аравалар секин-аста шаҳар чеккасига яқинлашар экан, неча йиллик ички урушлар билан чарчаган, тақир даштдек ёввойилашган кўчалар ортда қолиб, бирикки заводнинг харобалари кўринди. Бу ерда бир неча тери ишлаш заводи бор эди, ҳозир биттасигина тирик қолган...

Аравалар гоҳ лойга ботиб, гоҳ олдинги араваларнинг қийналиб бораётгани сабабли секинлашиб, минг азоб билан Андижон адирига етди. Ҳали ҳам тонгдан дарак йўқ эди. Қоронғилик ҳали ҳам куюқ бўлиб, субҳи каззоб деганлари шу эди.

Адирдан тушиб, Хартум қишлоғига кириб борилганда, чеккароқ жойлардан бузилган, бўш ва вайрон иморатлар, ҳовлилар кўринди. Илгари жуда обод

бўлган шаҳардан қоровул тахтасининг маъюс-маъюс товуши эшитилди. Аравалар ёмон, лой-йўллар билан Завроқ, ундан Чек қишлоғига ўтиб, катта адирга тир-маша бошлади.

Энди сафарнинг давомини шу мунгли манзарани ўз кўзи билан кўриб кетаётган Чўлпондан эштайлик:

*«Қишлоқларда қимирлағон жон йўқ; ҳамма уйқуда, ҳамма хонада жон бор, одам бордек кўринадур. Лекин, хона жойларнинг бўш бўлғонлари, эгасиз, кимсасиз қолғонлари ҳам кўб, дегилар. Томларга босилган беда, макка ва ғўза поялари ёнларидан ўтканда, аллақандай хаёлий шакл кўрсаталар. Гоҳ гув бошидек, гоҳ албости тўғасидек, гоҳ ухлағонларни масхара қилиб кулган хаёли бедордек, гоҳ гарахт шохига ухлаб ётқон бир тўп қарғадек кўрунадур. Ҳолбуки, қишлоқнинг бутун умиди, тасаллиси, бори-йўғи шу бир фарам поя!*

*Адирнинг текис тош йўлида отларни қамчиладилар, гур-гур арава чопиш бошланди. Илгари вақтда босмачиларнинг бозорги тўсатурғон бир ерларига — Тўра булоғига келдик. Кўнглум тўлқунланди, қолғонқутқон босмачилар бор бўлса... рўпарамиздан чиқсалар. Мен бу хаёллар билан бош айлантиргунча аравакашлар булоқдан ҳам ўтиб кетдилар...*

*...20 чақирим йўл босиб, Ўш билан Андижоннинг қоқ ўртасидаги Хўжаобод қишлоғига яқинлашқонимизда, аста-секин тонг отди.*

*Йўлда бир қишлоқни кўргдук: ярмидан кўби куйиб кетубдур. Сабабини аравакашлардан сўрадим: «Босмачилар билан урушқони чиққан арманилар, 3—4 йил бўлди, талаб, ўт қўйиб юбордилар», деди...*

*Арманиларнинг «Миллий дашноқ» фирқалари Шўро ҳукумати ёш вақтида қизил байроқ остига кириб олиб, уларнинг қилғон ваҳшатлари, 18—19-йиллардаги Фарғонадаги «арман диктатураси» кўз олдимдан битта-битта чизилиб ўтди...»*

Камина юқорида, Туркистон мухториятининг тугатилиши тилга олинган саҳифаларда Турор Рисқуловнинг «Дашноқлар Фарғонада нималар қилди?» деган мақоласидан лавҳа келтирган эдим. Баҳс, модомики, яна шу мавзу билан туташган экан, дашноқлар ва рус аскарларининг Чўлпон гувоҳи бўлган вайроналардаги ролини ёритиш лозим бўлади. Т. Рисқулов Қўқонда оммавий қирғин бошланиб, босмачилик ҳаракати шакл-



лана бошлагани ҳақида гапиргач, бундай манзарани тасвирлаган:

«...Босмачилар Андижон шаҳрида бир мунча муваффақиятга эришдилар, натижада 70 та милтиқ, бир неча минг ўққа эга бўлишди. Дашноқлардан иборат ҳарбий қалъа бу воқеада бутун айбни эски шаҳарликлар бўйнига юклагди. Шу муносабат билан бўлинма митинги чақирилиб, Эски шаҳарни тинтиб чиқиш учун қарор қабул қилишди. Тинтув бир ҳафта давом этди: ўғирлик, қотиллик, зўрлаш ҳодисалари содир бўлди. Тинтувдан сўнг эски шаҳарликларнинг кўпчилиги босмачиларга қўшилиб кетди.

Оқибат шу бўлдики, бир неча кундан кейин 170 кишидан иборат дашноқлар отряди босмачилар томонидан қуршаб олинди. Ва битта қолдирмай чопиб ташланди. Шундан сўнг аҳолини босмачиларга ён босишга айблаш бошланди. 170 кишининг ўрнига шаҳар кўмитаси раиси Салаев бошчилигида 250 кишидан иборат отряд тузилди ва Қўқонқишлоққа ҳужум қилиниб, бирон уй қолдирмай ёқиб юборилди.

Қочиб кетган қишлоқ аҳолисини 20 чақиримгача қувлаб боришди ва бирма-бир қиличдан ўтқазишди. Бошқа бир отряд босмачиларга Сўзоқ қишлоғи атрофида гуч келди: босмачилар қишлоққа кириб яшириндилар. Сўзоқ қуршаб олинди ва аёвсиз ўққа тутилди. Қишлоқдан қочиб, дарё бўйига яширинган аҳолига қарата ўт очилди ва бирон тирик жон қолдирмай қириб ташланди. Бир ойлар чамаси кўмилмаган мурдаларни итлар важиб ётишди.

Бозорқўрғонга борган Коновалов бошчилигидаги учинчи отряд эса, иложи борича, ўз ҳаракатини сир тутишга интилди ва, тахмин қилганларидек, босмачиларга гуч келдилар. Босмачилар бир кеча-кундуз жанг қилгач, қутилмаганда, ғойиб бўлдилар. Коновалов Бозорқўрғондан кетар экан, қўшни Никольское қишлоғидаги русларга Бозорқўрғонни босмачилардан тозалашни топширди. Ва бу қишлоқни Никольское қулоқлари уч ҳафта давомда обдон «тозалашди». Аввалига, шунчаки талон-торож қилишди, сўнг ҳеч кимни сўраб-суриштирмай, отиб ташлай бошладилар: эркакларни — босмачиларни қўлаб-қувватлагани учун, болаларни эса бир неча йилдан сўнг босмачи бўлиб етишади, деб ўлдирдилар...»

Бундай кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеаларни

большевиклар дашноқлар ва рус аскарлари қўли билан Фарғона водийсининг кўплаб қишлоқларида амалга оширдилар.

Чўлпоннинг бу вайроналар бўйлаб сафарга чиқишидан мақсади большевикларнинг ўзбек тупроғига олиб келган шу таҳлитдаги «инсонпарварлик», «халқпарварлик» ишлари, янги тузумнинг етти йил ичида кўрсатган кароматларини ўз кўзи билан кўриш ва сафар таассуротлари билан «Фарғона» газетасининг муштарийларини таништириш эди. Фарғона воқеаларидан хабардор бўлган «муштум»чилар ҳам Чўлпонга шу сафар чоғида ҳамроҳ бўлиш истагини билдирган эдилар. Хуллас, Чўлпоннинг вайроналар орасидан ўтишида шу ижодий ният йўлчи юлдуз вазифасини ўтаган эди.

...Тўрт аравали кортеж Шаҳрихонсой кўпригига етиб келди. Бир вақтлар қанча-қанча пул сарф қилиниб қурилган темир кўприк бузилиб ётарди. Кўприкнинг икки чеккасидаги панжара темирлари қаергадир қулоғини ушлаб кетган, кўприкнинг баъзи жойлари от сиварлик даражада тешилган, у тешиқларга эса хода юмалатиб қўйганлар. Хўжаобод ҳукумати раҳбарлари бу серқатнов йўлдаги кўприкни тузатмоқчи бўлишган кўринади. Лекин кунлар ва ойлар ўтса-да, тузатув ишларидан ҳали-бери дарак йўқ...

Сафардошлар нонушта маҳали Хўжаобод қишлоғига кириб, бир чойхонага тушишди. Аравакашлар отларни ўтга қўйдилар. Чўлпон газета топшириғини бажариш ниятида қишлоқ ҳаётини ўрганишга тушди.

Хўжаободда Шаҳрихонсой билан ёнма-ён Ўш сойи ҳам оқар, у Ўш томондан келиб, Шаҳрихонсойга қуюлар экан. Ўтган йил шу сой тентакланиб, 500 таноблик экинзор билан бирга ҳовли ва боғларни ҳам оқизиб кетган, ҳозир ҳам шу табиий офат кичикроқ бир шаклда давом этаётган эди. Хўжаобод аҳолиси бу тўғрида ҳукуматга қанчалик арз қилмасин, ўтган йили «Дархон» ҳам шу ҳақда қанчалик ёзмасин, ҳатто Туркистон Марказий Ижроқўми ва Фарғона музофоти бошлиқлари ҳам бу манзарани қанчалик кўриб кетмасинлар, бирор чора кўрилмаган эди.

Анджонлик «сайёҳлар» Хўжаобод билан танишар эканлар, Тошкентдан йўлга чиққан Фози Юнус билан Элбек ҳам етиб келишади. Улар энди биргаликда маҳаллий шароитни ўрганиб, жумҳурият жамоатчилиги-

нинг эътиборини тортиш лозим бўлган масалалар билан шуғулланадилар. Бундай масалалар ҳар қадамда тўзғиб ётар эди.

\* \* \*

*«Бутун Фарғонада ҳавосининг тозалиги ва иқлимининг хушлиги жиҳатидан Ўш билан тенглаштурғон жой йўқ». «Бобурнома»да улуғ ватандошимиз Ўшга шундай таъриф берган: «Қашқар амири Ёқуб» деган француз муаллифининг асарига эса Ўш бундай сатрларда улуғланган: «Фарғона музофотигаги шаҳарлар орасига энг гўзал жойга ўрнашқон ва энг соғлом иқлимга эга бўлғони Ўшдир. Бу атроф умуман жуда яхши суғориладур ва унинг муаттар бинафшалик кўклами чинакам жозиб! Бундан бошқа яна ҳар қайда лолалар ва гуллар ўсадур».*

Чўлпон Ўшни севарди. У ҳар сафар бу масканга келганида, кўнгиш қушлари Ўш осмонини тўлдириб учар, кўкраги «энг соғлом» иқлим ҳавосини симириб, оёқлари яшил поёндозлар узра юрганида, Антей каби, ердан мадад олгандек сезарди ўзини.

Чўлпон 3 февраль куни, бир томони, Ўшда кечган ёшлик кезларини, иккинчи жиҳати, ҳозирги ҳолатини, Сомон парча эканлигиними эслаб, шеър ёзди. «Қушнинг ҳадиги» деб номланган бу шеър, аслида, Ўшга, ушбу сафар таассуротларига мутлақо алоқасиз. Лекин унда ифодаланган фикр ва кечинма Ўш заминида тутилган.

Шеър бундай бошланади:

Қуш бечора қўрқадирким, уясидан айиргайлар,  
Уясидан айирмоқ-ла қанотини қайиргайлар.  
Майда симдан силлиқ қилиб, моҳирона тўқилган бир —  
Қафас топиб, дарчасини очиб, дерлар: «Масканга кир!»

Бу — шеърнинг биринчи қисми. Иккинчисида шоир ана шу «маскан»нинг тасвирини чизади. Учинчи қисмида эса қафасга тушган қушнинг озодлик сари талпиниши қаламга олинган:

Симлар билан иши йўқдир, чиқмоқ учун учиб кўрар,  
Ўрмонларнинг хаёлида ҳар томонга ўзни урар.  
Томни тешиб чиқмоқ учун шипларга ҳам кўп илинар,  
Ундай қилиб бир интилар, мундай қилиб бир интилар.

Хуллас, қуш қанчалик уринмасин, қафасдан чиқолмайди. Унинг шундан кейинги ҳолати шеърнинг бешинчи қисмини ташкил этган қуйидаги сатрларда мужассамланган:

Унинг бутун тасаллиси — тўлиб-тошиб сайрамоқдир,  
Кўм-кўк дала, ўрмонларни эслаб-эслаб йиғламоқдир,  
йиғламоқдир!..

Чўлпон — кечаги Сомон парча — шу қуш тимсолида ўз тақдирини тасвирлаган эди.

У тўлиб-тўлиб сайраш, эслаб-эслаб йиғлаш учун вайроналар оша саёҳат қилмоқда эди.

\* \* \*

Чўлпон Андижон — Ўш — Жалолобод йўналиши бўйича қилган сафари чоғида мустамлакачиликнинг янги-янги шаклларда давом этаётгани, рус муҳожирларининг ерли халққа нисбатан нафратомуз муносабати, маҳаллий Шўро ҳукуматларининг вайроналарни тузатиш, адолатсизликларни бартараф қилиш ҳақида сариқ чақалик иш қилмаётгани, бечора маҳаллий халқнинг эса чиркин урф-одатлар муҳитида яшаётганини кўриб, «Фарғона» газетаси орқали бутун Туркистонга бонг урмоқчи бўлди.

Мана, у бонг урган масалалардан бир шингили:

### Қуршоб

Ўш билан Ўзгант орасида, машҳур Ўттиз адирнинг ёнида Қуршоб деган қишлоқ бор. Унинг номи ҳали ҳам расман Покровский деб русча аталиб келаду. Ундаги фуқаро тамоман кўчкунчи (муҳожир) ўруслар бўлиб, булар ўзларининг истакли оталари ва ҳомийлари бўлган Неколай подшонинг даврида шу мунбит туфроққа келиб жойлашқонлар. Бечора қирғизларнинг энг унумлик жойларини қозоқ ўрусларнинг заҳарлик қамчиси орқасида тортиб олиб, уларнинг ўзларини «тўрт тарафинг қибла», деб ҳайдаб юборюндан кейин тез орада шу қадар бой бўлуб кетган эдиларким, уларнинг бу «ҳаром давлатлари» тўғрисида ўша вақтдаги турктотор газеталари ҳам кўп нарса ёзғон эдилар. Ернинг, туфроқнинг асл эгаси, хўжайини бўлгон бечора қирғизларнинг кўби, ўша вақтдаёқ, бу бетакаллуф «меҳмон-

лар»га хизматкорликка ёллангон эди: ҳар бир уйи бор муҳожирнинг энг ками 1—2 та қирғиз хизматкори бўлгучи эди.

Қуршоб қишлоғининг ўзи ҳам оз фурсатда жуда обод бўлиб кетиб, бир шаҳар рангига кирган. Русиядан келганда, икки оёқ, икки кўлларидан бошқа нарсалари бўлмагон муҳожирлар ғалати иморатлар, бой хўжаликларга эга бўлгонлар эди.

Октябрь тўнтаришининг аввалги 2—3 йилида буларнинг таърихлари бутун номуссизлик, хиёнат, жиноят ва зулмлар билан тўлагур. Булар инқилобнинг бошларида Шўролар ҳукуматига қатъиян ишонмай турсалар ҳам, кейинча қизил кўшун қаторига кириб олиб, ерлик халқнинг қишлоқ ва шаҳарларини талон-торож қилиб юрдилар.

### **Одам устида от ўйнатиш**

28 январда, кундузи, Қуршоб кўчасида бир маст муҳожир от чопиб кела бошлагон. Шу вақтда бир муаллим ўртоқнинг бири 5 яшар, яна бири ундан кичик икки ўғли кўчада ўйнаб юрган экан. Маст муҳожир катта боланинг устидан от ирғишлатиб ўтмакчи бўлуб, боланинг устига от солгон. Баракат берсунким, бола от остида қолуб кетмасдан, отнинг ёнбошига тўғри келиб қолгон экан, от уриб кетиб, бир ҳафта касал ётуб зўрға тузалган. Бу боланинг устига от ўйната олмагач, маст муҳожир кичкина боланинг устидан ўтмакчи бўлуб, от солдирган. Лекин буниси қочиб қутулгон.

Бу тўғрида ҳам ул ижроқўм раисига оғзаки арз қилингон, раис ўртоқ: «Ана у қилдим, мана бу қилдим», деб мақтангон бўлса-да, ҳақиқатда ҳалиги мастга қарши ҳеч нарса қилгон эмас.

### **Истироҳат мустамлакаси**

Ўш шаҳрида собиқ Ўш ҳокимининг шаҳар чеккасидаги гўзал боғида музофот ижтимоий эҳтиёж игораси (соц.страх.) томонидан фирқа ва шўро ишчилари учун бир Истироҳат уйи (Дом отдыха) очилгон.

Истироҳат уйининг жойи, биноси, овқати яхши: тиббий жиҳати ҳам тузук.

Аслида 90 кишилик қилиб очилгон экан, июль ойи

ўрталарига 85 киши бўлгон. Булардан тубжой халқ кишилари 7—8 та, қолғонлари ҳаммаси овруполиклар. Бу овруполиклар орасига кон ишчилари кўпроқ бўлса ҳам яхши эди, лекин умуман ишчи халқи жуда оз, кўпчилик: музофот юқори муассасаларининг хизматкорлари ва уларнинг «хонадон»лари: хотун, бола-чақа, хизматкор кампир ва шундайлар. 15—16 ёшлик болалар ҳам кўб...

...Бу Истироҳат уйи эмас, тўғриси, Истироҳат мустамлакасига ўхшайдур. Музофот фирқақўмининг масъул саркотиби Карим ўғли билан музофот ижроқўм раиси Алихўжа ўғли ўртоқлар шу ҳолларни ўз кўзлари билан кўруб кетдилар. Албатта, шўролар мамлакатига бу хилда ёмон аҳволга йўл қўймаслар, деб ишонаман.

\* \* \*

Бу лавҳалар Муқимийдан ибрат олиб, Фарғона водийсининг бошқа манзиллари бўйлаб сафарга чиққан Чўлпон саёҳатномасининг баъзи бир саҳифалари, холос. Чўлпон бу сафари давомида Фарғона водийсининг большевиклар инқилоби ва тузуми туфайли вайронага айланганини ўз кўзи билан кўрди. У чор мустамлака сиёсати шўролар томонидан давом эттириляётганига яна бир карра амин бўлди ва бу сиёсат ўзгармас экан, нафақат сайроқи булбул, балки бутун ўзбек халқи ҳам темир қафас ичида қолиши мумкин, деган хулосага келди.

Қушнинг ҳадиги ҳам шунда эди.

## КЎГАРТ ВОДИЙСИ

Агар Ўш Бобурнинг ҳам, француз сайёҳ адибининг ҳам меҳрини қозонган бўлса, Фарғона водийси бизга исми етиб келмаган бир йигитнинг икки сатрлик шеърида тараннум этилган. У мардикорлик йилларидамикан, Фарғона заминидан йироқ яшаганида, ватанини азбаройи софинганидан бундан байтни тўқиган экан:

Водийлар ичинда қанча водий,  
Қон қилди жигарни водий ёди!

Чўлпон ҳам ана шу икки йўл байтни қайтара-қайтара, ўша сафар чоғида, Жалолободнинг Кўгарт водийсига кириб борди.

Чўлпон Жалолободда бир неча бор бўлган. Аввал-ги сафарида ҳам, кейингисида ҳам бу шаҳарда кўп тўхташга эҳтиёж сезмади — бир-икки кун бўлди, холос! Зотан, «муслмонлар қошида ҳазрати Аюб пайгамбарга нисбат берилгани учун «муқаддас саналган», «замон фикрчилари» учун эса ернинг кўтартлик табақаларидан ўтиб чиққан қайноқ булоқлар борким, улар бўйида ором ёзиш учун шу муддат етарди.

«Жалолобод қишлоғи ёки шаҳарчасининг кун чиқиш биқинидаги баланг адирлар, — деб ёзади Чўлпон, — бир чеккасидан чиқиб ётқон у булоқлар бурунги Чор ҳукуматининг диққатини яхшигина жалб қилғон эди. Чор ҳукумати ул жойни яхши, мукамал бир курут қилиб, шимол ва ғарбнинг бир кўзлик кўзойнак таққан жижилмон (олифта) бой болалари учун ҳам шифо манбаи, ҳам исроф ва фаҳш уяси қилмоқчи эди. Шунинг бошланғичи ўлароқ алоҳида-алоҳида 10 хоналик булоқ ҳаммомлари вужудга келтирган, уларнинг тева-рағида зиёратчилар учун шаҳар мусофирхоналари шаклида айрим хоналар бино қилдирғон эди. Булоқнинг юқори томонига, адирнинг энг устига боғчалар яратмоқ, яна яхши бинолар солмоқ режалари чизилиб, ер ости сув йўллари учун темир қувурлар санчилган эди.

Чор ҳукуматининг совуқ ва кўм-кўк кўзлари, юқориси жабр, қуйиси зулмдан иборат бўлғон киприкларини бир-бирига ёпишдириб, шундай хаёлға ботқон вақтида — Осиёнинг шу ёввойи адирлари ўрнида «муаззам ва бўлинмас Русия»нинг рус завқини сепайтурғон гўзал «Бадан-Бадан»<sup>1</sup> уни кўрар эди».

Биринчи жаҳон уруши бошланганидан кейин рус газеталарининг бирида бир мақола босилиб, унда, жумладан, бундай сўзлар ёзилган экан:

«Бизнинг энг кўп пулимиз Германиянинг Баден-Баден каби курортларига тўкилади: унда сарф қилинган пулларимиз Германия давлатининг хазинасига тушади, давлат эса у пулларни Крупн фабрикасига бериб, рус қўшинини қирмоқ учун 42 сантиметрлик тўплар ҳозирлайди.

Сарф қилинадиган пулларимиз кўп бўлса, киборларимиз яхши ҳаволи жойларни истасалар, Қрим ва Кавказ курортларига борсинларким, ўз чўнтагимиздан чиққан пул яна ўз чўнтагимизга тушсин. Шунинг билан

<sup>1</sup> Сўз Германиядаги курорт шаҳар — Баден-Баден ҳақида бормоқда.

*баробар ҳукуматимиз ҳам Кавказ ва Қрим курортларини Германия курортларидек яхшилаш йўларини қарасин. Сўнгра бошқа ўлкаларимизда ҳам яхши, шифолик жойлар бор. Масалан, Туркистонда шундай жойлар боргина эмас, бир нечта бор. Шуларни Германия курортларидек мукамал қилсак, ватанимиз учун қанча катта хизмат қилмоқ мумкин».*

Чўлпон бу мақолани 1914—1915 йилларда ўқиганида, чин маъносига у қадар тушунмаган эди. Орадан тўққиз — ўн йил ўтгач, бу жумлалар усти ва тагидаги маънолар бир қадар ойдинлашди. Айниқса, ўша Қизбулоқнинг ёнида турган Кўтарт водийсига назар ташлаб, «унда қатор чизилиб кетган ўрус қишлоқлари»ни кўрганда, мақола мазмуни тагин ҳам равшанлашди.

*«Чор ҳукуматининг муҳожирот идораси ҳақиқатан муқтагор кишиларнинг қўлига топширилгон экан, — деб ёзди Чўлпон. — Бу атрофда, фикримча, шу Жалолобод-Кўтарт водийсидан унумлик тупроқ бўлмаса керак. Бу жойга энг катта муҳожирлар қишлоқлари саналгон энг қора муҳожирлар ўрнашилгон. Муҳожирлар қишлоқларининг ўртасида ярқираб кўринган ҳайбатлик бутхона куббалари Чор ҳукуматининг ният ва идорасини жуда очиқ кўрсатадур».*

\* \* \*

Николай Сибирнинг муваққат чегарасини мустаҳкам «Сирдарё қалъаси» деб юргизилган жойларга қадар суриш режасини 1854 йилда тасдиқ этган. Бу режа Авлиёота, Чимкент ва Туркистон шаҳарлари забт этилгач, 1864 йилга келибгина амалга ошди. Аммо иштаҳа таомланиш пайтида келади. Рус қўшинлари Туркистон шаҳарлари бўйлаб олға босишда давом этиб, 1865 йили Тошкентни, 1868 йили эса Самарқандни ишғол этди. Қўқон, Бухоро, Хоразм хонлари руслар ҳужуми ва мағлубият доғидан кўрқиб, ўзлари учун уятли шартнома остига имзо чеқдилар-да, вассал хонликларга айландилар. Аммо Қўқон хонлиги 1875—1876 йилларда руслар иштирокида бостирилган қўзғолон натижасида тугатилди. Шундай қилиб, Туркистон истилоси 1885 йилда Кушка кўрғонини босиб олиш билан тугади.

Петербурғ Жуғрофия жамиятининг аъзоси Небольсин берган маълумотга кўра, Туркистон ўлкасининг руслар билан савдоси 1827—1837 йиллар бадалига 10,53 ва 1840—1850 йилларда 15,73 миллион сўмни ташкил



этган. Яъни рус истилосига қадар ҳам кучли савдо муносабатлари бўлган ва улар йил сайин ошиб борган. Агар Русияга Оврупо чегараси орқали келтирилган пахтани 100 фоиз ҳисобласак, Осиё чегараси орқали киргизилган пахтанинг ўсиш даражаси бундай манзарага эга: 1861 йил — 61 фойиз; 1862 йил — 91 фойиз; 1863 йил — 84,3 фойиз ва 1864 йил — 75,4 фойиз.

Ўрта Осиёдаги тоғ бойликларига бўлган эҳтиёж пахтага бўлган «муҳаббат»дан ҳам илгари туғилган. Орол флотини ёқилғи билан таъминлаш муаммоси Ўрта Осиёнинг забт этилишидан анча олдин у ерга геологик экспедицияларни юборишни тақозо этган. Қоратоғ этакларида кўмир конининг топилиши эса Тошкентнинг ишғол этилишига тўғри келган. *«Агар рус ҳукмати учун бу қидиришлар, — деб ёзган эди П. Г. Галузо «Туркистон — мустамлака» деган китобида, туб мақсад бўлмасдан, балки савдони кучайтириш воситасигина бўлса ҳам Туркистон ишғол этилган йилларда теваарак-атрофнинг тоғ бойлиги рус тоғ саноатчилари учун ёғли палов ўлароқ кўринди... 1865 йилда Чор ҳукмати томонидан юборилган инженер Татариновнинг Қоратоғнинг жанубида, шимолига қараганда бойроқ кўмир конининг топиши ёғлик паловни кабоб билан қўшиб егандек бўлди».*

1865—1867 йилларда Оренбург генерал-губернаторлиги Ўрта Осиёда тоғ бойликларини қидириш истагини билдирганларга ҳукумат берган имтиёзлардан келиб чиқиб, 26 та ижозатнома берган. Юқорида айтилганидек, рус геолог зобитлари ҳатто Қўқон хонлиги забт этилмасдан аввал, хонлик билан келишилган ҳолда, Фарғона водийсида кон излаш талвасасига тушиб кетганлар.

Бепоен Туркистоннинг дала-тошлари ҳам Чор ҳукматининг кўзини ўйнатар эди. Рус истилосидан кейин Марказий Русиядан Тошкент, Авлиёота, Чимкент уездлари ва Сирдарё вилоятига кўчиб келган ва яхши ўрнашган муҳожирларнинг ҳаёти бошқаларида ҳасад ва ҳавас тўлқинини ўйғотди. Тор ерда, совуқ шароитда, гоҳ оч, гоҳ тўқ яшаётган кимсалар учун Туркистон ариқларида сут ва қаймоқ оқувчи жаннатмакон маскан бўлиб кўринди. Аммо, улар бахтига, русларни Ўрта Осиёга кўчириб келтириш ва жойлаштириш ишлари ҳали йўлга қўйилмаган эди. Шунинг учун ҳам дастлаб

атиги икки юз-уч юз таваккалчи оилагина Кўтарт водийсига кўчиб келиб, ерли халқни унумли жойлардан ҳайдаб чиқарди ва уч-тўрт йил ичидаёқ шоҳона турмуш кечира бошлади. Кўтартлик муҳожирлар эришган турмуш даражаси марказдан келаётган тирик оқимни тезлаштириб юборди. 1906—1913 йилларда водийда 116 та рус қишлоғи вужудга келди.

Энди муҳожирлар ўлкада ўз зулмларини ўтказиб бошладилар. Улар серунум ерларни ерли халқдан тортиб олганлари сабабли тезда бойиб, янги-янги ерларни қўшиб олдилар ва катта ер эгаси сифатида ерли халқни ёллаб ишлата бошладилар. Ўз юртларида ярим оч-ярим яланғоч яшаган мужиклар энди ўзларини тўраларча тутиб, маҳаллий халқни оёқ учида кўрсатадиган бўлишди.

*«Октябрь ўзгаришидан кейин, — деб ёзди Чўлпон, — босмачи курашининг энг қизғин даврларига Кўтарт муҳожирларини босмачилар сафига кўрамыз. «Озуқ инҳисори» (монополияси)га қарши шигдатлик исён кўтарганлар шу муҳожирлар бўлдилар. 1919 йилда Андижонни авраб олгон босмачиларнинг энг қалин қатори муҳожир аскарлари эди. 1920—1921 йилларда ўтказилган ер ислоҳоти Чор ҳукуматининг қора мақсадларига содиқ қолиб келган муҳожирларга яхши сабоқ бўлди. Теварақларига туя миниб юрган қирғиз, арава ҳайдаб юрган ўзбекларни «булар ҳам одам», дейишга мажбур қилди. Қанча қийин бўлса ҳам, бурун кучлаб олгон жойларини асл, ўз эгаларига қайтариб беришга мажбур бўлдилар».*

\* \* \*

«Кўтарт водийси» Чўлпоннинг «Вайроналар орасидан» деб номланган саёҳат хотираларининг узвий қисми сифатида «Фарғона» газетасининг 1924 йил март-июнь сонларида эълон қилинди. Шунга қарамай, Чўлпон ушбу очеркнинг 1925 йили «Гўзал ёзғичлар» тўпламидан ҳам ўрин олишини истади. Ким билади, балки бу нашр учун у очеркнинг мустамлакачилик даҳшатларини фош этувчи саҳифаларини қуюқлаштирган-у, ammo кимнинг қўлидир уларни қирқиб ташлагандир. Ҳар ҳолда менга очеркнинг «алоҳида нашри» тўмтоқроқ кўринади. Яна ким билади, дейсиз, балки Чўлпон 1924 йилнинг кузида «Хазон» шеърининг қуйидаги сатрларини ёзганида ўша йил баҳорида «муштум»чи

биродарлари билан бирга Кўтарт водийсида кўрган ва эшитганлари кўз олдидан саф-саф бўлиб ўтгандир.

...Қарғалар боғларда қоғлашиб қолдилар,  
Билмадим, кимларнинг қисмати узилур?  
Ёнғоққа ёпишиб, бир чангал солдилар,  
Билмадим, кимларнинг умиди йўқ булур?

Эй совуқ эллардан муз кийиб келганлар,  
У қўпол тушингиз қорларда йўқ бўлсин!  
Эй менинг боғимдан мевамни терганлар,  
У қора бошингиз ерларга кўмулсун!

Чўлпон «мусулмонлар қошида ҳазрати Айюб пайгамбарга нисбат берилгани учун муқаддас саналғон», «замон фикрчилари» учун эса ернинг «кўтартлик табақаларидан ўтуб чиққон» қайнар булоқлар масканида Баден-Баденларнинг пайдо бўлишини ва бу оромгоҳларда ватандошларининг — «камбағал деҳқонлар, меҳнаткаш ишчилар»нинг шифо топишларини орзу қилган эди. Лекин Чор ҳукуматининг «совуқ ва кўм-кўк кўзлари», «юқориси жабр, қуйиси зулмдан иборат бўлган киприклари»ни бир-бирига ёпиштириб, хаёл сурган пайтида кўргани Баден-Баденни большевиклар Кўтарт водийсида ҳам, Туркистоннинг бошқа жаннатмонанд жойларида ҳам барпо этмадилар. Улар бу жабрдийда ўлкадан ташиб кетилган бойликлар эвазига дарё ва денгизларни қурутиб, халқни заҳарлайдиган, гўдакларнинг мажруҳ бўлиб туғилишига боис бўладиган ҳарбий-стратегик корхоналарни қуриб ташладилар.

*«Қайтмоқ учун вағунга ўлтурдик. 5—6 соатдан сўнг Андижонда бўламиз. Шунинг билан саёҳатимиз тамом бўладур. Шу катта саёҳатнинг натижасида кўб нарсаларни кўрдик. 5—6 йиллик бузғунлик тарихини жой-жойида варақлаб, ўқиб кўрдик. Бузғунлик — ҳақиқатан жуда кўплик. Бузғунликни йўқ қилиб, йиқилғонни тиклаш учун жуда зўр кучлар, туганмас ғайратларга эҳтиёж бор. Юрт — бузулғон. Лекин унинг мунбит тупроғи кўчиб кетгани йўқ, жойида. У тупроқ орқали яна юртни яшнатмак сиз ва бизнинг қўлимизда, хурматлик ўқиғувчилар!»*

Назаримда, Чўлпон бу оташин сўзлар билан бизга, ҳур Ўзбекистоннинг фуқароларига мурожаат этаётгандек!

## Шифо истаб...

«Туркистон» газетасининг 1924 йил 29 май сонида бундай хабар босилди:

### «Чўлпон Чимкентда

*Ёш шоиримиз ўртоқ Чўлпон истироҳат ва тугамаган ишларини ёзиб битириш ҳам баъзи адабий таржималар қилиш учун Чимкентга кетди».*

Чиндан ҳам, ушбу хабар чиқар-чиқмас Чўлпон Чимкент уездига борди. (Ўша вақтда нафақат Русия, балки Туркистоннинг барча шаҳарлари ҳам уезд деб аталган.) Туркистон Мухтор Жумҳуриятининг Фарғона водийси билан на жуғрофий, на иқтисодий, на маданий алоқада бўлган бу шаҳарга Чўлпоннинг бориши тасодифий эмас. У гарчанд «Фарғона» газетасида эълон қилган «Чимкент хатлари»да бу кутилмаган сафари сабабларини айтмаган бўлса-да, шу масканда ёзилган бир шеъридаги: «Мен бағринга шифо истаб келган оғриқ бўлсам-да...» деган сатрларидан унинг бутунги кунда қозоқ диёрига қаровчи шаҳарга, аввалам бор, даволаниш учун боргани маълум бўлади.

Шоир «Вайроналар орасидан» деган сафар очеркида бўлганидек, «Чимкент хатлари»да ҳам шифобахш булоқларни илиқ сўз билан тилга олади ва «Хатлар»ни бундай сўзлар билан бошлайди:

*«Билмадим, нимагадир тасодиф (случай) деган нарса — менга кўп оз, кўп хира, кўп тор бир маънони англатадир, балки кенгроқ нарсаларни олган вақтимда «тасодиф»нинг ранги бутун ўчиб, юзи кўринмай, унинг борлиғи билан йўқлиғи орасида фарқ қолмайдир.*

*«Тасодиф» мен истаган маънони беролмагандан кейин «насиб» («судьба») сўзини қўллашга эҳтиёж сезиладир.*

*Шундоқ қилиб, насиб бизни Чимкентга келтириб ташлади...»*

«Чимкент хатлари»нинг бундай сўзлар билан бошланиши ҳам дилимиздаги тахминнинг тўғрилигига ишора бўлиб туюлади. Яъни Чўлпон Чимкентга тасодифан ҳам, бирор газетанинг йўлланмаси билан ҳам борган эмас, уни Чимкентга насиб-қисмат олиб борган.

Файратий 70 йиллиги арафасида адабиётшунос Салоҳиддин Мамажонов билан қилган суҳбатида «1925

йилда бўлса керак», Чимкентга боргани ва шу вақтда Чўлпоннинг ҳам ўша ерда бўлганини айтган. Афсуски, у устоз шоирнинг қандай қисмат ва кимлар билан у ерга бориб қолгани ҳақида бирор сўз айтмаган. Файратий берган қисқа ва сиқик маълумот фақат ушбу-дан иборат:

*«У менга мурожаат қилиб, «Кел, шу ерга биттадан шеър ёзиб, «Қизил Ўзбекистон»га юборамиз», деди. Мен «хўп», дедим-да, «Баҳор севинчлари» деган шеър ёзиб, уни Чўлпонга бердим. У бу шеърни таҳрир қилгач, ўзи ҳам «Эй булут» деган шеър ёзди. Ҳар иккала шеър ўша кезлари «Қизил Ўзбекистон»да ёнма-ён бо-силиб чиқди».*

Файратий тилга олган «Эй булут» шеъри 1924 йил 2 июнда Чимкентда ёзилган. Демак, бу икки шоирнинг ўзига хос мушоараси 1925 йил баҳорида эмас, балки бундан бир йил аввал бўлиб ўтган. Агар «Чимкент хатлари»нинг ўша йил 17 июнда Тошкентда ёзилганини инобатга олсак, демак, Чўлпон Чимкентда камида ярим ой бўлган чиқади.

Зикр этилган «Хатлар» бундай жумлалар билан тугайди:

*«Чимкентнинг ҳозир мавсуми ўтди. Лекин шундоқ бўлса ҳам қимизхўрлар жуда кўп келиб турадирлар, кетаётганлар ҳам кўп. Кечагина Тошкентдаги маориф ва матбуот ишчиларидан бир нечталари мунда эдилар. (Файратий 1924—1925 йилларда Тошкент вилоятига қарашли мактабларнинг бирида хизмат қилган — Н.К.) Самарқанд маориф ходимлари ҳам бор. Қисқаси, Чимкент ҳали одамни ўзига тортишда давом этадир. Эрта-индин куз шарпалари кела бошлагач, шаҳар ҳам равнақи кета бошлаб, қуруган қирлар билан дарглашиб қолур, дейдилар».*

Бу сўзлар Чўлпоннинг Чимкентга бориши сабабларини яна бир бор ёритиб тургандек бўлади. Модомики, Чўлпон қимиз, қимизхўрлар ва қимиз мавсуми ҳақида шундай билимдонлик билан сўзлаган экан, демак, тахмин қилиш мумкинки, у Тошкентда бирор чимкентлик кимса билан танишиб, ундан майнинг охирлари — июннинг бошларида Чимкентда қимиз мавсуми экани ва қимизнинг етмиш етти хил дардга даво бўлишини эшитган. Чиндан ҳам, «булоқлар қучоғи»да жойлашган Чимкент ўзининг қимизи билан, айниқса, машҳур бўлган. Дармони, явшан сингари гиёҳларни

егани туфайли бу ердаги бияларнинг сути, демак, қими-зи таркибида фойдали моддалар бисёр бўлган. Чўлпон эса шу йилларда ҳам асаб билан боғлиқ турли-туман хасталиклардан озор чекиб, халқ тиббиётининг тавсия-лари бўйича даволаниб юрган.

Шоирнинг Чимкентда ўша кезлари ёзилган шеър-ларидан бири «Булоқлар кучоғида» деб номланган. Унда ҳам бизнинг тахминимизни тасдиқловчи, ҳам бизга янги-янги жумбоқларни кўндаланг қилувчи сатрлар талайгина:

Эй, кўнглимда шон аралаш уят бир из қолдирган,  
булоқларнинг кучоғи!  
Кимлар-кимлар кўкрагинга довул каби солдирган,  
эй тузалиш ўчоғи!  
Мен бағринга шифо истар келган оғриқ бўлсам-да,  
бошқа нарса излайман,  
У нарсани топмагунча чарчасам-да, толсам-да,  
кўкрагинга кезарман...

Чимкент шоир кўнглида «шон аралаш» қандай уятли бир изни қолдирган бўлиши мумкин? Булоқлар бағ-рига шифо истаб борган шоир бошқа яна нимани излаган ва уни топмагунча Чимкентда кезмоқчи бўла-ди? Бу шеърнинг қолган қисмини ҳам қанчалик кўп ўқимайлик, жумбоқлар ечилиш ўрнига тобора ортиб боради. Шоир ўзи излаган эски изларнинг қолгани ё ўчиб кетганини билмоқчи бўлади-да, баҳсни тарих учун ёзилган китобалар ва тарих учун ўрнатилган ҳайкал-ларга кўчиради ва дейди:

Тарих учун ўрнатилган ҳайкалларни кўрсам мен  
шу шифолик сийнангда,  
Мени эмас, яна бошқа бир ҳайкални кўргайсен  
адир йўли-зинангда!..

«Чимкент хатлари»да Чўлпон «темир йўл станция-сидан шаҳарга қараб тушиб келаётиб, Ўш-Ўзгант ора-сидаги Ўттиз адирда кетаётгандек бўласиз», деб ёзган. Юқоридаги сатрларда у «адир йўли — зина», деб ана шу жойни атайди. Лекин Чимкентнинг шифолик сий-насида тарих учун ўрнатилажак ҳайкаллар кимнинг ё ниманинг ҳайкаллари бўлди экан? Қурортларми, Ба-ден-Баденларми, шифохоналарми? Агар шундай бўлса,

нега лирик қаҳрамон уларни кўрган пайтда яна бошқа бир ҳайкал кўзига чалингандек бўлади? Чўлпон бу шеър билан, ундаги шифрланган сатрлар билан нималар демоқчи?

Афсуски, бундай саволларга аниқ ва тўғри жавоб бериш маҳол. Эҳтимол, бу шеър замирида биз ўйлаган даражада мураккабликлар ва илмоқли фикрлар умуман йўқдир.

Хуллас, Чўлпон 1924 йил майининг сўнгги кунларида кимлар биландир Чимкентга бориб, икки ҳафтадан мўлроқ вақт мобайнида қимизхўрлик қилди. Бу унинг учун Баден-Баден курортларига бориб даволанишдан кўра ҳам аълороқ эди. Сўнг Тошкентга қайтиб, бир мунча муддат дўстлар ҳузурида бўлди.

Шўро айгоқчиларининг маълумотларига кўра, Чўлпон 1924 йил 20 июль куни дўстлари Набижон Расулев ва Абдимўмин Абдуҳакимовлар билан бирга Андижонга келган. Орадан бир неча кун ўтгач, улар даврасига Шоҳид Эсон ҳам келиб қўшилган. Ана шу фактга суяниб, Чўлпоннинг Чимкентга қилган сафарида ҳам тахминан шу кишилар қатнашган, деб ўйлаш мумкин.

Бу кишилар ижод аҳлидан бўлмасалар-да, Чўлпон улар билан яқин алоқада бўлган. Ўзбек халқининг ва юртининг тақдири билан куюнган бу зотлар илм-маърифатдан бохабар, оқил ва фозил кишилар бўлганлари учун Чўлпон улар билан — гап-гаштаклар, сайр ва сайилларда бўлишни хуш кўрган. Улар йиғилган давраларда санъат ва адабиёт, мактаб ва маориф ҳақидаги суҳбатлар ўз-ўзидан баъзан шўролар давлатида рўй бераётган нохуш воқеаларга бориб тақалган, шунинг учун ҳам улар орасига қўйилган кишилар Чўлпон ва дўстларининг ҳар бир ҳаракатидан тегишли идораларни огоҳ қилиб турганлар. Шундай кишилар орқали олинган маълумот асосида 1924 йилнинг 20 июль куни Андижонга тушган «десант» ҳақида бундай хуфянома тузилган:

*«Набижон Расулев шу йил (1924) нинг 20 июлида Абдулҳамид Сулаймонов ва Абдулмўмин Абдулҳакимов билан бирга Андижонга келди. Набижон Расулев келган кунидеъ Андижон атрофидаги Мирпўстин қишлоғига борди. Набижон Расулев ҳам, унинг ҳамроҳлари ҳам узоқ вақт Туркияда таҳсил кўрган Шоҳид Эсонни кутиб туришди. У Тошкентдан келиши билан улфатлар*

муқаддас жойларни зиёрат қилиш, шунингдек, гўё «Муштум» журнаliga материал тўплаш ва бу материални Андижон (сўз тушиб қолган — Н.К.) аъзолари, мунофиқлар: Қоризода, Абдуллахўжа Фафурхўжаев, Абдулхамид Сулаймонов ва Абдулмўмин Абдулҳакимовга топшириқ баҳонаси остида Ўш ва Андижон уездлари бўйлаб саёҳат қилишмоқчилар. 23 июлда Набижон Расулев юқорига зикр этилган шахслар билан бирга Олтинкўл волостигаги қариндошлариникига бориб, у ерда 2 кун (меҳмон) бўлди. Шу вақт давомига у ерда 40 га яқин маҳаллий аҳоли йиғилди. У (Набижон Расулев — Н.К.) мазкурлар билан суҳбат ўтказиб, уларга миллатчилик ғояларини ўтказди. Расулев Туркистоннинг шу кезларда рус мустамлакасидан ўзга нарса эмаслигини айтиб, бу фикрнинг далили сифатида Новкат конларининг руслар томонидан ўзлаштирилаётганини мисол қилиб келтирди... 26 июлда Набижон Расулев... Андижонга қайтиб келди. 28-да (Мирпўстиннинг) Сой қисмидаги Сойгузар маҳалласида яшаб, ҳеч қандай иш билан шуғулланмади. 28 июль кунини Расулевнинг ҳузурига яна 4 киши келди. Уларнинг исм-шарифи ҳозирча аниқланмаган. Ўша кунини кечқурун улар Андижоннинг Жоме масжидига қандайдир кенгаш ўтказиш нияти билан йиғилишди, аммо аниқланмаган сабабларга кўра, (мажлис ўтказмай) тарқалиб кетишди. 29 июлда улфатлар Андижон шаҳрида яшовчи Зухриддин ноибнинг уйида тўпланиб, оилавий мавзуда суҳбат қуришди. Аммо кечқурун эшикни ёпиб, фақат қўйидагиларни қолдиришди: Набижон Расулев, Шоҳид Эсон, Сайфи Камол, Қоризода, Абдулхамид Сулаймон, Бурҳон Машрабов ва Шамси Ҳожиев... 31 июлда бу улфатлар Ёрбоши волостида қарашли Бўтақора қишлоғига етиб боришди ва шу кунгек Бўтақорадан қайтишди. Ўша кунини Андижонга Обиджон Маҳмудов келди ва кечаси соат 10—11 ларда Андижоннинг Эски шаҳаригаги Исоқбойнинг уйида кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда қўйидагилар ҳозир бўлдилар: Обиджон Маҳмудов, Абдулхамид Сулаймонов, Мулла Шерхон ёки Шоҳид Эҳсоний, Мирзақўл, Абдулмўмин Абдулҳакимов, Набижон Расулев ва яна бир киши... Ушбу кенгашда Обиджон Маҳмудов Москвага бориб, мухториятнинг собиқ таниқли арбоби Мустафо Чўқоев ва Николай Николаев томонидан тузилган ҳамда имзоланган баёнот остида қўл қўйганини маълум қилди. Мазкур баёнотда эса шу кунлари



Англияда ўтаётган конференция қатнашчиларидан Туркистоннинг СССРдан ажралиб чиқиши(га кўмаклашиш)ни сўралган, ҳатто барча харажатлар, шу жумладан, эски тузум сарф-харажатларининг ҳам тўланиши айтилган эди. Маҳмудов айни вақтда аҳолининг СССРдан ажралиб чиқиш истаги билан боғлиқ ҳукмлари (тўғрироғи, овозлари — Н.К.)ни тўллаш лозимлигини қайд этди. Мирзақул бу масала бўйича Ўш уездининг нуфузли кишилари — Жамшидбек ва Ҳусайнбек билан келишиб олиш зарурлигини айтди. Ҳозир бўлганлар Обиджон Маҳмудовнинг фикрига қўшилдилар ва бунга зудлик билан киришишга аҳд қилдилар. 1—2 август кунлари шу гуруҳ Жалолобод тарафга қараб йўл олди.

Бизга маълум бўлган ва текширилмаган маълумотларга кўра, бу гуруҳ Фулжага бориб, Жамшидбек ва Ҳусайнбек билан кенгаш ўтказмоқчи. Яна шундай текширилмаган маълумотларга кўра, бу гуруҳнинг Англия билан алоқа ўрнатиш ишларида Фулжа марказий ўринни эгаллайди. Зеро, жойнинг афғон чегараси билан яқинлиги ва у ерда овруполик нигоҳнинг йўқлиги иш ва алоқа учун қулайлик туғдиради».

Бу ҳужжатда баён қилинган факт ва маълумотларга, албатта, танқидий қараш лозим. Шўро воқеанавислари наздида, Чўлпон ва дўстларининг дийдор кўришувлари, ҳатто Мирпўстин қишлоғига борганларида, уларнинг шу қишлоқ аҳли томонидан зиёрат этилишида ҳам Шўро давлатига қарши фитна куртаклари бўлган. Ҳолбуки, уч-тўрт нафар дўст-ёрнинг суҳбат қуриб ўтириши ё мозор босиб, дарё кечиб келган меҳмонларга «хуш келибсиз», дейиши ўзбекчиликнинг асосий шартларидан ҳисобланади.

Аммо бу ҳужжат сўзларини диққат билан ўқисак, Тошкентдан дастлаб Набижон Расулев ва Чўлпон сингари андижонликларнинг, кейин узоқ йиллар давомида Туркияда ўқиган ва ишлаган Шоҳид Эсоннинг, ниҳоят, Фарғонадан Обиджон Маҳмудовнинг етиб келиши тасодифий бўлмай, бу тўпланиш замирида катта мақсаднинг борлиги равшанлашиб боради. Агар воқеанавис воқеалар мантиғи ва моҳиятини холисона баён этган бўлса, инқилоб доҳийси вафотидан кейин Туркистоннинг ҳур ва озод бўлиши учун бошланган пинҳона ҳаракат учкунлари шу кезларда Андижонда ҳам ўтга айланиши мумкинлигидан далолат беради. Демак,

Комил Яшин тилга олган яширин ҳаракат инқилобдан олдин эмас, балки кейин, 20-йилларда Андижонда пайдо бўлган ва унинг ниши шўроларга қарши қаратилган. Аммо, афсуски, бу ҳаракатга, чунончи, Чўлпоннинг ундаги иштирокига оид бошқа маълумотларга эга эмас-миз.

Туркистонда яшовчи аҳолининг истиқлолга бўлган муносабатини ўрганиш ва аввалбор унда СССРдан мустақил яшаш хоҳишини тарбиялаш Чўлпон сингари тарғиботчиларнинг зиммасида эди. Балки Чимкентга даволаниш учун борган Чўлпоннинг у ерда ниманидир «бошқа нарса»ни излаши ва *«Мен излаган эски излар, билмадимки, қолгайми ёки ўчиб кетганлар? Саҳфаларда ўрунлашган китобалар ёлғонми ё силиниб битганлар?»* каби сатрларида ҳам истиқлол орзуси билан боғлиқ масалалар яширингандир. Балки шоир биз учун тушунарсиз бўлган қуйидаги сатрларда ҳам Мустақиллик обидасини назарда тутгандир:

Тарих учун ўрнатилган ҳайкалларни кўрсам мен  
шу шифолик сийнганда,  
Мени эмас, яна бошқа бир ҳайкални кўргайсен  
адир йўли-зинангда!..

Ҳар ҳолда шу нарса аниқки, ўз сиҳат-саломатлиги яхши бўлмагани ҳолда Чўлпон, аввало, эл-юртига шифо истовчи, унинг баданидаги зулукларни олиб ташлашга шайланган фидойи шахслар қавмидан эди.

## Шафтоли ҳиди

Кунларнинг бирида Робиндранат Тҳакур отаси билан Ҳимолай тоғининг ҳайбатли этакларида саёҳат қилиб юрган экан. Шу кезларда ҳам «ниппа-ниназин» (Чўлпон), яъни балодек шоир бўлган Робиндранат қанчалик уринмасин ва қанчадан-қанча қоғозларни исроф қилмасин, маҳобатли тоғ қаршисида лол қолиб, шеър ёзолмапти.

Чўлпон улуғ ҳинд шоирининг ҳаёт йўли ҳақидаги китобини ўқиб, бу воқеадан огоҳ бўлгач, ўзига-ўзи ҳайрат билан савол берган: *«Шундай улуғ ҳимоянинг кўклар билан ўпишган чўққиларида, тун қоронғусидан ҳам қалин ўрмонлар қўнида шундай катта бир шоир*

*бир оғиз нарса дея олмаса, биргина шеър парчаси ёза олмаса-я!»*

Чўлпон Робиндранат Тҳакур ижодини ўрганиб, унга катта ихлос қўйганидан кейин уни ўзбек китобхоналарига таништирмоқчи бўлганида, ўзи ҳам шундай ҳолатга тушган. Шундан кейин, у ҳинд шоирининг Ҳимолайга бағишлаб шеър ёза олмаганининг сабабини тушунган.

*«Ҳинд доҳийсининг Ҳимолая тоғларида ҳеч нарса ёза олмаслиғи у тоғнинг жуда ҳайбатли, азамат ва улуғ бўлб, ақни шошириб қўйишлиғидан бўлса, менинг у азим зот тўғрисида ҳеч нарса ёза олмай қалтироқланишим ҳам у одамнинг Ҳимолая тоғлари қадар ҳайбатли ва улуғ бўлишидан келган экан!»*

Чўлпоннинг ҳинд шоирига ортиқ даражада меҳр қўйиб, уни илоҳийлаштириши сабабларини тушунса бўлади. Муайян адабий анъаналар ва адабий мактаб тарбиясини кўрган Чўлпон бу адабий мактабнинг фарзандларига ўхшамаган шоирни кашф этганида у тамоман янги бир қиёфаси, янги бир руҳи, янги бир овози билан унинг қаршисида қад кўтарган.

*«Мен ёшлигимда, — деб эслаган эди Комил Яшин, — ҳукумат Чўлпон акага Тошкентнинг Чақар маҳалласидан катта бир боғни берганди. Ўша боққа мен ҳам бориб турардим. Боғда Санжар Сиддиқ, Фулом Зафарий, Ҳасан Ниёзий, Ҳусан Розий, Наби Расулий сингари одамлар ҳозир у нозир бўлишарди. Улар соатлаб Чўлпон аканинг меҳмони бўлиб, Тагорни ўқишарди. Мен жим ўтириб, уларнинг баҳс-мунозараларни тинглардим. Чўлпон ака ва дўстлари эса, китобни қўлга олиб, болишга суяниб, ёнбошлаб ётишганча, соатларча Робиндранат Тагорни ўқигани-ўқиган эдилар. Албатта, русчасини-да... Боғ катта эди. Тагорнинг ғаройиб ҳаёти, юксак санъати, теран мазмунли ижоди ҳақидаги баҳс-тортишувлар, фикр алмашувлар қизигандан-қизирди.*

*Мана, эсимда қолган, ўша нафис мажлислардан бирида таржима қилиниб ўқилган мўъжиза шеър:*

Йигит: — Юзингни ким ўпади, опшоқ қиз?

Қиз: — Гажжак сочларим.

Йигит: — Мен ўша гажжакларинг бўлсам бўлмасмикан?

Қиз: — Тароқнинг тилишига тоб келтирсанг, майли...

Бирдан ҳар тарафдан:

*Офарин, ана шоир! Ажойиб!.. Зўр!.. — деган каби овозлар янграб кетарди.*

*Чўлпон ака ярим оврупоча, ярим Шарқ руҳидаги янги адабиётни хоҳлаган. Мен шундай мароқли суҳбатларнинг гувоҳи бўлганман».*

Бу гўзал хотирадан кейин яна бояги мақолага қайтайлик.

Чўлпоннинг Тҳакурга бағишланган шу мақоласида бир нозик нуқта бор. У ҳам бўлса шоирнинг мумтоз ўзбек шоирлари ҳақидаги ғалати сўзларидир:

*«Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимийларни ўқиймен: бир хил, бир хил, бир хил!..»*

Бу сатрларни ўқиган кишиларга Чўлпон мумтоз адабиётимизга нисбатан нописандлик билан ёндашгандек бўлиб туюлади. Аслида эса, Маориф камиссарлиги қошидаги илмий кенгашларга раислик қилган, «Нашри маориф»нинг ташкилотчиларидан бири бўлган Чўлпон Алишер Навоийнинг 500 йиллигини муносиб нишонлаш масаласини биринчи бўлиб кўтарган. У «Туркистон» газетасининг 1924 йил 23 сентябрь сонида Ўзбек билим ҳайъати эътиборига йўллаган очиқ хатидаёқ, Алишер Навоийга бўлган буюк ҳурматини намойиш этиб, бундай ажойиб сўзларни айтган:

*«Тарихларнинг кўрсатишига қарағонда, шу бир йил бир ярим йил орасида улуғ Навоийнинг вафотига 500 йил тўладир... 500 йил ўзбек-чиғатой адабиёти тарихига алақанча нарсалар берган, унда қанча ўзгаришлар ясагон, жуда узун бир мугдатдир. Ўз адибларига 5—6 асрлик бир тарих яшата билган халқлар унча кўп эмасдир. Демак, бизга ҳам шу бир йил орқасида шундай катта бир шодлиқ, катта бир байрам ўтказишга тўғри келади».*

Чўлпон ўзбек халқи маданияти тарихига ва бу тарихнинг порлоқ саҳифаларидан бири Алишер Навоийга катта ҳурмат билан ёндашиб, улуғ шоир вафотининг 500 йиллигини қандай ўтказиш лозимлиги ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини баён қилган.

Бояги сўзларни айтишдан мақсад мутлақо бошқадир.

«Улуғ ҳинди» мақоласи ёзилган 1925 йилда ўзбек ёзувчилари мумтоз адабиётдан олислашган, янги адабиётнинг мумтоз адабиёт дурдоналари билан баҳслаша оладиган асарлар эса ҳали майдонга келмаган ё

келса ҳам бармоқ билан санарли эди. Чўлпон шуни назарда тутиб, бундай ёзган:

*«Эски адабиёт билан янги адабиётнинг ўртасига қолғон шарқли ёш чинакам чучмал бир вазиятдадир... Нимага десангиз, ўзбеклар эскидан — ҳеч сабабсиз! — аразлағон, хафа, янгига — эндигина суқилиб кирмоқда. У адабиёт майдонига янгиликка нисбатан: ёш бола, гўдак, чақалоқ; эскиликка нисбатан: етим, кимсасиз, беспризорный, ўзбошли!»*

Чиндан ҳам, XX аср адабиёти 10-йиллардан бошлаб янгиланиш жараёнини бошдан кечирар экан, мумтоз адабиётдан секин-аста узоқлашди. Янги тарихий давр талабларига мослашишга уринди. Дастлаб янги фикр ва ғояларни илгари суришда эски шеърый шакллар, форсий ва арабий сўзлар устуворлик қилган лутатдан фойдаланди. Фитрат ва Чўлпон биринчилар қаторида бу бадиий тамойилдан чекиниб, халқ шеърияти шакллари, бармоқни ёзма адабиётга олиб кирдилар. Йўлсиз шоирлар сифатида дастлаб турк адабиётидан озиқланиб, бутунги адабий тилдан хийла узоқ, туркийлашган ўзбек тилида ёза бошладилар. Ўқтин-ўқтин татар ва озарбайжон шоирларига ҳам тақлидан ижод қилдилар. Аммо шоир сифатида шакллана бошлашлари билан улар қаламидан чиққан асарлар ғоянинг ўткирлиги, туйғунинг симимийлиги тилнинг соддалиги, шерий шаклларнинг жозибадорлиги билан китобхон меҳрини қозонди. Чўлпон Фитратдан, унинг бадиий изланишларидан узоқлашиши асносида ўзини, ўз туйғу ва кечинмаларини назокат билан тасвирловчи шоир даражасига кўтарила бошлади. Ҳали ўзининг илк шеърый китобини чоп этмай туриб, янги ўзбек шеъриятининг биринчи намояндаси, биринчи шоир мақомига эришди.

Бунинг сабаби, биринчидан, Чўлпон шеърларидаги руҳнинг ҳурлиги билан боғлиқ янги мавзунинг, мустамлакачилар пошнаси тагида эзилган халқнинг бошини силаб, унинг Инсон эканлигини кўрсатишга, улуғлашга, инсоний ғурурини тиклашга қаратилган руҳнинг халққа яқинлигида эди. Иккинчидан, унинг муҳаббат лирикаси мумтоз адабиётдаги шартлиқдан, мубҳамликдан, умумийликдан халос бўлиб, ёр ишқида ёнган, самимий ишқий кечинмаларга ташна китобхонни янги ва покиза туйғулар билан қондириш кучига эга эди. Учинчидан, унинг шеърый тахникаси баланд, тасвир

воситалари бой ва ранг-баранг, тили халқчил, ширали, назокат гулларига бурканган тил эди. Ана шу уч омил туфайли Чўлпон янги маданий даврнинг биринчи шоири сифатида 20-йилларнинг аввалидаёқ китобхон муҳаббатини қозонди.

Чўлпон туғма шоирдир. Унинг шеър ёзиши учун муайян ижодий шароит шарт бўлмаган. У кўпинча бадоҳатан шеър айтиб ё ёзиб кетаверган. Комил Яшиннинг хотирлашича, Чўлпон ўз шеърларини бирор дўсти ё шогирдига ўқиётган пайтида нотаниш ёхуд хуш кўрмаган бирор кимса кириб қолгудек бўлса, у ўша заҳотиёқ баъзи бир сўз ва сатрларни ўзгартирган ҳолда шеърни ўқиб кетаверган. У «илмоқли» шеърларини фақат сирдошларига ўқиган ва бундай шеърларини эълон қилганида, уларни бояги кимса олдида таҳрир қилганидек, силлиқлаган.

Қанд касалига гирифторм бўлган шоир, айтишларича, шафтолини яхши кўрган. Бу ҳол унинг шеърларидан ҳам равшан бўлиб туради. Шоирнинг «Тонг сирлари» тўпламидан шундай шеърларнинг бири жой олган. Шеър қуйидагича бошланади:

Ўн саккизга кирган қишлоқ қизларининг юзидек,  
Қип-қизарган юзларингдан бир ўпич бер, шафтоли!  
Сенга қараб турганимда — бир озгина бўлса ҳам —  
Бўлмас каби, йўқ кабидир... умидимнинг заволи!

Умидимнинг заволига қон йиғлаган сўзларим,  
Ёшларини юзларингга томчи-томчи тўқдимми?  
Ёки севги армонида шаҳид бўлган йигитнинг  
Есир руҳи қони билан лабларингдан ўпдимми?..

Бу шеърдаги қиёс (шафтолининг ўн саккизга кирган қишлоқ қизларининг юзига ўхшатилиши) ҳам, шу қиёс мантиқидан келиб чиққан ҳолда шафтолининг жонлантирилиши ва лирик қаҳрамоннинг у билан гаплашиши ҳам, шеърини сатрлардаги мусиқанинг ёқимли оҳанги-ю, бу оҳангда (айниқса, биринчи бандда) «з» товушининг нафис бир шаклда яккахонлик қилиши ҳам юракни қитиқлайди.

Чўлпоннинг замондошларидан бири Лазиз Азизоданинг гувоҳлик беришича, унинг шафтоли тўғрисида бошқа бир шеъри ҳам бўлган. Чўлпон суҳбатларидан бирида шу шеърни назарда тутиб, бундай деган экан:

«Мен бир нарсага ҳайронман, мен нима ёзмайин, айрим ўртоқлар менинг шеърларим маъносининг тескарисини беришга тиришадилар. Яқинда адабиётчи ўртоқларимдан бири менинг: «Кулиб қарама бизга, қизил юзли шафтоли, Куларлик эмас-ку бу боғчаларнинг аҳволи», деган мисрамга салбий маъно берилганлигини сўзлади. Ҳақиқат ҳол бундан иборат эди: Мен Фарғонада бир дўстимнинг боғида югуриб кетаётганимда бир шафтолининг шохи бошимга теги. Қарасам, шу шохда бир пишган луччак шафтоли осилиб тураркан. Шу онда ерга ўтирдим-да, чўнтагимдан ён дафтаримни олиб, бадоҳатан мазкур мисрани ёзган эдим...»

Чўлпон ўз шеърини 20-йилларда, унинг ҳар бир шеъридан кир ахтарган пайтларида қандай талқин этган бўлмасин, унинг ўзига хос маҳорати шундаки, у икки сатраёқ большевиклар туфайли вайронага айланган Ўзбекистон образини шафтоли тафсили орқали яратиб берган.

Келинг, ўша сатрларни яна бир бор ўқиб кўрайлик:

Кулиб қарама бизга, қизил юзли шафтоли,  
Куларлик эмас-ку бу боғчаларнинг аҳволи.

Камина бу сатрларни ўқир эканман, Чўлпоннинг Лазиз Азиззода хотиралари орқали сақланиб қолган бошқа бир шеъри хотирамга келади. Л. Азиззода шoirнинг 1918—1921 йиллардаги ижоди тўғрисида сўзлаб, бундай ёзган:

«Шу пайтдаги Чўлпоннинг турли мавзуларда ёзган шеърларидан бири ўзбек йигитларига бағишланган «Қуролга!» унвонли шеърининг ташвиқий аҳамияти зўр бўлган эди:

### Қуролга!

«Қурол!» Оҳ, қандайин гўзал бир сўз!  
Ол шуни қўлга, турма, тездан ол!  
Ол қўлингга сен ани, ой, бойқиш,  
Шундагир бахт, шундагир иқбол!

Чўлпон бу шеърида ёш совет йигитларининг мамлакатни мудофаа қилиш учун қўлларига қурол олиб, Советлар давлатини мустаҳкамлаганларидагина чин-

лаб бахт-саодатли бўлишларини ўзига хос ҳаяжон билан билдирган».

Чўлпон бу жанговар сатрлари билан ўзбек йигитларини Шўро давлатини мустақкамлашга эмас, уни афдаришга, мустақил ўзбек давлатини барпо этишга чақирмоқда. Бу ғоя шеърнинг ҳар бир сатридан бара-ла ҳайқариб турибди.

20-йилларда яшаган китобхонларнинг бири Чўлпон шеърларида шундай ғоянинг товланиб турганлиги учун, бошқаси лирик ҳароратнинг устунлиги туфайли, учинчиси эса ўзбек тилининг Чўлпон лабларидан тўкилган ширасини симирш учун уларни севиб-қидириб ўқиган.

Ана шундай китобхонлар борлиги учун ҳам 1923 йил 31 март куни «Туркистон» газетасида бундай эълон босилган:

### «Эълон

*Туркистон Давлат нашриёти томонидан яхши қозонда босдирилган ёш ўзбек шоири Чўлпоннинг «Уйғониш» шеърлар мажмуаси кўплаб ва чаканалаб сотишга қўйилди.*

*Сўратиш учун адрес: Давлат нашриётининг китоб магазини. Карл Маркс ва Иржорский кўчаларининг бурчагида.*

*Давлат нашриётининг китоб магазини».*

Ушбу мажмуа сотувга чиқиши биланоқ адабий жамоатчиликнинг эътиборини қозонди. Китобхонлар уни берилиб ўқишга киришган бўлсалар, шоирлар Чўлпон изидан боришга интидилар, танқидчилар эса фикр билдиришга. Ўша йилнинг 4 май сонида «Туркистон» газетаси Зариф Башир тили билан бундай самимий сўзларни ёзди:

*«Чўлпон ўртоқнинг «чин шоир» деб аташга мумкин бўлган биринчи шеъри 1920 йилда чиққан 2-сон «Тонг» журналидаги «Беҳбудий»га ёзган шеъри бўлади. Унинг шул кундан бошлаб ёзиб келган шеърлари текис ва нафис бўлиб тизилиб келадир. Чўлпон ўртоқ чин юрак ва ҳис шоири (лирик) бўлгани ҳолда унинг шеърлари бошқа юрак шоирлариникига ўхшаш фақат кучлик ҳислардан, қизғин гардлардангина иборат эмас... Чўлпон ўртоқнинг энг тақдирга лойиқ бўлган бир ери, унинг шеъри тасвирга бой бўлиб, маъносидан сўзи оз бўлиши ва шуларни соф ўзбек тилида ёзишидир».*



«Уйғониш» мажмуаси чоп этилиши билан шоир яна-да машҳур бўлиб кетди. Проф. Самойлович унинг шеърларини рус тилига таржима қилишга киришди. Чўлпоннинг ҳар бир сафари ҳақида газеталар муштарийларга хабар бера бошлади. Шоир истиқомат қилаётган манзил хатларга тўлиб-тошиб кетди. Китобхонларнинг хатларидан эсанкираб қолган шоир ҳатто бундай эълон ҳам берди:

#### **«Менинг эълоним**

*Маҳаллаган, маҳаллаларган ва атрофдан менга биргина ҳар вақт матбуот-маориф, санойи нафиса ва бошқа ҳисобсиз, сонсиз масалаларга мурожаатномалар, хатлар келиб турадир. Фақат мен, бир мен бу хусусга турлук расмий ва ғайрирасмий бордикелдиларни билмаганим учун кўбларига аҳамиятсиз боқмоққа мажбур бўламан. Нима қилмоқ керак?.. Хайр...*

#### **Абдулҳамид Сулаймон».**

Чўлпоннинг халқ орасидаги обрў-эътибори шу қадар ўсдики, ҳатто унинг номи мактабларга ҳам берилди.

Аmmo Чўлпон бундай шуҳрат майдан сархуш бўлиб қолмай, қишлоқ қизларининг юзларига ўхшаб қип-қизарган шафтоли ҳақида шеър ёзишда давом этди.

Комил Яшин хотирасида сақланиб қолган ушбу бадиҳа шеър ҳам шафтолига бағишланган:

Шафтоли пишди, етилди, тергани келсанг-чи, ёр,  
Мушки анбар кокилингни ўргани келсанг-чи, ёр.  
Мушки анбар кокилингнинг ҳар толида минг бир тумор,  
Ул туморлар ичида севган ёримнинг оти бор.

Шоирнинг бундай шўх-шан туйғуларга бой, табиат ва инсоннинг гўзаллигини куйловчи, китобхон қалбини ҳаётга бўлган муҳаббат шуълаларига фарқ этувчи шеърларидан Ўзбекистон боғ-роғларининг хушбўй ҳиди анқиб туради.

## Дўстлар ва шогирдлар даврасида

Чўлпоннинг хеш-ақраболари орасида Шоҳид Эсон айрича ўринга эга бўлган. Ғоят камтар, хоксор, ўта билимдон, айниқса, турк тили, адабиёти ва тарихининг билгичи бўлган бу зот Чўлпонга руҳан яқин киши эди. У Чўлпондан 10—11 ёш катта бўлишига қарамай, улар ўртасидаги алоқа ака-укалик эмас, балки дўстлик ришталарига асосланган. Чўлпоннинг Эсон афандига бўлган ҳурмати заминида турк маданиятига нисбатан меҳр туйғулари ҳам йўқ эмас эди.

Тошкентнинг Каллахона маҳалласида туғилиб, шу ердаги мадрасада таҳсил кўрган Эсон афанди тақдирида Одил қози номли кишининг ўрни катта бўлган. У Эсон афандини Истамбулда чоп этилган педагогикага оид мажмуа билан таништириб, «эски мадрасалардан энди наф йўқ», деб унга жадид мактабини очишни маслаҳат қилган. Бояги мажмуа унда Истанбулга бориб ўқиш ҳавасини уйғотган. У 1912 йили Истанбулга борган ва бир йиллик тайёргарликдан кейин ўқитувчилар семинарийсига ўқишга кирган. Семинарийни тугатиб, 1915—1916 йилларда ўқитучилик фаолиятини бошлаганида, ҳарбий хизматни ўташ учун турк армиясига олинган. Бир мунча вақт ўтгандан кейин Истанбул университетига кириб, уни 1922 йили тугатган ва шу йили Тошкентга қайтган.

Эсон афанди Эски шаҳардаги кутубхоналарнинг бирида уч-тўрт ой ишлагач, Навоий номидаги таълим ва тарбия техникумига директор этиб тайинланган. У ўта маданиятли, ишнинг кўзини биладиган киши бўлгани учун билим юрти унинг даврида гуллаб-яшнади. Шу даврда ушбу билим юртида таҳсил кўрган Ойбек, Миркарим Осим, Маҳмуд Ҳақимов, Муқсид Қориев, Темучин, Азиз Мақсудов каби истеъдодли ёшларнинг шаклланишида унинг ҳиссаси оз бўлмади. У талабаларда турк ёзувчиларининг асарларига нисбатан қизиқиш уйғотиб, улар миясига туркий халқларнинг бир тарихий илдизга мансублиги ҳақидаги фикрни қуйди. Уни Чўлпон билан яқинлаштирган нарса ҳам худди шу эди.

Эсон афанди Чўлпонни улуғ шоир сифатида қанчалик эъзозлаган бўлса, билим юртининг энг истеъдодли талабаси Ойбекнинг келажагига ҳам шунчалик

катта умид ва ишонч билан қараган. Замондошларнинг айтишларича, кунларнинг бирида у билим юртининг олдида бу икки шоирни бир-бири билан таништира туриб, ҳазил аралаш деган:

— Чўлпон, сен шу пайтгача ўзбекнинг якка-ю ягона улуғ шоири эдинг. Бугундан бошлаб сен ёлғиз эмассан. Сенинг ёнингда энди Ойбек ҳам бор!

Эсон афандининг бу сўзларига фаришта «омин» деган шекилли, Ойбек Чўлпон ва чўлпончиликка қарши ваҳшиёна кураш йилларида ҳам, кейин ҳам унинг адабий анъаналарига содиқ қолган ҳолда йилдан-йилга юксалиб, ўзбек адабиётининг Чўлпон сингари ёруф юлдузига айлана борди.

Чўлпон Шўро ҳукуматининг мақсади ўзи сингари суяги қотган зиёлилар авлодидан тезроқ халос бўлиш ва ёшларни ўз ғоя ва ақидалари руҳида тарбиялаш эканини яхши тушунган; шунинг учун ҳам бу ёшларни таъсир доирасидан қочирмасликка ҳаракат қилган. Ўз навбатида, Чўлпон сиймосида ўзбек бадиий тафаккури ва инсоний маданиятининг камолотини кўрган ёшлар ҳам унга эргашганлар.

Ана шундай ёшлардан бири — геодезист олим Фуломқодир Норхўжаев севимли шоир билан илк учрашувини бундай ҳикоя қилади:

*«Эски Жўва майдони яқинидаги кўримсиз бинода «Турон» кутубхонаси бўлиб, унга техникум (сўз Навоий номидаги таълим ва тарбия билим юрти ҳақида бормоқда — Н. К.) ўқувчилари тез-тез келиб турардилар. Кунларнинг бирида китоб олгани кутубхонага борсам, пештахта олдида қадди-қомати келишган, салобатли, йўғонроқ, очиқ чеҳрали ва файзли нотаниш бир киши турган экан. Салом бердим, у киши алик олиб, кийимим юпун бўлганиданми, бошдан-оёғимга разм солиб: «Сиз қаердан бўласиз, йигитча?» деб сўрадилар. Мен одоб билан тошкентлик ва техникум ўқувчиси эканимни айтдим. Кейин мулоим оҳангда: «Яхши ўқиш керак, ўзингизга соғлиқ, ўқишингизга муваффақият тилайман», дедилар. Шу вақт ичкаридан Абдулла Носиров (кейинроқ ЎзФА Шарқшунослик институтида библиограф ва илмий ходим бўлиб ишлади) юпқа бир китобни олиб чиқиб, расмийлаштириб, ҳалиги кишининг қўлига бердилар. Менга омад тилаган одам китобни қўлига олиб варақлар экан, кўзим «Сарвати фунун» деган ёзувга тушди. Бу ном-*

гаги асарни биринчи кўришим эди. Мижоз биз билан қуюққина хайрлашиб, чиқиб кетди. Одобсизлик саналса ҳам, Абдулла акадан бу одамнинг ким эканини сўрадим. «Чўлпон деган шоир шу киши бўлади», деди Абдулла ака. Кейин кўшиб қўйди: «Истанбулда нашр этиладиган «Сарвати фунун»ни олдилар. Зап яхши журнал-га».

Биз, ёшлар, Чўлпон, Фитрат, Боту, Элбек каби адибларни адабиёт дарслари орқали танир эдик. Чўлпонни шахсан учратганимдан беҳад хурсанд эдим. Шундан сўнг ёшлик истагига бўйсуниб, Чўлпон мутолаа қиладиган журнални ўқишга иштиёқим ортди ва Абдулла акадан бир сонини олдим. Туртиниб ўқишга, тушунишга ҳаракат қилдим. Чўлпон туфайли шундай журнал борлигини билганим ва ўқишга уринганим учун Чўлпондан миннатдор эдим».

Ойбекдан бир синф қуйида ўқиган Фуломқодир аканинг Чўлпон билан танишуви шундай бошланди.

Афсуски, Ойбек ҳаёт пайтида Чўлпон номини тилга олишнинг иложи бўлмаган. Шунинг учун ҳам унинг Чўлпон билан танишуви манзаралари биз учун қоронғи. Лекин Фуломқодир Норхўжаевнинг Чўлпон ҳақидаги хотиралари ана шу кемтикни маълум даражада тўлдиради, деб умид қиламиз.

20-йилларда туғилиб келаётган зиёли ёшларда Чўлпонга нисбатан катта ҳурмат нафақат шоирнинг асарлари, балки Эсон афанди, Мунаввар қори, Шокиржон Раҳимий сингари ҳурматли кишиларнинг унга бўлган илиқ муносабатлари таъсирида ҳам шаклланган.

«Шу йиллар ичига, — давом этади Фуломқодир Норхўжаев, — Тошкентга Бокудан профессор Чўбонзода келганини ва адабиётчилар йиғинида ўзбек адабиётининг ҳозирги ҳолати ҳақида маъруза ўқиганини эшитдим. Чўлпоннинг ўзбек адабиёти равнақи учун кўп ҳисса қўшганини таъкидлаб, Чўлпоннинг шеъриятдаги бадиий маҳоратини турк шоирларидан Яҳё Камолга таққослаб, ундан ҳам юқори қўйган. «Яҳё Камол ўз асарларини туркларнинг ишланиб вояга етган тилида яратган. Чўлпон эса ўзбекларнинг энди ривож топаётган тилида ёза бошлади, ўзбек шеърияти тилини яратди ва шу тилда ўлмас асарлар ёздиким, бу Чўлпоннинг Яҳё Камолдан устунлигидир», деганди».

Чўбонзода сингари турк оламида машҳур кишиларнинг Чўлпонга берган юксак баҳолари ёшларнинг бу ажойиб инсон ва шоирни ҳақли равишда кўкка кўтаришлари ва унинг кайфияти, қарашлари, орзу-армонлари билан «чангланиши» учун кенг майдон яратди.

1925 йил февралда Эсон афанди ташаббуси билан берилган Навоий номи билим юртидан олиб ташланди. Шўро ҳукуматининг Ўзбекистондаги корчалонлари Наримон Наримоновнинг номини абадийлаштириш учун бошқа илм-фан ўчоғини топа олмадилар. Бунинг устига, республика пойтахтининг Самарқандга кўчирилиши муносабати билан билим юрти Янги шаҳардаги бўшаб қолган кўримсиз бинолардан бирига кўчиб ўтди.

*«Шу гаврга, — деб ҳикоясини давом эттиради Фуломқодир ака, — Чўлпоннинг «Тонг сирлари» номли шеърлар тўплами чиқди. Техникум ўқувчиларининг кўплари шу тўпламни сотиб олишди. Мен ҳам синфдошим билан китоб олгани собиқ Карл Маркс (ҳозирги Сайилгоҳ кўчаси — Н. К.) кўчасидаги китоб магазинига борган эдим. Ўшал ерда тасоғифан шоирнинг ўзини учратдим. Салом-алиқдан сўнг у кишини «Тонг сирлари» нашр этилиши билан табриқладим. Чехраларида хурсандлик белгиси сезилди. Ёнимдаги шерикларим билан ҳам кўришдилар. Бизнинг мақсадимизни сездиларда, китоб сотувчи олдига бориб, тўрт дона «Тонг сирлари»ни олдилар ва бизларга ўз қўллари билан тақдим этдилар.*

*— Мендан эсдалик. Ҳаммаларингизга соғлиқ, ўқишларингизда ютуқлар тилайман! Яхши ўқинглар! — деб қўлларимизни сиқиб хайрлашдилар».*

Бу сўнги хотирада қад кўтарган Чўлпон бизга яхши таниш: у истеъдодли ўзбек ёшларининг Германияга ўқишга боришида ташаббускорлардан бири бўлган; уларнинг яқин орада Ўзбекистонга юқори малакали, ажойиб мутахассислар бўлиб қайтишига катта умид боғлаган, ҳатто Абдуваҳоб Муродий сингари иқтисодий жиҳатдан қийналган ёшларга сидқидилдан ёрдам берган эди. Ана шу Чўлпон 1923 йилнинг 12 майида Ўзбек билим юртини биринчи мартаба битириб чиққан беш йигитни «Ирфон келадир!» шеъри билан табриқлаб, юрагидаги қувончи ва ҳадигини бундай сатрларда ифодалаган эди:

...Шу ёмон, зим-зиё, узун кечалар  
Бизни ютмоқ, битирмоқ иштайлар.  
Эскилар қутқаришга келмайлар,  
Балки қонларни томчилаб ичалар...

Тоза қонларга иштаға сақлаб,  
Кутадири йўлда оч, харис душмон.  
У улуғ йўлни нур билан тозалаб,  
Етасан истагинга, эй ирфон!

Чунки сен янги, тоза бир кучсан,  
Билагинг бир темир, пўлат кабидир.  
Чунки сен ёғду, нурга кўп ўчсан,  
Тилагинг бир олов, бир ўт кабидир...

Ана шу Чўлпон 1924 йилнинг 26 майида дастлабки ўн уч қалдирғочнинг Фарғона таълим-тарбия техникуми (ҳозир Қўқон педагогика билим юрти)ни битириб чиқиши муносабати билан уларга шеърый саломини йўллаган эди. Ана шу Чўлпон Эсон афанди мудирлик қилган мактабга тез-тез ташриф буюриб, ёш толиблар билан учрашар ва уларга йўл-йўриқлар кўрсатар эди.

\* \* \*

Чўлпоннинг ҳаётлик пайтида чиққан тўртта шеърлар китобининг учинчиси — «Тонг сирлари» 1926 йили нашр этилди. Шоир ўзининг кўпдан кутгани ва ижодида янги босқич бўлган бу тўпламга қуйидаги сатрларни пешсўз сифатида илова қилган:

Бир эсиб ўтдилар «Уйғониш» еллари,  
Бир қайнаб тошдилар кўз ёши — «Булоқлар».  
Ай, тонгда қалтираб ўйнашқон япроқлар,  
Тек туринг, ёйилсин энди...

«Тонг сирлари!»

Гарчанд бу тўпламга кирган «Созим» шеърида «Чечаклар ўсгуси кўз ёшларимдан, Бўғинлар унғуси ўйлашларимдан», деган сатрлар бўлса-да, «Булоқлар»дан фарқли ўлароқ бу тўпламда кўз ёшлари йўқ эди. Абдулла Қодирий «Тонг сирлари»га ёзган дебоча сўзида Чўлпонни турли ҳужум ва хуружлардан ҳимоя қилиш истагида тонг ва сир образларига ўзга-

ча талқин берган, аммо тўпلامдан жой олган аксар шеърлар шўро давридаги «сир»ларни фош этишга қаратилган эди.

Кўнгил, сен мунчалар нега  
Кишанлар бирла дўстлашдинг?  
На фарёдинг, на ёдинг бор,  
Нечун сен мунча сустлашдинг?

Рухнинг озодлиги, хурлиги учун кураш алангаси порлаб турган бу сатрлар шоир Чўлпоннинг шўро даврига ва бу даврдаги мустамлакачилик кишанларига қарши кўтарган исёни эди. «Кўнгил» деб номланган бу шеърдаги ғоя «Кишан» шеърда яна бир карра ўт-олов сочиб, сўнг «Бас энди!» деган шеърда бундай авж нуқтасига кўтарилган:

Қўлимда сўнгги тош қолди,  
Ёвимга отмоқ истарман!  
Кўзимда сўнгги ёш қолди,  
Амалга етмак истарман!

Чўлпоннинг учинчи шеърлар тўпламида макон топган сирлар ана шундай кураш нафаси ва нашъаси билан тўла.

\* \* \*

Эсон афандининг дўстлари орасида Ойбекнинг бўлажак қайноғаси Саидносир Миржалитов ҳам бўлган. Туркистон мухторияти қонга ботирилгандан кейин Саидносир Миржалитов шўролар тазйиқидан қочиб, Истанбулга борганида, ўша ерда Эсон афанди билан танишган. Шундан бери улар ўртасида биродарлик ва дўстлик алоқалари давом этиб келган. Саидносирбой Туркистоннинг кўзга кўринган маърифатпарварларидан бири сифатида ўша даврнинг барча зиёлилари, шу жумладан, Чўлпон ва Ҳамза билан ҳам яқин муносабатда бўлган. Унинг Тошкентдаги уйида эл-юрт хурматини қозонган кўплаб кишилар меҳмон бўлишган.

*«Кулларнинг бирида, — деб ёзади унинг қизи Зарифа Саидносирова «Ойбегим менинг» китобида, — шоир Чўлпон ҳам гадам ҳузурда меҳмон бўлди.*

*Биз, Туркистондан келиб, Тошкентда таҳсилда бўлган барча талабалар, суратга тушган эдик. Бу сурат орқа-*

сига — Шарифа бўлса керак — Чўлпоннинг «Гўзал Фарғона» шеърини ёзиб қўйган ва советлар давридаги бир санани қайд этган экан. Дадам сурашни тоқчадан олиб, Чўлпонга кўрсатган. У, эҳтимол, кўрқиб кетганидан «Йили ундоқ эмас, бундоқ», деб инқилобдан олдинги бир санани қўйган ва шу ондаёқ бир варақ қоғозга шеър ёзган. Дадам бу шеърни менга берган; у менинг кундалик дафтарим ичига ҳамон сақланади:

Азиз синглим, менинг кўнглим тентақдир,  
Шунинг учун умрим бутун эртақдир,  
Эртақ эмас, бир ярамас хаёл, денг,  
Маним учун, таним учун малол, денг.

Хаёл эмас, малол эмас, бу бир туш,  
Ҳар нафасни, шу бир пасни унутиш.  
Унутамен, йўқ этамен ўзимни,  
Ҳеч билмаймен, англолмаймен сўзимни».

Турли-туман таъқиблардан зада бўлган Чўлпон бу сўнгги сатрлари билан «Гўзал Фарғона» учун танбеҳ ва тазйиқларга учрамаслик ниятида ўзига хос «тушунтириш хати»ни берганга ўхшайди.

«Дадам, — давом этади Зарифа опа, — кечкурун Чўлпонни ичкарига бошлаб кирди. Мени чақириб таништиргач, кўрпа солишни буюрди. Уйнинг ўртасига қалин жой тайёрладим.

Бу менинг Абдулҳамид акани биринчи дафъа кўришим эди. Баланг бўйли, йирик гавдали, устида ўзига ярашган фарғонача янги сиртма тўн, бошида катта сувсар телпак...

Дадам девордаги Аҳмад Яссавий мақбараси расмини кўрсатиб, бу расмини мен ишлаганим ҳақида гапирар экан:

— Жуда гўзал ишланган. Бу қизни Германияга ўқишга юбормоқ лозим, — деди Чўлпон.

— Менинг ҳам шундай орзу-умидим бор, — кулимсиради дадам...»

Чўлпон шу куни Саидносир Миржалил ўғлининг уйида меҳмон бўлганида, унинг абжир қизи севимли шогирди Ойбекка турмушга чиқишини, Саидносирбойнинг ҳам, Германияга ўқишга кетган барча ёшларнинг ҳам бошига шўролар қиличи тушишини ҳали билмас эди.



«Тонг сирлари» билан бир вақтда Ойбекнинг илк шеърий гулдастаси — Туйғулар» ҳам дунё юзини кўрди. Унда «Най куйлари» деган шеър ҳам бўлиб, у Чўлпонга — XX аср ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузига бағишланган эди. Бошқа авлоддошлари буюк шоир шаънига туҳмат ва маломат тошларини ёғдира бошлаган бир вақтда Ойбек биринчи бўлиб уни ўз шеъри билан шарафлади.

«Кўп суюкли шоиримиз Чўлпонга» деган бағишлов сўзларига эга бўлган бу шеър тонг тасвири билан бошланади.

Тонг юзин очмиш эди,  
Ипак нур сочмиш эди.  
Кўқда олтин юлдузлар  
Уёлиб қочмиш эди.

Куйлар юксалди, кетди,  
Тонглар кўзидан учди.  
Ёш кўнглим қанот қоқиб,  
Най куйин қувди-кетди.

Шу замон узоқларда,  
Қаршимдаги тоғларда  
Ёниқ най учди, билмам,  
Оҳ, қайси дудоқлардан?

Қидирдим, топдим ортиқ,  
Шу онда кулди борлиқ.  
Унга синиқ кўнглим-ла  
Кўз ёшларимми тортиқ?..

Чўлпон исми булоқ ёнида яна шундай бир булоқ кўз очмоқда эди.

\* \* \*

Шоҳид Эсон 1928 йил 12 ноябрда Туркиянинг ай-фоқчиси сифатида ҳибсга олинди. Унинг уйида бўлиб ўтган тинтув пайтида кўпгина расмлар, хатлар ва Самовий тахаллуси билан ёзган битиклари олиб кетилди. 25 ноябрь санали навбатдаги сўроқ пайтида унга Москвадан, Чўлпон номидан келган хатни кўрсатиб, ундаги тушунарсиз сўзларни шарҳлаб беришни талаб этдилар. Эсон афанди ушбу хатни бундай шарҳлаб, деди:

*«Чўлпоннинг Москвадан камина ва Иброҳим афандига ёзган хати. У ўз хатида Чўлпон билан камина ўртасида содир бўлган бир низони Наби Расулий бар-тараф этиши лозимлигини айтган. Наби билан Чўлпон дўст эди, бирга бўлишарди...»*

Чўлпон ўз манзилини бундай кўрсатган: «Наим Сауд орқали». Улар Маскавда бирга яшашган...

Мен Чўлпонга жавоб ёзмадим. Наим Саудни яхши билмайман. Қўқон Халқ маорифи бўлими мудири Аҳмад-хонов бизни (мен, Боту, Наим Сауд, Чўлпон, Иброҳим

*афанди, Абдураззоқ Абдуқаҳҳоров, Шокир Сулаймон, Наби Расулий, масковлик 5—6 талабани) меҳмонга чақирганида, Наим Саид соҳиби хонадонга тегишли баъзи бир вазифаларни бажарган».*

Эсон афанди билан Чўлпон ўртасида қандай англашилмовчилик рўй берган бўлиши мумкин? Агар бу кўнгилсизликни Наби Расулевнинг ёлғиз ўзи бартараф этиши мумкин бўлган бўлса, демак, Чўлпондан ҳеч қандай айб ўтмаган. Кичик бир англашилмовчилик юз берган, холос.

Эсон афандининг Чўлпон ва бошқа улфатлар билан 1925 йилнинг ёзида Фарғона водийсига қилган сафарлари тўғрисида манбаларда яна бир маълумот учрайди. Юқорида номи тилга олинган Муталиб Қаҳрамоновнинг гувоҳлик беришига кўра, Чўлпон 1925 йил ёзида дўст-ёрлари билан Андижонга борган. Бу сафар вақтида унга, Наби Расулев ҳамда Эсон ва Иброҳим афандилардан ташқари, Вадуд Маҳмуд ҳам ҳамроҳ бўлган. Чўлпон билан Наби Расулевдан бошқа ҳамма меҳмонлар унинг уйида бир-икки кун туришган. Сўнг биргаликда Арслонбобга йўл олганлар.

Муталиб Қаҳрамоновнинг бу маълумоти ушбу сафар йўналишини аниқ тасаввур этиш имконини беради: Аҳмадхоновнинг таклифи билан улфатлар дастлаб Қўқонга борганлар-да, бир-икки кун тургач, Наим Саид ва беш-олти масковлик талабани қолдириб, Андижонга, Чўлпоннинг дўстлари ҳузурига равона бўлганлар. Сўнг Арслонбобнинг хушҳаво ва хушманзара ерларига чиқиб, беш-ўн кун мобайнида, дўстлар ва нафосат шайдолари ҳузуринида меҳмон бўлишган.

## ***Илғизлар ва япроқлар***

Ушбу сафар иштирокчиларидан ҳозирча фақат бир киши — Эсон афанди билан танишимиз. Унинг Истанбулда узоқ вақт давомида таҳсил кўргани ва ишлаганидан ҳам хабардоримиз.

Эсон афанди Биринчи жаҳон уруши йилларида, жанговар хизматни ўташ учун турк ўрдусига олинганидан сўнг, уни Кавказдаги ҳарбий қисмлардан бирига йўллаб, ундан таржимон сифатида фойдаланмоқчи бўлишди. Аммо Эсон афанди хасталикка йўлиқиб, Ха-

лобдаги ҳарбий хастахонада тўрт-беш ой ётиб даволанди. Хуллас, унга Кавказга бориш nasib этмади. Шу орада инглизлар Истанбулни эгаллаб олганлари учун Кавказдаги ўрду ҳам ўз ватанига қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Чўлпоннинг турк маданияти билан қизиқиши Эсон афандининг 1922 йили Тошкентга қайтиб келишидан анча аввал бошланган. У «Сарвати фунун» тўғараги шоирларининг ижоди билангина қизиқиб қолмай, Туркияда рўй берган сиёсий воқеаларни ҳам кузатиб борди. Унинг кўплаб шеърлари ва публицистик мақолаларида Туркиянинг сиёсий ҳаётида содир бўлган воқеалар ўз шарҳини топди.

Сафардошларнинг яна бири Иброҳим афанди бўлиб, у Эсон афанди билан бирга Туркиядан келган. У Навоий номидаги таълим ва тарбия техникумида тарих ва жуғрофиядан дарс берган; тарих фани билим юрти дастуридан чиқариб ташлангач, табиат фанидан дарс бера бошлаган.

Ниҳоят, учинчи сафардош Абдураззоқ Абдуқаҳҳоров ҳам Туркияда таҳсил кўрган ва турк ўрдусида хизмат қилган бўлиб, 1925 йилда Тошкентга кўчиб келган ва мазкур билим юртида ўқув бўлими мудирини лавозимини адо этган.

Чўлпоннинг мазкур дўстлари билан Фарғона водийси бўйлаб сафарга чиқишидан муроди уларни Туркистоннинг гўзал ва жаннатмонанд масканлари билан таништириш ва, имкони бўлса, Анвар пошо ҳалок бўлган тупроқни зиёрат этиш ва унинг ўлими тафсилотлари билан шуғулланиш эди.

Чўлпонда қардош халқ маданияти ва адабиётига қизиқиш хийла эрта бошланди. У ҳали Андижондалик пайтидаёқ янги турк адабиётининг намуналари билан танишиб, қардош халқ ва унинг бадиий маданиятига ихлос қўйди. Чўлпон Тошкентга 1914 йили кўчиб келгач, замонавий турк адабиёти билан мунтазам равишда танишиб бориш имкониятига эришди.

Чўлпон «Москвада икки турк санъаткори» деган мақоласида таниқли кинорежиссёр Эртўғрул Муҳсинбек тўғрисида маълумот бериб, унинг Туркияда ўрта даражадаги таҳсилни кўрганидан кейин Францияга кетиб, Парижда жаҳон миқёсида обрў ва эътибор қозongan Антуан исмли театр режиссёри қўлида таълим

олганини айтади. Чўлпоннинг шоир сифатида шаклланишига озми-кўпми ҳисса қўшган «Сарвати фунун» жамияти қатнашчилари ҳам фақат миллий таълим асослари билангина қаноатланмай, айти пайтда француз маърифатпарварлари меросидан ҳам баҳраманд бўлганлар. Ана шу омил уларнинг бошқа қаламкаш ватандошларига қараганда анча илғорлаб кетишига имкон туғдирди.

Чўлпон ўзбек мумтоз адабиётини мутолаа этиб, уни янги ижодий уфқлар сари кўтариш лозимлигини 1925 йилдан — «Улуғ ҳинди» мақоласини ёзишдан анча олдин ҳис этган ва шу пайтларда унинг янгиликка бўлган ташналигини замонавий турк адабиёти намояндалари маълум даражада қондирган эди.

Чўлпоннинг 20-йиллар аввалида ёзган адабий танқидий мақолаларининг ўзидаёқ унинг турк адабиёти бўйича билими бўй кўрсатиб туради.

*«Усмонлиларнинг «адабиёти жадуга» (янги адабиёт) чиларининг пир ва устози бўлган Тавфиқ Фикратбек, — деб ёзган эди у шу мақолаларининг бирида, — бутун янги насл туркларнинг юракларина гўзал, нафис ва латиф шеър букетлари қадамишдир. Унинг кенг хаёли, равон (тез) ва энгил ифодаси кимни, қайси бир шеър ва адабиёт муҳибини тасхир этмас? Хусусан, унинг рубоби шикастаси (синиқ дупор), ундаги баланд ва латиф йўллар нақадар жозибали ва завқли нарсалардир!*

*Тавфиқ Фикрат «Рубоби шикаста»си ила қанча танилган бўлса, унинг ила қанча нафосат суювчиларни ўзига мафтун этган бўлса, «Тарихи қадими», у даҳшатли фарёди ила одамларнинг қалбинда буюк-буюк ўзгартишлар вужудга келтирмишдир. «Тарихи қадим» «Рубоби шикаста»дай эмасдир: «Рубоби шикаста» гунё кўрмишдир, матбаада темирлар орасинда қисилмиш, қоғоз бетларинда неча минг нусха босилмишдир. Лекин «Тарихи қадим» махфийдир, қўлдан-қўлга кўчирилуб, ёзулуб юргизиладурган нарсадир. У тарихнинг жиноятлари каби сирлидир, ҳар кимга «мана, мен!» деб кўруна бермас. Уни босдириш мумкин бўлмади. У олий фикрлар бечора Шарқнинг кўҳна, чирик миясига сиғмади; забун, эзилган шарқлининг кенг қалбинда жой топа олмади...»*

Қардош тил таъсирида қурилган бу жумлалар, бу услубий сакрама тўлқинлар Чўлпоннинг қайси уммон-

дан сув ичганини ошкор этиб турибди. Агар Чўлпон ижодига шу сўзлар оша ёндошадиган бўлсак, унда ҳам икки жилгани — «Рубоби шикаста» оҳанглари билан «Тарихи қадим» садоларини кўрмаймизми? Шу маънода улар ўртасида — Чўлпон билан Тавфиқ Фикрат ўртасида яқинлик ва ҳамоҳангликнинг борлиги бегумондир.

Тавфиқ Фикратнинг «Тарихи қадим»ида бундай байт бор:

Дин шаҳид истар, осмон — қурбон,  
Яна қон, ҳар тарафда қон, қон, қон!

Чўлпон бу мисраларни тилга олиб, унинг қонга, зулмга, жиноятга қарши кўпирган, жўшган жони ила исён кўтаргани ва жиноят уяси бўлган бу «эски дунё»да зўрға яшаганини ачиниб айтадики, ҳатто бундай тақдир ўзининг ҳам насибаси эканини олдиндан сезгандек бўлади.

Чўлпон меҳрини қозонган турк шоирларидан яна бир Ризо Тавфиқдир. Ўз юртида катта ҳурматга сазовор бўлган бу зот бир иш юзасидан ҳибсга олиниб, қамоқхонадан сўроқхонага келтирилаётган вақтда халқ уни кифтида кўтариб, элтиб берган, қамоқхонадаги ҳужрасини эса бир зиёфат дастурхонига айлантириб юборган. Аммо «Туркиянинг янги шоирларидан энг кучлиги бўлгон» Яҳё Камол билан Истанбул дорилфунунининг форс адабиёти мударрисси Ҳусайн Донишбек ўртасида бошланган миллият жанжали пайтида у Яҳё Камолга қарши чиқади ва Фузулийнинг ўз асарларини бир машҳур Эрон шоиридан олганлигини тасдиқламоқчи бўлади. Шу кундан бошлаб унинг шуҳрат қуёши бир умрга ботади...

*«Шундай қилиб, — хулоса қилади Чўлпон, — Туркиянинг адабиёт ва илм оламидаги энг катта бир кишиси, замоннинг қизигон қонли ёшлари билан чиқиша олмасдан, кенг фикрини мия ҳужрасига солиб, саёқлик-гарбагарлик кўчасига кириб қолгон...»*

Ҳар бир тақдир, шу жумладан, ижодкор тақдир ибратлидир. Унинг яхшилик бобидаги хизматлари ҳам, қусур ва хатолари ҳам беиз кетмайди. Чўлпон турк адабиёти намояндалари ҳаёти ва ижодини пухта ўргангани учун улардан маълум маънода сабоқ олиб яшади.

Ҳозир Аброр Ҳидоятлов номи билан аталган театр биноси олдида Чўлпон билан бўлиб ўтган учрашувни хотирлаб, Гуломқодир Норхўжаев бундай ёзган:

*«Кунларнинг бирида театру биноси олдида тасо-дифан Чўлпонни учратиб қолдим. Салом-алиқдан кейин, у кишининг истаги бўйича, бино ичига кириб, бир ўриндиққа ёнма-ён ўтирдик. У киши ўқишим билан қизиқиб, турли саволлар бердилар. Ўшал даврга тил дарсини Шорасул Зуннун, адабиётни эса Шоҳид Эсон афанди олиб борар эдилар. Бу кимсаларни Чўлпон яхши билар эканлар. Мен у киши олиб ўқийдиган «Сарвати фунун» мажалласини ўқиганимни айтдим...*

*— Тушундингизми? — деб сўрадилар Чўлпон.*

*— Олдин тушунмасам ҳам, кейин анча ўрганиб қолдим, — дедим.*

*Кейин Абдулҳақ Ҳомид, Тавфиқ Фикрат, Ризо Тавфиқ, Яҳё Камол номларини айтганимда, севиндилар. Мен: «Сиз туфайли турк адабиёти билан таниша бошладим», деб ўз миннатдорчилигимни билдирдим.*

*Охири, сумкаларини очиб, кичик, юмалоқ бир китобча олиб менга узатдилар ва «Мана буни олинг. Мендан сизга эсгалик. Турк адабиётида учрайдиган арабча, форсча, французча сўзлар луғати. «Луғати Ножий» дейилади. Туркча шеър, ҳикоялар ўқиганингизда, ёрдам беради», — деб китобни бердилар. Луғат менга кўп фойда берди...*

*...Бирмунча вақт ўтгач, яна китоб магазинида Чўлпон билан учрашдик. Мен техникум ўқувчиларига берилган мукофот пулига «Турк адабиёти тарихи» китобидан яна олишга борган эдим. Шоир билан ҳозирги Амир Темури хийбонига бориб, ёнма-ён ўтирдик.*

*Мендан:*

*«Турк адабиёти тарихи»ни ўқидингизми?» — деб сўрадилар. — Ўқиган бўлсангиз, эсингизда борларидан бир-иккисини сўйлаб беринг, — дедилар.*

*Мен аста Абдулҳақ Ҳомиднинг кўйидаги мисраларини ўқидим:*

*Бир кўзлари оҳуя берилдим,  
Оҳу каби душтим тоға ҳасрат.  
Этмак-ла хато мулкани ҳижрат,  
Эй воҳ, на беҳуда юрулдим.*

*Кейин Ҳомиднинг хотини ўлганда ёзган шоҳ асари «Мақбар» ва унинг ёзилиш тарихини айтиб, қуйидаги мисраларни ўқидим:*

*Эй воҳ, на ер, на ёр қолди,  
Кўнглим тўла оҳу зор қолди...  
Чик, Фотима, лаҳаддан, қиём эт,  
Ёғимдаги ҳолинг-ла давом эт.  
Бир тотли боқиш-ла, бир қулиш-ла  
Айёми ҳаётими тамом эт».*

Эҳтимол, бу хотира синиқлари кимгадир Чўлпонга алоқасиз бўлиб туюлар. Аммо, назаримда, Чўлпон ҳақидаги билимимиз, умуман, юзаки ва ҳақкам-дуккам бўлган бир пайтда у ҳақдаги ҳамма маълумотни тўплаб олиш ва шу маълумотлар асосида унинг ҳаёт ва ижод йўлини тиклаш бизнинг — адабиёт тарихчиларининг олдида турган хайрли вазифадир.

# Шўртининг фасл

## ОЙДИН КЕЧАЛАРДА

Ойдин кечаларда кўкка кўз тутиб,  
Еруф юлдузлардан севги кутдим мен;  
Ҳар юлдуз тифига руҳ билан тегиб,  
Узун тунлар бўйи кутиб ўтдим мен.

Чўлпон.

## Илғизлар ва япроқлар

(давоми)

Ҳар бир миллатнинг тараққиёт даражаси фақат маданияти билангина эмас, балки аввало иқтисодий имкониятлари ва моддий бойликлари билан ҳам белгиланади. Аммо шу имконият ва бойликлар ҳар бир оила дастурхонига, оила аъзоларининг маънавий қиёфаси ва тафаккур даражасига таъсир кўрсатиб, уларнинг том маънодаги маданиятли кишилар бўлишига имкон туғдиргандагина бу миллатни тараққий этган, деб аташ мумкин.

Чўлпон Аҳмад Хонтошлинскийга йўллаган ўша очиқ хатида шу хусусда бундай фикрда эканлигини айтган:

*«...Дуруст, театр деган нарса санойи нафисанинг энг олий қисми. Улсиз бир миллатни бор, деб бўлмас. Маданий миллатларнинг ўсиш даражаларини билмак учун тарозуга солинганда, тарозунинг ўртасига ярқираб турадурғон санойи нафиса ва унинг бир қисми бўлган театр. Бир миллатга мукамал ул саҳна, театр олами йўқ бўлса, ул миллатни «ер юзига бўлма-сун!» деган бир фикр Оврўпага хийли кучлик».*

XIX аср охирида Боғчасаройдан эсан шабада туфайли воқеликка янги кўз билан қараган жадидлар театрнинг нафақат миллатнинг маданий даражасини кўрсатувчи, балки уни уйғотувчи, маърифатлаштирув-



чи, ҳуррият ва миллий тараққиёт сари етакловчи муҳим омил эканлигини ҳам тушундилар. Шунинг учун жаҳид матбуоти ва адабиёти билан қарийб бир вақтда жаҳид театрига ҳам пойдевор қўйдилар.

Ўзбек халқ театри узоқ тарихга эга бўлишига қарамай, ҳатто XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонга рус театрларининг гастролга кела бошлаши ҳам замонавий миллий театр санъатининг туғилишига таъсир кўрсата олмади. Ўзбек маданияти учун ҳар ҳолда янги бўлган бу санъатни яратиш масъулияти XX асрнинг 10-йилларида жаҳидлар зиммасига тушди.

Бу даврда Туркистонга татар театрларининг тез-тез гастролга келиши, Озарбайжонда таълим олган ёшларнинг озар театри янгиликларидан хабардор бўлиши, ўзбек-озарбайжон маданий алоқаларининг аср бошларидан изга тушиши-ю Алиасқар Асқаров, Аҳмад Хонтошлинский, Сидқий Руҳулло, Камол I сингари санъаткорларнинг миллий ҳаваскор театр тўдалари билан ҳамкорлик қилиши ўзбек профессионал театрининг туғилишига тамал тошини қўйди. Гарчанд ўзбек театри 1913 йилда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмаси билан ўз тарихини бошлаган бўлсада, турк ёзувчиси Шамсиддин Самибекнинг «Коваи оҳангар», озарбайжон драматурглари Ҳусайн Жовиднинг «Иблис», «Шайх Санъон», С. Музафайнининг «Хўр-хўр», М. Ўрдубодининг «Андалуснинг сўнгги кунлари» сингари пьесаларининг саҳналаштирилиши ўзбек театрининг шаклланишида муҳим омиллардан бирига айланди.

1923 йили ўзбек театри эндигина ўн йиллик тарихга эга бўлганида, Озарбайжон театри ўзининг 50 йиллигини нишонлади. Шу муносабат билан ёзган бир мақоласида Чўлпон: *«Русия турклари орасида энг эски саҳнага эга бўлгонлар Озарбайжон туркларидир»*, деган.

Рус, украин, белорус, болгар сингари миллатлар славянлар илдизига мансуб бўлганидек, ўзбек, озарбайжон, татар ва бошқа туркий халқлар ҳам бир илдизга бориб тақалади.

Ўзбек театрининг бугунги азамат дарахти ҳам ана шу илдиздан кўкарди.

Миллий театримиз тарихидан шу нарса маълумки, 1913 йили, қарийб бир вақтда, Самарқандда М. Беҳбудий, Тошкентда эса А. Авлоний бошчилигида ҳавас-

корлар тўда (труппа)си пайдо бўлган. Тошкентдаги тўда жадиждларнинг маданий маркази ҳисобланган «Турон» жамияти қошида тузилгани учун кейинчалик у «Турон» театр тўдаси номини олди. 1915 йили бу тўдага А. Хонтошлинский раҳбарлик қилди. 1916 йили унга келиб қўшилган Маннон Уйғур ўзбек миллий замонавий театрининг шаклланиши ва ривожланишида етакчи ролни ўйнади.

Шундай қилиб, бугунги ўзбек театри туркий маданият, аниқроқ айтганда, туркий театр санъати илдиларидан озик олган ҳолда майдонга келди. Чўлпон ана шу янги санъатнинг туғилиши ва камол топишида фаол иштирок этди.

Маълумки, «Падаркуш» спектаклининг турли театр тўдалари томонидан Самарқанд, Тошкент, Каттақўрғон, Наманган, Андижон шаҳарларида намойиш этилиши ўзбек халқи томонидан қизғин кутиб олинган. Чўлпон бу асарни «Ойна» журнали идорасининг тавсияси билан 1914 йили Қўқонга бориб кўрган ҳамда спектаклнинг ютуқ ва камчиликлари хусусида мазкур журналга ёзиб юборган.

«Падаркуш» андижонлик театр ҳаваскорлари ижросида ҳам саҳналаштирилди. Бу спектакль маҳаллий зиёлиларга шундай таъсир кўрсатдики, ҳатто улар янги санъатнинг ашаддий мухлисларига айланганлари учун «падаркушчилар» деб юритила бошланди. Чўлпоннинг ўзи ҳам шу гуруҳга мансуб ёшлардан эди.

*«Андижонлик айрим кексаларнинг эслашига қараганда, — деб ёзади театршунос Сирожиддин Аҳмедов, — «падаркушчилар» (ўша вақтда ёшларни «Падаркуш» спектаклига қатнашганлари учун шундай деб аташган) орасида андижонлик баззоз Сулаймонкул мулла Муҳаммад ўғли Расвонинг фарзанди Абдулҳамид ҳам иштирок этган. Бу — истеъдодли ёш қаламкашнинг театр санъати билан илк бор, аммо абадий дўстлашуви эди».*

Чўлпон Тошкентда, «Садои Туркистон» газетаси идорасида журналистлик ва ёзувчилик кўникмаларини ҳосил қилаётган бир пайтда «Турон» тўдасининг фаолияти билан ҳам қизиқиб, ўша йили (1914) «Бой» деб номланган илк саҳна асарини ёзди. Тахминимизга кўра, муаллиф бу асар қаҳрамонига прототип қилиб бизга таниш бўлган андижонлик Миркомилбойни олди. 1915 йили эса у Тошкентга кўчиб келиб, «Турон» театри

фаолиятида бевосита иштирок эта бошлади. 1917—1919 йилларда ёзилган «Гуноҳ», «Темирчи» сингари кичик сахна асарларидек, бу илк пьесанинг сахналаштирилгани тўғрисида ҳам ҳозирча бирор маълумот учрамади.

*«Мен 1912 йилда Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг маблағи ҳисобига ташкил этилган «усули жадида» мактабига ўқишга кирдим, — деб хотирлайди ўзбек театрининг атоқли арбоби Музаффар Муҳамедов. — Бу мактабнинг кўпгина муаллимлари театр санъати билан қизиққан. Мен мактабда таҳсил кўраётган пайтимда «Падаркуш» пьесаси кўйилган. Пьеса репетициялари баъзан мактабимизда, баъзан Абдураҳмон Акбаровнинг уйида яширин равишда ўтказилган.*

*1916—1917 йилларда Тошкентдаги театр ҳаёти жонланиб кетди. Эски шаҳарда «Турон» театри очилди».*

Чўлпоннинг кейинги ижодий тақдири ана шу театр билан боғлиқ. Чўлпоннинг бизга маълум бўлган дастлабки сахна асари «Темирчи» бўлиб, у «Иштирокиюн» газетасининг 1919 йил 9 декабрь сонида босилган.

«Меҳнаткаш инқилобининг икки сана даври» муносабати билан ёзилган бу кичик сахна асарида воқеа Темирчининг дўконида, «тақ-тақ» овозлари фонида кечади. Муаллиф Темирчи билан унинг ўғли образларини тасвирлаш орқали шу йиллардаги ҳаётнинг меҳнат кишилари учун қанчалик азобли ва машаққатли кечганини кўрсатади. Чўлпон бу асари билан инқилоблар халқнинг эмас, балки бир қисм кишиларнинг манфаатига хизмат қилади, деган фикрни илгари сургандек бўлади.

Ўзининг ҳам, ўғлининг ҳам қўли ишдан чиққан ота билан фарзанд ўртасида бундай суҳбат бўлиб ўтади:

## Т е м и р ч и

Мен бечора ўғлим билан то эртадан-кечгача  
Тинмай ишлаб, бир рўзгорни нари-бери эплардим.  
Бир-икки кун ишлай олмай қолсам, бутун рўзгорнинг  
Бир бурда нон топа олмай, оч қолишин...

## Ў г л и

...Билардим!

## Т е м и р ч и

Шунинг учун билакда куч бор вақтда ишладим,  
Ёзда ёниб ёз ўткардим, қишда ушуб қишладим.  
Энди букун ёрдам эткан бир ўғлимнинг қўлини  
Яра қилиб сўлдирдинг, сен, умидимнинг гулини...  
Ўз билагим кучлик бўлса, яна ишни қилардим,  
Рўзғоримни бир иш қилиб эплаб олиб юрардим.  
Ўзим соғ, деб, шукур қилиб, ўз қўлима зўр бердим,  
Ўз қўлимнинг зарбаси-ла бармоқларимни эздим...  
Энди менинг рўзғорим нима бўлуб қоладур?

## Ў ф л и

Кераксиз бу оилани... худо қайтиб оладур...

Чўлпон ана шу сўзлардан кейин «ййги» деган ре-  
марка билан асарни тутатади. Назаримда, Темирчи ва  
унинг ўғли эмас, балки Чўлпоннинг ўзи уларнинг фо-  
жиали қисматидан ўкириб йиғлагандек бўлади.

Ўзбек театрининг дастлабки текширувчиларидан  
бири Б. Пестовскийнинг бевосита Чўлпондан олган  
маълумотлари асосида «Искусство и жизнь» журналі-  
нинг 1922 йил 1-сонида эълон қилган мақоласида ай-  
тилишича, унинг «Ёрқиной» драмаси 1920 йил 24 но-  
ябрда Тошкентдаги «Халқ уйи»да намоиш этилган.  
Чўлпоннинг саҳна юзини кўрган бу илк асаридан ке-  
йин, 1921 йил январида, «Турон» театрида унинг «Ха-  
лил фаранг» пьесаси саҳна юзини кўрди. Унинг шу  
йилларда ёзган «Чўлпон севгиси» шеърый драмаси 1922  
йилга қадар саҳнага қўйилмади. (Ундан кейин қўйил-  
ган-қўйилмаганлиги тўғрисида ҳам бирор маълумот  
йўқ). Б. Пестовскийнинг «Ўзбек театри» мақоласи нашр  
этилган вақтда (1922) Чўлпон «Чўрининг кўзғолиши»  
(бу асар «Чўрининг исёни» деб ҳам юритилади) ва  
«Ўлдиргучи» пьесалари устида ишлаган. Шу муаллиф  
зикр этилган асарларнинг фақат иккитаси — «Ёрқи-  
ной» ва «Чўрининг кўзғолиши» пьесаларининг мазму-  
ни ҳақида қисқагина тасаввур берган. Агар у «Ёрқи-  
ной»нинг сюжети «ўзбек халқ ривояти»дан олингани-  
ни таъкидлаб, сўнг асар мазмунини мухтасар бир  
шаклда баён этган бўлса, сўнгги асар тўғрисида бун-  
дай маълумотни берган:

*«Чўлпон ҳозирги пайтда «Чўрининг кўзғолиши» ге-  
ган пьесасини ёзмоқда. Бу пьесада паранжини ташла-*

моқчи бўлган, аммо эри бунга йўл қўймаётган ўқимишли ўзбек аёлининг фожиавий ҳаётини тасвир этади. Бу аёл «Шарқ кечаси» спектакларининг бирида оврупача кийинган ва ниқоб тутган ҳолда пайдо бўлиб, ажойиб бир овоз билан қўшиқ айтади. Гулдурос оқшлардан сўнг у яна сахнага чиқиб, шу вақтга қадар эски диний урф-одатлардан қутула олмаётган ёшларни шафқатсиз равишда танқид қила бошлайди».

Кўрамизки, Чўлпон драматург сифатида меҳнаткаш халқнинг офир ва машаққатли қисматини кўриб, унга қайишмаган бойлар, янги тарихий ва маданий даврнинг келганини кўра туриб, ҳамон эскича яшаётган ёшлар қаршисида кўзгу тутиб, уларнинг янги давр билан ҳамоҳанг бўлмаган қиёфаларини кўрсатмоқчи, Ёрқинойга ва куни кеча чўри бўлган, аммо бутун хатсавод чиқариб, даврнинг илғор кишилари қаторидан ўрин олган аёлларга жамият эътиборини қаратмоқчи бўлган.

Чўлпон 1921—1923 йилларда «Турон» театрининг директори сифатида санъатдош дўсти Маннон Уйғур билан бирга ўзбек театр санъатининг тўғри йўлдан боришида катта ишларни амалга оширди.

Миллий театримизнинг бошқа бир арбоби Етим Бобожонов бундай хотирлайди:

*«1921 йил кўкламида мен ҳаётимда биринчи марта «Турон» кинотеатрида жойлашган Карл Маркс номидаги театрга бордим. Бу грама тўғасига Уйғур раҳбарлик қилган... Шу куни Чўлпоннинг «Халил фаранг» пьесаси қўйилган. Пьесанинг мазмунини ёдимда қолмаган. Аммо театр иши мени шунчалик ҳайратлантирган ва ўзига жалб этганки, ҳатто эртасигаёқ тўдига ишга олишларини сўраб борганман».*

«Халил фаранг»нинг 1921 йил 2—3 февралда намойиш этилиши ҳақидаги эълонда асар «4 пардалик синфий фожа», деб аталган. «Туркистон» газетасининг 1922 йил 1-сонидан ўрин олган «Ёшларнинг байналминал байрами» ҳақидаги мақолада эса шу куни 5-интернат ўқувчилари томонидан Чўлпоннинг «ёшлар ҳаётиндан олиб ёзилгон» 3 пардалик асари ўйналганлиги айтилган. Афсуски, биз бу асарнинг Чўлпон қаламига мансуб қайси асар эканлигини айта олмаимиз.

Сирожиддин Аҳмедов ихтиёридаги манбаларга кўра, Чўлпон драматургик ижодининг бу дастлабки босқичида яна «Рамазон кўринишлари», «Узун қулоқ бобо»,

«Ов» пьесаларини, ҳамкорликда эса «Октябргача ўн йил», «Икки дунё» каби асарларни ҳам яратган. Музаффар Муҳамедов бу рўйхатга яна «Синиқ ойна» деган пьесани қўшган ва бу асар асосидаги спектаклда Қудратулла Маъзумов Хўжайин, Қори Ёқубов эса Хизматчи ролларини ўйнагани ҳақида маълумот берган. Унинг хотирлашича, «Турон»нинг 1918—1920 йиллардаги репертурида Чўлпоннинг яна бир пьесаси бўлиб, унда на доимий жойи, на ойлиги бўлган ўзбек артистларининг маиший ҳаёти ҳажв остига олинган. Рус театри артистларининг бинолари ҳам, маошлари ҳам бўлганлиги учун бу пьеса, М. Муҳамедовнинг айтишича, уларга ёмон таъсир ўтказар экан.

«Турон» театри қондош драматургларнинг энг яхши асарларини саҳналаштириш билан бирга Оврупо драматурглари ижодига ҳам мурожаат этди. 1923 йил 4 февралда «бутун дунёга танилгон улуғ адиб» Шиллернинг «Қароқчилар» пьесаси илк бор ўзбек саҳнасида намоиш этилди. Чўлпоннинг асар номини ўзбек тилига «Босмачилар» деб таржима қилдики, бу бежиз бўлмаса керак.

Октябрь тўнтаришидан кейин Туркистон гоҳ ғалла ҳосили бўлмаслиги орқасида, гоҳ пул бўҳрони туфайли машаққатли йилларни бошидан кечирди. Замондошларнинг нақл қилишларича, шундай йилларда Уйғурнинг кўчага кийиб чиқиши учун ҳаттоки шими ҳам бўлмаган. У «Турон» театрига эски алвонлардан тикилган ва ювилса ҳам оҳакли ҳарфларнинг изи кетмаган шалварда келган. Эҳтимол, шу кезларда Чўлпон ҳам шундай ҳолни бошидан кечиргандир. Лекин биз унинг шу вақтга оид мақола ва очерклари билан танишганимизда, унинг фақат халқ маорифи, халқ театри, халқ адабиёти деб яшагани кундек равшан бўлади.

*«Инқилобий даврнинг иқтисодий танг аҳволи, ҳукумат бошига келган неомустамлакачилар миллий театрининг иқтисодий ва ихтисосий томонларини мустаҳкамлаш ўрнига уларни фронтларга юбориб, ўз маслакларининг тарғиботчиси, карнайига айлантирдилар. Ижодий жиҳатдан ташвиқотчилик гаражасида бўлган «Турон», яъни Карл Маркс номидаги труппанинг фаолияти бош режиссёр Маннон Уйғур, айниқса, труппа директори ва адабий эмакдоши Чўлпонни мутлақо қониқтирмас эди. Мазкур аҳвол билан сира келиша*

олмаган Уйғур ва Чўлпон труппа фаолиятини яхшилашни Тошкент Эски шаҳар Ижроия Қўмитаси ва Жумҳурият Халқ маорифи комиссарлиги қошидаги «Билим коллегияси» олдига махсус вазифа қилиб қўйдилар», — деб ёзади Сирожиддин Аҳмедов.

1923 йил 2 январда «Туркистон» газетасида Чўлпоннинг «Қаландар» имзоси билан босилган бир мақолада айтилишича, мамлакатда кечаётган пул бухрони туфайли маориф ва маданият ишлари ҳукумат таъминотидан чиқа бошлаган. Шундай мушкул бир пайтда Эски шаҳар Ижроқўми маориф ва маданият ўчоқларига фақат моддий ёрдам кўрсатибгина қолмай, ажойиб кечалар ташкил этиш йўли билан маънавий кўмак ҳам кўрсатган. Чўлпон Эски шаҳар ижроқўмида «Турон» фаолиятини яхшилашда ёрдам беришни сўрагани учунгина эмас, балки ижроқўмнинг шундай хайрли ишларини газета орқали тарғиб қилгани, бошқаларга намуна қилиб кўрсатгани учун мазкур раҳбарият «Турон» театрининг қадди-қоматини кўтаришга яқиндан ёрдам берган.

*«Туркистон жумҳуриятининг маркази бўлгон Тошкентда, — деб ёзади Чўлпон мазкур мақоласида, — шу чоққача биргина ўзбек театр тўдаси бўлуб, унинг ҳам бино, декоратсия, жиҳоз ва бошқа кўп жиҳатлардан қандай ёмон ҳолда бўлгонлиғи газетамизда неча марталар ёзилгон эди. Охирда бу ишга ҳам Эски шаҳар ижроқўми жигдий аҳамият берди ва ўзининг яқинда бўлгон раёсат мажлисида Ҳамид Сулаймон ўртоқнинг шу тўғридағи маърузасини тинглағондан сўнг қўйидағи қарорни чиқарди:*

1) Эски шаҳар давлат труппасини бир мунча вақтгача, қандай йўл билан бўлса-да, ижроқўм ҳисобидан таъмин қилиб туришга;

2) труппанинг ўйунларидан тушкан тушумни шу муддат ичига фақат ўзининг сахна кам-кўстлари учун сарф қилдиришга;

3) ҳозирги декоратсия, жиҳоз ва бошқа нарсалар учун шошилиш ўлароқ 6 юз минг сўм (олти миллиард) пул беришга, Маъориф шўъбасига қўлидағи театрга кераклик муйомларни бепул театр учун берсин, деб буйруқ қилишга;

4) театрининг бурунғи ва сўнғи бутун амволини сақлаш, мадоҳларни яхшилаб тежаш ва ҳам труппани «ўзини таъмин» қилиш (самооправдание)га қарата олиб

*бормоқ учун Муҳитдин Усмоний билан Ҳамид Сулаймон ўртоқларни масъул қилиб белгилашга.*

*Бу қарор, бошқа кўб қарорлар каби, қоғоз устида қолмасдан, қатъий бир йўл билан юзага чиқиб келмакдадир. Ижроқўм вакилларининг ташаббуси билан ҳозир қишлоқ «Турон» тартибга қўйилмоқда, унинг саҳнаси учун бир қанча яхши декоратсиялар ишлатилмакда ва жиҳозларни тўлдириш учун ҳаракат қилинмоқдадир. Ижроқўм вакиллари совуб кетмасдан, шу йўлда ишлай берсалар, ниҳоят, Эски Тошкент халқи марказ бўлгудек нафис бир театр-томошага эга бўла олгусидир».*

Чўлпон Бухорога ишга кетгунига қадар «Турон» театри («Карл Маркс» тўдаси) ва унинг базасида тузилган Ўзбек Давлат ўлка намуна драма труппасига мудирлик қилди. У шу лавозимда иқтисодий офир йилларда театрни вайронага айланиш ва тарқаб кетишдан сақлаб қолди. Ёш драматург ва таржимон сифатида миллий театр санъатининг шаклланишида унинг халқ маданий даражасини ошириш, ошини ошаб, ёшини яшаган расм-русумлардан қутулиши ва янги тарихий давр талаблари даражасига кўтарилишида таҳсинга сазовор ишларни амалга оширди.

Қисман Чўлпон туфайли ўзбек миллий театр санъатининг яшил барглари XX асрнинг ҳаётбахш шабадаларини эмиб, шовуллаб бошлади.

## **Ўзбек драмстудияси**

Замонавий ўзбек театр санъатига пойдевор қўйган, актёр ва режиссёр сифатида томошабинлар ва театр танқидчиларининг ҳурматини қозонган Маннон Уйғур 1923 йилга келиб, ўзида театр маданияти бўйича малакали билим олишга эҳтиёж сезди. Гурлаб оқаётган давр ундан шунини тақозо этди. Уйғур ўша йилнинг кузида Москвага бориб, Давлат марказий театр санъати техникумининг режиссёрлик бўлимига ўқишга кирди. У биринчи ўқув йилини тугатиб, муайян театр бўлимига эга бўлгач, ўзбек театрини янги босқичга кўтариш учун биргина ўзининг кучи етмаслигини сезди. Ёлғиз қалдирғочнинг парвоз этиши билан театр баҳорининг келиши маҳол эди. Уйғур нафақат ўзининг, балки Ўлка ўзбек намуна труппаси артистларининг ҳам



шундай ўқув юртларида ўқиши зарурлигини тушунди. У ёзги таътил кезларидан фойдаланиб, Тошкентга келганида, юрагига туккан ана шу армонни дўст-ёрларига очди. Унинг дўстлари эса ўша труппанинг иштирокчилари эди. Улар Уйғур билан бирга жумхурият давлат ва партия идораларига мурожаат этиб, ўзбек ёшларининг Москвада театр санъати «сир»ларини эгаллашлари учун ёрдам беришни сўрашди.

Омадни қарангки, Файзулла Хўжаев 1922 йил ноябрида Москвада бўлган вақтида Бухоро Халқ Жумхуриятининг болалари учун Маориф уйини очиш масаласини Шўро ҳукумати олдига қўйган ва бу масала бўйича 1923 йил 23 мартда махсус қарор қабул қилинган эди. Хуллас, Файзулла Хўжаевнинг ташаббуси билан Москванинг Спиридоновка кўчасидаги 17-ҳашаматли бир бино БХЖга ҳадя этилган ва шу бинода Бухоро Маориф уйи барпо этилган эди.

200 нафар бухоролик талабанинг яшаши ва машғулотлар ўтказишига мўлжалланган бу бино 1923 йилнинг 1 майида расмий равишда очилди. Чўлпоннинг дўсти Абдулхай Тожиев мудирлик қилган Маориф уйида яхшигина жиҳозланган томоша зали бўлиб, ўша пайтда Москвада ўқиган М. Уйғур бухоролик талабалар ижросида шу саҳнада «Туркистон табиби»ни қўйган ва Москвада ўзбек драмстудияси очилган тақдирда студиячиларнинг шу бинода яшашлари ва машғулот ўтказишлари мумкинлигини кўнглига тугиб қўйган эди. Дарвоқе, у Маориф уйидаги драма тўғарагига, Боту эса адабиёт тўғарагига раҳбарлик қилишган.

Хуллас, 1924 йил кузида Ўзбек драмстудияси шу ерда ўз ишини бошлади.

Миллий драма студиясининг ташкил этилиши Москванинг маданий ҳаёти учун янгилик бўлмаган. 1919 йили, Арманистонда дашноқлар партияси ҳукмронлик қила бошлаган йилларда, тараққийпарвар арман жамиятлари ёш истеъдод соҳибларини Москвада ўқишга юборган ва улар, орадан бир неча йил ўтгач, арман миллий театрининг ўзагини ташкил этишган. 1919—1920 йилларда эса Москвада грузин, белорус, яҳудий ва латиш драма студиялари ҳам фаолият олиб борган. Ўзбек драма студиясининг барпо этилишида ана шу анъана ўз самарасини берди.

Студиянинг очилиш масаласи равшанлашиши би-

лан Уйғур дўсти, шоир ва драматург Чўлпонни адабий эмакдош ва драматург сифатида таклиф этди. Файзулла Хўжаевнинг кўрсатмаси билан Бухородан бир қатор истеъдодли ёшлар студия ихтиёрига юборилди. Айни пайтда Уйғур ўзи билан «Турон» — «Карл Маркс» тўдаларида бирга хизмат қилган ва маълум тажриба орттирган ҳамкасб дўстларини Москвага бориб ўқишга ундади. Шу тарзда ўзбек намуна труппаси, Бухородаги театр тўдаси ва ҳаваскорлик тўғарақларидан 24 нафар истеъдодли йигит ва қизлар ўша йилнинг кузида Москвага йўл олдилар.

Дарвоқе, драмстудиянинг ташкил этилиши ҳақида илмий адабиётдаги маълумотлардан хийла фарқ қилувчи айрим хотиралар ҳам борки, Чўлпон мисолида ўзбек театр санъати босиб ўтган йўлни ҳикоя қилувчи ушбу фаслда бу хотиралардан ҳам фойдаланишни ўринли деб биламиз.

Ўзбек театри тарихи билан шуғулланган санъатшунос А. Э. Сандель (Амалияхоним) бундай ҳикоя қилади:

*«1924 йили Фитрат Ўзбекистонга қайтиб келмаслик шарти билан Москвага сургун қилинган. Ўз ғояларини тарғиб этувчи саҳнадан маҳрум бўлган Фитрат издошларига Москвадаги ўзбек ишчилар факультети қошида ўзбек студиясини очиш ҳақидаги масалани кўтаришни маслаҳат берган. Фитратнинг шогирди Уйғур бу масалада фаол иштирок этган.*

*Фитратнинг Москвага сургун қилиниши билан бир вақтда Уйғур ҳам бир ўзи ГИТИС<sup>1</sup>га ўқишга келади. У ГИТИСда бир йил ўқиганидан сўнг Ўзбекистонга қайтиб, Москвада, ишчилар факультети қошида студия очиш масаласини кўтарган. «Карл Маркс» тўдасининг собиқ актёрлари орасидан талабалар таркибини танлаган. Фитрат билан кетма-кет Чўлпон ҳам Москвага сургун қилинган эди. Чўлпоннинг тарафдорлари уни студияга таржимон сифатида тиқишга эришадилар. Чўлпон ҳам шу пайтда ўз ғоялари ва пьесаларини олға суриш учун база яратишни ўйлаб юрган эди. Аммо, бир томондан, Чўлпон ва унинг тарафдорлари билан, иккинчи томондан, Фитрат ва Уйғур ўртасида низо келиб чиқади. Москва студиясидек кичик бир майдон уларга торлик қилади. Сув ости кураши борган сайин*

<sup>1</sup> Давлат театр санъати институти.

авж олиб, студиянинг биринчи йилдаги ишлари юришмай қолади. Аммо булар ҳаммаси Москвада содир бўлаётгани учун гап нимада эканлиги бир зумда маълум бўлади-қолади. Натижада дастлаб Фитрат, кейин Уйғур ва ҳаммадан кейин Чўлпон Ўзбекистонга қайтиб келишади. Бу воқеаларнинг ҳаммаси 1926 йилнинг бошларида рўй беради. Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлигида ўтириб олган миллатчилар Фитрат билан Чўлпонни ва уларнинг тарафдорларини чақириб олишга эришадилар. Шундай қилиб, уларнинг барчаси Самарқандга тўпланиб олади».

А. Э. Саңделнинг бу сўзлари 1937 йил воқеалари таъсирида айтилган эса-да, унинг Чўлпон билан Фитратга нисбатан яхши муносабатда бўлмагани тўлин ойдек ёрқин кўриниб турибди. Аммо шу билан бирга студия фаолиятидан яхши хабардор бўлган бу кимсанинг хотиралари айрим ишонарли тафсилотлардан ҳам ҳоли эмас.

Умуман, қайд этиш лозимки, Чўлпон номи қатағон этилган даврда ёзиб олинган ва эълон қилинган барча хотираларда собиқ студиячилар ё Чўлпон номини умуман тилга олмаганлар, ёхуд унинг устига маъзава ағдаридан сира таъб тортмаганлар.

Музаффар Муҳамедов тилидан ёзиб олинган қуйидаги хотира ҳам студиянинг очилиши ва фаолияти тўғрисида янги маълумотларга эга.

«1924 йил август ойининг сўнгги кунларида дастлаб Уйғур, кейин Абдор Ҳидоятлов ва Фатхулла Умаров, улар билан изма-из эса мен билан Етим Бобожонов Москвага ўқишга бордик. Биз студияга яна одамларни ёллаймиз, деган ниятда кечикиб борганмиз. Дастлаб бизларнинг ҳаммамизни Бухоро Маориф институтига ўқишга юборишди ва у ерда бизни талабалар сифатида қабул қилиб, ўша ерда студияни очиш масаласини кўтаришимиз лозимлигини айтишди. Биз Бухоро Маориф институтининг ходими Соловьев орқали Маориф институти қошида драмстудия очишга рухсат бергунларига қадар РСФСР Маориф халқ комиссарлигининг жонини халқумига келтирдик... Аммо қўшимча талабалар қабул қилинган тақдирдагина студияни очишга рухсат беришлари маълум бўлгач, биз Фатхулла Умаровни Тошкентга юбордик...»

Музаффар Муҳамедов Бухоро, Тошкент ва Фарғо-

надан катта қийинчилик билан олиб келинган талабаларни номма-ном санагандан сўнг, хотирасини давом эттириб, дейди:

*«Студиядаги машғулотлар расман 1924 йил ноябрида бошланди. Биз биринчи йили фақат битта спектаклни — Мольернинг «Хасис»ини кўйдик... Чўлпон студиянинг эркин тингловчиси ва айна пайтда лекцияларнинг таржимони эди».*

Студиядош биродарларининг хотираларини «Ҳамза» театрининг таниқли артисти Лутфулла Назруллаев қуйидаги сўзлари билан тўлдиради:

*«Биз студияда таълим олган пайтимизда шоир Чўлпон ҳамма вақт доимий таржимон бўлиб ишлаган. У айна пайтда биз саҳналаштирган спектаклар учун пьесалар ёзган ва таржима қилган. Биз шу йилларда ундаги миллатчилик кайфиятини мутлақо сезган эмасмиз ва у бундай кайфиятини ҳеч бир нарсага намойиш қилмаган. У биз билан муаллимларимиз ўртасидаги воситачилик вазифасини ҳалол бажарган».*

Модомики, Чўлпон студияда нафақат адабий эмакдош ва таржимон сифатида ишлаган, балки айна пайтда студиянинг эркин тингловчиси ҳам бўлган, ўз ижоди ва драматургиядаги маҳоратини ошириш учун рағбат олган экан, демак, студиянинг илмий-ўқув йўналиши билан ҳам танишишимиз жойиз.

Студия қатнашчиларидан бири, ўзбек театрининг буюк артисти даражасига кўтарилган Аброр Ҳидоятлов бу ҳақда қуйидагиларни ҳикоя қилади:

*«Студия тингловчилари бутун Ўзбекистондан танлаб олинган санъатга ихлосманд ёшлардан иборат эди. Бухородан Л. Назруллаев, Ҳ. Латипов, Ш. Қажумов, Фарғонадан Ҳожи Сиддиқ Исломов, Тошкентдан Уйғур иккимиздан ташқари, М. Муҳамедов, Е. Бобожонов бор эди. Студияда бизга Вахтангов номли театрнинг машҳур актёр ва режиссёрлари санъат алифбосини ўргатдилар, актёрлик касбининг сирларидан дарс бердилар. Ҳақда биз Москванинг йирик театрларга бориб, машҳур актёрларнинг ўйинларини завқ билан кўзатардик. Чунки, биз ўзимизни артист ҳисобласак ҳам ҳақиқий театрчи, кишини чинакам тўлқинлантирувчи актёрларнинг ўйинини ҳали кўрмаган эдик. Ўқувнинг дастлабки икки йилида биз асосан этюдлар устида ишладик. Иккинчи йили эса («Терговчи», «Маликаи Ту-*

рангот» каби пьесаларни тайёрлагик. Мен бу постановкаларга Ҳоким («Терговчи»), шаҳзода Қалаф («Маликаи Турангот») образларини яратдим».

Шу нарса ажойибки, нафақат 24 нафар ёш артист (улар орасида М. Уйғур ҳам бор!), балки Чўлпон ҳам, ўз хоҳиши билан, москвалик театр арбоблари қўлида таҳсил кўрди. У. Р. Симонов, Б. Толчанов, В. Канцель, Л. Свердлин сингари рус театри усталарининг лекция ва машғулотларида нафақат таржимон, балки талаба сифатида ҳам қатнашишни ўзига ор, деб билмади. У студия қатнашчиларига берилган имтиёздан фойдаланиб, Москва Бадий академик театрнинг, шунингдек, бошқа театрларнинг энг яхши спектакллари синчков назаридан ўтказди.

Чўлпон 1919 йили Маннон Уйғур ва Ҳамза билан бирга Шайхонтахур мадрасасининг бир хужрасида яшаб, «Карл Маркс» тўдаси учун қўқонлик шоирнинг «Ифбат қурбони» пьесасининг қайта ишланишида ўз маслаҳатлари билан қатнашган эди. У драмстудияда ҳар бир пьесанинг, ундаги ҳар бир саҳна, ҳар бир образнинг бадий таҳлили ўз ишининг пирлари томонидан қандай ўтказилишини кўриб, ўзбек ҳаваскорлик театрини замонавий малакали театр даражасига олиб чиқиш учун ҳар томонлама бадий билимга эга бўлиш, театрдек мураккаб санъатни юзага келтирган барча омиларни, манбаларни пухта ўрганиш лозимлигини тушунди.

1924—1925 ўқув йилида, Чўлпоннинг айтишича, студияда «ингичка санъатга оид бир мунча дарслардан бошқа рус тили, она тили ва баъзи бир умумий фанлар» ўтилди. Саҳна маҳорати фанининг «мударрислар»и улуғ француз комедиянависи Мольернинг «Хассис» пьесасини тайёрлашди. Ўзбек театр санъатининг дарғаларидан Сора Эшонтўраева ва Замира Ҳидоятваларнинг гувоҳлик беришларича, Чўлпон рус ва Фарб театри тарихи бўйича ўқилган лекцияларни маҳорат билан таржима қилди; айти пайтда унинг ўзи ҳам машҳур драматургларнинг ҳаёти ва ижодига доир лекциялар ўқиди; шу билан бирга у студия қатнашчиларига ўзбек тилининг талаффуз нормаларини, нутқ санъати сирларини ўргатиб, уларда адабий тил туйғусини тарбиялади.

1925—1926 йилларда Коммунистик академияда ўқиган Боис Қориев (Олтой) Чўлпон билан 1926 йилда

бўлиб ўтган суҳбатини эслаб, бундай деган: «Чўлпон билан мулоқотдан шу нарса маълум бўлдики, у студия мударрисларининг лекцияларини таржима қилишда улар келтирган мисолларни ўзбек ҳаётидан олинган факт ва воқеалар билан алмаштириб, мавзунинг осон тушунилишига эришган»...

Хуллас, Чўлпоннинг бутун кундузги вақти рус тилини ҳатто чала-чулпа ҳам билмаган студиячиларга дарсларни «чайнаб бериш», кечки соатлари эса Бадиий театр спектакларини кўриш, ўрганиш ва ўз таасуротларини ўртоқлашиш билан ўтди.

\* \* \*

Чўлпон номини тилга олишга ижозат берилган замонларда Ҳалима Носирова, Сора Эшонтўраева сингари санъат арбоблари билан қилган суҳбатларида муҳбирлар улуғ шоир ҳақидаги хотираларни олиб қолишга алоҳида эътибор бердилар. Шундай хайрли ният билан қилинган суҳбатларнинг бирида драмстудия қатнашчиси Сора Эшонтўраевага «Ёш ленинчи» газетасининг муҳбири бундай саволлар билан мурожаат этган:

«— Сора она, Сиз 1925—1926 йилларда Москвада ўқигансиз. Янглишмасам, ўша кезларда севимли шоиримиз Абдулҳамид Чўлпон ҳам Москвада эди-я! У киши ҳақидаги хотираларингизни гапириб беролмайсизми?»

— Ҳа, биз у киши билан 1925 йилдан бошлаб то ўша машъум қатағон кунлари келгунча бирга бўлдик, аввал Москвада, сўнгра Самарқандда, кейин Тошкентда бирга ишладик. Биз Москвада Сталин номидаги ўзбек драмстудиясида ўқирдик. Чўлпон ака эса мана шу театрда адабий эмакдош бўлиб ишлардилар. Биз у кишидан жуда кўп нарсаларни ўрганганмиз, айниқса, классик адабий тилимиз, Фузулий, Бедил, Бобур ижодлари ҳақида бизга куйиниб гапириб берардилар. Афсуски, биз ўша пайтларда жуда ёш эдик, 13—14 ёшли қизчалар эдик-да, барибир кўп нарсаларга ақлимиз етмасди, тушунмасдик. Кўпинча Турсуной Саидазимова иккаламиз уларнинг уйларига бориб, Андижондан келган писта, майиз, бодомларни еб, меҳмон бўлиб қайтардик. Буни қарангки, у киши бизга янги ёзган шеърларини жон куйдириб, ўқиб берсалар ҳам биз яхшилаб тингламаган эканмиз, бола эканмиз-га!

— Абдулхамид ака, дермидинглар ё Чўлпон ака, деб чақирармидинглар?

— Чўлпон ака, дердиқ! Биз унинг ҳақиқий исми Абдулхамид бўлганини жуда кейин, қамалиб кетганларидан сўнг билганмиз. Бир биз эмас, ҳамма шундай дерди. Шеърлари мағзини ҳам жуда кеч чаққанмиз. Чўлпон ака ниҳоятда меҳрибон, кўнгли бўш одам эдилар. Баъзи пайтларда Турсуной қувлик қилиб, жаҳлини чиқармоқчи бўлганда ҳам, у киши беозоргина жилмайиб, «Майли, қизим, майли», деб қўя қолардилар. Ундан кейин бирор нохушлик рўй берса ёки бирор фожиалироқ спектакларни томоша қилаётганларида ҳам кўзларига ёш келаварарди. Биз эса устозимизнинг ҳаяжонланиб, берилиб томоша қилаётганидан завқланиб, ролларимизни яна ҳам яхшироқ ўйнашга ҳаракат қилардик.

Ундан кейин Чўлпон ака рус тилида жуда чиройли гапирарди. Таржимонлик соҳасида унга тенг келадиган одамни мен шу кунга қадар ҳам учратмадим...»

Сора Эшонтўраева, эҳтимол, бу сўзларни айтаётганида, кўз ўнгида олис ёшлик йиллари жонлангандир. У, эҳтимол, 1922—1923 йилларда Зебунисо номидаги мактаб-интернат қошидаги Али Ардобус раҳбарлик қилган драма тўтарагида Турсуной Саидазимова билан қатнашгани, Фулом Зафарийнинг «Ятима қиз» асарида бош ролни ижро этгани, сўнг Маннон Уйғурнинг таклифи билан «Карл Маркс» тўдасида тайёрланган спектакларнинг оммавий саҳналарида қатнашгани, 1924 йилнинг кузида эса Али Ардобусдан Москвага ўқишга кетаётганини эшитиб, тараддудга тушиб қолганини, ниҳоят, Боту етагида шу студияга кириб борган биринчи кунини эслагандир.

Дарвоқе, студия ўз ишини бошлаганда, Сора Эшонтўраева билан Турсуной Саидазимова ҳали Тошкентда, Али Ардобуснинг тўтарагида эдилар. Студиячилар ичида қизлар ғоят оз бўлгани учун кейинчалик улар сафини тўлдириш зарурати туғилди. М. Уйғур дўсти ва яқин қариндоши Али Ардобуснинг тўтарагини яхши билганлиги учун Сора билан Турсунойни ҳам Москвага ўқишга олиб келишни таклиф этди. Ниҳоят, 1925 йилнинг январида ўзбек театрининг бўлажак бу икки юлдузи Спиридонов кўчасидаги 17-уйга кириб бордилар.

Чўлпон уларни ўз қизларидек қарши олиб, меҳр чечаклари билан қуршади.

Студияда ўқув машғулоти кундан-кунга қизиқ борди. Рус театрининг атоқли арбоблари Чўлпон кўмагида ёшларимизни театр санъатининг асослари билан таништириб, уларнинг бадиий саводини чиқардилар. Улар Карло Гоццининг «Маликаи Турондот», Н. В. Гоголнинг «Терговчи», Билль-Белоцерковскийнинг «Лаббай» («Акс-садо») Мольернинг «Хасис» пьесаларини, Чўлпон ва Л. Свердлиннинг пантомимасини тайёрлаш жараёнида маҳорат сирлари билан ошно бўдилар. 1925 йилнинг ёзида студия қатнашчилари ёзги таътилни ўтказиш учун Тошкентга келганларида, ўзларини санъат чашмасидан баҳраманд бўлган мутлақо бошқа кишилар, деб сезар эдилар.

К. Яшин «Ёднома»сида худди шу даврга алоқадор бир саҳифа бор. Бу саҳифада гарчанд ушбу китоб қаҳрамонининг номи тилга олинмаса-да, унинг меҳнати сарф бўлган, унинг орзу-умидларини ўз қанотига боғлаган драмстудия ҳақида, эҳтимол, кимлар учундир азиз бир хотира бор:

*«Ўша пайтларда, — деб эслайди драматург, — Тошкентдаги К. Маркс номидаги драматик труппанинг бир гуруҳ ёшлари Москвадаги устозлар қўлида таълим олишаётганини газетадан ўқиб қолдим-да, ўзим ҳам Москва ёки Ленинграддаги бирорта олий ўқув юртида ўқишни орзу қила бошладим...»*

*...Андижон уезд-шаҳар комсомол комитетининг секретари бўлган Иброҳим Эшонхўжаев анча обрў қозonganидан олдин область, сўнгра республика комсомоли раҳбарлигига кўтарилганди. Август ойида Қўқонга борсам, ишим ижобий ҳал бўлганини, йўланмани эса Самарқандга бориб, республика комсомоли Марказий Комитетидан олишим зарурлигини айтишди.*

*... Ишим ҳам Самарқандда тезгина бита қолди. Тегишли ҳужжатларни олиб, сафар анжомларим билан Тошкентга келдим...*

*...Тошкент вокзалида олис йўлга чиқиш олдидан тамагди қилгани вокзал буфетига кирдим. Бу ерда мендан беш-ўн ёш катта бўлишган бир тўп йигитлар чақчақлашиб ўтиришарди. Уларни танимадим, бироқ биттаси кўзимга иссиқроқ кўринарди. У — суратини газеталарда кўриб юрган ва Андижонга труппа билан келганида олисдан томоша қилганим Маннон Уйғур эди. Маннон Уйғур бошчилигидаги ёшлар Москва-*



да, грама студиясига ўқишар, таътил кунларини Тошкентда ўтқазиб, яна пойтахтга қайтишаётган экан.

Улар мени билишмас, танишмасди ҳам. Шунга қарамай, уларнинг суҳбатларини мароқ билан тинглаб, маза қилдим. Ҳадемай, поезд жўнашига ҳам кўнғироқ чалинди.

Йигитлар юklarини олиб, вагонларига чиқишди. Уларнинг поезди тезюрар бўлиб, Москвага беш кунда борарди. Мен бўлсам, почта поездига билет олгандим...

...Ёш санъаткорлар поездга чиқиб кетишди. Буфетда ўзим, афсусланганимча, шўппайиб қолавердим».

Яшин гарчанд шу вақтда Ленинградга, ўрмон хўжалиги институтига ўқиш учун кетаётган бўлса-да, унинг бутун вужуди адабиётда, театрда эди. Шунинг учун ҳам у драмстудия билан алоқада бўлишга, улар билан суҳбатдан баҳра олиш, машғулотларидан хабар топишга интилди.

Адиб ҳафталик мухбири билан қилган суҳбатида, худди юқорида келтирилган хотирани давом эттирган-дек, бундай деган:

«Москвага имкон топганимга зарурат юзасидан келардим. Шунда, албатта, ўзбек грама студиясига таржимон ва адабий эмакдош бўлиб ишлаётган Чўлпон ака билан учрашар эдим. Чунки, аввало, Чўлпон ака ҳамшаҳарим — андижонлик эди. У кишининг қариндош-урувлари Андижонда туришар, ўзи ҳам шеъриятдаги машқларимдан хабардор эди. Чўлпон ака ҳам, қариндошлари ҳам Москвада бўлганимга, ҳузурига кириб ўтишимни тайинлашганди. Студиячилар Москванинг Спиридонов кўчасидаги Бухоро Маориф уйига туришарди. Чўлпон аканинг хонаси ҳам ўша ерда эди. 1925 йили таътилдан қайтишда Москвага тушиб, Маориф уйига бордим. Чўлпон аканинг хонасига яқинлашар эканман, ичқаридан эшитилаётган кўшиқдан ногаҳон тўхтаб қолдим...»

Тезюрар поезддаги драмстудия қатнашчиларига хаёлан ҳавас билан қараган Комил Яшин вокзалга кечикиб чиққан, шунинг учун ҳам почта поездида кетишга мажбур бўлган Ҳожи Сиддиқ Исломов билан Москвага етиб олиб, Чўлпон билан дийдор кўришиш учун Бухоро Маориф уйига йўл олган эди.

«Чўлпон ака, — давом этади К. Яшин, — ўшанда менга ўзбек давлат грама студияси аъзоларининг ре-

*петицияларини томоша қилиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат тўғрилаган эди. Мен студиячиларнинг репетицияларини бир чеккада жим ўтириб кузатардим. Театр санъати сирларини, драматургия сирларини шу тарзда ҳам ўрганганман. Бунга Чўлпон ака сабабчи бўлган».*

\* \* \*

Шундай қилиб, драмстудияда иккинчи, 1925/1926 ўқув йили ҳам бошланди. Бу ўқув йилида умумий фанлар билан бирга она тили дарслари дастурдан, Чўлпон ибораси билан айтганда, «муаллимсизликдан чиқарилди». Айниқса, олдинги ўқув йилида қадимги замон театр тарихини ўқитган муаллим ва мунаққид В. Филиппов бу йил студия талабаларини Москва театрларининг тарихи билан таништиришга катта эътибор берди. Саҳна маҳорати фанининг муаллимлари «Хасис» спектаклига сайқал бериш билан бирга «Терговчи», «Лаббай» спектакларини тайёрлашга ҳам катта куч сарф этдилар.

Она тили дарси «муаллимсизликдан чиқарилгани»га қарамай, Чўлпоннинг иши камаймади. Аксинча, у «Терговчи» ва «Лаббай»ни таржима қилибгина қолмай, 1920 йилда илк бор саҳнага қўйилган «Ёрқиной»ни қайта ишлаб берди. Лев Свердлин миллий ҳаёт манзараларини тасвирловчи пантомимани саҳналаштириш истагини билдириб, «Қоровул уйқуси» спектакли устида ишлай бошлаганда у режиссёрга драматург сифатида ёрдамга келди.

«Ёрқиной» биринчи марта Маннон Уйғур томонидан 1920 йили саҳналаштирилиб, Тошкентнинг Эски шаҳарида намоиш этилган. Худди шу спектакль айрим жузъий ўзгаришлар билан 1921 йилнинг 10 сентябрида Ўлка ўзбек намуна труппаси томонидан қайта саҳнага чиқарилган. Маннон Уйғур Бухоро театрини жонлантириш учун Бухоро Халқ Шўро Жумҳурияти томонидан чақириб олинганда, «Ёрқиной»ни учинчи маротаба 1922 йили Бухоро томошабинлари эътиборига ҳавола этган. Ниҳоят, «Ёрқиной» пьесаси асосидаги янги спектакль 1925/1926 ўқув йилида Лев Свердлиннинг бадий раҳбарлигида Москвадаги драмстудия қатнашчилари ижросида саҳнага қўйилди.

Рус театри ва кино санъатининг машҳур сиймоларидан бири Лев Наумович Свердлин 1901 йили Астраҳанда туғилган бўлса-да, 20-йиллар арафасида Тош-

кентда яшаган. Ўта қувноқ, ички руҳий қувват ва ғайрат-шижоат билан тўла бу йигит ижодий ҳаётининг кўклам фаслида бўлишига қарамай, нафақат студиялар, балки москвалик театр арбобларининг эътиборини ҳам тез қозонган. Чўлпон ва Свердловин, табиатларига кўра, бошқа-бошқа кишилар эди. Лекин, қизиги шундаки, улар шу ҳол туфайли жуда қалин дўст бўлиб қолдилар...

Л. Свердловин Туркистон Сиёсий Бошқармаси қошидаги Театр-студияда дастлабки бадиий сабоқларини олгач, бир неча тенгдоши билан бахт ва омад излаб, 1921 йилнинг ёзида Москвага, Мейерхольд театрига борган.

*«Москвада очилган Ўзбек студиясидан, — деб ёзади у хотираларида, — биомеханика бўйича муаллим сўраб Мейерхольдга хат келди. Всеволод Эмильевич, билмайман, нимадир сабаб билан мени юборди. Эҳтимол, мени унинг ёрдамчиси сифатида, биомеханикани яхшимиёмонми билган талаба сифатида бошқаларга қараганда бу фанни гурустроқ тушунгандирман. Аммо у аввал сўраб кўрди:*

*— Биомеханикадан дарс беришни хоҳлайсанми?*

*— Ҳа, — дедим. — Жуда соз. Мени танлаганингиздан бошим кўкка етди. Қолаверса, бу студияда ишлаш менга жуда ёқади.*

*Ўзбек студиясида ҳақдан зиёд ёш талабалар таҳсил кўрар эдилар, ҳозир улар орасидан Сора Эшонтураева, Аброр Ҳидоятлов, Нарзуллаев, Бобожонов сингари улкан усталар етишиб чиқди... И. Толчанов, В. Канцель, Б. Захава ва бошқа қатор домлалар дарс берган студия Ҳамза номидиги театрга пойдевор бўлиб хизмат этди. Мен улар билан бир йил мобайнида биомеханика бўйича машғулотларни олиб бордим. Бу машғулотлар «Пионерларнинг қоровулликдаги уйқуси» деган пантомима билан яқунланди. Ўқув йилининг охири бўлгани учун биз уни пантомима билан тугатдик. Бу, биомеханикадан пантомимага ўтишнинг ўзига хос босқичи бўлиб, унда мазмун ва сюжетлилик билан тўйинган унсурлар бор эди. Биомеханика эса сюжетсиз машқлар йиғиндисиدير...*

*Пантомима Рахманинов, Шопен, Скрыбин музыкаси фонига ижро этилган.*

*Бу артистга ўз баданини игора қилиш, баданни фазода бошқариш, шерик (партнёр) билан ўзаро ҳара-*

катга ўз баганини бошқариш туйғусини ривожлантиради. Зарур бўлса, шерикнинг кўкрагига шундай сакраб чиқиш керакки, у овриқни сезмасин ва айна пайтга сакраш кучи сезилиб турсин...

... Мен пантомима унсурлари билан боғлиқ машғулотларни тугатганимдан кейин Коклен тўғрисида, Шчепкин тўғрисида лекциялар ўқидим. Шу вақтга келиб, ўзбекча сўзлаша бошладим ва баъзан студиячилар билан таржимонсиз ҳам мулоқотга бўлдим. Ўзбек студиясига курсни чиқарар эканман, улар билан бирга «Яна уйланаман» пьесасини саҳнага қўйдим. Бу спектаклда ... Охунбобоев ҳозир бўлди ва Сора Эшонтўраева пьесада ўғил бола ролини қойилмақом қилиб ўйнаганидан қувонди».

Л. Свердлин тилга олган пантомима, Чўлпон ифодаси билан айтганда, «сўзсиз ўйин» Холхожа қўрбоши турмушидан олинган, «Яна уйланаман» пьесаси эса Юсуфжон қизиқ сюжети асосида Чўлпон томонидан ёзилган 3 парда 7 кўринишли пьеса эди. Сўнгги асар анъанавий халқ театри услубида яратилгани учун ўзбек халқига хос миллий хусусиятлар, маиший тафсилотлар тасвирига кенг ўрин берилган эди. Худди шу ҳол унинг томошабин томонидан самимий кутиб олинишига сабаб бўлди.

\* \* \*

Драмстудияда иккинчи ўқув йилининг якунланиши арафасида студиячиларнинг ҳисобот концерт-спектакли бўлиб ўтди. Йўлдош Охунбобоевнинг «Яна уйланаман» спектаклини томоша қилиб, Сора Эшонтўраева ижросидан мамнун бўлганлиги ҳақидаги Л. Свердлин айтган сўзлар худди шу кеча ҳақидадир. Шубҳасиз, студиячилар бу унутилмас оқшомда ўзларининг энг яхши ролларини, концерт номерларини, спектакллардан парчаларни намойиш қилишга интилдилар. Йўлдош Охунбобоев сингари жумҳуриятнинг ўша пайтдаги раҳбарлари бу кечада иштирок этиб, ўзбек театр санъатининг эртанги кунини порлоқ, деб топдилар ва кеча қатнашчиларини ижодий ютуқлари билан самимий қутладилар.

Лекин орадан кўп ўтмай, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг муҳбири Йўлдош Охунбобоевнинг Москва сафари ҳақида ахборот бера туриб, студия шаънига бўлмағур гапларни айтди. Бу, аслида, Чўлпонга қараб отилган туҳмат тошлари эди.

Шу ерда бир оз орқага қайтиш ва бир сирни ошкор этиш лозимга ўхшайди. Чўлпоннинг «Дархон» газетасидаги фаолияти Тодоровский ёхуд бошқа бир мутасадди ҳарбий раҳбар томонидан юқори баҳоланган ва шоир «Браунинг» русумли тўппонча билан тақдирланган. У Москвага борганида ўзи билан бирга шу тўппончани ҳам олиб борган.

Камина 90-йиллар арафасида Москвага бориб, таникли рус адабиётшуноси З. С. Кедрина билан суҳбатлашганимда мавзу Чўлпонга кўчгач, у ўзбек шоирининг Москвада ўзини-ўзи отмоқчи бўлганини айтган. Билмадим, Чўлпон ўша кунларда шахсий ҳаётидаги кўнгилсизликлар ё бояги мухбирга ўхшаш ғаламисларнинг туҳматлари туфайлими, шундай қалтис ишга қўл урмоқчи бўлган.

Яна ўзбек матбуотининг ўша ғайрили чиқишига қайтайлик. Чўлпон бу қип-қизил туҳматга чидолмай, студия номидан жавоб хати ёзиб, «текис йўлда кетаётиб қоқилган» мухбирдан қуйидагиларни хотирга олиб қўйишни сўради:

*«1 — Мухбир ўртоқ ўлтирғон кечада «Ёрқиной» пьесасидан икки пардаси қўйилғон эди. Ундан илгари Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида суфлёрсиз етти марта қўйилиб ўтган бир асарнинг ўйнағувчилари ролни ёд билмайдилар эмас, билади, фақат, нима учундир, мухбирнинг кўзига шундай кўриниб кетган. Москва билим юртининг саҳнаси кўп тор бўлиб, ўйинчилар саҳнанинг олдига (суфлёр жойига) яқин келиб ўйнашқа мажбур эдилар. Балки шу сабабдан мухбир ўртоқ гумонга тушгандир. Йўқса, ўша саҳнада ҳам суфлёр жойи йўқ эди.*

*2 — Сиддиқ ҳожи ўзини амаким деб ҳеч кимга танишқони йўқ. У студиянинг бир талабаси. Кўпнинг талаби бўйинча чиқиб, «Муштум»дан олинғон баъзи нарсаларни ўқиб беради. Ўша кеча ҳам кўп кишилар (масъул ишчилар) хусусий суратда сўрадилар. Ҳатто ўртоқ Охунбобо ўғли ҳам олқишлағувчилар орасида эди. Точка («тўчка») масаласи маълум бир кайф (настроение)ни англатиш учун қўлланилғон нарсадир. Унинг ёмонлиғи тўғрисида шу чоққача талабалардан бир оғиз гап эшитилмади. Ҳолбуки, томошачилар, сиз айтгандай, ёш болалар эмас, турли юқори билим юрларида ўқувчи онгли талабаларимиз эдилар.*

*Умуман, концерт қисмида студиянинг камчилиги кўп бўлса мумкин, чунки у грам мактабидир. Ашула, ўйин ва ялла мактаби эмас. Сиздек азизларни хурсанг қилмоқ учун кўлидан келганча ҳар доирага кириб борар экан, бу қадар қаттиқ ва мағрурларча қалам юритиш ҳар ҳолда яхши фазилат эмасдир».*

Чўлпон ҳатто оқни қора деб, сизга давангирдай бақрайиб қараб турувчи кимсалар билан ҳам ҳурмат доирасида муомала қилишни яхши билар эди.

Мазкур кечадан кейин студиячилар ёзги таътилга чиқиб, ҳисобот спектаклари билан Ўзбекистоннинг талайгина шаҳарларига бордилар. Қўқонда 1 июлда Н. В. Гоголнинг «Терговчи», 4 июлда Мольернинг «Хасис» спектаклари намойиш этилди; 8 июлда «Терговчи», 11 июлда Чўлпоннинг «Ёрқиной» пьесалари андижонлик томошабинларга тақдим этилди. Сўнг студиячилар ҳисобот спектаклари билан Тошкент ва Самарқанд саҳналарини обод этдилар.

Маннон Уйғур ўз ижодининг тадқиқотчиси Эркин Исмоилов билан суҳбатда студия қатнашчиларининг Ўзбекистондаги ҳисобот спектакларининг қандай ўтганини хотирлаб, бундай деган эди:

*«1926 йилда биз Ўзбекистонга таътилга келганимизда, студияда тайёрланган спектакларимизни халқимизга кўрсатиш учун республика шаҳарларига гостроль қилдик. Шунда Марғилонда ҳам бўлганмиз. Кечқурун «Терговчи» қўйилмоқда эди. Саҳна орқасида студиячилар ичига шов-шув бўлиб қолди. «Нима?» десам, «Залда, биринчи қаторда Йўлдош Охунбобоев билан Ҳамза ўтирибди, дейишди. Танаффусда саҳна орқасига Ота билан Ҳамза кириб келишди ва ҳамма билан кучоқлашиб, ўз хурсандчиликларини баён қилишди. «Мана энди сизларнинг бўйларингизга тўғри келади-ган пьеса ёзаман», — деди Ҳамза».*

Жумҳурият раҳбарининг бундай эътибори Чўлпонни ҳам, Уйғурни ҳам қувонтирмаслиги мумкин эмас эди.

Гоголнинг ўлмас комедияси Тошкентдаги «Колизей» саҳнасида намойиш этилгач, «Правда Востока» газетаси спектаклга юксак баҳо бериб, бундай дил сўзларини ёзди:

*«Спектаклнинг бошланишини кутиш бир оз ташвишли бўлди. Биринчи марта ўзбек тилига ўтирилган «Терговчи» ўзбек томошабинига қандай таъсир кўрсатар экан? Бу томошабиннинг Гоголь яшаган давр*

ҳақидаги тасаввури қандай? У комедияни қандай игрок этаркин? Ниҳоят, ўзбеклар «Терговчи»ни қандай ўйнар эканлар?

Артистларнинг биринчи чиқишлари, биринчи талафуз этилган сўзданоқ шу нарса маълум бўлдики, «Терговчи» иқтидорли актёрлар ижросида намоёниш этилмоқда. Томошабин қаршисига ҳаваскор труппа эмас, балки ҳанузга қадар Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган ҳақиқий малакали театр турарди. Актёрлар томошабин қаршисига сахна кетидан сахнани ишонч билан кўрсатмоқда эдилар. Омма ҳар бир сўзга, ҳар бир имога қизғин муносабат билдирмоқда эди. Сахнадаги ва шарт-шароитдаги қусурлар, бағбашара либослар, гримдаги этишмовчиликларни ҳеч ким сезмаётган эди. Бу — ёш ўзбек театрининг ўз томошабини олдидаги улкан ютуғи эди».

Чўлпон ва унинг студиядош биродарлари шу куни орзу-умидларининг ушалаётганини кўриб, ўзларини дунёдаги энг бахтиёр кишилар, деб ҳис этган бўлсалар ажаб эмас.

## **Москвадаги муҳит**

Чўлпоннинг Москвада драмстудияда адабий эмакдош вазифасини ўтаган кезлар ҳақида ёзма ва оғзаки манбаларда турли-туман фикрлар юради. Хусусан, Заки Валидий Туркистон тарихига бағишланган китобида, унинг шу вақтда Москвадаги Адабиёт ва санъат институти ёхуд академиясида таҳсил кўрганини айтган.

Чўлпоннинг драмстудиядаги ҳар бир дақиқаси ҳисобли бўлиб, у бу вақт ичида бошқа бир дорилфунунга қатнаши маҳол эди. Унинг учун Адабиёт ва санъат институти ҳам, академия ҳам студиядаги лекциялар-у Москва театрларидаги спектакллар эди.

Чўлпон Москвада яшаган 1924—1927 йилларда собиқ шўролар мамлакатининг пойтахтида талайгина дўст-ёрлари бор эди. 1923 йил июнида Бухоро Компартияси сафидан чиқарилиб, кейинги ҳаёти ҳавф остида қолган Фитрат шу вақтда Миллий ишлар халқ комиссарлигига қарашли Жонли Шарқ тиллари институтида хизмат қилмоқда, Чўлпоннинг эски танишларидан бири проф. А. Н. Самойлович эса шу институтнинг директори ва «сарт тили» бўлимининг мудирини

лавозимларини ўтамоқда эди. 1923 йили раҳбарлик лавозимидан озод этилиб, Москвага ўқишга юборилган Абдулҳай Тожиев ҳам шу масканда истиқомат қилиб, Бухоро Маориф уйида мудирлик вазифасини адо қилаётган эди. Дарвоқе, Чўлпонни, Саңдель айтганидек, студияга «тиқиштирган»лардан бири Абдулҳай Тожиевдир. Шоирнинг тенгқури, қозоқ халқининг Чўлпони Мағжон Жумабой эса РКП(б) Марказий Қўмитасининг Шарқ бўлимида таржимонлик рутбасини бажармоқда эди.

Мағжон Жумабой 1897 йили Қозоғистоннинг Оқ-мўла губерниясида маърифатпарвар оилада дунёга келган. Мадраса тупроғини ялаган Мағжон Қизларжардаги Мухаммадjon Бегишевдан олган таълим ва тарбия билан кифояланибгина қолмай, 1910 йили Уфа шаҳрига бориб, Мадрасаи Олияда, машҳур татар ёзувчиси Олимжон Иброҳимов кўлида таҳсил кўришни давом эттирган. Араб, форс ва туркий тилларни яхши билган Мағжон энди рус тилини ҳам ўрганишга киришиб, ўз билими ва дунёқараши доирасини кенгайтиришга эришган.

1917 йил Февраль инқилобини Чўлпон сингари мамнуният билан қарши олган Мағжон «Алаш Ўрда» миллий фирқасига аъзо бўлиб кирди, Оренбургда ташкил этилган миллий қозоқ ҳукуматининг маданий-оқартув ишлари бўйича халқ комиссари бўлиб ишлади.

Чўлпоннинг Мағжон билан қачон ва қаерда илк бор танишгани намаълум. Тақдир уларнинг ҳаёт йўлини 1918 йили Оренбургда ё 1922—1923 йиллари Тошкентда туташтирган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Ўзининг аксар ўланларини ўзбек диёрида яратган Мағжон уларда, Чўлпон сингари, кўз ёшларини яширмайди; она юрт бошига тушган савдолардан эзилган шоир, Чўлпон сингари, истиқлол орзуси билан яшайди. Шўролар тузоғига илинган қозоқ ёшлари Мағжоннинг ўланларида аксилинқилобий кайфиятни кўриб, унга қарши кураш ўтини очганларида, у 1924 йили Москвага кетиб, юқорида зикр этилган идорада мутаржимлик билан шуғулланади. У шу йилларда фалакнинг гардиши билан Москвада тўпланиб қолган Фотиҳ Каримов, Алихон Букейхонов, Чўлпон, Наби Расулев, Шокир Сулаймон, Наим Саид сингари ўзбек, қозоқ ва татар зиёлилари билан бир даврада бўлади.



Аmmo орадан кўп ўтмай, Қозоғистон компартияси Марказий Комитетининг котиби Ф. И. Голошековнинг «холисона хизмати» билан қозоқ зиёлиларининг уч юздан ортиғи қамоққа олинди. Мағжон эса 1927 йилда Қизилжарга қайтиб, муаллимлик билан шуғулланди. Лекин Мағжонни зимдан пойлаб юрган кўзлар унинг 1929 йили ҳибсга олиниб, Москвадаги мудҳиш Бутир-ка қамоқхонасида кўриш «бахти»га эришдилар.

Шу йили собиқ шўролар давлатининг пойтахтида чоп этилган «Адабиёт қомуси»да бу машҳур қозоқ оқини ҳақида бундай маълумот берилган: *«Мағжон Жумабой Шўро ҳукуматининг ашағдий душмани сифатида майдонга чиқди, коммунистларга ва инқилобга қарши шеърлар ёзди»*. Ҳолбуки, Мағжоннинг бор-йўқ айби, Чўлпон сингари, ўз юртини севиши ва уни озод кўришида эди. Унинг:

Туркистон икки дунё эшиги-ғўй,  
Туркистон ер турктин бешиги-ғўй,  
Томоша Туркистондай жерда туйғон,  
Турктин тангри берген насиби-ғўй.

сингари Туркистон меҳр-муҳаббати билан суғорилган ўланларида шўро мафкурачилари мустамлакачи большевикларга нисбатан ғайри муносабатни кўрдилар.

Чўлпон ва Мағжон бир-бирларига руҳан яқин шоирлар бўлибгина қолмай, айна пайтда дўстлик ришталари билан ҳам боғланган сиймолар эдиким, бу ришталар 20-йилларнинг иккинчи ярмидаги Москвада янада мустаҳкамланди.

Чўлпоннинг Шўро давлати ишончини гоҳ қозониб, гоҳ бой берган дўст-ёрлари орасида юқорида бир неча бор тилга олинган Абдулҳай Тожиев ҳам бўлиб, у Сирдарё вилоят-уезд партия комитетида бир-икки йил ишлаганидан сўнг 1923 йили Москвага ўқишга юборилган. У Қизил профессорлар институти журналистика ва сиёсат факультетининг сиртқи бўлимида ўқий бошлаган кезларда шу йиллари Москвада ўқиётган Шокир Сулаймон билан унга Бухоро маданият билим юртини (баъзан уни Маориф институти деб ҳам атайдилар) ташкил этиш вазифаси юклатилади. У 1928 йили Қизил профессорлар институтини тугатгунга қадар ана шу масканнинг — Бухоро Маориф уйининг мудир вазифасида хизмат қилади. «Туркистон» ва «Дар-

хон» газеталаридаги ҳамкорлик йилларида қадронлашган икки дўст кўпинча биргаликда Москва театрларининг янги спектакларини томоша қиладилар, адабий ҳаёт янгиликларини кузатиб, шу йилларда собиқ шўролар пойтахтида ўқиб, хизмат қилган туркий халқлар маданияти вакиллари билан алоқа ўрнатадилар. Чўлпоннинг москвалик санъат ва адабиёт арбоблари билан танишишида ҳам Абдулҳай Тожиевнинг озми-кўпми хизмати бор.

Москвада ё ўқишда бўлган, ёхуд масъул идораларда хизмат қилган ўзбек зиёлиларининг аксари Чўлпоннинг инсоний ва ижодий фазилатларини хурмат қилган кишилар эди. Шулардан яна бири Назир Тўрақуловдир.

Заки Валидий хотираларида бу зот ҳақида яхши фикрлар мавжуд:

*«Туркистонда танишганим шахслар орасида Назир Тўрақулов билан Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) менга алоҳида яқин дўстлар бўлдилар. Назирнинг отаси Тўрақул Фарғона губернаторининг таржимони эди... Назир ўша пайтда ватанпарвар туркчи эди. Истамбулда чиқадиган «Турк юрти»ни ўқирди. Кейинроқ коммунист бўлди».*

20—30-йилларда масъул лавозимларга кўтарилган собиқ ватанпарвар ўзбек зиёлилари орасида дўст-ёрларига, халқига хиёнат қилганлари ҳам бўлди. Назир Тўрақуловнинг коммунист сифатидаги фаолиятида ҳам ачинарли ҳолларни йўқ, деб бўлмайдди. Бундай ҳоллар унинг Чўлпонга бўлган муносабатини ҳам четлаб ўтмаган. Аммо шу билан бирга унинг Чўлпон ҳаёти ва ижодида тутган улкан ўрнини унутиш инсофсизлик бўлурди.

1894 йили Қўқонда пахта жаллоби оиласида туғилган Назир Тўрақулов ўз даврининг истеъдодли ва том маънодаги зиёли кишиларидан бўлган. У Қўқондаги тижорат ўқув юртининг 8-синфини тугатгач, Москвага бориб, Савдо институтига ўқишга кирган. Таниқли маърифатпарвар Фотиҳ Бакировнинг айтишича, у Савдо институтида ўқиб юрган йилларида турк, рус, немис ва француз тилларини яхши билган. Кейин эса муголаа йўли билан араб ва форс тилларини ўрганган. Ана шундай билимга эга бўлган Н. Тўрақулов 1918 йил апрелида Қўқонга қайттунига қадар Оренбургдаги газеталардан бирига муҳаррирлик қилади. 1919 йили эса

10-сонидан бошлаб «Янги Шарқ» газетасига, 1919 йил 23 июлдан 1920 йилнинг 24 мартига қадар «Иштирокиюн»га, 1922 йилдан бошлаб эса «Инқилоб» журна-лига муҳаррирлик қилганида, Чўлпонни ҳам бу нашр-лар идорасига ишга таклиф этади. Ва Чўлпон худди шу йиллари, айниқса, самарали ижод қилади.

Н. Тўрақуловдек коммунист билан Чўлпон ўртаси-да самимий дўстлик муносабатларининг бўлганлиги бу-гунги авлодни ажаблантириши мумкин. Гап шундаки, 20-йилларда сиёсат саҳнасига кўтарилган ёшлар чин-дан-да саводли, чиндан-да истеъдодли шахслар бўлган-ни учун 1917 йилгача бўлган ҳаётни ҳам, ундан ке-йингисида кечган жараёнларни ҳам хушёр кўз ва ўткир ақл билан таҳлил қилганлар. Чунончи, Н. Тўрақулов «Жизнь национальностей» номи билан Москвада чоп этилган журналнинг 1921 йил сонларидан бирида «Мус-тамлакачилик га унга қарши кураш» деган мақоласи-ни эълон қилган ва бу мақолада, жумладан, бундай ёзган:

*«Туркистон Чор Русияси томонидан забт этилган-дан сўнг қандай қилиб мустамлакага айлантирила бор-ди? Туркистонни қурол билан қўлга киритган солдат-лардан сўнг бу ёққа омади келмаган чиновниклар, ўйинда бор-будини ютқизган офицерлар, тадбиркор чайқовчи-лар ва ҳоказолар оломон бўлиб кела бошладилар. На-тижада Русиядан борганлар ўзларининг сурбетликла-ри, муғомбирликлари, таъмагирликлари билан танил-дилар... Шундай бўлдики, мустабидлик сиёсати йиллар давомига ерли халқ билан Русиядан келганлар орасида, уларнинг ижтимоий мавқеи ва синфий мансубликлари-дан қатъий назар, ётлик, тенгсизликни вужудга кел-тирди. Ерли халқ ижтимоий инқилобларда деярлик иш-тирок этгани йўқ. Октябрь тўнтариши Туркистонда «бир стакан сувдаги бўрон»дан иборат бўлди. Бу тўнтаришдан кейин ҳам мустабидлик сиёсати ўзгар-мади».*

Чўлпоннинг бундай сўзларни Москва журналлари орқали бутун дунёга айтишга журъат этган киши би-лан дўст ва маслақдош бўлиши табиийдир.

Хуллас, Назир Тўрақуловнинг Туркистондаги фао-лиятига нуқта қўйилиб, у 1922 йил октябрида Мос-квага ўқишга юборилди.

Чўлпон устидан бўлиб ўтган тергов материалларида Назир Тўрақулов тўғрисида ҳам баъзи бир маълумот-

лар бор. Бу маълумотларга кўра, у 1923 йили Туркистондаги лавозимларидан озод этилгач, Москвага ишга юборилган. Лекин масъул ишдан озод этилган Н. Тўрақулов Москвада ўзини қандай истиқбол кутаётганини билмай, ташвишга тушган.

Кунларнинг бирида у Чўлпон билан бирга Шайхантохурга, Мунаввар қори Абдурашидовни зиёрат этгани боради. Улар бир пиёла чойдан кейин шоҳмот тахтасини олиб, дона сурадилар. Мунаввар қори ўйин пайтида рақибни қисиб қўйиб, унга «шоҳ» эълон қилар экан, «Ўйинни бой бердинг!» — дейди. Назир Тўрақулов ҳали мотга борлигини айтади. Мунаввар қори эса яна такрорлайди: *«Ўйинни бой бердинг!..»* Сўнг қўшиб қўяди: *«Маскавга!»* Гап нимада эканини тушунган Назир: *«Мен Маскавнинг ишончини қозонмоқчи эдим»*, деб гапни қисқа қилади. Москвага кетиши олдида эса энг яқин кишиси бўлмиш Чўлпоннинг уйига келади. Чўлпон Назир Тўрақулов билан хайрлашув оқшомига яқин дўстлари — Заҳириддин Аълам, Булат Солиев, Абдурахмон Саъдий, Наби Расулев ва яна кимларнидир таклиф этган эди. Хайрлашув пайтида, Мунаввар қори сингари, Заҳириддин Аълам ҳам Назир Тўрақуловга: *«Маскав сени ҳам алдади. Сен ҳам алдандинг, Маскавнинг сиёсатига ишониб бўлмайди, жигарим»*, деб чимчилаб олади.

Назир Тўрақулов Москвага боргач, РСФСР Миллий ишлар халқ комиссарлиги қошидаги Шарқ халқлари марказий нашриёти бошқарувининг раиси лавозимида ишлай бошлайди. Шу даврда у Чўлпонни нашриётга мутаржим сифатида таклиф этиб, унинг 1927 йилдаёқ саккиз номдаги асарни рус тилидан ўзбек тилига ўгириши, чоп этиши — ва бу китоблардан тушган қалам ҳақи ҳисобига Солиҳа билан қийналмай яшаши ва ҳатто Андижондаги қариндошларига совға-салом юбориши учун шароит туғдиради. Бу саккиз номдаги асардан учтаси Елена Зарт деган ёзувчи қаламига мансуб бўлиб, улар «Дувона» («Девона»), «Кўҳи малак», «Муроб» («Мироб») ҳикояларидир.

Чўлпон драмстудияда банд бўлишига қарамай, бир жиҳати, тирикчилик орқасида у қадар бадий қимматга молик бўлмаган бу ва бошқа ҳикояларни ўзбек тилига ўгирди. Бу ҳикояларни ўзбекчалаштиришнинг бирдан-бир ижобий томони шунда эдики, Чўлпон ана шу жараёнда маълум тажриба ҳосил қилди ва мутар-

жимлик қаламини чархлаб олди; бу ҳол кейинчалик унинг Шекспир, Гоголь, Чехов, Горький асарларини таржима қилишда асқотди.

\* \* \*

Шу йиллари Москвада таҳсил кўрган ёшлар орасида Боту тахаллуси билан кўпроқ танилган Маҳмуд Ҳодиев ҳам бор эди. У, Файратий сингари, йўқсил ўзбек адабиётининг вакили сифатида ижод этган. Ёшлиги туфайли Шўро ҳукуматига ҳаддан зиёд ишонган Боту Чўлпон ва унинг маслақдошларини адабиёт оламидаги душмани, деб билган ва унга қарши ошкора курашган. Боту юрагининг софлигига чин дилдан ишонган Чўлпон буни ёш шоирнинг фожеавий хатоси, деб эмас, балки давр тақозоси билан юз берган оддий ҳол, деб унга ўзига хос юксакликдан туриб қараган.

Ботуни яқиндан билган Лазиз Азиззода у ҳақдаги хотираларида шоирнинг бундай образини тасвирлаб, ёзади: *«Ботунинг руҳида зариф бир туйғу, нозик ҳис, оғамийлик бор эди. Халққа хизмат қилиш ғояси унинг миясидан кенг ўрин олганди. У роҳатни, завқни меҳнаткашларга хизмат қилишдан олган... У кенг мангалай, кучли ироғали, азим бўлиши билан бирга самимий, ... ўзига хос ажиб бир шахс эди».*

Чўлпон Боту руҳидаги ана шу зариф бир туйғуни қадрлар ва шу туйғу борлиги учун уни ҳурмат қилар эди. У Москвага келганида, Боту ишчилар факультетини тугатиб, 1-Москва Давлат дорилфунунида таҳсил кўрмоқда эди. У 1925 йил февралда таътилдан ёш Сора Эшонгўраева билан бирга қайтиб, Спиридонов кўчасидаги 17-уйнинг эшигини қоққанида, ўзбек драма студияси ўз фаолиятининг учинчи ойини бошлаган эди. Шу кундан бошлаб у тез-тез студияга келиб, Соранинг ва бошқа студиячиларнинг ҳол-аҳволдан, ижодий ютуқларидан хабар оладиган бўлди.

Боту ўша кезларда дорилфунундоши Валяни — Валентина Петровна Васильевани севиб, унга уйланган ва бу ёш оила МДУнинг Янги Арбатдаги ётоқхонасида истиқомат қилган. Боту 1926 йилнинг бошларида ўғил кўрди. Ёш ота билан она бахтининг чеки-чегараси бўлмади. Улардан бири қандай ажойиб ном топмасин, бу исм иккинчисига жуда жўн бўлиб кўринди. Улар ўзбек киши номлари хазинасидаги минг хил исмларни титиб

чиқсалар-да, улардан бирортаси асаддан ҳам ширин фарзандларига муносиб кўринмади. Шу тарзда кунлар, ҳафталар ўтди. Икки ёшнинг ҳужжатсиз гўдак билан яшаши Янги Арбатдаги тартиб посбонларининг жаҳл патини кўзғади. Улар жамоа тартибини бузаётган ёш ота-онага ҳатто жарима ҳам солмоқчи бўлдилар.

Шундай серғалва кунларнинг бирида Боту яшаган хонага меҳмон бўлиб келган Чўлпон бу кулгили ҳодисадан хабар топиб, «Ўзбек йигити билан рус қизининг озод севгисидан туғилган фарзандга *Озод* деб ном қўйган маъқул. *Шояд шу фарзанд яқин орада озод халқнинг озод фарзанди бўлса*», — деди. Чўлпон бу сўзларни рус тилида айтиб, «Озод» сўзини ҳам ўзбекча, ҳам русча талаффуз қилди. Лекин Валяга бу исм ҳам ёқмади. «*Ўртоқлари «Азаг» ё «Озод» эмас, «Азот» деб чақирришади. Йўқ, бўлмайди!*» — деди у. Шунда Чўлпон ўзбек тилининг бойлигини айтиб, «озод», «озодлик» сўзларининг турли-туман маънодошларини қалаштириб ташлади. Сўнг «Эркли» сўзининг ҳам маънавий, ҳам мусиқий жиҳатдан гўзаллигини айтди. Бу исм Валяга ҳам маъқул тушди. Нечунки, унинг ўзи ҳам, гўдакнинг бўлажак ўртоқлари ҳам уни «Эрик» деб чақирришлари мумкин ва бу, ширин фарзандга муносиб исм эди.

Шу тарзда Москвада Чўлпоннинг ҳам Эркли деган «фарзанд»и ўса бошлади.

Шу кун кечаси, Чўлпон билан хайрлашгандан кейин, ҳали ҳам оталик кайфи тарқалмаган Боту кўлига қоғоз олиб, ёзди, «Ўғлим Эрклига», деб. Сўнг «Сочларингни куй билан Аста-аста тарайман. Теран, улуғ ўй билан Кўзларингга қарайман», деган сатрларни тез-тез ёзди-да, шеърни бундай хотималади:

Чин эрк кулган ўлкада,  
Кўзим, ўсиб турасан.  
Янги, гўзал дунёни,  
Албатта, сен қурасан.

«Эркли» исмини Боту ҳам ўзича, Чўлпон ҳам ўзича тушунган эдилар. Афсуски, уларнинг қарашларидаги анча фарқ бу икки шоирнинг ортиқ яқинлашишига имкон бермади. Бунинг устига, Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев каби адданган Ботуни шўронинг ўроғи 1930 йилда бошқаларга қўшиб ўриб кетди.

Бизни қизиқтирган даврда Москва кўп жиҳатдан жаҳоннинг йирик маданий марказларидан бири бўлган. Бу ерга ким қаердан келмасин, Тошкентданми, Истанбул ё Парижданми, унинг Мейерхольд театрининг спектакллари, Маяковский ё Есениннинг адабий кечалари, Москва Давлат дорулфунундаги баҳслар билан қизиқиб, улардан руҳий озуқа олиши тайин эди.

Комил Икромов отаси Акмал Икромов тўғрисидаги хотиралар китобида бундай манзарани тасвир этган:

*«...Ботунинг рафиқаси... Валентина Петровна деган жуда соҳибжамол рус аёли эди. 1922 йилда бу аёл Москва дорулфунуни ҳовлисида икки ўзбек йигити билан танишиб қолади. Уларнинг биттаси кейинчалик бу аёлга уйланади. Унинг исми — Маҳмуд. Иккинчиси, эса, менинг отам эди. Маҳмуд ётоқда турарди. Акмал «Метрополь» меҳмонхонасида яшарди. Бахтимизга, у тез-тез Осиёга бориб турар ва хонасининг калитини бизга қолдириб кетарди. Биз унинг хонасида меҳмонларимизни кутардик. Маяковский меҳмонимиз бўлган, палов еган. Бир кун Есенин келди. Бизга уни пиёниста дейишган эди, бироқ у қадаҳга қўл ҳам ургани йўқ. Паловдан еди-ю арақ ичмади».*

Атоқли адабиётшунос Озод Шарафиддинов ана шу сатрлардан илҳомланиб, бундай ёзади:

*«Маълумки, Боту Чўлпон билан яқин муносабатда бўлган, унинг шеърларини таҳрир ҳам қилган. (Шу ўринда муҳтарам олимнинг бу сўзларини «унинг шеърини тўпламига муҳаррир бўлган», деб ўқишингизни илтимос қиламан; зеро, назаримда, муҳаррир бўлиш билан таҳрир қилиш ўртасида катта фарқ бор — Н. К.) Шундай бўлгач, Москвада икки мусофир бир-бирини излаб топмагани, бир-бирининг ҳолидан хабар олмагани эҳтимолдан анча узоқ. Аксинча, Боту билан рафиқаси Валентина Петровна «Метрополь» меҳмонхонасидаги шеърят оқшомларидан Чўлпонни ҳам баҳраманд қилишга интилишлари мантиққа мосроқ. Боринки, менинг мулоҳазаларимнинг бари хомхаёл бўлсин, Чўлпон Маяковский ёхуд Есенин билан учрашмаган ҳам бўла қолсин. Аммо, барибир, у шоирларнинг 20-йиллар ўртасидаги доврўғидан, қизғин баҳсларидан беҳабар бўлиши кишини унча ишонтирмайди».*

Олимнинг: *«Рус тилини мукамал билган, савияси кенг, билими теран, қизиқиш доираси ҳудудсиз бўлган*

Чўлпон Москвадаги ҳаёти давомига у ердаги адабий муҳитга яқин бўлишга, ундан имкони борича тўлароқ баҳра олишга интилган бўлмоғи керак. Менимча, у *Маяковский ва Есенин билан учрашиб, суҳбатлашган ҳам бўлиши мумкин*», деган сўзларида ҳақиқат зарралари йўқ эмас. Зотан, Чўлпон нафақат драматург, балки аввало шоир эди. Шунинг учун ҳам унинг 20-йиллардаги адабий Москвадан четда яшаши, ўзига руҳан яқин бўлган Блок, Брюсов, Мандельштам, Есенин, Ахматова сингари шоирлар муҳитига талпинмаслиги мумкин эмас.

Озод Шарафиддиновнинг «Метрополь»даги оқшомлар муносабати билан айтган сўзларига келганда, бир нарсани илова қилиш жойиз. Гарчанд Акмал Икромов билан Чўлпон ўртасидаги алоқа биз учун сирли китоб бўлиб келаётган эса-да, ошкор бўлган баъзи бир фактлар ўзбек коммунистлари сардорининг Чўлпонга муносабати ёмон бўлмаганидан дарак беради. Акмал Икромов дастлаб Чўлпондек ноёб сиймонинг қадрига етган ва уни ўзича, ўз имкониятлари даражасида авайлаб асраган. Ботунинг 1932 йили берган кўрғазмасида айтилишича, Чўлпоннинг «*Ўзбек грама труппасига* (Боту шундай ёзган — Н. К.) *бадгий таржимон, амалда эса мафкуравий раҳбар*» қилиб тайинланиши Акмал Икромовнинг истак-хоҳиши билан бўлган. Боту ҳатто бу ҳақда ҳали озодликда юрган Чўлпонга нисбатан ғаразгўйлик билан ёзган.

Шу фактга таянган ҳода айтиш мумкинки, Чўлпоннинг катта ва ноёб истеъдод соҳиби эканлигини билган А. Икромов уни «Метрополь»даги ўзи иштирок этган кечаларга таклиф этиши, москвалик санъат ва адабиёт арбоблари билан таништириши ва яқинлаштириши мумкинлигини хомхаёллиқ, деб бўлмайти.

\* \* \*

Яна бир масала. Баҳс, модомики, Боту, Акмал Икромов ва Чўлпоннинг ўзаро муносабатларига бориб тақалган экан, бу нозик масалани ҳам четлаб ўтиш ўринли эмас.

Адабиётимиз тарихидан шу нарса аёнки, 20-йилларнинг ўрталарида Боту сингари йигирма яшар ёшларни ҳали ўттиз ёшга чиқмаган Чўлпонларга қарши қўйиш ва уларни ўзаро уриштириш ишлари, айниқса,



авж олди ва бу ҳол синфий курашнинг қонуний бир кўриниши сифатида тақдим этилди. Янги тузумга, коммунистик эртага ортиқ даражада ишонган Боту Чўлпон ва унинг маслақдошларига маломат тошларини отишни адабиёт ва жамият олдидаги бурчи, деб тушунди. Чунончи, унинг 1925 йили ёзган «Жавобим» шеъри шундай хунук таъналар билан тўла.

Мен ўйлаганни сен ўйламайсан.  
Сен куйлаганни, мен куйламайман.  
Мен сўзлаганни сен сўзламайсан,  
Сен кўзлаганни мен кўзламайман.

Сен ўзга банда, мен ўзга бир куч,  
Фикринг, хаёлинг йўқликда кезмак.  
Нурларга қарши режанг, ишинг пуч,  
Фоямнинг амри фоянгни эзмак.  
Мен «ўз» эмасман... мендан узоқсан,  
Меҳнат йўлида жиндак тузоқсан...

Ботунинг Чўлпонга бағишланган бошқа бир шеъри ҳам шундай заҳарли сатрлардан иборат:

...Йўлда қолган ожизларга кўмак йўқ,  
Йўлдан озган бузуқларга омон йўқ.  
Кафан кийиб гўрга кирган танларга,  
Мен биламан, эр йигит ҳеч отмас ўқ.

Бироқ йўлда жасад бижғиб ётсинми?  
Заҳарини димоғларга отсинми?  
Юрагида ўгути бор эр йигит  
Заҳарланиб, йўқликларга ботсинми?!

Куни кеча Чўлпонга қарши бундай шеърларнинг битилганини яхши билган воқеанавислардан бири 1926 йил 7 апрель куни ёзган чақувномасида бундай дейди: «Бир пайтлар ўзбек шоирлари Боту билан Абдулҳамид Сулаймон ўртасида келишовчилик пайдо бўлди, натижада улар вақтли матбуотда бир-бирларини танқид қила бошладилар. Бундан ташқари, артистлар Москвада бўлган вақтларида фарғоналиклар билан тошкентликлар ўртасида жиддий англашилмовчилик келиб чиқди. Бу икки ҳолат баъзи бир шароитнинг тақозоси билан Икромов ва Эшонхўжаев ўртасидаги жанжални

келтириб чиқарди; бунинг оқибатида эса, эшонхўжа-евчилар икромовчиларга нисбатан ғаразли муносабатда бўла бошладилар.. Ҳозирги даврда Оврупода таълим олаётган ўқувчилар ва адабий ходимлар, хусусан, Москвадаги Абдулхамид Сулаймонов, Қизил Йўлдош, Усмон Мўминов ва Германиядаги талабаларнинг бир қисми Эшонхўжаевга хайрихоҳлик билдирмоқдалар. Икромовнинг гуруҳи эса ёшлар ва зиёлиларга таянмоқда».

Бу маълумот юзасидан шунини айтиш зарурки, Шўро ҳукуматининг махфий хизмати ходимлари Туркистоннинг нафақат раҳбарлари, балки оддий зиёлиларини ҳам бир-бирларига қайраб, улар ўртасига низо уруғларини сочиб, маҳаллий халқнинг емирилиши учун турли-туман чора-тадбирларни ишлаб чиқдилар. Улар сочган заҳар туфайли драмстудия аъзоларининг ҳам иккига ажралиб кетишлари ҳеч гап эмас эди.

\* \* \*

Чўлпон қавмидаги кишилар учун дўстлик миллатни танламаган.

У Москвада яшаган кезлари атрофида рус шарқшунослари, ёзувчилари, санъаткорлари ва, умуман, оддий кишиларининг — кўча-кўйлар, театрлар, кутубхоналарда иттифоқо танишиб қолган русларнинг бўлиши табиий. Эҳтимол, ўша Елена Зартнинг Чўлпонни оиласи билан уйига (агар москвалик бўлган бўлса) таклиф этган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳар ҳолда 30-йилларда танишгани Кузьмичдек, уйи ё чорбоғига бориб, якшанба кунлари ҳордиқ олган, бирга ўрмонларда қўзиқорин терган рус биродарларининг бўлганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Боз устига, уни аввалдан билган баъзи бир руслар шу пайтда Москва ва Петроградда яшаб ишламоқда эдилар.

Аввалги фаслда номи тилга олинган академик А. Н. Самойлович шарқшунослик илмида академик В. В. Бартольддан кейинги иккинчи сиймо ҳисобланади. У Марказий Осиё бўйлаб кезинишларида кўплаб нодир қўлёзмаларни Петроградга олиб кетган. Бу ўлкалардаги Фулом Зафарий сингари унинг Шарққа бўлган қизиқишга ҳаддан зиёд баҳо берган юртдошларимиз эса уни янги-янги ноёб қўлёзмалар билан мунтазам таъминлаб туришган. Аммо шуниси ҳам борки, олим

бу асарларни чангга бостириб қўймасдан, хусусан, ўзбек адабий тили, адабиёти, тарихи, этнографияси, эпиграфикасига бағишланган юздан ортиқ асар ёзган. Чўлпон уфқсиз билими ва тинимсиз илмий изланишлари учун А. Н. Самойловични ҳурмат қилган. З. Валидийнинг тахмин қилишича, Самойлович дастлаб Чор ҳукуматининг, кейин эса шўроларнинг айғоқчиси бўлган. З. Валидий «Хотиралар» китобида А. Н. Самойлович билан Туркияда бўлиб ўтган сўнгги учрашуви ҳақида қуйидаги сўзларни айтган:

*«1925 йили мен Германиядан Анқарага қайтганимда, бирмунча вақт ўтганидан сўнг у ерга профессор Самойлович ҳам келди. Албатта, уни ҳукумат юборган. «Юртга қайтинг», деди у. Мен унга Бухородаги воқеани тушунтириб, шундай дедим: «Мен учун орқага қайтиш йўқ. Мен энди Туркия фуқаросиман. Советларнинг усталиги шундаки, кишининг энг яқин дўстлари, ҳатто унинг оила аъзоларини ҳам ўзига қарши айғоқчи қилиб қўйишади. Улар қўлга тушириш учун ҳар қандай йўлдан қайтмайдилар. Сиз ҳам шундай вазифа бажаряпсиз, деяётганим йўқ. Аммо совет тузумидаги махфий муҳофаза тизимининг ўрганиб қолган иши шуки, улар жосусликда дўстлардан ва оила аъзоларидан фойдаланганлари каби орага шоир Чўлпон каби софдил ва маъсум инсонларни аралаштиришдан ҳам тоймайдилар, уларнинг бу феъли менга яхши аён».*

А. Н. Самойловичнинг Шўро давлатининг топшириғи билан Заки Валидийни дастлаб Бухорода қидирганига, сўнгра Анқарага бориб, уни ўз юртига қайтишга ундаганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Аммо А. Н. Самойлович, Чўлпоннинг назарида, аввало олим бўлган. Шунинг учун ҳам «Красная стрела»га тушиб, бир ухлаб тургунча Петроградда бўлиши мумкинлигини билган шоирнинг, жуда бўлмаса, Самойловични қора тортиб, Шимолий Венецияга бормаган бўлишига, Салтиков-Шедрин номидаги кутубхонага кириб, ўзбек халқи тарихига оид қўлёзмаларни кўздан кечирмагани, Жонли Шарқ тиллари институтига бориб, таниш чехраларни кўрмагани, бутун дунёга машҳур Царское Селога ўхшаш қадамжоларни зиёрат қилмаганига ишонгинг келмайди, киши.

Аммо шуниси ҳам борки, шоир 20-йиллар Москвада кезинар экан, қарийб ҳар бир қадамда улуф рус шовинизмининг захарли нафасини сезди. У 1937

йили қамалиши арафасида куйдириб ташлаган, аммо айрим нарсалари қандайдир бир йўл билан НКВД қўлига тушган хотира дафтарига, шубҳасиз, қаҳр-ғазаби адолатсизликлар, таъмагирликлар, инсофсизлар туфайли қайнаб-тошганида бундай сатрларни ёзиб қўйган экан:

Сиздан луқма олмагунча йўталмас;  
Унинг бутун тушунчаси — олмоқдир,  
Олиб-олиб чўнтагига солмоқдир;  
Берганда ҳам нима берар, дард, мараз!

Тверской — сенинг жойинг эмасдир,  
Ай, Тахтастон ўлкасининг ташнаси!  
Ай, Масковнинг олтмиш йиллик ошнаси,  
Масков ўша эски Олиб бермасдир...

Бу сўнгги сатрларга кўра, шоир қайсидир бир юртдоши билан Тверь хиёбонида яхна ичимлик ичмоқчи ё шу атрофдаги қаҳвахоналарга кириб чанқовбосди қилмоқчи бўлган-у, аммо рус шовинистларига хос қўпол муносабатни кўриб, тутоқиб кетган. Бундай ҳисобсиз ҳолларга дуч келавериб, мустамлакачи руснинг кимлигини ичдан билиб, кўриб, 1926 йил 29 ноябрь куни кундалигига бундай сатрларни ёзган:

*«Санъат ҳарамларига бир ёввойи бўрон кирди...  
Олтин қадаҳ, биллур косалардан бир-икки жуфтини  
ағдариб кетди... Майлар тўкилди, косалар синди, қадаҳлар  
парча-парча бўлди...»*

*Енгилишнинг ҳам кайфи бор, худди енгиш каби! Енгилишга енгиш орқали келинг. Худди енгишга енгилиш орқали келингандек.*

*Қанотларимиз синган, фанорларимиз ўчган, ҳассаларимиз синдирилган, қолоғуссиз йўл борамиз, манзилдан дарак йўқ!..»*

Бундай аламли сатрларни ўқиган кишининг: «Чўлпон шўролар тузумини бутун қалби билан қабул қилди ва шу тузумга хизмат қила бошлади», дейишга қандай тили боради!

Камина махфий архив ҳужжатлари билан танишган чоғимда Чўлпоннинг 20-йилларда Москвада бўлишига оид кўпгина маълумотларга дуч келдим. Бу маълумотларнинг ҳаммасини ҳам ҳақиқат сифатида қабул қилиш тўғри эмас. Аммо айрим маҳбусларнинг

кўрсатмаларида шундай маълумотлар борки, улардан танқидий фойдаланиш зарар қилмайди. Чунончи, Низом Холдоров исми музика театри артисти 1938 йил 20 март куни бўлиб ўтган сўроқ пайтида бундай сўзларни айтган:

*«Қачон бўлгани ёдимга йўқ, Қори Ёкубов билан бирга Москвада гастролда бўлганимизда Чўлпоннинг уйига бордик. Чўлпон суҳбат пайтида бизнинг миллатчилик фаолиятимизга ёрдам беражагини айтди. Зеро, у Икромовдан шу ҳақда топшириқ олган экан. Биз шу заҳоти Москвадаги грамстудияда таҳсил кўраётган ўзбекистонлик талабалар ўртасида аксилинқилобчилик ва миллатчилик руҳидаги ишларни олиб боришга аҳд қилдик. Талабалар билан бўлиб ўтган учрашув чоғида, Уйғур, Музаффар Муҳамедов, Аброр Ҳидояттов ҳузурда Чўлпон талабаларга: «Биз ўзбек халқининг фарзандларимиз, биз ўз миллий санъатимиз учун курашишимиз, ўзбек миллатини кўтаришимиз керак», деди. Қори Ёкубов Чўлпоннинг сўзларини давом эттириб: «Ҳозир биз, ўзбеклар, тарқоқ бир ҳолдамиз, ҳақ-ҳуқуқлардан ва мустақилликдан маҳрум этилганмиз. Эндиликда бирлашиш вақти келди, бошқа миллатлар қандай ҳолда бўлишидан қатъий назар, биз ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилишимиз керак», деди. Мен ва бошқа гуруҳ аъзолари суҳбатни шу руҳда давом эттириб, грамстудия талабалари ўртасида миллатчилик кайфиятини тўғдиришга эришдик. Чўлпон, Қори Ёкубов, Уйғур, Музаффар Муҳамедов ва Собир Зокиров (сўнгги уч киши грамстудияда ўқиган) шу даврда Қори Ёкубовнинг номерида грамстудияда миллатчилик ишларини авж олдириш тўғрисида махфий кенгашлар ўтказди».*

Низом Холдоров бу сўзларни жисмоний тазйиқ остида айтган бўлиши шубҳасиз. Терговчи эса ундан Қори Ёкубовнинг миллатчилик фаолияти ҳақида маълумот беришни талаб қилган.

Агар шу кўрсатмага эътибор берсак, унда фақат битта ҳақиқат — Чўлпоннинг ҳам, бошқаларнинг ҳам ўзбек халқининг миллий маданиятини юксалтириш ва шу йўл билан унинг қадди-қоматини кўтариш ҳақидаги истаклари баён қилинган, холос. Улар бундай хулосага, озгина бўлса ҳам, Москвадаги шовинистик муносабатни кўриб келишганки, бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Маннон Рамзийнинг СССР Ички ишлар халқ комиссари Н. И. Ежов номига ёзган аризасидаги қуйидаги сўзлар ўша кезларда Москвадаги ўзбеклар даврасида ҳукм сурган манзарага бир оз ойдинлик киритади: «1925 йил ёзига, — деб ёзган у, — Ўзбек Маориф институти клуби биносида кеча бўлиб ўтди ва унда Султон Сегизбоев ҳам иштирок этди. Ушбу кечада Сегизбоев билан Чўлпон таъсирига берилган Маҳбубахоним деган талаба мумтоз халқ қўшиқларини айтиши лозим эди. Навбат Маҳбубахонимга келганида Сегизбоев унга тақиқланган «Гўзал Фарғона» аксилнқилобий қўшиғини айтишни илтимос қилди. Мен залнинг бошқа томонида ўтирган эдим, шунинг учун ҳам Сегизбоевга бу қўшиқнинг тақиқлангани ҳақида хат ёзиб узатдим. У менга нафақат бу қўшиқни севиши, балки унинг муаллифи аксилнқилобчи Чўлпонни ҳам ҳурмат қилиши ҳақида жавоб ёзиб юборди. Шундай қилиб, Маҳбубахоним Сегизбоевнинг талаби билан ўша аксилнқилобий қўшиқни ижро этди».

Агар Москвадаги Маориф уйида бўлиб ўтган кечада Султон Сегизбоевдек давлат арбоби большевиклар туфайли вайронага айланган Ўзбекистон ҳақидаги «Гўзал Фарғона» қўшиғини эшитишни истаган бўлса, демак, унда шу нарсага эҳтиёж бўлган. У шу қўшиқнинг тинглаш йўли билан Совет ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатига нисбатан норозилик туйғусини ифодалаган. Бундай туйғу эса мазкур қўшиқ муаллифи Чўлпонда ҳам бўлган, албатта.

Шу ўринда Шокир Сулаймоннинг Чўлпон ҳақидаги бир хотирасини ҳам келтиришни истардим.

Шокир Сулаймон 20-йилларнинг бошларида Тошкентда кечган маданий-ижтимоий ҳаёт тўғрисида сўзлаб, бундай маълумотни берган. Унинг айтишича, 1921—1923 йилларда мамлакатимиз пойтахтида қўқонлик Мирзоҳид Оқилов ва Носирхон ҳожи Зиёев истиқомат қилганлар ва Шокир Сулаймон сингари шу кезларда Тошкентда таҳсил кўрган ҳамшаҳарларига кўмак бериб турганлар. Тошкентдаги Мирзоҳид Оқилов ва Ҳусаиновга қарашли боғда 1920—1921 йилларда тез-тез нафис мажлислар ўтказилиб турган.

Шубҳасиз, тергов материалларида ушбу йиғилишлар «Миллий иттиҳод» ташкилоти аъзоларининг махфий учрашувлари сифатида талқин этилган. Эҳтимол,

бунда ҳақиқат зарралари ҳам йўқ эмасдир. Негаки, ўзбек диёрида кечаётган ижтимоий жараёнларни ўз кўзи билан кўриб, мустамлакачилик сиёсатига қарши шеър ва мақолалар ёзган Чўлпон каби сиймоларнинг бундай йиғинларда фақат шакаргуфторлик билан шуғулланганига ишонмайсан, киши.

Шокир Сулаймон тергов пайтида биз учун яна бир муҳим маълумотни берган:

*«Шокир Сулаймон (яъни унинг ўзи — Н. К.) билан Чўлпон, — деган у, — биз ўқиган Маориф институти-нинг раҳбарлари эди. Ўқитувчиларимиз ва мураббийларимиз ҳам Холид Сауд, Шукуруий сингари «иттиҳодчилар» бўлишган. Бундан ташқари, Маориф институтида Бурҳон Ҳабиб (татар), Ориф Каримов ва Боқий хизмат қилган. Кейинчалик Боқий билан Бурҳон Ҳабиб Тошкентда қамоққа олинди. Ориф Каримов (география ўқитувчиси) эса Заҳириддин Аълам билан Саудносир Миржалиловнинг топшириғига кўра, Қашқардаги инглиз ваколатхонасига хат олиб бораётиб, йўлда қўлга тушди».*

Кўрамизки, Чўлпон ҳаракат этган муҳит фақат маданий-маърифий интилишлар билан яшаган кишилардангина иборат бўлмаган. Улар қанчалик маърифатли ва маданий бўлган бўлсалар, халқ ва мамлакат тақдир билан ҳам шунчалик фаол қизиққанлар.

Шу ўринда яна юқорида тилга олинган масалага қайтиш лозим кўринади.

Чўлпон 1923 йилда «Дархон» газетасини нашр этиш учун Андижонга борганида, айтиб ўтилганидек, қўмондонлик унга «Браунинг» русумли тўппонча берган эди. Чамаси, у Москвага ҳам, ҳар эҳтиётга қарши, шу тўппончани олиб борган.

Бўйдоқ шоирнинг Москвадалик ҳаётида турли ҳаяжонли ва ташвишли ҳодисалар бўлган: кимлардир уни тинмай кузатиб, ёзган асарлари қўлёзмасини ўғирлаб қўйган, кимлардир осиелик бу бечора шоирни назар-писанд қилмай, унга калондимоғлик билан муносабатда бўлган. Хуллас, у дунёга келганига минг бор пушаймон бўлиб юрган 20-йилларнинг ўрталарида ўзини-ўзи отмоқчи бўлган.

Фақат пистон чақилмай, шоир омон қолган.

20-йиллар Москвасидаги Чўлпон эътиборини қозонган энг муҳим воқеа Мейерхольд театридир. Бу театр тарихи 1922 йилдан бошланган бўлишига қарамай, у уч-тўрт йил ичида театр оламини ларзага келтирувчи ишларни амалга оширди. Театрнинг В. В. Маяковский пьесаси асосидаги «Мистерия-буфф», Г. Ибсеннинг «Ёшлар иттифоқи» ва Э. Верхарннинг, Чўлпон таржимасида айтсак, «Тонг қизилликлари» пьесалари бўйича яратган спектакллари нафақат москвалик, балки хорижий театр мухлисларининг ҳам диққат-эътиборини ўзига қаратди.

Мейерхольд ишлаб чиққан янги театр асосларидан бири, Чўлпоннинг тушунишича, *«тиётр санъати ҳам сиёсатдан ҳоли эмас»*, деган ақидага асосланган. Шу ақидадан келиб чиққан Мейерхольд, пьесанинг қачон ва қандай мақсадда яратилганидан қатъий назар, спектаклда бугунги куннинг муаммоларини акс эттириш, уни бугунги кунга хизмат қилдириш тамойилини бошлаб берди.

*«Яна бир янги асос, — Чўлпоннинг наздида, — сахнанинг тузилишига оид бўлиб, сахна майдонининг чиройлиқ қилиб ясатилишига қарши сахнада энг оддий муйимлардан энг осон ва арзон шакллар уюшдиришга тиришарди. Бу ҳам, албатта, «сиёсатдан холи эмас», негаким, бу соғда сахна соғда халқ учун... эди».*

Н. А. Островскийнинг «Ўрмон»и билан Н. В. Гоголнинг «Терговчи»сини «янгилаб, астар-аврасини ағдариб» қўйган Мейерхольд театрининг туғилиши жаҳон театри тарихида катта воқеа бўлди. Мейерхольд туфайли Москвада бошланган янги санъат жараёнларини ўрганиш учун Туркиядан, айтиб улгурганимиздек, икки машҳур режиссёр — Эртўғрул Муҳсинбек билан Найира Найирхонимнинг келиши Чўлпондаги бу театрнинг янги бадий асосларига бўлган қизиқишни яна ҳам кучайтириб юборди. Қолаверса, мейерхольдчи санъаткор Л. Свердловнинг студия қатнашчилари ижросида «Қоровул уйқуси» пантомимасини қўйиши ҳам театр оламида кечаётган янги жараёнларнинг таъсири эдиким, студия раҳбарлари шу таъсирни мустаҳкамлаш ниятида «Пул ундириш» деган янги кулги асарни сахналаштиришни Насриддан афанди ролининг бўлажак ижрочисига топширдилар.



## Қалдирғочларнинг қайтиши

Агар А. Э. Сандель (Амалияхоним)нинг сўзларида ҳақиқат уруғи бўлса, Москвага студия ташкил этилишидан олдинроқ кетишга мажбур бўлган Чўлпон рафиқасини аввал Андижонга элтиб қўйган чиқади. У, ҳаттоки, Бухоро Маориф уйидан ўзига махсус хонани олиб, кўнилдагидек ўрнашиб олганидан кейин ҳам Солиҳани Москвага олиб келмаган. «Биринчи хат» деб аталиб, 1925 йилнинг 5 ноябрида ёзилган мана бу сатрларни шунинг учун ҳам Андижонга, Солиҳага йўлланган, деб бемалол айтиш мумкин:

Мен —	«Нур олай», деб,
«Кетай», деб,	«Юксалай», деб,
«Тез етай», деб,	Мен
Богладим	Қанот қоққан эдим!
Белга камар!	
Сен —	«Айланай», деб,
«Нетай», деб,	«Ўргулай», деб,
«Сабр этай», деб,	Сен
Солмадинг	Қараб қолган эдинг...
Дилга кадар.	

Шеърнинг кейинги сатрларидан маълум бўлишича, шоир уни Андижондан келган қайсидир бир таниши орқали юборган; шеърини хатнинг давомини ёзаётган чоғида бу одам унинг ҳузурда ўтиргани ва шоир шу сатрларни битганидан кейин бирор нарсага чалғигани учунми хатнинг кейинги қисмида оҳанг ҳам, фикр ва туйғунинг нафис оқими ҳам бир зумда ўзгарган. Ана шу ҳолатда Чўлпон кайфиятида содир бўлган ўзгариш ўз аксини топган.

Чўлпон кайфият шоири эди. У нечоғлик катта истеъдодга эга бўлмасин, фақат кайфияти кўтаринки вақтдагина шу истеъдод даражасига яраша шеърлар ёзган. Давр, уни қуршаган муҳит, ҳаётнинг икир-чикрларидан тортиб шоирни ўз қаърига тортган кураш эса унга камдан-кам ҳолдагина ижодий кайфият бағишлаган. Шунинг учун ҳам унинг бой адабий меросида лирик «мен»и, туйғулари, руҳий олами камалак ранглари билан товланиб турган шеърлари, бахтга қарши, кўп эмас.

20-йилларда Тошкентда яшаган ёзувчилар орасида Лолахон Сайфуллина исмли рус тилида ижод қилган қаламкаш ҳам бўлган. Студияда ҳаттоки унинг «Қон

ва сув» деган пьесаси ҳам қўйилган. Лолахон Сайфулина Ўзбекистонда яшаганлиги ва ҳали паранжи-сачвонни ташламай, «тўрт девор» орасида яшаган ўзбек аёллари ҳаётини яхши ўрганганлиги учун улар ҳаётдан олинган «Ичкари» деган асар ҳам ёзган. Ва Чўлпондан — муаллифга самимий муносабатда бўлган гўзал таржимондан — ушбунни ўзбек тилига ўгиришни илтимос қилган. Чўлпон 1925 йилнинг 15 ноябрида Москвада ушбу асар таржимасига сўнгги нуқта қўйгач, ўзини доим ҳаяжонлантириб келган хотин-қизлар ҳаёти тасвиридан мутаассир бўлиб, қуйидаги бағишлов шеърини ёзган:

Лолалар дардини англаган Лола,  
Лолалар тилидан қилибсан нола.  
Лолалар ноласи аччиқ бўлса ҳам,  
То қалбдан келгувчи санчиқ бўлса ҳам —  
Тинглаб келган эди карқулоқ девор,  
Эркакнинг ўзидек бир нўноқ девор...  
Энди бу нолангни жаҳон тингласин!  
Дилларда бор эса виждон тингласин!  
Мен ҳам қаламимни аламга солиб,  
Шеърини қувватимни қаламга солиб,  
Нолангни қалбимга кўчирдим, Лола,  
Эй лола тилидан қилгучи нола!

Чўлпон ана шундай шеърларни битган пайтида одатда ҳаёлига келган бирор ашулани ёхуд ўз ижодхонасидан чиққан бирор шеърни чиройли овози билан майингина қилиб айтар ва агар ёнида дутор бўлгудек эса, уни чертиб, дутор садолари жўрлигида куйлар эди:

Мен дутор бирла туришган кўҳна бир девонаман,  
Ул туришғоним билан бир ўтда доим ёнаман.  
Дилларида ҳам тўла бечораларга ёрман,  
Вақти хуш, ҳам кўрмаганлардан тамом безорман...

Мен бу сатрларни ёзар эканман, дутор садоларини эшитгандек бўламан. Шунда шоирнинг номи биринчи фаслда кўп бор эсланган В. Дадажонов деган қариндошининг ушбу хотираси ёдимга тушади:

*«Бизнинг қўшимиз Ҳофиз ҳожининг ўғли Абдулғани махсум исмли, билимли ва китобсевар бўлган амакимизнинг хоналарида садафлар билан безатилган*

бир дутор бўлар эдики, бу дуторни ҳам, бизга номаълум Абдулхамид ака номи билан боғлашарди. Қачонлардир бу хонадонга келин бўлиб тушиб, ҳали бизлар туғилмай, фожеали ўлган келин ойимизнинг Абдулхамид акага қандайдир қариндошлиги бўлиб, Абдулхамид ака навбатдаги ташрифларининг бирيدا ўзи билан бирга олиб келган бу дуторни сақлаш учун қолдириб кетганлигини ва шу тариқа бу дутор Абдулхамид акадан эсдалик тариқасида қолганлигини сўзлашар эдилар».

Мен бу дутор Абдулхамид исмли бошқа бир кишига мансуб бўлиши мумкин, деган хаёлдаман. Негаким, Абдулхамид Чўлпон тахаллуси билан машҳур бўлибдики, уни ҳатто қариндош-уруғлари ҳам Чўлпон, Чўлпон ака, деб аташган. Аммо шунга қарамай, қаердадир Чўлпон номи билан боғлиқ дутор сақланаётган бўлса, унда «Галдир»ни чалиш, бояги ашулани унинг жўрлигида айтиш, сўнг бир оз сукутдан кейин Чўлпон руҳига бағишлаб, бир калима тиловатни ўқиш имкони бўларди.

\* \* \*

1926 йили Андижонда Мирзажон Олимовнинг тўйи бўлиб ўтди. Тўйга таклиф этилган меҳмонлар орасида Чўлпон ҳам бор эди. Тўй тугагач, Чўлпон андижонлик дўстлари Орзикул Тўрақулов, Боқи Маҳмудий, Абдухай Аюбий ва бошқалар билан қайтишда Жоме масжиди олдидан ўтишади. Масжид олдида домла имомларнинг саф тортиб ўтирганини кўрган Боқи Маҳмудий — ўқитувчилиги тутибми — «Микроблар тирилишиб қолибди-ку!» — дея гап отади. У бу сўзларни айтиши билан дарҳол Чўлпонга қараб, ундан ўз таъриф-тавсифини янада кучайтирувчи ташбеҳни кутади. Аммо Чўлпон Маҳмудийга ўтирилиб, «Тушунмадим, кимни микробга ўхшатдингиз? Бизними ё уларними?» — дейди. Боқи Маҳмудий шоирга нима деб жавоб беришни билмай, сукут сақлайди.

Тўйдан чиққан жўралар секин-аста тарқалиб, охирда Маҳмудий мактаб ўқитувчиси Орзикул Тўрақулов билан бирга қолади. Аммо ўзининг ноўрин луқмаси учун Чўлпон олдида изза бўлмаган Маҳмудий ҳамроҳидан шоирнинг нима учун саволга савол билан, савол бўлганда ҳам ажабтовур савол билан жавоб берганининг боисини сўрайди. Орзикул Тўрабеков ўқитувчини хафа қилишни истамай: «Қўявер,

бундай гапларга парво қилма. Шоирлар шундай бир қайновли гапларни яхши кўради», — деб жавоб беради. Аммо унинг жавобидан ҳам Боқи Маҳмудийнинг кўнгли тўлмайди.

Дин аҳлига нисбатан нафрат туйғусини уйғота бошлаган совет мафкураси ўзининг дастлабки самараларини бераётган ва Чўлпон худди шу нарсадан ташвиш чекаётган эди.

Боқи Маҳмудий кўрсатмасидаги яна бир воқеа тафсилоти ҳам эътиборга лойиқ.

1926 йилнинг ёз ойларида, меҳнат таътили вақтида у касбдош биродарлари Дадажон Муҳаммаджонов, Имат Обиджонов ва Нажиб Охунжонов билан улфати чор бўлиб Шоҳимардонга йўл олади. Улар аравада боришар экан, Фарғона водийсининг 20-йиллардаги нохуш манзаралари таъсиридами, Нажиб Охунжонов секин-аста куйлай бошлайди:

Эй, гўзал Фарғона, қонли кўйлагингдан айланай,  
Тарқалиб кетган қора ваҳший сочингга боғланай.  
Ваҳший бир ўрмон каби боғингни босмишдир қамиш,  
Кўкрагингда ҳеч кўринмас бир олов, бир ўт ёниш...

Нажиб Охунжонов қўшиқ сўзларини берилиб, ўз юрагининг нолалари ўлароқ айтар экан, яна кимдир қўшиқ сўзларини билмаганига қарамай, «ашулачи»га жўр бўла бошлайди. Теварак-атрофдаги ҳазин манзаралар билан қўшиқ сўзлари-ю оҳанги ўртасидаги уйғунлик Боқи Маҳмудийни ҳам ўз таъсир доирасига тортади.

У «Гўзал Фарғона» қўшиғини илк маротаба эшиттаётган эди. Адабиёт ўқитувчиси бўла туриб бу қўшиқнинг кимнинг қаламига мансуб эканини билмагани учун, қўшиқ тутагач, «ҳофиз»дан секингина сўрайди. Нажиб Охунжонов қўшиқ сўзлари Чўлпон қаламига мансуб эканини, унинг мазмуни сиёсатга тўғри келмагани учун бирор жойда чоп этилмагани, аммо шунга қарамай, офиздан-офизга, қишлоқдан-қишлоққа, шаҳардан-шаҳарга кўчиб, Совет давлатининг мустамлакачилик сиёсатидан норози бўлган водий аҳли ўртасида машҳур бўлганини айтади. Улфатлар Шоҳимардонга етиб келганларидан сўнг қўшиқ сўзларини ёзиб олиб, энди уни биргаликда куйлашга ўтадилар:

Ул баланд, зўр тоғларинг нега тўсмас ёв йўлин,  
Йўқмиди ўткир қилич кесмоққа ёвларнинг қўлин?  
Кенг, узун яйловларинг душманга очмиш бағрини,  
Бир қора парда босибдир кўзларингнинг қаърини...

Бу қўшиқ нафақат Фарғона водийсидаги «миллий иттиҳодчилар», балки «босмачилар»нинг ҳам мунгли мадҳиясига айланган эди. Чўлпоннинг водийлик издошлари бу қўшиққа ҳамоҳанг бошқа қўшиқ сўзларини ҳам ёздилар ва бу қўшиқлар ҳам кенг тарқалди. «Миллий иттиҳод» ташкилоти Андижон бўлими раиси Хусайнхон Ниёзий «босмачилик ҳаракати»га мафкуравий йўналиш бериш ва «босмачилар»нинг Совет ҳокимиятига қарши кураши самарали бўлиши учун сайъ-ҳаракат қилар экан, «Эй, гўзал Фарғона» билан биргаликда унинг ўзи ёзган «Эзса букун золим қўллар» шеъри ҳам «босмачилар» томонидан севилиб айтилди.

Чўлпоннинг Андижондаги ёр-биродарлари Туркистонда рўй бераётган воқеаларга очиқ кўз билан қаровчи, шунинг учун ҳам «Миллий иттиҳод» ташкилотига аъзо бўлиб кирган, ҳатто бу ҳол билангина кифояланмай, «босмачилар билан алоқада бўлган кишилар эди. Шундай кишилардан бири Исоқ қори Каримов 1919 йилиёқ Маҳкам ҳожи қўрбоши, Парфи қўрбоши ва Мадаминбекнинг қуроли тўдаларига қўшилиб, улар тугатулгунга қадар бу тўдалар сафида тўпчи бўлиб хизмат қилди. Ҳатто кейин ҳам яширин миллий озодлик ҳаракатининг фаоллари қаторини тарк этмади. Чўлпон унинг «босмачилар» сафида курашганини ҳам, Совет ҳокимиятининг миллий сиёсати билан ҳеч қачон мураса қила олмовчи шахс эканлигини ҳам яхши билган. Эҳтимол, шунинг учундир уни ҳурмат қилишдан толмади.

1928 йили Исоқ қори Каримовнинг ниқоҳ тўйи бўлиб ўтди. Тўйни Акбарали Ўразалиев ўз маблағи ҳисобига ўтказди. Тўйда андижонлик зиёлилар билан Чўлпон ҳам иштирок этди.

Уйчи туманидаги омонат кассаси ходими Вали Мақсудов 1937 йил 19 октябрь куни бўлиб ўтган сўроқ пайтида худди шу ҳақда маълумот бериб, Чўлпоннинг ўша кезлари аксилинқилобий кенгаш ўтказгани, бу кенгашда аксилинқилобий шеърлар ўқиганини айтган. Бу маълумот терговчилар томонидан қанчалик таҳрир

қилинганидан қатъий назар, Чўлпоннинг тўйда ҳам, бошқа давраларда ҳам «Эй, гўзал Фарғона» руҳидаги шеърларини ўқиган ва шу йўл билан тингловчиларнинг сиёсий онгига таъсир ўтказган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Модомики, биз Чўлпон ҳақидаги узуқ-юлуқ хотиралар орқали унинг 1925—1926 йиллардаги ҳаётини ёритишга киришган эканмиз, энди бир дақиқага сиз, азиз ўқувчилар эътиборини Москвага қаратсак.

1926 йил 2 январь. Шу куни Қори Ёқубов билан Тамарахоним Париж ва Берлинга қилган унутилмас сафарларидан кейин Москвага қайтиб келадилар. Қори Ёқубов ўша куниёқ Акмал Икромовнинг Марказком пленуми муносабати билан Москвага келганини эшитиб, хотини билан оқшом чоғида «Метрополь» меҳмонхонасига йўл олади. Меҳмонхонада Акмал Икромовдан ташқари, Чўлпон, ҳарбий либос кийган Миркомил Миршаропов ва хоразмча миллий либосларга ўранган яна икки-уч киши бор экан. Қори Ёқубов сўз навбати берилганида ўзи билан Тамарахонимнинг Париж ва Берлиндаги концертлари катта муваффақият билан ўтгани тўғрисида, Тамарахонимнинг Парижда қаттиқ шамоллаб қолиб, Булон ўрмонидаги Плеханов номли санаторийда узоқ даволанганлиги ва бошқалар тўғрисида жўшиб сўзлайди. Шундан кейин мавзу Ўзбек этнографик труппасини тузиш лозимлиги масаласига кўчади. Акмал Икромов бу труппани тузишда Қори Ёқубовга Чўлпоннинг яқиндан ёрдам беражagini айтади.

Чўлпоннинг этнографик труппани тузишда Қори Ёқубовга кўрсатган ёрдами, асосан, маслаҳат тарзида бўлди. Чунончи, у Қори Ёқубовга ўша пайтда танилган бир неча хонанда ва созандалар номини айтиб, уларни труппага артист сифатида олишни тавсия этди. У айни пайтда концерт репертуарларини ҳам тузиб бериб, эски халқ ашула ва рақсларини халқ оммаси ўртасида ижро этишни таклиф қилди. Шу билан бирга Чўлпон труппани тузиш чоғида Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлигининг ёрдамига таянишни маслаҳат берди...

Бу ўзига хос лирик чекинишдан кейин яна Андижонга қайтсак.

1926 йили Андижонда ер ислоҳоти масалаларига

бағишланган Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмита-сининг сессияси чақирилади. Сессия тугагач, расм бўла бошлаган янги одатга кўра, зиёфат берилади. Акмал Икромовнинг хоҳиш-истаги билан ўша кезларда она юртида меҳмон бўлиб юрган Чўлпон ҳам зиёфатга таклиф этилади.

Чўлпон зиёфат бўлаётган масканга кириб келганида шоирни Акмал Икромовнинг шахсан ўзи кутиб олиб, уни ўзи билан ёнма-ён ўтиришга таклиф этади. Зиёфат бир оз қизигач, Акмал Икромов ўрнидан туриб, Чўлпоннинг янги шеър ўқишини эълон қилади. Шоир даст ўрнидан туриб, ҳали сиёҳи қуриб улгурмаган шеърини ўқийди. Ушбу воқеа шоҳиди Саидахмад Назировнинг эслашига кўра, шеърда деҳқонларнинг ерни, ернинг эса деҳқонларни яхши кўришлиги чиройли тасвирланган ва, афсуски, деҳқонлар ихтиёридаги ернинг озлиги айтилган экан. Чўлпон ўзидан сал нарида ўтирган Йўлдош Охунбобоевга бир қараб қўйиб, унинг жумхурият оқсоқоли эканига шама қилган ва шеърини «Деҳқонга ер керак, Охунбобоевдек оқсоқол керак», деган маънодаги сатрлар билан тугатган экан.

\* \* \*

1926 йилнинг бошларида Ўзбек драма студияси Фарғона водийсида гастроль-ҳисобот спектаклини намойиш этаётган кунлар эди. Гастроль раҳбарлари Уйғур ва Чўлпон кимлар биландир Марғилон ўрда-сига кириб борганларида, не кўз билан кўрсинларки, кимсан, собиқ Ҳамза труппасининг артисти Миршоҳид Мироқилов ҳам шу ерда гирдикапалак бўлиб юрган экан. Дўстлар дийдор кўришувдан беҳад хурсанд бўлиб, энг салқин ва баҳаво жойни танладиларда, кўк чой билан иссиқ нон олиб келишни буюрдилар. Миршоҳид Мироқилов ўз труппаси билан Андижонга борган бўлиб, унинг (труппанинг) бугун-эрта Фарғонага келишини кутаётган экан. Дўстларнинг Ҳамза ҳақидаги саволарига жавоб бериб, Миршоҳид ака шоирнинг Аввал қишлоғида ижод билан банд эканлигини айтди.

Учала дўст шу заҳотиёқ Аввал қишлоғига, Ҳамза номига хат ёзишга киришди. Биринчи бўлиб, Миршоҳид аканинг ўзи қуйидаги мактуб сўзлари билан бир саҳифани тўлдирди-қўйди:

*«Ҳамза афанди.*

*Салом-алиқдан сўнгра сизни ҳам саломатлигингизни сўраб қолув баробаринда кеча мен Андижондан Фарғонага келиб эдим. Группам шанба кун келади. Мен ҳозир Марғилонда, ўрдага ўлтурганимда, ўртоқ Уйғур ва ҳам Чўлпонлар ҳам сизга дуо айтиб қўймоқчилар. Душанба кун Сима (Фарғонада — Н. К.) «Фарҳод-Ширин»ни қўяман. Мумкин келсангиз.*

*Ўртоқ Эмин қорига бир неча гаплар тайин қилган экансиз. Мен розиман. Вақтим бўлса, Аввалга чиқиб келарман. Хайр, саломат бўлинг.*

*Миршоҳид. 8/VII».*

Миршоҳид Мироқилов ўз хатини тугатиши билан қалам ва қоғозни Чўлпонга узатди. Чўлпон ҳам ҳозиргина битилган хатнинг орқа томонига, қарийб бутун саҳифани банд этиб, қуйидаги сўзларни ёзди:

*«Қадим қарғон Ҳамза!*

*Маскавдаги Ўзбек театр мактаби билан бирга Марғилон ва Симларга келиб, бир кеча-бир кеча қўниб ўтдик. Мактабимиз келгуси йилда тугайдир ва ўшандан сўнг асосий ўзбек театруси тузуладур. Шунинг назарга тутиб, сизнинг қаламингизга барака тилайман. «Опера» ёки «оперетта» ёзинг, демайман. У иш — доҳийларнинг иши. Вақтила, балки ёзарсиз-да, ҳозирга грам, чолғали грам ва комедиялар ёзишингиз лозим.*

*Такрор қаламингизга барака тилаб,*

*Чўлпон».*

Уйғур саҳифанинг бўш қолган жойига майда ҳарфлар билан фақат шу сўзларнигина ёза олди:

*«Ҳамза ака! Жой бўлмағони учун шу қуйидаги салимий сўзимни айтаман: Аввалда нима қилиб ётисиз? Биз Марғилонингизда шафтоли ранг бўлиб, мана шу кун театр бермакчимиз.*

*Уйғур.*

*Қўйган қадамингизда собитлик тилайман».*

Уч ажойиб санъаткорнинг ушбу мактуби Марғилонда «Терговчи» спектаклининг намоиши этилиши олдида битилган эди.



Орадан хийла вақт ўтгач, кечки салқин тушиб, то-мошабинлар залдан ўрин эгаллай бошладилар. Ниҳоят, спектакль ҳам бошланди. Танаффус пайтида артистлар орасида нима учундир бирдан «шивир-шивир» бошланди. Маълум бўлишича, Йўлдош Охунбобоев билан ҳозиргина хат ёзганлари Ҳамза томоша залида пайдо бўлишган экан.

Шу унутилмас воқеадан кейин студиячилар жумҳуриятнинг бошқа шаҳарларида ҳам иккитадан спектакль кўрсатиб, ёзги таътилга чиқдилар.

1 октябрда сўнги ўқув йили бошланди.

Москва ёғин фаслига кирган эди. Чўлпон 10 октябр кунни аста-секин ёға бошлаган ёмғирни хаёл оғушига тушган ҳолда кузатиб, шу сатрларни қозоғга туширди:

Тўкилди томчилар...	Чуқурча,
Япроқнинг юзлари	У жиндак кўлча.
Томчига ўптириб ҳўланди,	Томчилар —
Чуқурча кўланди...	Кўкларнинг сўзлари —
Томчини кўпдириб,	Ёрларни қамчилар...
Бетида ўйнатди.	

Куз борлиқни ўзининг заъфарон бағрига тортаётган эди.

\* \* \*

Ўзбек драмстудиясининг «солномачи»си Чўлпон сўнги ўқув йили ҳақида бундай сўзларни ёзган:

*«Олдимизда бир қиш таҳсил билан студия тамом бўладир. Ундан сўнг Маориф комиссарлигимизнинг фикрига қараганда, ўша студия талабалари асос қилинган ҳолда марказий ва доимий жумҳурият театримиз ташкил қилинса керак. Шу йил театрнинг қошида ўзига махсус студияси (мактаби) бўладир. У ҳолда Маскав студияси, эҳтимол, тамом беркитилса.*

*Бу йил ингичка санъат фанларидан баъзилари чиқарилиб, ўринларига бошқалари киргизиладир. Чунончи: юз яшаш (грим), сахна яшаш (декорациячилик) ва бошқалар.*

*Бу йилги репертуарда миллий нарсалар кўпроқ бўлса керак: «Ёрқиной» хомроқ бўлгани учун яна ишланмакчи; каминанинг 4 пардалик «Узун қулоқ бобо» деган пьесаси ҳам репертуарга кирса керак. Яна бошқа миллий пьесалар топиш ҳаракати бор».*

Чўлпон «Туркистон» газетасининг 1923 йил 18 февраль сонида эълон қилинган «Бошқармага хат»ида «Узун қулоқ бобо» комедиясининг йўқолгани ҳақида хабар бериб, бу икки пардалик асарни оққа кўчириб, ўзбек труппасига бериш шarti билан шу труппанинг эътиборли бир артистига берганини, аммо мазкур шахснинг қўлидан йўқолганини айтган. *«Эшитишимга кўра, — деб ёзган эди у, — бечора асарим Самарқанд санъат ҳаваскорларига «тортуқ» қилиниб, бериб юборилган эмиш».* Чўлпоннинг юқорида келтирилган сўзларидан маълум бўлишича, муаллиф «Узун қулоқ бобо»нинг қўлёзмаси топилган-топилмаганидан қатъий назар, уни тўрт пардали комедияга айлантириб, қайта ишлаган. Аммо, афсуски, асарнинг бу нусхаси ҳам сақланиб қолмаган ва у ҳақда ҳеч қандай тасаввурга эга эмасмиз.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиш жойизки, «Узун қулоқ бобо»нинг йўқолиши Чўлпон ҳаётидаги ягона ҳодиса эмас. Чўлпон орқасидан эргашиб юрган «соя»лар вақти-вақти билан ўз хўжалари олдида ҳисобот бериш ё шоир ижодига қасддан тўсқинлик қилиш мақсадида унинг асарларини ўғирлаб турганлар. Чўлпон газета бошқармасига ёзган бошқа бир хатида янги шеърлардан иборат дафтарининг ҳам йўқолганини айтган. Унинг хотирлашича, бу дафтardan «Ўйнамоқ ва кулмоқ истар экан...», «Қиш олдида», «Қора рўмоликка», «Эчки ўйнатгучи қизга» сингари шеърлари бўлган. Содда шоир газета орқали шу дафтарни кўрган ўртоқлардан уни қайтаришни сўраган ва бу дафтарнинг йўқолгани сабабли навбатдаги шеърлар мажмуасини чиқара олмаётганини айтган. Эҳтимол, «Узун қулоқ бобо»ни ҳам шундай «соя»лардан бири олган ва бу дафтарлар ҳозир ҳам хуфяномалар билан бирга бирор махфий асровхонада сақланаётгандир.

Дарвоқе, Чўлпон атрофидаги сиёсий идора одамларидан озми-кўпми хабардор бўлган Яшиннинг айтишига кўра, Чўлпон ўз шеърларини ёстиқ ичига солиб ётар экан. Кунларнинг бирида Москва сиёсий идораси бу шеърларни ҳам ёстиқ-постиғи билан олиб кетган экан! Кошқийди Чўлпоннинг ана шу бир ёстиқ шеърлари ҳам топилса!

Сотти Ҳусайн томонидан нашрга тайёрланган «Ўзбек театри» (1929) тўпламида «Узун қулоқ бобо»

ҳақида қуйидаги сўзларни ўқиймиз: «...Юқорида мазкур тўртта асл пьесаган бошқа, театру қуйидаги асарларга тўхталди: «Ковайи оҳангар» (Шамсигдин Соме), «Ойдин» (Жаъфар Жабборий), «Замона хотини» (Чўлпон), «Узун қулоқ бобо» (Чўлпон), — булар мавзу ва муаммо эътибори билан етарлик даражада муосир нарсалардир».

Бу сўзларда гарчанд «Узун қулоқ бобо»га юқори баҳо берилган бўлса-да, барибир, унинг мавзуи ва ғоявий мундарижаси бизлар учун қоронғи бўлиб қолмоқда.

Чўлпон «Яна бошқа миллий пьесалар топиш ҳаракати бор», деб ёзганида, хусусан, Ҳамза ёзиб бериши мумкин бўлган асар ё асарларни кўзда тутган бўлса ажаб эмас. Агар Ҳамзанинг 1926 йил августидаёқ Аввал қишлоғида «Майсаранинг иши» пьесасини ёзиб тугатганини эътиборга олсак, уни нима учун драмстудияга тақдим этмагани ё тақдим этган бўлса, қўйилмай қолгани кишини ўйлантириб қўяди.

Сора Эшонтўраева, орадан неча йиллар ўтгач, ҳар сафар Москвага борганида, Спиридонов кўчасидаги ўша 17-уйга кириб ўтар ва ҳамроҳларига дер эди: «Мана, тантанали ваъда бериб, пионерлар сафига қабул қилинганим хона. Буниси Турсуной билан ҳар кун кечкурун ўйнаб-кулиб дарс тайёрлаган хонамиз... Мана, рус санъаткорларидан дарс тинглаган хонамиз. Мана бу ерда эса репетиция қилардик. Ҳар кун соатлаб жисмоний тарбия ва рақс дарси билн шуғуланардик. Клубимиз, шинам ётоқхонамиз бор эди...»

Агар Чўлпон тирик бўлганида, балки Сора Эшонтўраевага ўхшаб, «Мана бу хонада В. С. Канцель, Р. И. Симонов, И. М. Толчанов, В. А. Филиппов, О. Н. Басов, Л. Н. Свердиннинг лекцияларини таржима қилганман. Мана буниси — Турсуной билан машқларимиз ўтган хона. Мана бу сахнада «Ёрқиной», «Узун қулоқ бобо» намоиш этилган. Мана бу кулда эса каминани камтарин кечалари нималарнидир қоралаб чиқардим...» деган бўлармиди?

Афсуски, Чўлпоннинг муборак номи ҳам қувғинди бўлган йилларда унинг драмстудия ҳаётида ва, умуман, замонавий ўзбек театрининг туғилишида ўйнаган мислсиз даражада катта роли унутилди; унинг бу борадаги хизматлари бошқаларга улашиб берилди; таржимон, адабий эмақдош, драматург сифатида ўзбек драмстудиясини уюштирган ва, Боту ифодаси билан

айтганда, унинг мафкуравий раҳбари бўлган Чўлпон хотирасига нисбатан хиёнат қилинди.

Модомики, студиядаги ўқиш нафақат малакали билим олиш ва жаҳон театр санъати асосларини миллий маданий мерос билан пайвандлашга қаратилган мураккаб жараён экан, бу жараённинг Чўлпонсиз кечishi маҳол эди, албатта.

Студиячилар учинчи ўқув йилида грим қилиш, бутафория ва декорация яшаш санъатини эгаллаш билан бирга Бадиий театр ва Мейерхольд театрининг энг яхши спектакллари таҳлил қилиб, бу асарларни яратган режиссёрлар билан ижодий учрашувлар ўтказдилар ва спектакль поэтикасига доир назарий лекцияларни тингладилар. Чўлпоннинг «Ёрқиной» («Саркаш қиз») драмаси ва «Узун қулоқ бобо» комедияси устида олиб борилган ижодий ишлар ҳам ёш режиссёр ва артистларимиз учун катта мактаб бўлди.

1927 йил 23 майда Ўзбек драма студияси ўз ишини тугатди. Шу куни курс раҳбари В. В. Канцель ҳар бир ёш санъаткорга студияни тугатганлиги ҳақида диплом топшириб, унга шу санъаткор ҳақидаги ўзининг дил сўзларини ёзди. Сора Эшонтўраевага берилган дипломда, масалан, бундай сўзлар битилган эди: *«Сора Эшонтўраева жозибали ва гўзал истеъдодга эга. У жуда зийрак ва таъсирчан. Фақат ҳали ёш бўлгани учун ўзига бор фантазияни ишга сола билганича йўқ. Барча муваффақиятлари ҳали олдинда!»*

Студиянинг ҳар бир аъзоси ўз шаънига ёзилган шундай диплом олиб, Москва билан, устозлари билан, Бухоро Маориф уйи билан хайрлашди.

\* \* \*

Шу кезлари жумҳурият газеталаридан бирида чиққан мақолаларнинг бири «Театримиз қандай бўлиши керак?» деб номланган эди. Мақола муаллифи — собиқ студиячи Сайфи Олимов бўлиб, у, ўзи қўйган саволга жавоб берар экан, жумладан, бундай ёзган:

*«...Бугун Мейерхольд шу қагар ботирким, Гоголнинг муқаддас саналгон «Ревизор» комедиясини парда ҳолидан чиқариб, бир эпизодик ҳолига айлантириб юборди.*

*Бизнинг театрумиз ҳам оммадан ёрдам кутади. Биз буну томоша вақтида Чўлпон томонидан ўқулгон ре-*

фератдан англаймиз. Чўлпон жамоатни таъсирлатиш учун маълумот бериш билан бирга сўзининг охирида бундай деги:

—Труппа сизнинг қаршингизга бир мунча янгиликларни келтириб қўяди. Бундан яраганни қабул қилиб, ярамаганни ташлашда сиздан кўмак кутади».

Чиндан ҳам, Москва театрларининг ҳамма тажрибаларини қабул қилиш ва ундан айнан фойдаланиш миллий санъатни ўлдириши мумкин эди. Шунинг учун ҳам Чўлпон москвалик режиссёрлар томонидан сахналаштирилган спектаклларнинг ўзбек томошабини томонидан қандай қабул қилинишини ўрганишга, ўзи ҳам «яраган»ни қабул қилиб, «ярамаган»ни ташлашга бел боғлади.

1927 йил кузида ҳам Москва студияси, ҳам Боку театр техникумининг кечаги талабалари Тошкентга қайтганларидан кейин Ўзбек намуна драма труппаси Ўзбек Давлат драма труппасига айлантирилди. Унга театр мақоми берилди.

### **Чўлпон театри**

Шундай қилиб, драмстудияни битириб, театр санъати бўйича етуклик шаҳодатномасини олган ёшлар республиканинг ўша йиллардаги пойтахти Самарқандга қайтиб келдилар. Театр мақомини олган Ўзбек Давлат труппаси Маннон Уйғур ва Чўлпон раҳбарлигида ўз фаолиятини бошлаб, профессионал театр санъатининг ўзбек юртида равнақ топишига тамал тошини қўйди.

*«1927 йили студияни тугатиб, — деб хотирлаган Музаффар Муҳамедов, — Самарқандга қайтдик... Биз репертуаримиздаги аввалги бешта пьеса билан бирга иккита янги асарни ҳам олиб келган эдик. Буларнинг бири Юсуф қизиқ мавзуси асосига Чўлпон ёзган «Яна уйланаман» пьесасидир. Уни сахнага қўювчи — Свердлов. Етти кўринишли музикали комедия. Пьесанинг мазмуни бундай: Мулла иккинчи маротаба уйланмоқчи бўлади-ю, аммо пули бўлмайди. Ибодатчилар икки йилдан бери унга пул тўлашмаган. Бир кун у ибодатчиларга «Энди мен сизлар билан бирга намоз ўқимайман, негаки, сиз намоз пайтида мендан олдинроқ бошингизни кўтариб оласиз, ҳолбуки, бу гуноҳдир, дейди. Уни биз билан бирга намоз ўқинг, деб ҳоли-жонига қўйиш-*

магандан кейин, мулла уларга ўзиган аввал бошларини кўтармаслик хусусида қасам ичдиради. Ҳамма саждада пешонасини ерга теккизиб туради, аммо мулланинг бошини кўтаришдан дарак йўқ. Шунда намозхонлар ҳавотирлана бошлайдилар ва, ниҳоят, муллаган «Қачон бошингизни кўтарасиз?» деб сўрасалар, у, «Қачон сизлар икки йиллик қарзингизни тўласангиз, шунда кўтараман, бўлмаса ичган қасамингиз бузилган бўлади», дейди. Намозхонлар қарзларини тўлашади. Мулла уйланади».

Чўлпон бу асарнинг майдонга келиши тўғрисида «Ер юзи» журнали ўқувчиларига маълумот берар экан, студияда таржима асарлар етарли миқдорда эканлиги учун замонавий мавзудаги қувноқ асарга эҳтиёж бўлганини айтади: «Таржима асарлар, — дейди у, — етарлик бўлгонлигидан, асл (оригинал) асар қўймоқчи эдилар. Ўртоқ Свердлов, студиянинг кўрсатиши бўйинча, менга йўлиқди. Мен унга Юсуфжон акам ҳикоясининг қисқагина мазмунини айтиб бериб эдим, маъқул бўлди ва боши-кетига кўринишлар қўшиб, тезлик билан ёзиб беришга буюрди. Ана шу билан «Яна уйланаман» деган уч парда етти кўри-нишли асар майдонга чиқди».

Студияда муайян асар устида олиб борилган иш қуйидаги тартибда кечган: Ҳар бир таржима асар Чўлпон томонидан ўзбек тилига ўтирилиб, артистларга нафақат асарнинг айнан ўзи, балки ҳар бир персонаж ҳақида, бу персонажнинг ҳар бир репликиси ҳақида тушунтириш берилган. Чўлпон айти пайтда сўзни, жумлани қандай талаффуз этиш лозимлигини ўргатган, айрим сўзларнинг маъзини чақиб берган. Ўзи ёзган асарларни эса саҳналаштирувчи режиссёр учун рус тилига таржима қилган. «Яна уйланаман» пьесаси ҳам шу тарзда ишга тушган.

«Ўртоқ Свердлов, — деб давом этади у, — ўзбек турмуши билан ошнолиғи орқасида турмушнинг энг қизиқ онларидан бир неча парчалар кўрсатган (мачит олдидаги кўча, бойни ҳадим қилиш, тўй каби) сўнгра ёшларни эски урфлардан йироқлаша борганини кесатиб ўткан».

Ушбу комедия сюжети Юсуфжон қизиққа мансуб бўлганлиги учун Чўлпон мақолада уни ҳатто асарнинг мирзаси, деб атаган.

«Яна уйланаман» асари студиячиларнинг ҳисобот

гастроллари пайтида Самарқанд ва бошқа шаҳарларда катта муваффақият билан ўйналди. Дастлабки ўзбек театр танқидчиларидан бири Сотти Хусайн «Ўзбек театри» деган мажмуасида мазкур спектаклнинг айрим қусурларини ҳам тилга олиб, бундай ёзган эди:

*«Яна уйланаман»нинг асл эгаси машҳур Юсуф қизиқ бўлиб, Чўлпон уни саҳналаштираган ва уни замоналаштирамакка уринган. Унинг асосий маъноси ёшларнинг эски руҳонийларни мазах қилишда, ёш қизларни хотин устига чолларга беришга қаршилиқ кўрсатишидадир.*

*Албатта, асарнинг катта бағиш қиммати ҳам йўқ. Лекин асарнинг тузилиши ва қўйилишидаги қизиқчиликлар, ғайритабиийчиликлар бизга уларни талаб қилишга йўл қолдирмайди. Шунинг билан бирликда асар баъзи жойларда аччиқ ҳажвдан ҳам тамоман маҳрум қолмагон. Умуман, асарда комедия — буфф ва шарж унсурлари йўқ бўлмагани каби шартли реализм ҳам ўзига бир оз насиба олгон...»*

«Яна уйланаман» Ўзбек Давлат труппасининг Самарқандда намойиш этилган икки янги асаридан бири бўлиб, труппа бу комедиядан ташқари, Мольернинг «Хасис», Карло Гоццининг «Маликаи Турандот», Гоголнинг «Терговчи», Карло Голдонининг «Икки бойга бир қарол», Чўлпоннинг «Ёрқиной» («Саркаш қиз»), «Қоровул уйқуси» асарларини ҳам намойиш этди. Москвада, ўзбек халқининг руҳияти ва маданий даражасидан узоқ режиссёрлар томонидан саҳналаштирилган бу асарларнинг ўзбек томошабинлари томонидан қандай қабул қилиниши масаласи Чўлпонни кўп ўйлантирди. Шунинг учун ҳам у М. Уйғур билан биргаликда томошабинлардан қуйидаги анкета саволарига жавоб беришни сўраб, варақа тарқатди.

## ЎЗБЕК ДАВЛАТ ТРУППАСИ

### Томошабинлар учун савол варақаси

*Томошачи ўртоқ!*

*Қайси миллатдансиз?*

*Нима иш қиласиз? (Ўқитувчими, ҳукумат хизматчиси, ишчими, деҳқонми, батракми, косибми?)*

*Неча ёшдасиз?*

*Шаҳарликми, қишлоқликми?*

*Бугун труппамиз томонидан кўрсатилган асар тўғрисида нималар дейсиз?*

*1. Асарнинг исми нима?*

*2. Асарнинг ўзини ўқиганмисиз? (Ўқиган бўлсангиз, асар билан унинг саҳнага қўйилиши орасидаги фарқни кўрсатинг.)*

*3. Асарнинг ўзи маъқулми, йўқми? Мафкураси хусусида нима дейсиз? (Қаери маъқул, қаери маъқул эмас?).*

*4. Саҳна тузилишлари маъқулми, йўқми? (Саҳнада қилинган уйлар, жойлар, чироқлар ва бошқа зийнат асбоблари.)*

*5. Ўйновчиларнинг ўйинлари қалай бўлди? Мумкин бўлса, кимнинг қандай ўйнаганини исмлари билан ёзинг. (Қаерда, қандай бўлди?)*

*6. Кўпчилик аралашган ўйинлар қалай бўлди?*

*7. Артистларнинг гапларига тушуна олдингизми? (Тушунмаган жойларингизни кўрсатинг.)*

*8. Яна бошқа қандай тилакларингиз бор? (Труппанинг тез-тез ўйнаб туришини хоҳлайсизми?)*

*Шаҳар, ой, кун, йил.*

Ҳозир Ҳамза номидаги Санъатшунослик институти жамғармасида сақланаётган ана шу варақа 1928 йил 11 ноябрь куни Наманганда «Ҳалима» спетаклини кўрган Ҳожидада Халилов томонидан тўлдирилган.

Чўлпон труппанинг адабий эмакдоши сифатида шундай йўллар билан томошабин фикрини ўрганмоқчи, М. Уйғур билан биргаликда тақдири учун жавобгар бўлган театр фаолиятини яхшиламоқчи, уни халқ ҳаёти, руҳияти, маданий эҳтиёжига яқинлаштирмоқчи бўлган. Шубҳасиз, шундай мақсад билан яшаган шоирнинг аввало ўз фаолиятига, драматург сифатидаги ижодига қайта назар ташлаши табиийдир.



Чўлпон бу соҳадаги ижодини кичик саҳна асарларини ёзишдан бошлаб, секин-аста «Ёрқиной»дек катта асарга ўтган. Бу асар ўзбек саҳнасида бир неча бор қўйилган бўлса-да, муаллиф ундан қониқиш ҳиссини туймади. Муаллифнинг, айниқса, 1920 йили лирик драма сифатида қўйилган нусхасидан мамнун бўлмаганлиги унинг бу асар устида мунтазам равишда иш олиб боришини тақозо этди. Ниҳоят, пьесани мутлақо қайта ишлаб, 1926 йили нашр этди. Шундан кейин у ўнга яқин саҳна асарини ёзган бўлса ҳам «Ёрқиной» унинг энг яхши асари бўлиб қолди. Шекспирона услубда ёзилган бу асарда асосий қаҳрамонларнинг характери ҳам, кескин конфликт ҳам, халқ ва салтанат, севги ва бурч сингари муҳим ижтимоий муаммолар ҳам мавжуд.

Чўлпон номлари аввалроқ тилга олинган «Чўпон севгиси», «Халил фаранг», «Чўрининг қўзғолиши» («Чўрининг исёни»), «Ўлдиргучи», «Узун қулоқ бобо», «Рамазон кўринишлари», «Ов», «Синиқ ойна» каби пьесаларидан кейин «Муштумзўр», «Замона хотини», «Ўртоқ Қаршибоев», «Хужум» (В. Ян билан ҳамкорликда), «Ҳижрат» сингари пьесаларни ҳам яратди. Афсуски, бу асарларнинг аксари бизга етиб келмаган. Бу асарлар ўртасида мазмуни бизга озми-кўпми маълум бўлгани «Муштумзўр»дир.

Олти пардалик бу асар халқимизнинг Октябрдан сўнгги ҳаётдан олинган бўлиб, унда қишлоқ кенгаши раиси лавозимини эгаллаган шахснинг замондан орқанда қолганлиги орқасида ҳам ижтимоий, ҳам оилавий бўҳронга учраши тасвир этилган. Чўлпоннинг бошқа замонавий мавзудаги асарларида ниш бера бошлаган янгилик билан эскилик тўқнашуви бу пьесада ўзининг кескин ифодасини топган.

30-йилларда ўзбек ёзувчиларини синфийлик нуқтаи назаридан турли гуруҳларга ажратган Сотти Ҳусайн бу асар тўғрисида қуйидаги мулоҳазаларини баён этган:

*«Чўлпон инқилобдан сўнг Октябрь билан онгли курашиб келган кучли ёзувчидир. Ўзининг таянғон миллий буржуа синфи таназзулга кетгач, у билан бирга битмасдан, бир оз яшаш устади, тавбалар қилди. 25-йилдан бошлаб пролетариат инқилобига нисбатан бир мунча ўнг ёзувчи-ижодчи бўлиб, майдонга энтикиб-энтикиб кўришиб келди. Сўнгги йиллардан бошлаб бу шоир-адиб онгли сурагга тавба қилиб, пролетариат*

инқилоби билан бормоқ, ўзбек ишчи-деҳқони учун кўнгли бериб ишламак мугддоосига чапга бурилишни билдирди. «Муштумзўр» бизга моил сўл бўлиб туриб ёзгон, ўз ваъдасини амалда кўрсатмакчи бўлиб ёзгон асаридир. Шунинг учун ҳам асар тўғрисида тўхташ керакдир. Чўлпон ўз вазифасини тўла бажарганми?..»

Танқидчи шу савол асосида асарни илма-тешик қилиб ташлаб, Чўлпон унда майда буржуазия мафкурасини ўтказган, деган хулосага келади.

\* \* \*

Шу ерда Сотти Ҳусайн сўзларини бўлиб, яна 1927 йилдаги сиёсий ҳаётга қайтсак.

Чўлпон Москвадан қайтиб, Давлат труппасининг фаолиятини, шу жумладан, ўз ижодини ҳам янги бадий довонга кўтариш ниятида турли изланишлар олиб борар экан, сиёсий ҳаётда янгича шабадалар эса бошлайди. Ўн йил ичида ўз қаддини тиклаб олган Шўро ҳукумати энди буржуазия синфига мансуб деб топилган фан ва маданият ходимларининг шўро давридаги фаолиятини тафтиш этишга киришади. Республика бўйлаб ўта бошлаган йиғинларда «кекса» авлод вакиллари, ўзига тўқ оиладан чиққан, йўқсиллар синфига алоқасиз сиймолар фош этилади.

1927 йилнинг октябрь ойида Самарқандда жумҳурият маданият ходимларининг 2-қурултойи очилди. Қурултойда Ўзбекистон Комунистик партияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Акмал Икромов «Мафкура майдонида кураш ва бу курашда ўзбек зиёлиларининг роли» деган мавзуда маъруза билан чиқди. Шундан кейин матбуотда чиқа бошлаган мақолалар собиқ шўролар мамлакати ҳаётида сиёсатлашган янги давр бошланганидан дарак берди. Бу даврнинг Фитрат, Абдулла Қодирий, Фулом Зафарий сингари, ўзига ҳам найза кўтариб келаётганини сезган Чўлпон қурултой номига ариза ёзиб, олдиндан ўз хатоларини бўйнига олди ва, шояд шу билан қутулсам, деган кўйда Шўро ҳокимияти билан келишиб ишлашга ваъда берди.

Мана, ўша тарихий ҳужжат:

**Ўзбекистон Ижтимоий Шўролар  
Жумҳуриятининг Иккинчи маданиятчилар  
Қурултойи муҳтарам раёсат ҳайъатига**

**Чўлпон (Абдулҳамид Сулаймон) томонидан**

Муҳтарам қурултойнинг ишлашга мазкур важҳлар билан бўлиб, яқиндан аралаша олмағоним учун таассуф қиламан. Ва сиз, муҳтарам ҳайъатдан ўтунаман-ким, менинг қуйидаги арзимни муҳтарам қурултойга етказсангиз экан:

Улуғ Октябрнинг авваларидан бери ишчи-деҳқонларнинг инқилобчи ҳукуматлари томонидан бўлиб, маориф ва маданият соҳаларида қўлимдан келган қадар самимият билан ишлаб келганим маълумдир. Ватандошлар урушининг энг қизғин даврларида шонли Қизил Аскарнинг «Перекўп» музаффарияти дамларида Коммунистлар фирқаси томонидан ишлатилган бир газетани (ушбу вақтнинг энг сўл газетаси «РўсТО»ни) тузиб, қўлимдан келган қадар инқилобга ва унинг енгишига хизмат қилганман. Бу Тошкентнинг ҳамма шўро ва фирқа ишчиларига маълумдир. Ундан сўнг бошқа газета, журналлар ва, ниҳоят, театру ишларида ҳам шу ишларнинг раҳбари бўлган сиёсий идоралар назоратида, ўшаларнинг кўрсатган йўллари билан ишлаб келганман. Бунинг ҳар қайсиси ўз кишиларига маълум.

Сўнгги 2—3 йил орасида шоирлик ва ёшлиқ майллари билан баъзи бир хатоларим бўлди. Чунончи, миллатчилик ва ватанпарварлик руҳида шеърлар ва насрлар ёзиб, баъзи жойда шу йўлда сўзлаганларим ҳам бўлди. Сўнг вақтда, айниқса, Масковда ўқуғон вақтларимнинг сўнггида у хатоларимга ўзим ҳам тушундим. У ёзган нарсаларим ва сўзлаган сўзларим камбағал ва йўқсиллар душманларининг фойдасига хизмат бўлганини биламан. Башарият умумий саодати, эзганлар ва бойларга қарши эзилганлар ва йўқларнинг курашида эканини англадим. Дунёда асосан икки қарама-қарши жабҳага бўлинган бойлар билан камбағаллар курашида ҳақ ва ҳақиқатнинг камбағал ва йўқсиллар томонида эканига қаноат қилдим. Мундан сўнгги ишимда шу қаноат ва ишончимни асос қилиб тутмоққа қарор бердим.

Мундан сўнг шу йўлдаги азимимни иш билан кўрсатиб, иш орқасида ҳалиги хатоларни ишчи-деҳқоннинг кўнглидан кетказишга ҳаракат қилурман.

Мундан сўнг ўз фаолиятим учун ўзим севган театру соҳасини олиб, унда яқин (шу йил) ВКП Марказий ташвиқот-тарғибот шўъбаси ёнида бўлғон театру-

маслаҳат мажлисининг қарорлари асосига, ўшани дастур қилиб иш қилишимни арз қиламан.

Чўлпон.

Самарқанд — 1927. 5/Х.

Бу аризага бугунги тафаккур нигоҳи билан қарар экансиз, Чўлпоннинг тилга олган хатолари унинг хатоси эмас, балки ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам фазилати бўлганлиги маълум бўлади. Негаки, жадиждар, шу жумладан, Чўлпон «миллатчилик» сўзини «миллатпарварлик» маъносида қўллаган. Уларнинг миллатпарварлиги мустамлака шароитида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан аянчли бир ҳолга келган миллатни кўтаришга қаратилган. Шундай қилиб, Чўлпоннинг «миллатчилик ва ватанпарварлик руҳида»ги шеърий ва насрий асарларидан хато ахтариш ёхуд Чўлпоннинг ундай «хатолар»га йўл қўйганлиги учун узр сўраши, аслида, кулгиликдир. Агар «миллатчилик» сўзини бугунги маъносида қабул қилсак ҳам бу тифнинг ошқора шовинизмга, ошқора мустамлакачилик сиёсатига қаратилгани аён.

Аммо давр Чўлпонга миллатпарварлик ва ватанпарварлик руҳидаги асарларни ёзиб овора бўлма, бойлар ва йўқсиллар курашида ҳақ ва ҳақиқат йўқсиллар тарафида бўлади, сен шу ҳақиқатни ёз, деб турган эди.

1918 йилнинг бошларида бўлиб ўтган Ўлка Советларининг IV қурултойида сўл эсерлар партиясининг раҳбарларидан бири К. Я. Успенский маҳаллий халқ вакилларига қарата очикдан-очик бундай деган: *«Ўртоқ мусулмонлар! Шунинг билангизки, биз сизларнинг катта оғангизмиз. Сиз кичиксиз ва тушунарлики, бизга бўйсунушингиз керак!»* Ана шундай шармандали ифодани илк бор қўллаган кимса Туркистон мухтор жумҳуриятининг биринчи маориф халқ комиссари этиб тайинланган.

Чўлпон шундай тарихий даврда қурултой ҳайъати номига ариза йўллаб, ўзининг тавба қилганини айтган.

\* \* \*

Сотти Ҳусайн «Муштумзўр» пьесаси ҳақидаги мақоласида қоқоқ фикрдаги қишлоқ кенгаши раисини салбий қаҳрамон, унинг хотини ва ўғлини ижобий қаҳрамон сифатида тасвир этгани ва ҳатто май-

ли шўро кишилари тарафида бўлганига қарамай, Чўлпонни майда буржуазия мафкурасидан чиқа олмаганликда айблади.

Чўлпоннинг шундай шароитда бадий юксак сахна асарларини яратиши маҳол эди. Бунинг устига, театрни шўро сиёсатининг беминнат тарғиботчиси, деб билган раҳбарлар ундан замонавий асарлар ёзишни, демак, Чўлпондан партия сиёсатини ўз асарлари билан қўллаб-қувватлашни талаб қилдилар. Чўлпоннинг шу йиллардан бошлаб сахна асарларини кам ёзганлигининг боиси ҳам шундай асарлар ёзишдан жирканишидир. Шунинг учун ҳам у Москвада бошлаган ишини давом эттириб, рус ва Овропа драматургларининг талайгина пьесаларини ўзбек тилига таржима қилди. Булар орасида Шиллернинг «Босмачилар», Пушкиннинг «Борис Годунов», Горькийнинг «Егор Буличев ва бошқалар», Билль-Белоцерковскийнинг «Пўртана» ва «Акс-садо», Файконинг «Портфелли киши», Левитининг «Хукм», Третьяковнинг «Наърангни торт, Хитой» сингари асарлар борки, уларнинг ўзиёқ Чўлпоннинг миллий театр санъати равнақи учун таржимон сифатида ҳам улкан ишларни рўёбга чиқарганидан шаҳодат беради.

Қолаверса, Чўлпон театр танқидчиси ва театршунос сифатида нафақат ўзбек театри ва театр гуруҳларида қўйилган энг муҳим асарларга тақриз ёзди, балки театр санъати назарияси ва амалиётига доир муҳим мақолалари билан ҳам санъатшунослик фанининг туғилишига катта ҳисса қўшди. Агар бу силсиладаги Гоцци ва Голдони пьесаларига хос итальян каламбурлари ва бадиҳа санъати билан боғлиқ ажойиб қочиримларни ўзбек фольклори ва жонли халқ бойлигидан озикланган ҳолда зўр маҳорат билан таржима қилганини ва худди шу ҳол «Хужум»да ҳам ёрқин намоён бўлганини эътиборга олсак, унинг пьеса таржимасини оригинал ижод даражасига кўтаргани ойдин бўлади.

\* \* \*

20-йиллардаги адабий муҳит куз ҳавосидек беқарор бўлган. Бугун Чўлпон устига туҳмат тошларини ёғдирган кишилар бир думалаб унинг дўстлари қаторидан жой олмоқчи бўлган бўлсалар, кечаги дўстлар эртага уни жар ёқасига олиб боришнинг янги-янги

режасини тузганлар. 1928 йилда Чўлпоннинг замонавий мавзудаги «Ўртоқ Қаршибоев» деган янги пьесаси майдонга келганида ҳам шундай воқеа содир бўлган.

Сотти Ҳусайн билан бирга 1942 йили қамалган журналист Ориф Аюповнинг тергов пайтида берган кўрсатмалари орасида шундай бир маълумот ҳам бор. 1928 йили Чўлпоннинг навбатдаги замонавий пьесани қўлдан чиқарганини эшитган ёзувчилар «Ўртоқ Қаршибоев»ни Тошкент йўқсил ёзувчилар уюшмасининг йиғилишида муҳокама қилмоқчи, ҳали асарни ўқимай ва унинг қандай эканлигини билмай туриб, драматургнинг «пўстагини қоқмоқчи» бўлганлар. Йўқсил ёзувчиларнинг ғайри ниятда эканини пайқаган Сотти Ҳусайн бошлиқ бошқа бир гуруҳ кишилар «Ўртоқ Қаршибоев» ўзбек шўро драматургиясининг энг яхши намуналаридан бири, уни танқид қилишга йўл қўймаймиз, деб ўз аҳдларида қатъий туриб олганлар. Аммо йўқсил ёзувчилар ўзларининг мафкуравий раҳбарларидан бири бўлмиш Сотти Ҳусайн ва унинг тарафдорлари устидан шикоят қилиб, ҳатто уларни миллатчиликда айблаб, Тошкент вилояти партия қўмитасининг котиби Алимовнинг ҳузурига чиққанлар. Алимов эса уларга қулоқ ҳам солмай, Чўлпонни ва унинг асарини саводсиз, талантсиз ва ичи қора кимсалардан ҳимоя қилган ҳолда Тошкент йўқсил ёзувчилар уюшмасини тарқатиб юбориш кераклигини айтган.

Боту Москвадаги Бутирька қамоқхонасида Ўзбекистондаги аксилинқилобий ташкилот тўғрисида ёзма маълумот берар экан, Чўлпоннинг драмстудияга «ғоявий раҳбар» сифатида белгиланиши тўғрисида ёзгач, яна бундай сўзларни айтишни лозим кўрган.

*«Мен шу масалада (Чўлпонни студиядан ҳайдаш масаласида демоқчи — Н.К.) 1929 йили (октябрь ойи бўлса керак) Икромов билан унинг уйида гаплашдим. У Чўлпонни нафақат ўз ўрнида қолдириш, балки унга янги асарлар ёзишни таклиф этган ҳолда уни кўтариш лозимлигини ҳам айтди, негаки, у зиёлилар ўртасида обрў-эътиборга эга ва унинг асарлари (ёшларни) миллатчилик руҳида тарбиялаш ишига катта ёрдам беради, деди у. Шундан кейин мен 1929 йил охирида ёзувчиларнинг «Қизил қалам» деган ташкилотининг кўп кишилиқ умумий йиғилишида «Чўлпонни Чўлпон*

бўлгани учун уриш керак эмас, балки унинг ўзидан фойдаланилган ҳолда асарларини танқид қилиш керак»лигини қатъий туриб айтдим. Мени Рамзий ва бошқа миллатчилар қўллаб-қувватлашди. Дарвоқе, маърузадан кейин мени кўрганларида Фитрат, Элбек, Санжар ҳам (уларнинг ҳаммаси эскирдан аксилинқилобчилар) менга қўшилишди. Аммо шу билан бирга баъзи бир норози кишилар ҳам бўлди.

Чўлпоннинг «Ўртоқ Қаршибоев» пьесасининг кўриги бўлганда айрим кишилар кўрикдан кейин муҳокама бошлашни илтимос қилишди. Ёнимда ўтирган Икромов менга секингина қилиб бунга йўл қўмаслигимни айтди. Мен (бу кишиларга) эътироз билдирганимдан кейин улардан бири, кимлиги ёдимда йўқ, Икромовга мурожаат қилган эди, у: «Мана, қаршингизда маориф халқ комиссарининг ўринбосари ўтирибди, ундан сўранг», деди. Агар муҳокамага ижозат берилганида, албатта, Чўлпоннинг астар-пахтасини чиқариб юборган бўлардилар.

1930 йил майининг сўнгги кунларида ЎзССР МИҚ фракциясининг мажлисидан кейин Икромов қандайдир асарни ёзиб беришини сўраб, Чўлпонга мурожаат этишни менга таклиф қилди. У очиқ айтмаса ҳам мен унинг Чўлпонга бўлган муносабатини яхши билганим учун унинг бу таклифдан кўзда тутган мақсадини тушундим: у Чўлпоннинг обрўсини кўтариб, ёшларни унинг асарлари мисолида тарбияламоқчи эди».

Чўлпон атрофида кечган яширин ва ошкора курашнинг бундай лавҳалари билан танишар экансиз, унинг драматург ва театр арбоби эканлигини унутиб қўйишингиз ҳеч гап эмас. Зеро, унинг атрофида кечган воқеаларнинг ўзи бир неча пьесага — комедияга ҳам, драмага ҳам ва, албатта, трагедияга ҳам етарли материал беради.

## Турсуной

Ўзбек Давлат драма труппаси ёхуд Марказий труппа 1928 йилнинг баҳор ва ёз ойларида жумҳурият шаҳарлари бўйлаб сафарга чиқди. Гастроль репертуарида асосан Москва студиясида саҳналаштирилган «Ёрқинной», «Маликаи Турандот», «Терговчи» ва «Пўртана» спектакларидан ташқари, «Ҳалима» ҳам бор эди.

Гастроль Бухоро шаҳридан бошланди. Труппа ўз томошаларини бошлагунга қадар аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилган, «Озод Бухоро» (илгари «Бухоро ахбори» номи билан чиққан) газетаси труппанинг шаклланиш тарихи ва спектакллари билан муштарийларни таништирган, хуллас, труппанинг келиши қутлуғ бир байрам сифатида қутилган эди.

Ўша кезларда меҳмонхоналар кўп кишилиқ жамоаларни қабул қилишга мўлжалланмагани, бу жамоаларда эса тегишли маблағнинг йўқлиги сабабли труппа аъзолари хусусий хонадонларда ётиб турар эдилар. Чўлпон ҳам, чамаси, муҳаррирлик пайтида Бухорода орттиргани биродарларидан бирининг уйида турган.

Чўлпоннинг шу кезлардаги ҳаётига оид бир хотира бор бўлиб, у бизда шоирнинг мазкур биродари маориф ходими бўлган бўлса керак, деган тахминни уйғотади.

Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, бухоролик Маҳмуд Қодиров марҳум Абул Бозоровга бундай воқеани ҳикоя қилиб берган.

*«Биз шаҳарнинг Собунгарон гузаригаги 1-сон мактабда ўқиб юрардик. Бир сафар: «Мактабга шоир Чўлпон келди, мажлис бўлади», дейишди. Ҳаммамиз бирпасда йиғилишдик. Чунки шоирнинг номини, баъзи шеърларини муаллимимиздан эшитгандик. Бу учрашувдан хурсанд бўлдик. Синфхонамизнинг муаллим ўтирадиган жойида янгича кийинган, бичими келишган бир йигит кўринди. Ёнида яна икки-уч киши бор эди. Мактаб мудиримиз шоир тўғрисида қисқача гапириб, тушунтиргач, меҳмонга сўз берди.*

*Шоир маърузага чиқиб, илм-маърифат, ўқиш хусусларида ваъз айтди. Она тили-адабиёт фани тўғрисида гапирди. Баъзи китобларнинг номини атаб, болаларнинг ўқиган-ўқимаганлигини сўради. Ҳеч ким жавоб беролмади. Чунки бизлар бундай китобларни кўрмаган эдик. Чўлпон афсусланди. Тез орада китоблар ҳам келиб қолишини айтиб, тасалли берди. Талабаларни сабоқларини яхши ўқишга даъват этди.*

*Бир вақт олдинги партада ўтирган каттақўрғонлик Зиё деган ўқувчи қўл кўтариб, ўрнидан туриб:*

*— Сизни «кўк шоири», дейдилар, шу тўғрими? — деб сўраб қолди.*

*— Тўғри, — деди Чўлпон, — мен само, фалак мавзуи-*



да шеърлар ёзганман. Мен осмонни, кенгликни, тинчликни севаман, лекин фикри-зикрим ердаги ҳаётга. Аэропланда учиб юриб ёзмайман, ўзим ҳали аэропланга минган ҳам эмасман, — деб кулди. Болалар ҳам кулишди.

Зиё ёш ҳаваскор бўлиб, шеърлар ёзиб, машқ қилиб юрарди. Мажлисдан сўнг ундан: «Нега бундай кўпол савол бердинг?» — деб сўрадик. У шоирнинг самовий шеърларини, масалан, «Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб, Энг ёруғ юлдуздан сени сўрайман» каби назмларини ўқиган ва Чўлпон ҳақида оғизда юрган гапларни эшитган экан».

Бухоролик бу талабанинг саволи бежиз берилмаган. Чўлпонни ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам туртиб, унинг ижодий мувозанатини йўқотмоқчи бўлган кимсалар энди уни ой ва юлдузларни тасвирлагани, уларга армонли нигоҳларини тиккани учун танқид қила бошладилар. Улар «кўк шоири» деган ифодага ҳақорат маъносини бериб, Чўлпон билан уни севган, унга ишонган, унинг туйғу ва орзулари билан яшаётган китобхон ўртасига нифоқ уруғларини ташламоқчи бўлдилар. Абдулла Қодирий ҳам «Тонг сирлари»га ёзган мухтасар дебчасида шу шармандали ҳолни кўзда тутиб, ёзган эди: «Анқов таъначилар шоирни ранжитса-да, мудовамат қиладилар, ҳатто «Сен — кўк шоири», дегувчилар ҳам бўлиб, чорасиз қолган шоирни уларга ўз ҳолидан шеърида жавоб беришга мажбур этадилар. Чўлпон бир шеърида:

*Сиз дейсизки, мен кўкларни ўйлайман,  
Ер бетига сира назар солмайман.  
Янглишасиз, мен кўкларга беркинган  
Ер қизидан хаёлимни олмайман! —*

*деб ёзган».*

Бухоролик маърифат фидойиларидан бири Абул Бозоров эълон қилган бу хотира Марказий труппанинг гастроли бошланиши арафаси ё гастролнинг дастлабки кунларига оид. Бу вақтда труппани кутаётган фожиадан асар ҳам йўқ эди. Шунинг учун Чўлпон, чамаси, мактаб мудирини бўлган бухоролик ошнасининг таклифини рад этолмаган. Модомики, ушбу учрашув гастроль кунларида ўтган экан, у шак-шубҳасиз, Марказий труппа ҳақида, Москвада кечган йиллар ҳақида

ҳам сўзлаб, ўқувчиларни гастроль спектакларини томоша қилишга даъват этган бўлиши ҳам мумкин.

Вақт ўтиши билан инсон хотираси хиралашади. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Қодировнинг ҳар бир сўзини тарих факти сифатида идрок этиш тўғри эмас. Чўлпон Зиёнинг саволига ҳеч қачон: «Ҳа, «кўк» шоириман», демаган. Аксинча, шоирни шу айб билан бадном этмоқчи бўлганларида, у ўзининг «кўк» шоири эмаслигини қатъий туриб айтган.

Шу учрашувдан кейин кўп ўтмай, «Ҳалима» спектакли ҳақидаги афишалар шаҳар кўчаларига осилиб, маданий Бухоро Фулом Зафарийнинг бу машҳур муסיқий драмасини ўзбек театрининг навқирон, келажакга тонг юлдузидек чароғон вакиласи Турсуной Саидазимова иштирокида кўришга муштоқ бўлиб турган бир пайтда унинг фожиали ўлими ҳақидаги хабар кўҳна Бухоро заминини остин-устин қилиб юборди. Севимли шогирдининг, ўз қизидек бўлиб қолган ажойиб актрисанинг ўлими Чўлпон қалбини қиймалаб ташлади.

\* \* \*

Турсуной Тошкентнинг Сарпараз маҳалласида туғилган. Унинг отаси Саидазим ака мардикорлик орқасида рўзғор тебратувчи қашшоқ кишилардан бири бўлган. 1912 йили Турсуной туғилганда, олдинги фарзандлари турмагани учун, унга оллоҳдан умр сўраб, шу исми берган. Турсуной икки-уч ёшда эканида, Саидазим аканинг хонадонида яна бир мусибат рўй берди — хотини қазо қилиб, норасида фарзанди билан ёлғиз қолди. Турсуной — вақт тез ўтади, дейдилар, — кўз очиб юмгунча кўзга ташланадиган бўлди. Эндигина 14 ёшга кирган қизчага кела бошлаган совчиларнинг кети узилмади. Ёши бир жойга бориб қолган, шу маҳаллалик Мирсобирбойнинг одамлари Саидазим акани ҳоли-жонига қўйишмади: қашшоқ ота ноиложликдан Турсунойни 12 ёшида эрга берди. Лекин Турсуной хўрлик ва хорликка чидайдиган аёллар зуваласидан эмасди. У бойнинг хонадонини тарк этиб, Зебинисо номидаги интернатдан паноҳ топгунича кимларнингдир уйда яшириниб, кимларнингдир уйини супуриб-сидириб яшади.

*«1924 йилда, — деб эслаганди Сора Эшонтўраева интернатдош дугонасини, — мен Зебинисо номидаги*

хотин-қизлар интернатига ўқир эдим. Шу йили Турсунойни ҳам интернатга олиб келиб, ўқишга топширдилар. Уни шу ерда биринчи бор кўрган эдим. Ранглари сўлғин, жилмаяр эди-ю, аммо юзларининг таг-тагидан ғам-алам излари кўринар эди.

Билмадим, дилимиз дилимизга тўғри келдими ёки бу қизнинг дилкашлигиданми, тез орада опа-сингилдай бўлиб кетдик. Интернат унга янги ҳаёт бағишлади. Энди у ўзининг меҳрибон мураббийлари, ҳамширалари орасида эркин тин ола бошлаган, борган сари юзларида шўхлик ва хуштабиатлик нақшлари жилолана бошлаганди. У қалби пок, ғайрати ичига сиғмайдиган қиз эди. У билан бўлган киши ҳеч қачон зерикмасди. Турсуной интернатга келгандан сўнг унинг қалбига яшириниб ётган талант сирлари сезила бошлади. У жуда ширин кўйлаб, нозик ўйнар эди...

1924 йилнинг кузи эди. Интернатимизнинг мураббияси Робияхон ҳар иккимизни етаклаб, Маориф халқ комиссарлигига олиб борди. Ўша йили Москвадан Ўзбек драмстудиясига хотин-қизлар олинаётган экан. Бу хабарни эшитиб, жуда ҳам суюндик. Аммо Маориф халқ комиссарлигида бизни: «Ёш экансизлар, Москвага юбора олмаймиз, студияга 16 ёшга тўлганлар юборилади», дейишди. Биз эса энди 14 га қадам қўйган эдик. Оёғимизни тираб туриб олдик, ахийри, ёшимизни ошириб кўрсатиб бўлса-да, ҳар иккимизни Москвага юборишга рози бўлишди».

Турсуной ана шу тарзда, 1925 йилнинг январида Москвага келиб, Ўзбек драма студиясида ўқий бошлади. Кимдир унга ака, кимдир дугона бўлди. Аммо Чўлпон уни ўз қизидек севиб, тарбиялай бошлади.

«1925 йили, — деб ёзади К. Яшин «Ёднома» китобида, — таътилдан қайтишда Москвага тушиб, Маориф уйига бордим. Учраганлар билан салом-алик қилганимдан кейин учрашиб қўйгани Чўлпоннинг хонасига йўналдим.

Хонага яқин борарканман, ичкаридан эшитилаётган қўшиқдан ногаҳон тўхтаб қолдим. Кирайми-кирмайми? Нима қилсам экан? Бунинг устига, вақтим ҳам зикроқ, чала-чулпа ишларим кўп.

Ашула сал тинганида, хона эшигини оҳиста тақилатдим.

— Киринг, кираверинг!

*Ичкарига салом бериб кирдим, беадаблик қилганимдан мулзам тортдим ҳам.*

*Хонада Чўлпон билан студия талабаларидан ёш санъаткор Турсуной Саудаимова репетиция қилишаётган экан. Турсуной кўшиқ айтар, Чўлпон эса сўзлар талаффузи, урғулар ўрни, оҳанг, дикция ва бошқаларни кузатарди.*

*Ичкарига кирганимдан кейин ҳам машғулот тўхтамади. Чўлпон «пича ўтиринг», дегандай имо қилди-да, Турсунойга юзланди.*

*— Бошидан бошланг!*

*Турсуной фақат ўзига хос бўлган кўнғироқдай жарангдор ва ширали овозда кўшиқ бошлади:*

*Қарғалар учса, қарайлик Марғилоннинг йўлига,  
Ҳиди келса, маст бўлайлик ҳандалакнинг бўйига...*

*Чўлпон шундан кейин икковимизни бир-биримизга таништирди.*

*Турсуной Саудаимова оқ тўридан келган, сарвқомат, қоп-қора кўзлари ёниб турадиган жуда соҳибжамол жувон эди. Овози зўрлигидан истиқболи ҳам порлоқ бўлажаги сезилиб турарди».*

*Турсуной студияда саҳналаштирилган барча спектакларда бош ролларни гўзал ижро этиб, устозларининг меҳрини қозонди. Унинг ҳар бир ролдаги матнни тўғри тушуниши ва талаффуз этиши устида Чўлпон қаттиқ ишлади. Натижада Турсуной ижросидаги у ё бу қахрамоннинг сўзлари катта таъсир кучига эга бўлиб борди. Айниқса, «Икки бойга бир қарол» спектаклидаги Клариченинг Турсуной талқинидаги сўзлари ва ҳаракати томошабиннинг юрагини қитиқлаб, эс-ҳушини забт этди.*

*Чўлпон Голдонининг бу асарини ўзбек тилига эркин таржима қилиб, ундаги персонажлардан бири — Ломбардининг нутқини беришда Сўфи Оллоёрнинг ҳикматларидан, Бригеллонинг монолог ва репликаларида эса ўзбек халқ мақол ва маталларидан кенг фойдаланди. Бошқа персонажларнинг хулқ-атвори ва руҳий оламини очишга «ёр-ёр»ларни, ўзбекча оёқ ўйинларини, ўзбекона ҳаётга хос рангларни жалб этди.*

*Асар мазмуни ёдингизда бўлса, Клариче ёш «номаҳрам» ва севилмаган эркак қиёфасидаги Беатриче*

билан бир уйда қолиб, ота-онасининг истагини қондириш учун у билан хушчақчақлашишга мажбур бўлади. Шу пайт Беатриченинг эркак эмас, аксинча, ўзи сингари гўзал аёл эканлиги маълум бўлади. Турсуной-Клариче ана шу сахнани ўйнар экан, югуриб, ўша эркак либосидаги Беатриче-Соранинг олдига боради. Унинг хотин ё эркаклигини билиш учун баъзи бир хатти-ҳаракатларни қилади: мўйловини ушлаб, танларини сийпалаб кўради. Сўнгра Беатриченинг аёл эканлигини очиқ билдирадиган бир ишни қилади — уни қитиқлайди. Шунда иккаласи ҳам фақат хотинларга хос қўнғироқ овоз билан кулиб юборадилар. «Ана ўша синаш вақтида, — деб ёзади Чўлпон, — Турсуной енгил, юмшоқ ва худди ўзига махсус ҳаракатлар билан шундай ширин бир ўйин берар эдики, энди уни, билмадик, ким бера олади?»

*Сўнгра эркак қиёфатли хотин билан дўстлашади, қалинлашади, дарглашади. У хотин мундан шу дўстлик ҳурматида бир ўпиш сўрайди, сўрағонда ҳам эркакларча эмас, хотинларча сўрайди.*

— Келинг, битта ўпиб олай! — дейди...

*Шунда Клариченинг бир уёлиши бор, оддий сўзлар билан айтилади:*

— Йўқ, мен уяламан...

*Лекин шу оддий сўзга Турсуной шундай бир оҳанг берадики, у оддий сўз буткул танимаслик бир қолга келади ва хотин-қиз уялишларининг энг нозик бир онини жуда ширин қилиб кўрсатади...»*

Чўлпоннинг «Турсуной сахнада» деган мақоласини ўқир экансиз, бу ажойиб санъаткорнинг Клариче ролини қойилмақом қилиб ижро этаётганини ўз кўзингиз билан кўраётгандек бўласиз.

Чўлпон уни ўз қизидек севарди; фаройиб бир акт-риса бўлганлиги учун севарди, жаҳон театр классикасидаги энг гўзал аёл образларини ярата олувчи санъаткор бўлиб ўсаётгани учун севарди.

\* \* \*

1928 йилнинг 18 майи бутун ўзбек санъати учун, айниқса, Чўлпон учун мусибатли кун бўлди. Шу куни кечаси Турсуной ваҳшийларча ўлдирилди. Унинг етти жойига санчилган пичоқ ўзбек халқини эндигина 16 ёшга тўлган, ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган, келажаги буюк фарзандидан жудо этди. Қотил унинг

кийимларини том бошидаги мўрига яшириб, жасадини эса оғилхонадаги ифлос қудуққа ташлаган ва устига харсанг тош бостирган эди.

Турсунойнинг ваҳшиёна ўлими тўғрисидаги хабар бир зумда бутун Бухорони оёққа турғизди. Марказий труппа раҳбарлари Турсунойни шу куни ижро этиши лозим бўлган Ҳалима либосида ёғоч тобутга солиб, Самарқандга элиб кўмдилар. Бухоро Регистон майдонида буюк Турсуной билан видолашди. Мотам митингида сўз айтган Чўлпон сўзламади — йиғлади, йиғламади — дод-фигон қилди. Унинг фигонидан бутун Бухоро юм-юм кўзёш тўқди.

Бундан олти йил аввал Ваннайча, худди Турсунойдек, ваҳшиёна ўлдирилганда, Чўлпон қалбидан бундай фигонли сўзлар отилиб чиққан эди:

*«Гулдан айрилган сахна, кел, кўнглингдаги аламларга қўлимдан келган қадар тилмочлик қилай! Қизидан айрилган халқ, кел, қайғуларингга ўртоқлашай!»*

*Унинг руҳияси бўғизларида ўткир пичоқни ўйнатган қотил, кел, бутун шу миллион қўллар ўрдусининг барча лаънатини қора юзингга ирғитай!»*

*Халқнинг алами, сахна қайғуси, қўллар ўрдусининг қарғишлари, уз, менинг кўз ёшларимдан йиғилган гуллар тўпламини, кел, эй ўзгариш қизи, қўлик суйгучиларнинг юзлари каби қора бўлган қабр тупроқларингга... сочиб, ёйиб юборай!..»*

\* \* \*

*«1928 йилнинг май ойида Боқуда эдим. Бирдан мўғлиш хабар эшитдим, — ёзган эди Ҳалима Носирова. — Турсуной Саидазимова фожиёна ўлдирилибди. Мен қаттиқ ҳаяжонланганимдан ҳатто йиғлай олмадим ҳам.*

*Самарқандга қайтиб, театрда ишлай бошладим. Николай Назарович Мироновдан музика саводини ўргана бошладим. Самарқандда у билан биринчи учрашувим ҳамон ёдимда. Ўшанда унинг уйига борган эдим, эшикни унинг ўзи чиқиб очди. Ранги оқариб кетган. Кўзларида ёш.*

*— Турсунойдан айрилиб қолдик, — оғир хўрсинди у. Чўнтагидан гастрўмолини чиқариб, юзини беркитди ва шу ҳолатда бир неча лаҳза жим туриб қолди...»*

Агар марказий труппанинг, ундан аввал эса драм-студиянинг мусиқий раҳбари Мироновни Турсуной-

нинг ўлими шунчалик ларзалалаган бўлса, у ҳолда Чўлпоннинг ўша кезлардаги руҳий ҳолати қандай бўлган экан?..

\* \* \*

Орадан неча йиллар ўтиб, руҳий жароҳатлари бир оз малҳам топгач, Чўлпон «Кеча ва кундуз» романидаги Зеби-Зебона образида Турсуноининг машаққатли ва фожиали қисматини тасвирлаб, унинг хотирасини абадийлашгирди.

### «Хужум»

Турсуноининг фожиали ўлими 20-йиллар ҳаёти-нинг муҳим масалаларидан бири — хотин-қизлар озодлиги мавзусининг театр репертуарида акс этишини тақозо этди. Боз устига, раҳбар ташкилотлар ижодий муассасалар эътиборини бу масалага алақачон қарата бошлаган эдилар. Чунончи, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1926 йил 20 сентябрь со-нида ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси хотин-қизлар бўлимининг Ўрта Осиё ёзувчиларига мурожаати эълон қилинди. 1927 йилнинг 31 январида Ўрта Осиё жумҳуриятлари Компартияларининг Марказий Комитетлари ҳам шу масала бўйича қўшма мурожаат қабул қилди. Ўша йилнинг 12 июлида эса ВКП(б) Марказий Комитети «Ўрта Осиё хотин-қизларини озодликка чиқариш тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Шу тарзда «хужум» оммавий ҳаракати бошланиб кетди.

Бугун, орадан етмиш йил ўтгач, бу ҳаракатга баҳо берар эканмиз, унинг муайян ижтимоий аҳамиятта мо-лик бўлганини эътироф этиш билан бирга большевик-ларнинг бошқа сиёсий тадбирлари сингари, бу ҳара-кат ҳам мавжуд тарихий-ижтимоий ва диний-маиший шароитни инобатга олмай, зўрлик ва зўравонлик қонун-лари асосида ўтказилгани ва шу туфайли юзлаб ёш ниҳолларнинг жувонмарг бўлганини қайд этиш тўғри бўлади.

Чўлпон, Турсуноининг ўлими таъсирида, даврнинг ўша ижодий буюртмасини тезроқ адо этиш лозим, деб тушунди ва шу кезлари Самарқандда, Маориф халқ комиссарлигининг Ёзги театрида қўйилган «Хужум» — ҳуррият қизи» спектаклидан фойдаланмоқчи бўлди.

1927 йил 29 август куни ҳаваскорлар ижросида на-  
мойиш этилган бу спектакль ўзининг енгил ва қувноқ  
руҳи билан «Маликаи Турондот»га ҳамоҳанг бир асар  
эди. Шунинг учун ҳам Чўлпон унинг муаллифи В. Ян  
билан учрашиб, у билан ҳамкорлик қилишни дилига  
тугди.

Владимир Григорьевич Янчевецкий (1875—1954)  
Ўзбекистонга дастлаб 1926 йилнинг 14 декабрида ке-  
либ, 1928 йил 31 декабрда Москвага қайтиб кетган ва  
шу вақт мобайнида қишлоқ хўжалиги тизимига қараш-  
ли идораларнинг бирида иқтисодчи бўлиб ишлаган.  
Лекин Ўзбекистонда шу айёмда авж олган «Ҳужум»  
ҳаракатини, бир томондан, эски феодал тузумини уш-  
лаб турган устунларнинг қулаётгани ва, иккинчи то-  
мондан, янги кучларнинг, муносабатларнинг, қараш-  
ларнинг уйғониб келаётганини кўрган В. Ян (Янчевец-  
кий) ўзбек воқелиги манзараларидан илҳомланиб,  
«Ҳужум» пьесасини яратди ва шу асари билан ўзбек  
маданияти тарихига кирди.

М. В. Янчевецкий отаси тўғрисидаги хотираларида  
бу ҳақда ёзади:

*«Ўрта Осиё қишлоқларида ўша вақтда босмачилик,  
фанатизм ва хурофотга қарши... олиб борилган кураш  
хотин-қизларни озод қилиш учун кураш даврига тўғри  
келди. Ўзбек хотин-қизларининг ҳуррият сари йўли улар  
қони билан тўлди. Матбуот паранжини ташлаган ёш  
хотин-қизларнинг ваҳшиёна ўлдирилаётгани ҳақида ха-  
бар бериб турди.*

*Ўз ақидаларига содиқ бўлган отам, бу масалада ҳам  
кечаётган жараёнга бефарқ қарай олмади. У Шарқ хо-  
тин-қизларининг озодлиги учун кураш мавзусида «Ҳужум»  
пьесасини ёзиб, Минусинск ва Москвадан ўрнак олган  
ҳолда актёр-болалар гуруҳини ташкил қилди, таниш-  
билишларини уни саҳналаштириш ишига жалб этиб,  
Ёзги театр режиссёрлари ва катта ёшдаги артистла-  
рини, саҳна ишчиларини ўз юяси билан қизиқтирди.*

*Илк бор ҳаваскор болалар труппаси томонидан Са-  
марқанд саҳнасида В. Тихонович томонидан кўйилган  
бу пьеса... томошабин томонидан яхши қарши олинди  
ва келажакка йўланма олди».*

М. В. Янчевецкий 1963 йил 8 октябрда В. Ян ижо-  
дининг тошкентлик тадқиқотчиси Татьяна Лобановага  
йўллаган хатида спектакль ҳақида бир оз бошқача  
маълумот берган:



«...«Хужум» тез ёзилган. Фақат уни саҳналаштиришдек энг мушкул иш қолган эди, холос. Ўша кезларда биринчи марта саҳна юзини кўрган бу асар мутлақо отамнинг топқирлиги ва вайрат-шижоати маҳсулидир.

Самарқандга малакали театр бўлмаган. Гоҳо-гоҳо Ёзги театрда четдан келган гастролчилар томонидан «Хўрозқанд сарбоз» қабилудаги мўмайгина пул келтирувчи «харидоргир» пьесалар кўйилар эди. Шунинг учун ҳам асарни В. Яннинг ўзи саҳнага кўйди. Артистлар эса менга ўхшаш 16—18 ёшлардаги йигит ва қизлар бўлишган. (Мен Эшонни ўйнаганман.)»

Кўрамизки, М. В. Янчевецкий ўз хотираларида бири-бирига зид фикрларни ҳам олға сурган. Бунинг сабаби фақат бир нарсада — В. Яннинг спектакль тақдиридаги ролини ошириб кўрсатишга интилишдадир.

\* \* \*

Сотти Ҳусайннинг «Хужум»ни қаҳқаҳалар билан томоша қилдик» деган мақоласида бундай сўзлар ҳам бор: «Хужум» ҳозирги давримизда сўнгги нафасларини олиб турғон руҳонийлар ҳаётидан олиниб ёзилгон. Ян асари... Русчадан таржима қилгон Чўлпон бу асарга борлиқ маҳоратини тўкиб солгон...»

Бизнинг кўлимизда мавжуд бўлган «Хужум»нинг ўзбекча матнида ҳам «Ян асари, Чўлпон таржимаси» деган сўзлар ёзилган. Хуллас, бу манбаларда Чўлпоннинг «Хужум»га фақат таржимон сифатидагина алоқадорлиги таъкидланган.

Энди инсоф юзасидан сўзни В. Яннинг ўзига берайлик. У Чўлпон билан яқин ижодий алоқада бўлгани сабабли «Катта Шўро қомуси» таҳририяти 1933 йили унга Чўлпон тўғрисида мақола буюрганида, ушбу нашрнинг 61-жилдида ўзбек ҳамкасби тўғрисида маълумот бериб, жумладан, бундай ёзган: «Чўлпоннинг сўнгги энг муҳим асарлари: мусиқий комедияси «Хужум», 1927 (В. Ян билан ҳамкорликда) — ўзбек хотин-қизларининг озодликка чиқиши ва руҳонийлар таъсирига қарши кураш тўғрисида...»

Яна шу муаллиф кундаликларининг 1933 йил 7 октябрга тегишли саҳифасида ёзилишича, Чўлпоннинг Москвадаги уйида «ҳозир бўлган бур ўзбек «Хужум»нинг (биз уни Чўлпон билан биргаликда ёзганмиз) (таъкид бизники — Н. К.) бир пайтлар ман этилгани,

эндиликда эса яна қўйшлаётгани ва клубларда ўйналаётгани»ни айтган.

В. Ян ўша кечани тасвирлаб, яна бундай ёзган:

*«...Шоир Шенгели рафиқаси билан ҳозир бўлди. У Ўзбекистон ва Туркменистондаги қурилишларга бағишланган янги шеърларини ўқиди.*

*Чўлпон биринчи қадаҳдан кейин қувнаб, Шарқдаги турли элатларнинг қўшиқ айтишларига ғоят кулгили равишда тақлид қилган ҳолда Шарқ шеърлари ва ашулаларини айтди. Хўжа Насриддиннинг ажойиб шарқона латифаларини ҳикоя қилиб берди.*

*Бу латифалар менда улардан кулгили пьеса-буффонадани қуришда фойдаланиш фикрини уйғотди...»*

В. Ян кундаликларида муҳрланган бу сўзлардан шундай хулосага келиш мумкин: ўзбек воқелигини юзаки билган бу ёзувчининг «Хужум»ни яратиши, шак-шубҳасиз, Чўлпоннинг иштирокисиз, у берган «туртки»ларсиз мумкин эмас эди. Чўлпон бу асарнинг яратилишида нафақат таржимон, балки, даставвал, адабий ва этнографик маслаҳатчи сифатида қатнашган, асарнинг умумий йўналиши ва композициясини ишлаб чиқишда иштирок этган, сўнг таржима қилиш жараёнида асарга янгича ҳаёт бағишлаган. Ҳатто Сотти Ҳусайн ҳам бу ҳолни четлаб ўтолмай, «Асар умуман яхши тuzилган. Унинг устига Чўлпоннинг санъати қўшилиб, яна ҳам таомлик бўлиб, томошабиннинг диққатини ўзига яхши тортди», деб эътироф этишни лозим топган. Мунаққид бу сўзлар билангина чекланиб қолмай, яна: «Русчадан таржима қилгон Чўлпон бу асарга борлиқ маҳоратини тўкиб солгон. Асарнинг қуруқ тилини эмас, ҳатто кишининг завқини қитиқлайдиган сўз ўйинларини жой-жойида ишлатиб, мукаммаллаштиргон».

Аммо Чўлпон, чамаси, ўзининг олижаноблиги туфайли асар қўлёзмаси тагига «Чўлпон таржимаси» деб имзо чеккан ва уни кўчирган хаттот ҳам қўлёзмасида шу сўзларни айнан сақлаб қолган. Ўз навбатида, В. Ян ҳам «Катта Шўро қомуси»га ёзган мақоласида олижаноблик кўрсатиб, «Хужум»ни ҳар иккалалари бирга-лиқда ёзганларини айтган.

Тўғри, орадан бир неча йиллар ўтиб, «Хужум» СССР халқлари театрлари олимпиадаси пайтида (1930) Москвада намоиш этилиб, зўр муваффақият қозонганида спектакль афишасида ёлғиз ўзининг қолишини истаб, асардан Чўлпон киритган саҳналарни олиб таш-

лашни талаб қилган, Чўлпон «халқ душмани» сифатида отиб ташлангани ва «Хужум»ни қайта саҳнага қўйиш масаласи кўтарилганда эса В. Ян кундаликларига бундай сўзларни қайд этган:

*«Мен 1927 йили Самарқандга қўйилган «Хужум»нинг режиссёри Валентин Владимирович Тихоновнинг маърузасини эшитдим. У «Хужум»нинг ўзбек театри репертуаригаги энг яхши пьеса бўлганини айтди.*

*Мен унинг ҳамма нарса тўғри, атрофлича ва аниқ айтилган маърузасига юксак баҳо бердим ва «аниқроқ бўлсин учун» кўйидаги тузатишни киритдим: пьесани, у айтганидек, икки муаллиф эмас, балки биргина Ян 1, 2 ва 3-кўринишларини ёзган; 4 —, бозор саҳнасини эса таржимон Чўлпон Сулаймонов ўзбошимчалик билан (таъкид бизники — Н. К.) ўзбекча матнга киритган: аммо бу саҳна интермедия сифатида кечиб, пьеса қахрамонлари унда ҳатто иштирок ҳам этишмайди. Мен бунга эътироз билдирмаганман, зероки, Чўлпон, истеъдодли шоир, бу саҳнани шўх-шаън, фольклор матнларига кўра тилик шаклда ёзган эди».*

Агар ўзбек ёзувчи ва танқидчиларининг Чўлпонга узоқ йиллар мобайнида тинимсиз равишда лаънат тошларини ёғдириб келганини эсласак, бу сўзлар улар олдида ҳолва бўлиб қолади. Шунга қарамай, «Хужум»ни қайта саҳнага чиқариш дардига чалинган рус адабининг бу мунофиқлигини кечириб қийин.

Энди юқорида баён қилинган мулоҳазаларга яқун ясасак, Чўлпон, биринчидан, «Хужум»нинг В. Ян хаёлида асар сифатида пишиб етиши, унда миллий руҳ ва урф-одатларнинг тўғри инъикос топиши, иккинчидан, томошабинга энг манзур ва мақбул бўлган бозор саҳнасининг ёзилиши, учинчидан эса, асарнинг ўзбек тилига, Сотти Ҳусайн айтганидек, қойилмақом қилиб таржима этилишида иштирок этган. Шунинг учун В. Ян ҳам, асарни саҳнага қўйган Уйғур ва В. Тихоновичлар ҳам Чўлпонни тўла қонли муаллифлардан бири сифатида тилга олиб келганлар. Шунинг учун ўзбек театри тарихига бағишланган ишларда «Хужум» бу икки муаллифнинг асари ўлароқ қайд этилиб ва таҳлил қилиниб келади.

М. В. Янчевецкий хотираларига келганда, уларни мутлақ ҳақиқат сифатида эътироф этиш қийин. В. Ян архивида сақланиб қолган пьесанинг русча матни сўнгида «29/VIII 1927 й., Самарқанд» деган сўзлар

борки, уларнинг кейинчалик рақам қилингани шубҳа уйғотмайди.

Зеро, «Хужум — ҳуррият қизи» спектаклининг афишасида қайд этилганидек, бу асар 29 августда ҳаваскор болалар ижросида сахнага қўйилган. Ўзбек сахнасида намоийш этилган «Хужум» эса, шу санадан анча кейин, В. Ян билан Чўлпоннинг ҳамкорлигида яратилган.

Агар ушбу асар, қайд этилганидек, 1927 йилнинг 29 августида ҳаваскорлар томонидан намоийш этилган бўлса, у катта сахна юзини кўрган 1928 йилнинг 21 июлига қадар қарийб бир йил ўтган. Аммо бу шунчаки бир йил эмас, балки театрнинг пешқадам артисти Турсуной Саидазимованинг фожиали ўлими содир бўлган йил эди. Эҳтимол, шу мусибат муносабати билан муаллифлар «Хужум»нинг бош қаҳрамонига Турсуной номини бергандирлар. Агар шу тахминимиз асосли бўлса, у ҳолда В. Ян архивида сақланиб қолган пьеса матни 1927 йилдан кейин жиддий таҳрирга учраган.

«Хужум» пьесаси мусиқий буфф-драма шаклида сахна юзини кўрди. Асарнинг бундай сахна талқини муаллифлар ғояси билан мутлақо уйғун эди. Шунинг учун ҳам асар гарчанд партия чақириғига жавобан ёзилган ва тарғибот характеридан холи бўлмаган эсада, унда «хотин-қизларни паранжи асоратидан озод қилиш ғояси» эмас, балки эски турмуш манзаралари устидан кулиш, халқ ва жамият ҳаётига янги давр — XX аср шабадаларини олиб кириш тамойили устуворлик қилади.

Пьеса негизида Турсун исми шўх ва жўшқин комсомол қизнинг чиркин одатлар ҳали ҳам хотин-қизлар бахтига чанг солиб турган қишлоқлардан бирига бориши ва у ерда ёш қизга уйланмоқчи бўлган саксон яшарлик Эшонни фош этиши билан боғлиқ ҳаётий воқеа ётади. Аммо пьесани сахналаштириш жараёнида режиссёр ҳам, артистлар ҳам ўз хаёлларига кенг эрк бериб, бадиҳа санъатидан беқиёс даражада самарали фойдаландилар. Спектаклга ҳатто пьеса матнида мавжуд бўлмаган персонажлар ҳам киритилиб, малакали театр имкониятларини ўзбек халқ театри анъаналари билан бойитдилар.

Афсуски, пьесанинг ўзбекча матнида Чўлпон томонидан ёзилган бозор сахнаси йўқ. Бир томондан, ки-

тобхонга асарнинг шу саҳнаси тўғрисида тасаввур бериш, иккинчи тарафдан, спектаклда катта бадиий куч ила намоиш этилган бадиҳа санъати билан таништириш истагида таниқли театршунос Тошпўлат Турсуновнинг «Октябрь инқилоби ва ўзбек театри» (1983) китобидан қуйидаги парчани айрим жузъий қисқартиришлар билан келтирсак:

*«Тўртинчи кўриниш — барча туманлар ва олис жойлардан келган халқнинг ҳар куни йиғилиб турган жойи — чойхона ва бозор майдони саҳнаси — жуда мароқли ҳал этилган...*

*Бозор куни бу ерда оғамлар гавжум. Ҳамманинг ўз ташвиши бор: бу ерда ҳар куни ташриф буюрувчи Мулла чойхонага жойлашиб олиб, теварак-атрофига тингловчилар даврасини тўлаб улгурган. Бурчақда ўтирган Чегачи синиқ идиш-товоқларга қайта ҳаёт бағишлаб турибди. Сал нарида Ўзбекторгдан келган сотувчи ўғирланган керосинни пуламоқда. Унинг ёнида эса хусусий Сартарош михдек жойни эгалаб турибди. Шу ернинг ўзига нашавандлар, қартавозлар, ўғрилар, хўроз ва бедана ўйини ишқибозлари...*

*Шундай қилиб, ҳамма ўз иши билан овора. Мулла, масалан, тингловчиларни лақиллатиб ўтирибди. Шу пайтда бозор майдонидан радио овози биринчи марта янграб қолади. Шарқ мусиқаси садолари эшитилиши билан қашқарлик Чегачи «Яша Қашқардан чиққанда» деган ашулани олиб, сафоил ўйнаб, рақсга туша бошлайди. Халқ Чегачи (А. Ҳидоят)ни тинглаб томоша қилади.*

*Мусиқада Оврupo рақс оҳанглари эшитилиши билан комсомоллар Эшоннинг биринчи душманлари ўйнай бошлайдилар. Эшон ҳассаси билан улар томонга ташланади-ю, шу заҳоти тошдек қотиб қолади. У очик чехрали комсомолларнинг рақс тушаётганини кўриб, ўз кўзларига ишонмайди ва беихтиёр унинг ўзи ҳам ликиллай бошлайди.*

*Бу тафсил Эшоннинг аёл зотига лоқайд бўлмаган кимса эканини яна бир бор таъкидлайди. Бу катта кўринишнинг мазмунига келганда, шу нарса равшанки, театр ўша даврдаги ҳаётнинг мураккаб, кўп ҳолларда ўта зиддиятли томонларини мумкин қадар тўла кўрсатишга интилган».*

Хуллас, Ҳамза театри «Ҳужум» спектакли устида завқ-шавқ билан ишлаб, Сотти Ҳусайн айтмоқчи, ки-

шилар қаҳқаҳа билан томоша қилувчи ажойиб сахна асарини яратди. Бу асар қанчалик миллий бўлмасин, 1930 йилда Москвада собиқ СССР халқлари театрларининг олимпиадаси кунларида намойиш этилганда ҳам, 1931 йилда Озарбайжон пойтахтига олиб борилганда ҳам қардош томошабинлар ўртасида катта муваффақият қозонди. «Ҳужум» том маъноси билан Марказий труппанинг ижодий қуввати ва бадиий камолотини белгиловчи «Маликаи Турондот» сингари байрам-спектакль даражасига кўтарилган эди.

Минг афсуслар бўлсинки, мазкур асарнинг В. Ян ва Чўлпон қаламига мансуб нусхаси бизга тўла ҳолда етиб келмаган. Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг фольклор бўлими архивида сақланаётган ягона нусха Шариф исми номаълум котиб томонидан кўчирилган бўлиб, унда ремаркалар (драматург қайдлари) тушириб қолдирилган, бозор сахнаси эса мутлақо йўқ. Асарга кейинроқ киритилган Козим ака, Чегачи, Керосинчи, Мулла сингари персонажлар ҳам ушбу матндан четда қолган.

\* \* \*

Марказий труппа ўзбек театри эришган ютуқлар билан кенг томошабинлар оммасини таништириш мақсадида 1928 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Фарғона водийсига гастроль сафари билан борди. Қўқон, Наманган, Андижон, Марғилон ва Фарғона шаҳарларида труппанинг олти спектакли — «Маликаи Турондот», «Ҳужум», «Ёрқиной», «Ҳалима», «Мўшгумзўр» ва «Денгиз бўрони» («Пўртана») намойиш қилинди. «Ҳалима»дан бошқа барча спектаклларнинг майдонга келишида Чўлпон ё драматург, ё таржимон сифатида иштирок этган эди.

Чўлпон ана шу гастроль муносабати билан ёзган мақоласида бу олти спектаклни шундай тавсиф ва таъриф қилган:

*«1 — «Ёрқиной». Бу нарса жумҳуриятимизнинг ҳар томонига жуда кўп қўйилган. Уни 1926 йил ёзига Масковдаги ўзбек грам мактаби Қўқон, Андижон, Тошканд, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида қўйди. Маҳаллий давлат ва ҳаваскор труппалари эса ҳамма шаҳарларда деярлик кўп марта такрор қилдилар. Шу учун бу нарса тўғрисида таърифга киришмасдан, ёлғиз шу-*

нигина айтамызким, давлат труппасининг қўйишида бу асар ўзининг йўналиши билан биринчи асарлар қаторига ўтади. Айниқса, Кал роли жуда кучли қилиб ишланган.

2 — «Ҳалима» кўп қўйилишида ҳамма пьесалардан ортиқ туради. Ўзининг ёқимли куйлари билан халқни қанча мафтун қилғон бўлса, шуҳрати билан ҳам Фулом Зафарийга рус матбуотида «ўзбек бастакори» (композитор) номини бердирди.

Давлат труппаси марказий раҳбарлик идораларининг тавсияси билан «Ҳалима»даги курашни бир қадар кучайтириб, ўша даврнинг маданий бир ҳаракати — жадидликни очиғроқ кўрсатишга тиришди. Шу учун пьесанинг охирига гўзал бир парда ортдирилди ва бошқа қаҳрамонларга (айниқса, Ҳалиманинг акасига) анча кенглик ва равшанлик берди. Давлат труппасининг қўйишида баъзи бир куйлар ҳам ортдирилган, қўшуқларнинг шеърлари ҳам бир қадар янгиланган.

3 — «Муштумзўр» пьесаси бу кунги шўро қишлоғидоғи қора кучлар билан ёш бўғиннинг курашини ва шўролар усулининг Шарқ хотин-қизларига қандоқ кенг йўл очқонини кўрсатади. Бу жигдий шўро фожиасини юзага чиқариш йўлида биринчи тажрибадур. Бу асар Самарқанд ва Тошкандларда ҳали қўйилғони йўқ. Агар омма томонидан мақбул кўрилса, шўро фожианавислигининг бу биринчи қадами келгуси ишлар учун ўлчов бўлади.

4 — «Маликаи Турондот» Италия адиби Карло Хоцциники. Бундан 200 йилча бурун ёзилғон бу асарни саҳнага қўйгувчи русларнинг улуғ режиссёри Вахтангов; Вахтанговнинг шогирдлари асарнинг Чўлпон томонидан қилинғон таржимасини Масков ўзбек драмма мактабига қўйиб берган эдилар.

Вахтанговчилар бу асарни ўтган ёз Париждаги бутун дунё театр кўрғазмасига олиб бориб қўйдилар. Қўйилиш асосларидан хабардор бўлғонга, бу асар томошачига кўп янгиликларни очади. Ўзбек давлат труппаси ўзи ҳам бу асарни жуда яхши кўради.

5 — «Денгиз бўрони» («Шторм») Масковдаги Касаба союзлари номидоғи театрнинг шуҳратли асарларидан. Октябрь инқилобининг биринчи йилларини — ички урушларнинг қизғин даврини жуда очиқ кўрсатади. У Октябрнинг оловли тарихидур.

*Бу асарни труппа нукул муташаккил тамошачига кўрсатмоқ учун репертуарга киргизган.*

6 — «Хужум» паранжига бўлгон хужумнинг қишлоқ-доғи омилларини кўрсатади ва Ян томонидан ёзилгон русчаси ўзбек ҳаётини тўғри кўрсата олгон бўлса ҳам, сахнада у қадар муҳим бўлиб чиқмас эди. Труппанинг ишлаши орқасида бир парда ортдирилди. Йигирмалаб кўйлар ва ўйинлар қўшилди, тиллар ёруғлантирилди, натижада бу асар яхшигина бир «оперетта»га айланиб қолди».

Чўлпоннинг бу сўзларидан шу нарса ойдин бўладики, у ўз қаламидан чиққан асарлар билан кифояланиб қолмай, айти пайтда бошқа муаллифларга мансуб пьесалар (масалан, «Ҳалима»)нинг ҳам юқори савияга кўтарилишига муносиб ҳисса қўшган.

Марказий труппанинг 19—29 сентябрь кунлари Андижонда ўз спектакллари намоиш этгани тўғрисида бир хотира бор. Шоирнинг андижонлик қаламкаш биродари Улфат бундай ҳикоя қилган: «Чўлпон «Хужум» пьесасини 1928 йилнинг кузига Андижонда намоиш этган. Мен уни бир гуруҳ ўртоқлар билан томоша қилганман. Андижон бозорининг култеласида каттагина хона бўларди. Унинг ичига қозиқ қоқилиб, тахта михлаб, ўтиргичлар қилинган. Саҳна ҳам хонаки усулда ясалган эди. Пьесадаги Кўр қори ролини Исҳоқжон Каримов, милиция бошлиғи ролини Чўлпоннинг ўзи қиёмига етказиб ўйнаган».

Чўлпон бу асар ҳақида сўзлаб, «Хужум» нақадар ғайрижиддий ва енгилтак нарса бўлса ҳам ўзбек сахнасида бир неча йил гулдек умр кўрди. Уни жиддий ишдан сўнг чинакам дам олмоқ устаган тамошачи ҳамма вақт кўнгулдан олқишлади», деб ёзган эди.

## **Самарқанд хотиралари**

Миллий театр фақат замонавий мавзудаги асарлар билан чегараланиб қолса, халқнинг ўз тарихидан узилиши учун яна бир шароит пайдо бўлганидек, шу санъатнинг миллий негизда равнақ топишига ҳам салбий таъсир этади. Негаки, классика классикадир. Ўтмиш адабиёти дурдоналарининг замонавий мавзудаги асарлардан фарқи ҳам шундаки, улар ўлмайди.

Бугун 20-йилларда намоиш этилган замонавий мавзудаги асарларнинг бирортасини сахнага қўйиш



мумкин эмас. Уйғур ва Чўлпоннинг узоқни кўра олиш иқтидори шунда кўриндики, улар айна пайтда мумтоз адабиёт ва фольклор асарларида куйланган қаҳрамонларни саҳнага олиб чиқиш йўллари ҳам ахтардилар. Шундай асарлардан бири «Фарҳод ва Ширин» эди.

Хуршид инсценировка қилган «Фарҳод ва Ширин» илк бор 1923 йили Ўзбек намуна драма театрида Уйғур томонидан саҳналаштирилган. Марказий труппа бу асарни 1929 йили қайта саҳнага қўймоқчи бўлганида, пьеса матнини янгитдан кўриб чиқиш лозим, деган қарорга келинди. Ҳали Чўлпон номини тилга олиш имкони бўлмаган кезларда буюк Ҳалима Носирова «Шарқ узра қуёш» номли китобида «Фарҳод ва Ширин»ни қайта ишлаган, деб ёлғиз бир кишини — Уйғурни кўзда тутиб, бундай ёзган эди:

*«У Алишер Навоийни жондан ортиқ севарди. У пьесанинг нуқсонларини кўриб, унда ажойиб дostonнинг бутун теранлиги ва гўзалиги мужассам топмаганидан изтироб чекди. Уйғур пьесани бойитиш, унинг доирасини кенгайтириш керак, деган хулосага келди.*

*Аmmo қандай қилиб? Изланиш машаққатлари Уйғурни бахтли бир топилмага олиб келди, у постановкага халқ бахшиси — Баёнчи родини киритди ва баёнчи ҳар бир кўринишдан олдин Фарҳоднинг пьеса тўқмасига кирмай қолган саргузаштлари ва бошқа воқеалар ҳақида тингловчиларга нақл қилиб берди».*

Бу сўзларда тилга олинган Уйғурнинг ёнига, албатта, Чўлпонни ҳам қўйишимиз керак. Негаки, пьеса матни устидаги иш, аввало, адабий эмақдошнинг вазифасига киради. «Фарҳод ва Ширин»ни қайта ишлаш масаласи ўртага ташланганда, унга Баёнчи образини киритиш, асарни янги эпизодлар билан бойитиш ғояси Чўлпондан чиққанидек, Хуршид матнида бўлмаган бир мунча ария ва дуэтлар ҳам Чўлпон ижодининг самарасидир.

Хуршид Санъатшунослик институтининг ходимлари билан ўз хотираларини ўртоқлашган пайтда 1929 йилдан 1936 йилга қадар «Фарҳод ва Ширин» музикали драмаси Ўзбекистон театрларида Чўлпон таҳририда кетганини ва бу ишнинг унинг розилигисиз бўлганини айтган.

Пьесанинг бу қайта ишланган нусхаси бўйича саҳна очилганда, ўртада Баёнчи — Ҳожи Сиддиқ Исломов

дотор чалиб ўтирган бўлиб, унинг атрофида «Фарҳод ва Ширин»нинг персонажлари ҳаракат қилган ва у бу персонажларни томошабинга ҳазил-мутойибалар билан таништирган. Қизиги шундаки, бу персонажлар ролини артистлар эмас, балки қўғирчоқлар «ижро этишган». Асарни мусиқали драмага айлантириш ғояси ҳам, Хуршиднинг айтишича, Чўлпонга мансубдир. Демак, асардаги қарийб барча ария ва дуэтлар муаллифи ҳам Чўлпондир. Бошқача айтганда, 1929—1936 йилларда қўйилган «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драматининг муаллифлари сифатида Хуршид билан бирга Чўлпон номини ҳам тилга олиш адолатдан бўлади. Яна шуниси ҳам борки, Чўлпон қайта ишлаган нусха Хуршид ихтиёрида бўлган. Демак, «Фарҳод ва Ширин» Чўлпондан кейин ўзбек саҳнасида ё опера, ё мусиқали драма шаклида қўйилганида ҳам Хуршид билан бирга Чўлпон амалда либретто муаллифлари бўлиб қола берганлар.

Фоиқа ая узоқ йиллар мобайнида:

Сабо, этгил саломимни, етургил кўйи дилдора,  
Паришон хотиримдин арзаи қил нозанин ёра,

деб бошланувчи ария сўзларини Чўлпон акам «Мен ёзганман», дер эдилар, деб келган эди. Маълум бўлишича, унинг бу сўзлари айни ҳақиқат экан.

Шундай қилиб, Чўлпон адабий эмақдош сифатида бошқа драматургларнинг асарларига ҳам жиддий кўл уриб, уларнинг саҳнада умр кечиршига катта ҳисса қўшган. Ва айни пайтда олижаноб инсоф сифатида афишага чиқишни, муаллиф миниб келган отга мингашиб олишни хаёлига ҳам келтирмаган.

\* \* \*

Замондошлар Чўлпоннинг яхшигина дотор чертиш билан бирга ашула ҳам айтганини эслашади. Ўша пайтда Самарқандда шоиру санъаткорлар гоҳ Маъруф Расулийнинг, гоҳ Вадуд Маҳмуднинг, гоҳ Фитратнинг уйида тез-тез тўпланишиб, нафис суҳбатлар қуришган. Шундай йиғилишларда Чўлпоннинг ҳам ё «Сабо, этгил»ни, ё бошқа бир ашулани айтган бўлиши эҳтимол.

Олтойнинг Садриддин Айнийни эслаб ёзган хотирасида бундай сўзлар бор:

«Самарқанддаги Акмал Икромов номли Педагогика профессорлари Абдурауф Фитрат уйига машшоқ созанда-хонандалар бўлиб турарди. Унинг уйи Абрамов бульварига эди. Кўпинча Муҳиддин қори, профессор Миронов (музикашунос), Маннон Уйғур, Абдор Ҳидоят, Боту ва бошқалар келишарди. Шу ўтиришлардан бирида домла Айнийни ҳам учратганим бор эди. С. Айнийнинг профессор Фитратга бўлган ҳурмати беҳад катталигини унинг сўзларидан сездим. У дедики: «Агар Фитрат каби киши бўлмаганида эди, бундай санъаткорлар анжумани ҳам бўлмас эди. Мана, Фитратнинг санъатга, адабиётга бўлган муҳаббати тўғрисида биз ҳам ундан баҳраманд бўлмоқдамиз...»

Олтой тилга олган кечада Чўлпоннинг ҳам ҳозир бўлганига шубҳа қилмас бўлади. Аммо у нечундир бу кечада фақат Айнийнинг қатнашганини, Фитрат тўғрисида айтган баланд сўзларини хотирасида сақлаб қолган. Дарвоқе, у Айний тўғрисидаги хотирасини давом эттириб, яна бир учрашувни эслаган:

«Айний домла катта ўтиришлардан мумкин қадар қочардилар, яққа суҳбатлар бўлиб турарди. Бир кун Самарқанд Гулбоғидаги чойхонада Ҳожу Муин, Зеҳний, Маъруф Расулий, Чўлпон ва бошқалар бор эди. Ерли яхшуд бачаси ашула айтарди. Айний домлага унинг форсча ашуласи гагал сезилди. Хусусан, унинг қичқирик товуши мусиқийликни, бадиий завқни бузарди. Бирдан уни тўхтатиб, танбеҳ берганлари ёдимда. Самарқандда ишдан сўнг идора ишчилари, зиёлилар кечқурун шу чойхонада ҳордиқ чиқаришарди».

Эҳтимол, ҳурматли китобхон Чўлпон ё иштирок этмаган, ё шунчаки номи тилга олинган кечаларни эслаш шартмикин, деб ўйлар. Менимча, Чўлпондек сиймоларнинг нафақат ижодий, балки, энг аввало, инсоний қиёфаларини шундай хотиралар оша тиклаб, сўнг уларнинг бизнинг шууримизда уйғонган сийратига янги-янги чизмалар қўшганимиздагина тасаввуримиз мукамал бўлади.

Шояд навбатдаги хотира эгаси, атоқли бастакор Мутал Бурҳоновнинг қуйидаги сўзлари Чўлпоннинг сиз ва бизнинг тасаввуримизда қад кўтарган сийратига каттароқ ва ёрқинроқ чизмалар қўшса.

«Чўлпон ўрта бўйли, тўлачадан келган, доимо юмалоқ гардишли оддий кўзойнак тақиб юрадиган одам эди. У жуда серандиша, одамларга беҳосдан озор бе-

риб қўйишдан чўчийдиган, кўнгилчан ва чинакам шорона табиатга эга эди. Арзимаган нарсага хуноби чиқиб, фиғони фалакка етар, асабийлашар, яна арзимаган сабаб билан кайфияти жойига келиб қоларди...

Бир кун Фитратнинг уйига келсам, айвонда Чўлпон асабий бир ҳолатда у ёқдан-бу ёққа юриб турибди. Салом бердим, нега кайфи бузуқлигини сўрадим. «Э, домланинг уйига меҳмонлар келган. Ҳаммаси бизни ёмон кўрадиган катталар. Яна хотинлари билан келишган. Улар тирноғимиз тегидан кир қидириб юрибди-ю, Фитрат домла уларнинг тегирмонига сув қўймоқда!»

Ҳеч нарсага тушунмай, яна суриштирдим. Фитрат домла меҳмонларга: «Қани, олинлар, олиб ўтиринлар», — деб одатдаги манзиратни қилибди. Меҳмон аёллардан бири: «Мен оляпман, мана, олдимни кўринг», — деб жавоб берибди. Фитрат эса, дарҳол сўз ўйини айтибди-ю, аёлни ўсал қилибди. Чўлпон шунга хуноб бўлаётган экан. Гаплашиб турганимизнинг устига ичкаридан Фитрат чиқиб қолди. Чўлпоннинг асабий ҳолатини кўриб, унга сўз қотди:

— Ие, ҳали ҳам хунобмисиз, бас-да! Ахир узр сўрадим-ку!

Бунни эшитиб, Чўлпон яна тутақди:

— Э, қўйинг-е, домла, шунақа ҳам бўладими? Расво қилдингиз.

...Чўлпонни Фитратникида кўриб юриб, унинг яна бир хислатини билиб олдим — у ҳам мусиқани жуда-жуда яхши кўрар экан. Шашмақом садолари янграганда, Чўлпон сел бўлиб, бутун вужуди қулоққа айлангандай, бир маромда чайқалиб ўтириб тингларди. Қулоғи музикада-ю хаёллари жунбушга келиб, нималарнидир кўз олдига келтираётгани сезилиб турарди. У эшитган куйларини юрак-юракдан жуда чуқур ҳис қиларди. Бунни комил ишонч билан айтаётганимизнинг боиси бор. Баъзан шундай бўлардики, Чўлпон бир куйни берилиб тинглаб, ундан бағоят мутаассир бўлиб, чиқиб кетарди-да, икки-уч кундан кейин шу куйга мослаб шеър ёзиб келарди. Бу шеър эса аввалги сўзларга қараганда, куйга ўн чандон, юз чандон мосроқ бўларди. Чўлпоннинг «Галдир» деган шеъри бунга мисол бўла олади. У халқ куйига мослаб, дутор тилидан дутор туйғуларини изҳор қилувчи ажойиб лирик шеър яратган...»

Бу сўзларнинг ҳаммаси олтин баҳоси билан ўлча-  
надиган сўллар. Уларга бирор сўз қўшиш ҳам, уларни  
шарҳлаш ҳам, ҳаттоки уларни қисқартириш ҳам асло  
мумкин эмас. Аммо мен юрак ютиб, бастакорнинг  
ажойиб хотирасини шу ерда бўлгим ва жиндек изоҳ  
бергим келди. Негаки, унинг кейинги сўзларида  
Ҳақиқат жанобларига жиндек тегиб кетадиган жойи  
ҳам бордек кўринди. Чўлпонни драмстудиядан бил-  
ган Сора Эшонтўраева ҳам, аввалги фаслар-  
нинг бирида номи тилга олинган Жалил Бойбўлатов  
ҳам, Фоиқа ая ҳам Чўлпоннинг бинойидек овози  
бўлганлиги ва ашула айтганида, тингловчилар дили-  
га ором туйғуси қўнганлигини айтганлар. Эҳтимол,  
Чўлпондек маданиятли шогирд устози Фитратнинг  
уйида қўшиқ айтишдан ўзини тийган бўлиши мум-  
кин.

*«Чўлпоннинг ўзи, — хотирлашда давом этади Му-  
тал Бурҳонов, — қўшиқ айтмас эди, лекин жиндай  
гутор чертарди. Назаримга, у гуторни алоҳида бир  
меҳр билан суярди ва гутор чертган одамни яхши  
кўрарди.*

*У Самарқандга турганида Солиҳа деган хотини  
бор эди. Солиҳа ажиб бир маҳорат билан гутор  
чаларди».*

\* \* \*

Баъзан шундай ҳам бўладики, мумтоз шоирларнинг  
ғазалларида бугунги адабий тилда бўлмаган форсий ё  
арабий сўзлар учраб қолгудек бўлса, айрим ҳофизлар  
улар маъноси билан қизиқмай, қулоқларига қай шаклда  
ўрнашган бўлса, шундай талаффуз қиладилар. Маса-  
лан, Фузулийнинг:

Шифои васли қадрин ҳажрида бемор ўландан сўр,  
Зилоли завқи-шавқин ташном дийдор ўландан сўр

матлаи билан бошланувчи ғазалининг «Кавокиб сай-  
лини шаф то саҳар бедор ўландан сўр» сатрини бу-  
зиб, «Кавобпаз сайлини шафтолидан бедор ўландан  
сўр», деб айтувчилар ҳам бўлган. Ҳалима Носирова  
сингари машҳур ҳофизаларда шундай қусурлар бўлма-  
ганининг боиси шундаки, улар Чўлпон, Хуршид син-  
гари алломалар қўлида сабоқ олиб, саҳнага чиққан-  
лар.

Турсуной Москвада таҳсил кўрган йиллари Ҳалима Носирова Бокуда, озарбайжонлик машҳур санъаткорлар қўлида ўқиган. Ҳар иккала шаҳардаги талабалар Самарқандга келиб, Марказий труппада ишлаб бошлаганларида эса улар бошини Чўлпон силаган. Ҳалимахоним Чўлпонга нафақат шоғирд, балки севимли фарзанддек ҳам эди.

*«Мен, — деб ҳикоя қилган эди у Чўлпон ҳақида сўраганларида, — уларнинг ҳовлисига бир ярим йил чамаси яшаганман. Ўша йиллар Самарқанддаги Ҳамза театрига қатнаб юрган пайтларим эди. (Ҳалимахоним Ўзбек давлат драма театри мақомидаги давлат труппасини назарда тутмоқда — Н. К.) Ҳовлидан ариқ оқиб ўтарди. Унинг ёнида эса сўри бўларди. Ўша сўрида кўпинча сочимни ювардим. Домланинг рафиқаси Солиҳахон эса доим сочимни икки ўрим қилиб ўриб кўярди. Айниқса, Чўлпон домланинг «Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку» сатри билан бошланувчи кўшиғини куйлаб берганимда, хурсанд бўлардилар.*

*Домладан кўп нарсаларни ўрганганман. Рафиқаси билан аҳил яшарди. Тақдиримга улар билан биргаликда яшашдек қисмат битилганидан миннатдорман. Қилган яхшиликларини қайтара олмадим. Бу мен учун армон бўлиб қолди».*

Ҳалима опа ана шу суҳбат бўлиб ўтган 1994 йилдан кейин, орадан бир йил ўтгач, Яшин ака билан бирга таниқли журналист Маҳмуд Саъдийнинг саволларига жавоб бериб, Чўлпон ҳақида яна бундай сўзларни айтган:

*«... Мен Чўлпон домланинг оила аъзосидек эдим. Шу сабабли уларникига тортинмай кириб боравардим. Устознинг кўп шеърларини ашула қилиб айтардим... «Галдир» деган қадимий халқ куйига солиниб, бир девонанинг номидан айтилган ғоят гўзал шеърни ҳам ашула қилиб куйлардим... Бу кўшиқ, албатта, фақат девонанинггина эмас, балки Чўлпон домланинг ҳам юрак туйғуларини теран ифодаларди. Мусиқани, ашулани, санъатни адабиётдан ҳам яхши кўрарди у киши, деган тушунча чуқур ўрнашиб қолган, менинг онгимда. Бу улуғ инсон шунчалар санъатсевар, шунчалар санъатпарвар эдилар...*

*...Мен, яхшиси, Чўлпон домланинг ҳеч ерда йўқ бир декламациясини айтиб берай. У хотин-қизлар озодлиги ҳақида:*

*Кўзғол ортиқ, етар, эй, қайғули оҳлар чеккан,  
Интил олға, бос одим, кўзлари қон ёш тўккан.  
Сени тутқунлик аро сақлагилар йўл бермай,  
Сенинг эркингни олиб, топтадилар сўз бермай.  
Сенинг ул қонли ёшингга сира бир боқмадилар,  
Жониворлар каби тор уйга қамаб сақлагилар.  
Сен-да жим турдинг, уларнинг шу тегизсиз ишига,  
Айтмадинг гардингни шу чоққача ҳеч бир кишига...*

Эсимга қолгани шу экан. Бу шеър жуда узун эди. Мен уни ўн минутча декламация қилар эдим. Шеърни ўрганишим тарихи ҳам қизиқ. Уни муаллимимиз Нортужи опа 1929 йили ўргатган менга. Мен, кичкина қизча, севишганларнинг хатларини бир-бирига элтиб берардим. Кейин турмуш қурдилар...»

Одатда ёши улуғланиб қолган кишиларда хотира жилғаси бошқа дарёларга ҳам қўшилиб кетаверади. Шунинг учун ҳам журналист Ҳалима опани яна Чўлпон кўчасига тўғрилаб қўйганидан кейин суҳбат бу тарзда давом этган:

«...Менинг ролларимнинг сўзларини ёгдайдиган дафтарим бор эди. Унга йигирмадан ортиқ ролларимнинг сўзлари ёзилганди. Чўлпон домла бир куни ўша дафтаримни варақлаб кўрдилар-да, бирдан илҳомлари келди шекилли, шу байтни ёзиб қўйдилар:

*Бу дафтар кўп кўнгилларнинг аламлар таржимонидир,  
Бу дафтар қанча жонларнинг қизарғон лола қонидир...»*

Ҳалима опа секин-аста суҳбат нишабини Солиҳага буриб, дейди:

«Солиҳа опа адабиётни яхши кўрарди. Чўлпон домлага ҳам севиб текканди... Устоз кўп шеърларини оғзаки айтардилар (Ҳалима опа шоирнинг бадоҳатан айтган шеърларини назарда тутмоқда — Н. К.), лекин ёзилмай қоларди... Жуда кўп нарса яратиларди-ю, ҳаммаси ёзилмасди. Чўлпон домла шеърнинг ўртасида тўхтаб қолмасдилар, равон ёзардилар. «Солиҳа, ёзиб қўйсангиз-чи, йўқолиб кетади», деб куйинардилар. Афсуски, шоирнинг кўп шеърлари шу тарзда ёзилмай қолиб кетган...»

Қисқа «лирик чекиниш»дан кейин суҳбат яна Солиҳа билан боғлиқ мавзуга қайтади:

«Солиҳа опа билан Чўлпон домла жуда аҳил, тотув яшардилар. Солиҳа опа доимо домлани тушунган, у

киши билан руҳан ҳамнафас яшаган. Бир муаллиф ёзибди: «Солиҳахоним бир музикачи билан учрашган», деб. Мен бу гапни ўқиб, жуда кўнглим оғриди. Солиҳа опа ақлли, тушунган. Чўлпон домланинг фақат ўзларини эмас, шеърларини, ижодини ҳам яхши кўрган аёл эди. Баъзан-баъзангина болалари бўлмаганидан ўқинардилар. Мен Чўлпон домланинг аёлларига бўлган иззат-хурматини у кишининг Солиҳа опага муносабатига қараб билардим. Домланинг обрўйи жуда баланд эди. Бундай обрўли оғамнинг аёлига ҳеч ким нотўғри муносабатда бўлолмасди, бунга журъат қилолмасди. Чўлпон домла: «Бу ҳам фарзанд кўриши керак-ку!» деган шекилли, ажралди. Раҳм-шафқат қилиб ажралди. Ҳатто Солиҳа опа эрга текканида, кимга теги, эри қандай оғам экан, яхши оғаммикан, деб суриштирган ҳам эканлар. Бир марта Солиҳа опа бизникига тўрт-беш боласини эргаштириб келди. «Мана, болаларим, хўжайиним яхши оғам, Чўлпон акани ҳурмат қилади», деди. «Шуни айтаман, деб, келдим ёнингизга», — деди.

Мен хоҳламайманки, Солиҳахоним билан Чўлпон домла орасидаги соф муносабатга, бир бахтли муҳаббатга соя солмаслик керак!

Мен ўз сўзимга жавобгарман, ўз сўзимнинг қулиман».

Камина ҳам 1990 йили Ҳалима опанинг Чўлпон ҳақидаги хотираларини ёзиб олиш илинжида борганимда, қарийб шундай воқеаларни ҳикоя қилиб берган. Ҳалима опа ҳам, Яшин ака ҳам Чўлпоннинг Солиҳадан ажралиш сабабларини шундай назокат ва уларнинг ҳар иккисига ҳурмат туйғуси билан айтиб беришган эдики, мен ҳам уларга тўла ишониб, шоир ҳақидаги рисоламда, улар никоҳи бузилиши сабабларини тахминан шундай талқин қилган эдим. Лекин кейин... Майли, бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз.

Дарвоқе, Ҳалима опа мен билан суҳбатда яна бундай маълумотни берган:

«1928—1929 йилларда мен Самарқандда эканимда Чўлпон аканинг уйларига кўп борардим. Ўша пайтлари иқтисодий вазият яхши бўлмагани учунми, кўпинча очиқиб қолардим, шунинг учун ҳам у ерга овқат устаб кирардим. Солиҳахон ҳам, Чўлпон ака ҳам мени худди шу оиланинг фарзандидек кўтиб олишарди. Айниқса, Чўлпон ака боришим билан қувонганидан, «Ҳалимахон келдилар!» деб шеър тўқиб



*юборарди. Лекин Чўлпон ака ҳам қарибона турмуш кечирар, уйида ҳеч нарса бўлмас эди. Жуда камбағал эди. Яшинга текканимдан кейин Чўлпон аканинг уйига кам борадиган бўлдим...»*

\* \* \*

90-йилларда Чўлпоннинг бошқа асарлари қатори, «Мафоралар султони» деб номланган бир таржимаси ҳам матбуот юзини кўрди. Сўнгги асар қўлёзмасининг унвон саҳифаси йўқолгани учун ноширлар асарни шундай номлаганлар. Муаллифнинг номи эса номаълум бўлиб қолган. Камина Москва ва Ленинград кутубхоналарида бўлганимда, бу асарнинг русча аслигини топишга кўп уриндим. Аммо инглиз тилида ёзилганлиги тахмин этилган романнинг на муаллифи номи, на асарнинг аслида қандай аталганини топдим. Аммо, ҳар қалай изланишларим зое кетмади.

1928 йили Самарқандда лотин ёзуви бўйича инструктор ва лекторлар тайёрлаш бўйича икки ойлик курслар очилган бўлиб, шу курсларнинг тингловчиларидан бири Мирзакалон Исмоилий эди. У айтиш пайтда Ўзбекистон Давлат нашриётида рус тилидаги болалар учун чиқарилган китобларни ўзбек тилига таржима ва таҳрир қилиш билан шуғулланувчи бўлимда хизмат қилган. Шу йилларда нашриётда Шокиржон Раҳимий, Наим Саид, Шокир Сулаймон сингари таниқли олим ва ёзувчилар ишлаган.

Кунларнинг бирида нашриёт бош муҳаррири Наим Саид Мирзакалон Исмоилийни учратиб, «Чўлпон котиб қидириб юрипти, хоҳласангиз, у билан учрашинг», дейди. Чўлпонни кўриш ва унинг хизматида бўлиш ўша кезларда ёшлар учун катта шараф эди. М. Исмоилий рози эканлигини маълум қилгач, унга Чўлпон яшаган манзилнинг қаердалигини айтишган ва Мирзакалон ака унинг уйига борган. Машҳур шоир бояги курслар жойлашган ернинг яқинида, Қўшқовуз деб аталган жойда яшар экан. Чўлпон Мирзакалон Исмоилий билан кўришгач, унга қўлёзamani бериб, жорий этилган ҳисоб-китоб бўйича ҳақ тўлашини айтган. Бу, араблар ҳаётидан олиниб, ўзбек тилига таржима қилинган «Расулий» романининг қўлёзмаси эди.

Шундай қилиб, Мирзакалон Исмоилий Чўлпонга котиблик қила бошлаган.

Эртасига ёш «хаттот» кун бўйи Чўлпоннинг уйида

кўлёмани кўчириш билан машғул бўлади. Чўлпон эса романнинг қолган қисмини таржима қилар экан, ўқтин-ўқтин кўз ёшларини артиб туради. «Хаттот» бунинг сабабини тушунмайди. Аммо бир куни, Чўлпон билан гап-сўзлари юришиб кетганда, у ҳар сафаргидек, йиғлаб туриб, дейди:

— Миллат хароб бўлди. Унинг энг муқаддас нарсалари: ҳурлиги, шаъни-шарафи қўлдан кетди! Ҳар қадамда юрагимиз қуш ҳадиги билан уради. Энди бизнинг вазифамиз, келажак авлоднинг вазифаси миллатни шармандаларча қулликдан, ҳақорат ва ҳўрликдан қутқазиб бўлиши керак.

Бу сўзлар Мирзакалон Исмоиийдек ёш муҳаррир учун мутлақо янги, кутилмаган, унинг дунёқарашини остин-устин қилиб юборган буюк ҳақиқат эди. Чўлпон шу йилларда, Самарқанднинг ойдин кечаларида, Улуғбек қони сачраган юлдузлар остида қандай иш билан шуғулланмасин, либослари тилка-пора этилиб, жигарбағри оловга айланган ана шу ҳақиқат унинг кўзи олдида гавдаланиб турарди.

Орадан хийла вақт ўтгач, «хаттот» кўлёмани нашриётнинг ўзида кўчира бошлайди. Роман кўлёмасида, аёнки, арабий сўзлар кўп бўлиб, таржимоннинг уларга изоҳ бериши шарт эди. Ўша йилнинг сентябрь ойи бўлса керак, Мирзакалон ака, одати бўйича, Чўлпондан тушунарсиз сўзларга ёзган изоҳларини олиш учун унинг уйига боради. Таомилдаги расмий гаплардан кейин Чўлпон:

— *Билишимча, сизлар адабиёт дарсида «Клеопатра» деган асаримни текширган экансиз. Қани, марҳамат қилиб айтинг-чи, сиз унга қандай баҳо бердингиз?* — деб сўрайди.

Мирзакалон ака устозга мукамал жавоб беришга уринади:

— *Бизнинг таҳлилимизга кўра, Сизнинг асарингиз Фарғонадаги босмачиликнинг хийла кучайган ва баъзи натижалар бериши мумкин бўлган даврига бағишланган. Бундан ташқари, сиз ўз асарингизда пантуркизмга мойиллик билдиргансиз. Зеро, сиз ўз асарингизда нулуфарни Амударё бўйларида ўсган гулга ўхшатгансиз. Амударё сўзи остида эса Туркистонни назарда тутгансиз. Ва сиз бу гулни «бизнинг еримизда ўсган, бизнинг кўз ёшларимиз билан суғорилган бизнинг нулуфар», дейишингиз билан унга ҳаддан зиёд*

катта баҳо бергансиз. Бундан ташқари, сиз ўз асарингизда агар Нил билан Амударё қўшилса, келажакнинг порлоқ бўлишига ҳақида ваъда бергансиз. Агар Нилни Миср деб тушунсак, Амударё — Туркистондир. Сизнинг асарингиз бағбин кайфият билан суғорилган, унда Клеопатранинг — Фарғона қизининг ҳалок бўлиши очикдан-очик айтилган. Сиз Амударёнинг тошганини кўргансиз ва бунда, албатта, Туркистондаги босмачиликни назарда тутгансиз, сизни мақсада сари элтадиган йўлнинг ёпилганини ва ниҳоят, ғояларингиз ҳалокатга учраганини кўз ёшларингизни тўка-тўка эътироф этгансиз.

Чўлпон бу сўзларни эшитиб, мийиғида кулади, сўнг дейди:

— Мен ўз асарларимни бундай мақсада учун ёзмайман. Менинг — «Клеопатрам» — менинг илҳомим меваси, унинг замирида бошқа маъно йўқ.

Мирзакалон аканинг назарида, Чўлпон бу сўзларни шундай айтадики, унда рўй бераётган ички кураш излари шу лаҳзада унинг хорғин юзида пайдо бўлгандек кўринди.

Чўлпон давом этди:

— Сизнинг таҳлилингизга келганда, шуни айтишим керакки, агар мен миллатимизнинг ёки Туркистон билан Мисрнинг бирлашиши тарафдори бўлганимда, олам гулистон бўлган бўларди. Миллат учун қайғуриш, унинг қайғу-аламларига, муҳтожлигига қулоқ солиш, миллатимизнинг душман томонидан пайхон этилган шоншавкати ва анъаналарига мотам тутуш — буларнинг ҳаммасини тушуниш — бу миллатга мансуб ҳар бир онгли кишининг бурчи.

Мирзакалон Исмоилий Чўлпоннинг Шарққа хос анъаналарнинг йўқолиб бораётганидан изтироб чекишини илгаритдан эшитиб юрган эди. Энди у Чўлпонни безовта қилган фикрларни унинг ўз оғзидан эшитиш, унинг ҳақиқий сиёсий қиёфаси билан танишиш имконига муяссар бўлади.

Чўлпон бир неча дақиқалик сукутдан кейин яна сўз бошлайди:

— Укам, сиз ҳали ёшсиз. Миллат манфаати йўлидаги фаолият пайтида учрашиш муқаррар бўлган қийинчиликларни ҳали синаб кўрмагансиз. Мен сизга шу қийинчиликларни кўришни, миллатни кулфатдан сақловчи мард йигит бўлишни тавсия қилган бўлардим.

Чўлпон шундай дейди-ю, шошилинч равишда чўнтагидан дастрўмолини олади, кўзларини артиб, сўзини яна давом эттиради:

— *Мен ҳозиргина айтганим интилишларнинг асириман. Шунинг учун ҳам ўзимни фақат миллат манфаати учун ҳар қандай қийинчилик ва шармандаликка чоғлаганман. Аммо, менинг қанотларим, афсуски, қирқилган.*

Давлат ҳужжатлари орасида сақланган ва бир ҳарфи ҳам ўзгартирилмай баён этилган Чўлпоннинг шу сўзлари-ю олис 28-йилдаги шу учрашув Мирзакалон Исмоилий хотирасига бир умрга муҳрланиб қолди.

\* \* \*

Тожикистонлик меҳнат фахрийси Абдулазиз Хошмуҳамедов 1928—1930 йилларда Самарқанд шаҳрининг Қўшқовуз маҳалласидаги 94-уйда Чўлпон оиласи билан бирга истиқомат қилган. Унинг айтишича, шу уйга Чўлпоннинг Абдулла Алавий каби кўпгина қаламкаш биродарлари тез-тез келиб туришган. Шоир матбуотда ўзи ҳақида билдирилган танқидий фикрлар юзасидан республика раҳбарларига шикоят хатини ёзганидан кейин унинг янги шеърлар тўпламини босишга ижозат берилган, аммо Чўлпонга қарши қаратилган хуруж авж олиши билан бу тўплам яна сувга уриб кетган. Шундан кейин шоир тушқунликка тушган. Театрда ҳам ишлари юришмаган, шекилли, иқтисодий аҳволи оғирлашиб, ғарибона турмуш кечирган.

Энди Чўлпон ҳақидаги хотиранинг тафсиллашган давомини ҳикоянависнинг ўзидан эшитинг:

*«Ўша кезлари савдо идораларига кадр тайёрлаш мактаби мени Поп районигаги (ҳозирги Наманган вилояти) Фурумсарой пахта тайёрлаш пунктига ҳисобчи сифатида ишга юборди. У ерда Чўлпондан откритка олдим. Аслида мен ундан ёш бўлсам ҳам, негадир у менга Абдуазиз ака деб мурожаат қиларди. Откриткада қуйидаги сўзлар ёзилган эди:*

*«Абдуазиз ака! Биз Солиҳа билан ажрашдик. Юраклар бошқа, тилаклар бошқа, бутун-бутун ётлик ва бегоналик. Мен эртага бутунлай Москвага кетаётirman. Хат ёсангиз, қуйидаги адресга (у Москвадаги адресини кўрсатган эди) Сулаймонов А.га деб йўланг, Чўлпон».*

Абдуазиз Хошимуҳамедов хотирасидаги бу сўзлар

уйдирмадан бошқа нарса эмас. Чўлпоннинг хотини билан ажрашган кезларида бу нохуш хабарни етти ёт бегона кимсага — Попадаги пахта пунктининг ҳисобчисига етказиш учун унга очма хат юбориши ҳақиқатдан мутлақо узоқ! Бунинг устига, Чўлпоннинг Москвага кетиши Солиҳадан ажралиши билан боғлиқ бўлмаганидек, ҳали Москвага бормасдан, қаерда яшашини билмасдан туриб, унга собиқ советлар пойтахтидаги манзилини кўрсатиши ҳам ҳар қандай мантиққа зиддир!

Шоирнинг хотинидан ажралиши масаласи яна бир хотирада тилга олинган.

Чўлпонни отаси туфайли таниган ва билган Дилшод Олимхон ўғлининг шоир ҳақидаги хотираларида мазкур нозик масала бўйича бундай сўзлар айтилган:

*«...Абдулҳамид аканинг хотинлари бўлар эди — Солиҳа опа деган. Андижоннинг Чорғузарида, отасининг исми ёғимда йўқ. Марказ Самарқандда эканида оиласи билан ўша ерда турганлар. Абдулҳамид ака Ф. Хўжаевга ўхшаган катталар билан яқин бўлиб, оилалари билан уларнинг давраларига қўшилганлар, ўтиришларда қатнашганлар. (Хотиранависнинг бу сўнгги сўзлари ҳақиқатга зиддир — Н. К.) У давраларда европача одатлар ҳукм сурган: аёллар пианина чалиш ва шунга ўхшаш нарсаларни билганлар. Абдулҳамид ака Солиҳа опанинг ҳам ўқиб, ўрганишини устаб, мусиқа мактабининг ёш бир муаллимини ёлаганлар. У киши командировкада эканида, Солиҳа опа хиёнат кўчасига кирганми, хуллас, бу нарса қулоғига чалинган. Абдулҳамид ака:*

*— Бўлди, энди сиз бизга ҳаромсиз! — деб қўйворган.*

*Солиҳа опа Тошкентга — бизникига келганлар, отамизга йиғлаганлар. Абдулҳамид ака ҳам Тошкентга келганлар-у, бизникига кўнмасдан Аъламларникида (Заҳриддин Аълам назарда тутилмоқда — Н. К.) турган. Отам Абдулҳамид акага насиҳат қилганларида, у киши «кўрмайман ҳам, гаплашмайман ҳам», деб қаттиқ турганлар, Солиҳа опанинг ҳам ўша йигити билан тушган суратларини кўрсатиб, «Мана, кўрдингизми, аҳвол қандайлигини?» деб қаттиқ койиганлар. Шунда отам:*

*— Унақа экан ё ўзингиз обориб, эгаларига топшириб келасиз, «кечираман», десангиз, бошқа никоҳ ўқиймиз, деганлар.*

*Оиланинг тикланмаслиги аниқ бўлгач, отам Солиҳа опани извошга ўтқазиб, вокзалга олиб борган, Абдулхамид ака билан андижонлик Содир қори деган киши бошқа извошга боришган. Поездга бошқа-бошқа кўледа Андижонга жўнашган...»*

Мазкур масалани Юнус ҳожи Мақсудий ҳам ўз хотираларида четлаб ўтмаган. У 1935 йили Чўлпонни йўқлаб, унинг Тошкентдаги уйига борганида, гўё шоирнинг хотини Катя: «Акангни мана бу машқ дафтарида ўқиб ўтир! У бир соатдан сўнг келиб қолади», деган эмиш-да, меҳмоннинг кўлига бир дафтарни берган эмиш. Юнус ака дафтардаги «Билдим энди шунча берган ваъдалар ёлғон экан» сатрлари билан бошланувчи шеърни ёдлаб олиб, Чўлпон келгандан кейин ундан гўё сўраган эмиш:

*«— Бу шеърни кимга атаб ёзгансиз? — деб сўрадим.»*

*— Солиҳа рафиқам билан Самарқандда яшар эдик, у мусиқа билим юртида ўқир эди. Фанимларнинг сўзига кириб, мендан ажралди. Ушанга атаб ёзган эдим, — дегу-да, хўрсиниб қўйди...»*

Чўлпоннинг орадан етти йил ўтгач, Солиҳани эслаб шеър ёзиши, бир хоналик уйда яшаган шоирнинг Катя олдида бундай гапларни айтиши-ю хўрсиниши, шунингдек, ажралиш гўё Солиҳанинг ташаббуси билан бўлганлиги тўғрисидаги эътирофи хотиранависнинг навбатдаги уйдирмаларидан биридир.

Аслида Ҳалимахонимнинг оқилона сўзларидан кейин Чўлпон билан Солиҳанинг орасига тушиб, фан учун муҳим бўлмаган масала билан шуғулланиш хайрли иш эмас. Аммо бундан кейин ҳам Чўлпон ҳаётининг бу факти авлодларни ўйлантириб юриши ва бу масала бўйича янги-янги уйдирмалар қалқиб чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳам камина икки руҳдан минг бор узр сўраб, Ҳалимахонимнинг олдида ҳам узрли эканимни айтиб, ўз мулоҳазаларимни баён қилсам.

Фоика аянинг каминага айтишига кўра, Солиҳанинг устида зангори шоҳидан тикилган паранжи бўлган. Чўлпон даврнинг ва халқнинг энг илғор кишиларидан бири сифатида Солиҳанинг паранжини ташлашини, ўқимишли, ҳур фикрли, санъат ва адабиётга меҳр қўйган аёл бўлишини истаган. Ўғлининг бу ниятидан хабар топган Сулаймон баззоз бир куни Солиҳага қараб: «Чўлпоннинг фисқига эргашма», деган.

Нима учундир ая Чўлпоннинг Солиҳадан ажралиш сабабларини сўраганимда, шу воқеани эслаган. Балки у акам Солиҳага шунчалик эркинлик бермаганида, улар ажралишмаган бўлармиди, деб ўйлаган бўлиши ҳам мумкин.

Чўлпон 1927 йили Андижондан Солиҳани олиб кетганида, улар Қўшҳовуз маҳалласидаги ўша 94-ҳовлида туришган. Бир ярим-икки йил давомида улар тинч, аҳил, меҳр-муҳаббатли турмуш кечиришган. Аммо мусиқани севган Солиҳа Самарқанддаги Мусиқа институтига қатнай бошлаганидан кейин унинг руҳий оламида баъзи бир ўзгаришлар пайдо бўла бошлади. У институтдан кейин мусиқа ўқитувчисининг уйига тез-тез борадиган ва у ерда узоқ вақт қоладиган бўлди. Гарчанд Солиҳа бу ўқитувчининг хотини билан дугона тутинган эса-да, унинг бегона хонадонга серқатнов бўлиб қолишида шубҳа уйғотадиган ҳоллар йўқ эмас эди. Чўлпон хотинини излаб, Аминжон Пўлатовнинг уйига бир неча маротаба борди.

Аминжон Пўлатов Бахшуллаев исмли кишининг қўшниси эди. Чўлпон 1921—1922 йилларда «Бухоро ахбори» газетасида муҳаррир бўлиб ишлаган кезларида Бахшуллаев билан танишгани учун кўпроқ гўё уни қора қилиб ўша ерга хотинини ахтариб борган.

Хўш, Аминжон Пўлатовнинг ўзи ким? У ҳақдаги гап-сўзларга ишонса бўладими?

Аминжон Пўлатовнинг исм-шарифи тилга олинганда одатда унинг ёнига, албатта, «Малах» сўзини ҳам қўшиб айтганлар, «Аминжон малах», деб. «Малах» — чигиртка дегани. Рус тилидаги «малах», «Малахов» сўзлари ҳам шу маъно билан боғлиқ. Аминжон Пўлатов 1900 йили Бухорода туғилган. Миллати тожик. Касби созанда. Унинг Маҳбуба деган иккинчи хотини артистка бўлиб, Солиҳа шу Маҳбуба баҳона Аминжон Пўлатовнинг уйига бориб-келиб юрган.

Аминжон Пўлатов 1926 йили, ўз эътирофига кўра, Миршоҳид Мироқилов труппаси Бухорога гастролга келганида, труппа берган концертларнинг бирида иштирок этган. Шундан кейин труппа раҳбари Миршоҳид Мироқилов уни ўз труппасида созанда вазифасида ишлашга таклиф қилган. Тахминан 1926 йил октябрида Аминжон Пўлатов Маориф халқ комиссарлигидан келган телеграмма асосида Самарқандга кўчиб бориб, оиласи билан Ўзбек давлат труппасида хизмат қила

бошлайди. Труппанинг Фарғона ва Тошкент сафарларида қатнашади. 1929 йилга қадар унинг ҳаёти ана шу тахлитда кечади.

1929 йили Самарқандда Муסיқа институти очилди. Аминжон Пўлатов институтда ўқиш учун ариза бериб, катта қийинчилик эвазига институтдаги дарс ва машғулотларда эркин тингловчи сифатида қатнаша бошлайди. Солиҳанинг у ва унинг хотини Маҳбуба билан танишиши ҳамда улар хонадонига серқатнов бўлиб қолиши шу вақтда юз берган.

Хотинидан шубҳаланган Чўлпоннинг гўё Бахшуллаевни қидириб, Аминжон Пўлатовнинг уйига тез-тез бориши ортиқча гап-сўзларга сабабчи бўлди. Гўё Маҳбубанинг уйига меҳмон бўлиб борган Солиҳанинг Аминжон Пўлатов билан чақчақлашиб ўтиришлари эса Чўлпонда хотинининг вафодорлигига нисбатан шубҳа туйғуларини алангалатиб юборди.

Ким билади, Ҳалима Носирова ишонч билан айтганидек, Солиҳа билан Аминжон Пўлатов ўртасида балки ҳеч нарса бўлмагандир.

Шу ерда яна бир нарсани айтмай иложим йўқ.

1929 йилнинг 15 октябрида, Чўлпон Самарқандда яшаётган пайтда, унинг жонажон дўстларидан бири Фулом Зафарий Музиқа институтига илмий ходим бўлиб ишга кирган ва кўп ўтмай, директор ўринбосари лавозимига кўтарилган. Табиийки, Чўлпон унинг олдида тез-тез бориб турган.

Кунларнинг бирида у дўстидан хотинини институтга ўқишга олишни илтимос қилади. Институт директори Н. Н. Миронов ҳам ўзбек хотин-қизларини ўқишга кўпроқ жалб этиш тарафдори бўлгани учун Фулом Зафарий Солиҳанинг муסיқий таълим олишига бажонидил ёрдам беради. У 1932 йил 2 декабрь куни бўлиб ўтган сўроқ пайтида ана шу воқеа ҳақида маълумот бера туриб, Баҳром Иброҳимов номини ҳам тилга олган.

Баҳром Иброҳимов 20-йилларнинг охири — 30-йилларнинг бошларида Йўқсил тахаллуси билан оз-моз шеърлар ёзган қаламкашлардан биридир. Ўша йилларда Самарқанддаги ўқув юртларининг бирида хизмат қилган Сулаймон Амировнинг айтишича, у Ботунинг яқин кишилардан бўлган ва Боту билан бир ташкилотда (?) аъзо бўлган. У Боту ва унинг маслақдошлари қамалиб кетганидан кейин ҳам Сулаймон Амировнинг



ҳузурига келиб, Боту томонидан тузилган ташкилот гўё ҳозир ҳам ўз фаолиятини олиб бораётганини айтган ва унга ҳам ўз атрофига советларга қарши кайфиятдаги ёшларни кўпроқ тўплаш ҳақида маслаҳат берган. Баҳром Иброҳимов Сулаймон Амировнинг бу жиддий масалага совуққонлик билан қараётганини кўриб, ҳатто ундан норози ҳам бўлган.

Энди Фулом Зафарийнинг қуйидаги сўзларини эшитинг:

*«Менинг Чўлпонга бўлган муносабатим яхши таниш-билишликдан иборат. Мен унинг уйига тез-тез бориб турардим ва кўпинча унинг уйига Баҳром Иброҳимов (Йўқсил)ни кўрардим. Кейинчалик маълум бўлишича, у Чўлпоннинг хотинига кўз олайтирган экан. Шунинг учун ҳам Чўлпон хотинидан ажралган кунларда Йўқсилни лаънатлаб юрган».*

Бу сўзларга қўшимча сифатида шуни айтиш лозимки, Баҳром Иброҳимов 30-йилларнинг бошларида совет сиёсий идоралари томонидан хорижга юборилиб, у ерда ўзбек диёрининг большевиклар зулмидан озода бўлиши йўлида куюнган ватандошларимиз тақдирида фожиали роль ўйнаган.

Хуллас, хотинининг хиёнат йўлига кирганини кўрган Чўлпон 1929 йили Солиҳа билан ажралишга қарор қилган. Улар Самарқанддан Тошкентга поезднинг бошқа-бошқа жойларида айри келишган. Тошкент-Андижон поезда келгунига қадар Чўлпон Заҳириддин Аъламнинг, Солиҳа эса Олимхон аканинг уйларида кўноқда бўлишган, сўнг Дилшод Олимхон ўғли айтган тартибда вокзалга чиқиб, бошқа-бошқа жойларни эгаллаб, Андижонга боришган.

Бу — уларнинг охириги «биргалик»да қилган сафарлари эди.

## **Совуқ шамоллар**

Ёдингизда бўлса, 1924 йил июнь ойининг бошларида Чимкент сафарига чиққан Чўлпон ўша ерда қалам-каш шогирди Ғайратий билан тасодифан кўришиб қолган эди. У илҳом оғушида эканми, ҳар қалай, ёш шоирни Чимкент таассуротлари билан тўйинган шеър ёзишга таклиф этади. Ғайратий устоз шоир билан мушоара қилиш қанчалик мушкул бўлмасин, рози бўлиб, «Баҳор севинчлари» деган шеърини, Чўлпон эса «Эй,

булут» сарлавҳали шеърини қоғозга туширади. Орадан кўп ўтмай, ҳар иккала шеър «Қизил Ўзбекистон» газетасида ёнма-ён босилади.

Чўлпоннинг «Эй, булут» шеърини ўқир эканмиз, табиатнинг ёмғир ёғиши олдидаги бокира манзараси, кўм-кўк кўкатлар устида ёнбошлаб олиб, фароғат оғушига чўмган лирик қаҳрамон кўз олдимизда жонланади:

Далалар-қирларда, адирнинг ёнида,  
Ҳар турли ёввойи кўкатлар қўйнида  
Ухлаган йўлчини нимага уйғотдинг,  
На учун кўзингдан садафдек ёш тўқдинг?

Бевафо бир тентак қўлингдан чиқдим,  
Ё гўзал масканинг илонга ин бўлди?  
Ё эркин кўнглингни тириклик сиқдим,  
Ё севган гўдагинг бўрига ем бўлди?

Ҳар ҳолда мен каби бир саёқ телбасен,  
Юзингга ҳеч қайда бир эшик очилмас,  
Сен қочган йўл билан одатда қочилмас,  
У йўл ҳам бошқадек маҳв этар... билгайсен!..

Чўлпон бу шеърда булутни жонлантирар ва у билан суҳбатга киришар экан, унинг садафдек ёш тўкиши сабабларини инсон зоти ҳаётидан ахтаради; булут шоирнинг ўзгача бир кўринишига, булутлашган бир шаклига айланади ва пиравардида шоир унга ўзининг аламли дардини очади:

Кўзимда сен каби уйқу йўқ, эй булут!  
Истаймен ўлимдан умрли бир сукут!

Чўлпоннинг булут образига яширинган ҳаёти, шу шеърда ифодаланганидек, азобли, ташвишли кечмоқда ва охири фожиали ўлим билан тугаши ойдинлашмоқда эди.

Файратий адабиётшунос С. Мамажонов саволларига жавоб берар экан, шу иккала шеърнинг яратилиш тарихини нақл этиб бўлгач, бундай деган: «*Менинг Чўлпон шеърларига қарши, унинг эса менинг шеърларимга қарши (!) ёзилган асарлар гўё бир адабий баҳс, тортишув тарзида майдонга келарди. Лекин уларда бир хил*

воқеликка нисбатан икки хил ёндашиш, икки хил дунё-қараш акс этарди. Ана шу адабий ва сиёсий баҳс жараёнида менинг ижодим шаклланди».

Агар Файратий ижоди шакланган ана шу «адабий ва сиёсий баҳс» жараёнини кузатсак, унинг Чўлпонга бағишланган, тўғрироғи, Чўлпонга қарши ёзилган бундай шеърларига нигоҳимиз тушади:

«Кўпиклар (буржуа миллатчиларига)» шеърдан (1926):

Лойқа сув кўксида пуфақдек оқиб,  
Қаерга борасиз, енгил кўпиклар?  
Бир чўп, бир хасга илашмак билан  
Йиртдилар юздан сирли уртуқлар.

«Менинг туйғуларим» шеърдан (1926):

«Йиғлоқ»лардек менинг ёниқ кўзим йиғлаш билмайдир,  
«Кўк»дан нажот кутганлардек кўкка ўзин тикмайдир.

Қувноқ руҳим қайғу-алам нималигин сезмайдир  
Яшамоққа порлоқ амаларим кулуб турғонда.

«Эй, қалам» (Чўлпоннинг талвасасига)» шеърдан (1928):

Шу эркин ҳаётинг тўлқини  
Туганмас жилвага кирганда,  
Кўринган амали сароб деб,  
Чақнаган тилакни хароб деб,  
Бўлдинг сен бўш хаёл тутқуни.

20-йиллардаги танқидчилардан бири — Анқабой «Тузалган ўлкага» шеърининг ёзилишини олқишлаб, «Файратий бу шеъри билан Чўлпоннинг белини синдирди», деб ёзди. Файратий эса Чўлпонни узил-кесил майиб қилиш истагида шундай «шеър»ларни ёзишда давом этди. Файратийдан илҳом олган бошқа шоирлар ҳам Чўлпоннинг «белини синдириш» машҳур бўлишининг энг осон йўли эканлигини сезиб, «адабий ва сиёсий баҳс» жараёнида фаол иштирок этишга ошиқдилар. Ботир Чўлпоннинг «Баҳорни соғиндим» шеърига қарши «Дехқон ўғли» шеъри билан, Уйғун «Ваҳм»га қарши «Шодлигим» шеъри билан, Ҳамид Олимжон

«Ер асиралари»га қарши «Қишлоқ қизи» шеъри билан чиқишди. Боту, Олтой, Ойдин сингарилар ҳам Чўлпонга қарши бошланган ҳужумга ўз калтаклари билан бориб қўшилдилар.

Энди бу «лирик» найзалар жангига оғир қуроолар ҳам кириб, масалани «очди» қилишлари керак эди. Бу «шарафли» ва масъулиятли» вазифани бажаришни мунаққид Олим Шарафиддинов ўз зиммасига олди. У «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1927 йили 14 февраль сонисида «Ўзбек шоирлари. Чўлпон» деган шармандалари мақола билан чиқиб, Чўлпоннинг шўро даврига ва шўро халқига ёт шоир эканлигини исботлаб, шоирга қарши бошланган ҳужумни узил-кесил яқунладим, деб ўйлади.

*«Чўлпон ким? У кимнинг шоири?» деган сўроққа, қисқача қилиб, «Чўлпон бутун кирликдан озод инсондир: бу шоирдир. У йўқсил халқнинг шоиридир», — деб чиройли жумла билан жавоб берувчилар, унга баҳо қўювчилар орамизда бор.*

Чўлпоннинг бу кунгача ёзган асарларини текшириб чиқсак, юқоридаги баҳонинг бутунлай нотўғри эканини англаймиз. Чунки, Чўлпон... миллатчи, ватанпараст, бағбин зиёлиларнинг шоиридир. Унинг мафқураси шуларнинг мафқурасидир. Уни қайнатган, илҳом берган нарса шулардир...

Русларни ҳеч қандай гуруҳга ажрата олмайди. Бутун руслар, унинг назарида, мустамлакачилардир. Чўлпон инқилобдан рози, фақат руслардан, русларнинг ватанда қолишларидан рози эмас.

У бу соҳада ёшларга ўз мафқура таъсирини, миллатчи, ватанчилик ҳисларини ўтказди...

Олим Шарафиддиновнинг Акмал Икромов нутқларидан илҳомланиб ёзилган бу мақоласи яқин вақтга қадар марксча-ленинча танқидчиликнинг мумтоз намунаси ҳисобланиб келди. Бутун руҳи ва моҳияти шу сўзларда ёрқин ифодаланган бу мақола шўро жамиятининг Чўлпон устидан чиқарилган ҳукми ўлароқ қабул қилинди.

Нима учундир орадан уч ой ўтгандан кейингина Ойбекнинг бу мақолага қарши ёзилган «Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак?» деган жавоби матбуот юзини кўрди (17 майда). Чўлпоннинг буюк издоши вульгар социологизмнинг сассиқ алафлари ҳамма ёқни эгаллаб олган бир пайтда Айн (Олим Шарафиддинов) -

га муносиб жавоб берибгина қолмай, айти пайтда ус-тозни гўзал бир усулда ҳимоя ҳам қилди.

Ойбек ёзган эди:

«Чўлпон бизнинг ҳозирги адабий эҳтиёжимизга жавоб бера олмас, деб ундан қўл йиғамизми? Менимча, бу нарса хато. Букун рус бироғарларимизга қарасак, улар Пушкинни қандай севганликларини кўрамиз. Пушкинни рус ишчиси, комсомоли, фирқалиси, олими — ҳаммаси севади, ҳаммаси ўқийди. Пушкин инқилобдан сўнг ҳам Пушкин бўлиб қолди. Рус адабиётига юқори ўринни банд қилди. Қийматини зарра йўқотмади. Балки ҳозирги йўқсул ёшлар унга яна катта қиймат берадирлар. Уни ўқиб, асарларининг гўзаллигида чўммак устайдирлар.

Пушкин йўқсил эл учун ёзғон бир шоир эмас. Ул помешчик ва тўралар шоири. Мафқураси ҳам ҳозирги замонга мувофиқ эмас. Бўлмаса, уни нечун бу қағар севиш? Пушкин кўб гўзал асарлар яратди. Рус шеърининг бадиий намуналарини берди. Унинг асарлари рус адабиётининг ўлмас бойлиғини ташкил этади. Иш шундай экан, руслар нечун буюк адабий меросдан воз кечсинлар?

Биз ҳам Чўлпондан қўл торта олмаймиз, Чўлпон янги адабиётга янги нарсалар яратди. Мувашшаҳ адабиёти ўрнига бу куннинг бадиий завқига яраша ёқимли, гўзал шеърлар ўртага чиқарди. Бугунги ёш насл унинг соғда тилини, тотли услубини, техникасини кўб севади. Ундан кўп гўзалликлар олади. Чўлпоннинг мафқураси эмас, балки яратган бадиий намуналари ўқулади, воз кечилмайди».

Бугун ҳам ўз қимматини заррача йўқотмаган бу сўзлар Айннинг пала-партиш фикрлари тагидан ўт чақиб, уларни қўланса бир дудга айлангириб юборди.

Аммо «Қизил Ўзбекистон» газетаси 6 июнь сонида Комил Алиевнинг Чўлпонни ва Ойбекни қораловчи Тошкент округи маданият ходимлари қурултойида қилган маърузасини эълон қилди. 22 июнь куни эса Усмонхон Эшонхўжаев ҳам Чўлпон ва Ойбекка таъна тошларини отувчи «Мунаққиднинг мунаққиди» деган мақола билан чиқди. Газета Ойбекнинг Усмонхонга қарши ёзилган мақоласини яна босиб ётиб, баъзи бир тузатишлар билан 28 август сонида чоп этди.

Чўлпон атрофини қуршаган қора булут шу тухмат ёмғирини қуйиш билан ҳам тарқалмади. Коммунист-

журналист Комил Алиев шу газетанинг 1927 йил 12 октябрь ва 1928 йил 27 июль сонларида уялмай-нетмай «Ақлли жинни» ва «Қора кийинган қизил тўй» деган фельетонларини эълон қилди. Ниҳоят, жумҳурийят маданият ходимларининг II қурултойи (1927 йил 4 октябрь) Чўлпон ва «чўлпончилик»ни қоралаш шиори остида ўтди.

Аслини олганда, 1927 йилда Чўлпонга қарши бошланган ҳужумнинг тепасида куни кеча уни ҳимоя қилган ва Чўлпон «миллат қаҳрамони» деб ўйлаган Акмал Икромов турарди.

Қурултойда Акмал Икромов мафкура майдонидаги кураш ҳақида маъруза қилиб, Мустафо Чўқай ва Заки Валидийларнинг Шўро Туркистони ҳақида хорижда эълон қилинган мақолаларини қоралаб бўлгач, Чўлпон ҳақидаги мубоҳасага бундай муносабатини билдирди: *«Айн томонидан, — деди нотик, — Чўлпонни танқид қилиб ёзғон мақола муносабати билан бизда бир қанча мубоҳасалар бўлиб ўтди. Айн Чўлпонни мафкура жиҳатидан тўғри танқид қилди. Адабий жиҳатдан унинг танқидига қиймат беришликка ботирлик қила олмайман. Қайтариб айтаманки, мафкура жиҳатидан шундай танқиднинг бўлиши керак эди».*

Акмал Икромовнинг бу сўзлари Айн мақоласи Марказқўмнинг топшириғи билан ёзилгани ва бу мақола орқасида қудратли кучлар турганини англатди. Буни сезган ва Қозоғистонда бошланган «қама-қама» булутининг ўзбек зиёлилари бошига келаётганини кўрган Чўлпон 5 октябрда қурултой ҳайъатига бояги ариза билан мурожаат этди.

Чўлпон, эҳтимол, қамалишдан ҳам кўра, ишдан ҳайдалиб, ўзини ҳам, хотинини ҳам очликка гирифтор этишдан кўпроқ қўрқиб, большевиклашган, манқуртлашган маданият ходимлари қаршисида азиз бошини ерга урди. Лекин қонсираган қурултой Вадуд Маҳмудни ҳайдаб чиқариш билангина кифояланмай, Чўлпонга нисбатан ҳам юзсизларча муносабатда бўлди. Акмал Икромов ҳатто Чўлпонни қайта тарбиялаш ҳақидаги масалани ҳам баҳсли, деб топди.

Чўлпон тепасида тўпланган булутлар яна ҳам қуюқлаша бошлади.

# Бешинчи фасл

## ҚОР ҚҮЙНИДА ЛОЛА

*Яна қиш... Қор-кафан ёпилди яна,  
Қарғага тўй... ўйин топилди яна.*

Чўлпон

### Совуқ шамоллар

*(давоми)*

Капалак ўт сари талпинганидек, ёзувчилар пойтахт сари интиладилар. Шунинг учун бўлса керак, французларда «Буюк қалам соҳиблари вилоятда туғилади-ю пойтахтда вафот этади», деган нақл бор.

20-йиллар охирида Самарқанд жумҳурият пойтахти бўлгани учун аксар машҳур ёзувчилар, санъаткорлар, олимлар шу ерга тўпланишган эди. Ўша пайтларда на Ёзувчилар уюшмаси, на Маданият ишлари вазирлиги бўлгани учун Фитрат, Маъруф Расулий, Вадуд Маҳмуд сингари зиё аҳли истиқомат қилган хонадон ёки боғлар шундай ижодий масканлар вазифасини ўтади. Бу манзилларга нафақат ёзувчи ва олимлар, балки айни пайтда созанда ва хонандалар ҳам ташриф буюрганлари учун уларда том маънодаги нафис суҳбатлар ўтди, шеърлар ўқилди, санъат ва адабиёт ҳақида, Навоий ва Бедил, Чўлпон ва Алавий ҳақида баҳслар бўлди, ашулалар айтилди. Бу ўзига хос пенклубларда адабий жараён ва унинг иштирокчилари шаклланиб бордилар.

ГПУ томонидан тўпланган маълумотларга назар ташлар эканмиз, шўро сиёсий идорасининг ана шундай гурунглاردан чўчигани, уларда бўлиб ўтган суҳбатларни билишга, гурунг қатнашчиларининг ҳар бир қадамини кузатиш ва ҳар бир сўзини хотирлаб қолишга уринганини кўрамиз.

«Миллий итиҳод» ташкилотининг собиқ аъзоси андижонлик Мўминжон Ҳакимов ГПУнинг Чўлпон ҳақидаги саволларига жавобан бундай беозор маълумотни берган:

*«1927 йилнинг ёзига хасталигим масаласида шифокорлардан маслаҳат олиш учун Тошкентга бордим. Мен билан бирга Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) ҳам йўлга чиқди, унинг Ўзбекистон Давлат труппаси бўйича қандайдир ишлари бор экан. Биз Тошкентга келиб, тўппатўғри Ҳозир Фози Юнусовнинг уйига тушдик. У ерда фақат икки кун бўлиб, кейин Чўлпон билан бирга Самарқандга кетдик. Чўлпон Тошкентда ўз ишлари юзасидан Қудратулла Маъзумов ва Абдуманнон Уйғур билан кўришди. Уйғурнинг уйига меҳмон ҳам бўлдик.*

*Биз Самарқандда Ўзбекистон Давлат грама (труппаси) артистларининг ётоқхонасига жойлашгач, Вагуд Маҳмудовнинг боғига йўл олдик. Ўша пайтда Вагуд Маҳмудовнинг ўзи уйига йўқ экан... Вагуднинг боғига сиёсий мавзуларга суҳбат бўлмади. Баҳоизм ҳақида, Робингранат Таҳур ҳақида, театр, Самойлович, Фузулий ҳақида сўз борди. Вагуднинг уйига бизни унинг куёви Садриддин Айний олиб борган эди. Суҳбат вақтида у ҳам ҳозир бўлди».*

Сўроқ пайтида айтилган бу сўзлардан маълум бўлишича, драмстудия қатнашчилари Самарқандга қайтиб келганларидан кейин ҳисобот спектакллари ни ўтказгач, меҳнат таътилига чиққанлар. Чўлпон Андижонга, оиласи бағрига кетган. Таътил тугаши арафасида эса, болалик дўстларидан бўлмиш Мўминжон Ҳакимов билан бирга Тошкент орқали яна Самарқандга қайтган.

Чўлпоннинг Самарқанддаги ижодий ҳаётини фақат театр билан чеклаш соддадиллик бўларди. Ҳозиргина айтиб ўтганимиздек, у бояги нафис мажлисларда, Шарқ мумтоз адабиёти ва санъатининг билимдонлари давра-сида билим хазинасини, санъат, фалсафа, дин ҳақидаги тасаввурларини бойитиб, мусиқа оламининг илоҳий оҳанглари-дан ором олган, ўз навбатида, ўзи ҳам маж-лис аҳлига шеърят ва театр санъатининг хушбўй на-фасини уфуриб турган.

Мўминжон Ҳакимов берган яна бир маълумотга кўра, у ўша йили Чўлпон билан бирга Самарқандга борганида маданий-оқартув бўлимининг мудирини Маъруф Расулийнинг ҳам уйига боришган. Хонадон соҳи-



бининг йўқлигига қарамай, меҳмонларни унинг кекса отаси кутиб олган ва улар шу ерда тунаганлар.

*«Бизнинг хонадонимизга, — деб элаган эди таниқли адабиётшунос Масъуд Расулий, — Садригдин Айний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Рамзий, Боту, Зиё Саид, Комил Алиев, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Вағду Маҳмуд, Тамарахоним, Муҳиддин Қориёқубов... каби машҳур санъаткорлар тез-тез келиб туришарди. Уйимиз хурдга адабий-бадиий уюшмага ўхшарди, бу ерда долзарб ижодий муаммолар қизғин муҳокама қилинарди...»*

Масъуд Расулий бу нафосат кечаларини кўз олдига келтиргач, қўққисдан биз учун мароқли воқеани ҳикоя қила бошлайди:

*«Кунлардан бир кун Чўлпон бизнинг Самарқанддаги уйимизга ташриф бузурди. Оқшом маҳали у театрга отланди ва ўзи билан менинг опам Закияни (яъни Маъруф Расулийнинг қизини — Н. К.) ҳам эргаштириб кетди. У пайтлари Закия ҳали мактабда ўқир, бироқ дорилфунун талабалари алақачон опамга хуштор бўлиб қолишган эди. Ўз-ўзидан равшанки, театрга тўрида «миллатчи шоир» билан ёнма-ён ўтирган қизни кўришган хушторлари бениҳоя ғазабланишарди. Чунки шоир қамоққа олинмасидан анча илгариек сиёсий магдоҳлар томонидан «миллатчи» деб айблана бошлаган эди».*

Ана шу тарзда матбуот саҳифаларидан Чўлпон бошига ёғилган маломат тошлари самарқандлик ёшларни ҳам чалғитди. Чўлпон ва унинг дўст-ёрларини орқаваротдан кузатиш мунтазам тус олди. Нафосат мажлислари сийраклашиб, унинг ўрнига «Қизил қалам» жамиятининг йиғилишлари ўтказилди. Бу мажлисларда Чўлпонни сўкиш одат тусига кирди. Аммо шу билан бирга унинг қадрига етадиган, адабиёт майдонининг сиёсий кураш майдонига айланиши хосиятсиз эканини тушунган кишилар ҳам топилди.

Шоир Олтой бир хотирасида бундай воқеани эслаган:

*«Айний домлани «Қизил қалам» жамияти йиғилишларида бир неча бор учратганим бор. Бир йиғилишда муҳокама кескин борарди. Мафкура кураши муносабати билан Чўлпон, Фитрат ижодлари устига сўз борарди. Танқидларни қовоқларини солиб, тинглаб ўтир-*

дилар. Сўнгра сўз олиб, «Чўлпоннинг ҳамма шеърлари ёмон, зарарли эмас-ку, ахир! Яхши, кишига бадиий завқ бахш этувчи, ҳаяжон билан ўқиладиган фасиҳ шеърлари ҳам бор-ку! Фитрат эса катта олим, катта мударрис, араб, форс, турк адабиётининг моҳир устаси, хотираси зўр билимдон», деб мақтади».

Сиёсий кураш секин-аста кенг кўлам касб этиб, Чўлпон ҳатто самарқандлик дўст-ёрлари билан ҳам кам кўришадиган бўлди.

1929 йилнинг 23—29 апрель кунлари ВКП(б) Марказий Комитетининг 16-конференцияси бўлиб ўтди. Бунга қадар ўтганлари ҳам, кейингилари ҳам ҳатто большевиклар хотирасидан аллақачон ўчган. Аммо халқ устига битмас балолар келтирган бу конференцияда «тозалаш» масаласи илк бор Шўро давлати ва большевиклар партияси олиб борган сиёсатнинг «қаймоғи» сифатида кун тартибига қўйилди. Большевиклар кўзи очиқ кекса ва ўрта авлодни «тозалаш» ҳаракатининг ўроғи билан ўрмай туриб, ўз сиёсий тузумларининг қулоч ёзишига ишонмадилар.

Шу йилдан бошлаб машғум ўроқ Ўзбекистон бўйлаб ишга тушиб кетди. Дастлаб суд ва прокуратура органларига юзлаб «халқ душманлари»нинг «суқулиб» кирганлиги «маълум бўлди». «Бадриддиновчилар», «қосимовчилар» «иши» фош этилди. «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзолари эллик кишига етмаганлари ҳолда ва ўз фаолиятларига 1922 йилдаёқ чек қўйганларига қарамай, издошлари билан бирга «топилиб», қамоққа ташланди; айни пайтда 1926 йили «Миллий истиқлол» номи билан гўё тикланган бу ташкилотнинг «янги аъзолари» юзидаги» ниқоб олиб ташланди-да, улар ҳам аристонлар армиясига бориб қўшилди. Орадан кўп ўтмай, Маориф халқ комиссарлигига «ўрнашиб қолган» «миллатчилар ва аксилинқилобчилар уяси» очиб ташланди.

Ўзбекистон Компартиясининг IV қурултойида Рамзий, Боту ва Абдулҳай Тожиевнинг аксилинқилобий фаолияти фош этилди. Кечагина Чўлпоннинг ғоявий «зарарли» асарларига қарши курашган Ботунинг, партиянинг энг ишончли кишиларидан бири бўлган Абдулҳай Тожиевнинг қораланиши Чўлпонни эсанкиратиб қўйди. Рамзий ва Боту ўша заҳотиёқ ишдан озод қилиниб, қамоққа олиндилар. Отишга ҳукм қилинган бу айбсиз айбдорларга кейинчалик большевикларча раҳм-

шафқат қилиниб, отув ўн йиллик қамоқ муддати билан алмаштирилди. 1937 йилнинг «шонли» бўсағасида эса улар отиб ташланди.

Акмал Икромов ўз ихтиёридаги имкониятлардан тўла фойдаланиб, Отажон Ҳошимни Ленинградга, Фанлар академиясининг аспирантурасига, Абдулҳай Тожиевни эса Москвага, СССР Марказий Ижроия Қўмитаси қошидаги Миллатлар Советининг котиблигига юборди.

ГПУ эса Рамзий, Боту сингари қамоққа олинган зиёлилардан озодликда юрган биродарлари ҳақида муайян ниятда маълумотлар олишга жон-жаҳди билан киришди. Чунончи, 1930 йил декабрида бўлиб ўтган сўроқ пайтида Маориф халқ комиссарлигининг масъул ходими Носир Саидов бундай маълумотни берди:

*«Аксар йиғилишлар самарқандлик таниқли бойлардан бирининг ўғли Маъруф Расулийнинг уйига ўтарди. Маъруф Расулийнинг уйи Шўро ҳокимиятининг Самарқанддаги барча душманлар учун иссиқ, махфий ва қулай жой ҳисобланган. У Чўлпон, Фитрат, Вағуф Маҳмуд, Раҳим Иноғомов, Назрулла Иноятлов, кейинги вақтларда эса Маннон (Рамзий назарда тутилмоқда — Н. К.) ва унинг атрофидаги кишилар учун шундай жой бўлиб хизмат қилди. Шу вақтда эса Маннон Рамзий коллегия аъзоси ва сиёсий-оқартув бўлимининг мудири эди».*

Чўлпон Шўро давлатининг «балиқчилар қонуни» асосида иш кўришини яхши билган. Балиқчилар эса каттароқ балиқни тутиш учун кичкина балиқчаларни қармоққа иладилар.

Чўлпон ГПУнинг дастлаб Маориф халқ комиссарлигидаги иккинчи ва учинчи даражали ходимларни қамоққа олиб, сўнг улар ёрдамида Боту, Рамзий каби йирик арбобларни қўлга туширганини ўз кўзи билан кўрди. Ўз тақдирдан ҳавотирланган шоир 1929 йили Андижонга борганида «Аламзадалар» яширин ташкилотининг Ғафуров деган аъзоси уни ташкилотга жалб этмоқчи бўлди. Чўлпон ҳамшаҳари таклифига жавобан шундай беҳуда ишлар билан шуғулланишга вақти йўқлигини айтди.

Бир томондан, воқеанавислар, иккинчи томондан, ўзини ватанпарвар қилиб кўрсатган шубҳали кишилар Чўлпон атрофини ўраб олишди. У ҳатто бояги маҳалладоши Мўминжон Ҳақимов Самарқандга яна келиб, унинг уйига қўнган бўлса ҳам иши кўплигини баҳона қилиб, ўзини четга тортди.

У ишонч билдирган раҳбарлардан бири 1927 йилнинг бошидаёқ унга «миллатчи» деган ёрлиқни ёпиштирган, матбуотдаги ҳужумни ҳам шу раҳбар бошлаб берган эди. Энди шу раҳбарнинг энг яқин кишилари ҳам бирин-сирин қамала бошладилар.

... 1930 йил октябрининг сўнгги кунларида Саид Аҳрорий билан Фулом Зафарий Чўлпоннинг уйида гурунглашиб ўтирган эдилар. Баҳс Ботунинг қамалгани устида бораётгани учун Фулом Зафарий шундай сўз қотди:

— *Боту билан Рамзий қамалганидан кейин Акмал Икромовнинг кайфияти бузилган бўлиши керак. Эҳтимол, унинг ўзи ҳам ишдан кетар. Негаки, ишонган тоғларининг ҳаммаси аксилинқилобчилар бўлиб чиқди.*

Чўлпон Фулом Зафарийнинг бу сўзларига жавобан деди:

— *Яқинда Фитратнинг уйига борган эдим. У хуғди шу масалада Файзулла Хўжаев билан суҳбатлашган экан. У бундай дебди: «Акмал аҳмоқ одамлардан эмас. Ўз жойини сақлаб қолиш учун ақли етади. Агар у ҳамма дўст ва ўртоқларини сотса, албатта, жойида қолади...»*

Ана шундай хавотирли кунларда Абдулла Алавийнинг Ялтадан қайтиб келганлиги хабари тарқалди. У Қримдаги санаторийларнинг бирида ўн бир ой мобайнида даволанганига қарамай, тузалмаган, аксинча, саломатлиги янада оғирлашган ҳолда қайтган эди. Азобли хаёллар оғушидаги Чўлпон бу ажойиб олим, гўзал шоир ва булоқ сувидек пок инсонни кўргани борганида, у тамом қуриган эди. Орадан кўп ўтмай, у 1931 йилнинг 8 январида бу ташвишли, азобларга лиқ тўла дунёни тарк этди. Чўлпон шоирни дафн этганларидан кейин унинг уйида, иссиқ танча ёнида ўтириб, токчадаги бундан бир-икки йил илгари тушган суратини қўлига олди-да, узоқ хаёлларга берилди. Сўнг қалам олиб, суратнинг орқа тарафига шу сўзларни кўзларидан дув-дув оққан ёшлари билан ёзди:

*«Абдулла Алавий абадий уйқуга кетди»*

Чўлпон шу сўзларни ёзиш билан қаноатланмоқчи эди. Аммо унинг ичидаги шеърятнинг мунгли булоғи тошиб, бояги сўзлар тагига оқиб тушди:

Эй улвий йўлдошим, юмшоқ тилингни  
Ўлимнинг омонсиз панжаси олди.  
Мен сендан айрилдим, шу ондан бошлаб  
Тилимда сўз деган нараса йўқолди.

Ул юмшоқ тилигда ул юмшоқ сўзлар...  
Шулар эмасмиди кўпни банд этган?  
Демак, эй йўлдошим, қаро ерларга  
Ширин сўзларингнинг Лайлоси кетган.

Дедим-ку, тилим йўқ, бу сўзсиз тилим  
Теваси йўқолган бадавий бўлди.  
Менинг тилим эмас, бутун бир элнинг  
Мулойим шеваси ерга кўмилди.

Сен тилга ипақдан кўйлак кийгиздинг,  
Йўқ, дўстим, у кўйлак битмасдан қолди.  
Мен сендан айрилдим, шу ондан бошлаб  
Айрилиқ тилимга калолат солди.

Булоқ сувлари тингач, шоир имзо чекди: *«Абагуий  
гўстинг Абдулҳамид Сулаймон»*, деб. Сўнг ушбу сана-  
ни қайд этди: *«8/1.1931 й...»*

Ташқарида қор ҳамон ёғмоқда эди...

\* \* \*

20-йиллардаги сиёсий ҳаёт манзаралари тинимсиз  
равишда ўзгариб турди. Кунни кеча дўст бўлган киши-  
ларнинг икки қарама-қарши соҳилга чиқиб кетиши  
ўша пайтда оддий ҳодиса эди. Айниқса, давлат ва партия  
арбоблари сиёсий вазиятга қараб, Чўлпонга гоҳ дўстлик,  
меҳр ва мадад қўлини узатган бўлсалар, гоҳ унинг  
инсоний ҳақ ва ҳуқуқларини, ҳатто ор-номусини ҳам  
оёқости қилдилар.

Ўша йилларда бўлиб ўтган маориф ходимлари  
қурултойларини эслаб, Сотти Ҳусайн тергов жараёни-  
да бундай деган:

*«Шундай воқеа эсимда бор. Муаллимлар қурултой-  
ларининг бирида Боту (маориф халқ комиссарининг  
собиқ ўринбосари, Икромовнинг аксилнқилобий фао-  
лият бўйича яқин сафдошларидан бири) менинг ол-  
димга келиб, делегатларнинг миллатчи ёзувчилар Ва-  
дуд Маҳмуд билан Чўлпонга нисбатан норозиликла-*

рини ташкил этиш тўғрисида Икромовдан кўрсатма олганини айтди. Унинг сўзларига қараганда, Икромов ўзининг сўнги сўзига уларни миллатчилар ва иккиюзламачилар, деб фош этганида, делегатлар норозилик билдиришлари лозим эди. Мен Икромовнинг топшириғини адо этдим. Икромов Чўлпон билан Маҳмудовга нисбатан ўзига ҳеч бир ёмонлик туймаганига қарамай, бу шахсларга нисбатан мунофиқлик намоёйишини ўтказишга мажбур бўлди. Мен кейинчалик бу ҳолнинг тасодифан ўтганини эшитдим. Гап шундаки, муаллимларнинг аввалги қурултойиларида Чўлпон билан Вағуд Маҳмудов ўзларининг миллатчилик руҳи билан суғорилган ўтмишларидан воз кечиш ҳақида ваъда берганларига қарамай, ўз доираларида шўроларга қарши ашақдий равишда тарғибот ишларини олиб боришмоқда эди.

Чўлпон билан Вағуд Маҳмудовнинг бу иккиюзламачилигини баъзи бир зиёлилар фош этган эдилар. Шунинг учун ҳам Икромов ўзининг яқунловчи сўзига Чўлпон билан Вағуд Маҳмудовга қарши чиқмасдан ўзга чорани топа олмади. Икромов кейинчалик аксилинқилобчи Чўлпонни кўллаб-қувватлашда давом этди».

Акмал Икромовнинг Чўлпон ва унинг маслақдошларига бўлган муносабати, умуман сиёсий-маънавий қиёфаси тўғрисида турлича фикрлар юради. Ушбу масалага ойдинлик киритиш ниятида Сотти Ҳусайннинг яна қуйидаги сўзларини сиз, китобхонлар эътиборига ҳавола қиламан:

«Бир кун, 1930 йил охири ёхуд 1931 йил бошларимикин, Икромов мени Назаров орқали ЎзК(б)П МҚдаги хизматхонасига чақиртирди. Икромов Чўлпон билан Абдулла Қодирийнинг ажойиб истеъдоди тўғрисида узоқ гапириб, менинг мақолаларимда бу ёзувчиларга хос ижобий фазилатларни, асарларининг қимматини тушунмаётганимни айтди. Мен Икромовнинг бир қатор далилларига қўшилдим. Сухбат охирида Икромов мени ўта лутфоналик билан уйига овқатланиб келишга таклиф этди. Биз зинапоядан тушаётганимизда Икромовнинг қиёфасини кўрсатадиган бир ҳодиса юз берди. Қаршимиздан қандайдир бир ўзбек чиқиб қолиб, Марказқўм ходимининг (у рус кишисининг фамилиясини айтди) унга иш беришдан бўйин товлаётганидан шикоят қилди.

Икромов қизишиб, ғазаб билан сўқинди-да, бояги

ўзбекка бундай деди: «Бор, унга бориб айтгинки, бугуннинг ўзигаёқ сени ишга жойласин, акс ҳолда мен уни Марказқўмдан бир зумда ҳайдаб юбораман».

Биз машинада кетар эканмиз, Икромов тинмай ғазаб ва нафрат билан сўкиниб, ўзбекларнинг чиқиштирилмаётганидан, улуғ ҳокимият шовинизми кўринишларидан шикоят қилди.

Икромовнинг уйида биз иккимизгина бўлдик. Зиёфатдан кейин у ўзининг ўзбек халқи олдидаги хизматлари тўғрисида узундан-узоқ гапириб, IV партия курултойида баъзи бир шахслар унинг барча хизматларини хум ичига кўймоқчи бўлганини айтди. Шундан кейин Икромов ҳокимиятда миллий зиёлиларга нисбатан ишончнинг йўқлиги, шунинг учун ҳам ўз халқи манфаати йўлида хизмат қилиш имкониятига эга эмаслиги ҳақида сўзлади.

Икромов мендан Боту, Олтой ва бошқаларнинг ҳақиқатда нима учун қамалганини биласанми, деб сўради. Мендан салбий жавобни олгач, Икромов қизикқонлик билан деди: «Йўқ, сен биласан, кўрққанинган ҳақиқатни айтмоқчи эмассан. Уларнинг барчаси ҳақиқат учун, ўз халқига бўлган меҳр-муҳаббати учун, ўз миллий маданиятини юксалтиришга интилгани учун, русларнинг сиқишларига қарши курашганлари учун ва ўзбекларнинг мустақил давлат сифатида миллий тараққиётга эришишларини орзу қилганлари учун қамоққа олинган. Сен ҳам, худди улардек, қамоққа олинганидан кейингина бунга ишонасан».

Акмал Икромов бу сўзлари билан Чўлпон сингари халқнинг ор-номуси бўлган сиймоларга нисбатан муносабатини ошкор этганидек, Сотти Ҳусайннинг ҳам кейинги тақдирини башорат қилиб берди.

## **Дўстлар ва душманлар қуршовида**

«Ҳар бир ҳукуматнинг узоқ вақт давомида барқарор яшашининг бирдан-бир кафолати кучли муҳолифатнинг мавжудлигидир». Машҳур сиёсатчилардан бири шундай деган экан.

Агар ана шу Ҳақиқат кўзлари билан Шўро ҳукумати фаолиятига назар ташласак, унинг тарих сахнасига чиққан куниданоқ мамлакатда фақат битта сиёсий куч — большевиклар диктатурасини ўрнатганлигини кўрамиз. Шўро ҳукумати дастлабки йиларидаёқ

бошқа сиёсий партияларни бўғиб ташлади, кейин эса ким ўз ҳаётининг маълум бир фаслида ё кадетлар, ёки эсерлар партиясига, ёхуд бирон-бир сиёсий ташкилотга билиб-билмай аъзо бўлган, лекин кейинчалик уни тарк этиб, большевиклар тўдасига келиб қўшилган бўлса ҳам, уларнинг барчасини қириб ташлади. Шўро ҳукуматининг барпо этилганига ўн йил тўлиши билан большевиклар бутун мамлакат бўйлаб кенг миқёсда «тозалаш» кампаниясини ўтказдилар. Ўн миллионлаб кишилар қатл этилди ёхуд борса-келмас жойларга — Шўро ҳукумати барпо этган дўзахларга бадарға этилди. Халқни подага айлантирган ҳукумат хоҳлаган ишини қилиш имкониятига эга бўлди ва шу имкониятдан тўла фойдаланди.

Нафақат кучли мухолифат, балки унинг изи ҳам қолмаган Шўро ҳукуматини ичдан дарз кетишдан, турли миқёсдаги кўзғолонлардан Иккинчи жаҳон уруши сақлаб қолди. Фақат немис фашизмнинг ҳужуми ва Шўро мамлакатининг босиб олиниш хавфигина халқни — ўз давлатидан қўрқиб яшаётган, ундан юз ўгирган, унинг раҳбарларига ишонмаган халқни большевиклар партияси ва Шўро ҳукумати атрофида бирлашишга мажбур этди. Аммо шунда ҳам немис армияси босиб олган Кавказдан тортиб Болтиқ бўйигача қулоч ёйган жойларда яшовчи халқларнинг бир қисми душман билан биргаликда Шўро давлатига қарши очикдан-очик курашди. Ҳатто душманга асир тушган ўрта осиелик йигитлар ҳам Туркистон легиони таркибида шўроларга қарши қурол кўтариб келдилар. Булар ҳаммаси Шўро ҳукуматининг ўз халқига қарши олиб борган қабиҳ ишларининг натижаси эди.

Чўлпон шўро мамлакатада кечган ана шу жараёни тушунган, шунинг учун ҳам қулай шароит келиши билан унга қарши очикдан-очик курашиши мумкин бўлган кишилардан эди. Буни Шўро ҳукумати билган, шунинг учун унинг икки кўзи, бошқалар қатори, Чўлпонда ҳам бўлган.

Шўро давлатининг XX асрдаги ривожланган бошқа мамлакатлардан фарқи шунда бўлдики, агар бу мамлакатларда мухолифатга эрк берилиб, унинг оқилона фикрлари эътиборга олинган ва айқоқчилик асосан бошқа мамлакатлар ҳудудида ҳарбий, технологик ва мафкуравий мақсадда олиб борилган бўлса, шўролар, энг аввало, мамлакат ичкарисида кенг тармоқланган



айфоқчилик тизимини яратди ва Чўлпон тоифасидаги кишилар орқасидан ўнлаб одамларни қўйди. Бу беминнат айфоқчиларнинг аксари унинг яқин кишилари — қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари, қаламкаш ва саҳнадош ҳамкасблари, шунингдек, шогирдлари эди. Шўро ҳукумати улар орқали Чўлпоннинг ҳар бир нафас олишидан огоҳ бўлиб турган.

Мана, масалан, Чўлпоннинг теварак-атрофида ўрмаллашиб юрган «Енисей» лақабли воқеанависнинг ўз хўжаларига йўллаган чақувномаси:

«29/VIII da (1928 йил назарда тутилмоқда — Н. К.) «Қизил Ўзбекистон» таҳририятига кирдим. Жулқунбой, Чўлпон ва Санжар (Санжар Сиддиқ назарда тутилмоқда — Н. К.) ҳузурида Шоҳид Эсон ҳақида гап очдим. Жулқунбой бу воқеадан норози бўлган худди Зуннун (Шорасул Зуннун назарда тутилмоқда — Н. К.) билан Элбекдек гапирди. (Улар Шоҳид Эшон техникумдан ҳайдалганда, ундан зўр мутахассис йўқ, дейишган — Н. К.) Чўлпон киноявий оҳангга «Шоҳид Эсон рус тилини билмайди, жуда яхши бўлти. Шўро мактабида Истанбулда тарбия кўрган кишининг ўқитувчилик қилиши мумкин эмас; бинобарин, ҳозирги вақт Эсоннинг ҳам, бошқаларнинг ҳам обрў-эътибори кўтариладиган вақт эмас», деди.

Шундан кейин туркийчиларнинг Боку қурултойи тўғрисида сўз борди. Хонаси келганда, мен Чўлпондан у ерга бориш ё бормаслигини сўрадим. «У ёққа боришдан ва «пантуркист» деган лақаб орттиришдан худо сақласин. Ким пантуркизм билан заҳарланган бўлса, ўша Бокуга интиляпти. У ерга Фитрат бора қолсин, у шунга мос», деди Чўлпон.

Чўлпон пантуркизм масаласида Фитратдан ошиб тушади. Унинг ўзи боролмаслиги учун Фитратнинг сафарига ҳасад қилиб, шундай сўзларни айтди.

Чўлпон яқинда Москвага боради».

Бу сўзлардан сезилиб турганидек, Чўлпон «Енисей»нинг кимлигини ва нима мақсадда уларнинг тилларини қичитаётганлигини яхши билган, шунинг учун ҳам у воқеанависга дилидаги гапни айтишдан ўзини тийган.

ГПУ ихтиёрида, «Енисей» сингари воқеанавислардан ташқари, яна бир гуруҳ ёлланган кимсалар ҳам бўлганки, улар олдига Чўлпонни матбуот саҳифаларида «фош этиш», унниг эл-юрт ўртасидаги обрўсини

тўқиш вазифаси қўйилган. Абу Ҳамид исми шундай кимсалардан бири «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1929 йил 27 февраль сонида ГПУ эътиборини қўйидаги масалага қаратмоқчи бўлган:

*«Босмачиликдан қаҳр-ғазаби келган аҳоли босмачиликка барҳам бериш учун кураш бошлагу. Босмачилик тугатилди, меҳнаткашлар тинч меҳнатга киришдилар, аммо Убайдулла учун бу кунлар оғир бўлди. Чунки, унинг бирон касб-кори йўқ, у текинхўр. Аммо унинг аҳволини енгилаштирадиган киши ҳам топилди-қолди. Унинг оғайниси бўлмиш Чўлпон ойига 30 сўм нафақа бериш шарти билан уни вақф бўлимига ишга жойлаб қўйди. Лекин иш бу билан ҳам тугамади. Чўлпон бу нафақани умр бўйи олиши мумкин эмаслигини билиб, Убайдуллани бошқа ишга ўтказмоқчи бўлди. Чунки ўша пайтдаги обрўсидан фойдаланиб, Убайдуллани Фарғона вилоят сув хўжалиги орқали Андижон мироби лавозимига жойлаштирди ва Убайдулла шу вақтдан эътиборан доимий даромад манбаига эга бўлди».*

Кўрамизки, шўролар Чўлпонни халқ назарида бадном қилиш учун ифодан ҳам, фактларни сохталаштириш ва бичиб-тўқишдан ҳам қайтмаган. Чиндан ҳам, оддий китобхон Чўлпондек шоири замоннинг Андижон мироблигига ҳам, бошқа «маданий» лавозимларга ҳам таниш-билишларини жойласа-жойлагандир, деб ўйлаши мумкин. Ваҳоланки, «кадрлар масаласи» билан шуғулланиш учун Чўлпонда на хоҳиш ва на имкон бўлган.

1929—1930 йиллардаги қама-қама даврида ГПУ бўлажак «халқ душман»ларига қарши маълумотлар тўплашнинг янги бир манбаини топди. Қонхўр терговчилар қийноқ ёхуд ёлгон ваъдалар остида маҳбуслардан истаганларича маълумотни олдилар. Шундай маълумотлар Чўлпон ҳақида ҳам етарлича тўпланди.

Бу маълумотлар орасида Чўлпон ҳаёти, ижодий фаолияти ва инсоний табиатига оид ҳақ гаплар ҳам бўлгани учун улардан баъзи бирларини қуйида келтирамыз.

1929 йил ноябрида ҳибсга олинган ва Мунаввар қори Абдурашидов билан бирга Москвада отиб ташланган машҳур истиқдолчилардан бири Салимхон Тилахоновнинг сўроқ пайтида берган кўргазмасидан:

*«.. Шундан кейин (Аҳад исми киши билан Самарқандда бўлиб ўтган суҳбатдан кейин — Н. К.) мен*

кетмоқчи бўлдим... Йўлма-йўлакай Аҳаднинг кўшниси Чўлпоннинг уйига киргим келди. Чўлпон мени яхши меҳмоннавозлик билан қарши олиб, «Сиз ҳам меннинг кулбаи вайронамга келар экансиз», деди. Чўлпон яна артистлар орасида ишлаётганлигини, ҳамма жойдаги ўзбеклар, хусусан, уларнинг ҳам қисилиб-қимтиниб яшаётганлигини айтди. Гарчанг мен Чўлпон қошида тилимга эрк бермаган бўлсам ҳам, ҳар қалай, у билан жипслаша ва бир ёқадан бош чиқариб кета олмаган ёшларнинг ҳам қисман айбдор эканлигини айтдим. У билан самимий гаплашиш режамда йўқ эди, зеро, мен унинг характери бўшлигини билардим ва, иккинчи томондан, у шоир сифатида сирларни ошкор қилиши, бизни фош этиши мумкин эди. Шунга қарамай, у билан ўқтин-ўқтин кўришиб туриш ва унга биздан бошқа кишиларга эмин-эркин очиши мумкин бўлмаган, юрагига тўпланиб қолган даргу ҳасратларини тўкиш имконини бериш лозим эди».

С. Тиллахонов бу маълумотни 1930 йил майида берган. Орадан бир мунча вақт ўтгач, терговчининг талабига мувофиқ, у Чўлпон ҳақида яна бундай сўзларни айтган:

«У фақат миллатчилар ўртасидагина эмас, коммунистлар орасида ҳам шу даражада ҳурматга эга. Зеро, ерли коммунистларнинг аксари миллатчилик эътиқодидан ҳанузга қадар қайтмаган. Улар Чўлпонни миллатчи шоир бўлганлиги учун ҳурмат қилишади. 1920 йили Чўлпон Ғози Юнус, Санжар, Элбек ва бошқалар билан «Чиватой гурунги» тўғраида бирлашиб, эски зиёлиларга (Мунаввар қори Абдурашидов ва унинг тарафдорлари назарда тутилмоқда — Н. К.) қарши кураш олиб борди, бир оз вақтдан кейин яна миллатчилар тарафига ўтди ва яна миллатчилик руҳидаги шеърларни ёза бошлади...»

Салимхон Тиллахоновнинг ҳақ гаплардан иборат бу кўргазмасидан унинг — 30 ёшлик йигитнинг мардона ва улуғвор қиёфаси аён гавдаланиб турибди. У бизга Чўлпон ҳақида янги маълумотлар бериш билан бирга унга нисбатан самимий муносабатини ҳам очиқ айтмоқдаки, бу сўзларнинг давоми билан танишиш сиз, азиз китобхонларга ҳам мароқли бўлса ажаб эмас:

«...Бир замонлар, яъни 20-йиллар, Чўлпон, Элбек ва Санжар миллатчилик йўлидан чиқиб, кейин яна шу йўлга тушиб олишди. Чўлпон миллатчилар лагеридан

кетгандан кейин хийла вақт ўтгач, «Булоқлар» деган ном остида шеър (шеърлар тўплами демоқчи — Н. К.) эълон қилиб, ҳаммани ҳайратга солди, негаки, бу шеър (шеърлар тўплами демоқчи — Н. К.) кучли миллатчилик руҳида ёзилган эди. Унда таниқли турк шоири Муҳаммад Аминнинг китобидаги «Турон дуғри, Кавказ дуғри ва Турк дуғри» деган сўзлар иқтибос қилиб келтирилган. Чўлпон бу шеърда Муҳаммад Аминга эргашиган. Ёшлар Чўлпоннинг бу шеърни ёзганига эмас, балки коммунист Саид Аҳмад Назиров раҳбарлик қилган давлат нашриётининг босиб чиқарганига кўпроқ ажабланганлар. Улар Саид Аҳмад Назиров билан Чўлпон Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари орасида танишлари бўлгани учун масъулиятга тортилмади, деб ўйлашди. Чўлпон, Элбек, Санжар ва бошқалар эски тараққийпарварларга (жадидлар назарда тутилмоқда — Н. К.) қараганда миллатчилик руҳида шигдат билан чиқа бошлашди».

Тергов материаллари орасида Чўлпон ҳаётининг бизга номаълум саҳифаларини ёритувчи қимматли фактлар оз эмас. Чунончи, Муталлиб Қаҳрамоновнинг айтишича, у 1917 йил тўнтаришига қадар Чўлпон билан бирга Ўшга — шоирнинг Абдураҳимжон исми қариндошининг тўйига борган. 1925 йили Чўлпон Эсон афанди, Вадуд Маҳмуд, Иброҳим афанди ва Наби Расулев билан бирга Андижонга келиб, унинг уйида меҳмон бўлган. Чўлпон билан Наби Расулевдан бошқа меҳмонлар унинг уйида тунашган. Орадан бир-икки кун ўтгач, меҳмонлар Арслонбобга йўл олганлар. Чўлпон билан Муталлиб Қаҳрамонов болалик пайтларидан дўст бўлганларига қарамай, 1928 йили Муталлиб Андижонга келган артистларни (Уйғур, Миршоҳид Мироқилов)ни уйига қўймаган.

Лутфулла Олимий берган маълумотга кўра эса, Чўлпон 1926 йилга қадар (тўғрироғи, 1924 йилгача — Н. К.) «Фарғона» газетасида таржимон бўлиб ишлаган.

Бундай катта ё кичик факт ва маълумотлар келажакда янги топилмалар билан бойиб, Чўлпон ҳаётининг қоронғи бўлиб келаётган саҳифаларини ёритиши шубҳасиз. Шу маънода илк ўзбек профессорларидан бири Ғози Олим Юнусовнинг қуйидаги сўзлари эътиборга сазовор:

«1927 йили, — деган у, — Самарқандда Қўқонбой Абдуҳолиқнинг уйида бўлиб ўтган зиёфатга мен, Ва-

гул Маҳмуд, Чўлпон, Мунаввар қори ва соҳиби хонадон иштирок этганмиз. Зиёфат Мунаввар қорининг Самарқандга келиши шарафига берилган. Шу ерда Қўқонбой Абдуҳолиқ мен билан Мунаввар қорига Омонуллахоннинг Англия таъсиридан чиқиш учун мамлакатни ҳалокат ёқасига олиб борувчи жинояткорона сиёсатни олиб бораётганлигини, Афғонистонда Омонуллахонни ағдариб, унинг ўрнига инглизпараст укасини қўймоқчи бўлган кучли гуруҳнинг борлигини айтди. Қўқонбой шундан кейин дедикки, яқинда тайёрланаётган тўнтаришга ёрдам кўрсатиш учун Самарқанддан Афғонистонга бир афғон кетди, агар тўнтариш муваффақият қозонса, бу ҳол Туркистонни озод қилиш ишига ҳам катта ёрдам беради. Бу афғон Афғонистонга кетганидан кейин ҳам Қўқонбой билан алоқани ўрнатиб турибди, аммо у менга бу ҳақда гапирини хоҳламади.

Қўқонбойнинг уйига кейинчалик Чўлпон кўчиб кирди. Қўқонбой Мунаввар қори гуруҳидаги эски жадиғдир. Шахсан мен Вағуд, Чўлпон, Қўқонбой ва Мунаввар қорининг афғонлар орқали хориж билан алоқасини бор, деб ўйлайман».

Маҳбусларнинг истиқлол учун курашдаги ўрни ва Шўро ҳокимиятига бўлган муносабатига қараб Чўлпон ҳақидаги фикрлар шу тарзда секин-аста сиёсатлашиб боради. Агар баъзи бир маҳбуслар Чўлпон ҳақида холис бир маълумотни берган бўлсалар, бошқалари уни жар ёқасига етаклаш орқали ўз жонларини сақлаб қолишга интилганлар. Масалан, Боис Қориев (Олтой) 1930 йил 10 ноябрь санали кўргазмасида бундай деган:

«30/Х 30 й.даги сўроқ пайтида баён қилганларимга қўшимча тарзида қуйидагиларни маълум қиламан: 1) 1923 йилдан Андижонда вақф бошқармаси мудури, зиёли Қоризоданинг уйида Андижон шаҳар кутубхонаси мудури (1923 й.га) ўқитувчи Мўмин Абдулҳай ва исм-шарифлари ҳозир ёдимда қолмаган яна бир неча зиёли иштирокида бўлган «гап»да, ёдимда бор, Чўлпон «Шўро ҳокимияти яқин кунларда ағдарилади, босмачиларнинг яшашга бўлган имкониятлари Шўро ҳокимиятига қараганда кўпроқ. Шунинг учун ҳам босмачиларни жила курса маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ёшларни шу йўналишда тарбиялаш вазифамиздир», деди. Қатнашувчилар Чўлпоннинг бу сўзларини озми-кўпми

хайрихоҳлик билан қарши олдилар... 2) Мен яна Чўлпоннинг Қўқон мухторият ҳукуматининг собиқ нозири, адвокат Убайдулла Хўжаев билан қилган суҳбатига ҳам ҳозир бўлганман. Убайдулла Хўжаев бир рус киши-си, чамаси, Қўқон мухторият ҳукуматига кирган... Чайкин билан ўзбек классиклари нашриётини очиш мақса-дига 1923 йили Андижонга борган...

Убайдулла Хўжаев билан Чўлпон ўзаро суҳбатда ёшларни миллатчилик руҳида тарбиялаш учун зиёли-лар сафига миллатга меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлаш лозимлиги ҳақида аҳдлашиб олдилар. «Шўро ҳокимия-ти муваққат воқеа, ундан кейин Туркистон жумҳу-рияти барпо бўлади. Буларнинг ҳаммаси учун кура-шиш лозим» (дейишди улар). Суҳбат Чўлпоннинг ота-онасига қарашли уйда бўлиб ўтган. Чўлпоннинг сўзла-рига қараганда, Хўжаев билан бу суҳбатдан ташқар-ри, у шундай мазмунда яна бир суҳбат ўтказган ва шу суҳбат пайтида Хўжаев билан бирга келган бош-қа бир рус ҳам қатнашган. Суҳбат ўша ерда бўл-ган.

Шундан кейин мен Хўжаев билан рус кишиси кели-шининг тарихий маъносини, ўзбек классиклари нашриёт-тини ташкил этиш бошқалар кўзини чалғитиш учун баҳона эканлигини тушундим. Мен Чўлпондан: «Нега мухториятчилар билан ош-қатиқ бўлиб юрибсиз?» — деб сўрасам, у бизнинг ҳеч нарсанинг фаҳмига етма-ган ва ватанни ўрисларга сотган, она сути оғзидан кетмаган болалар эканлигимизни айтган.

Бизлар: «Абдулҳай Тожиев, Чўлпон, мен, Сегизбоев, Алихўжаев (исм-шарифлари ёғимда қолмаган яна 2—3 киши) Андижонга боришдан аввал Қўқон Мухторият ҳукуматининг собиқ озиқ-овқат нозири Обид Чатоқ-нинг уйига тушдик. Бизни у ерда Чўлпон бошлаб бор-ди. Биз Чатоқнинг уйида икки кеча ва икки кундуз турдик. Чатоқ биз билан суҳбатда ҳозир Туркистонда шундай шароитки, миллат фойдасига ишлайман, деган кишилар коммунистлар партиясига киришлари лозим. Партия билети бўлган кишиларнинг миллатга фойда келтириши осон бўлади. Чатоқ даврада ўлтирганларга имо қилиб, улар четдан қараганда коммунистлар бўлиб кўринишса ҳам, аслида миллатчилардир, деди. Давра-да ўлтирганлар Чатоқнинг бу фикрини енгил бир кул-ги билан қўлаб-қувватладилар...»

Олтойнинг бу сўзларида тилга олинган Абдулҳай

Тожиевнинг ўша пайтда «Туркистон» газетасининг муҳаррири бўлгани китобхонлар ёдидан кўтарилмаган бўлса керак. Султон Сегизбоев ўша кезларда Фарғона вилоят партия кўмитасининг котиби, Шомансур Алихўжаев эса вилоят инқилобий кўмитасининг раиси лавозимини адо этганлар.

Олтой Чўлпоннинг бутунги маънодаги миллатчи ва аксилинқилобчи сифатидаги образини тўлдириш мақсадида яна бундай сўзларни айтган:

*«1925 йили Коммунистик партия академиясига ўқишга кирганимдан кейин 1926 йил бошларида яна Чўлпон билан учрашдим. У ўша пайтда ўзбек студияси қошида адабий эмакдош эди. Чўлпон билан фикр олмашувлардан кейин мен унинг заррача ҳам ўзгармагани, аввалгидек миллатчи бўлиб қолганига амин бўлдим. Чўлпон менга студия ўқитувчиларининг лекцияларини таржима қилиш пайтида тингловчилар диққат-эътиборини миллий шароитга қаратиш мақсадида лекторлар келтирган мисолларни кўпинча ўзбек ҳаётидан олинган мисоллар билан алмаштирганини айтди. Чўлпон ўша вақтдаги адабий ишларига сингдирилган миллатчилик ғояларини усталик билан яширган. Мен Чўлпон билан кўпинча ўзбек ишчилар факультетининг клубида учрашганман. Унинг хонасида бор-йўғи икки уч маротаба бўлганман, холос. Шуни айтиш керакки, мен 1924 йилдан бошлаб матбуотда Чўлпонга қарши чиққанман. Чўлпон мен билан учрашган пайтларида менинг ана шу чиқишларим ҳақида тўхталиб, уларнинг фойдасиз иш эканлигини айтган, негаки, унинг асарларини жон деб ўқишмоқда, халқ уни севади ва бундан кейин ҳам севажак. Менинг шахсий суҳбатларим чоғида Чўлпонни ўз сўзларимга ишонтиришга қаратилган уринишларим зое кетган; мен Чўлпон олдида ўзимни ожиз сезганман. Дарвоқе, Чўлпон ўзининг биздан афзаллигини асослаш ниятида асарларининг юксак бадиийлиги у адабиётда олга сураётган ғояларга содиқлигининг бевосита натижасидир, деган. У бизнинг инқилобий ғояларимизни қабул қила олмаганлиги учун уларни бадиий либосга ўрай олмас, чунки, бундан ҳеч вақо чиқмаслигини аввалдан билар экан. «Сизлардан ҳам, — деган Чўлпон, — ҳеч вақо чиқмайди, сизларнинг асарларингизни ҳеч ким ўқимайди, шўро воқелигини юксак бадиий шаклда акс эттириш мумкин эмас».*

*Шуни эътироф этиш керакки, Чўлпоннинг асарлари чиндан ҳам қадрланган. Мен рабфак клуби қошидаги адабий тўғарақда Чўлпон асарлари ҳақида маъруза қилганман. Мен ўз маърузамда Чўлпон асарлари пролетариат руҳига тўғри келмайди ва унинг асарларини сиёсий тайёргарлиги бўлмаган кишиларга ўқишга бериб бўлмайди, деган фикрни олға сурганман. Сўзга чиққан кўпгина нотиклар Чўлпон асарларини очикдан-очик ҳимоя қилишган. Комилжон Алиев, Наим Саидов ва Носир Саидовлар Чўлпон асарларини ёшлар ўртасида бемалол тарқатиш, 1-босқич мактабларидан бошлаб улар асосида ёшларнинг бадиий дидини ривожлантириш лозим эканлигини айтишган. Менинг маърузам 1927 йил охирларида бўлган. Маъруза пайтида Чўлпон қатнашмаган».*

Олтойнинг бу эътирофида Чўлпоннинг Москвада кечган ҳаёти ва дунёқараши билан боғлиқ, биз учун янги ва қимматли маълумотлар билан бирга терговчи билан юзма-юз ўтирган маҳбуснинг ўз ҳаётини сақлаб қолиш, ҳақиқий миллатчи ва аксилинқилобчи ўзи — Олтой эмас, балки Чўлпон эканлигини айтиш, ўзига санчила бошлаган пичоқни Чўлпонга тўғрилаш истаги аён сезилиб турарди.

20-йиллар охири — 30-йилларнинг бошларида ҳибсга олинган айрим кишилар, 1937 йил маҳбусларидан фарқли ўлароқ, сўроқ пайтида Чўлпоннинг муборак номини мумкин қадар сақлашга, ҳатто уни ардоқлашга уринганлар. Бу ҳол шоирнинг ўша вақтда умумхалқ ҳурмат-эътиборини қозонгани, мустамлакачилик ва шовинизмга қарши курашда шу халқнинг байроғи бўлганлигидан шаҳодат беради. Шу маънода Мирзакалон Исмоилийнинг 1930 йил 11 декабрь куни берган кўргазмаси, бизнингча, эътиборга лойиқ:

*«Мен билан бирга бир камерада Абдумуталлиб, Сайфи Камолов, Исҳоқ қори Каримов (анджонликлар) ва бир наманганлик — Исмоил қори Отабоев ўтиришибди. Қаҳрамонов Абдумуталлиб биз билан суҳбатда ҳамиша Чўлпонни кўкка кўтариб, уни ўзбек миллатининг фахри, деб атайди. Унинг нақл қилишича, бир куни ўзи ва Усмонхон Эшонхўжаевнинг акаси ҳузурда Чўлпонни синфий ёт унсур, дегани учун Убайдулла Султонхўжаевни ҳатто урмоқчи ҳам бўлган; у энди Чўлпонга қарши чиқмаслигини, аксинча, уни ҳамма ерда кўкка кўтаражagini айтади.*



Каримовнинг айтишича, Чўлпон эҳтиётсиз ва оғзи бўш киши эканлиги ва учратгани ҳар бир одамга гуллаб қўйиши мумкин бўлганлиги учун уни бирорта ҳам ташкилотга аъзо қилиб олишмаган.

М. Исмоилий Муталлиб Қаҳрамоновнинг Чўлпон ҳақидаги бундай баҳосини терговчига маълум қилиш билан кифояланиб қолмаган. Орадан бир ой ҳам ўтмай туриб, ўзлари тузган яширин ташкилотга Чўлпонни раҳбар сифатида жалб этмоқчи бўлганларини ҳам айтган:

«... Мен берган ваъдамни бажариш учун йиғилишдан кейин Илёс Фозилов билан бирга ўша пайтда Фози Юнусовнинг уйига меҳмон бўлиб турган Чўлпон ҳузурига бордим. Илёс Фозилов Фози Юнусовнинг уйига киришни хоҳламагани учун мен бир ўзим кирдим. Чўлпон уйга йўқ экан. Фақат Фози Юнусов билан Санжар Сиддиқовгина уйга эканлар. Мен бир соат чамаси Чўлпонни кутдим, аммо у келмади».

Ўз вақтида Наби Расулев ҳам Чўлпонни «Миллий иттиҳод» ташкилотига жалб этиш масаласини кўтарган. Аммо Мунаввар қори Абдурашидов унинг номзодини рад этган.

Чўлпон ГПУ ихтиёрида мавжуд бўлган бундай маълумотлардан озми-кўпми хабардор эди. Шунинг учун ҳам у ўзининг Шўро ҳокимиятига муносабати ойдек равшан бўлган бир пайтда Боту ва Рамзийлар билан кетма-кет ҳибсга олиниши ва қамоқхонада чиритиб юборишлари мумкинлигини ҳис этиб, Фитрат ҳузурига мадад ва маслаҳат излаб боради. Ўша кезларда Файзулла Хўжаев Москвада бўлгани учун Фитрат ҳам шундай хавф-хатар остида яшаган. Файзулла Хўжаев сафардан қайтгач, Фитратнинг боғига ташриф буюради ва унга: «Сен ҳам, Чўлпон ҳам ташвиш чекмасаларинг бўлади. Мен сенларга ҳеч нарса таҳдид солмаётганини биламан», дея уни юпантиради. Чўлпон Фитратнинг боғига иккинчи маротаба келганида у шу сўзларни айтиб, ёш дўстини бемалол ишлашга даъват этади.

Аммо орадан кўп вақт ўтмай, матбуот Чўлпонга қарши шафқатсиз равишда ўт очганда, Чўлпон энди бевосита Файзулла Хўжаевнинг ҳузурига кириб, тух-матчилар устидан шикоят қилади ва ундан ёрдам сўрайди. Бу 1931 йилнинг охирлари эди. Файзулла Хўжаев Чўлпонга «бундай кунлар ўтиб, ҳали дорило-

мон кунлар ҳам келади», деган маънода таскин сўзларини айтиб, унинг қўлига 300 сўм миқдорда пул беради ва вақтинча Тошкентдан кетиб, Москвага бориб яшашни маслаҳат қилади. «*Жамоатчилик сени бир оз бўлса ҳам унутсин, кейин қайтиб келасан*», дейди у.

Шундан кейин Чўлпон Шўро ҳокимиятининг тошкентлик маддоҳлари ва воқеанавислари дастидан қочиб, Москвага йўл олади.

## **Яна Москвага**

Москвага жўнаши арафасида Чўлпон Андижонга бориб, қариндош-уруғлари билан хайрлашмоқчи бўлди. У гарчанд Шўро давлати пойтахтига нажот излаб кетаётган бўлса ҳам у ерда ўзини нима кутаётганини билмас эди. Тошкентда мухолифларини тинч қўймаган давлатнинг Москвада уларнинг эмин-эркин яшашига йўл бериб қўйиши ишонарсиз эди. Шундай бўлса ҳам, у ҳар ҳолда ғаразли кўзлардан йироқда яшаши, асабларига бир оз ҳордиқ бериши мумкин эди.

Чўлпон Андижонда Бува Саъдиддан қабристонига бориб, бувиси билан отасининг мазорини зиёрат этди, улар руҳига тиловат бағишлаб, фарзандлик бурчини ўтай олмагани учун юм-юм кўз ёш тўқди.

Ўзини халққа бағишлаган кишилар одатда ота-онасини «унутиб қўяди». Чўлпон ҳам ишини деб, халқининг бошига тушган кулфатлардан қадди-қомати дол бўлиб, унинг дардига малҳам бўлиш йўлларини излаб, энг яқин ва азиз кишиларини унутиб қўйганди. Умуман, унга ота-онаси, буви ва бувасини она тупроқ бағрига қўйиш насиб этмаган экан. Онаси ҳам 1933 йили, Чўлпон Москвада эканида оламдан ўтади. Унинг тобути олдида «вой, онам» деб йиғлаб мазорга борган кишилар орасида Чўлпон бўлмайди.

Чўлпон Андижонда кўп турмади. Бир-икки кун оиласи бағрида бўлди, болалик кезларидаги дўст-ёрлари билан кўришди. Қадрдони Маҳзум почча билан ёшлиқда кечган антиқа воқеаларни эслаб, ундан беш-ўн сўм пул-у калиш-маҳсини олиб, дастлаб Тошкентга, сўнг Москвага жўнади. Бу — 1931 йилнинг охирлари эди.

Ёдингизда бўлса, Назир Тўрақулов Москвага ишга кетиши арафасида Чўлпоннинг уйида меҳмон бўлиб, Мунаввар қори Абдурашидов билан ҳатто шоҳмот ҳам ўйнаган эди. Тақдир бу икки дўстни яна сафар олдида

учраштирди. Аммо бу сафар Чўлпон Шўро давлатининг консули сифатида Жиддадан қайтиб келган Назир Тўрақуловни зиёрат этгани Ғози Олим Юнусов билан борган эди. 1931 йилнинг сўнгги ойларида бўлиб ўтган бу учрашув чоғида Тўрақулов Чўлпондан қандай яшаб ишлаётганини сўрайди. Чўлпон: «Ўзбекистонда бизга кун беришмаяпти, сўкишгани-сўкишган», деб жавоб беради. Мезбон бу сўзларни эшитиб, дейди: «Сабр қилиш керак. Сўкишса сўкиша қолсин, бу фойда, сизлар чиниқиб, пўлатдек мустаҳкам кишилар бўлиб етишасиз». Сўнг Тошкентдаги сиёсий вазият билан ҳам, Чўлпонни қуршаган ташвиш ва изтироблар билан ҳам қизиқмай, Туркиянинг Арабистондаги элчиси совға қилган нафис бир китобни кўрсатади. Мустафо Камолнинг ҳикматли сўзларидан иборат бу китобни Чўлпон қўлига олиб, варақлаган киши бўлади-да, дарҳол қайтаради: унинг кайфияти нафосатнинг бундай мўъжаз бир шаклидан баҳра олиш даражасида эмасди.

Чўлпон Москвага боришидан аввал Файзулла Хўжаев РСФСР Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари Турор Рискуловга қўнғироқ қилди ва ундан ўзбек шоирига муносиб иш топиб беришни сўради; сўнг Муҳиддин Турсунхўжаевга унинг номидан тавсия ёзишни буюрди. Файзулла Хўжаев номидан ёзилган тавсияда Чўлпоннинг «йирик ёзувчи ва сиёсий жиҳатдан ишончли киши» эканлиги айтилган эди. Чўлпон ана шундай тавсия билан РСФСР Халқ Комиссарлари Советига борди. Рискулов ҳам унга ижобий тавсия ёзиб бериб, СССР Халқ Комиссарлари Совети аппаратида таржимон лавозимини эгаллашига катта ёрдам қилди. У котиба қўлидан олган тавсияни Чўлпонга берар экан: «Яна уялтириб қўйма», деди-да, елкасини қоқди.

Чўлпон ана шу тарзда Москвада расмий давлат ҳужжатларини ўзбек тилига ағдариш билан шуғуллана бошлади. У ўзини бўғиб, тирноқлари орасидан кир ахтарган носоғлом муҳитдан узоқлашган, демак, ижод қилиш учун қулай шароитга эга бўлгандек эди. Аммо унинг ўша кезлари ўшлик дўсти ва қариндоши Шарофиддин Салоҳиддин ўғлига ёзган шеърини мактубига қараганда, кайфияти, биз ўйлагандек, яхши бўлмаган. Чўлпон Салоҳий тахаллуси билан жиндак шеър ҳам ёзган бу зотнинг маснавий йўлидаги хатига йўллаган жавобида ўз хасби ҳолини бундай баён этган:

Эй аҳли шараф, олинг қулоққа,  
Юк юкклангиз бу бесўлоққа.  
Мумкинми чопиш ва ёки йўртиш  
Бу шўр пешона даканг чўлоққа...  
Ночор тутаман қалам қўлимда  
Дил дафтарини варақламоққа.  
Дил дафтариди аламдан ўзга  
Бир ҳарф бўлурми номламоққа.  
Илҳом ариғи қуриб ётибдир,  
Йўқ ҳафсала ани кавламоққа...

Чўлпон бундай ҳазин муқаддимадан кейин дўсти саволларига жавоб бериш ниятида ўзи ҳақида қуйидагиларни маълум қилган:

...Тор бўлса-да энди соҳиб ўлдим  
Бир кичкина хонаи ётоққа.  
Хизмат ерим жойида ва лекин  
Мушкуллигин ўхшатинг сабоққа...  
Ойлик яна кифоят этмас,  
Рўзғор иши ҳам тушиб чатоққа.  
Ҳеч қурбимиз ўлмади, биродар,  
Ҳатто онамизни йўқламоққа.  
Оз-оз юборилди икки-уч бор,  
Лозим буни яхши англамоққа.  
Айниқса, кийим хусуси чучмал,  
Бир маҳсидан ўзга йўқ оёққа.  
Сўрмангки, сариф ботинка бирлан  
Катта қораси, дебон, қаёққа?  
Сиз берганингизни тоза кийдим,  
Мажбур бўлинди ташламоққа...  
Ҳожи Ражабин йўғон қароси  
Тор келди бу тўнкадек оёққа.  
На чораки, бошқага узатдим,  
Кун қолди шу маҳсии ямоққа...

1932 йил февралда битилган бу шеърдан шоирнинг Москвада нафақат мусофирлик, балки иқтисодий қийинчилик ва руҳий тушқунлик иқлимида ҳам яшаётгани аён бўлиб турибди.

Орадан икки ой ўтгач, Салоҳийдан яна ўшандай як қофияли иккинчи хат келди. Чўлпон бу хатта жавобан ёзган номасида шахсий ҳаётида хийла нузли воқеалар рўй берганига шама қилиб, деди:

Толе қуши энди қўнди шоҳқа,  
Ўт кирди бу қақшаган ўчоққа.  
Сизнинг у соф дил била юборган  
Хоҳишларингиз эришда ҳаққа.  
Бир хона тегиб, шаҳар ичиндан  
Турмушларимиз тушди бир сиёққа.  
Лампа ёғини ҳам талоқ қилдик,  
Тутқун бўлиб интирис чироққа.  
Тўп-тўғри ва тез топармиз уйни,  
Урмай ўзимизни оққа-боққа...

Ушбу фаслнинг сўнгги лавҳаларида яна Шарафиддин Салоҳий ўғли билан учрашсак ажаб эмас. Аммо шунга қарамай, хонаси келганда, унинг урушдан кейинги йилларда ҳам ҳаёт бўлгани ва Андижоннинг Сўфиқишлоқ деб аталмиш гўшасида яшаганини хабар қилгимиз келади. 1946 йилнинг 5 мартида Маҳжурий, Хуррам, Улфат ва Сайфийдан иборат андижонлик шоирлар гуруҳи Салоҳийни йўқлаб Сўфиқишлоққа борган. Мазкур шоирлар шу муносабат билан ёзган мушоараларида Салоҳий билан учрашувни бундай тасвир этганлар:

Ҳужраи фарҳат физо очти эшик, қилди қабул,  
Кирдик иссиғ қўйнига, топдик фараҳлар бешумор.

Бизлара бўлгач макон шоир Салоҳий ҳужраси  
Келдилар ҳурмат билан аҳбоби олий эътибор...

Қиш ҳавосин занги кетди, бўлди дил кўзгуси соф,  
Сухбат иксиридан ўлди табълар комили ёр...

Бу мушоарадан ва ҳурматли шоирларнинг Салоҳийни зиёрат қилишларидан унинг ширинсухан шоир ва олижаноб инсон бўлганлиги маълум бўлади.

Чўлпон бу вақтда Халқ Комиссарлари Советига қарашли 1-Гражданилар кўчасидаги 101-уйнинг 1-хонадонига кўчиб ўтган ва турмуш шароитида ижобий ўзгаришлар юз бера бошлаган эди.

Чўлпоннинг 1932—1934 йилларда Москвада бўлишига доир хотираларда унинг гоҳ «Шарқ» нашриётида, гоҳ эса СССР Марказий Ижроия Қўмитаси қошида таржимон бўлиб ишлагани айтилади. Ваҳоланки, шоирнинг ўзи 1937 йилда бўлиб ўтган тергов пайтида

Халқ Комиссарлар Советида турли-туман қонуларни таржима қилиш билан машғул бўлганини айтган.

Шундай қилиб, Чўлпон собиқ шўролар мамлакати-нинг жанубидан шимолига қадар очлик аждари ўрмалаб, минглаб кишиларни ўз домига тортган йилларда Москвада яшай бошлади.

\* \* \*

Шоирнинг шу кезларидаги ҳаётига оид бир ҳикоя бор.

1932 йили Ўзбекистоннинг СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги доимий ваколатхонасида Ваҳоб Рашидов Чўлпонни илк бор учратиб, у билан дўстона муносабат ўрнатади. Бир куни у шоирни уйига таклиф этади ва белгиланган вақтда меҳмон кириб келади.

*«Овқатимиз тайёр эди, — ҳикоя қилади Ваҳоб Рашидов, — Чўлпон овқатдан сўнг «Кавказ музикаси чолғучиларининг концерти берилармиш, борсак, яхши дам олган бўлардик», деб қолди. Мен олдиндан билет олиб қўйишни ўз бўйнимга олдим.*

*Арманистонлик артистлар Шарқ халқлари куйларидан москваликларга концерт беришга келишган экан. Залда бирин-кетин арман, Озарбайжон, Гуржистон, Эрон, афғон куйлари янграб кетди, биз куйлар таъсирига шу қадар берилиб кетибмизки, орадан икки ярим соат қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қолибмиз. Чўлпон таъсирчан одам экан. У куйларни шу қадар завқ билан берилиб тингладики, ... гўё фақат у бор-у куй бордек эди. Ҳар бир чалинган куйнинг сўнгига: «Бай-бай-бай, бу сеҳрли куйларни тинглаганимда дунёнинг барча ташвишларини, ҳатто ўз борлигимни ҳам унутиб қўяман. Бу куйлар сеҳрли кучга эга!» — деб қўярди...»*

Мен бу сўзларни ўқир эканман, Чўлпоннинг Москвада Мейерхольд ва Корш театрлари спектакллари-нигина эмас, Украина бандурачиларининг концертини ҳам, Хитойнинг машҳур артисткаси Мей Лан Фоннинг ижодий кечасини ҳам катта ҳаяжон билан томоша қилгани ҳақидаги сўзлари хотирамга келади.

*«...Биз, — давом этади Ваҳоб Рашидов, — шу қадар дўстлашиб кетдикки, баъзан у вақти бўлганда, ишдан кейин тўғри бизникига келиб, анча вақтгача ўлтириб, кўнглини ёзиб кетар эди...»*

Уйимиздаги кейинги учрашув ва суҳбатнинг бирида у Муқимийни эсга олиб, «Муқимий ниҳоятда ажойиб шеърлар яратди», деди-да, сўзида давом этиб, «Қўқон атрофига Найман деган бир қишлоқ бор. Қўқон атрофига кўп шаҳар ва қишлоқлар шоирлар томонидан шеърга солинган-у, «Найман» сўзининг қийинлиги, бе-ўхшовлиги сабабли ҳеч ким шу вақтгача уни шеърга сололмади, аммо бу ишни жуда усталик билан Муқимийгина амалга ошира олди», деб Муқимийнинг бу номни ўз ичига олган шеъридан бир мисрани келтирди:

Найлайин Оромонан Наймандек Аффон айламас.

«Кўринг, «Найман» сўзи шеърга қандай ўз ўрнини топган! Биргина шу мисрада Оромонан, Найман, Аффон деган учта ном ниҳоятда усталик билан жой-жойига қўйилганки, жойларнинг номини раволик билан шеърга жойлаш ҳар қандай шоирнинг ҳам қўлидан кела бермайди», деди ва: «Не-не ажойиб шоирларимиз ўтган», деб қўшиб қўйди.

Кейин суҳбатимиз Чўлпоннинг ўзи томонига бурилди, менинг: «Шеърларингиз ҳеч қаерда босилмаяпти», деганимга у жуда ғамгинлик билан: «Йўқ, ҳеч қаерда босишга рухсат йўқ, шеърларим варақларда дунё юзини кўрмай, хазон бўлмоқда, улар ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган ва супуриб ташлашдан бошқа нарсага ярамаган қадрсиз дастхатларга айланиб қолди», — деди-да, чуқур хўрсиниб, ...теварак-атрофга қараб олди...»

\* \* \*

Ўша кезларда Тошкентда «бадриддиновчилар» деб аталган гуруҳ устидан суд бўлмоқда эди. Чўлпон «Узбекистанская правда» газетасининг янги келган 12 май сонини варақлар экан, дафъатан ўз номининг ҳам суд жараёнида тилга олинганини кўрди. Алимов исми гувоҳ судда Чўлпон номини ҳам аксилинқилобчилар қаторида санаган ва ҳатто унинг «Қуролга» деган шеърини бузиб бўлса-да келтирган эди.

Бу ҳодиса Халқ Комиссарлари Советидаги раҳбарлар кулоғига етиб борса борми, Чўлпоннинг нафақат хизматдан узоқлаштирилиши, балки ҳибсга олиниши ҳам тайин эди. Шунинг учун у тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари номига қуйидаги раддияни ёзди:

«ВКП(б) Ўрта Осиё бюроси  
ўр. БАУМАНга

Нусхалари:

1) Ўзбекистон К(б)П МК

ўр. ИКРОМОВга

2) ЎзССР ХКС раиси

ўр. Файзулла ХЎЖАЕВга

шоир ЧЎЛПОНдан

Бағриддинов ва бошқалар устидан ўтаётган суг жараёнидаги гувоҳ ўр. Алимовнинг кўргазмаларига, одатга кўра, яна менинг номим тилга олинди («Узбекистанская правда» газетасининг 12/V 1932 й. санали 108-сонига қаралсин). Гарчанг мени Шўро ҳокимиятига қарши, демак, инқилобга қарши мисли кўрилмаган «найранг»ларда айблаш янгилик бўлмаса-да, шунга қарамай, Сизнинг эътиборингизга қўйидаги аризани йўллашга азм қилдим.

Ўр. Алимовнинг сўзларидан шу нарса келиб чиқадики, айбланувчи Аҳмадхонов инқилобий кўмита котиби бўлиб турган вақтда унинг ҳузурига «аксилнқилобчиларнинг гуллари» кенгаш ўтказган эмиш, гарвоқе, бу кенгашда мен ҳам қатнашган эмишман. Бу кенгашда босмачиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилинган эмиш. Махсус отряд тузилган эмиш-у уни қуролаштириш учун Аҳмадхонов қурол-яроғ топган эмиш, бу қурол-яроғни тарқатиш пайтида гўё мен — Чўлпон ўз шеъримни ўқиган эмишман. Ўр. Алимовнинг хотирасига бу шеърининг қўйидаги сатрлари қолган эмиш:

«Берите, джигиты, оружие!

Бог всемогущ и велик!

Берите, джигиты, оружие!

Всемогущий бог вместе с нами!»<sup>1</sup>

Мен қўшиламан. Эҳтимол қаердадир шундай кенгаш ўтган бўлиши мумкин. Аммо мен бундай кенгашда ҳеч қачон қатнашган эмасман ва, назаримда, ўша пайтдаги эътиқодимга кўра, қатнаша олмас ҳам эдим.

Аҳмадхонов инқилобий кўмита котиби лавозимини эгаллаб турган вақтда мен нафақат Кўқонда (у шу ерда мазкур лаовзимни эгаллаб турган), балки умуман

<sup>1</sup> Чўлпон суд ҳақидаги ахборотни «Узбекистанская правда» газетасида ўқиганлиги сабабли ушбу кўчирмани рус тилида айнан келтирган.



Фарғона вилоятига бўлмаганман. Мен Тошкентга бўлганман (1919 йилдан 1923 й.гача). Мен фронт ўзбек газетасида ишлаш учун (1923 й.га) босмачилик ҳаракатини узил-кесил тугатиш даврида Фарғона (Андижон)га борганман. Мен Фарғонага ТурМИК<sup>1</sup>нинг сафарбар этиши ва Туркфронт ИХК<sup>2</sup>нинг командировкаси асосида «Дархон» фронт газетасининг муҳаррири бўлган ўр. Тожиев Абдулхай билан бирга борганман. Мен шу газетанинг техник муҳаррири ва адабий ходими эдим. Бу газета ўз вақтида юяп яхши фикрлар олган. Менинг бу ишимни Тожиев А., Тогорский (Фарғона фронтининг собиқ кўмондони), Сегизбоев, Алихўжаев ва Биксон ўртоқлар яхши билишади.

Ўр. Алимовнинг хотирасида қолган шеърнинг менга ҳеч бир даҳди йўқ. Менга бунақа шеър умуман бўлмаган. Агар босмачиларга ёрдам кўрсатиш бўйича турли ташкилотлар тузилган ва бундай шеърлар ўқилган давр фактлари ҳаққоний ёритилса, аксинча, менинг босмачиларга нисбатан қарши томонда турганим факт сифатида тасдиқланади. (Менинг Тошкентга ўзбек тилида чиққан «РусТО» газетасидаги ишим ва, ундан ташқари, тирик гувоҳлар: Рискулов, Низомиддин Хўжаев, Моисей Цвиллинг, Хрисандров-Сермяжний, Тўрақулов Назир ва бошқа ўртоқлар.) Агар ўр. Алимовнинг ажойиб хотирасини яна бир оз олдинга — 1917 йилга, ҳали бирорта ўзбек ишчилар ҳаракати нималигини, буржуазиягина эмас, инқилобий ишчилар нималигини ҳам билмаган бир пайтда бир шеъримда («Юрт» журналида) «Қизил байроқ — қип-қизил қон. У қон — ишчилар қони» (афсуски, менинг хотирамда ҳам битта сатр қолган) деган сатр учрашига қаратса, яхши бўлган бўларди.

Тугатялман. Ушбу аризининг сўнгига шуни айтмоқчиманки, хатоларим етарли. Уларга қарши курашиш лозим, аммо менинг хатоларимни улар йўқ ва умуман бўлмаган жойдан қидирмаслик керак, аксинча, уларни хотирага зўр бермаса ҳам аён кўриниб турган жойдан ахтариш зарур, токи хотира бу сафаргидек ўз соҳибини алдамаган бўлсин.

**Чўлпон**

1932, 27/V.

Москва.

Москва, 41, 1-Гражданлар (кўчаси), 101, 1-хонадон».

<sup>1</sup> Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси.

<sup>2</sup> Инқилобий ҳарбий кенгаш.

Орадан етмиш-саксон йил ўтганидан кейин Алимов исмли гувоҳнинг «бариддиновчилар» устидан бўлиб ўтган судда кимнинг топшириғи билан Москвада яшаётган шоирга қарши кўргазма берганини аниқлаш қийин. Худди шунингдек, ушбу ариза бўйича бирор текшириш олиб борилган ё борилмагани ҳам маълум эмас. Аммо шу нарса аниқки, ушбу аризанинг Акмал Икромов номига йўлланган нусхаси саркотибнинг темир сандиғида сақланган бўлиб, 1937 йилнинг 14 ноябрида Ўзбекистон К(б)П Марказқўми котиби Яковлев томонидан шу сандиқдан олинган ҳамда ЎзССР НКВД бошлиғи Апрессянга юборилган.

Ушбу аризада Чўлпон томонидан катта маҳорат билан рад этилган «факт»ларнинг аксари, шубҳасиз, уйдирма бўлгани ҳолда улар орасида ростлари ҳам йўқ эмас. Лазиз Азизода хотираси орқали бизгача етиб келган Чўлпоннинг «Қуролга» сарлавҳали тўртлиги замирида ўша гоё — йигитларни истиқлол учун курашга чақириб қўйишнинг ётгани маълум. Чўлпон бу шеърини тасодифий кайфият кучи билан ёзмаган, албатта. Унинг бу шеърни ёшлар олдида ўқигани ва уларни курашга чорлагани сир эмас. Лекин бундай шеърни ёзганлиги ва уни кимларгадир ўқиганлиги учун Чўлпоннинг 1932 йилдаёқ ҳибсга олиниши ва ҳалок этилиши кундек равшан эди. Ўзи ҳибсдан Москвага қочиб борган шоирнинг Алимов берган кўргазмани катта мантиқ кучи билан рад этиши ва ҳатто уни паришонхотирликда айблаши шунинг учун ҳам тушунарлидир. Ҳар ҳолда Чўлпон ушбу аризаси билан ўзининг нафақат эҳтиросли шоир, балки айни замонда, «Дрейфус иши»да ютиб чиққан Эмиль Золядек, етук сиёсатчи бўлганлигини ҳам намойиш этди.

Агар Чўлпоннинг Шарафиддин Салоҳиддин ўғлига ёзган номалари билан ушбу аризани ўзаро қиёсласак, унинг муайян шароитда лочин сингари, юксак парвоз қилиши мумкинлигини кўраимиз.

Чўлпон ана шу фазилати билан Шўро ҳокимияти учун хавфли шахс эди.

## Вафо ва жафо расмлари

Чўлпон Москвада ватандошлари билан қанчалик тез кўришиб турмасин, қарийб ҳар куни елкасига тушаётган сиёсий, иқтисодий ва руҳий «юк»ни мардона кўтариб юриши учун яқин бир кишига зор эди. 1932 йилнинг ўрталарда бўлса керак, у шундай кишини топди. Бу — хотираларда Катя ёхуд Екатерина Ивановна тарзида тилга олинаётган аёлдир.

Екатерина Ивановнанинг асл фамилияси Токарева бўлиб, 1904 йили Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург)да дунёга келган. Архив материалларидан маълум бўлишича, у ҳунарманд-тадбиркор кишининг оиласида дунёга келган ва 1917 йилгача Киевда отасининг қарамоғида яшаб, ўша ерда гимназиянинг 5 синфини тугатган. 1921 йилдан бошлаб мустақил турмуш кечириб, турли жойларда хизмат қилган.

Чўлпон Екатерина Ивановна билан 1931 йили Москвада Абдулла Тошмухамедов деган талаба орқали танишган. (У кейинчалик Тошкентда музика техникуми директори бўлиб ишлаган.) Ўша пайтда Екатерина тутма тайёрлаш фабрикасида хизмат қилган.

Чўлпон оч ва совуқ Москвада мусофирлик йилларини кечирган йилларда Екатерина эрининг дард ва аламларига малҳам бўлишга, униг дилини ва тилини тушунишга интилди. Ҳар ҳолда у Чўлпон ҳаётининг ташвиш ва азоб-уқубат билан тўла сўнгги палласида унга вафодор ва меҳрибон хотин бўлишга уринди.

У Чўлпонга турмушга чиққанидан кейин унинг фамилиясини қабул қилиб, ўзини Сулаймонова деб юритди. Эрининг 1938 йилдаёқ отилгани аниқлангандан кейин Ботунинг укаси билан турмуш қуриб, у билан бирга Киевга кўчиб кетди.

Агар «Кеча ва кундуз» романидаги Мирёқуб билан Марямнинг Москвада нўғойлар масжидида никоҳ ўқитганлиги ҳақидаги тафсил тасодифий бўлмаса, Чўлпон шу масжидда Екатеринбургнинг Катя билан никоҳлаб олган чиқади.

Екатерина ҳақидаги илк маълумот В. Янга мансуб. Унинг 1933 йилга оид кундаликларида бундай сўзлар бор: *«Оқшом чоғида ўзбек шоири Чўлпоннинг уйида бўлдим. У палов дамлаб келди, паловни эса примусга дамлаш осон иш эмас. Чўлпоннинг ёшгина рус хотини — уни Катинка деб чақиради — эски, ёмон жиҳоз-*

ланган уйдаги кичик бир хонада Шарқ руҳини яратишга уринади».

Юқорида номи тилга олинган Ваҳоб Рашидовнинг хотирасида ҳам ушбу маскан ҳақида бир-икки чизма мавжуд:

*«1933 йилнинг куз кунларидан бирида Чўлпон: «Бир уйга борсанглар, ёзаётган романимдан лоақал бир-икки саҳифасини ўқиб берардим», деб қолди. Биз бу таклифни бажону дил қабул қилиб, вақт топиб, дўстим Юнус Мақсудов билан бирга Чўлпоннинг уйига бордик. У Биринчи Мешчанская, 115-уйда истиқомат қиларди. Рафиқаси Катя опа билан жойлашган хона катта бир хонанинг ярмиси бўлиб, ўртадаги гардероб билан енгилгина бўлинган, иккинчи ярмисига бир турк оиласи яшар экан. Чўлпон у турклар билан турк тилида гаплашиб турар экан.*

*Хонанинг Чўлпон оиласи яшаётган бўлагига бир каравот, бир стол, 2—3 стул бор эди, холос. Унда лоақал ўртамеёна яшаш учун ҳам шароит йўқ эди. Хонанинг фақирона кўринишининг ўзи уй эгасининг қандай қийинчиликда яшаётганини кўрсатиб турарди. Шундай одам шундай кун кечираётганидан қаттиқ таъсирландик...»*

Чўлпоннинг яқин қариндошларидан бири темир йўл ходими бўлган. У Тошкент-Москва йўналишида қатнаган поездда проводник бўлиб хизмат қилгани учун Чўлпон билан андижонлик жигарлари ўртасидаги алоқа кўпинча шу киши орқали бўлган.

1933 йилнинг ёз ойларида ана шу Мамасидиқ қори навбатдаги хизмат сафарига чиқишдан олдин саккиз ёшга кириб, эс-ҳушини йиғиб олган, тоғасини кам кўрган бўлса ҳам доим ёдида тутадиган Марғубга: *«Тай-ёрланиб тур, сени Москвага, тоғангнинг олдига олиб бораман»*, дейди. Марғуб бу хушxabарни эшитади-ю, тинчини йўқотади. Ниҳоят, поездга тушиб, қори акаси билан Москвага йўл олади.

Улар неча йўл юриб, не-не режаларни пишитиб, Москвага етиб келган кунлари Чўлпон рафиқаси билан бирга кимнингдир чорбоғига ҳордиқ олиш учун чиқиб кетган экан. Қори ака Марғубни бирор кишига қолдирай, деса, руслар танимаган кишига меҳр кўрсатиш фазилатидан узоқ халқ, қайтариб олиб кетай, деса, Марғуб не-не умидлар билан келган. Хуллас, у боши қотиб, Марғубни етаклаганича яна вокзалга чиққан.

Чўлпон эса шанба кунни бўлганига қарамай, юраги така-пука бўлиб, чорбоғда узоқ қололмай, хотинини олиб, барвақт йўлга чиқади. Уйига келиб эшитса, «осиёлик қариндоши» қора мағиздан келган бола билан кун бўйи етаклашиб, уларни кута-кута ҳозиргина кетишган экан. Эр-хотин ўша заҳоти ўпкани қўлга олиб, Қозон вокзали сари югуришди. Ҳайриятки, поезд ҳали қўзғалмаган экан. Чўлпон орзиқиб кутгани жигарлари билан кўришиб, Марғубни — тўнғич жиянини олиб қолади. Марғуб 15 кун мобайнида, қори ака қайтиб келгунича, Москвада тоғаси билан яшайди.

Мешчанлар кўчасидаги ҳозиргина биз танишганимиз катақдек уйда Чўлпон билан хотинидан ташқари, Екатеринанинг Маруся деган сингиси ҳам яшаган. Хона тор бўлгани учун Марғубга овқат столи тагига жой солиб беришган. У кечалари шу ерда тунаган. Маруся Марғубдан бир оз каттароқ бўлгани учун Чўлпон билан Екатерина ишга кетганларида, у уй юмушлари билан банд бўлган.

Марғуб аканинг айтишича, одатда иш кунлари Чўлпон эрталаб хотини билан бирга ишга кетар, унинг иш жойи эса ҳозир ГУМ-Бош универсал магазин жойлашган бинода бўлган экан. Кечқурунлари, қайд этганимиздек, Чўлпон хотинига нималарнидир айтиб турар, у эса ёзар экан. Чўлпон камхарж бўлса керакки, ойликка яқин қолганида, чўнтақларини кавлаштириб танга-чақаларни санаб ўтирар экан.

Марғуб Москвада тоғаси билан кечирган 15 кун ичида бор-йўғи икки марта хордиқ кунлари бўлиб, Чўлпон шу кунлари хотини билан бирга ёшларни ҳайвонот боғига, М. Горький номидаги Маданият ва истироҳат боғига ва яна аллақерларга олиб борган. Марғубнинг хотирасида ажабтовурлиги билан сақланиб қолган нарса Екатеринанинг Чўлпонни кўча-кўйларда қўлтиқлаб олиши бўлди.

Марғубнинг зерикиб қолганини кўрган Чўлпон кунларнинг бирида уни ўзи билан бирга ишга олиб борган. Аммо уни мақбара олдида навбат кутиб турган кишилар дарёсига қўшган-да, ўзи ишига кетган.

Марғуб ака ҳозир тоғаси билан учрашувларини эслар экан, ана шу яккам-дуккам хотира синиқлари кўзи олдидан бирма-бир ўтади.

Тоғаси туфайли ҳаёт йўли бошқа издан кетган бу мўйсафид болалигида шоирнинг унга чўпчаклар ай-

тиб берганини ҳам, мана бу ажойиб шеърни бағишлаганини ҳам, афсуски, билмайди. Шояд ушбу китобни ўқиган унинг фарзанд ва неваралари бу шеърни ёд олиб, Жек Лондоннинг мухлиси бўлган ота ва бувиларига ғурур ва сурур билан айтиб берсалар:

### Дўст ва душман

*Жияним Марғубга*

Қўзи айтур: «Эй Марғуб, мени сақла бўридан,  
Мен ҳам сенга жой берай ўтлоғимда тўридан!»  
Бўри айтур: «Эй Марғуб, қўзичоқни менга бер,  
Шунда сени мақтарман — Марғуб-ботир, Марғуб-шер!»  
Қўзи айтур: «Эй Марғуб у бўрига ишонма,  
Унинг ҳеч бир сўзига эсинг бўлса, алданма!  
Икковимиз дўст бўлиб, далаларда юрамиз,  
Келди давру даврон деб ҳур оила қурамиз!..»  
Бўри айтур: «Эй Марғуб, мен кўп яхши одамман,  
Номим Фашист, оғзим қон, бош кесишга бардамман.  
Сенга калла кесишни, қон тўкишни ўргатай,  
Қўзиларга жанг очиб, майдонда от ўйнатай!»  
Марғуб айтур: «Эй бўри, сен душмансан, сен олчоқ!  
Менинг севган дўстимсан, эй барралик қўзичоқ!..»

\* \* \*

Матбуотда шоир тўғрисидаги энг кўп хотиралари эълон қилинган киши Юнус Мақсудийдир. У 1932 йил июль ойининг сўнгги кунларида Педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишга кириш мақсадида Москвага борган. Унинг айтишича, Тошкентдан жўнаши арафасида ҳам Чўлпонга, ҳам отасининг Кузьмич исм-шарифли танишига телеграмма берган. Нима учундир Чўлпон танимаган йигитни кутиб олиш учун вокзалга чиққан. Худди шу вақтда Юнус акани кутишга Кузьмич ҳам чиққанлиги сабабли улар иттифоқо танишиб қолганлар.

Кузьмичнинг Шимолий вокзалдан бир бекат наридаги Лосино-Островский деган қасабада уч таноб келадиган дала ҳовлиси бўлиб, анвойи гуллар ва мевали дарахтлардан иборат боғида нозик дид билан қурилган шийпон ва турар жой ҳам бўлган. Шанба куни бўлгани учун Кузьмич Юнус Мақсудий билан бирга Чўлпонни ҳам ҳоли-жонига қўймай, шу чорбоққа таклиф этган. Чўлпон ўша куни кечга қадар Кузьмич

билан суҳбатлашиб, у ва оиласи тўғрисида илиқ тасаввурга эга бўлиб қайтди. Орадан кўп ўтмай, Кузьмич Юнус ака билан ўғли Валентиндан Чўлпонни хотини билан бирга олиб келишни сўради: нозиктаъб, оқил, камтарин ўзбек шоири Кузьмичнинг ҳам дилига ёқиб қолган эди.

«Чўлпоннинг ҳар шанба Катя билан бу ерга келиб туриши, — деб ёзади Юнус Мақсудий, — оғат тусига кириб қолди. Чунки Кузьмич амаки ҳар якшанба улар қайтаётганларида Чўлпондан ҳам, Катядан ҳам бу шанбада келишларига қатъий ваъда олмай, кузатмас эдилар. Ҳатто Катянинг айтишига қараганда, Варвара Степановна ҳам «Кузьмич амакингиизнинг сўнгги йилларда юраклари ўқтин-ўқтин сиқиладиган бўлиб қолганди. Худога шукрлар бўлсинки, сизлар билан танишганларидан бери ўзларини яхши ҳис қилиб, юракларидаги ғуборлари тарқалиб, келишларингизни Оллоҳдан ёлбориб сўраб ўтирадилар», — дер экан.

Катя ҳам бу ерга келганда тинч ўтирмасди, уй йиғиштирарди, кир чайрарди, жиҳозларни артиб-суртарди, овқат қиларди, уй хизматчисига «Ҳафтада олти кун ишлайсиз, мен келганда сиз ҳам бир кун дам олинг», — деб уй ишларига ёргамлашарди...»

Октябрь ойининг сўнгги шанбасида, ваъда қилинган куни, Чўлпон боролмади.

Қанд касалигига йўлиққан шоир шу куни ҳатто бошини ҳам кўтаролмай ётди. У москвалик шифокорларга қанчалик қаратмасин, уни қил-буни қил дейдиган таниш-билиш, қўни-қўшниларнинг маслаҳатларига риоя қилмасин, нафи кам бўлди. У «билимдонлар»нинг гапига кириб, обдон карам истеъмол қилди, карамдан карам, марҳамат кутди, ҳатто:

Барча умид сен, карамдан, эй карам, қилгил карам,  
Бир умр озгимга олмай, қанддин етди алам...  
Гарчи картошка менга ихлосини билдирса-да,  
Ҳеч яқин бормасман унга, келтирар ортиқча ғам.  
Ташладим шундай паловни, бор, дебон, унда биринч,  
«Овқатинг доим палов бўлсин», деган эрди дадам.  
Мен сигирни дўст тутардим оқ мусаффо сут учун,  
Энди сут ҳам дўст эмас, душман сафига бўлди жам...

деб шеър ёзди; шеър ёзибгина қолмай, дунёдаги жамики неъматлардан воз кечди. Аммо...

«Октябрь ойининг сўнги шанбасида улар Кузьмич амакиникига келишмади. Кузьмич амаки тонг отар-отмас, Валентин билан мени уйғотиб:

— Зудлик билан Абдулхамид Сулаймоновичнинг уйига боринглар! Негадир кўнглим ғаш, товлари келишмай қолдимикин? — деб жўнатдилар.

Кузьмич амакининг хавотирланганича бор экан. Чўлпоннинг эски қанд касаллари ружу қилиб, юраклари ёмон бўлиб, каравотда ётган эканлар. Бизни кўриб, Катянинг ёрдами билан ўрниларидан турдилар-да:

— Бу ғамзада қилган юрак кимга керак? — дедилар.

... У кишига бирор мақбулроқ сўз айтсам, табассум билан менга бир қараб кўярдилар. Бу гал ҳам шундоқ бўлди, бизнинг ва Катянинг қистовимиз билан чор-ночор боришга рози бўлдилар.

Дарров машина ёллаб, олиб келдим. Кузьмич амаки кўчада у ёқдан-бу ёққа юриб, бизни илҳақ бўлиб кутаётган эканлар. Кўрганлари ҳамона севиниб кетдилар ва ҳеч нарсага қарамай, Чўлпонга дори-дармонлар тайёрлай бошладилар.

Хиёл ўтмай, ўзлари тайёрлаган туркона доридан ичирдилар. Бир соатга қолмай, Чўлпон ўзини яхши сеза бошлади. Кечгача иккови роса суҳбатлашишди... Чўлпон ҳар гал қайтишида Кузьмич амакининг китобларидан бир-иккитасини олиб кетиб, ўқиб бўлгач, келтириб беради. Кузьмич амакининг бой кутубхонаси бўлиб, ҳатто Куръони каримнинг русча таржимасигача бор эди. Бу гал Чўлпон фақат «Ҳамлет»нинг русча таржималари ҳамда асар ҳақидаги кўпгина мақолаларни олдилар. Бундан ташқари, Кузьмич амаки турли мурабболардан сумкага жойлаб, Валентин икковимизнинг кўлимизга тутқаздилар-да, Чўлпонни уйигача кузатиб қўйишимизни буюрдилар...

Орадан бир неча йил ўтгандан кейингина Чўлпон билан Кузьмич амакининг нималар ҳақида гаплашганларининг фаҳмига етдим.

Валентиннинг акаси бор экан. У катта бир заводда бош муҳандис бўлиб ишлар, устига-устак Олий Советга депутат ҳам экан. Партияга киргани учун Кузьмич амаки у билан гаплашмас эканлар...

Чўлпон билан Катянинг Кузьмич амакиникига келишлари уларнинг 1935 йили Тошкентга қайтгунларига қадар давом этди. Ора-чора Варвара Степановна



билан Кузьмич амаки ҳам Чўлпонниқига меҳмондорчиликка бориб туришарди...»

Юнус Мақсудийнинг ушбу хотирасида кейинчалик ўйлаб тўқилган ё чалқаштириб юборилган ҳолларнинг бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Биз шундай ҳолларни мумкин қадар қисқартиришга ҳаракат қилдик. Аммо шу билан бирга унинг 1935 йил тўғрисидаги сўзларини айнан қолдирдик. Шунинг учун ҳам унга изоҳ бериш ва Чўлпоннинг Тошкентга қайтиш санасини 1935 йил, деб эмас, балки 1934 йил, деб қайд этиш тўғри бўлади.

Мамасидиқ қори ака билан Марғуб ака Москвага келиб, Чўлпонни излашганда, у ана шу Кузьмич амакининг чорбоғида Екатерина Ивановна билан бирга ором олаётган эди.

\* \* \*

Чўлпон музикани, турли халқларнинг мусиқий маданияти дурдоналарини севибгина қолмай, шу халқларнинг санъаткорлари-ю мусиқашунослари билан ҳам яқин ижодий алоқада бўлган. Шу қавмдаги шахслардан бири бўлмиш Н. Н. Миронов билан Чўлпон ўртасида самимий дўстлик ришталарининг бўлиши тасодифий эмас. Негаки, Чўлпон агар ўзбек халқ музикасини тўплаш, нотага олиш ва нашр этиш ишига ҳисса қўшган Н. Н. Мироновдек санъатшунос олим билан яқин алоқада бўлмаган бўлса, у ҳолда яна ким билан қадрдонлашиши мумкин?

Н. Н. Мироновнинг домла Ҳалим Ибодов, Матюсуф Харратов, Гулом Зафарий, Мазҳар Бурҳонов ва бошқалар билан бирга тушган суратини кўрган кишининг унинг либосига разм солгач, ҳайратланмаслиги мумкин эмас. Бунинг сабаби шундаки, хонанда ва созандалар даврасида ўтирган Миронов ўзбекона муҳташам тўн кийиб, бошқалардан фарқли ўлароқ салла ҳам ўраб тушган!

Чўлпоннинг ана шу рус мусиқашуноси билан ижодий ҳамкорлиги тўғрисида шундай бир хотира бор:

*«1928 йили республика маркази Самарқандга бўлган даврга, — деб эслайди таниқли мусиқашунос Илёс Акбаров, — ўзбек музика фольклорини тўплаш ва нашр қилдиришда маълум ҳисса қўшган Н. Н. Миронов ташаббуси билан Музика ва хореография илмий текшириш институти ташкил қилинади. Институтга республикамиз вилоятларидан турли созанда ва хонандалар жалб қилиниб, турли вилоят музикалари ўрганилади*

ва буларни ноталаштирилади. Институт директори Н. Н. Миронов биланғич музика назариясига оид кичик бир кўлланма ёзади. Ўзбек тилига нашр қилиниши зарур бўлган бу бошланғич дарсликни адибимиз ўзбек тилига таржима қилади ва бу китобча лотин алифбосига чоп қилинади».

Чўлпон ана шу дарсликни таржима қилишда русча «звукоряд» атамасини ўзбекчага «унқатор» деб гўзал бир шаклда таржима қилган ва товуш маъносига «ун» сўзининг йўқолиб кетмаслигини чин дилдан истаган.

Чўлпоннинг ўзбек ва рус тилларини мукамал билганидан хабар топган санъатшунослар ундан мумкин қадар фойдаланиб қолишга ҳаракат қилганлар. Шундай санъатшунослар орасида ўзбек халқ музикасини ўрганиш ишига кўп вақтини сарфлаган профессор В. А. Успенский ҳам бўлган. Унинг Москвадан тошкентлик дўсти В. М. Беляевга йўллаган бир мактубида бундай сўзлар бор:

«...Сенга «Гулёр шахноз» мақоми матнларининг таржимасини танишиш учун юборялман. Аввал юборган матнларим ва таржималаримга кўшиб, уларни ҳам мумкин қадар тезроқ юборишингни илтимос қиламан. Агар Акбаров (Илёс Акбаров назарда тутилмоқда — Н. К.) «Гулёр шахноз»дан олинган Уфорнинг эски матнини Шораҳимдан (таниқли ҳофиз Шораҳим Шожалилов назарда тутилмоқда — Н. К.) ёзиб олганда, жуда соз бўларди. Чўлпон менга, «Абу Раҳматбеги»ни истисно қилганда, ҳаммасини таржима қилиб берди, у ҳозир «Абу Раҳматбеги»нинг матнини чоғиштирмоқда. Эндиликда мен Фарғона экспедицияси пайтида сен тўплаган материаллар устида ҳам, «Гулёр шахноз» устида ҳам ишлашим мумкин бўлади. Умиг қиламанки, матнлар мазмуни билан танишганингга, уларнинг ёзиб олингани қанчалик муҳим аҳамиятга молик бўлганини кўрурсан».

В. А. Успенский билан В. М. Беляевнинг ёзишмаларидан маълум бўлишича, Чўлпон Москвадан Тошкентга қайтгунига қадар Шашмақом матнлари таржимасини ўз вақтида бажариб берган, ундан кейин эса бу хайрли юмушга жалб этилган таниқли шарқшунос олим А. Н. Болдиревнинг Шашмақом матнларини тушуниши ва ҳис этиши хийла мураккаб кечган.

Ана шу тарзда Чўлпон ўз билими ва истеъдоди билан бошқа соҳа кишиларининг ҳам ҳожатларини чиқарган.

Модомики, Чўлпон ҳақидаги баҳсинг бу лавҳадаги оқими мусиқий садолар олами билан туташган экан, Чўлпоннинг 1933 йили Юнус Мақсудий билан бирга «Демон» операсини тинглаганини ҳам эслаб ўтиш ўринли. Юнус ака ушбу операни Москвадаги Катта театрининг филиалида Чўлпон билан бирга томоша қилгани-ю, асарнинг М. Ю. Лермонтов достони асосида яратилганини эслаб қолган, холос. Ҳолбуки, нафис ария ва хорларга бой бўлган бу асарнинг 1932 йилдаги премьераси Москва маданий ҳаётида катта воқеа бўлган, Лемешев ва Козловский сингари машҳур рус тенорларининг ижодий парвози шундай асарлардан бошланган. Чўлпон ҳам даставвал А. А. Рубинштейннинг гўзал музикаси ва ажойиб овозлардан баҳраманд бўлиш иштиёқида театрга борган. Ва яна бир мароқли жойи шундаки, шу операни эшитгандан кейин унда М. Ю. Лермонтовнинг бу ўлмас асарини ўзбек тилига ўтириш истаги туғилган.

\* \* \*

Чўлпоннинг Юнус Мақсудий хотирасида муҳрланиб қолган сурати бундай:

«Чўлпон оддий кийингани билан салобатли, қаддиқомати келишган, теран фикрли, зўр қаламкаш...»

Аммо у шундай улуғ сиймо бўлишига қарамай, балки шунинг учундир, атрофида парвона бўлган ҳар бир киши билан қадрдонлашиб кетаверган. Унинг Юнус Мақсудий билан яқинлашишида ҳам баъзан Чўлпон ҳаётининг мантиғи бузилгандек бўлади. Аммо яхшиямки, у Юнус Мақсудий билан Москвада бир неча бор кўришган экан, биз кўпроқ у туфайли шоирнинг мусофирлик давридаги ҳаёти билан яқиндан танишамиз.

Юнус Мақсудий берган маълумотга кўра, Чўлпон «Қаландар ишқи» ва «Галдир» сингари аруз вазнидаги шеърларини ўзи куйга солиб, ўзи хиргойи қилган. «Хонандалиқдан ҳам бир оз хабари бор эди. Ўзаро суҳбатларимиз пайтида паст пардада Шашмақомдан хиргойи қилишардик. Аммо гурунгимизнинг кўпроқ қисми шеърят бобига кетарди.

*Бир суҳбатга Чўлпон менга:*

*Вафо расмин билиб, билмаслигига солмоқда жононим,  
Жафо расмин қилиб, қилмаслигига солмоқда ҳоқоним, —*

деб бошланадиган шеърни ўқиб берди. Шубҳасиз, шеърдаги золим ҳоқон Сталин эди.

Чўлпон Сталин сиёсатидан зорланиб ёзган шеърларини менга ўқиб берар ва дарҳол йиртиб, ёқиб юборарди. Сўнг дафтар ҳошиясига «Бу шеърнинг мазмунини оловлардан сўра», деган жумлани ёзиб қўярди...»

Шоир оилавий-маиший ҳаёти ва дўст-ёрлар муҳотида қандай яхши кунларни кечирмасин, Москванинг маданий ҳаёти янгиликларидан қандай завқ-шавқ ҳиссига тўлмасин, жафо расмини чизиб, ўзини чизмаганга олаётган ҳоқоннинг қаҳрли мўйловини кўриб турар эди.

### «Ё ўлиш, ё қолиш...»

Чўлпон Москвада яшаб, «Ҳамза» театридан бутунлай узоқлашди. «Ҳамза» театри эса 1924 йилдан бери уни ўзбек саҳна маданияти билан боғловчи бирдан-бир занжир эди. 1931—1934 йиллардаги москвалалик пайтида эса на бирон пьеса ёзди, на бирон саҳна асарини ўзбек тилига ўтирди. Шунга қарамай, 1932 йилнинг охирларида драматурглар Умумрусия кўмитасининг Москвада бўлиб ўтган таъсис йиғилишига Чўлпон ҳам таклиф этилди.

Собиқ Иттифоқининг турли чеккаларидан келган драматурглар декабрь ойининг аёзли кунларида Москвада тўпландилар. Лекин Украина делегацияси Всероссийскомдором<sup>1</sup>нинг таъсис конференциясини Киевда ўтказиш ҳақидаги таклифни ўртага ташлаши билан масала чигаллашиб кетди. Ҳар бир миллат вакили бу конференциянинг ўз ватанида ўтказилишини таклиф қилиб, икки-уч кунлик вақтни олди. Бу мунозарадан ўзбек делегацияси ҳам четда қолмай, конференцияни Тошкентга кўчириш таклифи билан чиқди. Бундай таклифни эшитган Чўлпон: «Бир-биридан мўътабар истеъдод соҳибларини шаҳримизнинг қайси тоқиравон қавагига жойлаштирамиз?!» — деб жаҳли чиқди. Унинг жаҳли чиққанда бурун катаклари торайиб, нафас оломай, оқ чўтир юзи, ҳатто кўзларининг жияги қизариб кетарди. Буни кўрган Яшин: «Домла ҳақ», деди. Аммо у Ленинградда таҳсил кўргани ва Нева бўйидаги бу гўзал шаҳарни севиб қолгани учун Чўлпонга «Конфе-

<sup>1</sup> Умумрусия драматурглари кўмитаси.

ренцияни Ленинградда ўтказиш таклифи билан чиқсак, нима дейсиз?» деб қолди. Чўлпонга ҳам, Зиё Саидга ҳам, бошқаларга ҳам таклиф маъқул тушди. Энг қувончлиси, конференциянинг бошқа қатнашчилари ҳам бу таклифни қўллаб-қувватладилар. Декабрь ойининг сўнгги кунларида Чўлпон қаламкаш биродарлари билан бирга Ленинградга борди.

Шундай қилиб, драматурглар Всероскомдром раҳбари А. А. Фадеев бошчилигида янги, 1933 йил арафасида Ленинграддаги «Аврора» клубида йиғилдилар.

*«А. Фадеев, — деб ҳикоя қилади ушбу конференция қатнашчиси Мумтоз Муҳамедов, — «Драматургия бугун» деб номланган маърузани ва унинг муҳокамасини 29 декабрь, Янги йил арафасида якунлашни таклиф этди. Делегатлар рози бўлишди. Мажлис раиси ленинградлик драматург А. Штейн бу ҳақда Авербахми ёки Афиногеновми, эсимга йўқ, маъруза қилишини айтди. Салкам уч соат чўзилган маъруза баъзи бир делегатларга ёқмади...»*

*Ҳайрият, маъруза бўйича ўтказилган мунозаралар анча жонли ўтди. Отахон драматургимиз Чўлпон миллий республикалар драматургияси ва драматурглари ҳақида ўзининг фикр-мулоҳазаларини изҳор қилди. Кейин 1928 йилда Самарқандга ёзган «Замона хотини» грамасини конференцияга олиб келгани ҳақида рапорт берди.*

*Уша пайтда турли соҳаларда рапортлар бериш авжга чиқа бошлаган эди. Залда бу адабий рапортдан кейин жонланиш пайдо бўлди. Кейин Чўлпон асарга ёзган қисқача сўзбошисини ўқиб берди».*

Агар Чўлпон драмстудиянинг эркин тингловчиси ва адабий эмакдоши бўлган кезларда Москва театри арбоблари билан танишган бўлса, 1930 йили, СССР халқлари театрлари олимпиадаси пайтида «Ҳамза» театри ва унинг адабий эмакдоши ҳам москвалик театр мухлислари ва арбобларининг назар-эътиборларини қозонган эди.

*«А. Фадеев, — давом эттиради ҳикоясини Мумтоз Муҳамедов, — анжуман ишини якунлади. Йиғинни ёпиқ, деб эълон қиларкан, «Кўп эмас, икки оғиз гапим бор. Фақат бу ерда эмас, банкетга гапираман», деб ҳамма ни зиёфат дастурхонига таклиф этди.*

*Зиёфатда Чўлпон билан ёнма-ён ўтирган А. Фадеев ўрнидан туриб, «Ваъда қилган икки оғиз гапимнинг*

бири шуки, Чўлпон анжуманимизни янги асар билан хурсанд қилди. Муаллифга ва ўзбек делегациясига оқ йўл ва сиҳат-саломатлик тилайман», деб айтди.

Зиёфат тугаб, ҳамма тарқади. Камина камоли хурсандлигимдан суҳбатларга алаҳсиб, вокзалга етиб борсам, Москва поездиган кеч қолибман. Шерикларим жўнаб қолишибди. Хунобим ошди. Кутилмаганда ўзимиз истиқомат қилаётган «Европа» меҳмонхонасининг эшик қоровули «Тарас Бульба»га (Чўлпон уни шундай деб атади) қамти келиб қолдим. Уни менга Ленинградга келган кунимиз домла Чўлпоннинг ўзлари «Ҳамшахарим, андижонлик. Маҳалла-кўйимиз, гузаримиз, мактабимиз бир. Фақат исм-шарифимиз ҳар хил», — деб таништирганди.

Нимагадир шу тобда кўзи кўзимга тушиши билан унинг (яъни андижонлик эшикбоннинг — Н. К) ранги оқариб, киприклари жиққа ёшга тўлди...

— Домла Чўлпонни кузатиб, хафа бўлиб қолдингизми?

Саволимга жавоб бўлмади. Теварак-атрофга аланглаб қараб, қулоғимга секин шивирлади:

— Абдулҳамид конференциядан чиқиб, уйига телефон қилган экан. Ҳа... ўша... отини тилга олиб бўлмай-диган идорадан... сўрашган эмиш!

У сабабини айтолмади. Чўлпоннинг ҳозир қаердалигини ҳам менга билдиргиси келмади.

— Сиздан фақат бир нарсани қаттиқ илтимос қилди. «Замона хотини» деган бир пьесаси бир экан, ўша конференция бўлган жойда қолиб кетибди...»

Мумтоз Муҳамедов фалакнинг гардиши билан Андижондан Нева бўйларига келиб қолган кишидан бу сўзларни эшитди-ю гангиб қолди. Поезддан кечиккан, катта бир шаҳарда ёлғиз ўзи қолган ўзбек йигитига ўзининг ҳам ташвиши етарли эди. Бунинг устига, Чўлпоннинг ГПУ ходимлари томонидан ахтарилиши... Бу ҳам озлик қилгандек, Фадеев олқишлаган пьесанинг йўқолиши... Шу пайт Мумтоз Муҳамедовнинг миясига бир нарса чақмоқдек келиб урилди: ахир бу пьеса у ишлаган, уни Москвага командировка қилган Средазком<sup>1</sup>нинг ҳисобида-ку!... Унинг хаёлига келган биринчи фикр пьесани топиш эди.

Яна ҳикоянинг давомини эшитинг:

<sup>1</sup> Ўрта Осиё драматурглари кўмитаси.

«Дарров «Аврора»га етиб келдим. Клубимиз, унинг маъмурияти қандайдир йиғилишга тайёргарлик кўришарди. «Тарас Бульба» билан икки кун қидирмаган жойимиз, сўрамаган оғамимиз қолмади. Москвага, курсдошим Зиё Саидга телефон қилдим. Комил Яшиннинг Тошкентга қайтгани, ўқишнинг икки кундан кейин бошланишини айтиб, пьесанинг йўқолганидан қаттиқ ташвишга тушдим. Бир вақт «Тарас Бульба» ҳовлиқиб келиб қолди. Пьеса топилбди! Мажлис залида қолиб кетган экан...»

Бу сатрларни ўқиган китобхоннинг «Икки киши бир асарни икки кун давомида қаердан қидиришган экан?» деб ажабланиши табиий. Аммо «Замона хотини» пьесасининг адабиётимиз хазинасига қайтиши, Чўлпоннинг пароканда меросидан ўрин олиши Мумтоз Муҳамедов туфайли бўлгани учун авлодлар ундан миннатдор бўлсалар арзийди.

Ушбу ҳикояда тилга олинган асар «Шарқ юлдузи» журналининг 1992 йилги сонларидан бирида эълон қилинган бўлиб, у «Муштумзўр» пьесасининг қайта ишланган нусхаси бўлиши мумкин.

\* \* \*

Чўлпоннинг сиёсий идора ходимлари томонидан қидирилиши Бауман номига ёзилган аризада баён этилган тухмат билан боғлиқ бўлганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Тахмин қилиш мумкинки, улар «бадриддиновчилар» устидан олиб борилган суд жараёни кезларидаёқ Чўлпоннинг босмачилик йилларидаги фаолияти билан қизиқиб, аризада зикр этилган шахслар ва, албатта, Чўлпоннинг ўзи билан ҳам «суҳбатлашганлар».

Чўлпоннинг нафақат ижодий ва ижтимоий фаолияти, балки айрим шахсий сир-асроридан ҳам Комил Яшиндек яхши хабардор киши замондошларимиз орасида бўлмаган. У Чўлпоннинг 1932—1934 йилларда Москвада бўлиши тўғрисида сўз очганда, одатда унинг «Шарқ» нашриётида ишлаганини айтади. Эҳтимол, ГПУ ходимларининг Чўлпон шахси билан қизиқиши у хизмат қилган Халқ Комиссарлари Совети қошидаги таржимонлар гуруҳи шаънига иснод келтириши мумкинлиги учун у хизмат жойини ўзгартирган ва «Шарқ» нашриётига таржимон бўлиб ўтгандир.

Комил Яшин «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги мухбирининг: «Чўлпонни дўстлари, маслақдошлари даврасида ҳам кўрганмисиз?» деган саволига бундай жавоб берган:

*«Ҳа, албатта. Бир куни борсам, Чўлпон ака Наби Расулев, Абдураҳим Йўлдошев каби жадиг, маърифатпарвар, матбуотчи дўстлари билан суҳбатлашиб, шеърхонлик қилишиб ўтиришган экан. Улар ўшанда Москвадаги «Шарқ» нашриётида ишлардилар. Менинг шеърни тушуниш қобилиятимни синаганлар. Наби Расулев Чўлпон аканинг мана бу мисраларини ўқиди:*

*Умидсиз севгидан ўзни тортай, деб  
Эсимга баъзида ялинган бўлдим.  
Ҳақиқат қўйнида қулоч отай, деб,  
Баъзида ҳовриққан, талпинган бўлдим.*

*Наби ака шеърнинг давомини ўқимай, менга қаради-да, «Қани, шоир, шеърни шарҳлаб беринг-чи», — деди.*

*Чўлпон ака даврадагиларнинг оғзига қараб тек ўтирибди.*

*— Мен ўйлайманки, шоир ҳам севгидан умидсиз экан. Мен ҳам худди Ботуларга ўхшаб реализм-ҳақиқат йўлидан бормоқчиман, дейди шоир», — дедим.*

*Наби ака яна ўқиди:*

*Гўзаллик асири бўлган кўзларим  
Эсимга қўшилди, қутулдим, дедим.  
Кўзларим тинди-ю тўкилди сўзим,  
Мен яна парига тутулдим, дедим.*

*— Ана, сир очилди, — дедим мен. — Демак, сиз севган пари-маъшуқа жуда хунук экан, сизга ёқмабди!*

*Шунда хонадагилар қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордилар...»*

Афсуски, К. Яшин ушбу суҳбатида на Чўлпоннинг «Шарқ» нашриёти билан боғлиқ фаолияти, на дўстлари ва маслақдошлари тўғрисида бирорта ҳам жўяли фикрни айтмаган. Шу нарса ажабланарлики, борди-ю Чўлпон «Шарқ» деб номланган нашриётда икки ярим йил мобайнида ишлаган бўлса, у мазкур нашриёт орқали наҳотки бирорта на сиёсий, на бадий асарни таржима қилиб, нашр этмаган бўлса?!



Ана шундай саволларга дуч келганимиз учун ҳам биз Чўлпон 1932—1934 йилларда СССР Халқ Комиссарлари Советида Шўро давлатининг расмий ҳужжатларини ўзбек тилига таржима қилишдек зерикарли иш билан шуғулланган, деган фикрда қоламиз.

\* \* \*

Сотти Ҳусайн 1941 йилнинг 5 декабрида, ҳибсга олинганидан 35 кун кейин бўлиб ўтган сўроқ чоғида терговчининг Чўлпон тўғрисидаги саволларига жавоб бериб, бундай деган: *«Кечки Агабиёт институтига таҳсил кўраётган пайтимдаёқ «Ҳамлет»ни ўзбек тилига таржима қила бошладим. Шу муносабат билан ўша кезларда Москвада яшаётган Чўлпоннинг уйига бордим ва баъзи бир эскирган сўзларнинг таржимаси масаласида маслаҳатлашдим».*

Чўлпон бу вақтда В. Шекспирнинг ўлмас асарини ўзбек тилига ўгиришни хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Аммо орадан бир мунча вақт ўтгач, «Академик театр» фахрий унвонига сазовор бўлган «Ҳамза» театри 1935 йилда нишонланажак ўн беш йиллик тўйига тараддуд кўра бошлади. Шу муносабат билан юбилей спектали учун асар танлаш масаласи кун тартибига чиқди. Маннон Уйғурнинг таклифи билан театр «Ҳамлет» фожеасини тайёрлайдиган бўлди.

Чўлпоннинг 1937 йил 7—8 апрель кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йиғилишида айтган сўздан шу нарса маълумки, «Ҳамлет»ни таржима қилиш иши дастлаб бошқа кишига берилган, лекин у истамаган. Шундан кейин театр раҳбарияти 1933 йили — юбилейдан қарийб икки йил олдин «Ҳамлет»ни ўзбек тилига ўгириб беришни сўраб, Чўлпонга мурожаат этган. Эҳтимол, Чўлпон ўша кунлари Кузьмичдан «Ҳамлет»нинг рус тилига ўтирилган бир неча таржимасини олган ва ўша кезлардан бошлаб Шекспирнинг буюк асарини ўрганишга киришгандир.

Чўлпон ўзбек театри қалдирғочлари билан бирга Москвада бўлганида Бадиий академик театрининг «Ҳамлет» спектаклини кўрган ва машҳур рус актёри Михаил Чехов талқинидаги Ҳамлет образи унинг ич-ичидаги дарду аламларини юзага чиқариб, ақлу ҳушини бутунлай эгаллаб олган эди. Шундан кейин у «Ёрқин»ни Шекспир руҳида қайта ишламоқчи бўлди, аммо драматурглик истеъдоди ҳали тўла очилмаганини сез-

ди. Мана энди у буюк В. Шекспирнинг ўша шоҳ асарини таржима қилиши керак...

Шоир «Ҳамлет»нинг рус тилидаги ўндан зиёд таржимаси билан танишди, аммо асарнинг авторлаштирилган шеърий таржималари аслиятдан анча узоқ бўлиб кўринди. У П. Каншиннинг насрий таржимасини шекспиршунос Евгений Ланн ёрдамида асарнинг инглизча матни билан солиштирганда буни, айниқса, аниқ сездим.

Хуллас, Чўлпон «Ҳамлет» таржимасига катта тайёргарлик билан киришди.

Буюк асарлардаги қирқ томирнинг камида биттасида ҳозирги замонга уйқаш бўлган қон оқиб туради. Чўлпон асарни қайта-қайта ўқир экан, ўзи гувоҳи бўлган замонни Шекспир олдиндан кўргандек, шу замон фожиаларини очиш учун «Ҳамлет»ни ёзгандек туюлди. Таъсирчан адиб Эльсинор қасрида рўй берган даҳшатлар ва бу даҳшатларнинг иштирокчилари тасвирланган саҳналарни дув-дув кўз ёшларини тўкиб, таржима қилди. Айниқса, Ҳамлетнинг машҳур монологи мўйловли ҳоқон идора этаётган давр фожиаларини ўзига симиргандек эди.

Чўлпон бу монологнинг дастлабки сўзларини обдон ўйлаб, неча-неча маротаба ўчириб, янғисини ахтариб, сўнг бундай нусхасини маъқул, деб топди:

*«Ё ўлиш, ё қолиш — гап шунда! Ажабо, қайси бири шарафлик ва олижаноб: дилозор фалакнинг зарбаларига чидашми ёки балолар денгизига қарши бел боғлаб, уларга қарши кўзюлиб, уларни барҳам беришми? Ўлим — бир уйқу, холос... Бундай уйқу орасида биз нафсимизнинг мероси бўлган кўнгул аламларига, мингларча оғир даргларга хотима чека оламиз — зотан, кўнгулнинг унга томон ихтиёрсиз интилиб тургани оқибати ҳам шу... Ўлмак — ухламоқ, демакдир. Чинакам ухламак... балки туш кўрмак. Мана шуниси ёмон... Замоннинг зарбалари ва хунук башараларига, зolimларнинг зулмларига, киборларнинг таҳқирларига, раг этилган севгининг аламларига, ҳукуматдорларнинг зулмларига ва қобил одамларнинг бошларига ноқобил одамлар томонидан тушуриладиган бутун калтакларга кимнинг тоқати бор? Кичкинагина бир ханжарнинг биргина зарби билан шуларнинг барчасидан қутулмоқ мумкин-ку!..»*

Чўлпон бу машҳур монологнинг ўзбек халқи ора-

сидаги биринчи ижрочиси бўлди. У монологни таржима қилар ва унинг қандай жаранглашини текшириб кўрар экан, унда шахсан ўзининг ҳам дарду ҳасратлари мужассам топганини кўрди. Бу сўзлардан ўзи куч олиб, исён оловининг бутун вужудига кириб бораётганини сезди.

Айни пайтда: «Кичкинагина бир ханжарнинг биргина зарби билан шуларнинг барчасидан қутулмоқ мумкин-ку!» деган фалсафадан ўйга толди.

Бундан ўн икки-ўн уч йил муқаддам Москвада таниқли адабиётшунос З. С. Кедрина билан мулоқотда бўлганимда, суҳбат мавзуи иттифоқо Чўлпонга кўчган. Биз суҳбат қурган жой Чўлпон яшаган собиқ Мешчанлар кўчасига яқин бўлгани учун З. С. Кедрина ўзбек шоирини эслаб, унинг юқорида зикр этганимиздек, шу ерда ўзини-ўзи отмоқчи бўлганини айтган. Ким билади, Чўлпон бундай даҳшатли қарорга ўшанда шахсий изтироблар чангалидан қутулиш учун келганмиди ёки бу сатрларни юрагига ўйиб?!

Орадан икки йил ўтгач, «Ҳамлет» «Ҳамза» театри саҳнасида намойиш этилиб, ўзбек томошабинларини ларзага келтирганда унинг яқин кишиларидан, унга мадад қўлини узатиб юрган арбоблардан бири «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Ҳамлет»га туҳмат» деган катта мақола билан чиқди. Шекспир асарини унинг бошқа русча шеърий таржималари билан қиёслаб, муштарақ нуқталарни камроқ топган Назир Тўрақулов Чўлпонни Шекспир ёрдамида шўро даврига қарши исён қилишда айблади. Ҳолбуки, зулматли даврга қарши, зулм авжга минган, адолат қувилган даврга қарши исён Шекспир асарининг ич-ичига, бадий қатламларига яширинган бўлиб, асар саҳнага чиқиши билан бу исённинг вулқон бўлиб отилмаслиги иложсиз эди. Чўлпон, эҳтимол, бу исён чўғини ўзининг ҳар бир сўзи, ҳар бир нафаси билан пуфлаб тургандир?!

«Ҳамлет» ўзбек саҳнасида илк бор 1935 йил 11 февралда намойиш этилди. Бундан хийла вақт илгари Чўлпон таржимаси алоҳида китоб шаклида нашр этилган эди. Спектакль бошланишида пештахталарга қўйилган бу китоб театр фойесида қўл-қўлга тегмай сотилиб турди.

Бундай зўр муваффақиятни на Чўлпон кўрган эди, на театр...

Ўша кунлари Тошкентга қайтиб келиб, «Муштум»

журналида ишлай бошлаган Чўлпон «Ҳамлет»нинг сахнага қўйилиши муносабати билан журналда босилган Уйғурнинг ҳазил расми тагига унинг тилидан бундай сўзларни ёзди:

*«Башарамни кўрганлар мени «Ҳожи Карбало», деб ўйлайдилар... Димланган ўрдакдек димиқиб ўтиришим эса, бу — менинг айбим эмас. Чунки кўп нўноқ грамматурлар асарларидаги камчиликларнинг маъзавасини менинг бўйнимга тўкавериб, мени шу касалга йўлиқтириб қўйганлар. Ҳозир «Ҳамлет»ни сахнага қўяман, деб тўртта тўққандан бағтар бўлиб ётирман. Агар кушойиш бўлиб, шу нарсани эсон-омон сахнага қўйиб берсам, грамматурлар билан кейин сўзлашаман».*

Чўлпон «Ҳамлет»нинг таржимаси билан замонавий миллий таржима мактабининг узил-кесил шаклангани ва ўзининг сўз сеҳргари даражасига эришганини тўла намойиш этди.

У ўз таржимаси билан «Ё ўлиш, ё қолиш?» деган ҳамлетона саволга лўнда жавоб берди.

## **Тошкентни қўмсаш**

Чўлпоннинг В. Шекспир билан ғойибона мулоқотда бўлиши, «Ҳамлет» таржимасидан буюк қаноат ҳиссини туйиши унга янги қанот бағишлади.

1934 йил январь ойининг ўрталарида, инқилоб доҳийси вафотига ўн йил тўлиши муносабати билан Файзулла Хўжаев Москвага келди. У билан учрашиш имкониятига эга бўлган Чўлпон Тошкентдаги сиёсий вазият билан қизиқди, юртини соғинганини айтди. Файзулла Хўжаев доҳий вафотидан кейин мамлакатда жиддий ўзгаришлар бўлганини, унинг васиятлари яхшими-ёмонми бажарилаётганини айтиб, шу ҳақда шеър ёзишни буюрди. Катта театрда бўлиб ўтган тантанали мотам йиғилишини радио орқали эшитган шоир маросимга бағишланган шеър ёзиб, уни Файзулла Хўжаевга ўқиб берди. Шеър давлат арбобига ёқди. Чўлпоннинг шундай шеърлар ёзиб, партия ишончини қозониши лозимлигини айтди. Чўлпоннинг шоир сифатида «қайта туғилгани»ни москвалик ёшларга етказмоқчи бўлди. У Ўзбекистоннинг Москвадаги доимий вакили Муҳиддин Турсунхўжаевга Москва театрларидан би-

рини ижарага олиб, Октябрь доҳийси вафотининг ўн йиллигига бағишланган кечани тайёрлашни буюрди.

Орадан бир-икки кун ўтгач, 400 га яқин ўзбекистонлик талаба Арбат яқинидаги Вахтангов номли театр биносига тўпланди. Файзулла Хўжаев ёш ватандошлари олдида сўзга чиқиб, Ўзбекистон халқ хўжалиги, илм-фан ва маданияти юқори малакали мутахассисларга ниҳоятда муҳтож эканлигини тушунтириб, уларни билим асосларини пухта ўрганишга чақирди, республика ҳукумати уларнинг Москва ва Ленинграддаги илм ўчоқларини битириб келишларига катта умид боғлаётганини айтди.

Шу билан йиғилишнинг расмий қисми тугади.

Кечанинг иккинчи қисми бошланиши олдида конференсьелик қила бошлаган йигит саҳнага биринчи бўлиб «ўртоқ Чўлпон»ни таклиф қилди. Шоир саҳнага кўтарилиши билан қарсак авжга чиқди. Бу — шоирнинг китобхонлари билан биринчи учрашуви эди. 400 кишилиқ залнинг самимий туйғулар билан кутиб олганини, шеърларини тинглашга муштоқ эканлигини кўрган ва бунга одатланмаган шоир доврираб қолди. Аммо у бир-икки дақиқадан сўнг ўзига келиб, «инқилоб доҳийси» вафотининг ўн йиллигига бағишланган шеърини ўқиди. Шеър тугамасданоқ қарсаклар томоша залини ларзага келтирди. Талабалар шоирнинг яна шеър ўқишини сўраб, қарсак чалишда давом этишди. Аммо Чўлпон икки-уч маротаба саҳнага чиқиб, таъзим қилса-да, бошқа шеърини ўқимади.

Бу, Чўлпоннинг биринчи ва сўнгги марта саҳнадан шеър ўқиши эди.

Чўлпон Москвага келиб, ўз ҳаётини сақлаб қолган, катта-кичик асарларни ёзишга улгурган, «Ҳамлет»ни, «Она»нинг биринчи бўлимини таржима қилган, ўз маҳоратини ошириш йўлида тинмай тер тўккан, яхши дўстлар орттирган ва янги оила қурган бўлса-да, ўз юртини, унинг офтоб нурига чўмилган кўчалари ва ойдин кечаларини соғинган эди. Унинг бахтига, 30-йиллар бошидаги алғов-далғовлар тинчигандек, унга қарши кўтарилган хуруж олови совигандек эди.

Аммо Ватанга одатда совға билан борилади. Шоирнинг совғаси эса шеър, китоб...

Чўлпон шу ҳақда ўйлаб, замон кўтарадиган, большевикларнинг гашини келтирмайдиган шеърлар ёзишга ва шундай шеърлардан таркиб топган китобча билан

Ўз юртига қайтишга аҳд қилди. Акмал Икромов ҳам унга шуни уқтирган эди. Ана шу руҳдаги бир шеърининг ёшлар томонидан самимий қарши олинishi унда туғила бошлаган аҳдни мустаҳкамлади. Кўп ўтмай, у «Соз» деб аталган янги китоб қўлёзмасини тайёрлаб, Тошкентга юборди.

\* \* \*

1910 йилнинг ноябрь ойида Илюша Франкель деган етти яшар бир бола ўша пайтда учта машҳур рус ёзувчиларидан бири — Максим Горькийга хат билан мурожаат этган. У хатида ўша кезлари вафот этган Лев Николаевич Толстой тўғрисида фикр-мулоҳазаларини баён қилишни сўраган. Афтидан, у улуғ рус ёзувчисининг вафотидан ларзага тушган катталар таъсирида бўлса керак, энди рус адабиётининг ҳоли қандай кечади, деб хавотирга тушган. М. Горький жавоб хатида рус адабиётининг етти ёшли мухлисини юпатувчи мулоҳазаларини баён қилгач, бундай ёзган:

Гўзал... гўзалдир  
Сўлган чоқда ҳам.  
Бизлар севамиз  
Ўлган чоқда ҳам.

Сўнг Илюшадан рухсат олиб, унга бағишланган «Тонг» деб аталувчи эртагини ёзган. М. Горький бу гўзал эртақда ҳаётнинг абадийлиги, инсонларнинг келиб-кетиши қонуний ҳаётий жараён эканлиги, лекин шунга қарамай, ҳаётнинг гўзал эканлигини, вафот этиб кетган улуғ кишиларнинг ишлари, хизматлари миннатдор авлодлар хотирасида мангу қолишлигини айтган.

Бу эртақ Илюша Франкелга шахсий хат тарзида юборилган. Шунинг учун ҳам ёзувчи уни ҳаёт пайтида эълон қилмаган.

Чўлпон, тошкентлик биродарларининг илтимосига кўра, «Ҳамлет»дан кейин М. Горькийнинг ўша йиллардаги энг машҳур асари — «Она» романини ўзбек тилига таржима қилишга киришди. Шу муносабат билан пролетар ёзувчисининг ҳаёти ва ижодини ўрганди, М. Горькийни яқиндан билувчи кишилар билан танишди. Шунда ёзувчи ижоди мухлислари орасида қўлёзма ҳолда юрган бояги эртақни топиш ва ўқиш

имконига эга бўлди. Эртақ Чўлпонга шу қадар ёқдики, ҳатто уни кўчириб ҳам олди.

1935 йилнинг март ойида Чўлпон Тошкентда эди. Шундай бўлса-да, у шу кезларда СССР Ёзувчилар уюшмасининг пленумида қатнашиб, М. Горькийнинг сўнгги сўзини эшитди. «Ўзи қариган сари руҳи ва инқилобий ғайрати орта борган бу улуғ чол кучли олқишлар остида минбарга чиқди. Олқишлар, ниҳоят, тўхтади-да, секин ва паст овоз ҳамда Нижгород лаҳжасининг баъзи бир таъсирлари билан сўзга бошладди. Овозида қариллик таъсирлари ўзини кўрсатарди, яъни орқа қаторлардан товушини эшитиш қийинроқ эди. Бу кекса овоз билан айтилган сўзларда ажойиб бир ёш жонлилик бор эди...»

Чўлпоннинг мазкур пленумга қандай шамоллар билан боргани маълум эмас. Аммо Горький билан ана шу олисона дийдорлашув уни «Она» романининг иккинчи бўлимини таржима қилишга илҳомлантирди.

Шу воқеадан кейин кўп ўтмай, М. Горькийнинг ўзи ҳам, Л. Н. Толстой сингари, дунёдан ўтди. Рус адабиёти яна бир буюк вакилидан ажралди. Ана шу айрилиқ туфайли Чўлпоннинг ёдига «Тонг» эртаги тушди ва у бу эртақни она тилига ўгирди.

«...Дунёда энг яхши нарса — куннинг туғилишини кўрмак!

Кўкда қуёшнинг биринчи шуъласи туташди: тун қоронғилиғи секин-секин тоғ жилғаларига ва тош ёриқларига, дарахтларнинг қуюқ барглари орасига, шабнам еган кўкатлар тўрига беркинмакда; тоғ тепалари эса меҳрибон бир табассум билан кулумсираб, кечанинг майин кўланкаларига демакчи бўлардики:

— Кўрқмангиз: бу қуёш!

Денгиз тўлқинлари оппоқ бошларини баландларга кўтариб, сарой гўзаллари ўз қиролларига салом бергандай эгилиб борадилар-да:

— Эй дунё подшоҳи, сизни саломлаймиз, — дейдилар.

Яхши кўнгилли қуёш кулади. Бу тўлқинлар туну бўйи ўйинга тушиб, пир-пир айланиб чиқдилар, энди мана — тоза урунганлар; яшил кийимлари фижимланиб, барқут шокилалари ўралашиб кетган.

Қуёш денгиз устида кўтариларкан:

— Кун ойдин! — дейди. — Кун ойдин, сулувлар!

*Ҳой, бас энди, жим бўлинг! Сиз бу баландларга ирғишингизни қўймасангиз, болалар чўмила олмайдилар! Ер юзига ҳаммага баравар яхши бўлсин-да, шундай эмасми?..»*

Чўлпон илк бор бу эртақни ўқиганида, тонгнинг бундай нафис ва мукамал тасвиридан мутаассир бўлди, инқилобий романтизм деганлари шу бўлса керак, деб рус адабига бўлган ихлоси ошди. Ва, чамамда, ана шу эртақ ва унинг ана шу, ҳозирча сўнгги сўзлари таъсирида роман ёзишга киришган эди.

*«Қуёш денгиз устида куларкан:*

*— Кун ойдин! — дейди. — Кун ойдин, сулувлар! Ҳой, бас энди, жим бўлинг!.. Ер юзига ҳаммага баравар яхши бўлсин-да, шундай эмасми?..»*

Чўлпон бу сўзларни қайта-қайта ўқиб, қуёш қачон ўзбек тупроғи узра нур сочиб, «Кун ойдин!» деркин, қачон бечора ўзбек учун ҳам ҳуррият тонги отаркин, деб ўзига-ўзи саволлар берди.

\* \* \*

Хуллас, Чўлпон Москвадалик йиллари «Кеча ва кундуз» романи устида иш бошлади.

*«Кунларнинг бирида, — деб ёзади Юнус Мақсудий, — у роман муқаддимасини ўқиб берди. Мен завқланиб, «Қодирийча тасвир бўлибди-ку», деган эдим, «Йўқ, йўқ, ўзбек аёли иккинчи марта Қодирийни тугмайди», — деди.»*

Юнус Мақсудий олис 1934 йили бўлиб ўтган воқеани ўзига хос шундай тўқима тафсилот билан хотирлаган. Худди шу кун Юнус Мақсудий билан бирга Чўлпоннинг Мешчанлар кўчасидаги уйида ҳозир бўлган Ваҳоб Рашидов эса бундай деб ёзган:

*«...Бизга чой бериб, қўлига ёзилган варақларни олиб, мен «Кеча ва кундуз» деган роман ёзаётиман, ҳозир «Кеча»ни тугатдим. Яна бир кўриб чиқишим қолди, мана, 3—4 саҳифасини ўқиб берай», деб қўлидаги қўлёзмани ўқий бошлади. Ўқиш бир жойга борганда, ҳар уччовимизнинг ҳам миямизда: «Бу роман дунё юзунини кўрармикан?» деган савол кўндаланг турарди. Биз Чўлпоннинг фикрини сўраганимизда, у сукутга кетиб, «Билмадим, рухсат берармиканлар ёки шунча ёзилган шеърларим сингари қаерларда қолиб кетармикан?» деб қўйди. Биз узоқ гаплашиб ўтирдик, кеч соат 11 ларда уй-уйга тарқалдик».*



Юнус ҳожи аканинг хотирасига қараганда бу сўзлар ишончлидир. Шунга қарамай, Юнус Мақсудийнинг роман муқаддимасини эшитиб, гўё Абдулла Қодирийни кўз олдига келтиргани хусусида фикр билдиришни ўринли, деб ўйлайман.

Абдулла Қодирий биринчи ўзбек романини ёзганида, табиийки, Шарқ насрига, хусусан, араб роман-нависларининг бадий тажрибаларига таянди. Бу унинг адабий билим доираси ва эстетик диди билан тамомилан уйғун эди. Аммо рус ва Оврупо ёзувчилари ижодининг таржимони бўлмиш Чўлпон учун Абдулла Қодирий танлаган бу йўл романнависликдаги бирдан-бир йўл эмасди. Ҳатто айтиш мумкинки, «Ўтган кунлар»дан кейин кечган давр ичида ўзбек китобхонларининг ҳам ва, шубҳасиз, ёзувчиларининг ҳам бадий савияси ошган ва бу қувончли жараён давом этмоқда эди. Шунинг учун ҳам Чўлпон ўз романида замонавий Оврупо халқлари адабиёти эришган бадий тажрибадан кўпроқ истифода этишга қарор қилди. Шу маънода унинг асари миллий романнависликда Абдулла Қодирийга нисбатан олға ташланган қадамдир.

Сотти Ҳусайн ўша тергов чоғида берган кўрғазмасида ушбу асарнинг яратилгани ва муаллифнинг ғоявий мақсади тўғрисида маълумот бериб, бундай деган:

*«Кунларнинг бирида Чўлпон мени «Кеча» деб номланган романидан парчаларни тинглашга таклиф этди. Чўлпон ўзининг боғида ромanning табиат жуда гўзал тасвирланган биринчи ва иккинчи бобларини ўқиди...»*

Кечирасиз, ҳурматли ўқувчи, шу ерда кўчирмани бўлишга тўғри келади. Сотти Ҳусайннинг айтишича, Чўлпон романи «ўзининг боғи»да ўқиган. Агар у ромanning дастлабки бобларини Москвада, Кечки Адабиёт институтининг талабаси бўлган кезларида эшитган бўлса, у пайтда ва у ерда Чўлпоннинг боғи бўлиши мутлақо мумкин эмас. Агар у ромanning муқаддимаси билан Тошкентда 1934 йилдан кейин танишган бўлса, Чўлпон бу вақтда Амир Темур хиёбонидаги Мутахассислар уйининг ярим подвал шаклидаги хонасида яшаган. Чақар маҳалласидаги боб ҳовли эса Чўлпонга Москвага кетмасидан анча аввал, Яшин ака айтганидек, ҳукумат томонидан берилган эди.

Ушбу изоҳдан кейин Сотти Ҳусайн сўзларининг давомини ўқийлик:

*«...Аммо мен асосий сюжет чизигини илғамай қолдим ва Чўлпон романининг қолган қисмини бошқа бир сафар ўқиб беришга ваъда қилди. «У «Кеча» — романининг биринчи қисми, «Кундуз» эса иккинчи қисмини ташкил этишини айтди. Шу билан бирга Чўлпон яна ўтмиш ҳақида ёзаяпти, деб айбламасликлари учун романи шу тарзда иккига ажратишга мажбур бўлганини таъкидлади. Шу муносабат билан Чўлпон мендан мабодо романга танқид ёзмоқчи бўлган бўлсам, романининг иккинчи қисмини ҳам ёзаётганини эътиборга олишимни сўради. Мен унга ҳолис бўлишлигим ҳақида ваъда бердим».*

Шундай қилиб, Чўлпоннинг икки қисмдан иборат «Кеча ва кундуз» романини ёза бошлагани муайян доирада маълум бўлди.

Чўлпоннинг «Устоднинг хислатлари» мақоласидан кўчирма:

*«Горький — шоир. Унинг асарларида фақат бир нарсчи (романчи) кўринмайди, ҳар ер-ҳар ердан нозик кўнгулли, гўзаллик севгучи ва табиат мафтунни бир шоир келиб чиқади. Мен ўзим ҳар қандай насрли асар (роман, ҳикоя)да гўзал ташбеҳ ва табиат тасвирларини яхши кўраман. Горькийда бу нарсалар кўп эмас, оз; унинг ширинлиги ҳам шундан. Улар жуда кўп бўлиб кетса, рассомнинг санъат асари қолмайди-да, бўёқчи (сирчи)нинг андозасиз ва санъатдан маҳрум чизма чизиги қолади».*

Чўлпон «Кеча ва кундуз» романини ёзишда Горькийнинг ана шу тажрибасидан, услубининг ана шу фазилатларидан фойдаланди. Аммо шу билан бирга у маҳорат мактаби сифатида фақат Горький ижоди билангина кифояланиб қолмади.

Бугун «Кеча ва кундуз» романининг бизга етиб келган ва 1936 йил ёзида китобхонлар қўлига бориб теккан биринчи китобини ўқир эканмиз, «кундуз»нинг келишини, «тонг»нинг отишини интизорлик билан кутган адиб кўзларида гавдаланган ҳалқимизнинг Биринчи жаҳон уруши давридаги ҳаёти манзараларини кўриб, бу манзараларнинг буюк маҳорат билан тасвирланганидан олам-олам завқ оламиз.

*«Кунларнинг бирида Москва кўчаларида кетар экан-*

миз, — деб эслаган эди Юнус Мақсудий, — Чўлпон ёш-ёш рус болаларини кўрсатиб, «Келажакнинг мустамлакачилари», дегу».

Чўлпон ана шу болаларнинг ота-оналари ва бува-бувилари давридаги халқнинг қарамлиқда кечган ҳаёти-ни ўз кўзи билан кўрди ва асарда шу мустамлакачилар туфайли ўзбек диёрига қуёш нури тушмаётгани, «кеча»нинг ҳаддан зиёд узайиб кетганлигини айтмоқчи бўлди.

Тошкентдаги мактаблардан бирининг директори Фафур Расулев 1941 йил апрелида «Қизил Ўзбекистон» газетасининг адабиёт бўлимида Чўлпоннинг бир гапини эслагани учун ҳибсга олинган. Унинг тергов пайтида айтишича, Чўлпон: «Паровозлар оғатда биздан Москвага 9—10 та оғир-оғир вагонни аранг суграб кетади-ю, келишда 40—50 та енгил вагонни шалдиратиб келади», деган экан. Чўлпон эътиборини тортган ана шу ҳолат XIX асрнинг 60-йилларидан ҳанузгача давом этар эди. Чўлпон: «Бу шармандали ҳол бундан кейин ҳам давом этаверса, халқнинг, юртнинг ҳоли нима кечади?» деган саволни шу романида берди ва бу саволга жавоб беришни китобхонларнинг ўзларига ҳавола қилди.

У Зеби тақдирида, Раззоқ сўфи ва Қурвон биби тақдирида бутун бир халқнинг фожиали ҳаётини яққол кўрсатиб берди.

\* \* \*

Қуёш отмоқда...

«Одамлар уйқудан уйғонишади.

Қандай одамлар?

Бутун ҳаёт улар учун бир меҳнатдан иборат бўлган одамлар, умр бўйи ерни безаб ва бойитиб келсалар ҳам, ўзлари бешиқдан гўргача йўқсилликдан чиқмай-турган одамлар.

Нега?

Сен буну кейин, катта бўлганингдан сўнг биласан, шунда ҳам, албатта, билишни истасанг...»

М. Горький Илюша Франкелга «меҳнатдан иборат бўлган одамлар»нинг умр бўйи ерни безаб ва бойитиб келсалар ҳам, ўзлари бешиқдан гўргача йўқсилликдан чиқа олмасликларини айтган-у, аммо бунинг сабабини яширган. Чўлпон ўз романида шу ҳолнинг иддизларини очиб ташлашга уринди.

Ушбу фасл аввалида Чўлпоннинг яқин жўраларидан бири Абдулхай Тожиевнинг шу йллари Москвада Марказий Ижроия Қўмита Миллатлар Советининг котиби лавозимида ишлаганини қайд этган эдик. Чўлпоннинг 1931 йилнинг охирларида собиқ пойтахтга қочиб келиб, қатағон тўлқинидан омон қолишига бирдан-бир сабабчи бўлган сиймо республика Халқ Комиссарлари Советининг раиси Файзулла Хўжаев эканлигини ҳам айтган эдик. Файзулла Хўжаев собиқ иттифоқ миқёсидаги арбоб, СССР Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари бўлишига қарамай, Чўлпоннинг Москвадан қайтиши унга боғлиқ бўлмаган кўринадди. Шунинг учун ҳам шоир Тошкентга қайтишини тақозо этувчи сабаблар билан Абдулхай Тожиевнинг ҳузурига бир неча бор чиқди. Ниҳоят, Чўлпон 1934 йилнинг ёз ойларида Абдулхай Тожиев ёрдамида Тошкентга қайтиш имконига эга бўлди. Файзулла Хўжаев билан дўстона муносабатда бўлган Абдулхай Тожиев масаланинг Тошкент билан боғлиқ жиҳатларини ҳал қилишни ундан илтимос қилди.

Ўша кезлари республика ҳукуматининг масъул ходимларидан бири Акбар Исломов хизмат юзасидан Куйбишевга борган, сўнг Москвага кириб, Ўзбекистонга қайтаётган эди. Чўлпон ана шу киши билан бир поездда қайтди. Акбар Исломов Файзулла Хўжаевдек йирик давлат арбобининг ҳурматини қозонган шоирдан хабар олиб туришни ўзининг виждон бурчи, деб билди. Чўлпон кетаётган вагонга келиб, у билан ҳол-аҳвол сўрашди. Сўнг ўз вагонига таклиф этиб, вагон-ресторанда Чўлпонни меҳмон қилди. Поездда кечган суҳбатларда шоирнинг Москвада нима билан шуғуллангани, қандай асарлар ёзгани билан қизиқди. Ўзбекистонга қайтиб келаётганини маъқуллаб, иқтисодий аҳволини суриштирган бўлди.

Ниҳоят, поезд Тошкент вокзалига келиб тўхтади, Акбар Исломов Чўлпоннинг Тошкентдаги ишларига муваффақият тилаб, кўлига қанчадир пул берди-да, машинасида элтиб қўйди. Сўнг шоир билан хайрлашар экан, зарур ҳолларда кўмак беришга тайёр эканлигини айтди.

Чўлпон Тошкентга келгач, Акмал Икромовнинг ҳузурига бўлди, сўнг унинг ёрдамида Файзулла Хўжаевнинг қабул қилишига эришди. Файзулла Хўжаев

Чўлпонга 500 сўм миқдорида ёрдам кўрсатиш билан бирга ҳозирги Тошкент курантининг рўбарўсида жойлашган ва яқин-яқингача Мутахассислар уйи бўлиб келган бинодан торгина, аммо Чўлпонга маъқул тушган жойни олиб берди. Кўп ўтмай, унинг топшириғи билан ўринбосари Абдулла Каримов ҳам 700 сўм миқдорида ёрдам кўрсатди. Шу тарзда шоирнинг моддий аҳволи хийла ўнгланди ва у рафиқаси Катя билан ўзи учун ҳар бир гишти қадрдон шаҳарда яшай бошлади.

Бу 1934 йилнинг сўнги кунлари эди.

*«Тала ва гулзорларда қизил гуллар очилган, ҳар томонда чечаклар кулган, уларнинг кўпи сўлишга ҳам юз тугган, лекин ҳаммасининг кўзи кўм-кўк осмонда, олтин қуёшда; илиқ, мовий ва хуш ислар билан тўлиб ётган ҳавода эркаловчи бир қўшиқ оҳистагина қанот қоқиб келади:*

*Гўзал гўзалдир  
Сўлган чоқда ҳам,  
Бизлар севамиз  
Ўлган чоқда ҳам...»*

## **Ёзилмаган қўшиқ**

Чўлпон Тошкентга қайтиб келиши билан Акмал Икромов уни қабул қилиб, тезроқ адабий ҳаётдан муносиб ўринни эгаллашга чақирди. *«Сиз ҳозир шеърларингизнинг бадиий томонларини қўйиб, кўпроқ сиёсий томонларига аҳамият беринг»,* — деди у ва ҳатто қандай мавзуларда ёзиш кераклигини тушунтирди. Сўнг шоирнинг олдидаёқ Марказқўм тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирини Мўмин Усмоновни чақиртириб, Чўлпонни адабий-бадиий журналларга жалб этиш, асарларининг ўз вақтида чиқишига кўмаклашишни буюрди.

Мўмин Усмонов шу куннинг эртасигаёқ «Қизил Ўзбекистон» газетаси таҳририятига Раҳмат Мажидий, Муҳаммад Ҳасанов, Ғафур Ғулом, Зиё Саид, Аъзам Аюбни йиғиб, кенгаш ўтказди. Муҳаммад Ҳасанов кенгаш ишида сўзга чиқиб, Акмал Икромовнинг «Муштум» ҳажвий журналинини мутлақо қайта қуриш ва унга энг яхши кучларни жалб этиш вазифасини юклаганини айтди. *«Унинг айтишича, журнални жилла бўлмаса, Ғози Юнус муҳаррирлик қилган пайтдаги даражасига кўтаришимиз лозим»,* деди Муҳаммад Ҳасанов. Кен-

гашда Чўлпон билан Абдулла Қодирийни журнал ишига жалб этиш лозим, деган қарорга келинди.

«Муштум» 1923 йил февралда «Туркистон» газетасининг қошида ҳажвий журнал сифатида ташкил этилган. Унинг халқ ўртасида машҳур бўлишида Абдулҳай Тожиев, Ғози Юнус ва Чўлпоннинг, шунингдек, журналга ўз асарлари билан қатнашган Абдулла Қодирий, Эдбек сингари ёзувчиларнинг хизмати катта бўлган. Шунинг учун ҳам Акмал Икромов «Муштум»-ни 1923—1926 йилларда «гуллатган» қаламкашлар қатори Чўлпонни ҳам журналга жалб этишни зарур, деб топди.

Айни пайтда шу кенгашда яқин орада адабий-бадий ва безакли журнални чиқариш масаласи ўрганилаётгани айтилди. Орадан икки кун ўтгач, ЎзК(б)П Марказқўми «Гулистон» журналини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Раҳмат Мажидий муҳаррир этиб тайинланган бу журналга Чўлпоннинг дўсти Санжар Сиддиқ масъул котиб қилиб белгиланди ва Чўлпон муаллиф сифатида бу журналга ҳам жалб этилди.

1935 йили «Ҳамза» театрининг 15 йиллиги нишонланажаги муносабати билан Чўлпон театрга жамоатчилик асосида ёрдам беришга таклиф этилди ва у мазкур театр қошида Зиё Саид муҳаррирлигида чиқа бошлаган «Театру» газетаси фаолиятида ҳам яқиндан қатнашди.

Шоир Тошкентга келганидан кейин бир ой ўтгач, унинг «Соз» (1935) деб номланган янги шеърлар тўплами чоп этилиб, китобхонлар қўлига бориб тегди.

Агар 30-йиллардаги адабий ҳаёт йилномасига назар ташласак, Чўлпоннинг Ўзбекистон Давлат нашриёти ва Ёзувчилар уюшмасининг таржимонлар бюросига аъзо бўлиб кирганлиги (1935 йил, май), «Кеча»нинг Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети томонидан энг яхши асарлар учун эълон қилинган танловга тавсия этилганлиги (октябрь) ва рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлганлиги (декабрь), А. С. Пушкин вафотининг 100 йиллигига бағишланган кечада (1937 йил, январь) ва драматургияга бағишланган кенгашда (апрель) сўзга чиққанлиги маълум бўлади.

Чўлпон шу тарзда адабий ҳаётдан секин-аста ўрин эгаллай бошлади.

Чўлпоннинг 100 йиллиги (1997 йил) муносабати билан шоир номи тилдан тушмай турган кунларда йўлим Фафур Фуломнинг уй-музейига тушди. Дастлаб шоирнинг қизи Олмос, сўнг рафиқаси Муҳаррама опа дафъатан Чўлпон тўғрисида сўз очиб қолдилар.

*«Бир куни уйимизга, — нақл қилди Муҳаррама опа, — Чўлпон хотини билан меҳмон бўлиб келди. Хотини Катя исми рус аёли экан. Мен, одатимизга кўра, офтоба кўтариб, Чўлпоннинг қўлига сув қуймоқчи бўлдим. Шунда Чўлпон аёл кишининг эркак кишига хизмат қилишини маданиятсизликка йўйдими, менга қараб, деди:*

*— Синглим, бу ишингиз аёлларга муносиб иш эмас. Кимдан ўргандингиз буну?..*

*Мен Кўқонда тутилганимни, оиламизга меҳмонлар қўлига сув қуйиш расм бўлганини айтдим...*

*Мен шу куни Чўлпонни биринчи марта кўрдим. У баланг бўйли, оқ-сарикдан келган, ўта маданиятли киши экан. Узун-узун бармоқли қўллари бирам чиройли эдики, ҳозир ҳам кўз олдимдан кетмайди. Товуши майин, сўзларни эҳтиёт билан айтаётгандек эди. Кўринишидан негадир ўзбекка ўхшамасди... Ниҳоятда маданиятли экан, Чўлпон...»*

Чўлпон Фафур Фулом хонадонида бор-йўғи бир мартагина бўлган, аммо Муҳаррама опада ўзи ҳақида шунчалик ўчмас хотира қолдирган. Афсуски, на бошқа ёзувчиларимиз, на уларнинг рафиқалари тарих учун, авлодлар учун шундай самимий хотираларни қолдирмаганлар. Тўғри, биз қўлингиздаги китобда Комил Яшин ва Ҳалима Носирова, шунингдек, Мумтоз Муҳамедовнинг мавжуд хотираларидан самарали фойдаландик. Лекин улар ҳар бир куни ҳақида яхшигина бир очерк ёзиш мумкин бўлган сиймо ҳақидаги денгиз томчиларидир.

Фафур Фулом билан Чўлпон ўртасидаги муносабатни бир хил ранглар билан кўрсатиш маҳол. Чўлпон номи қатағон даврининг қора тахтасига ёзилган пайтда унга кимлар тошлар отмади, унинг оқланишига қарши кимлар тиш-тирноқлари билан курашмади, дейсиз. Аммо Чўлпон номи халқ дили ва тилида дoston бўлган йилларда унинг уйига бориш ҳам, уни уйларига таклиф этиш ҳам, у билан сафардош бўлиш ҳам ҳар бир киши учун шараф ҳисобланган.

Чўлпон Москвадан келганидан кейин, 1934 йили, қиш ойлари бўлса керак, Фафур Фулом билан бирга бўлган ва улар ўзаро мушоара қилганлар. Мушоарадан аввал улар ўртасида қандайдир бир масалада баҳс бўлган ва Чўлпон шу баҳсдан қочиш истагида Фафур Фуломни мушоарага чорлаган кўринади.

Мана, шу мушоаранинг дастлабки байтлари:

### Ч ў л п о н

Бу масоил<sup>1</sup>дан зерикдим, сўнгра ислоҳ истадим,  
Сўнгра ислоҳдин қочишга ўзга бир роҳ<sup>2</sup> истадим.

### Ф а ф у р Ф у л о м

Шак яқин, муҳдис<sup>3</sup>, буларнинг барчаси мендин йироқ,  
Бен эса салқин шаробли хийра коргоҳ<sup>4</sup> истадим.

### Ч ў л п о н

Бу жавобни мен қабул қилдим чиройлик қиз каби,  
Май ила, мутриб<sup>5</sup> ила шоҳона даргоҳ истадим.

### Ф а ф у р Ф у л о м

Бир қоронғилик чўкти охир вожиб ул-автод<sup>6</sup>дин,  
Бен реал кўқдин буларнинг қалбига моҳ истадим...

Аслида, шоирлар ўртасидаги баҳс шундай шаклга эга бўлиши, ҳатто уларнинг баҳсларидан ҳам санъат асари туғилиши лозим.

30-йилларда фақат шоирлар эмас, балки уларнинг рафиқалари ўртасида ҳам баҳс бўлган. Аммо бу баҳс санъат асарининг туғилиши билан якунланмаган эса-да, ҳар ҳолда дориломон замонларда тақлид қилса арзийдиган баҳс бўлган.

Ўша, Чўлпон учун умидбахш 1934 йилда шоирнинг уйига ташриф буюрувчилар оз бўлмаган. Кунларнинг

---

<sup>1</sup> *Масоил* — масалалар.

<sup>2</sup> *Роҳ* — йўл.

<sup>3</sup> *Муҳдис* — янгидан яратувчи.

<sup>4</sup> *Хийра коргоҳ* — хилват жой.

<sup>5</sup> *Мутриб* — созанда.

<sup>6</sup> *Вожиб ул-автод* — азиз-авлиёлар эрки.



бирида Чўлпон ва Екатеринанинг таклифи билан Элбек, Фози Юнус, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Охундий ва яна кимлардир келишган. Шу нотаниш кишилардан бири танбурчи бўлиб, дўстона гурунгда танбур садолари билан завқ бериб турган. Дарвоқе, 1937 йилнинг мудҳиш кунлари бошланиб, шу куни Чўлпон уйида меҳмон бўлганлар рўйхати олинганда, қарийб ҳамманинг «паришонхотирлиги» тутиб, «халқ душмани»нинг уйига борганини эслолмаган.

Аммо текшир-текшир бошлангандан кейин маълум бўлишича, Фози Юнус, Элбек хотинлари билан боришган экан. Екатерина дамлаган ош ҳаммага манзур бўлиб, «аъло» баҳо олганидан кейин, Фози Юнуснинг иззат-нафси «ҳақоратланган» хотини ҳам ошхонага чиқиб, сабзи-пиёз тўфраган-да, «Ош дамлаш мана мунча бўлади!» деб ўз санъатини намоиш этган!

Ана шундай «унутилмас» воқеалар билан тутаган 1934 йилдан кейин Чўлпонга «Соз» тўпламини ҳада қилган 1935 йил ҳам кириб келди. 11 февраль куни бўлиб ўтган «Ҳамлет»нинг премьераси ва шу спектаклнинг 27 кун давомида узлуксиз равишда зўр муваффақият билан ўйналиши Чўлпон ҳаётида нурли кунлар бошланганидан дарак бергандек бўлди. Ана шу тарзда ойнинг ёруғ ўн беш куни ўта бошлади.

\* \* \*

1935 йил. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг идораси Иқон кўчасида, демак, ҳозирги Ёзувчилар уюшмасининг биноси атрофида жойлашган кунлар. Ҳозиргина эслатилганидек, ўшанда Муҳаммад Ҳасанов (нима учундир уни ҳамма Ҳасан деб атарди) газета муҳаррири, Шариф Ризо унинг ўринбосари, Аъзам Аюб эса масъул котиб эди.

Энди воқеанинг «қаймоғи»ни Абул Бозоровдан эшитинг:

*«Абдулла Қодирий, Чўлпон иккиси таҳририятимизга тез-тез келиб турар эдилар. Иккиси жуда иноқ, қалин дўст бўлсалар керак. Баъзан зинапоядан иккинчи қаватга кўтарилишда болалардай бир-бирининг қўлини ушлашиб, юриб чиқаётганини кўрганмиз. Мамарасул Бобоев ўқитувчилик қилар, баъзан ёзган шеърини газетамизга, Шариф Ризога келтирар эди. Онда-сонда шеъри босила бошлаганди. У менинг яқин ўртоғим бўлганидан олдимга кирар, маслаҳатлашардик. Абдулла Қо-*

дирий, Чўлпон акаларнинг юришларига, хушчақчақ гаплашишларига ҳавас қилардик.

Абдулла Қодирий жўн, юпқа пиджак, ичига ёқалик кўйлак, бошида гўлли, оёғига енгил ботинка бўларди. Чўлпон тўладан келган, гавдалик, оддий ёқалик кўйлагини шими ичига туширган, кўйлак енгларини тирсагигача шимарган. Бошида гўлли, кўзига қадимий оқ, нозик гардишли кўзойнак бўларди. Оёғига кавушсимон, юпқа, кўндан тикилган пойабзал кўрардим. Чўлпоннинг овози баланг эшитиларди. Абдулла Қодирий кам ва секин гапирса керак, йўлакларда, зинапояларда товуши эшитилмасди.

Қодирий ва Чўлпон тахририятда Ҳасан, Шариф Ризо ва Аъзам ака билан гаплашардилар. Баъзида давраларига Комил Яшин ҳам қўшилиб, аския, кулги кўтариларди. Дам олиш вақтига тўғри келганларига бирга чой ичишардилар. Шу вақтлар Чўлпон тўғрисида салбий гаплар юрганлигидан (бу гаплар 1935 йилдан кейин чиқа бошлаган — Н. К.) кўп ёзмасди. Газета ходимларининг «Чўлпон Агро-колхоз институтига китоблар таржима қилаётганмиш», деган гапларини эшитиб қолардим. Агар янглишмасам, катта йўлдан Пиёнбозорга бораверишда (ҳозирги Ички ишлар вазирлиги билан 16 қаватли Матбуот уйи оралиғида), фарбишарқ йўналишда солинган 4—5 биноларнинг бирида Агро-колхоз институти... бўларди».

Абул Бозоровнинг бу хотирасидан ўрин олган Чўлпоннинг Агро-колхоз институтига оид сўзлар чўлпоншунослар учун, айниқса, қимматлидир. Сир эмас, 1937 йил бўронлари бошланмасиданоқ Чўлпон, Фитрат сингари ёзувчиларнинг ижод этишига имкон берилмаган. Нафақат улар, ҳатто Ойбек ҳам ўша йилларда ёзган асарлари «касода» бўлганлиги учун қишлоқ хўжалигининг нафосатдан узоқ мавзуларидаги рисоаларни таржима қилишга мажбур бўлган. Камина Чўлпоннинг ҳам шундай рисоаларни ўзбек тилига ўтириб, кун кечирганлигини яхши биламан.

\* \* \*

Чўлпоннинг устози деб тилга олганимиз Фитрат жумҳурият пойтахти Тошкентга кўчиб келганидан кейин дастлаб хотини Ҳикматой билан Олой бозори яқинидаги кўчаларнинг бирида яшаб, кейин, Бешоғоч ва Чақар ўртасидаги Гулистон деб аталган манзилда

истиқомат қилган. Чўлпонга ҳукумат томонидан берилган боғ ҳовли Гулистонга яқин бўлгани учун Чўлпон билан Фитрат тез-тез кўришиб турганлар. Гулистон маҳалласидаги уйлар ташқаридан қараганда ҳашамадли бўлмаса-да, ичкари-ташқарили бўлиб, пишиқ қилиб қурилган эди.

«Гулистондаги ҳовлимиз, — деб эслайди Фитратнинг ўтай қизи Севара Караматиллаҳўжаева, — жуда файзли эди. У ерда гул бениҳоя кўп бўларди. Бир тараф — телпакул, бир тараф — атиргуллар, яна бошқа анвои гуллар... Уларга отамнинг ўзи қарарди, қўлидан гулқайчи тушмас, бутоқларни тинимсиз қирқиб турар, суюрар, тагларини юмшатиб, ўғит солар, сира эринмас эди. Отам гулларнинг ранги-ю атринигина яхши кўриб қолмай, улардан дори-дармон ҳам тайёрларди...

Ҳовлимиз файзли бўлганиданми ё бошқа сабабданми, уйимиздан меҳмон аримасди. Энг кўп келадиганлардан бири Фафур Фулом эди. Фафур Фулом ҳовлимизни шу қадар ёқтириб қолган эдики, кейинчалик Арпаоя кўчасида бино этган уйини бизникидан нусха кўчириб қурган эди. Лоҳутий, Чўлпон, Элбек ва Шайхзода сингари ижодкорлар ҳам кўп келиб турарди. Чўлпон домла кўпинча дўппи кийиб келардилар. У кишининг иккита дўпписи бўлиб, бири мошранг, иккинчиси жигарранг духобадан эди. Қанд касали бўлгани учун ёнида қутичага солинган дори олиб юрар ва ҳазиллашиб, «Бу менинг қандим», — дерди. «Қандингиздан менга ҳам беринг», десам, куларди-ю бермас эди...

Ҳовлидаги катта уйнинг тепаси шийпон эди, оғатда ўша ерда ўтириларди. Шоирлар тўпланиб қолса, шеърхонлик бўлар, мумтоз шоирларнинг ғазалларидаги айрим байтлар ва ҳатто айрим сўзлар хусусида баҳс юритилар эди. Ҳофизлар даврасида эса дутор ва танбур садолари янграр, юракларни ўртовчи қўшиқлар жанрларди».

\* \* \*

Кунлар ана шу тарзда гоҳ дўстлар даврасида, гоҳ адабий баҳслар ва мажлисларда, гоҳ рўзғор тебратиш илинжидаги юмушлар оғушида ўтар эди.

Ўша кезларда Москвада қардош халқлар санъатининг ўнқунлигини ўтказиш эндигина расм бўла бош-

лаган эди. Ҳали ўзбек санъатининг Москвадаги тантанали намойиши ҳақида аниқ-тайин гаплар айтилмаган бўлса-да, зимдан тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Ўзбекистон Давлат филармониясининг раҳбари Қори Ёқубов турли ташкилот ва шахсларга телеграмма юбориб, уларга ишчи гуруҳнинг аъзолари эканлигини маълум қилди. Ана шундай телеграммалардан бири Москвадаги опера студиясининг тингловчиси Мутал Бурҳоновнинг ҳам қўлига бориб тегди. У зудлик билан Тошкентга, филармонияга етиб келди. Қори Ёқубов жуда жиддий оҳангда гап бошлади:

— 1937 йили Москвада ўзбек санъати ўнқунлиги бўлади. Ўнқунлик «Гулсара» спектакли билан очилиб, катта концерт билан ёпилади. Унда Совет ҳукумати ва Коммунистик партия раҳбарлари иштирок этишади. Табиийки, бу концертга энг яхши кучларимиз ва энг яхши номерларимизни зўр маҳорат билан намойиш этиб, санъатимизнинг бугунги гулгун қиёфасини кўз-кўз қилмоғимиз зарур. Концертнинг якунловчи номери, айниқса, зўр бўлиши керак. У ўртоқ Сталинга бағишланган кўп кишилик хор ижросидаги тантанали кўшиқ бўлса, кўнгулдагидек бўлади. Аммо, Мутаваккил, сенга очиғини айтсам, худди шу масалада ишимиз юришмасдан турипти. Концерт финалида ижро этишга муносиб кўшиқ сўзларини тополмай юрибмиз. Хуллас, гапнинг лўндасини айтсам, ишнинг шу томони сенинг елканга. Сен Чўлпон билан эскирган танишсан. Борди-келдиларинг бор. Чўлпоннинг олдига бориб, аҳволни тушунтирасан. Ўртоқ Сталин тўғрисида зўр бир шеър ёзиб берсин.

Топшириқ ўта нозик ва масъулиятли эди. Мутал Бурҳонов ўша куниёқ филармониядан чиқиб, ҳозирги Тошкент курантига қараган уйга томон йўл олди. Йўлда борар экан, ўнқунликда қатнашишдек, «улуғ доҳий»ни кўришдек шарафга муяссар бўлишини ўйлаб, боши осмонга етди. Ҳатто Москвадан биронта унвонми, орден ё медалми олиб қайтишини тасаввур этиб, гурур ҳиссига тўлди. Шубҳасиз, шундай гўзал истиқбол, унинг хаёлида, Чўлпонни ҳам кутаётган эди.

Ёш бастакор ана шундай ўйлар билан Чўлпоннинг эшигини қоқди. Эшикни Чўлпоннинг ўзи очиб, қутилмаган ташрифдан ажабланган бўлса-да, хушнудлик билан уйига таклиф қилди.

Мутал ака камсуқумгина ёзилган дастурхон устида

Чўлпон билан ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин ётиғи билан бояғи гапни айтди. Чўлпон узоқ ўйга толди, кейин чуқур хўрсиниб, деди:

— *Ўзингиздан қолар гап йўқ, Мутаваккилжон. Сталин ҳақида шеър ёзиш мен учун сира-сира қийин эмас. Керак бўлса, бир кечада бунақа шеърлардан ўнтасини ёзиб бераман. Аммо масаланинг бир томони бор, кўриб турибсиз, кейинги пайтларга менга тўрт томондан ҳужум бўляпти. Бошим устидаги булутлар жуда қуюқлашди. Мабодо бирор фалокат рўй берса, менинг шеъримга куй басталаган композиторни соғ қўйишармикан? Мутлақо бегуноҳ одамлар ҳам бесабаб жувонмарг бўлиб кетишмасмикан?..*

Чўлпон бу сўзларни айтган 1936 йилнинг октябрида ўзбек санъатининг Москвада ўтажак ўнкунлигига ҳам, у билан кетма-кет бошланажак мудҳиш қатағон машинасининг ишга тушишига ҳам ярим йилдан зиёд вақт бор эди.

## Оғули кунлар

«Кеча»нинг дастлабки саҳифаларини тошкентлик биродарларига ўқиб берган пайтида Чўлпон романининг биринчи китобини кўлдан чиқарган эди. Шеъррий асарларини бир ўтиришдаёқ ёзиб тугатишга кўниккан шоир «Кеча» устида ҳам узоқ ишламади. Асардаги асосий қаҳрамонлар сажиясини беришда таниган-билган, назар-эътиборига тушган кишиларнинг феъл-атвори-ю ҳаёт йўлининг айрим бекатларидан, сюжет чизигини шакллантиришда эса Андижонда 1917 йил инқилоблари арафасида рўй берган воқеалардан киши билмас фойдаланди. Эрта билан барвақт хизматга кетиш ва оқшомги қайтиш соатларида ўша кечаси ёзилажак бобни обдон ўйлаб-пишириб олди. Шу тарзда романининг ёзилиш жараёни бир мунча силлиқ кўчди.

Ўша кунлари Москвага Акмал Икромов ҳам келган эди. Унинг сафари қариб, Қозон вокзалига чиққанида, кузатувчилар орасида папка кўтарган Чўлпон ҳам бор эди. Саркотиб билан хайрлашиш навбати Чўлпонга келганда, у бир оз ийманиб, сўнг майин овоз билан деди:

— *Поездга тўрт-беш кун юрасиз, Акмал ака, биламан, ўз бошимдан ўтган, яхши ҳамсуҳбат бўлмаса,*

одам зеркиб қолади. Мободо сиз ҳам шундай ҳолатга тушсангиз, мана бу қўлэзгани варақлаб кўрармидингиз? «Кеча ва кундуз» деган романининг биринчи китоби. Ўзингиздан қолар гап йўқ, фикрингизга мунтазирман.

Акмал Икромов Чўлпоннинг каттагина романини ёзганини кўриб, ниҳоятда хурсанд бўлди. Поездадаёқ ўқиб чиқишга ваъда бериб, хайрлашди:

— Соғ бўлинг, Чўлпон, ўзингизни эҳтиёт қилинг...

Акмал Икромов ўз ваъдасида турди. Чўлпон Тошкентга келиши биланоқ унинг ҳузурида бўлганида саркотиб романини ўқиб чиққани ва асосан маъқул бўлганини айтди. Сўнг ёзувчилардан ҳам фикр олишни маслаҳат берди.

Чўлпон орадан бир неча кун ўтгач, романини қаламкаш биродарларига ўқиб бериш учун янги ташкил топган Ёзувчилар уюшмасига келди. Уюшмага кириши билан девордаги эълонга кўзи тушиб, романини тинглагани бир дунё одам келса керак, деб ўйлади. Аммо тайинланган вақтда уюшма атрофида ивирсиб юрган, башарасидан адабиётга алоқаси камлиги сезиб турган 3—4 кишидан бошқа ҳеч ким кўринмади. Ниҳоят, 10—11 киши йиғилганидан кейин Чўлпон романини ўқишга киришди; романининг иккинчи ўқилишида 7 киши, учинчисида эса 4 кишигина йиғилди. Шунда ҳам, Ойдинни эътиборга олмаганда, уюшма раҳбарларидан ҳеч ким бўлмади.

Мана, романининг босилиб чиққанига ҳам олти-етти ой бўлиб қолди. Асар адабиёт мухлислари ўртасида қўлма-қўл ўтиб, шавқ билан ўқилмоқда. Китоб дўконларида романдан бирорта ҳам нусха қолмаган. Аммо танқидчилар, мотам тутган туллардек, оғизларига талқон солиб ўтиришибди. Лоқайдлик, ҳадиксираш, бирбирининг оғзини пойлаш, чақимчилик авжида. Жамиятдаги маънавий иқлим шу даражага келган...

Чўлпон адабиёт оламида ҳукм сурган бундай ҳолдан жамиятнинг тубсиз жарлик сари кетаётганини кўрмай иложи йўқ эди.

Дарвоқе, у бундан бир неча йил илгари шу ҳақда бир тўртлик ҳам ёзган. Бу тўртликнинг қачон, қаерда, нима муносабат билан тузилганлиги тўғрисида турлитуман фикрлар мавжуд. Чўлпон бу тўртликнинг ёзилиш тарихини, Юнус Мақсудийнинг хотирлашига кўра, бундай тушунтирган:

«— Санъаткорлар билан Свердлов номидаги театр биносига делегатларга томоша кўрсатиш учун бордик. Мажлис чўзилиб, артистлар зеркиб қолишган эди. Шунда мен ерга ётган «Эпоха» папиросининг бўш қутисига:

Бундай «Эпоха»ни чекиб тугатинг,  
Куллари кўкларга соврилиб, кетсин.  
Бу тутқун, эзилган ўзбек боласи  
Оловсиз, тутунсиз кунларга етсин

тўртлигини ёзиб, уларни хушлаш учун ўқиган эдим, ўшанда. Лекин бу... шеър учун бошимда сонсиз-саноқсиз калтаклар синган, — деди шоир хўрсиниб.

Қизиқиб тинглаётганимни кўрган шоир давом этди:

— Бир кун мени Москвадаги Ўзбекистон ваколатхонасига чақириб, Файзулла Хўжаев раислигида ўртоқлик суди қилишди. Москвадаги Коммунистлар университетининг талабаси, айниқса, «Эпоха»га ёзган шеъримни қоралади. Ниҳоят, менга сўз берилгач, «Шеърни папирос қутисига «Эпоха» номи қўйилганига ҳайратланиб ёзган эдим», — деб Файзулла Хўжаевга юзландим. Сизнинг ҳамда ўртоқ Охунбобоевнинг номлари қўйилиб, суратларингиз туширилган папиросларни кашандалар: «Файзулла Хўжаев» — 5 тийин, «Охунбобоев» — 4 тийин, деб кўча-ю бозорда айюҳаннос солиб юрибдилар. Менинг бирдан-бир айбим Ўзбекистонда туғилганлигим», — дедим. Сугдан сўнг Файзулла Хўжаев ёнимга келиб, «Сиз биздан ранжиманг! Шахсан мен сиз тўғрингизда уюштирилган шафқатсиз ҳужумларни юмшатиш учун бир тадбир тариқасида бу ўртоқлик судини уюштирган эдим», — дея кўнглимни кўтариб қўйди...»

«Эпоха» папироси қутисига ёзилган шеър, айниқса, 30—40-йиллари халқ ўртасида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг акс-садоси хориждаги ўзбекларга қадар етиб борган кўринади. Иттифоқо назаримга тушган «Миллий Туркистон» журналининг 50-йиллардаги бир сонида ушбу шеър ҳақида қуйидаги сўзлар айтилган экан:

«...Чўлпоннинг ниҳоят сўзга чевар эканлиги ҳақида халқимиз ўртасида қулоқдан-қулоққа эшитилиб тарқалган бир-икки мисолни келтирмай ўтиб бўлмайди. Масалан, Чўлпонни 1932 йилда Тошкентда буюк бир совет конгрессига (конгрессига — Н.К) меҳмон қато-

ринда чақирадирлар. Чўлпон «Эпоха» («Давр») деган сигра чекар экан. Ул ўлтурсан ерида сигра кутисининг ичига:

*Чекинг бу «Эпоха»ни,  
Кули кўкларга соврулсун! —*

*дея шул икки сатрни ташлаб чиқиб кетган. Совет даврининг куллари кўкка совурулишини устаган Чўлпоннинг бу сатрлари конгирода буюк ҳаяжон уйғотган».*

Кўрамизки, Ю. Мақсудийнинг хотирасида ҳам, «Миллий Туркистон»да эълон қилинган мақолада ҳам «Эпоха» папириси билан боғлиқ воқеа икки хил талқин этилмоқда. Агар 20—30-йилларда ўзининг гоҳ ҳақ, гоҳ ноҳақ фельетонлари билан эл оғзига тушган журналистлардан бири Комил Алиевнинг «Ақлли жинни» мақоласига назар ташласак, бу воқеанинг шу мақола ёзилгунга, яъни 1927 йилнинг 12 октябрига қадар Самарқандда бўлиб ўтгани равшан бўлади. Маълум бўлишича, Чўлпон фақат «Эпоха» папиросининг эмас, балки бошқа папирос қутиларининг устига ҳам шундай тўртликларни ёзган. Чўлпон шаънига ҳақорат сўзлари билан тўлиб-тошган ушбу мақолада бу ҳақда қуйидаги сўзларни ўқишимиз мумкин:

*«Чўлпон шу йилнинг 26 сентябрида «Тошкент» папиросининг қутисига қуйидаги шеърни ёзиб, марказий идораларимиздан биттасига қолдириб кетади:*

*«Тошкент»нинг кулини кўкка совурмоқ  
Ўзбек йиғитига ярашадими?  
Айниқса тошкентли бир шаҳарнараст  
Шаҳрини чекишга тиришадими?»*

Бу сўзлар тагида ётган маъно ҳали тиши чиқмаган гўдақдан тиши тушган чолгача маълум. Аммо ўзига Чўлпонни советлар назарида ёмонлаш ва фош этишни мақсад қилиб олган журналист ушбу тўртликни бундай талқин этган:

*«Қаранг, Чўлпон бу билан нима димоқчи. У миллат ва ватан, дея бериб, чакагим тушди, миллатларни(нг) ора-ора қирқ пичоқ бўлишларини таъмин қила олмадим, номерим ўтмади, демакчи-га, аввалги фикридан қўл силтаб, шаҳарчилик мақсадини илгари сурмакчи.*



Чувварани хом санабсиз, ака Чўлпон, сиз айтган катта толларнинг кесилиб кетганига талай вақтлар бўлди. Кўзингизни шокосадек очиб, ёни-верингизга бир қаранг-чи, нимани кўрасиз? Башарти кўзингиз сўқирлашмаган бўлса, Фарғона ишчиларининг Тошкентда, Тошкент меҳнаткашларининг Самарқандда, Самарқанд зиёлилари — юмушчиларининг орқада қолган округлар (буларнинг орқада қолишларига сизларнинг турғизган босмачилик ҳаракатларингиз сабаб, албатта!)да ака-акалик билан маданият тарқатиб, мамлакатимизнинг эҳтиёжини қондираётганларини кўрасиз.

Фақат тавсиямиз шуки, эҳтиёткорона назар солингки, ўтакайингиз ёрилиб, муҳибларингиз бир йўла сиздан ажралиб қолмасинлар.

Чўлпоннинг жиннилиги булар билан ҳам чекланибгина қолмайди. У «Эпоха» («Давр») папирос қутисига мана бу шеърни ёзиб:

Бундай «Эпоха»ни чекиб тугатинг,  
Куллари кўкларга соврилиб кетсин.  
Энди бир бечора одам боласи  
Оловсиз, тутунсиз кунларга етсин, —

геиши билан: «Камбағаллар даври биз, бойлар, майда буржуазия лаганбардорлари — мафкурачиларини ёндирди, бу даврнинг (меҳнаткашлар даврининг) кули кўкка соврилиб, ер билан яксон бўлсин», деб қичқиради».

Комил Алиевнинг «Ақлли жинни» деган таҳқирномаси мустабид тузумнинг маҳаллий малайларига маъқул тушди. Энди улар Чўлпонни русзабон аҳоли ва зиёлилар ўртасида ҳам шундай шарманда қилмоқчи бўлдилар. Даврнинг бу «шарафли» вазифасини «Правда Востока» газетасининг фаол муаллифларидан бири Эль-Регистан ўз зиммасига олди. У газетанинг 1929 йил 17 апрель сонидида «Қўқон хони занжирланган итларининг улаши» («Лай цепных собак Кокандского хана») деган фельетон эълон қилиб, Чўлпон ва унинг маслақдошларини занжирланган итларга, улар қаламидан чиққан асарларни эса шу итларнинг улашига қиёс қилди. Кейинчалик СССР Давлат гимнининг муаллифларидан бири бўлмиш бу муаллиф учун улуғ бир инсонни итга қиёс қилиш ҳеч гап эмас эди. Негаки, шовинизм заҳри билан заҳарланган кимсалар учун ўзбек, қозоқ,

қирғиз, туркман сингари Ўрта Осиё халқлари паст ирқ вакиллари бўлиб, уларни истаганча ҳақоратлаш, таҳқирлаш мумкин эди.

Агар 20-йилларнинг ўрталарида собиқ советлар мамлакатада рўй берган ҳаракатни тарихчилар яқин-яқингача «маданий инқилоб» деб атаб келган бўлсалар, Эль-Регистаннинг бу «итнома»си маданий инқилоб деб аталган навбатдаги большевиклар инқилобининг меваси эди.

Мазкур фельетонда, жумладан, бундай «маданий инқилоб» руҳига мос сўзлар бор. Эль-Регистан Чўлпоннинг «Гўзал Фарғона» шеърідан икки-уч мисрани келтириб, бундай ёзади:

*«Сиз, албатта, Фарғонада Чўлпон назарида нима рўй берганини биласиз. Шу нарса рўй бердики, Совет ҳокимияти сарой шоири — малайини эгардан ағдариб ташлади.*

*Аммо Чўлпон ўзини енгилган, деб ҳисобламайди, аксинча, ўз юрагига ёт, янги кишилар билан курашмоқчи бўлади. У ҳатто ишчи-деҳқон ҳукуматининг пахта яккахонлиги деган тағбирини ҳам назардан қочирмайди...»*

Фельетончи Чўлпоннинг пахта тўғрисидаги ҳажвиясидан мисол келтириб, давом этади:

*«Қандай шармандалик. Бундай ошқора аксилшўрвий тарғиботни кимсан миллат ичидан чиққан шоир олиб бормоқда-ю ҳеч ким унинг оғзига шапалоқ билан урмаяпти.*

*Коммунист ёзувчилардан бири (яъни Комил Алиев — Н.К.) Чўлпоннинг бу чиқишига жавобан фавқулодда мерганлик билан ўткир шеърин зарба берди:*

*Пахтажон, пахта,  
Сени эккан айғир.  
Сен, Чўлпон, ахта,  
Сенга керак нўхта.*

*Аминмизки, агар шоир бу сатрларни ЎзГИЗга берганида, улар барибир эълон қилинмаган бўларди. Негаки, ЎзГИЗ фақат ўз кишилари: Қўқон мухториятчи-миллатчилари, шовинистлар ва аксилнқилобчилардан иборат чекланган тор доира ёзган нарсаларнигина босиб чиқаради...»*

Эль-Регистан маслақдоши Комил Алиевнинг фельетонида тилга олинган гапларни такрорлаш билангина

кифояланмай, «античўлпоншунослик»ка ўзидан ҳам «муносиб ҳисса» қўшган. Чунончи, у шоирнинг «Муштумзўр» пьесасини ўз мақсадидан келиб чиққан ҳолда «таҳлил қилгач», бундай «илмий» хулоса чиқарган:

*«ЎзГИЗдаги «ўз» шароитидан рағбатланган қаламкаш жалаб озодлик сари йўлини томчи-томчи қипқизил қон билан суғораётган ўзбек хотин-қизларига туҳмат қилишгача боради, женотгеллар (хотин-қизларнинг ишлари билан шуғуланувчи бўлимлар)имиз эса қулоқларига пахта тикқанларича жим ўтириптилар ва ўз бурунлари тагидан Шарқ хотин-қизларига қаратилган гаста-гаста аксилинқилобий куролни олиб ўтиб, омма орасига тарқалаётганини сезмаяптилар...»*

Бу заҳарли сўзлар хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли ва ижтимоий фаол бўлиши учун мардона курашган, «Кеча ва кундуз», «Хужум», «Замона хотини» сингари асарлар муаллифи шаънига — ўзбек аёлларининг оташин куйчиси шаънига айтилганки, шу фактнинг ўзиёқ туҳматчининг ўта юзсиз бўлганини намоёиш этади.

Чўлпон ана шундай юзсиз туҳматчилар эгарларни эғаллаб олган замонда яшади.

Шундай юзлаб юзсиз туҳматчилар Чўлпоннинг азиз ҳаётини заҳарлаб, ҳар бир дақиқада унинг косасига оғу солиб турдилар.

Кези келганда айтиш лозимки, «бадриддиновчилар» устидан суд жараёнида сўзга чиқиб, улар сафига Чўлпонни ҳам тортишга уринган ва унинг бошига қанча ташвишларни келтирган кимса ҳам ана шу юзсиз муаллифнинг дўсти Комил Алиевдир.

А. Завқий ва И. Тўлқин исмли мақола муаллифлари бизга маълум бўлмаган яна бир воқеани журналхонлар эътиборига ҳавола қилганлар.

*«Яна бир шул каби ҳодиса Чўлпоннинг ўз дўстлари билан кезуви вақтинда юз берган. Чўлпон бир неча адиб ва шоирлар билан кўчада кетар экан, шотиси осмонга кўтарилган Қўқон аробасини кўриб қолиб, дўстларига: «Кўрдингизларми, бул замонанинг ярамаслигиндан нола қилиб, ароба ҳам икки кўлини юқори кўтариб, Тангрига ёлбормоқда», деган».*

Чўлпон шўро тузумининг Туркистон халқлари бошига ёғдирган офатларини ўз кўзи билан кўргани учун бундай даврнинг куллари кўкка совурилишини жонжонидан истарди.

Чўлпон ҳаёти лавҳаларидан озми-кўпми хабардор кишилар, наҳотки, шундай улуғ шоир қамалғунига қадар ҳам офир кунларни кечирган бўлса, наҳотки, у 30-йилларнинг ўрталарига келиб, эндигина қадди-қоматини тиклай бошлаган давлатдан норози бўлиб яшаган бўлса, деб ўйлашлари мумкин.

Шоир зоти яшаш нашидаларини қуйлаш учун дунёга келади. Чўлпон ҳам шу маънода истисно бўлмаган. Агар унинг ва у мансуб бўлган миллатнинг йўли мунаввар бекатлар оша ўтган бўлса, унинг ижоди ҳам чароғон туйғулар ва манзаралар тасвирига бой бўлган бўлура эди. У:

Турди роҳат уйқусидан шаҳримиз эрта саҳар,  
Тушди истиқболнинг олтин қуёшдан зарралар.

Тилладан япроқ тақинди боғчалар-ла парклар,  
Жонли селга очди йўл алвон кийинган арklar, —

сингари сатрларни кўплаб ёзиши мумкин эди. Аммо замон унинг юрагига доимо заҳарли нишини санчиб турди. Унинг истеъдоди гулларини хазон қилиб, ҳаётини заҳарлади. Чўлпон бу замон билан, айрим шоирлардек, муроса қила омади.

Бундай сўзларни ўқиган авлодлар, наҳотки, Чўлпон яшаган замон шундай ғайриинсоний замон бўлган бўлса, эҳтимол, Чўлпон шоир сифатида ўз замонидаги иллатларга кўпроқ эътиборни қаратиб, воқеликни бузиб кўрсатгандир, деб ўйлаши мумкин.

Чиндан ҳам, 30-йилларнинг ўрталарига келиб, Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларига электр симлари тортилди, шаҳар ва қишлоқлар радиолаштирилди... Лекин уйдан араб ёзувидаги тарихий, илмий, адабий ёки диний китоблар чиққан оила бошлиқлари қамоққа олинди, масжид ва мадрасалар ёпилди. Чиндан ҳам, ишчилар ва деҳқонлар учун маданият саройлари, клублар, санаторийлар, театр ва кинотеатрлар хизмат кўрсата бошлади... Лекин ўзига хийла тўқ оилалар муштумзўр сифатида Сибирга, Украинага ва бошқа ўлкаларга бадарға этилиб, уларга қарашли мол-мулк мусодара қилинди. Чиндан ҳам, республикада янги сааноат корхоналари барпо этилди, кўп қаватли уйлар қурила бошлади, давлат идоралари кенгайди... Лекин малакали ишчилар бўлмагани учун бу корхоналар ва

кўп қаватли уйларга Русиядан ишсиз-жойсиз кишилар кўчириб келтирилди, маҳаллий халқдан рус тилини билувчилар кам бўлгани учун давлат идоралари ёппасига руслар ихтиёрига ўтди. Москванинг бундай «бегараз ёрдами» эвазига ер ости ва ер усти бойликларимиз мунтазам равишда олиб кетилди.

Тўғри, янги давр неъматларидан Чўлпон ҳам бебаҳра қолмади. Республика ҳукумати ўзбек ёзувчилари учун Тошкентнинг Инжиқобод деган гўшасидан боғ ажратиб берганида, Чўлпон ҳам шу боғда ҳордиқ чиқарди. Бунга гувоҳлар ҳам бор. Масалан, Яшин ака бу ҳақда қуйидаги сўзларни ишонч билан айтган:

*«Ўттизинчи йиллари ҳукумат ёзувчиларга Тошкентнинг бир чеккасида, Инжиқобод деган жойдан боғ-жой ажратиб берган эди. Чўлпон акани охириги пайтларда ёзувчиларнинг ана шу боғида кўрганман. Ўша даврнинг кўзга кўринган ёзувчиларидан Миён Бузрук, Шокир Сулаймон, Отажон Ҳошим, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, мен ва бошқалар шу боғда тўпланардик, суҳбатлашардик. Патефон янги урф бўлган, ҳар хил лаппаклар (пластинкалар) чиққан пайтлар эди. «Мистер Браун» деганга ўхшаш пластинкаларни патефонга қўйиб, роса танца тушардик. Чўлпон ака кўпроқ Абдулла Қаҳҳор билан суҳбат қилишни хуш кўрарди. Тўполонга унча тоби йўқ эди.*

*Чўлпон акани сўнги марталар ўша боғда кўрганман...»*

Чўлпонни Кавказдаги санаторийларга ҳам бормади, деб бўлмайди. Борди, 1936 йилнинг май-июнь ойларида у Кисловодскдаги Акмал Икромов номли санаторийда шифоланди. Бу ҳақда, янада, аниқроғи, Маъдан сувларидаги курортлар ҳақида мақола ҳам ёзди. Чўлпоннинг соғлиги тобора пўст ташлаётганини кўрган Акмал Икромов ҳам сиҳат-саломатлиги малҳам топсин, ҳам Ўзбекистон ҳукумати ихтиёридаги оромгоҳ ҳаётини ўрганиб, у ҳақда дoston ёзсин, деб шоирнинг қўлига йўлланма олиб берди.

Аммо биргина курортта юбориш билан инсон ҳаётини узайтириш, саломатлигини тиклаш, меҳнат қобилиятини кучайтириш мумкин бўлса, ўзбек халқи чоризм пайтида ҳам, социализм пайтида ҳам жаҳоннинг олди халқларидан бирига айланган бўларди.

Агар Чўлпон 1936 йили Кавказнинг шифобахш масканларидан бирида 24 кун ором ва фароғат олган бўлса, қирқ йиллик умрининг аксар қисмини азоб ва уқубат водийсида ўтказди.

1934 йилнинг 1 июлида Бутуниттифоқ Ёзувчилар уюшмаси ташкилот комитетининг қабул комиссияси Р. Мажидий, Файратий, С. Айний, Сўфизода, А. Қодирий, З. Фатхуллин сингари 20 нафар ижодкорни Ёзувчилар уюшмасига аъзо, Н. Сафаров, А. Қахқор, Фулом Фатхулла каби 10 нафар қаламкашни аъзоликка номзод сифатида қабул қилди. Фақат Чўлпон билан Фитраттина умрларининг сўнгги кунларига қадар уюшмага аъзо бўлолмадилар.

1935 йилдан бошлаб «Ҳамлет» «Ҳамза» театрининг байроқдор спектакли сифатида 2000 дан зиёд маротаба (ҳатто қатағон йилларида ҳам) Чўлпон таржимасида намойиш этилди, лекин спектаклнинг афиша ва маромномасида таржимон номи бирор марта ҳам кўрсатилмади.

Бу ҳам озлик қилгандек, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1936 йил 27 июль сонида «Ҳамлет»га туҳмат» деган мақола босилди. Бу, аслида, «Ҳамлет»га эмас, балки Чўлпонга туҳмат эди. Таниқли давлат арбоби Назир Тўрақулов, чамаси, ноҳақ ўлими арафасида Чўлпонга тош отиб, кимларнинг кўзидадир ўзининг коммунистик виждонини «покламоқчи» бўлди.

Тошкентга кўчиб келганидан кейин Чўлпон ҳатто асарларини ўз номидан саҳнага чиқара олмади. Замондошларининг айтишларича, Умаржон Исмоиловнинг асари деб юрганимиз «Рустам»ни ҳам, Аброр Ҳидояттовга мансуб деб ҳисоблаганимиз «Аваз»ни ҳам, аслида, Чўлпон ёзган ва, юқоридаги сабабга кўра, улар номидан саҳнага чиқарган.

Шундай исканжада яшаган ижодкорнинг ҳаёти қандай кечиши мумкин? Роҳат ва фароғатдами ё азобуқубатда?!

Тожикистонлик меҳнат фахрийси Абдуазиз Хошмуҳамедовнинг мана бу хотираси нимадан шаҳодат бермоқда?

*«1935 йил сентябрь ойида, — деб ёзган кекса педагог, — Мен Тошкентдаги ўзбек ўқитувчиларини тайёрлаш икки йиллик институтининг физика-математика факультетига ўқишга кирдим. Институтимиз Бешоғочда бўлиб, ётоқхонамиз Шайховантоҳур маҳалласидаги Орқа кўчада жойлашганди.*

*Кунларнинг бирида Шайховантоҳурдан трамвайга чиқиб, фавқулудда Чўлпонни учратиб қолдим. У ниҳоятда шогланиб, уйига таклиф қилди. У ҳамон муҳим иш тополмай, ихтиёрий равишда таржимонлик билан*

шуғулланаркан. Уйига бир неча марта бордим. Ҳар гал иқтисодий жиҳатдан қисилганини сезардим. Бир куни хотини (рус аёли) менинг гувоҳлигимда Чўлпонга қуйидагиларни айтди:

— Ҳамид. Бизга қарзга сут олиб келаётган чол ҳақини сўраяпти. Нима қиламиз?

Чўлпон эса:

— Таржима ҳақини олсам, тўлаймиз. Ҳозир эса пул йўқ, — деб жавоб қайтарди».

Чўлпон ана шундай иқтисодий ва руҳий шароитда яшади.

\* \* \*

Шу ерда яна бир бор «лирик чекиниш» қилишга тўғри келади.

1934 йил декабрининг ўрталари эди. Заҳириддин Аълам Шоҳид Эсонни уйига таклиф этиб, суҳбатда Чўлпон сингари ёр-дўстларнинг ҳам ҳозир бўлишини маълум қилди. Орадан икки кун ўтгач, шартлашувга кўра, Шоҳид Эсон соат 4 ларда Заҳириддин Аъламнинг уйига борди. Чўлпон ўша ерда эди. Кўп ўтмай, даврага Шорасул Зуннун билан Ғози Юнус ҳам келиб қўшилдилар. Давра аҳли жамулжам бўлгач, Чўлпон сиёҳи ҳали қуриб улгурмаган «Кеча ва кундуз» романини ўқишга киришди. Соат тунги 12 га қадар романининг 222 саҳифаси ўқилди. Дўстлар асар давомини икки ҳафтадан кейин — 30 декабрь куни Ғози Юнуснинг уйида ўқиш ҳақида аҳдлашиб олишди.

Шоҳид Эсон, тарқалишлари олдидан роман ҳақидаги дастлабки таассуротлари билан ўртоқлашиб, асардан мамнуният ҳиссини туйганини изҳор этди ва Чўлпонни ижодий ғалаба билан қутлади. Ғози Юнус эса, асар таъсирида бундай деди:

— Бизнинг ёшларимиз ҳеч нарса қилмаяптилар. Уларга доимо юқоридан кўрсатма келиб туриши керак. Агар юқоридан бирор кўрсатма келса, улар бугун бу ерда ҳозир бўлган ва ҳозир бўлмаган миллатчиларга нисбатан ҳурматларини адо қилган бўлишарди. Ёшлар фақат кўпчилик олдида бизга тош отишади, баъзи бир кичик йиғилишларида эса бизга бўлган ҳурматларини яширишмайди. Омма олдида бизга тескари қарашади-ю уч-тўрт кишилик гурунларда қўлимизни ўпиб, бизни устоз деб, падар деб қадрлашади.

Ғози Юнус ҳам, бошқалар ҳам «миллатчи» сўзини

«миллатпарвар» маъносида қўллаганлар. «Миллатчи» сўзи «ишчи», «бозорчи», «тарғиботчи», «аълочи» каби сўзлардек ижобий ранглар таратувчи сўз бўлиб, фақат большевиклар ва уларнинг маҳаллий ҳайбаракал-лачиларигина бу беозор сўзга акс маъно берганлар.

Шартлашувга биноан, дўстлар 30 декабрда — Янги йил арафасида Ғози Юнуснинг уйида тўпланишди. Шоҳид Эсон Заҳриддин Аълам билан бирга манзилга етиб борганларида, у ерга алақачон Чўлпон ҳам, Шорасул Зуннун ҳам келиб, Ғози Юнус билан бирга уларни кутиб ўлтиришган эди. Салом-алиқдан сўнг, Чўлпон «Кеча»нинг давомини ўқий бошлаб, уни роса соат 10 дан 30 дақиқа ўтганда тугатди.

Шундан кейин муҳокама бошланиб, Шоҳид Эсон романда тарихий ўтмишнинг акс эттирилиши ва баъзи бир қаҳрамонлар сажиясига оид мулоҳазаларини баён қилди. Заҳриддин Аълам, кутилмаганда, Чўлпонга ташланиб, уни айблаб бошлади. Унинг назарида, Чўлпон оддий рус миллатчиси қилаётган ва қилиши мумкин бўлган ишни бажара олмаган, яъни миллатпарварлик, ўзбекчилик ғояларини роман бўйлаб «қизил ип» ўлароқ ўтказмаган эди. Чўлпон қизишиб, ўзини оқламоқчи бўлди. Ғози Юнус эса ўзбеклар устидан шикоят қила бошлади:

— Биз, ўзбекларда ҳамжиҳатлик йўқ. Бир-биримизнинг тағимизга чоҳ қазиганимиз қазиган, бир-биримизни ёмон кўрганимиз кўрган. Ўрисларга бир қаранг: қайси бири ўртоғининг қилмишлари ҳақида гапиряпти? Умуман, бирор ўрис биронта жиноят қилса ҳам, унинг ёнида кўриб-билиб турган бошқа бир ўрис ҳеч ерда ва ҳеч қачон ҳеч нарса демайди.

Ғози Юнус бир оз сукут қилгач, яна давом этди:

— Ўрислар-ку, майли-я. Совет мамлакатада татарларнинг қандай яшаётганига бир назар солинг. Ўзбеклар менинг ишчилар муҳитидан чиққан пайтимда ёзган мақолам хусусида ҳалигача гапириб юришади. Фарид Тоҳирийнинг «Чаён» журналида ёзган нарсасини бирор татар ҳатто эсламайди ҳам. Фарид Тоҳирий бўлса, худди ҳеч нарса бўлмагандек, хотиржам ишлаб юрипти. Биз, ўзбеклар ҳам ўзаро тил топишимиз, бошқа биримиздан қилган иши учун нафратланмай, тинч юришимиз лозим. Агар биз шунга эришмасак, бундан кейин ҳам бир-биримизнинг оёғимизга болта уриб юрамиз...



1937 йилнинг қонли варақлари Ўзбекистон ёзувчиларининг 7—8 апрель кунлари бўлиб ўтган йиғилиши билан бошланди. Аслида, Чўлпон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси бўлмаганлиги учун уюшма раҳбариятида уни муҳокама қилиш ҳуқуқи мутлақо бўлмаган. Аммо Чўлпоннинг уюшмага қабул қилишларини сўраб ёзган аризаси қаердадир чанг босиб ётганига қарамай, улар ҳафта шоирни чақиртириб, Прометей жигарини қийма-қийма қилиб ташлаган калхатлардек, уни ҳам тўртала томондан чўқиб ташлаганлар.

Бахтга қарши, тарих бу мудҳиш йиғилишда қатнашган калхатлар номини тўла сақлаб қолмаган. Улар аблаҳликларидан из қолмаслик лозимлигини ўша пайтда ҳам яхши билишган. Лекин биз садпора Чўлпоннинг ноалари орқали ўша йиғилишда нималар бўлганини озми-кўпми тиклашимиз мумкин.

...Шундай қилиб, уюшма раиси Анқабой Раҳматов исми шахсдан кейин Чўлпонга сўз беради. Табиийки, Чўлпон маданиятли киши сифатида жавоб нутқини узр сўзлари билан бошлайди:

*« — Ўртоқлар, мени кечирасизлар, мен ўзимда бўлмоғон сабаб билан доимо бошим оғриқ ҳолатда чиқишга мажбурман. Шунинг учун балки истаган фикримни гапира олмасман. Мен бу ердаги ўртоқ Берегиннинг (сўз ЎЗК(б)П Марказқўми маданий-оқартув бўлимининг мудири Қурбон Берегин устида бормоқда — Н.К) айтилган сўзларидаги уч нарсага ўзимнинг жавобимни бериб кетишим керак. Кейин ўзимнинг айтатурғон сўзларимни айтарман...»*

Чўлпоннинг Берегинга берган 1-жавоби Фулом Зафарий билан боғлиқ кўринади.

*« — ... Фулом Зафарий тўғрисида айтиб ўтишим керак. Бу одам мени союз боғига (Инжиқободдаги боғ назарда тутилмоқда — Н.К.) борган вақти(им)да излаб келган. У кишини(нг) меникига нима учун келганликлари сабабини тушунтириб бераман. Менда қанд касали бор. Мен ўзимнинг касалимни тузатиш устида Москва ва бошқа жойларда тиббий масалаларда (маслаҳатларда демоқчи — Н.К) бўлдим, шу касалимга ҳеч қаерда яхши давони топа олмаганимдан кейин табиблар шотут ейишни тавсия қилдилар. ...У мен ухлаб қолганимдан кейин кеч келиб, мен(инг хонам)га кирмай, Сўфизоданинг олдига кирган... Эртаси кун Сўфи-*

зоганикига айтиб чиқишди, биз бу ерда суҳбатлашиб ўтирдик. Шу вақт ўртоқ Шамс (сўз уюшма раҳбарларидан бири Хусайн Шамс тўғрисида бормоқда — Н.К.) бу ишнинг ярамаслигини билдирган... кейин ўртоқ Шамс чақириб, менга танбеҳ қилган...»

Демак, йиғилишда Чўлпон устига қўйилган айблардан бири унинг, эскиларнинг гапига кириб, қанд касаллигига қарши Фулом Зафарий олиб келган шотутни ейишидир. Бу ҳол Чўлпоннинг хурофотга берилган одам сифатида танқид қилинишига сабаб бўлган.

Энди Берегинга берилган 2-жавоб билан танишинг:

«—Иккинчидан, қитаталар тўғрисида бир нарса айтдилар, мен буни англамадим, билсам эдим, жавоб қайтарар эдим.

Мен классик асарларни кўп ўқийман, форс шоирларининг энг гўзал нарсаларини ёзиб олганман. Шунинг баъзи бир жойларини ўқиб бераман... (Стенограммага Шораҳмедов форс тилида ўқилган байтларни ёзиб олмаган — Н.К) Агар шу зарарли бўлса, мен буни бўйнимга оламан...»

Чўлпон Берегиннинг бу масаладаги танқидий мулоҳазасини англамаган эса-да, ўзининг кўчирмаларга бўлган муносабатини тушунтиришга интилган.

Мана, ниҳоят, учинчи масала. Чўлпонни саботажликда айблаш масаласи.

« — Энди энг оғир масала — Чўлпон ўзини кўрсатмади, деган нозик масала.

Москвадан келганимга икки йил бўлди. Бунинг 50 процентини скидка қиласиз. Чунки, мен кўп вақт касал бўламан. Мен ярим одамликдан чиққанман, буни ҳам билиш керак. Мана, икки йил орасида мен нима иш қилдим: «Она»нинг иккинчи бўлимини таржима қилдим. Бу тўғрида ҳаммадан мақтов эшитаман. Бу ҳам биринчи бўлимча келади. Жуда катта нарса. Ундан кейин Горькийнинг «Егор Буличев»ини, А. С. Пушкиннинг «Дубровский», «Борис Годунов»ини таржима қилдим. «Жўр» деган шеърлар тўпламини топширдим. Лохутийнинг «Оврупо сафари»ни таржима қилдим. Ундан ташқари, Эски шаҳарда чиқатурғон «Театру» газетасига қатнашаман, ундан кейин «Муштум»да ишлайман. Агар сизлар шуни ҳам кам десаларингиз, мени халтурага тортган бўласиз...»

Кўрамикки, Берегиннинг Ёзувчилар уюшмасига бириктирилган Марказқўм ходими сифатида Чўлпонга

қарата отган таъна тошлари Назир Тўрақуловнинг туҳматидан асло кам эмас. Чўлпоннинг сўнгги икки йил ичида олиб борган ижодий фаолияти ҳақидаги мухтасар ҳисоботи эса унинг касаллиги ва иқтисодий муаммоларига қарамай, фаол ижодий меҳнат билан шуғуллангани ва, айниқса, бадиий таржима соҳасида самарали ижод қилганидан шаҳодат беради.

Чўлпон Берегинга муносиб зарба берганидан кейин юрагида йиғилиб қолган изтиробли сўзларни ўртага ташлаб, «Кеча ва кундуз» ҳақида матбуотнинг фикр билдирмагани, «Ҳамлет» афишасидан таржимон номининг тушириб қолдирилгани, Н. Тўрақуловнинг эса «Ҳамлет» таржимасини асоссиз танқид қилганидан ўпкаланади. Айни пайтда шоир ўзига бир-бирини инкор қилувчи маслаҳатлар беришаётганидан зорланиб, дейди:

*«Мен Москвадан келганимда, Акмал ака мени қабул қилди. Айтдики, «Сиз ҳозир шеърларингизнинг ҳудожественний томонини қўйиб, кўпроқ сиёсий томонларига аҳамият беринг», деб. Шундан кейин сайловларга бағишлаб шеър ёзиб олиб борганимда, «Сиз лирик томонлардан ёзмабсиз», дейишди. Бу қийин бир нарса бўлди. Лекин мен бу қийинчиликларни ҳали ўтаман...»*

Йиғилиш Чўлпоннинг бу нутқига қандай муносабатда бўлди? Бир оз паст тушдими ё баланд келдими? Унга қарши янги-янги туҳмат тошларини отмадими?.. Давлат архивидаги мавжуд ҳужжатлардан бундай саволларга жавоб тополмайсиз. Лекин худди шу йиғилишдан кейин хасталик Чўлпоннинг бутун вужудига ўз захрини сочди.

## **Андижон сафари**

30-йилларнинг ўрталарига келиб, совет жамияти ҳаддан зиёд сиёсатлашиб кетди. Жаҳон мамлакатларида рўй бераётган воқеалар, ўз навбатида, Совет давлатининг ички ҳаётига таъсир кўрсатмай қолмади. Шунинг учун ҳам турли-туман давраларда сиёсат ҳақида, халқаро аҳвол ҳақида гап-сўзларнинг бўлиб туриши оддий бир ҳолга айланди.

1936 йилнинг октябрь ойида Андижонда Самандарбой Мўминбоевнинг дўконида иттифоқо Убайдуллахўжа Султонхўжаев, Абдумуталлиб Қаҳрамонов ва Дил-

барали Хушвақтов учрашиб қолдилар. Суҳбат секин-аста халқаро масалаларга кўчди. Абдумуталлиб Қаҳрамонов Самандарбой Мўминбоевнинг сиёсий вазият ҳақидаги сўзларига жавобан бундай деди:

— Гапингиз тўғри. Чўлпон Андижонда бўлганида: «Испан уруши — жаҳон муҳорабасининг бошланиши», деган. Магрид билан Москва ўртасидаги тўғридан-тўғри телефон алоқаси катта аҳамиятга эга. Япония ҳам жим турмайди...

Қаҳрамонов шу руҳда давом этиб, 30-йилларнинг ўрталарида майдонга келган сиёсий вазиятни таҳлил қилишга жон-жаҳди билан киришиб кетди. Шубҳасиз, унинг ва бошқа андижонликларнинг ўша кезлардаги сиёсий қарашлари шаклланишига одатда бундай баҳслардан қочишга интиланган, камсўз Чўлпоннинг ҳам таъсири бўлди. Чунончи, унинг Иккичи жаҳон урушининг бошланиши ҳақидаги сўзлари айни ҳақиқат эди, бундай сўзларнинг «электрланган» оммага таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас эди.

Чўлпон 1936 йил сентябрининг бошларида Андижонга келиб, куёви Муҳаммад Назаровнинг уйида Абдумуталлиб Қаҳрамонов, Бурҳон Машрабий, Боқи Маҳмудий сингари ёр-дўстлари билан давра қуриб, дўстлар дийдорига тўймоқчи бўлди. Шубҳасиз, бундай пайтларда адабиёт тўғрисида, ўтган ва барҳаёт ёзувчилар тўғрисида, янги асарлар тўғрисида саволлар ёғилиб тушади. Чўлпон ҳам шундай саволларга жавоб бериб, Элбек, Ғози Юнус, Фитрат, Абдулла Қодирий сингари ёзувчилар тўғрисида илиқ фикрларни баён қилди. Сўнг Совет ҳокимияти даврида Фирдавсий, Навоий, Фузулий сингари буюк шоир ва ёзувчиларнинг туғилиши маҳол эканини айтди, Совет давлати ва большевиклар партиясининг ҳақиқий санъат ва адабиётга йўл бермаётганидан афсусланди. Сўнгра сиёсатдан четда яратилган адабиётнинг яхши намуналари сифатида Муқимий, Фурқат, Муҳйи, Собир Тоҳирий асарларидан хотирасида қолган ғазалларни ўқиди.

Ушбу учрашув иштирокчиларидан бири Убайдулла-хўжа Сулаймоновнинг тергов пайтида берган маълумотига кўра, Чўлпон шу куни ундан Тавфиқ Фикратнинг «Рубоби шикаста» тўпламини, бундан 86 йил муқаддам нашр этилган русча-туркча луватни сўраб олиб, бу китоблар учун унга 40 сўм берган.

Чўлпоннинг Андижонга келгани ҳақидаги хабарни биринчи бўлиб эшитган Боқи Маҳмудий бу хушхабарни Бурҳон Машрабийга етказиб, ундан суюнчи олмақчи бўлди. Б. Машрабий эса кеча истироҳат боғида Чўлпон билан Яшинни кўргани, аммо одам кўп бўлгани учун уларнинг олдига боришга истиҳола қилганини айтди. Айни пайтда Фахриддинов орқали Убайдулла Сулаймоновни бу ҳақда огоҳлантириш ва у билан Чўлпонни зиёрат этиш борасида келишиб олишни буюрди. Хуллас, дўст-ёрлар ўзаро келишиб, Чўлпон яшаётган уйга йўл олишди.

Боқи Маҳмудий сентябрь ойининг дастлабки кунларида Чўлпоннинг синглиси Фоиқа ая ва куёви Муҳаммад Назаровнинг уйида бўлиб ўтган мазкур ўтириш тўғрисида бундай маълумотни берган:

*«Чўлпон суҳбат чоғида Москвада яшаган вақтида Акмал Икромов билан алоқада бўлгани, унинг маслаҳати билан Ўзбекистонга қайтиб келганини айтди. У Икромов билан учрашганида ўзини бошқа ёзувчилардан ҳимоя этишини сўрапти ва Икромов унинг илтимосини бажаришга ваъда берипти. У Тошкентга қайтганидан кейин унинг уйига Ер ишлари бўйича халқ комиссари Рустам Исломов машинада келиб, уни, яъни Чўлпонни, Эшон ака чақираётганини айтипти. Чўлпон Рустам Исломов билан бирга Совнаркомга бориши билан Файзулла Хўжаев (Эшон ака) уни шу заҳотиёқ қабул қилиб, Тошкентга қандай жойлашгани, моддий жиҳатдан қийналаётган ё қийналмаётганини суриштирипти. Чўлпон уйи-жойи йўқлиги ва моддий аҳволи ёмонлигини арз қилипти. Файзулла Хўжаев шу заҳотиёқ Чўлпон кутгандан кўра ҳам кўпроқ пул бериб, келажакда Абдулажон Каримовга ёрдам сўраб мурожаат этишини буюрипти...»*

Ушбу кўрғазманинг давомидан шу нарса маълум бўладики, Чўлпон Андижонга келгач, бир неча китобни муқовалаш учун Абдулла ҳожи деган саҳдофга берган ва бу китобларнинг муқоваланиб бўлган-бўлмаганидан хабар олиб туришни Бурҳон Машрабийдан сўраган.

*«Сентябрь ойининг охирларида, — дейди Боқи Маҳмудий кўрғазмасини давом эттириб, — Чўлпон билан уйғурларнинг қизил чойхонасида кўришдим. Мен келган пайтда Чўлпон билан бирга Абдумуталиб Қаҳрамонов, таълим-тарбия техникумининг ўқитувчиси*

Асрор Акбаров, ёзувчи Яшиннинг акаси Абдулхамид Нурмонов, гармончи Ориф ака, 8-мактаб ўқитувчиси Сирожиддин Маҳмудов ва яна битта нотаниш киши бор эди...

Бояги одамлар гуруҳи мен келган чоғда Чўлпон бошчилигида эски ўзбек ёзувчилари тўғрисидаги масалани муҳокама қилишаётган экан. Шу пайт Чўлпон Совет ҳокимияти йилларида эски ёзувчиларга, шу жумладан, Фузулий ва Навоийга кам эътибор берилаётгани, уларнинг асарлари чоп этилмай келинаётганини айтди. Фақат сўнги пайтда Тошкентда, Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтида бу масалага эътибор қаратила бошлагани... — буларнинг барчаси секин-аста бўлаётганини таъкидлади. Эски ёзувчиларнинг асарларини чоп этиш мақсадига «Гулистон» журналида махсус мақола билан чиқаётганини маълум қилди.

1936 йил ноябрь ойида «Гулистон» журналида, чиндан ҳам, Чўлпоннинг Фузулийни мақтаб ёзган мақола-си босилиб чиқди.

Ҳозир бўлганлардан Асрор Акбаров Чўлпонга мурожаат этиб, унинг қаерда хизмат қилаётганини сўради. Чўлпон фақат китоб ёзиш ва таржима қилиш билан машғул бўлгани, айтиш замонда «Муштум» журнали таҳририятида бир неча соатлаб ишлашини айтди. Шундан кейин Маҳмудов билан Орифжон ака илгарилари журналда яхшигина карикатуралар ва ҳажвий мақолалар чиққани, ҳозир эса журналбоп фактлар кўплиги, масалан, отлари озиб кетгани ва аравалари машиналар орқасидан югураётгани борми, — ҳаммасини журналда масхаралаб кўрсатиш мумкинлигига қарамай, журналнинг зерикарли чиқаётганини қайд этишди. Чўлпон бу мулоҳазаларга жавобан ҳозир бундай қилиш мумкин эмас, акс ҳолда сиёсий руҳ касб этиб қолади, деди. Журнални мароқли қилиб чиқармоқчи бўлгани, аммо таҳририят ходимлари унинг маслаҳатларини қабул қилмаганларини айтди. «Инқилобга қадар бўлган даврда 16 та турли-туман ҳажвий журналлар нашр этилган бўлса, ҳозир биттагина «Крокодил» нашр этиляпти, шу биргина журналда босилаётган материалларни ҳам ўқиб бўлмайди», деди...

Суҳбат давомига Асрор Акбаров Чўлпондан Андижондаги мактабларнинг биронтасига борган-бормагани ва она тилининг ўқитилишини кўрган-кўрмаганини сўради ва шу пайт мени кўрсатиб, она тилидан гарс

беришимга ишора қилди. Чўлпон ҳали биронта ҳам мактабга бормагани, аммо бу масала билан қизиқишини айтиб, мен дарс бераётган 4-мактабга келиб, дарсни кўришга ваъда берди.

Мен Чўлпонга мурожаат этиб, ундан қайси китобларни ўқишга маслаҳат беришини сўрадим. Чўлпон ўзбек адабиётида яхши китоблар оз бўлгани учун бирор тавсия беролмаслигини айтди. Аммо бир неча асарлар орасида Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон», ўзининг «Кеча ва кундуз» асарини ўқишни тавсия қилди.

Шу ўринда китобхонлардан узр сўраган ҳолда айтишим керакки, маҳбуслар тергов пайтида кимнинг ё қайси ташкилотнинг номини тилга олган бўлсалар, терговчи, албатта, шу шахс ва шу ташкилотнинг ёнига «миллатчи» ва «аксилинқилобчи» деган сўзларни ёзиб қўйган. Шунинг учун ҳам сўроқ баённомасидаги кўргазмаларни бир оз таҳрир этмай туриб китобхонлар эътиборига ҳавола этиш уларда нотўғри тасаввурни уйғотиши мумкин.

Боқи Маҳмудийга берган ваъдасига қарамай, Чўлпон 4-мактабга бориб, ўзбек тили ва адабиёти дарсларида иштирок этмаган. Лекин у таълим ва тарбия техникумига бориб, она тили ва адабиёт ўқитувчиси Султон Жўраевнинг дарсида қатнашган ва унга қандайдир маслаҳатлар берган. Шундан кейин кўп ўтмай, Чўлпон Андижон билан хайр-хўш қилиб, Избосканга борган ва ундан Марфилонга ўтган.

Чўлпон Андижонни тарк этганидан кейин бир неча кун ўтгач, Боқи Маҳмудий, Абдумуталлиб Қаҳрамоновни тасодифан учратиб қолди. А. Қаҳрамонов Чўлпоннинг Андижондаги энг яқин кишиларидан бўлгани ва Чўлпон ҳақида баҳс борганда оғзидан бол томиб тургани учун, табиийки, ҳамшаҳарлар куни кеча суҳбатидан баҳраманда бўлганлари шоирдан сўз очдилар. Қаҳрамонов яна Чўлпонни мақташга киришиб, уни «Акмал ака» билан «Эшон ака»нинг қўллаб-қувватлашлари, унинг Тошкент зиёлилари ўртасида катта обрў орттиргани, ўзининг илк бор Тошкентга бориб, Чўлпонни зиёрат этгани, унинг эса «Икки ҳожи» романидан парчалар ўқиб бергани ҳақида жўшиб сўзлади. Сўнг дўстининг: «Нега Чўлпон Андижондан бу қадар тез кетди?» деган саволига бундай жавоб берди:

— Чўлпон Тошкентдан Аҳмаджон деган муқовасоз

киши билан бирга келган эди. У марғилонлик экан. Чўлпон шу кишининг раъйига қараб Андижондан барвақт кетишга мажбур бўлди. Улар Марғилонга бориб, у ерда кўп бўлмай, Тошкентга қайтмоқчи эдилар.

Бу сўзлардан Чўлпоннинг 1936 йил сентябрь ойининг бошларида Андижонга ким билан ҳамроҳлиқда келгани ва улар сафари қайси манзиллар оша ўтгани маълум бўлади.

Чўлпоннинг Андижондаги дўстлари орасида вилоят театрининг ижодий ходимлари ҳам бўлишган. Шулардан бири Расулжон Раҳимийдир. Чўлпон Андижонга қилган сафари вақтида унинг уйида ҳам бўлган. Сўнг у ва марғилонлик муқовасоз билан бирга Избосканга борган. Тергов маълумотларидан унинг Избосканда Орзикул Тўрақуловнинг уйида меҳмон бўлгани, туман газетаси ходимлари ва фаоллари билан учрашгани, Андижон театрида бўлиб ўтган мулоқотларида эса «Лайли ва Мажнун», «Ҳалима», «Рустам» сингари пьесаларни сахнага қўйиб, томошабинга кўрсатиш лозимлиги тўғрисида маслаҳат бергани аён бўлади.

Чўлпоннинг Андижон сафари билан боғлиқ шу сўнги маълумот айрим кимсаларни чалғитган кўринади. Чунончи, Абдулхай Аюпов 1937 йил 28 октябр куни берган кўргазмасида Чўлпоннинг 1936 йил кузида Андижон театрига директор этиб тайинлангани ва ҳибсга олингунига қадар шу лавозимда хизмат қилганини айтган. Чамаси, Чўлпоннинг Андижонда бўлган кезларида юқорида тилга олинган дўст-ёрларига қараганда ҳам театр ходимлари билан кўпроқ бирга бўлгани Абдулхай Аюпов сингари кишиларни янглиш хулосаларга олиб келган.

Андижон театри 30-йилларда вилоятнинг асосий маданият ўчоғи эди. Шунинг учун ҳам Чўлпон шу театрининг Исоқ қори Каримов, Расулжон Раҳимов, Салоҳиддин Сайфий сингари пешқадам ходимлари билан ижодий мулоқот ва дўстона гурунглар қурган.

Чўлпон Расулжон Раҳимов билан шу сафар чоғида танишди.

Расулжон Раҳимов 1936 йилга қадар Избоскан туманида яшаб, «Большевик» деб номланган туман газетасининг муҳаррири бўлган. У ана шу вақтда газета саҳифаларида севдиги Чўлпоннинг шеърларини тез-тез чоп этиб турган. Абдулхай Аюповнинг бер-



ган маълумотига кўра, у: «Чўлпон Ўзбекистондаги шоир ва ёзувчилар орасида чиндан-да юлдуздир. Агар Робиндранат Тахур Ҳиндистонда яшаб, буюк асарларни яратган бўлса, Чўлпон бизда шундай қимматбаҳо асарларни яратди. Чўлпонни миллатчи сифатида бекорга танқид қилишяпти. Сиёсат бошқа, адабиёт бошқа, уларнинг ҳар иккаласини аралаштириб юбормаслик керак. Ҳар бир нарсага сиёсий нуқтаи назардан ёндошиш яхшиликка олиб бормади», дейишни яхши кўрган.

Чўлпон ижодининг бу ўта садоқатли мухлисининг ўзи ҳам аҳён-аҳёнда чўлпонона руҳ билан тўйинган шеърлар машқ қилар эди. Камина тергов материаллари ичида учраган қуйидаги сатрларни ўқиганимда, дастлаб уларни Чўлпоннинг бизга номаълум шеърлари, деб ўйлаб, чексиз қувончлар оғушига берилдим. Аммо улар Расулжон Раҳимий юрагидан отилиб чиққан чўлпонона туйғулар эдики, мен сиз, азизларнинг ҳам бу сатрлар билан танишишингизни жуда ҳам истар эдим:

Кўзим гул-гул очай, деди, очай, десам, очолмайман,  
Осмонга нур сочай, деди, сочай, десам, сочолмайман,  
Дилим озод олай, деди, олай, десам, ололмайман,  
Юрагим ўт ёқай, деди, ёқай, десам, ёқолмайман.

Фалак жабр этди менга, кўксимга ғамдин олов ёқмиш,  
Ота, десам, она, десам, улар деб қўйнига отмиш,  
Ки, роҳат менда, деб бўйнимга кулфат занжирин тақмиш,  
Нажот излаб кўзим тор кўчадан тор кўчага боқмиш.  
Ки, булбулман қафасда, парчалаб ундан чиқолмайман.

Чўлпоннинг шундай сатрларни ёзган ва шундай поэтикаъб ва софдил йигит билан қадрдонлашмаслиги ғайри табиий эди. Шунинг учун ҳам у ёш дўстига яшаш манзилени берган бўлса керакки, орадан икки ой ўтгач, Расулжон Раҳимов устозини излаб Тошкентга келган. Хизмат жойини театрга кўчирган йигит энди сахна санъати билан яшай бошлагани учун устозидан Шекспирнинг иккинчи ўлмас асари — «Отелло» фожиасини ўзбек тилига таржима қилиб беришни илтимос қилган. 30-йилларда республикамизнинг энг машҳур санъат кошоналаридан бири бўлган Андижон театри Ҳамза театридан кейин иккинчи бўлиб Шекс-

пир ижодига мурожаат этмоқчи ва «Отелло» спектаклини саҳналаштирмоқчи эди. Расулжон Раҳимов бу вақтда Чўлпоннинг олтин боши узра кўтарилаётган ойболта ўзининг бошига ҳам тушиши мумкинлигини тасаввур этмаган. Шунинг учун ҳам у 1937 йил январида Чўлпоннинг кулбаи вайронасига иккинчи маротаба қадамранжида қилганида Чўлпоннинг тазйиқ ва таҳдидлар орқасида тўшакбанд ҳолда ётганини кўриб, орзу косаси чил-чил синган.

\* \* \*

Қатағон тўғрисида сўз борганда, жароҳатли нуқталарни четлаб ўтиш асло мумкин эмас. Қатағон қиличи ўзбек зиёлилари ёхуд оддий кишиларнинг бошларини ахтарганда минглаб бошлар орасидан Аҳмад ё Тошматнинг бошини кўрсатиб берган кишилар оз бўлмаган.

Сир эмас, қатағон авж олиб, қамоққа олинган ҳар бир киши инсон зоти кўрмаган қийноқларга дучор бўлганида кимдир кимнингдир аксилинқилобчи бўлгани ҳақида, шўроларга қарши тарғибот билан шуғуллангани ҳақида маълумот беришга, тўғрироғи, ўзига ҳам, биродарига ҳам туҳмат қилишга мажбур бўлган. Бундай кишиларнинг гуноҳини Оллоҳ таоло кечирган бўлсин. Аммо шундай унсурлар ҳам бўлганки, улар кўролмасликлари орқасида, ҳасадгўйликлари ва шахсий адоватлари орқасида қанчадан-қанча беғуноҳ кишиларнинг бошларига етганлар. Айрим кишиларнинг ичи қоралиги билан сотқинлар ва хоинлар гуруҳи пайдо бўлган. Дарвоқе, жамиятни қарама-қарши синфларга ажратиб юборган Совет давлати яна бир синфни — хоинлар ва сотқинлар синфини вужудга келтирди. Шу гуруҳ, шў синф қатағон йилларида халқни ичдан кемирди. Бундай кишиларнинг ҳам оз бўлмаганини айтиш халқимиз менталитетини ижобий фазилатлар ҳисобига кўтаришга ёрдам берувчи омилдир.

Шундай кишилар Чўлпон теварагида ҳам кечаю кундуз изғиб юришган.

Отахон Назирхўжаев деган бир зот 1923 йил 23 март куни бўлиб ўтган сўроқда бундай сўзларни айтган:

*«Мен инқилобга қадар Андижонда Исамбой Тоштемиров деган савдогарнинг қўлида гумашта бўлиб хиз-*

мат қилар эдим. Рус-тузем мактаби ўқитувчиси Убайдулла Сулаймонов (Убайдулла жинни) унинг дўконига келиб турарди. У халқ маорифи инспектори Кузнецов билан яқин алоқада бўлган. Халқда: «Сулаймонов — охранкачи, мусулмонлар ўртасида қандай кор-қол рўй берган бўлса, шу нарсани оқизмай-томизмай охранкага етказадиган», деган гап юрарди. Эсимда бор, жадид мактабларининг барча ўқитувчилари ундан кўрқишарди, унинг чақувномалари туфайли улар жадид мактабларини ёпиши мумкин эди. У миссионер Остроумовнинг ҳам яқин кишиси бўлган. Ҳар 15—20 кун деганда Тошкентга, унинг ҳузурига келиб кетар эди. Чамаси, маҳаллий аҳоли ўртасидаги гап-сўзлардан уни ҳам хабардор этиб турарди. У Остроумовга, Кузнецовга гар-қол етказиши мумкинлиги учун унинг ҳузурига подшолик ҳақида ёмон гапиришдан ҳамма чўчирди. Сирасини айтсам, ўша пайтда охранка нима эканлигини ҳеч ким билмаган, маҳаллий аҳоли ўртасидаги инқилобий ҳаракатнинг ҳар қандай таъқиб этилишини Остроумов, Кузнецов номлари билан боғлашган. Дарвоқе, Сулаймоновнинг ўзи ҳам тилга пишиқ бўлмаган, тез-тез сирасорлари ҳақида гуллаб, ё бўлмаса, тегишли жойга етказиб қўяман, деб атайин айтар, уни қилма, буни қилма, деб маслаҳат берар, шунинг учун ҳам ундан ҳамма ўзини олиб қочар эди.

Ёдимда бор, биз Андижонда биринчи маротаба спектакль кўрсатдик. Сулаймонов спектаклга келди. Бирмунча вақт ўтгандан кейин эса баъзи бир кишиларни охранкага чақиришди. У ерда зобитлар мени шу спектакль муносабати билан сўроқ қилишди. Андижондан четга чиқмаслик шарти билан қўйиб юборишди. Орадан бир қанча кун ўтгач, инқилоб юз берди. Ҳамма Сулаймоновдан шубҳаланди ўшанда ва уни қўли билан кўрсатиб турди. Мен китоб дўконини очган пайтимда келиб-кетувчилар кўпинча ундан шикоят қилиб, унинг ҳузурида ҳатто газета ўқишдан ҳам чўчишларини, унинг ҳар доим буларга дўқ-пўписа қилишларини айтишар ва Чор ҳукуматига қарши оғиз очмаслик ҳақида огоҳлантириб, ҳар доим оқ подшони, Остроумовни мақташи ҳақида сўзлашар эди. Ҳамма унга дуч келмасликка, у эса, аксинча, ҳамма билан алоқада бўлишга интилар эди.

Ёдимда бой, инқилобдан кейинги қайси бир қурултойда Низомиддин Хўжаев Сулаймоновнинг чор ох-

ранкасида хизмат қилганини айтиб, унга зарба берган».

Чор охранкасига сидқидилдан хизмат қилган бундай кимсалар 1917 йил инқилобларидан кейин ҳам большевиклар ва уларнинг сиёсий идораларига шундай садоқат билан хизмат қилдилар. Аммо қатағон қиличи ишга тушганида қурбонлар билан бирга сотқинларнинг бошлари ҳам бараваб кесилди.

Чўлпон 1936 йил сентябрь-октябрь ойларида Андижонга қилган сафари вақтида ҳам шундай соялар у билан изма-из юрган бўлиши шубҳасиз.

## Сўнги кунлар

Чўлпон бўйнига ташланган сиртмоқнинг кундан-кунга таранглашиб бораётганини сезди. У хасталигига қарамай, Андижонга, ота уйига, сингиллари ва жиянлари бағрига сўнги марта борди. Сингиллари ва жиянларига аталган совға-саломларни берди-да, улар хонадонида сақланаётган барча қўлёмаларини олиб қайтди.

Мабодо бирор фалокат рўй берса, менинг қўлёмаларимни сақлаган сингилларимни, жиянларимни, ёрбиродарларимни соғ қўйишармикан? Мутлақо бегуноҳ одамлар ҳам бесабаб жувонмарг бўлиб кетишмасмикан?..

Уни ана шу саволлар қийнади.

У Тошкентга қайтиб, барча қўлёмаларини варақма-варақ ёқди. Унинг юрагида йиғилиб қолган, сўнг базўр қоғозга тушган дардлари, аламлари, нафратлари ёниб кул бўлди. Унинг қувончли дақиқаларидан гувоҳ бўлиб тушган нафис ва нозик туйғулари, мунаввар келажак сари интилган орзу ва умидлари қоп-қора дуд бўлиб учди. Унинг беназир истеъдодини, сиҳат-саломатлигини, хиралашиб қолган кўзларининг сўнги нурларини симирган таржималар адам саҳросига изсиз кўчди. У қарийб ҳеч нарчасиз қолди. У, Медея сингари, ўзи туққан, ўзи яратган фарзандларни ўз қўли билан ўлдирди.

Чўлпон қўлларига қаради. Олов тафтидан қизиган қўллари қоп-қорайгандек эди. Унинг кўзойнагида йиғилиб қолган кўз ёшлари қоп-қора ёмғир бўлиб ерга тўкилди. Унинг кўнгли бўшашгани сайин қора ёмғир дарё янглиғ оқди.

Орадан неча соат ўтди — у билмади. Қора ёмғир тинганидан сўнг, у бир оз енгил тортди-да, бояги кулларни кичик бир халтачага солиб, шипга осиб қўйди.

Қора тонг аста ота бошлаган эди.

\* \* \*

Ўша тундан кейин Чўлпон ётиб қолди.

Давлат нашриёти директори Фиёс Хўжаевнинг бундан хабари борми-йўқми, эҳтимол, нашриёт киссасига пул тушгани учундир, ёш бўлим мудираси Холида Сулаймоновани чақириб:

— Мана, сизга пул. Бир минг бир юз сўм. Мана, вedomость. Ҳозир тўппа-тўғри ёзлик «Хива» кинотеатрининг олдига бориб, Мутахассислар уйига кирасиз. Чўлпон пулга муҳтож бўлиб ётипти, — деди. Сўнг қўшиб қўйди. — Кўчада машинам турипти. Шофёрнинг хабари бор.

Холида Сулаймонова Чўлпон яшаган подвалнамо хонадонни топиб, қўнғироқни аста босди. Эшикни бир рус аёли очди. Чўлпон дераза ёнидаги сим караватда ётган экан. Холида хаста шоир билан саломлашгач, «Кеча ва кундуз» романи учун қалам ҳақини олиб келганлигини айтди. Сўнг:

— Домла, тобингиз йўқми? Нима қилди? Нега ётибсиз? — деб сўради.

— Қанг.., — деди Чўлпон. Бир оздан сўнг қўшиб, қўйди, — қанг касалим бор. Номии қанг бўлса ҳам, ўзи заҳар касал...

Холида бундай касал борлигини билмас эди, ҳайрон бўлди.

— Худо хоҳласа, тез тузалиб кетасиз. Ҳали бизга кўп-кўп яхши асарларни ёзиб берасиз... Романингизни ўқидим. Менга жуда ёқди. Соғайганингиздан кейин шундай романлардан кўп ёзинг, Чўлпон ака! — деди у.

Чўлпон илжайгандек бўлди.

Холида яхши тилаклар билдириб, шоир билан хайрлашди. Хотини ошхонада экан. «Пул олиб келганингиз учун катта раҳмат», дея кузатиб қўйди.

Бу тирик Чўлпон тўғрисидаги энг сўнгги хотиранлардан биридир.

Ғози Юнуснинг Саодат Содиқов деган жияни бўлган. Саодат 1937 йилнинг 12 июлида Брич-Мулладан Тошкентга келиб, Қишлоқ хўжалиги институти ётоқхонасига бориб, ўша ерда истиқомат қилаётган акаси билан тунамоқчи эди. У ётоқхонага етиб борганида акаси унга тоғасининг Тошкентга келгани ва уни ахтараетганини айтади. Ва Саодат акаси билан бирга Ғози Юнуснинг шаҳар советига қарашли бинодаги уйига йўл олади: тоғаси шу кезларда Ғози Юнуснинг уйига келиб тушган экан.

Ака-ука Коммунал кўчасидаги 10-уйнинг эшигини келиб қоққанларида, эшикни уй эгаси эмас, балки амалкиси очади. У жиянларини уйга таклиф этиб, айвонга бошлаб келади. Айвонда эса Ғози Юнусдан ташқари, яна бир одам бўлиб, маълум бўлишича, у Чўлпон экан.

Чўлпон нотаниш меҳмонларни кўриши билан:

— Булар ким бўлади? — деб сўради хавотирлик билан.

— Жиянларим, — жавоб беради Саодатнинг тоғаси.

Шундай кейин Ғози Юнус меҳмонларни дастурхон атрофига ўтказиб, уларга чой узатади.

«Биз чой ичар эканмиз, — деб маълумот беради Саодат Содиқов, — уй эгаси Ғози Юнус, Чўлпон ва тоғам ўртасида суҳбат бўлиб ўтади. Суҳбатнинг дастлабки мавзуи СССР давлат савдосидаги аҳвол эди. Ғози Юнус ушбу суҳбат пайтида СССРдаги давлат савдосига баҳо бериб, ҳозир дўконларимизда харидорлардан кўра сотувчиларнинг кўплиги тўғрисида гапирди, сўнг кўшиб қўйди: «Чор Русиясида савдо яхши йўлга қўйилган эди. Ҳозир Японияда ҳам савдо ишлари чакки эмас. Бир-икки киши қанчадан-қанча одамларнинг ҳожатини чиқаради». Ғози Юнуснинг далилларига тоғам ҳам, Чўлпон ҳам рози бўлишди...

Суҳбат СССРдаги почта ишини ҳам четлаб ўтмади. Тоғамнинг нега Тошкентга таътил пайтида келганлиги ҳақидаги саволига берган жавобим бунга сабабчи бўлди. Мен илтимос қилган бўлса ҳам, Ғози Юнусга пулни юбормаганларини ва газеталарнинг ўз вақтида етиб келмаслигини айтган эдим. Аммо суҳбат мавзуи кутилмаганда кенгайиб кетди. Ғози Юнус бу сафар ҳам эски Чор Русиясидаги, шунингдек, Япониядаги почта ишларини мақтаб, у ерларда бу иш, айниқса, почта тармоқлари иши яхши йўлга қўйилган, деди...

Бу уч киши, яъни тоғам, Чўлпон ва Фози Юнус ўртасида бўлиб ўтган суҳбатда наشريёт ва кутубхона ишлари ҳам четда қолмади. Чўлпон бу масала бўйича сўзлаб, бир ёзувчининг Германияга қилган сафари билан боғлиқ ҳодисани айтиб берди. Бу ёзувчи Германияда бўлганида Берлин кутубхоналаридан бирига кириб, у ердаги ибрат олишга арзирли ишларни кўриб, ҳайратга тушипти. Бу ёзувчининг Ўзбекистонда миллий маданиятнинг равнақи, миллий кагрларнинг ўсиши, шунингдек, нашр ишларининг ҳам йўлга қўйилгани тўғрисидаги сўзларини эшитган кутубхона директори гўё Чўлпоннинг «Тонг сирлари» асарини китоб жовонидан олиб кўрсатган эмиш. Қизиғи шундаки, бояги ёзувчи СССРга қайтганидан кейин қизиқиб кўрса, ўзбек шоирининг бу китоби ҳали ҳам кутубхоналарга етиб бормаган экан. Шундан кейин Чўлпон Германияда кутубхоналарни янги китоблар билан таъминлаш иши СССРга қараганда бир неча баравар яхши йўлга қўйилганини айтди...»

Бу ҳозирча озодликда юрган, эркин нафас олаётган шоир ҳақидаги энг сўнги хотирадир.

\* \* \*

13 июль куни тонг саҳарда Дзержинский кўчасида жойлашган 49-уйдаги 2-хонадон эшиги хунук тақиллади. НКВД ДХБ<sup>1</sup> 4-бўлими бошлиғининг ёрдамчиси, д/х кичик лейтенанти Маврин Абдулҳамид Сулаймоновни қамоққа олиш тўғрисидаги ордерни кўрсатиб, маҳбуснинг паспортини беришларини сўради. Шу орада унинг шериги уй бошқармасининг бошлиғи Г. Р. Кононенкони топиб келиб, уйни тинтув қилишга киришди.

Кўп ўтмай, тинтув ҳақидаги ҳужжат ҳам расмийлаштирилди. Унда қуйидаги нарсалар қайд этилган эди:

- 1) хатлар, очма хатлар, турли ёзишмалар — бир тугун;
- 2) бошланган роман қўлёзмаси ҳамда босилган ва босилмаган шеърлар;
- 3) «Турк тили луғати»нинг Истанбул нашри;
- 4) Коҳирада нашр этилган журнал;
- 5) блок-нотлар — 7 дона;

<sup>1</sup> Давлат хавфсизлиги бошқармаси.

- 6) блок-нотлар — 4 дона;
- 7) паспорт;
- 8) туркча патефон лаппаклари — 13 дона;
- 9) турли китоблар.

Ушбу қайдномада кўрсатилган барча нарсалар Чўлпон билан бирга ўша куниеқ олиб кетилди.

Чўлпон шу кундан бошлаб НКВД ертўласида ўлимга маҳкум этилган маҳбус янглиғ сўнгги соатларини кутиб яшай бошлади.

Ўша мудҳиш куннинг эртасига Чўлпон иштирокида маҳбуслик анкетаси қуйидаги тартибда тўлдирилди:

- 1) Фамилияси — Сулаймонов.
- 2) Исм-шарифи — Абдулҳамид Сулаймонов.
- 3) — 1897, Фарғона вилояти, Андижон шаҳри.
- 4) — Тошкент, Дзержинский кўчаси, 49, 2-қв.
- 5) — ёзувчи.
- 6). — Ишчилар матбуоти уюшмаси аъзоси (ёзувчи).
- 7) .....
14. Ижтимоий келиб чиқиши — отаси газмол савдогару бўлган.  
.....
21. — диабет ва асаб касаллиги билан оғриган.  
Хотини Екатерина Ивановна Сулаймонова, 30 (ёш), уй бекаси, эри билан туради.  
Синглицу Фозила Сулаймонова, 30 (ёш), уй бекаси, Андижон, Билдин кўчаси, 92.  
Синглицу Фоиқа Сулаймонова.

Орадан яна бир кун ўтгач, 15 июль куни Бодягин фуқаро Борисенко иштирокида маҳбусни тинтиб, ундан қуйидаги нарсаларни олиб кўяди:

- 1) паспорт — қамоққа олиш пайтида олинган;
- 2) ингичка камар;
- 3) 45 сўм пул.
- 4) 339612 рақамли оқ маъдандан ясалган соат;
- 5) № сиз «Олимпиада» нишони.

\* \* \*

Чўлпон қамоққа олинишидан бир-икки кун илгари «Ҳамза» номидаги Ўзбек Давлат академик театри ижодий жамоасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ижодий жамоа Чўлпоннинг «Ҳамза» театри билан боғлиқ бутун фаолиятини аксилинқилобий ва миллатчилик руҳида-



ги фаолият сифатида баҳолади ва шоирни кескин қора-  
лаб чикди.

Ўша куниёқ «Ҳамза» театрининг директори драма-  
тург Зиё Саид давлат маблағини Чўлпон каби аксилин-  
қилобий унсурларга совургани учун партия сафидан  
ўчирилди ва, кўп ўтмай, қамоққа олинди.

Зиё Саид иши юзасидан олиб борилган терговда  
театрнинг машҳур режиссёрларидан бири бундай  
кўргазма берди:

*«Зиё Саидов Чўлпон, Санжар Сиддиқ, Сафаров На-  
зиркул, Муҳаммадҷонов Мўмин, Фитрат ва бошқа та-  
ниқли миллатчиларни театрга ишга мунтазам равишда  
жалб этиб келди ва шу йўл билан уларга моддий ёрдам  
кўрсатди. Зиё Саидов 1933 йилдан бошлаб Чўлпонни  
иш билан таъминлаб, унга аванс тарзида 500 сўмча  
пул берди. Чўлпон шу маблағни олгани учун Валидов-  
нинг ғоявий жиҳатдан зарарли деб топилган ва саҳна-  
дан олиб ташланган «Бахт йўли» пьесасини таржима  
қилди ва қайта ишлаб берди. Чўлпоннинг «Ҳижрат»  
пьесаси эса кўрикдан кейиноқ саҳнадан олиб ташлан-  
ди, аммо Зиё Саидов шу пьеса учун ҳам 3—4 минг сўм  
микдорига пул олиб берди».*

ЎзССР ХКС қошидаги Санъат ишлари бошқарма-  
сининг ЎзК(б)П Октябрь тумани кўмитаси котиби Ва-  
лиев номига йўлланган махфий хатидан:

*«...1936 йили Зиё Саидов Валидовнинг «Бахт йўли»  
пьесасини қўйишга қарор қилиб, артисткалар Маъсу-  
ма Қориева ва Сора Эшонтўраевани постановкачи  
қилиб белгилади. Бу постановкачилар режиссёр сифа-  
тида заиф бўлганлари учун Зиё Саидов уларга синов-  
дан ўтган совет режиссёрларини бириктириш ўрнига  
таниқли миллатчи Чўлпонни театрга яқинлаштириб,  
бу пьесага маслаҳатчи қилиб белгилади. Ўз-ўзидан маъ-  
лумки, Чўлпоннинг «маслаҳатлари»и тез орада ўз «са-  
мара»сини бериб, пьеса ғоявий жиҳатдан зарарли асар  
сифатида театр саҳнасига чиқарилмай, олиб ташлан-  
ди. Менга айтишларича, постановкачилар Чўлпон би-  
лан ишлай олмасликлари ҳақидаги масалани кўтарган-  
лар, аммо Зиё Саидов бундай мутахассисни жалб этиш  
лозим, деб оёқ тираб олган».*

«Ҳамза» театри Чўлпон қамоққа олинмасидан ил-  
гариеқ сиёсий идора талаби билан 1934—1937 йиллар-  
да Чўлпонга берилган маблағ тўғрисида бундай маълум-  
отни тайёрлаб берган:

## Маълумотнома

Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат Академик театридан ўр. Чўлпонга 6 та пьеса учун 1934—1936 йиллар бўйича берилди:

1934 й. «Ҳамлет» пьесаси бўйича қайта ишланган материал учун	500 сўм
1935 й. «Егор Буличев» пьесасининг таржимаси учун	1000 сўм
«Қон ва севги» пьесасининг таржимаси учун	1802 сўм
	50 (тийин)
1936 й. «Ҳижрат» пьесаси учун	400 сўм
	Жаъми: 4502 сўм
	50 (тийин)

5/VII 37.

Бухгалтер (имзо)

1937 йил сентябрининг бошларида академик театрининг 1934—1938 йиллар репертуарида бўлган 24 та таржима ва 2 та оригинал асар олиб ташланди, шунингдек, саҳналаштирилаётган 7 та пьеса ғоясиз ва ғайрибадий асар сифатида чиқариб ташланди. Бу асарлар орасида Чўлпон таржима қилган Билль-Белоцерковскийнинг «Пўртана», Гоццининг «Маликаи Турондот», Шекспирнинг «Ҳамлет», Глебовнинг «Зағмуңд» ва «Улғайиш», Поливановнинг «Сигнал», Файконинг «Портфелли киши», Ивановнинг «14—69 рақамли бронопоезд», Фурмановнинг «Исён», Горькийнинг «Егор Буличев ва бошқалар», шунингдек, «Рустам» пьесаси бор эди.

\* \* \*

Чўлпоннинг қамоққа олинганлиги тўғрисидаги хабар бир зумда тарқалди. Орадан кўп ўтмай, Екатерина Ивановна ҳам «халқ душмани»нинг хотини сифатида қамоққа олинди. Ҳадик булути қоплаган Тошкентда улуғ шоир ҳолидан хабар оладиган, унинг тақдири билан қизиқадиган, унга бир бурда нон ёки хапдори киргизадиган одам қолмади.

Ўша кунларими ё кейинроқми, Андижондан Маҳзум почча Тошкентга етиб келди. Не-не қийинчилик-

лар билан НКВД биносидаги навбатчига яқинлашди. Аммо ундан нарига ўтолмади. «Судгача кўриш ҳам, ундан хат-хабар олиш ҳам мумкин эмас», деди у. Маҳзум почча хаста шоирнинг ҳатто тирик ёки ўликлигини ҳам билолмай, йиғлай-йиғлай юртига қайтиб кетди.

\* \* \*

Чўлпон қамоққа олинганининг ўнинчи куни Оғабеков томонидан биринчи марта сўроққа чақирилди. 10 август ва 25 сентябрдаги иккинчи-учинчи сўроқларни Трифулов, 2 октябрдаги тўртинчи сўроқни эса Копосов олиб борди. Сўнг Чўлпон Ғози Олим Юнусов (1938 йил 1 октябрда) ва Фитрат (1938 йил 2 октябрда) билан юзлаштирилди. Ниҳоят, 1938 йил 29 сентябрда бўлиб ўтган сўроқда Чўлпон аксилинқилобий ташкилот ишида қатнашганлиги ҳақидаги кўргазмаларини тасдиқлаб, қўл қўйди.

Бу сўроқ қайдномаларини ўқир экансиз, бечора шоирнинг ҳар қандай аҳмоқона сиёсий айбларни бўйнига олганини кўриб, ҳайратта тушасиз. НКВДдаги халқ душманлари билан курашишга, ҳатто ўзини ҳимоя қилишга ҳам заррача кучи қолмаган хаста шоирнинг мудҳиш ертўлада фақат бир ният билан — бу азоб ва ҳақоратлардан, разил большевизм дастидан ўлиб бўлса-да тезроқ қутулсам, деган ният билан яшагани аён кўриниб туради.

\* \* \*

Ғози Юнуснинг хотини Хадича Алиеванинг хотирасидан:

*«1937 йил 20 октябрь эрталаб соат 8 ларда эшик тақиллади. Очганимни биламан — 9—10 милиция ходими, булардан бошқа яна 2—3 киши оддий фуқаро кийимида. Ҳаммаси ёпирилиб уйга киришди-ю эшикни маҳкам ёпиб олишди. Шулардан бири дағдаға билан гап бошлади:*

- *Уйда сиздан бошқа ким бор?*
- *Болаларим.*
- *Улар қани?*
- *Чой ичишяпти.*
- *Қаерда?*
- *Овқатхонада.*
- *Кўрсатинг!*

— Хўп.

Мен уларни бошлаб болалар овқатланашаётган хонага олиб кирдим. Қизларим сакраб туриб, чайнаб турган нони билан салом беришди. Салом жавобсиз қолди.

— Гап бундай. Сизлар бугундан бошлаб қамоққа олинасизлар. Шунинг учун ҳар бирингиз ўзингиз кўтарга оладиган даражада кийим-кечак, кўрпа-ёстиқ олинлар. Таомлардан ҳеч нарса олманлар. Эҳтимол, сўроқ қилиб қайтариб юборишар, — деди ҳалиги гап бошлаган.

Кўйлак, либос ва бир донадан кўрпа-ёстиқ олдик. Мен мабодо «учраб қолса берарман», деб эримнинг костюмини олдим. Эрим 6 августда қамоққа олиб кетилганда битта кўйлақда кетган эди.

Мени Тоштурмада олиб қолиб, қизларимни бақиртириб, бошқа жойга олиб кетишди. Камерага киришган олдин қилинадиган ишлардан кейин камерага киритишди. Кириб қарасам, тўла аёллар. Буларнинг ярмидан кўпини танийман... Аёллар орасига Собира Холдорова, Файзулла Хўжаевнинг хотини, хуллас, жамоат жам. Чўлпон аканинг хотини Катенка югуриб келиб мени кучоқлаб олди. Чунки у мени яхши биларди. Москвага борганимизда Чўлпон аканинг уйида меҳмон бўлганмиз ва мен шу ерда тургандим. Улар Тошкентга келишса, бизнинг уйимизда туришарди. Борди-келдимиз куюқ эди.

Бир куни терговга олиб борганда Ашурали Зоҳирийни ҳам олиб кетишаётган экан, таниб қолдим. Кўришдик, сўрашдик. Менга сабр-тоқат тиладилар. Домладан (Ғози Юнусдан — А. А.) бошқа ҳаммамиз бир жойдамиз», — дедилар. Кўнглим равшанлашгандай бўлди.

Бир куни олиб келган одам кормушкадан «Хадича опа ким?» деб сўради. Мени кўрсатишди. Галим келиб, тоғорачани овқатга тутаётганимда секин-аста бир неча букилган қоғоз ҳам берди. Собира Холдорова дарров қўлимдан олди. Бу Чўлпон аканинг менга ва мен билан бирга бўлган ўзбек аёлларига атаб ёзилган шеъри экан. Чўлпон ака Катянинг шу камерада эканини билмасди. Шеърда бизларни замона қаҳрамонлари қилиб кўрсатган, шаънимизга самимий мадҳиялар айтиб, кўнглимизни кўтарган. Собира Холдорова ўзининг жангдор овози билан мазкур шеърни кетма-кет, бир

неча марта шоирона қилиб ўқирди. Бизлар роҳатланиб, завқ билан эшитардик».

Бу тирик Чўлпон ҳақидаги энг охирги хотира.

1937 йил 16 декабрь куни маҳаллий, 1938 йил 3 октябрь куни эса марказий НКВД раҳбарлари томонидан тасдиқланган айбномага кўра, Сулаймонов Абдулҳамид (Чўлпон):

а) аксилнқилобий миллатчилик ташкилотининг аъзоси бўлиб, Шўро давлатини ағдаришга ва Ўзбекистон ҳудудида буржуа тузумини барпо этишга қаратилган зарарли ишларни фаол олиб борган;

б) 1913 йилдан бошлаб Шўро давлатига қарши аксилнқилобий кураш йўлига ўтган; «Иттиҳод ва тараққий», «Миллий иттиҳод», «Миллий истиқлол» аксилнқилобий ташкилотларида аъзо бўлган. 1920—22 йилларда Фарғона водийсидаги босмачилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири бўлган.

Троцкийчилар ва ўнглаб билан иттифоқда ҳаракат қилган, ҳозир тугатилган аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти таркибида шу ташкилот топшириқлари асосида маориф ва адабиёт органларида аксилнқилобий ишни олиб борган;

в) ташкилот топшириғи билан Шўро ҳокимияти ва рус халқига қаратилган аксилнқилобий миллатчилик руҳидаги кескин асарларни ёзган;

г) 1931 йилдан бошлаб бир чет эл разведкаси агенти билан алоқа ўрнатиб, ССР Иттифоқи ХКС аппаратида ишлаётган пайтида жосуслик ишларини олиб борган;

д) чет эл разведка органларининг агентлари — Шоҳид Эсон Мусаев, Ғози Олим Юнусов ва Фитрат билан алоқада бўлган.

Бор-йўғи ҳурриятни куйлаган, ўз халқининг эмин-эркин яшашини орзу қилган шоирга шундай сиёсий айблар қўйилди.

Шўро давлати НКВДдаги жаллодлари ёрдамида моҳиятига кўра ўта даҳшатли, тарих ҳақиқатига қиёсланганда эса қора тухматдан иборат шундай айбномани бичиб тўқибгина қолмай, мусичадек беозор инсондан, минг хил жисмоний ва руҳий қийноқлар билан уни тасдиқлатиб ҳам олди.

1938 йил 4 октябрь куни, тонг саҳарда, Тошкент шаҳрининг хилватли масканларидан бирида улўф ўзбек шоири хоинларча отиб ташланди.

Улуф халқнинг сеvimли шоири, истиқлол учун ку-  
рашчи Чўлпоннинг азоб ва уқубатдан иборат ҳаёт йўли  
шу тарзда тугади.

\* \* \*

Шоир шу кундан ўн етти йил муқаддам ёзган бир  
шеърда бундай деган эди:

Кулган бошқалардир, йиғлаган менман,  
Ўйнаган бошқалар, инглаган менман.  
Эрк эртақларини эшитган бошқа,  
Куллик қўшиғини тинглаган менман...

Бошқада қанот бор, кўкка учадир,  
Шохларга қўнадир, боғда яйрайдир.  
Сўзлари садафдек, товуши найдек  
Куйини ҳар ерда элга сайрайдир.

Менда-да қанот бор, лекин боғланган..  
Боғ йўқдир, шох йўқдир, қалин девор бор;  
Сўзлари садафдек, товуши найдек  
Куйим бор, уни-да деворлар тинглаар...

У НКВД ертўласида ётганида, эҳтимол, шу шеърни,  
унинг ўша пайтдаги тутқун ҳолатига эш сатрларини  
эслаган ва ҳаёти ўзи башорат қилган мудҳиш манзара  
асосида кечаётганидан ўксинган, афсусланган ва шўр  
қисматга гирифтор бўлгани учун дунёга келганига минг  
қатла пушаймон бўлгандир.

Лекин бугун у шўро даврининг тош-метин девор-  
ларини ёриб, қор остидан алвон япроқлари билан  
кўринган лоладек, ўзининг маъюс, аммо нурли чеҳра-  
си билан қалбимиз ва уйимиз тўридан жилмайиб ту-  
рибди.

## СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Чўлпон бошига тушган савдолар оқ ва қизил мустамлакачилар даврида ўзбек халқи бошига тушган савдоларнинг бир қисмидир, холос. Мустабид тузум бу даврда халқнинг бир фарзандини иккинчисига қарши гижгижлади, унинг устидан чақувномалар ёзишга, унинг ҳар бир қадамидан кўз-қулоқ бўлиб туришга, лозим бўлганда эса тубсиз жар ёқасига элтишга мажбур этди.

«Divide et impera». «Парчалаб ташла ва ҳукмронлик қил» — барча замонларда мустамлакачиларнинг шиори шу сўзлар бўлган.

Чор ва Шўро ҳокимиятлари ҳам шу маънода истисно бўлмади. Аксинча, улар, бошқа мустамлакачи давлатлардан фарқли ўлароқ, халқ ўртасига муттасил равишда низо уруғларини сепиб, унинг ақли, виждони, ор-номуси ва келажаги бўлган кишиларни узлуксиз суратда маҳв этиб келди.

Ўзбек халқи ХХI аср бўсағасида қўл-оёқларидаги кишанлардан халос бўлиб, ўзининг мустақил давлатини қайта барпо этишга киришди. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидов, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий сингари истибод қурбонлари шу кунларга етишни орзу қилган, шу йўлда курашган ва шу йўлдаги курашга ўз ҳаётларини бахшида қилган эдилар.

Чўлпон ана шу фидойи авлоднинг бундан кейин ҳам порлоқ тимсоли бўлиб қолади.

Камина ушбу китобни ёзишда Чўлпонни кўрган ва билган қариндошлари, ёр-биродарлари, шогирдлари, умуман, замондошлари хотираларига кўпроқ суяндим. Бугун уларнинг аксари дунёдан ўтиб кетди. Улар Чўлпон ҳаётлик пайтида унга қарши хатти-ҳаракат қилишганми, чақувномалар ёзишганми, — бугун бунинг у қадар аҳамияти йўқ. Улар ўз хотиралари билан Чўлпон ҳақидаги ҳақиқатни озми-кўпми тиклашга ёрдам берганлари учуноқ ҳурмат туйғусини қозонганлар.

Охиратлари обод бўлсин, у дунёда Чўлпон руҳи билан ёруғ юз ила кўришсинлар, илойим.

Шак-шубҳасиз, ушбу китоб мукаммалликдан анчамунча узоқ, Ундаги айрим фикрлар Чўлпон ҳаёти фактларига зид келиши ҳам мумкин. Шоир ҳаётининг ҳали ўрганилмаган ва номаълум бўлиб қолаётган саҳифаларини тўғри ёритишда бизнинг кучимиз етмаган бўлиши табиий. Хуллас, ушбу китобдаги барча нуқсон ва хатолар учун каминанинг бир қошиқ қонидан кечасиз, деб умид қиламан.

Мен ушбу сўзларни ёзаётган пайтимда ўзбек кузи Дўрмондаги Ёзувчилар боғида сарин шабадалари билан кезиб юрибди. Дарахтлардаги тилла баргларнинг шовуллаб, ерга шошмасдан, гир-гир айланиб тушаётганлари эса ер устидаги хазонларга қўшилиб, видолашув қўшиғини айтишмоқда...

*«...Тала ва гулзорларда қизил гуллар очилган, ҳар томонда чечаклар кулган, уларнинг кўпи сўлишга ҳам юз тутган, лекин ҳаммасининг кўзи кўм-кўк осмонда, олтин қуёшда, уларнинг барқут баргчалари ширин ҳигларини тарқатиб шитирлашадилар, илиқ, мовий ва хуш ислар билан тўлиб ётган ҳавода эркаловчи бир қўшиқ оҳистагина қанот қоқиб келади:*

Гўзал-гўзалдир  
Сўлган чоқда ҳам;  
Бизлар севамиз  
Ўлган чоқда ҳам.

*Кундуз келди.*

*Кун ойдин, болалар, турмушингизда чиройли кунлар кўп бўлсин, болалар!..»*

Ҳа, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидаги Кундуз келди. Кундузингиз хайрли бўлсин, азизлар!

Видолашувсиз эса қайта учрашиш, қайта туғилиш бўлмайди.



## ЧЎЛПОН ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ САНАЛАРИ

**1898 йил** — Чўлпон Андижоннинг Қатортерак маҳалласида дунёга келди.

**1912—1914 йиллар** — Чўлпон мадраса таълимини олгандан сўнг рус-тузем мактабида ўқиди.

**1914 йил, 18 январь** — «Ойина» журналида Чўлпоннинг илк хабари эълон қилинди.

**1914 йил, 18 апрель** — «Садои Туркистон» газетасида Чўлпоннинг «Туркистонли қардошларимизга» номли илк шеъри эълон қилинди.

**1914 йил** — Чўлпон вақтинча Тошкентга кўчиб келди.

**1914 йил, 29 апрель** — «Садои Туркистон» газетасида Чўлпоннинг «Қурбони жаҳолат» номли илк ҳикояси матбуот юзини кўрди.

**1917 йил, 26—30 ноябрь** — Туркистон Мухторият ҳукуматининг мадҳияси — Чўлпоннинг «Озод турк байрами» шеъри майдонга келди.

**1918 йил, февраль** — Туркистон Мухторият ҳукумати тугатилгач, Чўлпон З. Валидий таклифи билан Оренбургга бориб, Бошқирдистон Мухторият ҳукуматида ҳукумат раиси котиби вазифасини адо этди.

**1919—1920 йиллар** — Чўлпон — «Янги Шарқ» газетасининг адабий ходими.

**1919—1921 йиллар** — Чўлпон — «Чигатой гурунги» адабий ташкилоти аъзоси.

**1919—1921 йиллар** — Чўлпон — «РусТА» («РўсТО») деворий газетаси муҳаррири.

**1919 йил** — Чўлпон — «Иштирокиюн» газетасининг адабий ходими.

**1920 йил, июль** — Чўлпон — Маориф комиссарлиги қошидаги Илмий кенгаш (1921 йил январидан Ўлка ўзбек билим ҳайъати) раиси.

**1920 йил, 24 ноябрь** — «Ёрқиной» пьесаси «Халқ уйи» саҳнасида намоиш этилди.

**1921 йил, май — 1922 йил, январь** — Чўлпон — «Бухоро ахбори» газетаси муҳаррири.

**1921—1923 йиллар** — Чўлпон «Турон» (кейинчалик Ўлка ўзбек намуна драма театри) директори.

**1922 йил** — шоирнинг «Уйғониш» ва «Булоқлар» номли илк шеърий тўпламлари нашр этилди.

**1922 йил** — Чўлпон — Ўзбек Илмий ҳайъати раиси.

**1922 йил, август** — Чўлпон «Қизил байроқ» ва «Туркистон» газеталари таҳрир ҳайъати аъзоси, «Инқилоб» журнаlining адабий ходими.

**1923 йил, январь** — Чўлпон «Нашри маориф» ташкилотининг асосчиларидан бири.

**1923 йил, февраль** — Чўлпон — «Муштум» журнаlining таҳрир ҳайъати аъзоси.

**1923 йил, май — сентябрь** — «Чўлпон — «Дархон» газетасининг техник муҳаррири ва адабий ходими.

**1923 йил, октябрь** — Чўлпоннинг Солиҳа исмли қизга уйланиши.

**1923 йил, октябрь — 1924 йил** — Чўлпон — «Фарона» газетасининг адабий ходими.

**1924—1927 йиллар** — Чўлпон Москвада ташкил этилган Ўзбек драма студиясининг адабий эмақдоши.

**1926 йил** — шоирнинг «Тонг сирлари» тўплами нашр этилди.

**1927 йил** — Чўлпон Ўзбек давлат драма труппасининг адабий эмақдоши.

**1931 йил охири — 1934 йил охири** — Чўлпон Москвага кўчиб бориб, СССР Халқ Комиссарлари Кенгаши ва Шарқ халқлари марказий нашриётида таржимон лавозимида хизмат қилади.

**1932 йил** — Чўлпон Екатерина Ивановна Сулаймонова (Токарева)га уйланади.

**1935 йил** — Чўлпон Тошкентга кўчиб келиб, «Муштум», «Гулистон» журналлари ва «Театру» газетасида жамоатчилик асосида хизмат қилади.

**1935 йил, 11 февраль** — «Ҳамлет» спектаклининг (Чўлпон таржимаси) премьераси.


**1935 йил** — Чўлпоннинг «Соз» шеърлар тўплами нашр этилади.

**1936 йил** — «Кеча ва кундуз» романининг 1-қисми («Кеча») нашр этилади.

**1937 йил, 13 июль** — Чўлпоннинг қамоққа олиниши.

**1938 йил, 4 октябрь** — Чўлпон Тошкентда «халқ душмани» ва чет эл жосуси сифатида отиб ташланади.

## ЧЎЛПОН ШАЖАРАСИ



## МУНДАРИЖА

Дебоча . . . . .	3
------------------	---

### *Биринчи фасл. УЙҒОНИШ*

Зилзила . . . . .	5
Сабоқ . . . . .	15
Илм истаб... . . . .	26
Илк қадамлар . . . . .	35
Тонг юлдузи . . . . .	54
Февраль инқилоби . . . . .	66
Мухторият . . . . .	80
Ишқий изтироблар . . . . .	90

### *Иккинчи фасл. БУЛОҚЛАР*

Ишқий изтироблар ( <i>гавоми</i> ) . . . . .	95
Давр манзаралари . . . . .	105
Замзама . . . . .	122
«Чиғатой гурунги» . . . . .	130
«Қизил Шарқ» поезди . . . . .	138
«Бухоро ахбори» . . . . .	149
Балжувон . . . . .	158
«Нашри маориф» . . . . .	164
Тилак йўлида . . . . .	171

### *Учинчи фасл. ТОНГ СИРЛАРИ*

Тилак йўлида ( <i>гавоми</i> ) . . . . .	179
Чўлпоннинг «Фарёд»и . . . . .	184
«Дархон» . . . . .	193
«Сомон парча» . . . . .	206
Вайроналар орасида . . . . .	215
Кўгарт водийси . . . . .	222
Шифо истаб... . . . .	228
Шафтоли ҳиди . . . . .	234
Дўстлар ва шогирдлар даврасида . . . . .	242
Илдизлар ва япроқлар . . . . .	250

### *Тўртинчи фасл. ОЙДИН КЕЧАЛАРДА*

Илдизлар ва япроқлар ( <i>гавоми</i> ) . . . . .	256
Ўзбек драмстудияси . . . . .	264
Москвадага муҳит . . . . .	279
Қалдирғочларнинг қайтиши . . . . .	297
Чўлпон театри . . . . .	309
Турсуной . . . . .	319

«Хужум» . . . . .	327
Самарқанд хотиралари . . . . .	336
Совуқ шамоллар . . . . .	353

**Бешинчи фасл. ҚОР ҚЎЙНИДА ЛОЛА**

Совуқ шамоллар ( <i>давоми</i> ) . . . . .	359
Дўстлар ва душманлар қуршовида . . . . .	367
Яна Москвада . . . . .	378
Вафо ва жафо расмлари . . . . .	387
«Ё ўлиш, ё қолиш...» . . . . .	396
Тошкентни қўмсаш . . . . .	404
Ёзилмаган қўшиқ . . . . .	413
Оғули кунлар . . . . .	421
Андижон сафари . . . . .	435
Сўнгги кунлар . . . . .	444
<i>Сўнгсўз ўрнида</i> . . . . .	455
<i>Чўлпон ҳаёти ва ижоди саналари</i> . . . . .	457
<i>Чўлпон шажараси</i> . . . . .	459

НАИМ КАРИМОВ  
ЧЎЛПОН  
*МАЪРИФИЙ РОМАН*

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2003

Муҳаррир *Н. Рустамова*  
Бадий муҳаррир *М. Самойлов*  
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*  
Компьютерда саҳифаловчи *Т. Огай*  
Мусахҳиҳ *Ю. Бизаатова*

Теришга берилди 11.11. 2002. Босишга рухсат этилди. 26.02.03.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли  
босма табоғи 24,4. Нашриёт-ҳисоб табоғи 24,8. Адади 3.000 нусха.  
Буюртма № 4247. Баҳоси келишилган нарҳда

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси**  
**босмаҳонаси. 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41**